

Болалар кутубхонаси



ЭРКИН БОЛАЛИК
МАЛИК ВА О'СМИРЛИК
КУЧАЛАРИ



ERKIN BOLALIK
MALIK VA O'SMIRLIK
KO'CHALARI

1
КИТОВ

BIRINCHI VA IKKINCHI KITOBLAR
JAMLANMASI

16+

Болалар кутубхонаси



ЭРКИН БОЛАЛИК
МАЛИК ВА О'СМИРЛИК
КУЧАЛАРИ



ERKIN BOLALIK
MALIK VA O'SMIRLIK
KO'CHALARI

1
KITOB

BIRINCHI VA IKKINCHI KITOBLAR
JAMLANMASI

„O'QITUVCHI“ NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI
TOSHKENT – 2019

UO'K. 821.512.133-3
KBK 84 (50)'6
M 22

Aziz o'quvchilar! Sir emas, bugungi kunda aksariyat kattalar kirill, bolalar esa lotin imlosida badiiy asarlar o'qiydilar. Shularni hisobga olib, Sizlarga ajoyib va g'aroyib bitta asarni bitta muqovada, ikki imlodada taqdim etyapmiz. Niyat – kitob jim turmay qo'lma-qo'l bo'lib, xizmatigizda bo'lsin. Bu uslubning qulayliklari ko'p. Avvalo, kattalar yosh bolalarga kitobni o'qib berishlari mumkin. Yana imlolarni bir-biriga qiyoslab savodxonlikni ham oshirsa bo'ladi. Xullas, nashriyotimiz Sizning xizmatigizda. Ushbu kitobning shiori: „BUGUNNING QADRIGA YETMOQ UCHUN KECHAGI KUNNI BILMOQ KERAK!“

Bolalar kutubxonasi



QAYLARDASIZ, ONAJON



QAYLARDASIZ,
ONAJON

SAMARQANDIYOT SODIYOT
VA SERVIS INSTITUTI
KUDROT RESURS MARKAZI

№ 63336

*Бахтсизлик мени юксалтирди.
Бахтсизлик ичида бахтни топдим.
Шундай экан, ҳақиқий бахтни ҳис
қилишга сабабчи бўлган бахтсизлик
аслида бахтдир.*

Тоҳир Малик

У ҚАНДАЙ БОЛАЛИК ЭДИ?

Фарзандларим ёш, ўйинқароқ пайтлар эди. У вақтларда ҳозиргидек китоблар, қўша-қўша телеканаллар, компьютерлар қайда дейсиз? Кеч кирди дегунча эртақ айтиб беринг, деб хархаша қилишарди. Албатта, уйқу олдидан девлар, жинлар, аждарҳолар ҳақидаги эртақларни айтиб бўлмасди. Тушларига кириб, босинқирашларини хоҳламасдим. Бундайроқ эртақларни эса айтавериб ўзимнинг ҳам кўнглимга тегиб кетган эди.

Кунлардан бир кун таваккал қилиб болалигим ҳақида эртақ бошлаб юбордим. Бу эртақ узоқ давом этгани, тингловчиларим кеч бўлса ҳам ухламай, ишдан келишимни сабрсизлик билан кутганлари эсимда. Албатта, менинг эртақларимни оғиздан-оғизга ўтиб юрадиган машҳур эртақларга қиёслаб бўлмасди. Улар менинг назаримда ҳар бир инсон ҳаётида кечиши мумкин бўлган оддий воқеалар эди. Лекин таъсири бошқача бўлаётганини сезардим. Тингловчиларим кундан кунга босиқ, мулоҳазали, катталарга эътиборли, айниқса, нон, ош-овқат, кийим-кечакларини қадрлайдиган бўлиб борардилар...

Ҳаш-паш дегунча дунё-ю дун бир айланди-ю, неваралар дунёга келди. Энди невараларимнинг болалиги на бобосининг, на ота-онасининг болалигига ўхшайди. Бўш вақтларини бекор ўтказишга қўймайдиган нарсалар чор атрофда тўлиб-тошиб ётибди. Интернет, компьютер кафелари дейсизми... Яна алламбалолар, ҳатто қўл телефонигача... Бироқ невараларимга ҳам болалигимни гапира бошласам, ҳамма нарсани четга суриб, оғзимга қарайдиган бўлиб қолишди. Кўз қарашларидан сезаман: "Наҳотки шундай бўлган?" Ёшим бир жойга борганда шуни билдимки, биз кексалар ўз болалигимиз хотираларини ўзимиз билан олиб кета олмас эканмиз. Ажабо, бизнинг болалигимиз қандай ўтган экан?

АЧА ХОЛА ВА РАДИОКАРНАЙ

Менинг узундан узун кунларим шундай бошланарди... Ҳовлимиздаги қари марвартак тутга михланган, ўздан-ўзи тинимсиз



*Baxtsizlik meni yuksaltirdi. Baxtsizlik
ichida baxtimni topdim. Shunday ekan,
haqiqiy baxtni his qilishga sababchi
bo'lgan baxtsizlik aslida baxtdir.*

Tohir Malik

U QANDAY BOLALIK EDI?

Farzandlarim yosh, o'yinqaroq paytlar edi. U vaqtlarda hozirgidek kitoblar, qo'sha-qo'sha telekanallar, kompyuterlar qayda deysiz? Kech kirdi deguncha ertak aytib bering, deb xarxasha qilishardi. Albatta, uyqu oldidan devlar, jinlar, ajdarholar haqidagi ertaklarni aytib bo'lmadi. Tushlariga kirib, bosinqirashlarini xohlamasdim. Bundayroq ertaklarni esa aytaverib o'zimga ham ko'nglimga tegib ketgan edi.

Kunlardan bir kun tavakkal qilib bolaligim haqida ertak boshlab yubordim. Bu ertak uzoq davom etgani, tinglovchilarim kech bo'lsa ham uxlamay, ishdan kelishimni sabrsizlik bilan kutganlari esimda. Albatta, mening ertaklarimni og'izdan og'izga o'tib yuradigan mashhur ertaklarga qiyoslab bo'lmadi. Ular mening nazarimda har bir inson hayotida kechishi mumkin bo'lgan oddiy voqealar edi. Lekin ta'siri boshqacha bo'layotganini sezardim. Tinglovchilarim kundan kunga bosiq, mulohazali, kattalarga e'tiborli, ayniqsa, non, osh-ovqat, kiyim-kechaklarini qadrlaydigan bo'lib borardilar...

Hash-pash deguncha dunyo-yu dun bir aylandi-yu, nevaralar dunyoga keldi. Endi nevaralarimning bolaligi na bobosining, na ota-onasining bolaligiga o'xshaydi. Bo'sh vaqtlarini bekor o'tkazishga qo'ymaydigan narsalar chor atrofda to'lib-toshib yotibdi. Internet, kompyuter kafelari deysizmi... Yana allambalolar, hatto qo'l telefonigacha... Biroq nevaralarimga ham bolaligimni gapira boshlasam, hamma narsani chetga surib, og'zimga qaraydigan bo'lib qolishdi. Ko'z qarashlaridan sezaman: "Nahotki shunday bo'lgan?" Yoshim bir joyga borganda shuni bildimki, biz keksalar o'z bolaligimiz xotiralarini o'zimiz bilan olib keta olmas ekanmiz. Ajabo, bizning bolaligimiz qanday o'tgan ekan?

ACHA XOLA VA RADIOKARNAY

Mening uzundan uzun kunlarim shunday boshlanardi... Hovlimizdagi qari marvartak tutga mixlangan, o'zidan o'zi tinimsiz

жавраб ётадиган бир мўъжиза бор эди. Уни биз “карнай” деб атар эдик. У ҳамма хонадонларда ҳам бўлмасди. Тўғрироғи, қариқартанглар хоҳлашмасди. Карнай кирган жойга фаришталар кирмайди, дейишарди. Ростдан ҳам карнай бир гапга тушиб кетса, овозини ўчириб бўлмасди. Паккаси шаҳарнинг аллақайси жойида эди. Бир куни кўшнимиз Ача холаникига кириб, карнайдан урушга кетган аскарларни гапиряпти, десам, “Мениям аскар боламини гапириб қолармикан, ж-а-а ҳаяллаб кетди-ку, бўйинг чўзилгур”, – деб бошларига ёпинчиқларини ташлаб, шоша-пиша менга эргашдилар. Хола эркаги бор уй, деб бизникига чиқмас, карнай ҳақида мендан эшитган эдилар-у, аммо ўзини кўрмаган эдилар. Ҳовлига кирганимизда карнайда аёл киши гапирарди. Аввалига хола ҳушёр тортиб, овоз эгасини қидириб қолдилар. У ёқ-бу ёққа алангладилар. Кейин овоз марвартак тут барглари орасидан эшитилаётганини фаҳмлаб, ёпинчиқлари тагидан шу тарафга мўралай бошладилар. “Ажабми?” – деб тутнинг атрофини яна бир бор айланиб чиқдилар. Бўлмаса карнай қоп-қорайиб, шундоққина пешаналарида турибди. Овоз қора гардишдан чиқаётганини тасаввур қила олмаяптилар. Мен қотиб-қотиб куламан. У киши менга парво қилмайдилар. Гапириш навбати эркак кишига келиб қолди-ю... Хола: “Вой ўлай”, – деб юзларини тўсиб олдилар-да, тут тагидан нари кета бошладилар. Шу пайт кўшиқ бошланиб қолди. “Ҳилила ёрим, ҳилила...” Мен Ача холамга карнайни кўрсатиб, тушунтирмоқчи бўламан. Хола тушунмиш у ёқда турсин, эшитишни ҳам хоҳламадилар. Орқаларига қарамай шоша-пиша чиқиб кетдилар. Айтишларича, уйларига чиққандан кейин чатоқ бўпти. Намоз ўқисалар, нуқул: “Ҳилила ёрим, ҳилила...” – деб юборармишлар. У кишига кўшиқни шайтон айттирар экан-да. Хола мендан анчагача хафа бўлиб юрдилар. Бизникига чиққанларининг боши ҳам, охири ҳам шу бўлди. Аммо карнай мен учун бир ҳамроҳ эди. У саҳар мардондан ажиб бир овозда эркалаб, “Тур-рин-г... тур-рин-г... ту-у-рин-г...” деб сизсираб уйғотгандек бўларди. Овозини эшитиб, алланечук бўлиб кетаман. Нимага деганда мен бечорани Ача холаму шу карнайдан бўлак ҳеч ким сизламайди. Карнайнинг овозига салдаёқ одамни хаёлларга толдириб, йиғлоқи бир кўшиқ – мадҳия уланади: “Яша-а-а, эй улуғ рус халқи буюк оғамиз...” (У пайтда биз Русияга қарам эдик. Ҳар кунги ҳаётимиз шу кўшиқ билан бошланиб, шу кўшиқ билан якун топарди). Бирдан кўшиққа маҳалладаги итларнинг акиллашию хўрозларнинг қичқириғи кўшилиб, ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетади. Кўзларимни йириб-йириб, эришибгина тепамдаги бир кўзли дарчага тикиламан. Зах босган ҳуж-



javrab yotadigan bir mo'jiza bor edi. Uni biz "karnay" deb atar edik. U hamma xonadonlarda ham bo'lmasdi. To'g'rirog'i, qariqartanglar xohlashmasdi. Karnay kirgan joyga farishtalar kirmaydi, deyishardi. Rostdan ham karnay bir gapga tushib ketsa, ovozini o'chirib bo'lmasdi. Pakkasi shaharning allaqaysi joyida edi. Bir kuni qo'shnimiz Acha xolanikiga kirib, karnaydan urushga ketgan askarlarni gapiryapti, desam, "Meniyam askar bolamni gapirib qolarmikan, jaa hayallab ketdi-ku, bo'ying cho'zilgur", – deb boshlariga yopinchiqlarini tashlab, shosha-pisha menga ergashdilar. Xola erkagi bor uy, deb biznikiga chiqmas, karnay haqida mendan eshitgan edilar-u, ammo o'zini ko'rmagan edilar. Hovliga kirganimizda karnayda ayol kishi gapirardi. Avvaliga xola hushyor tortib, ovoz egasini qidirib qoldilar. U yoq-bu yoqqa alangladilar. Keyin ovoz marvartak tut barglari orasidan eshitilayotganini fahmlab, yopinchiqlari tagidan shu tarafga mo'ralay boshladilar. "Ajabmi?" – deb tutning atrofini yana bir bor aylanib chiqdilar. Bo'lmasa karnay qop-qorayib, shundoqqina peshanalarida turibdi. Ovoz qora gardishdan chiqayotganini tasavvur qila olmayaptilar. Men qotib-qotib kulaman. U kishi menga parvo qilmaydilar. Gapirish navbati erkak kishiga kelib qoldi-yu... Xola: "Voy o'lay", – deb yuzlarini to'sib oldilar-da, tut tagidan nari keta boshladilar. Shu payt qo'shiq boshlanib qoldi. "Hilila yorim, hilila..." Men Acha xolamga karnayni ko'rsatib, tushuntirmoqchi bo'laman. Xola tushunish u yoqda tursin, eshitishni ham xohlamadilar. Orqalariga qaramay shosha-pisha chiqib ketdilar. Aytishlaricha, uylariga chiqqandan keyin chatoq bo'пти. Namoz o'qisalar, nuqul: "Hilila yorim, hilila..." – deb yuborarmishlar. U kishiga qo'shiqni shayton aytirar ekan-da. Xola mendan anchagacha xafa bo'lib yurdilar. Biznikiga chiqqanlarining boshi ham, oxiri ham shu bo'ldi. Ammo karnay men uchun bir hamroh edi. U sahar mardondan ajib bir ovozda erkalab, "Tur-rin-g... tur-rin-g... tu-u-rin-g..." deb sizsirab uyg'otgandek bo'lardi. Ovozini eshitib, allanechuk bo'lib ketaman. Nimaga deganda men bechorani Acha xolam-u shu karnaydan bo'lak hech kim sizlamaydi. Karnayning ovozigaga saldayoq odamni xayollarga toldirib, yig'loq bir qo'shiq – madhiya ulanadi: "Yashaaa, ey ulug' rus xalqi buyuk og'amiz..." (U paytda biz Rusiyaga qaram edik. Har kungi hayotimiz shu qo'shiq bilan boshlanib, shu qo'shiq bilan yakun topardi). Birdan qo'shiqqa mahalladagi itlarning akillashi-yu xo'rozlarning qichqirig'i qo'shilib, hammasi aralash-quralash bo'lib ketadi. Ko'zlarimni yirib-yirib, erinibgina tepamdagi bir ko'zli darchaga tikilaman. Zax bosgan hujramga tashqaridan xira bir yorug'lik mo'ralaydi. Hujram hali qop-

рамга ташқаридан хира бир ёруглик мўралайди. Хужрам ҳали қоп-қоронғи... Кечқурун кийимларимни ечмаёқ ухлаб қолганман. Ечиниб ётишга ҳам кучим қолмаган. Ётганман-у қотганман. Кўйлагимнинг ўқлоғидек-ўқлоғидек чоклари (уни йиртилганда ўзим йўрмаб олганман-да) кечаси билан баданимга ботган, энди ўша жойлар қичитар эди. Айниқса, қачонлардир итпашша чаққан жойим қичиб, тоқатимни тоқ қилади. Чидай олмай қоламан... У сабил курагимнинг тагида. Кўлим унақасигаям, бунақасигаям етмайди. Қани энди иложи бўлса-ю, иккита кўлни битта қилиб қашилаб, хумордан чиқсанг. Охири эшикнинг кесакиси жонимга оро киради. Қичишган жойимни нақ қиррасига жазиллатиб босаман-да, бешиктебратар бўлиб кетаман. Лекин шу пайт бир нима “чирт” этиб кетади. Ҳа, бу овоз кулоғимга хунук эшитилади. Бунақа одобсизликни ўртоғим Тўхтасинга чиқарган. Бир нималарни бўкиб еб олади-да, орқа-олдига қарамай “чиртиллатиб” кетаверади. Яна ҳиринглаб: “Бор, ушлаб ке...” – деб ҳам кўяди. Кўчада одам борми-йўқми унга барибир. Кўпинча у билан бошлашиб юришга ҳам уяламан. Шунақа қилмагин, оғайни, деб ялинаман. У хўп дейди-ю, яна “чирт” эттириб кўяди. Мен ҳам шунақа бўлиб қолдимми, деб кўрқиб кетдим. Хайрият... унақа эмас экан. Азбаройи роҳатдан кўзларим юмилиб, қирқ ямоқ кўйлагим қирқ биринчи жойидан йиртилган бўлади. Ичимга совуқ эпкин ўрмалаб киради. Бу мени янаям ташвишга солади. Аячамга мени калтаклаш учун бу бир баҳона бўлади. Ҳафсалам пир бўлиб эснай-эснай ҳовлига чиқаман. Куз ҳавоси. Салқин. Аммо осмон тўла юлдуз. Улар томларгача тушиб келган, яқингинадан милт-милт қилади. “Ёта-тур, тонг отишига ҳали бор!” – дегандек бўлади. Илиққина ўринкўрпам кўзимга кўриниб кетади. Яна озроқ ётсаммикан? Биламан, шайтон йўлдан уряпти мени. Ача холамини намоздан чалғитган шайтон мени ҳам чалғитяпти. Донг қотиб ухлаб қолишдан Худо сақласин. Аячам мени нақ ўлдириб кўя қолади.

КЎЗБЎЯМА ОШ

Шошиб бет-кўлимни юзаман-да, челақдаги кунжарани алпанг-талпанг кўтариб, молхона эшигини очаман. Шарпадан сўқимлар пишқириб, бўйнидаги занжирини шилдирашиб ётган жойидан туриб кетади. Улар иккита. Нақ уйдек-уйдек келади. Қоронғида кўзлари ёниб, пишқиради. Юрагимга ваҳима тушади. Қора буқаларнинг деви бўлади, дейишади. Бир бисмиллодан минг бисмилло айтиб, бир вақтлар табиб хола ўргатган Қуръон сўзлари тилимдан бир-бир ўтади... Шилта ва гўнг ҳидидан димоғ ачишади



qorong'i... Kechqurun kiyimlarimni yechmayoq uxlab qolganman. Yechinib yotishga ham kuchim qolmagan. Yotganman-u qotganman. Ko'ylagimning o'qlog'idek-o'qlog'idek choklari (uni yirtilganda o'zim yo'rmab olganman-da) kechasi bilan badanimga botgan, endi o'sha joylar qichitar edi. Ayniqsa, qachonlardir itpashsha chaqqan joyim qichib, toqatimni toq qiladi. Chiday olmay qolaman... U sabil kuragimning tagida. Qo'lim unaqasigayam, bunaqasigayam yetmaydi. Qani endi iloji bo'lsa-yu, ikkita qo'lni bitta qilib qashilab, xumordan chiqsang. Oxiri eshikning kesakisi jonimga oro kiradi. Qichishgan joyimni naq qirrasiga jazillatib bosaman-da, beshiktebratar bo'lib ketaman. Lekin shu payt bir nima "chirt" etib ketadi. Ha, bu ovoz qulog'imga xunuk eshitaladi. Bunaqa odobsizlikni o'rtog'im To'xtasinga chiqargan. Bir nimalarni bo'kib yeb oladi-da, orqa-oldiga qaramay "chirtillatib" ketaveradi. Yana hiringlab: "Bor, ushlab ke.." – deb ham qo'yadi. Ko'chada odam bormi-yo'qmi unga baribir. Ko'pincha u bilan boshlashib yurishga ham uyalaman. Shunaqa qilmagin, og'ayni, deb yalinaman. U xo'p deydi-yu, yana "chirt" ettirib qo'yadi. Men ham shunaqa bo'lib qoldimmi, deb qo'rqib ketdim. Xayriyat... unaqa emas ekan. Azbaroyi rohatdan ko'zlarim yumilib, qirq yamoq ko'ylagim qirq birinchi joyidan yirtilgan bo'ladi. Ichimga sovuq epkin o'rmalab kiradi. Bu meni yanayam tashvishga soladi. Ayachamga meni kaltaklash uchun bu bir bahona bo'ladi. Hafsalam pir bo'lib esnay-esnay hovliga chiqaman. Kuz havosi. Salqin. Ammo osmon to'la yulduz. Ular tomlargacha tushib kelgan, yaqinginadan milt-milt qiladi. "Yotatur, tong otishiga hali bor!" – degandek bo'ladi. Iliqqina o'rin-ko'rpam ko'zimga ko'rinib ketadi. Yana ozroq yotsammikan? Bilaman, shayton yo'ldan uryapti meni. Acha xolamni namozdan chalg'itgan shayton meni ham chalg'ityapti. Dong qotib uxlab qolishdan Xudo saqlasin. Ayacham meni naq o'ldirib qo'ya qoladi.

KO'ZBO'YAMA OSH

Shoshib bet-qo'limni yuvaman-da, chelakdagi kunjarani alpang-talpan ko'tarib, molxona eshigini ochaman. Sharpadan so'qimlar pishqirib, bo'ynidagi zanjirini shildiratib yotgan joyidan turib ketadi. Ular ikkita. Naq uydek-uydek keladi. Qorong'ida ko'zlari yonib, pishqiradi. Yuragimga vahima tushadi. Qora buqalarning devi bo'ladi, deyishadi. Bir bismillodan ming bismillo aytib, bir vaqtlar tabib xola o'rgatgan Qur'on so'zlari tilimdan bir-bir o'tadi... Shilta va go'ng hididan dimog' achishadi demasa, molxona baribir menga yoqadi.

демаса, молхона барибир менга ёқади. Ташқаридан иссиқ. Эшикни ёпмайман. У бир томонга тоб ташлаган. Ташқаридан келаётган кўр ёруғдан чама олиб терт қоришга тушаман. Бир тарафи уйқуга тўймай, бир тарафи оч қоринга бунақа ишга унаш... Вой бў-ў-ў... Ишим осонлашсин, деб кунжарани ҳар куни уйқуга ётишдан олдин қайноқ сувга бўктириб қўяман. Кунжара кечаси билан шира тортиб, майинлашиб, кўпчиб қолади. Ўзидан б-и-и-р ёқимли ис таратади. Иштаҳани қитиқлайди. Ичакларим қулдираб, бошим айланиб, йиқилиб тушай дейман. Қани энди томоғимдан ўтса-ю, мен ҳам молдек бўкиб еб олсам. Кунжара еб, жигари шишиб ўлганларни кўп эшитганман. Сўқимлар хаёлимдан кечаётганларни сезгандек безовта пишқириб қўяди. Жониворларга маза. Уларни тўйдирадиган мендек кишиси бор. Шундай пайтларда беихтиёр Яхши амакини эслаб қоламан. Эслайман-у "Сени ҳам ўйлайдиган одам бор, ношукур бўлма", – деб қўяман ўзимга ўзим. Бу дунёда яхши одамлар кўплигини биламан. Шу одамлар бўлмаганда мен аллақачон ўлиб кетган бўлардим. Ача хола, Яхши амаки, Мужгон опа, Махсимча ака... Уларни ўйлаганда бирдан оёқ-қўлимга куч кириб кетади. Тоғорадаги терт ҳам бир-бирига илаша қолади...

Терт дегани шелуха билан кунжарани бир-бирига илаштириш. Бу ишдан азоби йўқ! Ҳали-ҳануз дунёдаги энг оғир иш шу бўлса керак деб ўйлайман! Вой бў-ў-ў... Енгимни ҳимариб, тертни мижийвераман, мижийвераман... Ўзимнинг ҳолим ўзимга маълум. Қачон қараса ёрилган коптокдек шалвираб юраман. Қачон қорним тўйиб нон еганимни билмайман. Қўлларим пахта савайдиган савағичга ўхшайди... Қовурғаларим кўйлагимни туртиб чиқиб туради. Аячам, чиллаширсан, ҳадемай ўлиб кетсан, сенга нон ҳам, кийим ҳам ҳайф деб, менга жиркангандек қарайдилар. Икки юзи қип-қизил, биққи болаларни кўрганимда нимагадир бўйним баттар қисил-и-и-б қолади. Ўзимни улардан олиб қочаман. Аячам айтган ўлим менга қачон келар экан, деб кўп ўйлайман. Ўлимдан кўрқмайман, келадиган бўлса, тезроқ кела қолса, дейман. Аммо биров менга тирғалиб қолса, тагига тушиб, тупроққа қоришиб ётмайман. Калла қўяман, оёғидан чаламан, жа бўлмаса тишлаб оламан. Биламан, бунақа ғирромликлар муштлашиш шартларига кирмайди. "Калла қўйди, оёқдан чалди, тишлади", – деб жириллайди нариги томон. Мен бошқа иложим йўқлигини ўйлаб, баттар эзиламан.

Бир куни терт қум тошга ўхшаб сираям аралашавермади. Билдим, кунжаранинг шираси кам экан. Кўпроқ сув қўшиб, шилта қилдим-да охурга тўкиб қўя қолдим. Мендан кейин молхонага кирган аячам чақириб қолди. Кирсам, "Ер юткур, сўқим емаган тертни ўзинг е", – деб бошимни охурга босиб, сўқимларнинг та-



Tashqaridan issiq. Eshikni yopmayman. U bir tomonga tob tashlagan. Tashqaridan kelayotgan ko'r yorug'dan chama olib tert qorishga tushaman. Bir tarafi uyquga to'ymay, bir tarafi och qoringa bunaqa ishga unnash... Voy bo'oo'... Ishim osonlashsin, deb kunjarani har kuni uyquga yotishdan oldin qaynoq suvga bo'ktirib qo'yaman. Kunjara kechasi bilan shira tortib, mayinlashib, ko'pchib qoladi. O'zidan biir yoqimli is taratadi. Ishtahani qitiqlaydi. Ichaklarim quldirab, boshim aylanib, yiqilib tushay deyman. Qani endi tomog'imdan o'tsa-yu, men ham moldek bo'kib yeb olsam. Kunjara yeb, jigari shishib o'lganlarni ko'p eshitganman. So'qimlar xayolimdan kechayotganlarni sezgandek bezovta pishqirib qo'yadi. Jonivorlarga maza. Ularni to'ydiradigan mendek kishisi bor. Shunday paytlarda beixtiyor Yaxshi amakini eslab qolaman. Eslayman-u, "Seni ham o'ylaydigan odam bor, noshukur bo'lma", – deb qo'yaman o'zimga o'zim. Bu dunyoda yaxshi odamlar ko'pligini bilaman. Shu odamlar bo'lmaganda men allaqachon o'lib ketgan bo'lardim. Acha xola, Yaxshi amaki, Mujgon opa, Maxsimcha aka... Ularni o'ylaganda birdan oyoq-qo'limga kuch kirib ketadi. Tog'oradagi tert ham bir-biriga ilasha qoladi...

Tert degani sheluxa bilan kunjarani bir-biriga ilashtirish. Bu ishdan azobi yo'q! Hali-hanuz dunyodagi eng og'ir ish shu bo'lsa kerak deb o'ylayman! Voy bo'oo'... Yengimni himarib, tertni mijjiyveraman, mijjiyveraman... O'zimning holim o'zimga ma'lum. Qachon qarasa yorilgan koptokdek shalvirab yuraman. Qachon qornim to'yib non yeganimni bilmayman. Qo'llarim paxta savaydigan savag'ichga o'xshaydi... Qovurg'alarim ko'ylagimni turtib chiqib turadi. Ayacham, chillashirsan, hademay o'lib ketasan, senga non ham, kiyim ham hayf deb, menga jirkangandek qaraydilar. Ikki yuzi qip-qizil, biqqi bolalarni ko'rganimda nimagadir bo'ynim battar qisilib qoladi. O'zimni ulardan olib qochaman. Ayacham aytgan o'lim menga qachon kelar ekan, deb ko'p o'ylayman. O'limdan qo'rqmayman, keladigan bo'lsa, tezroq kela qolsa, deyman. Ammo birov menga tirg'alib qolsa, tagiga tushib, tuproqqa qorishib yotmayman. Kalla qo'yaman, oyog'idan chalaman, ja bo'lmasa tishlab olaman. Bilaman, bunaqa g'irromliklar mushtlashish shartlariga kirmaydi. "Kalla qo'ydi, oyoqdan chaldi, tishladi", – deb jirillaydi narigi tomon. Men boshqa ilojim yo'qligini o'ylab, battar ezilaman.

Bir kuni tert qum toshga o'xshab sirayam aralashavermadi. Bildim, kunjaraning shirasi kam ekan. Ko'proq suv qo'shib, shilta qildim-da oxurga to'kib qo'ya qoldim. Mendan keyin molxonaga kirgan ayacham chaqirib qoldi. Kirsam, "Yer yutkur, so'qim yemagan tertni o'zing ye", – deb boshimni oxurga bosib, so'qimlarning

гини тозалайдиган ёғоч супурги билан савалади. Сўқимлар терт-ни охиригача емапти. Ўзимни айбдор деб билдим. Аячамдан йиғлаб туриб кечирим сўрадим. Шу куни оч ҳам қолдим. Аячам кўзимнинг олдида бир чўмич овқат устига бир чўмич сув қўшиб бердилар-да:

– Ичиб кўр-чи, кўзбўяма ош қанақа бўларкин, – деди. – Ҳе, бўйинг лаҳатда чирисин...

“Чириса чирисин, сиз кутулинг”, – деб ичимда минғирлаб қўйдим. Шундай дейиш билан сал бўлса ҳам енгил тортдим. Буни менга Ача холам ўргатганлар: “Биламан, мирзо болам, аячангизнинг тили аччиқ. Қарғаганда гап қайтариб юрманг-а тагин. Қарғиш билан одам ўлмайд-ю, лекин бора-бора одамни майиб қилиши бор. Яхшиси, аячангиз қарғаганда ичингизда бир нима деб қўя қолинг. Шундай қилсангиз ўзингизга яхши бўлади. Кўпам эзилмайсиз, йигит қаддингиз букилмайди, хўпми, мирзо болам?! Наф-силамрини айтганда-чи, болам, аячангизга ҳам осонмас. Сиздан салгина катта, холос. Сочи ўримгаям кирмаган ҳали. Ўгайлик қилади-да. Сиззи ғаш олади-да... Ов... уруш ўлсин, ҳаммани сарсон-саргардон қилиб қўйди...”

Шу куни кўзбўяма ошни ичволиб, кечаси билан югур-югур бўлиб чиқдим. Эртасига кўнглим айниб, туз ҳам тотолмай, силлам қуриб қолди. Аячам айтган ажал келиб қолдимикан, деб ўйлайман. Бироқ яшагим келарди. Аячам бўлса аҳволимни кўриб туриб бақиради:

– Ҳай, наҳс босганмисан, бунча судраласан, чаққон-чаққон қимирласанг-чи, итнинг кейинги оёғи!

Охири аячам менга бошдан оёқ жиркангандек қараб, бирдан сахийликлари тутиб кетди:

– Ма, заҳарингга...

Қарасам кафтимда пахтадек оппоқ калла қанд. Оҳ... бунақасини ейиш қайда, кўришга ҳам зор эдим. Аячам бунча яхши, бунча меҳрибон! Шу пайт анча йиллар олдин истансада ойим иковимизга учраган гадой бола едимга тушиб кетди. Ўшанда ойим унга раҳми келиб пул берганида, у ойимнинг қаппайган қорнига қараб: “Рамазон айтиб келдим эшигингизга, Худойим кўчқордек ўғил берсин бешигингизга”, – деб ўйинга тушиб берган эди. Шу дамда ўйинга тушишга ҳолим йўқ эди-ю, аммо “рамазонни...” айтиб юбордим... Бироқ аячамнинг қорни пуччайиб ётгани ҳеч эсимда йўқ. Бу тарафини ўйламабман. Оҳ, калтакнинг тагида қолдим, деб бўйнимни қисиб турган эдим, ҳар тугул аячам: “Вой савилей”, – деб мендан юз ўгириб, нари кетди...

Калла қандни сувга теккизиб-теккизиб шимиб-шимиб адо қилдим. Шундан кейин анча ўзимга келдим. Ҳа, аввалига сўқимларни



tagini tozalaydigan yog'och supurgi bilan savaladi. So'qimlar tertni oxirigacha yemapti. O'zimni aybdor deb bildim. Ayachamdan yig'lab turib kechirim so'radim. Shu kuni och ham qoldim. Ayacham ko'zimning oldida bir cho'mich ovqat ustiga bir cho'mich suv qo'shib berdilar-da:

– Ichib ko'r-chi, ko'zbo'yama osh qanaqa bo'larkin, – dedi. – He, bo'ying lahatda chirisin...

“Chirisa chirisin, siz qutuling”, – deb ichimda ming'irlab qo'ydim. Shunday deyish bilan sal bo'lsa ham yengil tortdim. Buni menga Acha xolam o'rgatganlar: “Bilaman, mirzo bolam, ayachangizning tili achchiq. Qarg'aganda gap qaytarib yurmang-a tag'in. Qarg'ish bilan odam o'lmaydi-yu, lekin bora-bora odamni mayib qilishi bor. Yaxshisi, ayachangiz qarg'aganda ichingizda bir nima deb qo'ya qoling. Shunday qilsangiz o'zingizga yaxshi bo'ladi. Ko'pam ezilmaysiz, yigit qaddingiz bukilmaydi, xo'pmi, mirzo bolam?! Nafsilamrini aytgandachi, bolam, ayachangizga ham osonmas. Sizdan salgina katta, xolos. Sochi o'rimgayam kirmagan hali. O'gaylik qiladi-da. Sizzi g'ash oladida... Ov... urush o'lsin, hammani sarson-sargardon qilib qo'ydi...”

Shu kuni ko'zbo'yama oshni ichvolib, kechasi bilan yugur-yugur bo'lib chiqdim. Ertasiga ko'nglim aynib, tuz ham totolmay, sillam qurib qoldi. Ayacham aytgan ajal kelib qoldimikan, deb o'ylayman. Biroq yashagim kelardi. Ayacham bo'lsa ahvolimni ko'rib turib baqiradi:

– Hay, nahs bosganmisan, buncha sudralasan, chaqqon-chaqqon qimirlasang-chi, itning keyingi oyog'i!

Oxiri ayacham menga boshdan oyoq jirkangandek qarab, birdan saxiylklari tutib ketdi:

– Ma, zaharingga...

Qarasam kaftimda paxtadek oppoq kalla qand. Oh... bunaqasini yeyish qayda, ko'rishga ham zor edim. Ayacham buncha yaxshi, buncha mehribon! Shu payt ancha yillar oldin istansada oyim ikkovimizga uchragan gadoy bola yodimga tushib ketdi. O'shanda oyim unga rahmi kelib pul berganida, u oyimning qappaygan qorniga qarab: “Ramazon aytib keldim eshigingizga, Xudoyim qo'chqordek o'g'il bersin beshigingizga”, – deb o'yinga tushib bergan edi. Shu damda o'yinga tushishga holim yo'q edi-yu, ammo “ramazonni...” aytib yubordim... Biroq ayachamning qorni puchchayib yotgani hech esimda yo'q. Bu tarafini o'ylamabman. Oh, kaltakning tagida qoldim, deb bo'ynimni qisib turgan edim, har tugul ayacham: “Voy savil-ey”, – deb mendan yuz o'girib, nari ketdi...

Kalla qandni suvga tekkizib-tekkizib shimib-shimib ado qildim. Shundan keyin ancha o'zimga keldim. Ha, avvaliga so'qimlarni aldab,

алдаб, таъзимимни едим, кейинига астойдил тавба қилдим, шекилли, мукофоти калла қанд бўлди.

Бугун ҳам тертни эҳтиёт бўлиб қораман. Бир, икки бошим айланиб, тоғорага мункиб кетдим. Ҳа деганда терт етилавермайди, у ёқда сўқимлар занжирини узаман дейди...

ҚЎСҚИМ ВА ЯНГИМ...

Терт тайёр бўлганда молхона ичи анча ёришди. Ҳолсизланиб, охур чеккасига ўтириб қолдим. Хайрият! Ич-ичимдан енгил бир хўрсиниқ келади. Пешанамдаги терни сидириб ташлаб, сўқимларни яна озгина бетоқат қилгим, ялинтиргим келади. Ахир, улар мен шўрлик ўлиб-тирилиб тайёрлаган тертни ҳаш-паш дегунча кўрдим дейишмайди-да. Шу пайт аячамнинг овози келади:

– Ҳай етимча, етти кулча, ўлиб қолдингми?

Чўчиб тушаман. “Йўқ, ҳали тирикман, аяча!” – деб яна ичимда минғирлайман.

– Ҳо-о-зи-и-р...

Овозим худди узоқ-узоқлардан эшитилгандек бўлади.

– Ҳа, ивирсиламай ўл, лапашанг.

Шошиб ташқарига чиқдим. Чиқишим билан кўйлагим баданимга муздек бўлиб чиппа ёпишди. Аячам бирпас терим қотишига ҳам кўймади. Тонг ёришган, ҳовли юзига қиров тушган... Карнай бир нималар деб жавраб ётибди...

– Бўл, кўлингни юв, қаймоқчилар кетиб бўлди, итнинг кейинги оёғи бўлиб сен қолдинг.

Эски, пачоқ челадаги сувга шошиб кўлимни тикаман. Сув нақ чақиб олади. Тишларимгача зирқираб кетади. Шошиб кўлимни қўлтиғимга урдим. Шу пайт аячамнинг кўзи кўйлагимнинг йиртиғига тушиб қолди-ку.

– Вой ўла-а-а-й, кўйлакни ебсан-ку, ер юткур... Нима бало, шох-бутоғинг борми сени?

“Бўлганим шу, аяча, нима қилай?” – дейман ичимда. Ҳар қалай шапалоқ тушишига ўзимни шайлаб тураман. Айб ўзимда. Эшикнинг кесакисига тирғалиб нима қилардим...

Мен аячамнинг ҳозирги аҳволини қарамасданоқ биланман. Энлик қошлари орқага кетган, катта-катта кўзлари ирғиб чиққан... гўштингни ейман, деб турибди. Мен шоша-пиша ўзимни оқлайман:

– Кўйлагим тор келиб қолди-да, аяча... Семириб кетяпман...

Шундай деб қоқ суяк қаддимни кериб, йиртиқ жойни беркитмоқчи бўламан.

ta'zirimni yedim, keyiniga astoydil tavba qildim, shekilli, mukofoti kalla qand bo'ldi.

Bugun ham tertni ehtiyot bo'lib qoraman. Bir, ikki boshim aylanib, tog'oraga munkib ketdim. Ha deganda tert yetilavermaydi, u yoqda so'qimlar zanjirini uzaman deydi...

QO'SQIM VA YANGIM...

Tert tayyor bo'lganda molxona ichi ancha yorishdi. Holsizlanib, oxur chekkasiga o'tirib qoldim. Xayriyat! Ich-ichimdan yengil bir xo'rsiniq keladi. Peshanamdagi terni sidirib tashlab, so'qimlarni yana ozgina betoqat qilgim, yalintirgim keladi. Axir, ular men sho'rlik o'lib-tirilib tayyorlagan tertni hash-pash deguncha ko'rdim deyishmaydi-da. Shu payt ayachamning ovozi keladi:

– Hay yetimcha, yetti kulcha, o'lib qoldingmi?

Cho'chib tushaman. "Yo'q, hali tirikman, ayacha!" – deb yana ichimda ming'irlayman.

– Hooziir...

Ovozim xuddi uzoq-uzoqlardan eshitilgandek bo'ladi.

– Ha, ivirsilamay o'l, lapashang.

Shoshib tashqariga chiqdim. Chiqishim bilan ko'ylagim badanimga muzdek bo'lib chippa yopishdi. Ayacham birpas terim qotishiga ham qo'ymadi. Tong yorishgan, hovli yuziga qirov tushgan... Karnay bir nimalar deb javrab yotibdi...

– Bo'l, qo'lingni yuv, qaymoqchilar ketib bo'ldi, itning keyingi oyog'i bo'lib sen qolding.

Eski, pachoq chelakdagi suvga shoshib qo'limni tiqaman. Suv naq chaqib oladi. Tishlarimgacha zirqirab ketadi. Shoshib qo'limni qo'ltig'imga urdim. Shu payt ayachamning ko'zi ko'ylagimning yirtig'iga tushib qoldi-ku.

– Voy o'laaay, ko'ylakni yebsan-ku, yer yutkur... Nima balo, shox-butog'ing bormi seni?

"Bo'lganim shu, ayacha, nima qilay?" – deyman ichimda. Har qalay shapaloq tushishiga o'zimni shaylab turaman. Ayb o'zimda. Eshikning kesakisiga tirg'alib nima qilardim...

Men ayachamning hozirgi ahvolini qaramasdanoq bilaman. Enlik qoshlari orqaga ketgan, katta-katta ko'zlari irg'ib chiqqan... go'shtingni yeyman, deb turibdi. Men shosha-pisha o'zimni oqlayman:

– Ko'ylagim tor kelib qoldi-da, ayacha... Semirib ketyapman...

Shunday deb qoq suyak qaddimni kerib, yirtiq joyni berkitmoqchi bo'laman.

– Ҳаҳ, кесатмай ўл, гўрсўхта, кесатишниям биледи бу оч арвоҳ, – дейди аячам кўзларини ўйнатиб.

“Ўзингиз-чи, ўзингиз – тўқ арвоҳсиз!” – деб ичимда пичирлайман. Аячам мени бу аҳволда кўчага чиқаришга уялади.

– Кўсқингни кийвол, ҳе, дардисар...

Кўсқи дегани авраси астарига ёпишиб кетган пахталик. Кийиб кўчага чиқсам, ҳатто таниш итлар ҳам мендан қўрқиб қочиб қолади. Бу кўсқини кўпроқ молхонага кияман. Сигирни ийдирман деб бузоқни онасининг олдига боғласам, у нукул боласи қолиб кўсқимни ялаш билан овора бўлади. Оғзига шўр балиқдек ёқса керак-да.

– Янгимни бера қолинг, – дейман ялиниб. Янгим деганим бу дадам олиб берган малларанг кител. Тугмалари ялтироқ. Томоғимнинг тагидан бошланиб, киндиккача қадалиб тушади. Ҳали у ёғидан, ҳали бу ёғидан ғуруллаб совуқ кирмайди. Иссиққина, ўзимга бирам ярашади... Кийсам, бешикка белангандек бўлиб қоламан.

– Ҳо-о, – дейди аячам кўзлари баттар олайиб, – янгинимиш-а, ўлганда киясан уни, эшитдингми, ўлганда!

– Ўлганда кийдирмайди, аяча, тобутининг устига ёпиб кўяди...

Бу сафар дилимдаги тилимга чиқиб кетади.

– Бўпти, тобутингнинг устига бўлса, тобутингнинг устига-да, бўл, қорангни ўчир! Қаймоқ сотилмай қолса, худди гўштингни ейман, бола.

– Билмайсизда, аяча, – дейман минғирлаб, – кўсқимни кийиб борсам, мени растага қўйишмайди. У ердагиларнинг кийинишини кўрсангиз эди, бари олифта... Қаймоқхўрлар қаймоғи ёмон бўлсаям посонлардан олишади.

Бу гапдан кейин аячам юмшайди. Кителимни олиб чиқиб менга қараб отади.

– Ма, ол, буниям эрта кунда моховга ошна қил!

Тўрт пиёла қаймоқни чамбаракка жойлаб, гузарга чопаман. Кителни кийиб олгандан кейин қорнимнинг очлигиям эсдан чиқади. Ҳайитнинг олдига чиққан боладек бирам яйрайман, бирам яйрайман. Яхши амаки ҳам бугун кўриб: “Ўҳ-ҳў-ў-ў... тўйбола бўлиб кетибсан-ку”, – деб юборсалар керак. Кителнинг сариқ, ялтироқ тугмаларига қараб қўяман.

ГУЗАР

Гузар деган жойда ҳаммом, сартарошхона, кийим-кечак дўкони, чойхона, почтахона бор. Ҳаммомдан чиққан пулдор амаки-

– Hah, kesatmay o'l, go'rso'xta, kesatishniyam biladi bu och arvoq,
– deydi ayacham ko'zlarini o'ynatib.

"O'zingiz-chi, o'zingiz – to'q arvohsiz!" – deb ichimda pichirlayman. Ayacham meni bu ahvolda ko'chaga chiqarishga uyaladi.

– Qo'sqingni kiyvol, he, dardisar...

Qo'sqi degani avrasi astariga yopishib ketgan paxtalik. Kiyib ko'chaga chiqsam, hatto tanish itlar ham mendan qo'rqib qochib qoladi. Bu qo'sqini ko'proq molxonaga kiyaman. Sigirni iydiraman deb buzoqni onasining oldiga bog'lasam, u nuqul bolasi qolib qo'sqimni yalash bilan ovora bo'ladi. Og'ziga sho'r baliqdek yoqsa kerak-da.

– Yangimni bera qoling, – deyman yalinib. Yangim deganim bu dadam olib bergan mallarang kitel. Tugmalari yaltiroq. Tomog'imning tagidan boshlanib, kindikkacha qadalib tushadi. Hali u yog'idan, hali bu yog'idan g'urullab sovuq kirmaydi. Issiqqina, o'zimga biram yarashadi... Kiysam, beshikka belangandek bo'lib qolaman.

– Hoo, – deydi ayacham ko'zlari battar olayib, – yanginimish-a, o'lganda kiyasan uni, eshitdingmi, o'lganda!

– O'lganda kiydirmaydi, ayacha, tobutining ustiga yopib qo'yadi...

Bu safar dilimdagi tilimga chiqib ketadi.

– Bo'pti, tobutingning ustiga bo'lsa, tobutingning ustiga-da, bo'l, qorangi o'chir! Qaymoq sotilmay qolsa, xuddi go'shtingni yeyman, bola.

– Bilmaysizda, ayacha, – deyman ming'irlab, – qo'sqimni kiyib borsam, meni rastaga qo'yishmaydi. U yerdagilarning kiyinishini ko'rsangiz edi, bari olifta... Qaymoqxo'rlar qaymog'i yomon bo'lsayam posonlardan olishadi.


Bu gapdan keyin ayacham yumshaydi. Kitelimni olib chiqib menga qarab otadi.

– Ma, ol, buniyam erta kunda moxovga oshna qil!

To'rt piyola qaymoqni chambarakka joylab, guzarga chopaman. Kitelni kiyib olgandan keyin qornimning ochligiyam esdan chiqadi. Hayitning oldiga chiqqan boladek biram yayrayman, biram yayrayman. Yaxshi amaki ham bugun ko'rib: "O'hho'o'o'... to'ybola bo'lib ketibsan-ku", – deb yuborsalar kerak. Kitelning sariq, yaltiroq tugmalariga qarab qo'yaman.

GUZAR

Guzar degan joyda hammom, sartaroshxona, kiyim-kechak do'koni, choyxona, pochtaxona bor. Hammomdan chiqqan paldot



лар қаймоқ билан иссиқ нон олиб, нонушта қилишади. Пули йўқ бечоралар қирқ ямоқ чопонига ўралиб ҳаммомдан чиқишади-ю, кўча четидан девор ёқалаб уйларига қараб жўнаб қолади. Ёнимдаги қаймоқчилар харидор чақиришади. Меникининг шундоғам бозори чаққон. Сотилмай қолишидан кўрқмайман. Куюқ, мазали. Сўқим боқиладиган хонанинг ёнгинасида яна битта бостирма бор. Унда она-бола сигир туради. Сигирга қаймоқни сотиб бўлиб, уйга боргандан кейин, терт қориб бераман. Сути ёғлик бўлсин, деб кунжарани аямайман. Мен боргунча аячам сигирни соғиб кўяди.

Гузарда ҳар доимгидек олувчидан сотувчи кўп. Қатикфуруш, сутфуруш, қаймоқфуруш... Ишқилиб, ҳамма “фуруш”лар шу ерда. Уларнинг бир зум ҳам оғзи бўш турмайди, шақиллашгани шақиллашган:

– Кеп қолинг, қаймоқмас бу, маскаёғ, маскаёғ...

– Қовоқли зоғора нон, оғзингизда эрийди...

– Седанали нон келди, пулингиз ўзингиз билан кетади...

– Ёғлиқ қатик... тош қатик...

– Янгигина соғилган сут. Ўпкага даво (ўша пайтларда сил касали билан оғриганлар кўп эди).

– Лавлагига кеп қолинг, қанд чайнайсиз, қанд...

Гузарни иссиқ нон-у сут-қатикларнинг хуш бўйлари тутган. Қорним очиб, бошим айланади... Бу борада сал омадим келган. Худойим ҳар куни бир бандасининг кўли билан мени меҳмон қилади. Бир пиёла қаймоғу икки дона кунжутли нон мени чойхона сўрисида кутиб туради. Гузардан кўли очик Яхши амакини топиб олганман. У киши ҳар куни ўзимдан бир пиёла қаймоқ сотиб олади-да, чойхонадаги сўрилардан бирида бўшашимни кути-и-иб ўтиради. Мен қаймоқларни сотиб бўлгач, шоша-пиша сўрига чиқаман. Яхши амаки кунжутли нонни шошмасдан синдириб, бурдаларни кўпроқ мен томонга уяди. “Ол, жияним”, – дейди-ю, ўзи чимдиниб ўтиради. Мен иссиқ ноннинг ҳидидан ҳар доимгидек шошиб қоламан. Бурдаларни қаймоққа ботириб, катта-катта тишлайман. Ҳар замонда Яхши амаки:

– Ол, ўғлим, ол, қоринни тўқлаб ол, бўш қоп тик турмайди, – деб кўяди. Худдики қорним тўйгандан кейин менга бирон-бир зарур иш буюрадигандек. Нон билан қаймоқни пок-покиза туширгач, уйга қайтишни ўйлаб қоламан. Яхши амаки менга бир қараб кўяди-да:

– Энди бора қол, аячанг кутиб қолди, – дейди.

Баъзи пайтларда Яхши амаки чой устида мени эсидан чиқариб, хаёл суриб қолганларини кўраман. Нималарни ўйлашини биламан. Ўғлини ўйлайди. Яхши амаки урушга кетганда хотини ўғлини олиб,



amakilar qaymoq bilan issiq non olib, nonushta qilishadi. Puli yo'q bechoralar qirq yamoq choponiga o'ralib hammomdan chiqishadi-yu, ko'cha chetidan devor yoqalab uylariga qarab jo'nab qoladi. Yonimdagi qaymoqchilar xaridor chaqirishadi. Menikining shundog'am bozori chaqqon. Sotilmay qolishidan qo'rqmayman. Quyuq, mazali. So'qim boqiladigan xonaning yonginasida yana bitta bostirma bor. Unda ona-bola sigir turadi. Sigirga qaymoqni sotib bo'lib uyga borgandan keyin tert qorib beraman. Suti yog'lik bo'lsin, deb kunjarani ayamayman. Men borguncha ayacham sigirni sog'ib qo'yadi.

Guzarda har doimgidek oluvchidan sotuvchi ko'p. Qatiq-furush, sutfurush, qaymoqfurush... Ishqilib, hamma "furush"lar shu yerda. Ularning bir zum ham og'zi bo'sh turmaydi, shaqillashgani shaqillashgan:

– Kep qoling, qaymoqmas bu, maskayog', maskayog'...

– Qovoqli zog'ora non, og'zingizda eriydi...

– Sedanali non keldi, pulingiz o'zingiz bilan ketadi...

– Yog'liq qatiq... tosh qatiq...

– Yangigina sog'ilgan sut. O'pkaga davo (o'sha paytlarda sil kasali bilan og'riganlar ko'p edi).

– Lavlagiga kep qoling, qand chaynaysiz, qand...

Guzarni issiq non-u sut-qatiqlarning xush bo'ylari tutgan. Qornim ochib, boshim aylanadi... Bu borada sal omadim kelgan. Xudoyim har kuni bir bandasining qo'li bilan meni mehmon qiladi. Bir piyola qaymog'-u ikki dona kunjutli non meni choyxona so'risida kutib turadi. Guzardan qo'li ochiq Yaxshi amakini topib olganman. U kishi har kuni o'zimdan bir piyola qaymoq sotib oladi-da, choyxonadagi so'rilardan birida bo'shashimni kutiib o'tiradi. Men qaymoqlarni sotib bo'lgach, shosha-pisha so'riga chiqaman. Yaxshi amaki kunjutli nonni shoshmasdan sindirib, burdalarni ko'proq men tomonga uyadi. "Ol, jiyanim", – deydi-yu, o'zi chimdinib o'tiradi. Men issiq nonning hididan har doimgidek shoshib qolaman. Burdalarni qaymoqqa botirib, katta-katta tishlayman. Har zamonda Yaxshi amaki:

– Ol, o'g'lim, ol, qorinni to'qlab ol, bo'sh qop tik turmaydi, – deb qo'yadi. Xuddiki qornim to'ygandan keyin menga biron-bir zarur ish buyuradigandek. Non bilan qaymoqni pok-pokiza tushirgach, uyga qaytishni o'ylab qolaman. Yaxshi amaki menga bir qarab qo'yadi-da:

– Endi bora qol, ayachang kutib qoldi, – deydi.

Ba'zi paytlarda Yaxshi amaki choy ustida meni esidan chiqarib, xayol surib qolganlarini ko'raman. Nimalarni o'ylashini bilaman. O'g'lini o'ylaydi. Yaxshi amaki urushga ketganda xotini o'g'lini olib, qayoqqadir

қаёққадир кетиб қолган. Яхши амаки уларни қидириб тополмай юрибди. Худди менга ўхшайди. Мен бўлсам ойижонимни қидириб юрибман. Иккаламиз ҳам энг яқин одамимизни қидирамиз. Ача холам айтгандек, барига уруш айбдор. Уруш бўлмаганда мен ойижонимни, Яхши амаки ўғлини йўқотиб қўймаган бўларди. Яна ким билади, ишқилиб, мен шунақа ўйлайман. Бундай пайтларда Ача холамнинг менга қараб: "Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ, мирзо болам, Худо хоҳласа, ёруғ кунлар келади", – деганларини эслаб қоламан. Хаёлимда ўша ёруғ кунлар менга ҳам, Яхши амакига ҳам яқин келиб қолгандек туюлади. Ёп-ёруғ кунлар ичидан Яхши амакининг ўғли, менинг ойижоним чиқиб келаётгандек бўлаверади. Қанийди тезроқ шундай бўлса...

Пиёлаларни дасталаб, Яхши амаки билан хайрлашиб, уйга чопаман. Бу пайтда офтоб бир терак бўйи кўтарилган, кунгай томондаги пасту баланд биноларни қуёш ўз нури билан ёритаётган бўлади. Офтоб жазиллатмаса ҳам одамга хуш ёқади. Бирпас девор тагида, офтобшувокда ўтиргинг келади. Аравалар серқатнов. Кўчадан ёздагидек чанг кўтарилмайди. Тупроқ нам тортиб, оғирлашиб қолган. Куз қуруқ келган, анчадан бери ёмғир ёлмаган эди...

ЭР-ХОТИН МОХОВЛАР

Кўчанинг кунгай тарафида йиқилай деб турган бир хужра бор. Йўловчилар унинг ёнидан тезроқ ўтиб кетсам, дейди. Бу хужрада эр-хотин моховлар яшайди. Хужра эшигига ташқаридан қулф урилган. Қулфни аллақачон занг босган. Уни ким, қачон қулфлаганини ҳеч ким билмайди. Калити сойгами, қудуққами ташлаб юборилган, дейишади. Моховлар одамларга қўшилмасин деб шундай қилишган. Мохови юқаркан-да. Аммо хужранинг кичкинагина туйнуги доимо очиқ туради. Уларга насиба шу туйнукдан киради. Хужранинг ичи кундуз куни ҳам қоронғи кўринади. Токчасида четлари учган, чегаланган сопол косалар қалашиб ётади. Одамлар шунақа ташлаб юборадиган идишларда овқат олиб келиб, туйнукка қўйиб кетишади. Туйнукдан ичкарига кирган буюм қайтиб чиқмайди. Моховларнинг ўзи ҳам. Улар бу ерга тириклайин кўмилган. Ўлишса, ўлигини куйдириб, шу хужрага кўмишади, дейишади. Ҳамма қатори қабристон ҳам буюрмаган уларга. Ичкарида латта-путталарга ўралиб гоҳ эркак, гоҳ хотин мохов туйнукка тикил-и-и-б ўтиради. Бу хужра қанчалик қўрқинчли бўлмасин, биз болаларга текин томошахона. Бир-биримизни турткилашиб, қайта-қайта туй-



ketib qolgan. Yaxshi amaki ularni qidirib topolmay yuribdi. Xuddi menga o'xshaydi. Men bo'lsam oyijonimni qidirib yuribman. Ikkalamiz ham eng yaqin odamimizni qidiramiz. Acha xolam aytgandek, bariga urush aybdor. Urush bo'lmaganda men oyijonimni, Yaxshi amaki o'g'lini yo'qotib qo'ymagan bo'lardi. Yana kim biladi, ishqilib, men shunaqa o'ylayman. Bunday paytlarda Acha xolamning menga qarab: "Oyning o'n beshi qorong'i bo'lsa, o'n beshi yorug', mirzo bolam, Xudo xohlasa, yorug' kunlar keladi", – deganlarini eslab qolaman. Xayolimda o'sha yorug' kunlar menga ham, Yaxshi amakiga ham yaqin kelib qolgandek tuyuladi. Yop-yorug' kunlar ichidan Yaxshi amakining o'g'li, mening oyijonim chiqib kelayotgandek bo'laveradi. Qaniydi tezroq shunday bo'lsa...

Piyolalarni dastalab, Yaxshi amaki bilan xayrlashib, uyga chopaman. Bu paytda oftob bir terak bo'yi ko'tarilgan, kungay tomondagi past-u baland binolarni quyosh o'z nuri bilan yoritayotgan bo'ladi. Oftob jazillatmasa ham odamga xush yoqadi. Birpas devor tagida, oftobshuvoqda o'tirging keladi. Aravalar serqatnov. Ko'chadan yozdagidek chang ko'tarilmaydi. Tuproq nam tortib, og'irlashib qolgan. Kuz quruq kelgan, anchadan beri yomg'ir yog'magan edi...

ER-XOTIN MOXOVLAR

Ko'channing kungay tarafida yiqilay deb turgan bir hujra bor. Yo'lovchilar uning yonidan tezroq o'tib ketsam, deydi. Bu hujrada er-xotin moxovlar yashaydi. Hujra eshigiga tashqaridan qulf urilgan. Qulfni allaqachon zang bosgan. Uni kim, qachon qulflaganini hech kim bilmaydi. Kaliti soygami, quduqqami tashlab yuborilgan, deyishadi. Moxovlar odamlarga qo'shilmasin deb shunday qilishgan. Moxovi yuqarkan-da. Ammo hujraning kichkinagina tuynugi doimo ochiq turadi. Ularga nasiba shu tuynukdan kiradi. Hujraning ichi kunduz kuni ham qorong'i ko'rinadi. Tokchasida chetlari uchgan, chegalangan sopol kosalar qalashib yotadi. Odamlar shunaqa tashlab yuboradigan idishlarda ovqat olib kelib, tuynukka qo'yib ketishadi. Tuynukdan ichkariga kirgan buyum qaytib chiqmaydi. Moxovlarning o'zi ham. Ular bu yerga tiriklayin ko'milgan. O'lishsa, o'ligini kuydirib, shu hujraga ko'mishadi, deyishadi. Hamma qatori qabriston ham buyurmagan ularga. Ichkarida latta-puttalarga o'ralib goh erkak, goh xotin moxov tuynukka tikilib o'tiradi. Bu hujra qanchalik qo'rqinchli bo'lmasin, biz bolalarga tekin tomoshaxona. Bir-birimizni turtkilashib, qayta-qayta tuynukka ro'para bo'laveramiz.

нукка рўпара бўлаверамиз. Моховлар бизни қўл ишоралари билан худди товукни киш-кишлагандек ҳайдашади. Ҳа, уларнинг товушиям чиқмаслиги керак. То ташқаридагилар қўлларига хивчин олиб, бизни қувлаб солмагунча, шу ерда ўралашаверамиз.

Мен ҳар сафар эрта билан ҳужра ёнидан ўтганимда, атайлаб ичкарига мўралайман. Тиланиб ўтирган мохов бирон нарса олиб келди, шекилли, деб “ярқ” этиб қарайди. Кўзлари ич-ичига тушган, милklarининг гўшти чиққан, қонталаш, оғзининг атрофи яра-чақа... Кўрқиб кетаман. Бу мохов хотин. У ёз чилласида ҳам бошига шол рўмол ташлаб ўтиради. Биз моховларни кўрайлик деб, ҳар хил баҳоналар ўйлаб топамиз. Энг яхши баҳона бу чаён ови. Эски деворларнинг тагини ковлаб, чаён ахтарамиз. Уни гурт қутисигами, консерва банкасигами солиб, тўс-тўполон билан туйнукка қараб чопамиз. Айтишларича, моховлар ўзларини чаёнга чақтириб туришар экан. Ҳар сафар қандай қилиб чақтиришини кўрмоқчи бўламиз-у, кўролмаймиз. Лекин ҳар гал тортишганимиз-тортишган, моховлар чаёнга қаерини чақтиришади? Бу биз учун қизиқ.

ЧАЁН ҚОВУРДОҚ

- Оёғидан чақтиради, оёғидан, – дейман мен нимагадир.
- Ҳечамда, ўзлари шундоғам зўрға юришади-ку! Қўлларидан чақтиришса керак, қўлларидан.
- Йўқ, йўқ...
- Нимага йўғакан?
- Уларни бит босган, бит.
- Нима, сени бит босмаганми?
- Шуни айтаман-да. Қўлидан чақтирса, қичиган жойини қандай қашийди? – деб ҳалиги бола қўлтигини қашиб кўяди.
- Рост-эй, қўлидан чақтирса оч қолади-ку... Қандай қилиб овқат ейди?
- Э-э-э... уларнинг калласи соғларникидан яхши ишлайди. Улар моховгина, холос.
- Нимага моховларнинг қўли билан оёғига ёпишиб олдиларинг, жа? Билишимча, қорнидан чақтиради. Қачон қарасанг қорни дўмбира бўлиб, шишиб ўтиради...
- Сенлар билмайсанлар, оёғидан чақтиради, – деб мен ўз сўзимда қаттиқ туриб олдим. Нимага деганда мен шу пайтгача кимни чаён чаққан бўлса, оёғидан чаққанини эшитганман. Қўлидан, қорнидан, белидан чаққанини эшитмаганман. Аммо хато қилаётганимни билмас эдим. Чаён ерда ўрмалаб юргани учун ҳам

Moxovlar bizni qo'l ishoralari bilan xuddi tovuqni kish-kishlagandek haydashadi. Ha, ularning tovushiyam chiqmasligi kerak. To tashqaridagilar qo'llariga xivchin olib, bizni quvlab solmaguncha, shu yerda o'ralashaveramiz.

Men har safar erta bilan hujra yonidan o'tganimda ataylab ichkariga mo'ralayman. Tilanib o'tirgan moxov biron narsa olib keldi, shekilli, deb "yarq" etib qaraydi. Ko'zlari ich-ichiga tushgan, milklarining go'shti chiqqan, qontalash, og'zining atrofi yara-chaqa... Qo'rqib ketaman. Bu moxov xotin. U yoz chillasida ham boshiga sho'l ro'mol tashlab o'tiradi. Biz moxovlarni ko'raylik deb, har xil bahonalar o'ylab topamiz. Eng yaxshi bahona bu chayon ovi. Eski devorlarning tagini kovlab, chayon axtaramiz. Uni gugurt qutisigami, konserva bankasigami solib, to's-to'polon bilan tuynukka qarab chopamiz. Aytishlaricha, moxovlar o'zlarini chayonga chaqtirib turishar ekan. Har safar qanday qilib chaqtirishini ko'rmoqchi bo'lamiz-u, ko'rolmaymiz. Lekin har gal tortishganimiz-tortishgan, moxovlar chayonga qayerini chaqtirishadi? Bu biz uchun qiziq.

CHAYON QOVURDOQ

- Oyog'idan chaqtiradi, oyog'idan, - deyman men nimagadir.
- Hechamda, o'zlari shundog'am zo'rg'a yurishadi-ku! Qo'llaridan chaqtirishsa kerak, qo'llaridan.
- Yo'q, yo'q...
- Nimaga yo'g'akan?
- Ularni bit bosgan, bit.
- Nima, seni bit bosmaganmi?
- Shuni aytaman-da. Qo'ldan chaqtirsa, qichigan joyini qanday qashiydi? - deb haligi bola qo'ltig'ini qashib qo'yadi.
- Rost-ey, qo'ldan chaqtirsa och qoladi-ku... Qanday qilib ovqat yeydi?
- Eee... ularning kallasi sog'larnikidan yaxshi ishlaydi. Ular moxovgina, xolos.
- Nimaga moxovlarning qo'li bilan oyog'iga yopishib oldilaring, ja? Bilishimcha, qornidan chaqtiradi. Qachon qarasang qorni do'mbira bo'lib, shishib o'tiradi...
- Senlar bilmaysanlar, oyog'idan chaqtiradi, - deb men o'z so'zimda qattiq turib oldim. Nimaga deganda men shu paytgacha kimni chayon chaqqan bo'lsa, oyog'idan chaqqanini eshitganman. Qo'ldan, qornidan, belidan chaqqanini eshitmaganman. Ammo xato qilayotganimni bilmas edim. Chayon yerda o'rmalab yurgani uchun

фақат оёқдан чақишини билмасдим. Бу дунёдаги жониворлар хавф ва хатарни ўзига қулай томондан даф қилади. Итлар одамнинг илигига ташланади. Буқалар одамнинг қорнини мўлжалга олади... Отлар орқа оёғи билан одамнинг пешанасини...

– Бекор айтибсанлар, моховлар ҳеч еридан чақтирмайди. Чаённи товада қовуриб ейишади...

– У-у-у...

– Ваҳ!..

Ҳамма ҳайратдан бақа бўлиб қолди. Бу янги гап Содиқов деган олифтадан чиққан эди. Унинг отаси бойвучча Содиқов бўлиб танилган. Ўғлиям Содиқовман, деб керилиб юради. Ўқитувчилар ҳам бошқа болаларни исми билан чақирганда, уни “Содиқов”, деб йўқлашади. Мен Содиқовни ўлгудек ёмон кўраман. Ичимда унга шундай бир алам борки... У шунчаки муштлашиш ёки бўралаб сўкиш билан ёзилмайди. Уни ўлдирсам дейман. Бунга унинг мақтанчоқлигию, ўзимнинг аҳмоқлигим сабаб бўлган. Бир куни у оёғига бутси, қорнига катта ҳарфда “Д” деб (у “Динамо” деган машхур футбол командасининг белгиси) ёзилган футболка кийиб, яп-янги чарм коптокни кўз-кўз қилиб кўчага чиқди. Аячам бозорга ипак ип олиб келгани кетиб, озгина ўйнаб олишга имкон топган эдим. Болалар уни тўрт тарафдан ўраб, бутсийсига, футболкасига, коптогига маҳлиё бўлиб қолишди. Силаб-сийпаб ҳам кўришди. Бунақа кийимларни биз катта футболчиларнинг устидагина кўрардик-да. Содиқов бўлса коптогига ҳеч кимни яқинлаштирмади. Коптогини бир ўзи ҳаволатиб-ҳаволатиб тепиб ўйнайверди. Коптоги зўрлигидан ҳар тепганда жангиллаб овоз чиқарарди. Болалар ундан аразлаб кетиб қолишди. Мен аячам қидириб қолишидан кўрқиб узоққа кетолмадим. Содиқов копток тепар, тез-тез чўнтагига қўл солиб, қизил увилдириқ (икра)нинг қоқисидан оғзига ташлаб оларди. Бир марта партасининг тагида увилдириқ қоқисини қолдириб кетганида, олиб еб маза қилганман, шўртанг, ёғлик нарса бўларкан. Содиқов бехосдан коптокни мен турган томонга тепиб юборди. Копток шундоққина ёнимдан ўтиб, нарига бориб тушди. “Қайтарвор”, – деди эриниб. Мен коптокни тепишдан кўра шундоқ ушлаб кўришга ҳам зор эдим. Уни қўлимга олиб чангларини артдим. Янгилигидан чарм ҳидлари гупиллаб турарди. Гап-таранг, еп-енгил. Шунга бўлса керак, Содиқовнинг оёғи тегсаёқ осмону фалакка учяпти-да. Бунақа коптокни тепиб бўларканми. Фақат ёстиқнинг тагига қўйиб ётиш мумкин, тепишмиш-а... Мен коптокни авайлаб олиб бордим-да, Содиқовнинг кўлига тутдим. У имо билан оёғининг тагини кўрсатди. Кейин чўнтагини кавлаб, анави мазали нарсадан тирноқдайини менга узатди. Шундай қилиб у коптокни ҳаволатиб



ham faqat oyoqdan chaqishini bilmasdim. Bu dunyodagi jonivorlar xavf va xatarni o'ziga qulay tomondan daf qiladi. Itlar odamning iligiga tashlanadi. Buqalar odamning qornini mo'ljalga oladi... Otlar orqa oyog'i bilan odamning peshanasini...

– Bekor aytibsanlar, moxovlar hech yeridan chaqtirmaydi. Chayonni tovada qovurib yeyishadi...

– Uuu...

– Vah!..

Hamma hayratdan baqa bo'lib qoldi. Bu yangi gap Sodiqov degan oliftadan chiqqan edi. Uning otasi boyvuchcha Sodiqov bo'lib tanilgan. O'g'liyam Sodiqovman, deb kerilib yuradi. O'qituvchilar ham boshqa bolalarni ismi bilan chaqirganda, uni "Sodiqov", deb yo'qlashadi. Men Sodiqovni o'lgudek yomon ko'raman. Ichimda unga shunday bir alam borki... U shunchaki mushtlashish yoki bo'ralab so'kish bilan yozilmaydi. Uni o'ldirsam deyman. Bunga uning maqtanchogligi-yu, o'zimning ahmoqligim sabab bo'lgan. Bir kuni u oyog'iga butsi, qorniga katta harfda "D" deb (u "Dinamo" degan mashhur futbol komandasining belgisi) yozilgan futbolka kiyib, yap-yangi charm koptokni ko'z-ko'z qilib ko'chaga chiqdi. Ayacham bozorga ipak ip olib kelgani ketib, ozgina o'ynab olishga imkon topgan edim. Bolalar uni to'rt tarafdin o'rab, butsiysiga, futbolkasiga, koptogiga mahliyo bo'lib qolishdi. Silab-siypab ham ko'rishdi. Bunaqa kiyimlarni biz katta futbolchilarning ustidagina ko'rardik-da. Sodiqov bo'lsa koptogiga hech kimni yaqinlashtirmadi. Koptogini bir o'zi havolatib-havolatib tepib o'ynayverdi. Koptogi zo'rligidan har tepganda jangillab ovoz chiqarardi. Bolalar undan arazlab ketib qolishdi. Men ayacham qidirib qolishidan qo'rqib uzoqqa ketolmadim. Sodiqov koptok tepar, tez-tez cho'ntagiga qo'l solib qizil uvildiriq (ikra)ning qoqisidan og'ziga tashlab olardi. Bir marta partasining tagida uvildiriq qoqisini qoldirib ketganida, olib yeb maza qilganman, sho'rtang, yog'lik narsa bo'larkan. Sodiqov bexosdan koptokni men turgan tomonga tepib yubordi. Koptok shundoqqina yonimdan o'tib, nariga borib tushdi. "Qaytarvor", – dedi erinib. Men koptokni tepishdan ko'ra shundoq ushlab ko'rishga ham zor edim. Uni qo'limga olib changlarini artdim. Yangiligidan charm hidlari gupullab turardi. Tap-tarang, yep-yengil. Shunga bo'lsa kerak, Sodiqovning oyog'i tegsayoq osmon-u falakka uchyapti-da. Bunaqa koptokni tepib bo'larkanmi. Faqat yostiqning tagiga qo'yib yotish mumkin, tepishmish-a... Men koptokni avaylab olib bordim-da, Sodiqovning qo'lga tutdim. U imo bilan oyog'ining tagini ko'rsatdi. Keyin cho'ntagini kavlab, anavi mazali narsadan tirnoqdayini menga

узоққа тепар, мен бўлсам олиб келиб берар, у ҳар сафар анави нарсадан менга берган бўларди. Мен бу меҳрибончилик нима билан тугабини билмай, Содиқов билан чиқишиб қолдим, деб хурсанд эдим. Охири шундай бўлдики, Содиқов коптогини менга ишониб, “Ҳали мактабга оборарсан”, – деб ўзи уйига кириб кетди. Бирпасга бўлса ҳам шундай матоҳга эга бўлганимдан бошим осмонда эди. Мен ҳар доим биринчи соатга зўрға етиб борардим. Иккинчи сменада ўқирдик. Ҳар сафар синфга ҳисиниб, кимтинибгина кириб, жойимга ўтирардим. Бу сафар бир кўлимда жилд, бир кўлимда чарм копток билан қаддимни ғоз тутиб кириб бордим. Болалар мени кўриши билан: “Содиқовнинг малайи, Содиқовнинг малайи”, – деб калака қила бошлашди. Фақат Тўхтасингина индамади. Содиқов бўлса нуқул менга қараб тиржа-яди. Шу пайт устоз кириб қолди-ю, синф тинчиди-қолди. Аммо мен тинчимни йўқотдим. Синфдошларим ҳечам мени бунақа калака қилишмас эди. Кейин синфда менинг обрўйим Содиқовдан анча юқори эди. Устознинг ўзи аълочилигимни айтиб: “Кўшнингга ўхшасанг бўлмайдами, Содиқов, сенга нима етишмайди ўзи!” – деганларини ҳамма эшитган. Нимагадир энди Содиқовнинг малайига айланиб қолганимга ҳайрон бўлардим. Чидай олмадим. Тўхтасинни туртдим: “Нима бўлди, нимага унинг малайи дейишяпти?” Содиқов болаларга аълочининг ҳолини кўриб кўйинглар, мен уни бир шапалоқ қоқига сотиб олдим. Бугундан бошлаб у менинг малайим бўлади. Ишонмасаларинг, мана кўрасанлар, ҳозир у синфга менинг коптогимни кўлтиқлаб кириб келади, депти. Содиқовнинг гапини тасдиқлаб, шу пайт синфга мен кириб келибман...

Ўзимни ўзим ёмон кўриб кетдим. Хўрлигим келиб, дод деб йиғлагим келди. Нимага мен бунақа аҳмоқман? Нимага Содиқовнинг оёғи тагига ўзимни ташлаб бердим? Хоҳлаганингча устимдан кул деб. Йўқ, йўқ, ундай бўлмайди, ҳеч қачон бўлмайди! Мен дарсни ҳам, устозни ҳам эсдан чиқариб, ўрнимдан турдимда, копток билан Содиқовнинг бошига туширдим. Синфда тўстўполон бошланди...

Шу-шу уни кўрарга кўзим қолмади.

– Кўзинг билан кўрганмисан қовуриб еганини, а, мана шу кўзинг билан? – сўрайман Содиқовдан эски аламларим кўзиб.

– Ўзинг-чи, ўзинг кўрганмисан оёғидан чақтирганини, а, мана шу кўзинг билан? – деб тепамга келди у. Кўлини белига тираб, ким бўлибсан, дегандек менга тепадан қаради. Кервозлигидан жоним ҳиқилдоғимга тиқилди.

– Кўрганман, билдингми, кўрганман, – дедим азбаройи

uzatdi. Shunday qilib u koptokni havolatib uzoqqa tepar, men bo'lsam olib kelib berar, u har safar anavi narsadan menga bergan bo'lardi. Men bu mehribonchilik nima bilan tugashini bilmay, Sodiqov bilan chiqishib qoldim, deb xursand edim. Oxiri shunday bo'ldiki, Sodiqov koptogini menga ishonib, "Hali maktabga oborarsan", – deb o'zi uyiga kirib ketdi. Birpasga bo'lsa ham shunday matohga ega bo'lganimdan boshim osmonda edi. Men har doim birinchi soatga zo'rg'a yetib borardim. Ikkinchi smenada o'qirdik. Har safar sinfga qisinib, qimtinibgina kirib, joyimga o'tirardim. Bu safar bir qo'limda jild, bir qo'limda charm koptok bilan qaddimni g'oz tutib kirib bordim. Bolalar meni ko'rishini bilan: "Sodiqovning malayi, Sodiqovning malayi", – deb kalaka qila boshlashdi. Faqat To'xtasingina indamadi. Sodiqov bo'lsa nuqul menga qarab tirjayadi. Shu payt ustoz kirib qoldi-yu, sinf tinchidi-qoldi. Ammo men tinchimni yo'qotdim. Sinf doshlarim hecham meni bunaqa kalaka qilishmas edi. Keyin sinfda mening obro'yim Sodiqovdan ancha yuqori edi. Ustozning o'zi a'lochiligimni aytib: "Qo'shningga o'xshasang bo'lmaydimi, Sodiqov, senga nima yetishmaydi o'zi!" – deganlarini hamma eshitgan. Nimagadir endi Sodiqovning malayiga aylanib qolganimga hayron bo'lardim. Chiday olmadim. To'xtasinni turtdim: "Nima bo'ldi, nimaga uning malayi deyishyapti?" Sodiqov bolalarga a'lochining holini ko'rib qo'yinglar, men uni bir shapaloq qo'qiga sotib oldim. Bugundan boshlab u mening malayim bo'ladi. Ishonmasalaring, mana ko'rasanlar, hozir u sinfga mening koptogimni qo'ltiqib kirib keladi, depti. Sodiqovning gapini tasdiqlab, shu payt sinfga men kirib kelibman...

O'zimni o'zim yomon ko'rib ketdim. Xo'rlikim kelib, dod deb yig'lagim keldi. Nimaga men bunaqa ahmoqman? Nimaga Sodiqovning oyog'i tagiga o'zimni tashlab berdim? Xohlaganingcha ustimdan kul deb. Yo'q, yo'q, unday bo'lmaydi, hech qachon bo'lmaydi! Men darsni ham, ustozni ham esdan chiqarib, o'rnimdan turdim-da, koptok bilan Sodiqovning boshiga tushirdim. Sinfda to's-to'polon boshlandi...

Shu-shu uni ko'rarga ko'zim qolmadi.

– Ko'zing bilan ko'rganmisan qovurib yeganini, a, mana shu ko'zing bilan? – so'rayman Sodiqovdan eski alamlarim qo'zib.

– O'zing-chi, o'zing ko'rganmisan oyog'idan chaqtirganini, a, mana shu ko'zing bilan? – deb tepamga keldi u. Qo'lini beliga tirab, kim bo'libsan, degandek menga tepadan qaradi. Kervozligidan jonim hiqildog'imga tiqildi.

– Ko'rganman, bildingmi, ko'rganman, – dedim azbaroyi

қизишганимдан ёлғон гапириб. Қандай бўлмасин Содиқовнинг тилини қисиб кўйгим келди. Лекин бу ёлғоним бошимга қанча балолар олиб келишини билмасдим.

– Ёлғон, – деди у кўзлари ўйнаб.

– Рост.

– Ёлғон!

– Рост.

– Қасам ич!

– Олдин ўзинг қасам ич қовуриб ейишганига. Кейин мен...

У жим бўлиб қолди. Билдимки, чаённи қовуриб ейиш ҳақидаги гапи ёлғон. Лекин менга енгилгиси йўқ. Ахир, у кимсан – Содиқовда!

– Ҳа, гапинг рост бўлса, қасам ич, – деди ўйинбошимиз Турсунбой ҳам мен тараф бўлиб.

– Оғзингга толқон солволдингми, Содиқов? – дедим мен ғолиб келгандек.

Болалар кулишди. Содиқов қизарди-бўзарди. Оғирлигини у оёғидан бу оёғига ташлаб турди-да, томоқ қириб, сиполанди.

– Қасам ичмайман, қасам ичса, одам дўзахда куяди, пулдан гаров ўйнайман, – деди у бирданига.

– Пулданмас, менда пул йўқ, – дедим шошиб.

– Бўлмаса нимадан, – устимдан кулди Содиқов, – а, нимадан? Билмасанг билиб кўй, гаровни фақат пулдан ўйнайди...

Мен пулдан бошқа яна нимадан ўйнаш мумкин, дегандек ўйинбошимиз Турсунбойга қарадим. Содиқовдан енгилиб қолишим алам қилаётган эди. Қани энди шу топда бир ишқал чиқса-ю, Содиқовни мириқиб дўтпослаб, камига тишлаб олсам.

ЎЙИНБОШИ ҚАРОР ҚИЛАДИ...

Турсунбой Содиқовга ўхшаганларни ёқтирмаса ҳам бунақа пайтларда одил йўл тутади. Бой деб пули кўпга, камбағал деб пули йўққа ён босмайди. Турсунбой анча хаёл суриб кетди-да, кейин икковимизга ҳам қараб:

– Ким ёлғон гапирган бўлса, чаёнга чақтирамиз, – деди у.

Болалар: “Ув-в-в!..” – деб юборишди. Баданим жимирлаб, бир сесканиб тушдим. Турсунбой ҳеч ким ўйламаган, шунақа қарорлар чиқаришга уста эди. Шунинг учун ҳам ўйинбоши эди-да. У билан бирга бекинмачоқ ўйнасак, бизни ҳеч ким топа олмас эди. У кўрқмай қабристонларга бошлаб кирар, ўпирилиб тушган очиқ гўрларга беркинишга мажбур қиларди. Ёки бўлмасам жин



qizishganimdan yolg'on gapirib. Qanday bo'lmasin Sodiqovning tilini qisib qo'ygim keldi. Lekin bu yolg'onim boshimga qancha balolar olib kelishini bilmasdim.

– Yolg'on, – dedi u ko'zlari o'ynab.

– Rost.

– Yolg'on!

– Rost.

– Qasam ich!

– Oldin o'zing qasam ich qovurib yeyishganiga. Keyin men...

U jim bo'lib qoldi. Bildimki, chayonni qovurib yeyish haqidagi gapi yolg'on. Lekin menga yengilgisi yo'q. Axir, u kimsan – Sodiqov-da!

– Ha, gaping rost bo'lsa, qasam ich, – dedi o'yinboshimiz Tursunboy ham men taraf bo'lib.

– Og'zingga tolqon solvoldingmi, Sodiqov? – dedim men g'olib kelgandek.

Bolalar kulishdi. Sodiqov qizardi-bo'zardi. Og'irligini u oyog'idan bu oyog'iga tashlab turdi-da, tomoq qirib, sipolandi.

– Qasam ichmayman, qasam ichsa, odam do'zaxda kuyadi, puldan garov o'ynayman, – dedi u birdaniga.

– Puldanmas, menda pul yo'q, – dedim shoshib.

– Bo'lmasa nimadan, – ustimdan kuldi Sodiqov, – a, nimadan? Bilmasang bilib qo'y, garovni faqat puldan o'ynaydi...

Men puldan boshqa yana nimadan o'ynash mumkin, degandek o'yinboshimiz Tursunboyga qaradim. Sodiqovdan yengilib qolishim alam qilayotgan edi. Qani endi shu topda bir ishkal chiqsa-yu, Sodiqovni miriqib do'pposlab, kamiga tishlab olsam.

O'YINBOSHI QAROR QILADI...

Tursunboy Sodiqovga o'xshaganlarni yoqtirmasa ham bunaqa paytlarda odil yo'l tutadi. Boy deb puli ko'pga, kambag'al deb puli yo'qqa yon bosmaydi. Tursunboy ancha xayol surib ketdi-da, keyin ikkovimizga ham qarab:

– Kim yolg'on gapirgan bo'lsa, chayonga chaqtiramiz, – dedi u.

Bolalar: "Uvvy!.." – deb yuborishdi. Badan jimirlab, bir seskanib tushdim. Tursunboy hech kim o'ylamagan, shunaqa qarorlar chiqarishga usta edi. Shuning uchun ham o'yinboshi edi-da. U bilan birga bekinmashoq o'ynasak, bizni hech kim topa olmas edi. U qo'rqmay qabristonlarga boshlab kirar, o'pirilib tushgan ochiq go'rlarga berkinishga majbur qilardi. Yoki bo'lmasam jin va alvastilar

ва алвастилар уя қурган садалар устига олиб чиқиб кетарди. Буларни кундуз кунлари эсласак, қўрқувга тушардик. Кўриб турибман, Содиқовнинг ранги оқариб кетди. Буни кўриб менга жон битди. Ростдан ҳам чаёнга чақтириш менга қизиқ туюлди. Кейин ҳамма чаён чаққанлар ҳам ўлиб қолмаган-ку! Моховлар ҳам тирик юрибди-ку!

– Ҳа, қўрқяпсанми? – ўзимни ботир кўрсатиб сўрайман Содиқовдан.

– Ҳечамда... ўзинг қўрқиб кетяпсан... – дейди у ҳам зўрма-зўраки тиржайиб.

– Бўпти, чаёнга чақтириш бўлса чақтириш-да, қўл ташлашамиз, сен узасан, – дедим Турсунбойга қараб.

Турсунбой бунақа ўйинларнинг ирим-сиримларини яхши билади. У икковимизнинг ўртамизга туриб олди-да, бошқаларниям яқинроқ келишга ундади. Кейин шундай деди:

– Иш пиш-ди, ў-рага сич-қон туш-ди, – Турсунбой шундай деб бизга қаради.

Ҳаммамиз бараварига, калламизни калламизга тираб:

– Гулдур гуп, – дедик.

– Чақ-ма-чақар, – деди Турсунбой.

– Том-га чиқиб о-лов ёқар, – дедик биз.

– Чақ-ма-чақар, – деди у яна.

– Томга чиқиб битини боқар, – дедик биз.

Томга чиқиб, қўни-қўшнилларнинг кўз олдида иштон кўйлакни ечиб, бит боқиб ўтириш шармандалик-да. Ҳа, бит деган зорманда қасамларимизгача, ўйинларимизгача, сўкишишларимизгача ўрмалаб кирган эди. “Бургам, бургам, жон бургам...” деган ўйинлар, “Назиранинг ити бор, қулоғида бити бор...” деган кўшиқлар, “битлиқи” деб сўкишлар ўша кунлардан бир хотира...

Шундай қилиб, гаров ва қасамёддан кейин оғзимизга қулф тушди. Бу ҳақда бировга гуллаб кўйиш йўқ. Тортишиш ҳам йўқ. Гаровни охирига етказиш, ютқизганни чаёнга чақтириш ўйинбошига ҳавола. Содиқов билан икковимизнинг жонимиз гаровга тикилди. Ё ўлиш, ё қолиш...

Шу куннинг эртасидан моховларнинг ёнига серқатнов бўлиб қолдик. Худди уларсиз кунимиз ўтмайдигандек. Ҳар куни битта ёки иккита чаён тутиб борамиз. Қабристоннинг тўрт томонидаги шундоғам қулай-қулай деб турган пахса деворлар чуқаланавериб илма-тешик бўлиб кетди. Шамол туриб қолса, ўша тешиклар қўрқинчли хуштак чалиб юборади. Бундай овозларнинг қабристондан эшитилиши ваҳимали бўлиб қолди. Моховлар бўлса биздан безиллай бошлашди. Бирон егулик олиб келишди шекилли деб, бечо-



uya qurgan sadalar ustiga olib chiqib ketardi. Bularni kunduz kunlari eslasak, qo'rquvga tushardik. Ko'rib turibman, Sodiqovning rangi oqarib ketdi. Buni ko'rib menga jon bitdi. Rostdan ham chayonga chaqtirish menga qiziq tuyuldi. Keyin hamma chayon chaqqanlar ham o'lib qolmagan-ku! Moxovlar ham tirik yuribdi-ku!

– Ha, qo'rqaysanmi? – o'zimni botir ko'rsatib so'rayman Sodiqovdan.

– Hechamda... o'zing qo'rqib ketyapsan... – deydi u ham zo'rma-zo'raki tirjayib.

– Bo'пти, chayonga chaqtirish bo'lsa chaqtirish-da, qo'l tashlashamiz, sen uzasan, – dedim Tursunboyga qarab.

Tursunboy bunaqa o'yinlarning irim-sirimlarini yaxshi biladi. U ikkovimizning o'rtamizga turib oldi-da, boshqalarniyam yaqinroq kelishga undadi. Keyin shunday dedi:

– Ish pish-di, o'-raga sich-qon tush-di, – Tursunboy shunday deb bizga qaradi.

Hammamiz baravariga, kallamizni kallamizga tirab:

– Gul-dur gup, – dedik.

– Chaq-ma-chaqar, – dedi Tursunboy.

– Tom-ga chiqib o-lov yoqar, – dedik biz.

– Chaq-ma-chaqar, – dedi u yana.

– Tomga chiqib bitini boqar, – dedik biz.

Tomga chiqib, qo'ni-qo'shnilarning ko'z oldida ishton ko'ylakni yechib, bit boqib o'tirish sharmandalik-da. Ha, bit degan zormanda qasamlarimizgacha, o'yinlarimizgacha, so'kishishlarimizgacha o'rma-lab kirgan edi. "Burgam, burgam, jon burgam..." degan o'yinlar, "Naziraning iti bor, qulog'ida biti bor..." degan qo'shiqlar, "bitliqi" deb so'kishlar o'sha kunlardan bir xotira...

Shunday qilib, garov va qasamyoddan keyin og'zimizga qulf tushdi. Bu haqda birovga gullab qo'yish yo'q. Tortishish ham yo'q. Garovni oxiriga yetkazish, yutqizganni chayonga chaqtirish o'yinboshiga havola. Sodiqov bilan ikkovimizning jonimiz garovga tikildi. Yo o'lish, yo qolish...

Shu kunning ertasidan moxovlarning yoniga serqatnov bo'lib qoldik. Xuddi ularsiz kunimiz o'tmaydigandek. Har kuni bitta yoki ikkita chayon tutib boramiz. Qabristonning to'rt tomonidagi shundog'am qulay-qulay deb turgan paxsa devorlar chuqalanaverib ilma-teshik bo'lib ketdi. Shamol turib qolsa, o'sha teshiklar qo'rqinchli hushtak chalib yuboradi. Bunday ovozlarning qabristondan eshitalishi vahimali bo'lib qoldi. Moxovlar bo'lsa bizdan bezillay boshlashdi. Biron yegulik olib kelishdi shekilli deb, bechoralar javdirab tuynukka ko'z tikadi. Biz bo'lsa ularga nuqul

ралар жавдираб туйнукка кўз тикади. Биз бўлса уларга нуқул чаён солинган идиш тутамиз. Ва яна одоб юзасидан: “Ош бўлсин”, – деб ҳам кўямиз. Улар бўлса чаёнларни нима қилишини бизга кўрсатишмайди. Томга қўйилган айғоқчиларимизнинг айтишича, моховларнинг ҳовлисида битта жўхори туядиган кели бормиш. Биз олиб бораётган чаёнларни ўша келига солиб, устини кепчик билан ёпиб қўйишаётганмиш. Уларнинг тахминича, чаёнларни келида туйиб, толқон қилиб ейишлари мумкин экан. Бу гап қайсидир жиҳати билан Содиқовнинг тахминига яқин эди. Унда одамлар орасида “Чаёнга чақтиришади”, деган гап қаердан пайдо бўлган экан?

МОХОВЛАРДАН МАКТУБ КЕЛГАНИ...

Шундай кунларнинг бирида мактаб ҳовлисида ҳар доимгидек йиғин бўлиб қолди. Бутун мактаб болалари ҳовлида саф тортиб турдик. Олдин юқори синф ўқувчилари, ундан кейин биз. Юқори синф ўқувчиларининг ўзига яраша ҳурмати бор. Уларнинг олдида директоримиз қайта-қайта айтадиган уруш оқибатларини тутатишдек катта вазифалар турибди. Мажлисни узоқ кутиб, офтобда жизғанагимиз чиқиб, тоқатимиз тоқ бўла бошлади. Нима гап экан? Пилла тергани борамизмикан? Ишқилиб, тути пишган ҳовли бўлсин-да, бир маза қилиб тўйиб оламиз. Шу пайт: “Хўроз кепти, хўроз кепти”, – деган гап тарқалиб қолди. Ҳа, айғоқчилар доимо ҳушёр. Бирон янгилик бўлдим, тамом, қулоқлар ишга тушиб кетади. “Хўроз” бу – директоримизнинг лақаби. Мактабимизда ундан бўлак эркак ўқитувчи йўқ, ҳаммаси аёл ўқитувчилар! Эркак ўқитувчилар урушдан қайтиб келишмаган. Директоримиз қаёққадир ўқиб келгани кетган, шунга ҳамма яйраб қолган эди. У қизил хиром этик, икки ёни шишиб чиққан галифе шим, оқ кўйлак, қизил галстук, чарм шапка кийиб юрарди. Олифта, ичи тўла гап эди. Бир гапга тушиб кетса борми... Менга ўхшаган оч-наҳор юрадиган болалар тик оёқда тура олмай, ўзини таппа-таппа ташлаб юборар эди. Директоримиз ўқиб келган бўлса, энди бу ёғи тонготар бўлади, деб шивирлашади болалар...

Ана, ниҳоят, Хўроз бир тўда аёл ўқитувчилар билан ичкаридан чиқиб келди. Аёл ўқитувчиларнинг оқ, баргикарам, сариқ, шафтоли гулли кўйлаклари орасида директоримизнинг хипча, озғин, узун бўлиб кўриниши, бошидаги қора шапкаси, оқ кўйлаги ва бўйнидаги қизил галстуги у кишини ростдан ҳам хўрозга ўхшатиб юборарди. Директорнинг борган жойида мазаси бўлмай қолганми, ишқилиб, юзини бошқалардек баҳор офтоби қорайтирмаган эди. Бу – у кишини оқсуяк қилиб кўрсатарди.

chayon solingan idish tutamiz. Va yana odob yuzasidan: "Osh bo'lsin", – deb ham qo'yamiz. Ular bo'lsa chayonlarni nima qilishini bizga ko'rsatishmaydi. Tomga qo'yilgan ayg'oqchilarimizning aytishicha, moxovlarning hovlisida bitta jo'xori tuyadigan keli bormish. Biz olib borayotgan chayonlarni o'sha keliga solib, ustini kepchik bilan yopib qo'yishayotganmish. Ularning taxminicha, chayonlarni kelida tuyib, tolqon qilib yeyishlari mumkin ekan. Bu gap qaysidir jihati bilan Sodiqovning taxminiga yaqin edi. Unda odamlar orasida "Chayonga chaqtirishadi", degan gap qayerdan paydo bo'lgan ekan?

MOXOVLARDAN MAKTUB KELGANI...

Shunday kunlarning birida maktab hovlisida har doimgidek yig'in bo'lib qoldi. Butun maktab bolalari hovlida saf tortib turdik. Oldin yuqori sinf o'quvchilari, undan keyin biz. Yuqori sinf o'quvchilarining o'ziga yarasha hurmati bor. Ularning oldida direktorimiz qayta-qayta aytadigan urush oqibatlarini tugatishdek katta vazifalar turibdi. Majlisni uzoq kutib, oftobda jizg'anagimiz chiqib, toqatimiz toq bo'la boshladi. Nima gap ekan? Pilla tergani boramizmikan? Ishqilib, tuti pishgan hovli bo'lsin-da, bir maza qilib to'yib olamiz. Shu payt: "Xo'roz kepti, xo'roz kepti", – degan gap tarqalib qoldi. Ha, ayg'oqchilar doimo hushyor. Biron yangilik bo'ldimi, tamom, quloqlar ishga tushib ketadi. "Xo'roz" bu – direktorimizning laqabi. Maktabimizda undan bo'lak erkak o'qituvchi yo'q, hammasi ayol o'qituvchilar! Erkak o'qituvchilar urushdan qaytib kelishmagan. Direktorimiz qayoqqadir o'qib kelgani ketgan, shunga hamma yayrab qolgan edi. U qizil xirom etik, ikki yoni shishib chiqqan galife shim, oq ko'ylak, qizil galstuk, charm shapka kiyib yurardi. Olifta, ichi to'la gap edi. Bir gapga tushib ketsa bormi... Menga o'xshagan och-nahor yuradigan bolalar tik oyoqda tura olmay, o'zini tappa-tappa tashlab yuborar edi. Direktorimiz o'qib kelgan bo'lsa, endi bu yog'i tongotar bo'ladi, deb shivirlashadi bolalar...

Ana, nihoyat, Xo'roz bir to'da ayol o'qituvchilar bilan ichkaridan chiqib keldi. Ayol o'qituvchilarning oq, bargikaram, sariq, shaftoli gulli ko'ylaklari orasida direktorimizning xipcha, ozg'in, uzun bo'lib ko'inishi, boshidagi qora shapkasi, oq ko'ylagi va bo'ynidagi qizil galstugi u kishini rostdan ham xo'rozga o'xshatib yuborardi. Direktorning borgan joyida mazasi bo'lmay qolganmi, ishqilib, yuzini boshqalardek bahor oftobi qoraytirmagan edi. Bu – u kishini oqsuyak qilib ko'rsatardi. Avvaliga yakkam-dukkam chapak chalindi-yu,

Аввалига яккам-дуккам чапак чалинди-ю, кейинига бориб мактаб ҳовлисига томдан бир арава тараша тушгандек бўлиб кетди. Директор кўлини кўксига кўйиб: "Бағоят мамнунман, мамнунман..." – дегандек ўннга, сўлга қараб бош эгиб кўйди. Шу пайт илмий мудирамиз узун кўйлагига ўрала-ўрала пилдиллаволиб бир дона суюнчиқсиз курси олиб чиқиб директорнинг шундоққина оёғининг тагига кўймоқчи бўлди. Директор бўлса кўлининг орқаси билан мендан нарироқ кўйинг, деган ишорани қилди. Курсида нимагадир бир жуфт малларанг кўлқоп, бир стакан сув турарди. Стакандаги сувга чанг тушмасин дебми, илмий мудира опамиз қайси бир ўқувчининг дафтаридан йиртиб олган бир варақ қоғозни ёпиб кўйди. Аммо бурилиб кетаётганда кўйлагининг шамоли тегдими, ишқилиб, қоғоз учиб, оёқ остига тушди. Буни кўрган илмий мудира ўзининг эпсизлигидан уялиб, қизариб-бўзариб, қоғозни олиб, яна стакан устига кўйди. Кейин кўли билан "Энди уча кўрма", – дегандек ишора билан орқамача юриб, жойига турмоқчи бўлди. Аммо қоғозга яна жон битиб, учиб тушди. Илмий мудира яна шошиб қолди... У ер-бу ердан пиқиллаб кулган овозлар эшитилди. Директоримиз сал илжайиб кўйган эди, кулги гуриллаб кетди. Илмий мудира бояги ишини яна қайтарди. Бу сафар қоғозни стакан устига кафти билан босиб-босиб кўйди. Энди нари кетмай, бир муддат устида қараб турди. Қоғозга яна жон бита бошлаган эди, мудира опа кўрқиб кетиб: "Ажина, ажина", – деб ўзини аёл ўқитувчилар орасига урди. Биз энди кулишни ҳам, кулмасликни ҳам билмай, ҳайратдан қотиб қолган эдик.

– Ҳа, ҳа, – деди директоримиз овозини кўтариб, – опамиз рост айтяптилар, стаканнинг ичидаги суюқлик ростдан ҳам ажина! Ажинанинг ҳам энг маккори. Ажиналар, одатда, кўзга кўринмайдилар. Эҳтиёт чорасини қилмасак, стакандан қочиб чиқиши турган гап. Лекин биз бунга йўл кўймаймиз...

Директор бир-бирларига суқилишиб турган аёл ўқитувчиларга ва бизга "кўрқманглар" дегандек қараб кўйди-да, учиб тушган қоғозни ўзи ердан олиб, яна стаканнинг устига кўйди, кейин тилла қисқичли автомат ручкасини олиб, "Ла ҳавла ва ла қуввата илла-биллаҳи алийул аъзийм", – деб қоғознинг устига бостириб кўйди. Жин энди қоғозни кўтариб чиқа олмади. Биз болалар кўзларимизнинг пахтаси чиқиб, бақа бўлиб қолган эдик. Тўхтасин секин биқинимга туртди. Чўчиб тушдим. Қарасам, Тўхтасиннинг рангида қон йўқ. Кўзлари қинидан чиқай дейди. "Қоча қолайлик", – деди у йиғламсираб. "Жим тур, ўзимам зўрға турибман, олдин катта синфлар қочишни бошлашсин... Кейин биз!" Тўхтасин бирпас жим турди-да, яна минғирлади: "Хўроз жодугарликка ўқиб



keyiniga borib maktab hovlisiga tomdan bir arava tarasha tushgandek bo'lib ketdi. Direktor qo'lini ko'ksiga qo'yib: "Bag'oyat mamnunman, mamnunman..." – degandek o'ngga, so'lga qarab bosh egib qo'ydi. Shu payt ilmiy mudiramiz uzun ko'ylagiga o'rala-o'rala pildillavolib bir dona suyanchiqsiz kursi olib chiqib direktorning shundoqqina oyog'ining tagiga qo'yimoqchi bo'ldi. Direktor bo'lsa qo'lining orqasi bilan mendan nariroq qo'ying, degan ishorani qildi. Kursida nimagadir bir juft mallarang qo'lqop, bir stakan suv turardi. Stakandagi suvga chang tushmasin debmi, ilmiy mudira opamiz qaysi bir o'quvchining daftaridan yirtib olgan bir varaq qog'ozni yopib qo'ydi. Ammo burilib ketayotganda ko'ylagining shamoli tegdimi, ishqilib, qog'oz uchib, oyoq ostiga tushdi. Buni ko'rgan ilmiy mudira o'zining epsizligidan uyalib, qizarib-bo'zarib, qog'ozni olib, yana stakan ustiga qo'ydi. Keyin qo'li bilan "Endi ucha ko'rma", – degandek ishora bilan orqamacha yurib, joyiga turmoqchi bo'ldi. Ammo qog'ozga yana jon bitib, uchib tushdi. Ilmiy mudira yana shoshib qoldi... U yer-bu yerdan piqillab kulgan ovozlari eshitildi. Direktorimiz sal iljayib qo'ygan edi, kulgi gurullab ketdi. Ilmiy mudira boyagi ishini yana qaytardi. Bu safar qog'ozni stakan ustiga kafti bilan bosib-bosib qo'ydi. Endi nari ketmay, bir muddat ustida qarab turdi. Qog'ozga yana jon bita boshlagan edi, mudira opa qo'rqib ketib: "Ajina, ajina", – deb o'zini ayol o'qituvchilar orasiga urdi. Biz endi kulishni ham, kulmaslikni ham bilmay, hayratdan qotib qolgan edik.

– Ha, ha, – dedi direktorimiz ovozi ko'tarib, – opamiz rost aytyaptilar, stakanning ichidagi suyuqlik rostdan ham ajina! Ajinaning ham eng makkori. Ajinalar, odatda, ko'zga ko'rinmaydilar. Ehtiyot chorasini qilmasak, stakandan qochib chiqishi turgan gap. Lekin biz bunga yo'l qo'ymaymiz...

Direktor bir-birlariga suqilishib turgan ayol o'qituvchilarga va bizga "qo'rqmanglar" degandek qarab qo'ydi-da, uchib tushgan qog'ozni o'zi yerdan olib, yana stakanning ustiga qo'ydi, keyin tilla qisqichli avtomat ruchkasini olib, "La havla va la quvvata illa-billahi aliyul a'ziym", – deb qog'ozning ustiga bostirib qo'ydi. Jin endi qog'ozni ko'tarib chiqay olmadi. Biz bolalar ko'zlarimizning paxtasi chiqib, baqa bo'lib qolgan edik. To'xtasin sekin biqinimga turti. Cho'chib tushdim. Qarasam, To'xtasinning rangida qon yo'q. Ko'zlari qinidan chiqay deydi. "Qocha qolaylik", – dedi u yig'lamsirab. "Jim tur, o'zimam zo'rg'a turibman, oldin katta sinflar qochishni boshlashsin... Keyin biz!" To'xtasin birpas jim turadi-da, yana ming'irladi: "Xo'roz jodugarlikka o'qib kelganga o'xshaydi, sen nima deysan-a?" "Sen haqsan, jim bo'li!"

келганга ўхшайди, сен нима дейсан-а?" "Сен ҳақсан, жим бўл!"

Директоримиз стакандаги жинни ҳам эсидан чиқариб, борган жойидаги ободончиликлар ҳақида, одамларнинг юз-кўзларидан кечаги уруш азоблари кўтарилиб, унинг ўрнини эртанги кунларга ишонч аломатлари эгаллаб бораётгани ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. У ўхтин-ўхтин томоқ қириб, қўлларини ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа ёзиб, ўз ҳайратини намойиш қилган бўлар, бу билан бизларни ҳам ҳаяжонга солмоқчи бўларди. Биз бўлса директор мақтаётган жойларни, одамларни кўрмаганимиз учунми, эсноқ тутиб, без бўлиб турардик. Аммо менинг кўзим ажинани босиб турган тилла қисқичли ручкада эди. Мен бу ручканинг сиёҳи қаеридан чиқади-ю, қандай қилиб ёзишини томоша қилгим келарди. Энди билсам, бунақа ручкалар сеҳрли ҳам бўлар экан. Шунинг учун автомат ручка десалар керак-да. Балки у тариллатиб ўзидан ўқ чиқарса ҳам керак? Тўхтасин энди мени ҳалигидай туртмай, қўлимни ушлаб, секингина силкиди. "Гапир!" "Сен нима деб ўйлайсан-а, анави курсининг устидаги қўлқоп нимага?" Мен бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эдим. "Жанг бўладиганга ўхшайди", – дедим. "Ў-ў-ў... ким билан?" Тўхтасин қўлимга маҳкамроқ ёпишди. У менга қанча ёпишса, мен худди иккита одамга айлангандек дадиллашиб борардим. "Ким билан бўларди, стакандаги жин билан-да". "Хўроз уришадими?" "Бўлмаса ким, ҳозир томоша қиламиз". "Унда қочмай турамиз-а, оғайни?" "Жангнинг боришига қараймиз..." "Боксчиларнинг қўлқопи бўлганда зўр бўларди, а?" – дейди Тўхтасин. "Хўрозга буниси ҳам бўлаверади, энди овозингни ўчириб тур, Хўроз бизга қараяпти".

Директор ниҳоят сафар таассуротларини тугатиб, мактабимиз ҳаётига ўтди. Мактабимиз шаҳардаги якка-ю ягона ТўМ эканлиги (тўлиқ ўрта мактаб), унинг номини оқлаш зарурлиги, баъзи болалар бу номга доғ тушираётганлиги, улар, албатта, ТўМдан ҳайдаб юборилиши ҳақида гапирди.

– Мана сизларга исбот-далили, – деди директор. – Айбдорлар орамизда туришибди, қочиб қоламиз, деб овора бўлишмасин, осмонга чиқса оёғидан, ерга кирса қулоғидан тортмасиз...

Биз ким экан у айбдорлар, дегандек бир-биримизга қараб олдик. Наҳотки айбдорларнинг стакандаги жинга алоқаси бўлса?

Директор бирдан курси устидаги қўлқопни панжаларига кия бошлади. "Бошланяпти", – деб Тўхтасин пинжимга кириб, қўлимга ёпишди. "Нарироқ тур, мунча ёпишасан, шундоғам терлаб кетягман", – дейман уни ўзимдан итариб. Қайда, у ўтақаси ёрилиб, баттар ёпишади. Директор қўлқопни худди қишдагидек



Direktorimiz stakandagi jinni ham esidan chiqarib, borgan joyidagi obodonchiliklar haqida, odamlarning yuz-ko'zlaridan kechagi urush azoblari ko'tarilib, uning o'rnini ertangi kunlarga ishonch alomatlarini egallab borayotgani haqida to'lib-toshib gapirdi. U o'xtin-o'xtin tomoq qirib, qo'llarini hali u yoqqa, hali bu yoqqa yozib, o'z hayratini namoyish qilgan bo'lar, bu bilan bizlarni ham hayajonga solmoqchi bo'lardi. Biz bo'lsa direktor maqtayotgan joylarni, odamlarni ko'rmaganimiz uchunmi, esnoq tutib, bez bo'lib turardik. Ammo mening ko'zim ajinani bosib turgan tilla qisqichli ruchkada edi. Men bu ruchkaning siyohi qayeridan chiqadi-yu, qanday qilib yozishini tomosha qilgim kelardi. Endi bilsam, bunaqa ruchkalar sehrli ham bo'lar ekan. Shuning uchun avtomat ruchka desalar kerak-da. Balki u tarillatib o'zidan o'q chiqarsa ham kerak? To'xtasin endi meni haligiday turtmay, qo'limni ushlab, sekingina silkidi. "Gapir!" "Sen nima deb o'ylaysan-a, anavi kursining ustidagi qo'lqop nimaga?" Men bu haqda o'ylab ko'rmagan edim. "Jang bo'ladiganga o'xshaydi", – dedim. "O'o'o'... kim bilan?" To'xtasin qo'limga mahkamroq yopishdi. U menga qancha yopishsa, men xuddi ikkita odamga aylangandek dadillashib borardim. "Kim bilan bo'lardi, stakandagi jin bilan-da". "Xo'roz urishadimi?" "Bo'lmasa kim, hozir tomosha qilamiz". "Unda qochmay turamiz-a, og'ayni?" "Jangning borishiga qaraymiz..." "Bokschilarning qo'lqopi bo'lganda zo'r bo'lardi, a?" – deydi To'xtasin. "Xo'rozga bunisi ham bo'laveradi, endi ovozingni o'chirib tur, Xo'roz bizga qarayapti".

Direktor nihoyat safar taassurotlarini tugatib, maktabimiz hayotiga o'tdi. Maktabimiz shahardagi yakka-yu yagona TO'M ekanligi (to'liq o'rta maktab), uning nomini oqlash zarurligi, ba'zi bolalar bu nomga dog' tushirayotganligi, ular, albatta, TO'Mdan haydab yuborilishi haqida gapirdi.

– Mana sizlarga isbot-dalili, – dedi direktor. – Aybdorlar oramizda turishibdi, qochib qolamiz, deb ovora bo'lishmasin, osmonga chiqsa oyog'idan, yerga kirs qulog'idan tortamiz...

Biz kim ekan u aybdorlar, degandek bir-birimizga qarab oldik. Nahotki aybdorlarning stakandagi jinga aloqasi bo'lsa?

Direktor birdan kursi ustidagi qo'lqopni panjalariga kiya boshladi. "Boshlanyapti", – deb To'xtasin pinjimga kirib, qo'limga yopishdi. "Nariroq tur, muncha yopishasan, shundog'am terlab ketyapman", – deyman uni o'zimdan itarib. Qayda, u o'takasi yorilib, batar yopishadi. Direktor qo'lqopni xuddi qishdagidek tortib-tortib, yaxshilab kiyib oldi. O'rnashdimi, deb musht

тортиб-тортиб, яхшилаб кийиб олди. Ўрнашдимми, деб мушт қилиб кўрди. Енги калта кўйлак кийгани учунми, бу жуда ғалати кўринди. Лекин директорнинг шундай иссиқ кунда кўлқоп кийиб олиши яхшиликка эмас эди. Билишимча, у стакандаги жин билан олишмоқчи ёки уни чиқариб, бировни дўппослатмоқчи. Ёки ТўМ номига доғ тушириб юрганларни ўртага чиқариб ўзи дўппосламоқчи. Борган жойида дўппослашнинг бунақа янги-ча усулларини ўрганиб келибди-да. Кўлқоп кийиб дўппосласа кўкариб чиқмаса керак-да. Бу даканг Хўроздан ҳамма нарсани кутса бўлади. Директор кўлқоп кийгач, яна бошқа бир нарса билан бизни ҳайратга солиб кўйди. У кўйлагининг ён чўнтагидан бир дона папирос олиб, лабига қистирди. Ҳа, ҳа, намоишкорона шундай қилди. Тавба, бутун мактаб болалари олдида-я?! Чекадиган катта болалар нуқул ҳожатхонада тутатиб ўтиришарди. Бу киши... Вой-й-й... Баттар шошиб қолдик. Нималар бўляпти ўзи? Шу ўзимизнинг Хўрози? Мабодо стакандаги ажина билан ўринлари алмашилиб қолмадимми? Ахир, директоримиз папирос чеккан болани ушлаб, жазосига чўғини пешанасига босарди-ку. Мактабимизда пешанасига шунақа тамға тушган болалар анча-мунча эди. Воқеа биз кутгандан кўра бошқачароқ тус ола бошлади. Папирос тутаганича директорнинг лаблари орасида у ёқдан бу ёққа бориб кела бошлади. Директор стаканга энгашиб, унинг тагидан букланган битта қоғоз олди. Биз қоғозни кўрмабмиз. Қоғоз таҳини кўлқоп кийган кўли билан қийналиб очди-да, баланд овозда ўқий бошлади:

"Муаллим афандилар! Биз дарди бедаволарни маъзур тутасизлар. Сиз муҳтарамларга арзи ҳол қилишга мажбур бўлиб қолдик. Арзимиз шуки, кейинги кунларда ТўМ ўқувчилари бизларга тинчлик бермай кўйишди. Тўғрироғи, ҳаддан зиёд меҳр-оқибат кўрсатиб юборишди. Бизни керагидан ортиқ чаён билан сийлаб ташлашди. Биз чаён оши ичмаймиз. Илтимосимиз, болалар чаён олиб келишни тўхтатишсин. Уларга биздан бирон зарар етиб қолишидан кўрқамиз. Дардимиз қанақалигини яхши биласизлар! Сизларга ҳурмат ва эҳтиром ила эр-хотин моховлар".

Директор бу хатни ўқигунча папироси оғзидан тушмади. "Ана энди қочиш қилсак бўлади", – деб кўзим билан ўйинбошимиз Турсунбойни излаб қолдим. Қарасам, бошқа ўртоқларим ҳам Турсунбойга тикилиб турибди. "Нима дейсан, ўйинбоши?" Турсунбой: "Жим бўлинглар", – дегандек бизга қараб қовоғини уйди. Албатта жим бўламиз-да Турсунбой бир нима дегандан кейин. Ахир, у бизнинг атаманимиз. Қочиб қолиш ҳақидаги ниятимиз Турсунбойнинг битта қараши билан йўққа чиқди. Директор хатни



qilib ko'rdi. Yengi kalta ko'ylak kiygani uchunmi, bu juda g'alati ko'rindi. Lekin direktorning shunday issiq kunda qo'lqop kiyib olishi yaxshilikka emas edi. Bilishimcha, u stakandagi jin bilan olishmoqchi yoki uni chiqarib, bironni do'pposlatmoqchi. Yoki TO'M nomiga dog' tushirib yurganlarni o'rtaga chiqarib o'zi do'pposlamoqchi. Borgan joyida do'pposlashning bunaqa yangicha usullarini o'rganib kelibdi-da. Qo'lqop kiyib do'pposlasa ko'karib chiqmasa kerak-da. Bu dakang Xo'rozdan hamma narsani kutsa bo'ladi. Direktor qo'lqop kiygach, yana boshqa bir narsa bilan bizni hayratga solib qo'ydi. U ko'ylagining yon cho'ntagidan bir dona papiros olib, labiga qistirdi. Ha, ha, namoyishkorona shunday qildi. Tavba, butun maktab bolalari oldida-ya?! Chekadigan katta bolalar nuqul hojatxonada tutatib o'tirishardi. Bu kishi... Voyyy... Battar shoshib qoldik. Nimalar bo'lyapti o'zi? Shu o'zimizning Xo'rozmi? Mabodo stakandagi ajina bilan o'rinlari almashinib qolmadimi? Axir, direktorimiz papiros chekkan bolani ushlab, jazosiga cho'g'ini peshanasiga bosardi-ku. Maktabimizda peshanasiga shunaqa tamg'a tushgan bolalar ancha-muncha edi. Voqea biz kutgandan ko'ra boshqacharoq tus ola boshladi. Papiros tutaganicha direktorning lablari orasida u yoqdan bu yoqqa borib kela boshladi. Direktor stakanga engashib, uning tagidan buklangan bitta qog'oz oldi. Biz qog'ozni ko'rmabmiz. Qog'oz taxini qo'lqop kiygan qo'li bilan qiynalib ochdi-da, baland ovozda o'qiy boshladi:

"Muallim afandilar! Biz dardi bedavolarni ma'zur tutasizlar. Siz muhtaramlarga arzi hol qilishga majbur bo'lib qoldik. Arzimiz shuki, keyingi kunlarda TO'M o'quvchilari bizlarga tinchlik bermay qo'yishdi. To'g'rirog'i, haddan ziyod mehr-oqibat ko'rsatib yuborishdi. Bizni keragidan ortiq chayon bilan siylab tashlashdi. Biz chayon oshi ichmaymiz. Iltimosimiz, bolalar chayon olib kelishni to'xtatishsin. Ularga bizdan biron zarar yetib qolishidan qo'rqamiz. Dardimiz qanaqaligini yaxshi bilasizlar! Sizlarga hurmat va ehtirom ila er-xotin moxovlar".

Direktor bu xatni o'qiguncha papirosi og'zidan tushmadi. "Ana endi qochish qilsak bo'ladi", - deb ko'zim bilan o'yinboshimiz Tursunboyini izlab qoldim. Qarasam, boshqa o'rtoqlarim ham Tursunboyga tikilib turibdi. "Nima deysan, o'yinboshi?" Tursunboy: "Jim bo'linglar", - degandek bizga qarab qovog'ini uydi. Albatta jim bo'lamiz-da Tursunboy bir nima degandan keyin. Axir, u bizning atamanimiz. Qochib qolish haqidagi niyatimiz Tursunboyning bitta qarashi bilan yo'qqa chiqdi. Direktor xatni jirkangandek yirtib yerga tashladi. Keyin qo'lqoplarni yechib,

жиркангандек йиртиб ерга ташлади. Кейин кўлқопларни ечиб, унияма қоғознинг устига ирғитди. Аммо папирос оғзида ҳали ҳам тутагани-тутаган эди. Тутундан директорнинг юзлари буришар, умрида папирос чекмагани билиниб турарди. Ниҳоят, папиросни ҳам кўлқоп устига туфлаб ташлади. Кейин автомат ручкани олиб, авайлабгина чўнтагига қистирди. Жин деган нарса билан директор қўлини ювди, оғзи бурнини чайди, кейин қолганини хат билан кўлқоп устига тўкди. Ол-а-а... жин деганлари шунчаки оддий сув экан-ку. Лақиллатишини қара буларнинг. Шундан кейин директор чўнтагидан гугурт чиқарди-да, орқароққа сурилиб, чақиб, кўлқоп устига отди. Лоп этиб ёнган оловдан ҳаммамиз бир чўчиб тушдик. Шундагина стакандаги жин – спирт эканлигини, иссиқда парланиб, қоғозни кўтарганини тушуниб қолдик. Шундан кейин иссиқда ҳангу манг бўлиб туришнинг ҳеч бир қизиғи қолмади. Директорнинг моховлардан жиркантириш учун ўйлаб топган баҳоналари бир тийин бўлди. Эсиз, яп-янги кўлқоп ёниб кетди-я. Орамизда қиш кунлари қўли кўлқоп кўрмаган болалар қанча эди. Бирортамизга асқатиб қоларди-ку. Ўзи бу дунёда сирли нарсалар сирлилигича қолиши керак экан-да! Мана, биз ҳам моховлар чаёнга қаеридан чақтиришини билайлик, деб югуриб юрибмиз. Эртага билганимиздан кейин буниям қизиғи қолмаса керак. Лекин бизники бунақа майнавозчилик эмас. Бизники ўлим билан баробар.

ТУРСУНБОЙ – ҲАҚИҚИЙ АТАМАН

– Мана, – деди Хўроз катта бир ишни дўндириб чарчаган одамдек, – моховлардан келган битта хатни ўқигунча не кўйларга тушмадим. Хатни кўлқоп билан ушладим, папироснинг тутуни билан микробларни нари-бери ҳайдаб турдим, охири спирт билан ўзимни тозалаб олдим. Билолмадим, сенлар нима қилиб уларнинг тумшуғи тагида ўралашиб юрибсанлар? Пишириб қўйибдимми? Бирортанга мохови юкса борми, бутун бошли ТўМ тугаб кетади-я! Ҳа, ҳамманг ўтиндек ёқиласан. Билиб қўйинглар, ўша моховлар ҳам ўлганидан кейин хужра-пужраси билан қўшиб ёқилади. Шундагина хавф бир ёқлик бўлади. У шунақа дарди бедаво касал. Хўш, бу номаъқулчиликни ким қиляпти, мард бўлса, ўртага чиқсин!

Директор уришмоқчи бўлган хўроздек ярим айланиб қўйди. Шу пайт Турсунбой ўртага чиқиб борди. Тўхтасин нуқул мени турткилайди: “Қара, қара...” “Э, кўриб турибман, кўр эмасман”. “Юр, қочвора қолайлик”. “Атаманни ташлаб-а?..”

– Хў-ў-ў-ш... Турсунбой Тўхтасинбой ўғли... Яша, аммо мард бола экансан. Йигит киши шундай бўлиши керак. Яна борми шунақа ўртага чиқадиган мардлардан?



uniyam qog'ozning ustiga irg'itdi. Ammo papiros og'zida hali ham tutagani-tutagan edi. Tutundan direktorning yuzlari burishar, umrida papiros chekmagani bilinib turardi. Nihoyat, papirosni ham qo'lqop ustiga tufiab tashladi. Keyin avtomat ruchkani olib, avaylabgina cho'ntagiga qistirdi. Jin degan narsa bilan direktor qo'lini yuvdi, og'zi burnini chaydi, keyin qolganini xat bilan qo'lqop ustiga to'kdi. O'laa... jin deganlari shunchaki oddiy suv ekan-ku. Laqillatishini qara bularning. Shundan keyin direktor cho'ntagidan gugurt chiqardi-da, orqaroqqa surilib, chaqib, qo'lqop ustiga otdi. Lop etib yongan olovdan hammamiz bir cho'chib tushdik. Shundagina stakandagi jin – spirt ekanligini, issiqda parlanib, qog'ozni ko'targanini tushunib qoldik. Shundan keyin issiqda hang-u mang bo'lib turishning hech bir qizig'i qolmadi. Direktorning moxovlardan jirkantirish uchun o'ylab topgan bahonalari bir tiyin bo'ldi. Esiz, yap-yangi qo'lqop yonib ketdi-ya. Oramizda qish kunlari qo'li qo'lqop ko'rmagan bolalar qancha edi. Birortamizga asqatib qolardi-ku. O'zi bu dunyoda sirli narsalar sirililgicha qolishi kerak ekan-da! Mana, biz ham moxovlar chayonga qayeridan chaqtirishini bilaylik, deb yugurib yuribmiz. Ertaga bilganimizdan keyin buniyam qizig'i qolmasa kerak. Lekin bizniki bunaqa maynavozchilik emas. Bizniki o'lim bilan barobar.

TURSUNBOY – HAQIQIY ATAMAN

– Mana, – dedi Xo'roz katta bir ishni do'ndirib charchagan odamdek, – moxovlardan kelgan bitta xatni o'qiguncha ne ko'ylarga tushmadim. Xatni qo'lqop bilan ushladim, papirosning tutuni bilan mikroblarni nari-beri haydab turdim, oxiri spirt bilan o'zimni tozalab oldim. Bilolmadim, senlar nima qilib ularning tumshug'i tagida o'ralashib yuribsanlar? Pishirib qo'yibdimi? Birortangga moxovi yuqsa bormi, butun boshli TO'M tugab ketadi-ya! Ha, hammang o'tindek yoqilasan. Bilib qo'yinglar, o'sha moxovlar ham o'lganidan keyin hujra-pujrasi bilan qo'shib yoqiladi. Shundagina xavf bir yoqlik bo'ladi. U shunaqa dardi bedavo kasal. Xo'sh, bu noma'qulchilikni kim qilyapti, mard bo'lsa, o'rtaga chiqsin!

Direktor urishmoqchi bo'lgan xo'rozdek yarim aylanib qo'ydi. Shu payt Tursunboy o'rtaga chiqib bordi. To'xtasin nuqul meni turtkilaydi: "Qara, qara..." "E, ko'rib turibman, ko'r emasman". "Yur, qochvara qolaylik". "Atamanni tashlab-a?..."

– Xo'o'o'sh... Tursunboy To'xtasinboy o'g'li... Yasha, ammo mard bola ekansan. Yigit kishi shunday bo'lishi kerak. Yana bormi shunaqa o'rtaga chiqadigan mardlardan?

Биз ярқ этиб Турсунбойга қарадик. “Нима қилайлик?” Турсунбой яна хўмрайди. “Жойларингдан қимирламанглар, Хўроз билан ўзим ҳисоблашаман!” Мен Турсунбойнинг шундай қилишини билардим. Агарда у шундай қилмаса, унинг атаманлиги қаерда қолади? У ўз номига яраша иш қилаётган эди. Ҳақиқий атаман кўл остидагиларни қандайдир Хўрозга чўқилатиб қўймайди. Оғирликни бўйнига олади. Бу ҳамманинг ҳам кўлидан келмайди. У жазоланадиган бўлса ҳам биз учун жазоланади. Турсунбойга ўхшаганлар ҳеч қачон Содиқовга ўхшаганларнинг малайига айланмайди. Менга ўхшаб лақма бўлмайди. Агарда Турсунбой менинг ўрнимда бўлганда, аячам билан ади-бади айтишиб ўтирмай, аллақачон уйдан бош олиб чиқиб кетган бўларди. Мен-чи?..

Директор бизга қараб ўшқирди:

– Ҳа, бошқа марду майдонлар йўқми?... Тушунарли!

Директор Турсунбойга юзланди:

– Кўрдингми, Турсунбой Тўхтасинбой ўғли? Ўртоқларинг ғирт сотқин экан. Шулар билан оғайни бўлиб юрибсанми ҳали? Урушда бунақаларнинг пешанасидан отиб ташлашган. Айт, чаённи кимлар билан овладинг? Яширма, номларини бир чеккадан айт, барибир меҳрибонлигингга арзишмайди улар...

– Бир ўзим овладим, моховларгаям ўзим олиб бордим, ишон-масангиз моховларнинг ўзидан сўранг.

– Ҳали уларнинг олдига бориб сўраб-суриштиришим ҳам қолувдимми... Нималар деётганингни биласанми ўзи, Турсунбой Тўхтасинбой ўғли?

Директорнинг юзлари тортишиб, Турсунбойга шапалоқ туширмоқчи бўлди-ю, нимагадир ниятидан қайтиб, қаншарини қашлади. Турсунбой чап берди. Хўрознинг одатини биламиз, бирикки шунақа қилиқ қилади-да, кейинига солиб қолади. Директорнинг ураман деб урмай Турсунбойни алдагани унга алам қилди. Жаҳл билан деди:

– Борсангиз ТўМ учун борасиз, мен учунмас. Мен бу ишларни фақат ТўМ учун қилганман...

– Аҳмоқсан, моховларнинг ТўМ га нима алоқаси бор? – директор яна кўлини кўтарди. Турсунбой яна чап бериб қолди. Директор яна урмай қаншарини қашилаб қўйди.

– Нимага алоқаси бўлмасин, – бўш келмади Турсунбой, – моховларни ТўМ ўйламаса ким ўйлайди? Ўғил-қизи бўлмаса у бечораларнинг. Қариндош-уруғи қарамаса. Ҳозир чаёнларнинг кўпаядиган пайти, эртага уларни қидириб ҳам топиб бўлмайди. Шунга олдиндан ғамлаб берай, дедим-да. Керак бўлмаса, энди обормайман, тамом.

Biz yarq etib Tursunboyga qaradik. "Nima qilaylik?" Tursunboy yana xo'mraydi. "Joylaringdan qimirlamanglar, Xo'roz bilan o'zim hisoblashaman!" Men Tursunboyning shunday qilishini bilardim. Agarda u shunday qilmasa, uning atamanligi qayerda qoladi? U o'z nomiga yarasha ish qilayotgan edi. Haqiqiy ataman qo'l ostidagilarni qandaydir Xo'rozga cho'qilatib qo'ymaydi. Og'irlikni bo'yniga oladi. Bu hammaning ham qo'lidan kelmaydi. U jazolanadigan bo'lsa ham biz uchun jazolanadi. Tursunboyga o'xshaganlar hech qachon Sodiqovga o'xshaganlarning malayiga aylanmaydi. Menga o'xshab laqma bo'lmaydi. Agarda Tursunboy mening o'rnimda bo'lganda, ayacham bilan adi-badi aytishib o'tirmay, allaqachon uydan bosh olib chiqib ketgan bo'lardi. Men-chi?..

Direktor bizga qarab o'shqirdi:

– Ha, boshqa mard-u maydonlar yo'qmi?... Tushunarli!

Direktor Tursunboyga yuzlandi:

– Ko'rdingmi, Tursunboy To'xtasinboy o'g'li? O'rtoqlaring g'irt sotqin ekan. Shular bilan og'ayni bo'lib yuribsanmi hali? Urushda bunaqalarning peshanasidan otib tashlashgan. Ayt, chayonni kimlar bilan ovlading? Yashirma, nomlarini bir chekkadan ayt, baribir mehribonligingga arzishmaydi ular..

– Bir o'zim ovladim, moxovlargayam o'zim olib bordim, ishonmasangiz moxovlarning o'zidan so'rang.

– Hali ularning oldiga borib so'rab-surishtirishim ham qoluvdimi... Nimalar deyotganingni bilasanmi o'zi, Tursunboy To'xtasinboy o'g'li?

Direktorning yuzlari tortishib, Tursunboyga shapaloq tushirmoqchi bo'ldi-yu, nimagadir niyatidan qaytib, qansharini qashladi. Tursunboy chap berdi. Xo'rozning odatini bilamiz, bir-ikki shunaqa qiliq qiladi-da, keyiniga solib qoladi. Direktorning uraman deb urmay Tursunboyini aldagani unga alam qildi. Jahl bilan dedi:

– Borsangiz TO'M uchun borasiz, men uchunmas. Men bu ishlarni faqat TO'M uchun qilganman...

– Ahmoqsan, moxovlarning TO'M ga nima aloqasi bor? – direktor yana qo'lini ko'tardi. Tursunboy yana chap berib qoldi. Direktor yana urmay qansharini qashilab qo'ydi.

– Nimaga aloqasi bo'lmasin, – bo'sh kelmadi Tursunboy, – moxovlarni TO'M o'ylamasa kim o'ylaydi? O'g'il-qizi bo'lmasa u bechoralarning. Qarindosh-urug'i qaramasa. Hozir chayonlarning ko'payadigan payti, ertaga ularni qidirib ham topib bo'lmaydi. Shunga oldindan g'amlab beray, dedim-da. Kerak bo'lmasa, endi obormayman, tamom.

Директор Турсунбой Тўхтасинбой ўғлига бошдан оёқ қаради-да, энди аяш йўқ дегандек қўлини азот кўтарди. Турсунбой энди чап беришни ўйламади, қайтага Хўрознинг бетига тик қаради. Аммо Хўроз урмоқчи бўлган қўлини унинг елкасига оҳиста қўйиб, бизга қараб илжайди:

– ТўМ ни ўйлаб шу ишларни қилган бўлса, отасига раҳмат, ба-ракалла! Моховлар буни тушунишмабди. ТўМ ўқувчиси шарафига қарсақлар, – деб директор Турсунбойнинг қўлини баланд кўтарди. Қарсақбозлик бўлиб кетди.

– Қойил! – деди Тўхтасин мени туртиб. – Бизам ўртага чиқсақ бўларкан, қарсақ олиб қолардик. Ҳамма қарсақ Турсунбойда кетди...

– Нимагалигини биласанми, у ўзинимас, бизни ўйлади, шунга... Бу иши Худога ёқди...

– Ў-ў-ў... сен жа бошқача гапирасан-да, оғайни. Қанийди мениям калламга шунақа гаплар келса...

Тўхтасиннинг гапи менга ҳам хуш ёқди... Лекин Содиқов билан ўйнаган гаровимиз бир ёқли бўлмай қолиб кетадиганга ўхшаб қолди. Энди мактаб директори моховлар атрофига ўз “қулоқ”ларини қўяди. У ерга энди яқинлаша олмаймиз. Балки моховларни кўчиртириб ҳам юборар... Майли, энди бу ёғи менинг ишиммас, атаманимизнинг иши. У нима деса, шу бўлади. Унинг калласи бизникидан яхшироқ ишлайди. Кимсан – шундоқ директорни мот қилди-ку. Бўлмаса директорнинг қўли ҳеч қачон ҳавода қолиб кетмаган. Икки марта кўтарилди-я! Учинчисида бўлса Турсунбойнинг бошини силашга мажбур бўлди!

МОХОВЛАРГА ЖАВОБ ХАТИ

Эртасига Турсунбой ростдан ҳам бошқача йўл топди. Ахир моховлар билан хат орқали гаплашса бўлар экан-ку. Ҳойнаҳой мактаб номига хатни эркак мохов ёзган бўлиши керак. Уни ўқимишли одам дейишарди. Аслида, эри мохов эмас, хотини моховлиги ҳақида гаплар юрарди. Эри хотинини талоқ қилиб, тириклайин очиқ гўрга тиқишни хоҳламаган, у билан ҳужрага бирга кириб кетган экан. Билганлар уларни мохов Лайли-Мажнунлар ҳам дейишарди.

Шундай қилиб Турсунбой моховлар билан хат орқали гаплашадиган бўлди.

Икки кун ўтиб жавоб хати ҳам қўлга тегди. Моховлар биздан бир коса янги соғилган сут ва айни қуёш тиккага келиб, жазил-



Direktor Tursunboy To'xtasinboy o'g'liga boshdan oyoq qaradida, endi ayash yo'q degandek qo'lini azot ko'tardi. Tursunboy endi chap berishni o'ylamadi, qaytaga Xo'rozning betiga tik qaradi. Ammo Xo'roz urmoqchi bo'lgan qo'lini uning elkasiga ohista qo'yib, bizga qarab iljaydi:

– TO'M ni o'ylab shu ishlarni qilgan bo'lsa, otasiga rahmat, barakalla! Moxovlar buni tushunishmabdi. TO'M o'quvchisi sharafiga qarsaklar, – deb direktor Tursunboyning qo'lini baland ko'tardi. Qarsakbozlik bo'lib ketdi.

– Qoyil! – dedi To'xtasin meni turtib. – Bizam o'rtaga chiqsak bo'larkan, qarsak olib qolardik. Hamma qarsak Tursunboyda ketdi...

– Nimagaligini bilasanmi, u o'zinimas, bizni o'yladi, shunga... Bu ishi Xudoga yoqdi...

– O'ro'... sen ja boshqacha gapirasana-da, og'ayni. Qaniydi meniyam kallamga shunaqa gaplar kelsa...

To'xtasinning gapi menga ham xush yoqdi... Lekin Sodiqov bilan o'ynagan garovimiz bir yoqli bo'lmay qolib ketadiganga o'xshab qoldi. Endi maktab direktori moxovlar atrofiga o'z "quloq"larini qo'yadi. U yerga endi yaqinlasha olmaymiz. Balki moxovlarni ko'chirtirib ham yuborar... Mayli, endi bu yog'i mening ishimmas, atanimizning ishi. U nima desa, shu bo'ladi. Uning kallasi biznikidan yaxshiroq ishlaydi. Kimsan – shundoq direktorni mot qildiku. Bo'lmasa direktorning qo'li hech qachon havoda qolib ketmagan. Ikki marta ko'tarildi-ya! Uchinchisida bo'lsa Tursunboyning boshini silashga majbur bo'ldi!

MOXOVLARGA JAVOB XATI

Ertasiga Tursunboy rostdan ham boshqacha yo'l topdi. Axir moxovlar bilan xat orqali gaplashsa bo'lar ekan-ku. Hoynahoy maktab nomiga xatni erkak moxov yozgan bo'lishi kerak. Uni o'qimishli odam deyishardi. Aslida, eri moxov emas, xotini moxovligi haqida gaplar yurardi. Eri xotinini taloq qilib, tiriklayin ochiq go'rga tiqishni xohlamagan, u bilan hujraga birga kirib ketgan ekan. Bilganlar ularni moxov Layli-Majnunlar ham deyishardi.

Shunday qilib Tursunboy moxovlar bilan xat orqali gaplashadigan bo'ldi.

Ikki kun o'tib javob xati ham qo'lga tegdi. Moxovlar bizdan bir kosa yangi sog'ilgan sut va ayni quyosh tikkaga kelib, jazillatgan

латган пайтда уйлари томига чиқиб, ҳовли тарафга қараб туришимизни сўрабди. Сут топиш менинг зиммамга тушди. Бошқаларда соғин сигир йўқ эди. Мақтанчоқ Содиқовнинг сигири қисир қолган экан. Кўзимга аячам кўриниб кетди. Бир коса сут-а! Оқ чой қилиб ичишга бир қошиқ сут бермайдилар-ку. Оҳ, мен оқ чойни қанчалар яхши кўраман. Оқ чой ичсам, нимагадир ойижонимнинг ҳидларини туйгандек бўламан. Хуш ёқиб, кўзларим юмили-и-б кетади. Бир коса сут... Унинг қандай иложини қилдим энди? Сигиримизнинг қорни дўмпайиб, сутдан чиқай деб қолган эди. Сутнинг-ку иложини қиларман-а, чети учган сопол косани қаердан топдим экан? Косани Содиқов уйдан олиб чиқиб берадиган бўлди. Хуллас, сутни моховларга етказиш Тўхтасин икковимизга юклатилди. Томга чиқиб кузатадиган ҳам маълум бўлди. Турсунбой, Содиқов ва мен. “Гаров ўйнадиларингми, ўз кўзларинг билан кўринглар нима бўлишини, – деди Турсунбой. – Мен ўртада гувоҳ бўламан”. Бу таклифдан мен суюниб кетдим. Яна талабгорлар бўлган эди, томга бошқа одам сиғмайди, деб Турсунбой унамади.

ТЎХТАСИННИНГ “БУЗОҚ” БЎЛГАНИ

Эртасига эрталабдан Тўхтасин икковимиз молхонада айланишиб қолдик. Баҳона тайин: молхонани тозалаш, гўнларни ўрага олиб бориб тўкиш. Омадимиз келиб, аячам дўппи сотгани бозорга кетди. Тўхтасин икковимиз шоша-пиша сигирнинг елинига ёпишдик. Иккита эмчагини мен, иккитасини у чўзғилай бошладик. Пақирга чиртиллаб сут тушади-ю, сираям кўпаймайди. Бунинг устига сигир ғашланиб, жим турмайди. Думи билан унақасига айлантриб Тўхтасинни савалайди, бунақасига мени. Шунга яраша сут кўпайса экан. Сигирнинг қорни лорсиллаб, баттар чўччанглаб берди.

– Сен сигирни қашла, у қашлашни яхши кўради, – дедим Тўхтасинга ўргатиб.

– Қаерини қашлай, қаери қичийди?

– Э, сен қашлайвергин...

Тўхтасин хўш-хўшлаб қашлашга тушди. Хуш ёқиб, жонивор бирпас тек туриб қолди. Бирдан сутга барака кирди. Тўхтасин қашлай-қашлай сигирнинг човига бориб қолибди. Сигирнинг ҳам қитиғи бўларкан. Тўрт оёқлаб бир сакради-ю, челақни даранглатиб тепиб юборди. Зўрға соған сутим ер билан битта бўлди. Йиғлаворай дедим. Тўхтасин бўлса қашийдиган жойини энди топувдим-а, деб

paytda uylari tomiga chiqib, hovli tarafga qarab turishimizni so'rabdi. Sut topish mening zimmamga tushdi. Boshqalarda sog'in sigir yo'q edi. Maqtanchoq Sodiqovning sigiri qisir qolgan ekan. Ko'zimga ayacham ko'rinib ketdi. Bir kosa sut-a! Oq choy qilib ichishga bir qoshiq sut bermaydilar-ku. Oh, men oq choyni qanchalar yaxshi ko'raman. Oq choy ichsam, nimagadir oyijonimning hidlarini tuygandek bo'laman. Xush yoqib, ko'zlarim yumilib ketadi. Bir kosa sut... Uning qanday ilojini qildim endi? Sigirimizning qorni do'mpayib, sutdan chiqay deb qolgan edi. Sutning-ku ilojini qilarman-a, cheti uchgan sopol kosani qayerdan topdim ekan? Kosani Sodiqov uyidan olib chiqib beradigan bo'ldi. Xullas, sutni moxovlarga yetkazish To'xtasin ikkovimizga yuklatildi. Tomga chiqib kuzatadigan ham ma'lum bo'ldi. Tursunboy, Sodiqov va men. "Garov o'ynadilaringmi, o'z ko'zlaring bilan ko'ringlar nima bo'lishini, – dedi Tursunboy. – Men o'rtada guvoh bo'laman". Bu taklifdan men suyunib ketdim. Yana talabgorlar bo'lgan edi, tomga boshqa odam sig'maydi, deb Tursunboy unamadi.

TO'XTASINNING "BUZOQ" BO'LGANI

Ertasiga ertalabdan To'xtasin ikkovimiz molxonada aylanishib qoldik. Bahona tayin: molxonani tozalash, go'nglarni o'raga olib borib to'kish. Omadimiz kelib, ayacham do'ppi sotgani bozorga ketdi. To'xtasin ikkovimiz shosha-pisha sigirning yeliniga yopishdik. Ikkita emchagini men, ikkitasini u cho'zg'ilay boshladik. Paqirga chirtillab sut tushadi-yu, sirayam ko'paymaydi. Buning ustiga sigir g'ashlanib, jim turmaydi. Dumi bilan unaqasiga aylantirib To'xtasinni savalaydi, bunaqasiga meni. Shunga yarasha sut ko'paysa ekan. Sigirning qorni lorsillab, battar cho'chchanglab berdi.

– Sen sigirni qashla, u qashlashni yaxshi ko'radi, – dedim To'xtasinga o'rgatib.

– Qayerini qashlay, qayeri qichiydi?

– E, sen qashlayvergin...

To'xtasin xo'sh-xo'shlab qashlashga tushdi. Xush yoqib, jonivor birpas tek turib qoldi. Birdan sutga baraka kirdi. To'xtasin qashlay-qashlay sigirning choviga borib qolibdi. Sigirning ham qitig'i bo'larkan. To'rt oyoqlab bir sakradi-yu, chelakni daranglatib tepib yubordi. Zo'rg'a sog'gan sutim yer bilan bitta bo'ldi. Yig'lavoray dedim. To'xtasin bo'lsa qashiydigan joyini endi topuvdim-a, deb to'ng'illaydi. U terlab-

тўнғиллайди. У терлаб-пишган. Иссиқдан нафас қисиб борарди. Икковимиз ҳам кўйлақни ечиб, яланғоч бўлиб олдик.

– Сигиримиз боласини ялашни яхши кўрарди, бирпас боласи бўлиб тур, – дедим Тўхтасинга ялиниб. – Эсизгина, боласини кечаги бозор сотворувдик.

Ростдан ҳам Тўхтасиннинг тер босган бадани сигирга ёқиб қолди. Тўхтасиннинг қитиғи келиб ҳиринглайди, холос.

– Ҳиринглама, – дедим жаҳлим чиқиб, – сигирим бачканаларни ёқтирмайди.

– Қитиғим келяпти-да, – деб у яна ҳиринглайди. Шу пайт Тўхтасин бир нима чаққандек чинқириб юборди. Пақирни шошганча бир чеккага олиб қарасам, Тўхтасин икки букчайиб ҳов нарида ётибди.

– Ҳа, – дедим устига бориб.

– Сузволди...

– Айтдим-ку сенга, ҳиринглама, деб...

– Олдига озроқ хашак ташласак нима қиларкан, – йиғламсиради Тўхтасин.

Биз ўз хатомизни энди тушунган эдик. Сигирга овқат бермай, ундан сут сўраётган эканмиз. Озроқ хашакнинг устига кепак сепиб берган эдик, ўша билан овора бўлди-қолди жонивор. Тўхтасин анчагача қорнини ушлаб, ихраниб ётди.

Бир амаллаб коса тўлар-тўлмас сут соғиб олдим. Уни Тўхтасинга тутқаздим. Ма, сен олиб борасан. Мени кўчада аячам кўриб қолса, ўлдиради. Тўхтасин жон-жон деб рози бўлди. Қорнидаги оғриқ ҳам эсидан чиқди. Азобни ким тортса, роҳатни ҳам ўша кўриши керак-да. Мана энди сут баҳона Тўхтасин моховларни яқиндан кўриб олади. Косадаги нарсанинг нималиги билинмасин, деб устига кўйлагини ёпиб бердим. Яхшиям ёпганим, аячам бозордан қайтаётиб Тўхтасинни кўриб қопти.

– Ўртоғинга нима бервординг, ер юткур, тўхтатай десам эркаклардан уялдим, – деб сиқувга олди аячам.

– А, уми? – деб дарров Тусунбойга ўхшаб калламини ишлата қолдим. – У сигирнинг иссиққина тапписи эди, аяча...

– Нима, нима дейди бу, – дея аячам баттар сергак тортди. – Сигирнинг тапписи, вой савил-ей. Жа ўравобди-ку, мени лақиллатма, яшшамагур, худди гўштингни ейман-а!

– Ўрамаса бўлмасаканда, аяча, оборгунча совиб қоларкан...

– Вой ўлай, нима қиларкан уни?

– Ойиси билан холаси юзига чаплашаркан. Шундай қилса офтоб-

pishgan. Issiqdan nafas qisib borardi. Ikkovimiz ham ko'ylakni yechib, yalang'och bo'lib oldik.

– Sigirimiz bolasini yalashni yaxshi ko'rardi, birpas bolasi bo'lib tur, – dedim To'xtasinga yalinib. – Esizgina, bolasini kechagi bozor sotvoruvdik.

Rostdan ham To'xtasinning ter bosgan badani sigirga yoqib qoldi. To'xtasinning qitig'i kelib hiringlaydi, xolos.

– Hiringlama, – dedim jahlim chiqib, – sigirim bachkanalarni yoqtirmaydi.

– Qitig'im kelyapti-da, – deb u yana hiringlaydi. Shu payt To'xtasin bir nima chaqqandek chinqirib yubordi. Paqirni shosh-gancha bir chekkaga olib qaragam, To'xtasin ikki bukchayib hov narida yotibdi.

– Ha, – dedim ustiga borib.

– Suzvoldi...

– Aytdim-ku senga, hiringlama, deb...

– Oldiga ozroq xashak tashlasak nima qilarkan, – yig'lamsiradi To'xtasin.

Biz o'z xatomizni endi tushungan edik. Sigirga ovqat bermay, undan sut so'rayotgan ekanmiz. Ozroq xashakning ustiga kepak sepib bergan edik, o'sha bilan ovora bo'ldi-qoldi jonivor. To'xtasin anchagacha qornini ushlab, ixranib yotdi.

Bir amallab kosa to'lar-to'lmas sut sog'ib oldim. Uni To'xtasinga tutqazdim. Ma, sen olib borasan. Meni ko'chada ayacham ko'rib qolsa, o'ldiradi. To'xtasin jon-jon deb rozi bo'ldi. Qornidagi og'riq ham esidan chiqdi. Azobni kim tortsa, rohatni ham o'sha ko'rishi kerak-da. Mana endi sut bahona To'xtasin moxovlarni yaqindan ko'rib oladi. Kosadagi narsaning nimaligi bilinmasin, deb ustiga ko'ylagini yopib berdim. Yaxshiyam yopganim, ayacham bozordan qaytayotib To'xtasinni ko'rib qopti.

– O'rtog'ingga nima bervording, yer yutkur, to'xtatay desam erkaklardan uyaldim, – deb siquvga oldi ayacham.

– A, umi? – deb darrov Tusunboyga o'xshab kallamni ishlata goldim. – U sigirning issiqqina tappisi edi, ayacha...

– Nima, nima deydi bu, – deya ayacham battar sergak tortdi. – Sigirning tappisi, voy savil-ey. Ja o'ravobdi-ku, meni laqillatma, yashshamagur, xuddi go'shtingni yeyman-a!

– O'ramasa bo'lmasakanda, ayacha, oborguncha sovib qolarkan...

– Voy o'lay, nima qilarkan uni?

– Oyisi bilan xolasi yuziga chaplasharkan. Shunday qilsa oftobda

да қорайишмасакан, кейин юзларига ажин тушмасакан, ишқилиб, шунақайкан-да, мен қаердан билай, аяча.

Ёлгон тўқийман деб терлаб-пишиб кетдим. Аячамнинг кўзига тик қаролмайман.

– А, ажабми, ўзларида, кўни-қўшнисида сигир йўғаканми?

– Боракан, бўғозмасакан, қисир қолган экан. Бўғоз сигирнинг тапписи ёғлик бўларкан-да, аяча.

– Аа-а-а? – деди аячам ер сузгандек менга қараб. – Бўғоз сигирнинг сути ёғлик бўлади, деб эшитардим, тапписиям ёғлик бўларканда, тавба.

Аячам ёз кунлариям кўйлак устидан юпқагина пешмат кийиб, ихчам бўлиб юрардилар. Пешматининг чўнтагида ҳар доим қора қалам, мўйчинак, дум-думалоқ кўзгу юради. Менинг ёлғонимдан кейин аячам ўша думалоқ кўзгуга қаради-да:

– Нима дединг, таппини юзига чаплайди дедингми? – деб қайта сўрадилар кўзгудан кўз узмай.

– Ҳа, аяча, Тўхтасин росаям қарашди-да, шунга озгина таппи бервордим. Яхши-да шу оғайним, таппигаям ишлайверади. Яна бировга айтиб юрманг-а, аяча, Тўхтасиннинг ойиси билан холаси эшитиб қолса, хафа бўлишади...

– Бўпти, жа талтайиб кетдингми, бундан кейин таппини мендан сўраб бергин, хўпми, ху яшшамагур...

– Хўп бўлади, аяча.

Аячамни ишонтира олганимдан суюниб кетдим, меням каллам ёлгон-яшиққа балодек ишлар экан-а?!

ТОМДА...

Баҳор фасли тугамай, ёзнинг жазирамалари бошланиб, кўчалар четидаги шўралар сарғайиб, томлардаги ўт-ўланлар қовжираб, тиканак-тиканак бўлиб қолган, кун тиккага келиши билан одаму куш-қурт, қимирлаган жон борки, ўзини соя-салқинга оладиган кунлар бошланган. Моховлар атайлаб одамлар кўчада камайсин дебми ёки чаёнга чақтиришнинг жазирамага алоқаси борми, ишқилиб, бизни шунақа пайтга тайин қилишган эди. Бизлар мактабга олиб борадиган уч кўча бошида учрашдик. Ҳозирги бўладиган томоша ҳаммамиз учун муҳим эди. Гаровнинг энг қалтис жойига етиб келган эдик. Ҳозир ҳеч ким гаровдан кейин кимнинг ажали етишини ўйламасди. Ҳатто ўзимнинг ҳам парвойимга келмасди. Аммо ўйинбошимиз Турсунбойнинг қарори қатъий:

– Бу сенларга томоша эмас, гаровни иккови ўйнади, мен ўртани кесдим, қолганлар мактабга марш, – деди у.



qorayishmasakan, keyin yuzlariga ajin tushmasakan, ishqilib, shunaqaykan-da, men qayerdan bilay, ayacha.

Yolg'on to'qiyman deb terlab-pishib ketdim. Ayachamning ko'ziga tik qarolmayman.

– A, ajabmi, o'zlarida, qo'ni-qo'shnisida sigir yog'akanmi?

– Borakan, bo'g'ozmasakan, qisir qolgan ekan. Bo'g'oz sigirning tappisi yog'lik bo'larkan-da, ayacha.

– Aaaa? – dedi ayacham yer suz gandek menga qarab. – Bo'g'oz sigirning suti yog'lik bo'ladi, deb eshitardim, tappisiyam yog'lik bo'larkanda, tavba.

Ayacham yoz kunlarini ko'ylak ustidan yupqagina peshmat kiyib, ixcham bo'lib yurardilar. Peshmatining cho'ntagida har doim qora qalam, mo'ychinak, dum-dumaloq ko'zgu yuradi. Mening yolg'onimdan keyin ayacham o'sha dumaloq ko'zguga qaradi-da:

– Nima deding, tappini yuziga chaplaydi dedingmi? – deb qayta so'radilar ko'z gudan ko'z uzmay.

– Ha, ayacha, To'xtasin rosayam qarashdi-da, shunga ozgina tappi bervordim. Yaxshi-da shu og'aynim, tappigayam ishlayveradi. Yana birovga aytib yurmang-a, ayacha, To'xtasinning oyisi bilan xolasi eshitib qolsa, xafa bo'lishadi...

– Bo'pti, ja taltayib ketdingmi, bundan keyin tappini mendan so'rab bergin, xo'pmi, hu yashshamagur...

– Xo'p bo'ladi, ayacha.

Ayachamni ishontira olganimdan suyunib ketdim, meniyam kalam yolg'on-yashiqqa balodek ishlar ekan-a?!

TOMDA...

Bahor fasli tugamay, yozning jaziramalari boshlanib, ko'chalar chetidagi sho'ralar sarg'ayib, tomlardagi o't-o'lanlar qovjirab, tikanak-tikanak bo'lib qolgan, kun tikkaga kelishi bilan odam-u qush-qurt, qimirlagan jon borki, o'zini soya-salqinga oladigan kunlar boshlangan. Moxovlar ataylab odamlar ko'chada kamaysin debmi yoki chayonga chaqtirishning jaziramaga aloqasi bormi, ishqilib, bizni shunaqa paytga tayin qilishgan edi. Bizlar maktabga olib boradigan uch ko'cha boshida uchrashdik. Hozirgi bo'ladigan tomosha hammamiz uchun muhim edi. Garovning eng qaltis joyiga yetib kelgan edik. Hozir hech kim garovdan keyin kimning ajali yetishini o'ylamasdi. Hatto o'zimning ham parvoyimga kelmasdi. Ammo o'yinboshimiz Tur-sunboyning qarori qat'iy:

– Bu senlarga tomosha emas, garovni ikkovi o'ynadi, men o'rtani kesdim, qolganlar maktabga marsh, – dedi u.

Турсунбой ҳақ эди. Фақат ўртоғим Тўхтасинга ачиндим. Сутни у олиб келиб берди-да, ахир! У сигир сузиб олган жойини ушлаб менга қаради. “Бир нарса десанг-чи?” Мен ерга қараб олдим. Болалар орқаларига қарай-қарай мактаб томон йўл олишди. Ўйинбошининг айтгани – айтган, дегани – деган. Битта сўзини икки қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Анави воқеадан кейин унинг обрўси орамизда яна ҳам ошиб кетган эди.

Моховларнинг хужраси ёнида энг аввал Турсунбой пайдо бўлди. Содиқов икковимиз кўздан пана жойда унинг имлашини кутиб турдик. Турсунбой “Хўроз”нинг шпиевлари йўқмикан, деб ён-атрофни кузатиб бўлгач, Содиқовни имлади. Содиқов лапанглаб чопа кетди. Бу бўрдоқи томга қандай чиқар экан, деб орқасидан қараб турибман. Турсунбой у бориши билан чўккалаб олди. Содиқов деворни ушлаб, Турсунбойнинг икки елкасига икки оёғини қўйди. Ана сенга ўйинбоши бўлиш-у, Содиқовнинг оёғига елка тутиш. Турсунбой ўрнидан азот турган эди, Содиқов қорни билан томга ётиб қолди. Қолганига Турсунбой йўллаб юборди. Содиқов кўринмай кетди. Турсунбой атрофга аланглаб, нари-бери бориб келди-да, кейин мени имлади. Томга чиқиб олишим қийин бўлмади. Қарасам, Содиқов томга дум ётиб, ҳовлига тикилиб қопти. Мен ҳам унинг ёнига чўзилдим. Сарғайиб, қовжираган ўт-ўланлар одамнинг яланғоч жойига ботиб, оғритади. Ҳовли бошқаларникига қараганда чуқурда қолиб кетган, атрофдаги кўшнлар деворларини кўтариб юборганидан ҳовлига офтоб ҳам тушмасди. Айғоқчиларимиз айтган кели ҳовли ўртасида турар, ростдан ҳам устига кепчик ёпиб қўйилган эди. Шу пайт ҳансираганича ўртамизга Турсунбой келиб чўзилди. Э тавба, бизни-ку... томга Турсунбой йўллаб юборди. Ўзичи, ўзи қандай чиқди экан? Қойил! Турсунбойнинг ўртамизга чўзилишида ҳам бир сир бор. Шу жойда ҳам икки тарафга баробар бўлмоқчи. Ўртада туриш осонмас-да! Турсунбой сал нафасини ростлаб олгач, ҳовлига қараб томоқ қирди... Бирпас кутдик. Ҳеч кимдан дарак йўқ. Яна томоқ қирди. Яна жимлик. Тоқатимиз тоқ бўла бошлади. Шабада йўқ. Офтоб қиздиргандан қиздириб ётибди. Тер қуйиб, кўз ачишади. Охири Турсунбой том чеккасидан кесак ушатиб, кели устидаги кепчикни мўлжалга олди. Кепчик даранглаб кетди. Шундан кейин ҳовлида эркак моховнинг ўнги-терси билинмай кетган дўпписи, қип-қизил бўйни ва яктаги кўринди. Кейин хотини пайдо бўлди. У бошига рўмол ташлаб олган, эрининг олдидан икки букилиб, кампирга ўхшаб кўринарди. Аёл кепчикнинг ёнига келиб қимир этмай туриб қолди. Эри ўчоқ ёнидан оташқурак олиб келди. Улар тепадан кузатиб турганимизни билишса ҳам



Tursunboy haq edi. Faqat o'rtog'im To'xtasinga achindim. Sutni u olib kelib berdi-da, axir! U sigir suzib olgan joyini ushlab menga qaradi. "Bir narsa desang-chi?" Men yerga qarab oldim. Bolalar orqalariga qaray-qaray maktab tomon yo'l olishdi. O'yinboshining aytgani – aytgan, degani – degan. Bitta so'zini ikki qilishga hech kimning haqqi yo'q. Anavi voqeadan keyin uning obro'si oramizda yana ham oshib ketgan edi.

Moxovlarning hujrasi yonida eng avval Tursunboy paydo bo'ldi. Sodiqov ikkovimiz ko'zdan pana joyda uning imlashini kutib turdik. Tursunboy "Xo'roz"ning shpiyonlari yo'qmikan, deb yon-atrofini kuzatib bo'lgach, Sodiqovni imladi. Sodiqov lapanglab chopa ketdi. Bu bo'rdoqi tomga qanday chiqar ekan, deb orqasidan qarab turibman. Tursunboy u borishi bilan cho'kkalab oldi. Sodiqov devorni ushlab, Tursunboyning ikki yelkasiga ikki oyog'ini qo'ydi. Ana senga o'yinboshi bo'lish-u, Sodiqovning oyog'iga yelka tutish. Tursunboy o'rnidan azot turgan edi, Sodiqov qorni bilan tomga yotib qoldi. Qolganiga Tursunboy yo'llab yubordi. Sodiqov ko'rinmay ketdi. Tursunboy atrofga alanglab, nari-beri borib keldi-da, keyin meni imladi. Tomga chiqib olishim qiyin bo'lmadi. Qarasam, Sodiqov tomga dum yotib, hovliga tikilib qopti. Men ham uning yoniga cho'zildim. Sarg'ayib, qovjiragan o't-o'lanlar odamning yalang'och joyiga botib, og'ritadi. Hovli boshqalarnikiga qaraganda chuqurda qolib ketgan, atrofdagi qo'shnilar devorlarini ko'tarib yuborganidan hovliga oftob ham tushmasdi. Ayg'oqchilarimiz aytgan keli hovli o'rtasida turar, rostdan ham ustiga kepchik yopib qo'yilgan edi. Shu payt hansiraganicha o'rtamizga Tursunboy kelib cho'zildi. E tavba, bizni-ku... tomga Tursunboy yo'llab yubordi. O'zichi, o'zi qanday chiqdi ekan? Qoyil! Tursunboyning o'rtamizga cho'zilishida ham bir sir bor. Shu joyda ham ikki tarafga barobar bo'lmoqchi. O'rtada turish osonmas-da! Tursunboy sal nafasini rostlab olgach, hovliga qarab tomoq qirdi... Birpas kutdik. Hech kimdan darak yo'q. Yana tomoq qirdi. Yana jimlik. Toqatimiz toq bo'la boshladi. Shabada yo'q. Oftob qizdirgandan qizdirib yotibdi. Ter quyib, ko'z achishadi. Oxiri Tursunboy tom chekkasidan kesak ushatib, keli ustidagi kepchikni mo'ljalga oldi. Kepchik daranglab ketdi. Shundan keyin hovlida erkak moxovning o'ngi-terisi bilinmay ketgan do'ppisi, qip-qizil bo'yni va yaktagi ko'rindi. Keyin xotini paydo bo'ldi. U boshiga ro'mol tashlab olgan, erining oldida ikki bukilib, kampirga o'xshab ko'rinardi. Ayol kepchikning yoniga kelib qimir etmay turib qoldi. Eri o'choq yonidan otashkurak olib keldi. Ular tepadan kuzatib turganimizni bilishsa ham bizga qarashmadi. Biz bo'lsak ularning har bir harakatini

бизга қарашмади. Биз бўлсак уларнинг ҳар бир ҳаракатини кўриб турардик. Айниқса, ҳалидан бери бетоқат бўлиб пишиллаётган Содиқовнинг нафаси ичига тушиб кетди. Эркак мохов кепчикни кўтариб, оташкурада титкилай-титкилай битта чаённи илаштириб чиқди. Кейин кепчикни илгаригидек ёпти-да, чаённи унинг устига қўйди. Орқасига қарамай хотинига қўл чўзди. Хотиннинг қўлида сопол пиёлада сут бор эди. У пиёлани олди-да, ўликми-тириклиги билинмай тош қотиб турган чаённи тирноғининг орқаси билан у ёққа, бу ёққа сура бошлади. Бирдан чаёнга жон битди. Кепчик устида гир-гир айлана бошлади. Эркак мохов бўлса пиёла билан чаённи мўлжалга олиб, нуқул устида айлантирарди. Охири у мўлжалга етиб, чаённинг бошини пиёланинг таги билан эзди. Чаённинг думи бир-икки кепчикка тарс-тарс урилиб, азот кўтарилди-да, гажак бўлиб, пиёладаги сутга чўмди. Кейин думи кепчик устига қайтиб тушди. Эркак пиёлани хотинига узатди. У бўлса пиёлани рўмоли тагига олди. Сутни ича бошлади, шекилли, эри сабр-тоқат билан уни кутиб турди. Бўшаган пиёлани хотинидан олиб, ахлат ўрасига отиб юборди. Ўлган чаённи ерга тушириб, калиши билан эзди-да, кепчикни очиб, оташкурак билан яна титкилай бошлади. Яна ҳалигидек чаённи илаштириб чиқди. Хотинининг қўлида яна бир пиёла сут пайдо бўлди. Бояги уринишлар қайтадан бошланди. Бироқ бу чаённи сутга чўмдиролмади. Бир нечта чаён шу тариқа кепчик устида жон бериб, оёқ остига тушди. Мохов хотин бир жойда турганича эрига бир нималар деб шивирлар, ўқтин-ўқтин овозиям чиқиб кетар, эри бош ирғаб унга жавоб қиларди. Ва ниҳоят галдаги чаён уларнинг айтганига юриб, сутга чўмди. Бу пиёладаги сутни эркакнинг ўзи ичди. У пиёла ҳам ўрага улоқтирилди. Шундан кейин эр-хотин қиблага қараб ичларида дуо ўқишди, юзларига фотиҳа тортиб, хужраларига кириб кетишди... Мен Турсунбойга қарадим. Содиқов тескари қараб олди. Икковимизнинг ҳам ёлғонимиз ана шундай фош бўлди.

ҲУКМ

Маълум бўлдики, чаённинг заҳарини моховлар сутга қўшиб ичишар экан. Шундай қилса шифоси бўлса керак-да, яна ким билади? Хуллас, бу гаровда на Содиқов ютди, на мен. Икковимиз ҳам ёлғончи бўлиб қолдик. Энди бунинг оқибати нима бўларкан? Содиқов бўлса нуқул: “Уникиям бўлмади, меникиям бўлмади, ҳисоб нолу нол”, – деб болалар олдида ўзиниям, мениям оқламоқчи бўларди. Биз охириги, ҳал қилувчи ҳукмни атаманимиздан кутардик.

ko'rib turardik. Ayniqsa, halidan beri betoqat bo'lib pishillayotgan Sodiqovning nafasi ichiga tushib ketdi. Erkak moxov kepchikni ko'tarib, otashkurakda titkilay-titkilay bitta chayonni ilashtirib chiqdi. Keyin kepchikni ilgarigidek yo'пти-da, chayonni uning ustiga qo'ydi. Orqasiga qaramay xotiniga qo'l cho'zdi. Xotinning qo'lida sopol piyolada sut bor edi. U piyolani oldi-da, o'likmi-tirikligi bilinmay tosh qotib turgan chayonni tirnog'ining orqasi bilan u yoqqa, bu yoqqa sura boshladi. Birdan chayonga jon bitdi. Kepchik ustida gir-gir aylana boshladi. Erkak moxov bo'lsa piyola bilan chayonni mo'ljalga olib, nuqul ustida aylantirardi. Oxiri u mo'ljalga yetib, chayonning boshini piyolaning tagi bilan ezdi. Chayonning dumi bir-ikki kepchikka tars-tars urilib, azot ko'tarildi-da, gajak bo'lib, piyoladagi sutga cho'mdi. Keyin dumi kepchik ustiga qaytib tushdi. Erkak piyolani xotiniga uzatdi. U bo'lsa piyolani ro'moli tagiga oldi. Sutni icha boshladi, shekilli, eri sabr-toqat bilan uni kutib turdi. Bo'shagan piyolani xotiniidan olib, axlat o'rasiga otib yubordi. O'lgan chayonni yerga tushirib, kalishi bilan ezdi-da, kepchikni ochib, otashkurak bilan yana titkilay boshladi. Yana haligidek chayonni ilashtirib chiqdi. Xotinning qo'lida yana bir piyola sut paydo bo'ldi. Boyagi urinishlar qaytadan boshlandi. Biroq bu chayonni sutga cho'mdirolmadi. Bir nechta chayon shu tariqa kepchik ustida jon berib, oyoq ostiga tushdi. Moxov xotin bir joyda turganicha eriga bir nimalar deb shivirlar, o'qtin-o'qtin ovoziyam chiqib ketar, eri bosh irg'ab unga javob qilardi. Va nihoyat galdagi chayon ularning aytganiga yurib, sutga cho'mdi. Bu piyoladagi sutni erkakning o'zi ichdi. U piyola ham o'raga uloqtirildi. Shundan keyin er-xotin qiblaga qarab ichlarida duo o'qishdi, yuzlariga fотиha tortib, hujralariga kirib ketishdi... Men Tursunboyga qaradim. Sodiqov teskari qarab oldi. Ikkovimizning ham yolg'onimiz ana shunday fosh bo'ldi.

HUKM

Ma'lum bo'ldiki, chayonning zaharini moxovlar sutga qo'shib ichishar ekan. Shunday qilsa shifosi bo'lsa kerak-da, yana kim biladi? Xullas, bu garovda na Sodiqov yutdi, na men. Ikkovimiz ham yolg'onchi bo'lib qoldik. Endi buning oqibati nima bo'larkan? Sodiqov bo'lsa nuqul: "Unikiyam bo'lmadi, menikiyam bo'lmadi, hisob nol-u nol", – deb bolalar oldida o'ziniyam, meniyan oqlamoqchi bo'lardi. Biz oxirgi, hal qiluvchi hukmni atamanimizdan kutardik.

Ж.лю қандай бўлса, шундайлигича қолади, – деди у қонинини солиб, – икковиям чаёнга чақтирилади. Ёлгон гапириб, бошқиларни аҳмоқ қилиш қанақа бўлишини билиб қўйишсин. Ёлгончининг жазоси ўлим. Ким унамаса, ҳажикизман, десин, фиринг дейиш йўқ...

Мен ҳажикиз (ўғил боламас) деган номни олгандан кўра бир эмас, ўнга чаёнга чақтиришга ҳам тайёр эдим. Бу сўзни жудаям ёмон кўрардим. Эркаклар ўртасида бўладиган муштлашишлар, қирпичоқ бўлишлар шу сўздан бошланишини кўп эшитганман. Биров бировни ҳажикиз деб сўкса бўлди, иш қон тўкиш билан тугарди. Турсунбой биздан жавоб кутарди. Хаёлимда Содиқов ҳозир бир нима деб қоладигандек. Ахир, ҳаммадан ҳам унинг жони ширин-да. Бунинг устига ёлғиз ўғил. Айтгани – айтган, дегани – деган. Йўқ, ундай бўлмади. Содиқов ҳам ҳажикиз бўлишдан чаёнга чақтиришни афзал билди. Шундан кейин нимагадир унга меҳрим товланди. Турсунбой ҳам унга ғалати қараб қўйди. Турсунбой нари-бери юра бошлади. "Бўлди, икковинг ҳам имтиҳондан ўтдиларинг, зўрсанлар", – деб қарорини ўзгартирадим деб ўйладим. Кўриниши шунақароқ эди-да. Йўқ, Турсунбой қарорини ўзгартирмади.

– Хў-ў-ўп, кимдан бошлаймиз, – деди у икковимизга қараб, кейин кўшиб қўйди: – Биламан, биззи орамизда ҳажикизлар йўқ... бўлмади ҳам.

– Мендан бошлай қол, – деб дадил ўртага чиқдим.

– Йўқ, мендан, – деди Содиқов.

– Сендан олдин ўртага мен чиқдим-ку...

– Сен мени кўрқоқ деб ўйладинг, кўриб қўй, кўрқмайман.

– Бўпти, – деди Турсунбой, – Содиқовдан бошлаймиз.

– Йўқ, – дедим мен, – ўртага ундан олдин чиқдимми?

Болалар мен тараф бўлишди. Турсунбой "кўпчиликка бўйсунман" дегандек Содиқовни четга суриб, менга яқинлашди.

– Шарти шу, бўлган ишни сотиб қўйиш йўқ, бехосдан чаён чақиб олганини уйдагиларга айтасанлар, улар нима қилишни ўзлари билишади. Айтмай яширсаларинг, ўласанлар.

– Бўпти...

Турсунбой чўнтагидан пешанабоғ ва гугурт қути чиқарди. Билдим, чаён қутининг ичида. У болаларга қараб деди:

– Иш пишди, ўрага сичқон тушди!

– Гулдур-гуп! – дедик ҳаммамиз бараварига.

– Мана бу билан кўзини боғла, – дея Турсунбой болалардан бирига пешанабоғни узатди.

– Керакмас, шундоғам туравераман, – дедим ўзимни ботир кўрсатиб.

– Jazo qanday bo'lsa, shundayligicha qoladi, – dedi u qovog'ini solib, – ikkoviyam chayonga chaqtiriladi. Yolg'on gapirib, boshqalarni ahmoq qilish qanaqa bo'lishini bilib qo'yishsin. Yolg'onchining jazosi o'lim. Kim unamasa, hajiqizman, desin, g'iring deyish yo'q...

Men hajiqiz (o'g'il bolamas) degan nomni olgandan ko'ra bir emas, o'nta chayonga chaqtirishga ham tayyor edim. Bu so'zni judayam yomon ko'rardim. Erkaklar o'rtasida bo'ladigan mushtlashishlar, qirpichoq bo'lishlar shu so'zdan boshlanishini ko'p eshitganman. Birov birovni hajiqiz deb so'ksa bo'ldi, ish qon to'kish bilan tugardi. Tursunboy bizdan javob kutardi. Xayolimda Sodiqov hozir bir nima deb qoladigandek. Axir, hammadan ham uning joni shirinda. Buning ustiga yolg'iz o'g'il. Aytgani – aytgan, degani – degan. Yo'q, unday bo'lmadi. Sodiqov ham hajiqiz bo'lishdan chayonga chaqtirishni afzal bildi. Shundan keyin nimagadir unga mehrim tovlandi. Tursunboy ham unga g'alati qarab qo'ydi. Tursunboy nariberi yura boshladi. "Bo'ldi, ikkoving ham imtihondan o'tdilaring, zo'rsanlar", – deb qarorini o'zgartiradimi deb o'yladim. Ko'rinishi shunaqaroq edi-da. Yo'q, Tursunboy qarorini o'zgartirmadi.

– Xo'-o'-o'p, kimdan boshlaymiz, – dedi u ikkovimizga qarab, keyin qo'shib qo'ydi: – Bilaman, bizzi oramizda hajiqizlar yo'q... bo'lmaydi ham.

– Mendan boshlay qol, – deb dadil o'rtaga chiqdim.

– Yo'q, mendan, – dedi Sodiqov.

– Sendan oldin o'rtaga men chiqdim-ku...

– Sen meni qo'rqoq deb o'ylading, ko'rib qo'y, qo'rqmayman.

– Bo'пти, – dedi Tursunboy, – Sodiqovdan boshlaymiz.

– Yo'q, – dedim men, – o'rtaga undan oldin chiqdimmi?

Bolalar men taraf bo'lishdi. Tursunboy "ko'pchilikka bo'ysunaman" degandek Sodiqovni chetga surib, menga yaqinlashdi.

– Sharti shu, bo'lgan ishni sotib qo'yish yo'q, bexosdan chayon chaqib olganini uydagilarga aytasanlar, ular nima qilishni o'zlari bilishadi. Aytmay yashirsalaring, o'lasanlar.

– Bo'пти...

Tursunboy cho'ntagidan peshanabog' va gugurt quti chiqardi. Bildim, chayon qutining ichida. U bolalarga qarab dedi:

– Ish pishdi, o'raga sichqon tushdi!

– Guldur-gup! – dedik hammamiz baravariga.

– Mana bu bilan ko'zini bog'la, – deya Tursunboy bolalardan biriga peshanabog'ni uzatdi.

– Kerakmas, shundog'am turaveraman, – dedim o'zimni botir ko'rsatib.

– Сен менинг ишимга аралашма, – жеркиб берди Турсунбой.

Кўзимни боғлашди. Ён-атрофим сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Қулоғим тагида ажина шамол ғувиллайди. Худди ҳамма мени ташлаб қаёққадир қочиб қолгандек. Йўқ, кимдир пиқиллаб йиғлашга тушди. Сездим, бу Тўхтасин. Ҳалидан бери кўзлари жавдираб турган эди. Шу пайт бир сесканиб тушдим. Ўнг оёғимнинг бетига муздек бир нарса тушди-да, қимир этмай туриб қолди. Худди муз парчасига ўхшарди. Чаённинг номиям, ўзиям совуқ дейишарди. Рост экан. Нимагадир чаён кимир этиб ҳам қўймасди. Кўз олдимга кепчик устида бирин-сирин жон берган чаёнлар келди. Мохов эркак тирноғининг орқаси билан туртмагунча чаёнлар ўзини ўликка солиб ётаверган эди. Бу аҳволда яна қанча туришим мумкин. Чап оёғим билан туртиб қўймоқчи бўлдим.

– Қимирлама!

Турсунбойнинг ўқдек овози қулоғимни тешай деди. Шу пайт чаён қимирлаб қолди. Хаёлимда у оёғимнинг бетига айланаётганга ўхшарди. Охири у тепага қараб ўрмалашга тушди. Энди иштонимнинг почасидан ўрмалаб кириб... Ўлишим аниқ... Тирноқлари этимга бота бошлади. Тишимни тишимга қўйиб турибман. Газанда тепага чиқолмади, шекилли, орқага қайтди. Ўрмалаб бориб, бош бармоғимнинг устида тўхтади. Ерга тушиб кетса-я?! Қоним унга ёқмаса-я... Ҳаром қондан чаён ҳазар қилади, ҳароми болаларни илон, чаёнлар чақмайди, деган гаплар юрарди орамизда. Бу “ҳажикиз” деган номдан ҳам бешбаттар эди. Ўзи менда чаёнга ёқадиган қоннинг ўзи йўқдир-да. Содиқовга ўхшаб биққи бўлсам экан. Ишқилиб, ҳароми экан, деган иснодга қолмасам эди. Беихтиёр чаён турган бошмалдоғим қимирлаб кетди. Шу пайт шундай бир оғриқ бўлдики, дод деб юбордим. Кимдир узундан-узун жуволдизни тирноғим орасидан тикиб, миямдан чиқаргандек бўлди. Чаённи тепкилаб ташладим. Кўзбойлағични жон-жаҳдим билан юлиб олдим-да, ўтириб қолдим. Тирноғим орасидан қон сиза бошлади. Турсунбой бошмалдоғимни эзиб-эзиб қонини кўпроқ чиқариб юборди. Кейин рўмолчасини йиртиб, сиқиб боғлади-да:

– Уйингга чоп... Чаён чаққанини аячангга айт, бўлмаса ўласан-а, – деб елкамга эркалаб уриб қўйди. Жоним қанчалик оғримасин Содиқовнинг аҳволини бир кўргим келарди. Турсунбой: “Жўна!” – деб бақириб бергандан кейин чопа кетдим...

Ўнг оёғим уйга етиб келгунча тош осиб қуйгандек оғирлашиб қолди. Шиш тиззамдан ўтиб, сонимга ёйила бошлаган эди. Уйга келсам, шу ҳовлини бизга сотган Ўғилбола тоға ўтирибдилар. Улар ҳар замонда келиб, марвартак тагида Қуръон ўқиб, савобини ота-

– Sen mening ishimga aralashma, – jerkib berdi Tursunboy.

Ko'zimni bog'lashdi. Yon-atrofigim suv quygandek jimjit bo'lib qoldi. Qulog'im tagida ajina shamol g'uvullaydi. Xuddi hamma meni tashlab qayoqqadir qochib qolgandek. Yo'q, kimdir piqillab yig'lashga tushdi. Sezdim, bu To'xtasin. Halidan beri ko'zlari javdirab turgan edi. Shu payt bir seskanib tushdim. O'ng oyog'imning betiga muzdek bir narsa tushdi-da, qimir etmay turib qoldi. Xuddi muz parchasiga o'xshardi. Chayonning nomiyam, o'ziyam sovuq deyishardi. Rost ekan. Nimagadir chayon qimir etib ham qo'ymasdi. Ko'z oldimga kepchik ustida birin-sirin jon bergan chayonlar keldi. Moxov erkak tirnog'ining orqasi bilan turtmaguncha chayonlar o'zini o'likka solib yotavergan edi. Bu ahvolda yana qancha turishim mumkin. Chap oyog'im bilan turtib qo'ymoqchi bo'ldim.

– Qimirlama!

Tursunboyning o'qdek ovozi qulog'imni teshay dedi. Shu payt chayon g'imirlab qoldi. Xayolimda u oyog'imning betida aylanayotganga o'xshardi. Oxiri u tepaga qarab o'rmalashga tushdi. Endi ishtonimning pochasidan o'rmalab kirib... O'lishim aniq... Tirnoqlari etimga bota boshladi. Tishimni tishimga qo'yib turibman. Gazanda tepaga chiqolmadi, shekilli, orqaga qaytdi. O'rmalab borib, bosh barmog'imning ustida to'xtadi. Yerga tushib ketsa-ya?! Qonim unga yoqmasa-ya... Harom qondan chayon hazar qiladi, haromi bolalarni ilon, chayonlar chaqmaydi, degan gaplar yurardi oramizda. Bu "hajiqiz" degan nomdan ham beshbattar edi. O'zi menda chayonga yoqadigan qonning o'zi yo'qdir-da. Sodiqovga o'xshab biqqi bo'lsam ekan. Ishqilib, haromi ekan, degan isnodga qolmasam edi. Beixtiyor chayon turgan boshmaldog'im qimirlab ketdi. Shu payt shunday bir og'riq bo'ldiki, dod deb yubordim. Kimdir uzundan uzun juvoldizni tirnog'im orasidan tiqib, miyamdan chiqargandek bo'ldi. Chayonni tepkilab tashladim. Ko'zboylag'ichni jon-jahdim bilan yulib oldim-da, o'tirib qoldim. Tirnog'im orasidan qon siza boshladi. Tursunboy boshmaldog'imni ezib-ezib qonini ko'proq chiqarib yubordi. Keyin ro'molchasini yirtib, siqib bog'ladi-da:

– Uyingga chop... Chayon chaqqanini ayachangga ayt, bo'lmasa o'lasan-a, – deb yelkamga erkalab urib qo'ydi. Jonim qanchalik og'rimasin, Sodiqovning ahvolini bir ko'rgim kelardi. Tursunboy: "Jo'na!" – deb baqirib bergandan keyin chopa ketdim...

O'ng oyog'im uyga yetib kelguncha tosh osib qo'ygandek og'irlashib qoldi. Shish tizzamdan o'tib, sonimga yoyila boshlagan edi. Uyga kelsam, shu hovlini bizga sotgan O'g'ilbola tog'a o'tiribdilar. Ular har zamonda kelib, marvartak tagida Qur'on o'qib, savobini ota-

оналарига бағишлаб кетардилар. Аячам мендан “хушхабар”ни эшитиб бобиллаб берди:

– Дард, “оти йўқ” дейди уни, бўлмаса нақ ҳовлини босиб кетади-я, туркинг қургур... – дея менга ўқрайдилар. – Ўлмапсан-ку, бундоқ ўладиган қилиб чақмаптида, – деб Ўғилбола тоғага: “Нима қиламиз бу дардисарни?” – дегандек қарадилар. У киши ўзларини бепарво тутиб, мени ёнларига чақирдилар-да, чалқанча ётқизиб, бошмалдоғимдаги латтани ечиб ташладилар. Оғриқ сал пасайгандек бўлди. Аммо энди соним лорсиллай бошлади. Ўғилбола тоға энгашиб чаён чаққан жойга эринмай тупукларини суртишга тушдилар. Кейин ўқиб, дам сола бошладилар. Ухлаб қолибман...

Эртасига эшитсам, Содиқов ҳам бир ўлимдан қопти. Уни гўрбалнисага (Городская балница) олиб кетишибди. Сайма дорилардан кейин ўзига келибди. Тўпланишиб, уни кўргани бордик.

Аммо бўлиб ўтган воқеалар сирлигича қолиб кетди. Ҳеч ким оғзидан гулламади. “Ҳа, ўрага сичқон тушди, гулдур-гуп!” Болалик қонунлари ана шундай қаттиқ эди.

Моховлар хужраси ёнидан ўтиб бораётиб, ана шу саргузаштлар бир-бир кўз олдидан ўтди.

Эркак моховнинг соппа-соғлиги шундоғам кўриниб турарди. Хайрон бўламан, директоримиз мохови юқади, дейди. Шунча бирга турсаям эрига юкмаган-ку? Эркак мохов соқолини ўстирмай, қириб турарди. Унинг ориқлигим, кўз қарашларими, ишқилиб, қаерларидир Яхши амакига ўхшаб ҳам кетарди.

Билардим, Яхши амакининг ўғлини ўйлашдан бошқа дарди йўқ. Лекин мени ўзларига тенг кўриб, бир нималар демоқчи бўлардилар-у, айтмайдилар. Буни менга сергак қараб кўйишларидан сезиб қоламан. Мен Яхши амакининг менга нима демоқчилигини айтмасалар ҳам билардим. Улар: “Менга ўғлимнинг ўрнига ўғил бўлиб қўяқол, уни изламаган жўйим қолмади, хўп десанг бу ердан бош олиб, узоқ-узоқларга кетамиз!” – демоқчи бўлардилар. Мен Яхши амакининг шундай деб қолишидан ва йўқ деб у кишини хафа қилиб кўйишдан кўрқардим.

Худди шундай гапни илгари ҳам бошқа бир одамдан эшитган эдим-да. Эсласам, ҳали-ҳануз йўқ деганимга юрагим ачишиб, пушаймонлар бўламан...

МУЖГОН ОПА

Аячам чиқиштиравермагач, дадамнинг жаҳли чиқиб, мени чўлга олиб кетиб қолди. У ерда мактаб йўқ экан. Ўқимай қўя қолдим. Магазинчи Мужгон опа деган билан тура бошладим.

onalariga bag'ishlab ketardilar. Ayacham mendan "xushxabar"ni eshitib bobillab berdi:

– Dard, "oti yo'q" deydi uni, bo'lmasa naq hovlini bosib ketadiya, turqing qurgur... – deya menga o'qraydilar. – O'lmapsan-ku, bundoq o'ladigan qilib chaqmaptida, – deb O'g'ilbola tog'aga: "Nima qilamiz bu dardisarni?" – degandek qaradilar. U kishi o'zlarini beparvo tutib, meni yonlariga chaqirdilar-da, chalqancha yotqizib, bashmaldog'imdagi lattani yechib tashladilar. Og'riq sal pasaygandek bo'ldi. Ammo endi sonim lorsillay boshladi. O'g'ilbola tog'a engashib chayon chaqqan joyga erinmay tupuklarini surtishga tushdilar. Keyin o'qib, dam sola boshladilar. Uxlab qolibman...

Ertasiga eshitsam, Sodiqov ham bir o'limdan qopti. Uni go'rbalnisaga (Gorodskaya balnisa) olib ketishibdi. Sayma dorilardan keyin o'ziga kelibdi. To'planishib, uni ko'rgani bordik.

Ammo bo'lib o'tgan voqealar sirligicha qolib ketdi. Hech kim og'zidan gullamadi. "Ha, o'raga sichqon tushdi, guldur-gup!" Bolalik qonunlari ana shunday qattiq edi.

Moxovlar hujrasi yonidan o'tib borayotib, ana shu sarguzashtlar bir-bir ko'z oldimdan o'tdi.

Erkak moxovning soppa-sog'ligi shundog'am ko'rinib turardi. Hayron bo'laman, direktorimiz moxovi yuqadi, deydi. Shuncha birga tursayam eriga yuqmagan-ku? Erkak moxov soqolini o'stirmay, qirib turardi. Uning oriqligimi, ko'z qarashlarimi, ishqilib, qayerlaridir Yaxshi amakiga o'xshab ham ketardi.

Bilardim, Yaxshi amakining o'g'lini o'ylashdan boshqa dardi yo'q. Lekin meni o'zlariga teng ko'rib, bir nimalar demoqchi bo'lardilar-u, aytmaydilar. Buni menga sergak qarab qo'yishlaridan sezib qolaman. Men Yaxshi amakining menga nima demoqchiligini aytmasalar ham bilardim. Ular: "Menga o'g'limning o'rniga o'g'il bo'lib qo'ya qol, uni izlamagan joyim qolmadi, xo'p desang bu yerdan bosh olib, uzoq-uzoqlarga ketamiz!" – demoqchi bo'lardilar. Men Yaxshi amakining shunday deb qolishidan va yo'q deb u kishini xafa qilib qo'yishdan qo'rqardim.

Xuddi shunday gapni ilgari ham boshqa bir odamdan eshitgan edim-da. Eslassam, hali-hanuz yo'q deganimga yuragim achishib, pushaymonlar bo'laman...

MUJGON OPA

Ayacham chiqishtiravermagach, dadamning jahli chiqib, meni cho'lga olib ketib qoldi. U yerda maktab yo'q ekan. O'qimay qo'ya qoldim. Magazinchi Mujgon opa degan bilan tura boshladim.

Чўлда Мужгон опадан бўлак аёл кишининг ўзи йўқ. Дадам, яна аллақанча эркаклар остин-устин ўрнатилган сўрилик уйда ётишадди. Мужгон опа аячамга ўхшаб силталамас, уришмас, дўкондаги ширалардан тўйгунимча есам ҳам индамас эди. Дўконнинг орқасига ёпишиб тушган кичкинагина уйчада бир ўзлари яшар эканлар. Мени уларга Худонинг ўзи етказибди. Мендақа битта ҳамроҳ жудаям керак экан. Мужгон опа кун бўйи дўконда ўтирар, чўлнинг аллақаерларидан отда, эшакда, тракторда қозоқлар келишар, савдо қилишар, яна қачон келишларини айтиб, бир нималарни буюриб, жўнаб кетишарди. Мен уларнинг орқасидан узоқ қараб қолардим. Улар чўлдан қандай чиқиб келишган бўлса, худди шундай кўздан ғойиб бўлишарди. Қамишзорлар шамолда чайқалиб, қораларини ўчирарди. Бу одамлар менга шу яқин атрофларда қишлоқлар борлигини билдирарди. Ўша қишлоқларни бориб кўргим келарди. Зерикардим. Гаплашадиган, ўйнайдиган ўртоқ йўқ. Аячамнинг уйида иш қайнаб чиқаверарди. Мужгон опанинг уйида мен қиладиган биттагина иш бор. У ҳам бўлса, тухум пишириш. Тухум пиширишдан осони йўқ. Қора қозонга тухумларни териб чиқаманда, устига сув қуйиб, ўт ёқаман. Ўтин ўрнида шолিপхол ишлатилади. Ўчоқ тезда кулга тўлиб қолади. Кулни косов билан олдинга суриб, похол ташлайвераман, ташлайвераман... Сув шарақлаб анча вақт қайнайди. Шундан кейин олов ёқишни тўхтатаман. Бу пайтда офтоб қамишзорлар орасига ботаётган бўлади. Изғирин кўзғалади-ю, одамга ёқиб турган илик ҳавони қаёқларгадир олиб кетади. Совқота бошлайман.

Мужгон опа дўконни ёпиб, уйга киради. Пиликли чироқнинг шишасини шошилмай артади. Кейин пилигини қайчилаб, ёқади. Уй ёришиб кетади. Суюнаман. Ана ундан кейин тутаб ёнадиган керосинкага навбат келади. Унинг бир эмас, учта пилиги бор. Тутундан қорайиб кетган темир чойнакни бирпасда қайнатади. Бу ишни Мужгон опа менга ишонмайдилар. Ишониб бўлмайдиган яна битта иш бор. Темир печкага олов ёқиш. Мужгон опа озгина тараша билан ҳам кўмирни ўт олдирворадилар. Чой дамлаб, Мужгон опа икковимиз тухумхўрлик қиламиз. Баъзи кунлари тухум ўрнига балиқ консерва еймиз.

Мужгон опанинг уйига кечалари колхоз раиси, кассир, дадам (улар омборчи эдилар), яна мен танимаган бошқа кишилар тўпланишади. Бунақа кунларда мен бир қозон тухум қайнатаман. Меҳмонлар вино ичишади, пул тикиб қимор ўйнашади. Раис ўйнамайди. Мужгон опанинг сим каравотига этигини ечмай, чалқанча тушади-да, икки оёғини шоти қилиб, каравот поясига ташлайди. Ўзиям роса узу-у-ун одам. Салда каравотдан хуррак

Cho'lda Mujgon opadan bo'lak ayol kishining o'zi yo'q. Dadam, yana allaqancha erkaklar ostin-ustin o'rnatilgan so'rilik uyda yotishadi. Mujgon opa ayachamga o'xshab siltalimas, urishmas, do'konidagi shiralardan to'ygunimcha yesam ham indamas edi. Do'konning orqasiga yopishib tushgan kichkinagina uychada bir o'zlari yashar ekanlar. Meni ularga Xudoning o'zi yetkazibdi. Mendaqa bitta hamroh judayam kerak ekan. Mujgon opa kun bo'yi do'konda o'tirar, cho'lning allaqayerlaridan otda, eshakda, traktorda qozoqlar kelishar, savdo qilishar, yana qachon kelishlarini aytib, bir nimalarni buyurib, jo'nab ketishardi. Men ularning orqasidan uzoq qarab qolardim. Ular cho'ldan qanday chiqib kelishgan bo'lsa, xuddi shunday ko'zdan g'oyib bo'lishardi. Qamishzorlar shamolda chayqalib, qoralarni o'chirardi. Bu odamlar menga shu yaqin atroflarda qishloqlar borligini bildirardi. O'sha qishloqlarni borib ko'rgim kelardi. Zerikardim. Gaplashadigan, o'ynaydigan o'rtoq yo'q. Ayachamning uyida ish qaynab chiqaverardi. Mujgon opaning uyida men qiladigan bittagina ish bor. U ham bo'lsa, tuxum pishirish. Tuxum pishirishdan osoni yo'q. Qora qozonga tuxumlarni terib chiqamanda, ustiga suv quyib, o't yoqaman. O'tin o'rnida sholipoxol ishlatiladi. O'choq tezda kulga to'lib qoladi. Kulni kosov bilan oldinga surib, poxol tashlayveraman, tashlayveraman... Suv sharaqlab ancha vaqt qaynaydi. Shundan keyin olov yoqishni to'xtataman. Bu paytda oftob qamishzorlar orasiga botayotgan bo'ladi. Izg'irin qo'zg'aladi-yu, odamga yoqib turgan iliq havoni qayoqlargadir olib ketadi. Sovqota boshlayman.

Mujgon opa do'konni yopib, uyga kiradi. Piliqli chiroqning shishasini shoshilmay artadi. Keyin piligini qaychilab, yoqadi. Uy yorishib ketadi. Suyunaman. Ana undan keyin tutab yonadigan kerosinkaga navbat keladi. Uning bir emas, uchta piligi bor. Tutundan qorayib ketgan temir choynakni birpasda qaynatadi. Bu ishni Mujgon opa menga ishonmaydilar. Ishonib bo'lmaydigan yana bitta ish bor. Temir pechkaga olov yoqish. Mujgon opa ozgina tarasha bilan ham ko'mirni o't oldirvoradilar. Choy damlab, Mujgon opa ikkovimiz tuxumxo'rlik qilamiz. Ba'zi kunlari tuxum o'rniga baliq konserva yeymiz.

Mujgon opaning uyiga kechalari kolxoz raisi, kassir, dadam (ular omborchi edilar), yana men tanimagan boshqa kishilar to'planishadi. Bunaqa kunlarda men bir qozon tuxum qaynataman. Mehmonlar vino ichishadi, pul tikib qimor o'ynashadi. Rais o'ynamaydi. Mujgon opaning sim karavotiga etigini yechmay, chalqancha tushadi-da, ikki oyog'ini shoti qilib, karavot poyasiga tashlaydi. O'ziyam rosa uzuun odam. Salda karavotdan xurрак ovozi eshitaladi. Men qarta

овози эшитилади. Мен қарта ўйнаёганларнинг ҳали у ёғига ўтиб, ҳали бу ёғига ўтиб томоша қиламан. “Ўрган, эркакмисан, мановиниси “туз”, буниси “қарға”, – дейди битта амаки. Мен туз деганда овқатга солинадиган тузни, қарға деганда осмонда учиб юрадиган қушни тушунаман. “Жа алдаманг”, деб дадамга қарайман. Дадам менга қовоқларини уйиб, бошини сарак-сарак қилади. “Ўрганасанми?” – дейди ҳалиги амаки мен билан ўчакишиб. “Йўқ”, – дейман бош чайқаб. “Ҳе, бўлмадинг, сендан икки дунёда ҳам улфат чиқмайди”, – деб жиғимга тегади. Жаҳл билан: “Чиқади, чиқади, мана, мана”, – деб ҳалиги амакининг елкасига муштлайман. Муштларим амакига ёқиб кетади. “Баракалла, яна, яна, худди қичиган жойини топдинг”, – деб кулади у. Менга уларнинг қарта ўйнаб туриб, “Бонг”, – дейишлари ёқади. Бонг деган одам ўртадаги ҳамма пулни олдига суради-да, менга чўтал беради. Вино, папирос ҳидларидан гангиб, уйқусираб ўтираман. Мужгон опа бир бурчакка тикилиб, ёзув-чизув қилади. Бир қарасам қартабозлар кетиб, Мужгон опа раиснинг этигини қийналиб-қийналиб ечаётган бўлади. Уйқусираб, ўрнимга зўрға кираман...

Эрта билан бошим оғриб уйғонаман. Ташқарига чиқишга шошиламан. Ҳаво совуқ, аммо ёқади... Тепада сўфитўрғай чулдирайди. Тўқайзорлар орқасидан офтоб кўтарилаётган бўлади. Қамишларнинг попуклари тилла рангда чайқалади. Бет-қўлимни ювай деб кўчани кесиб, зовур бўйига ўтаман. Сув анча пастда кўринади. Оққаниям-оқмаганиям билинмайди. Сув бетини қамиш қоплаган. Зинадан аста пастга тушиб бораман. Юзимга сувнинг илиқ тафти урилади. У эрталаблари илиқ-милиқ, ёқимли бўлади. Бироқ суви шўр, тахир, оғизни чайса, ачиштиради. Юзимни ювгандан кейин ҳам сувга тикилиб ўтираман. Гала-гала бўлиб катта-кичик балиқлар сузиб ўтишади. Улар нимагадир бу пайтда сув оқишига қарши, тепага қараб сузади, кечга томон пастга қараб. Балиқлар ҳам одамларга ўхшаб эрта билан ишга бориб, кечга томон уйларига қайтишса керак-да. Бир хил пайтларда зовур ичи ўзидан ўзи шатир-шутур, қасир-қусир бўлиб кетади. Кўрқиб, икита-учта зинани битта қилиб сув бўйидан тепага учиб чиқаман. Зовур ёқалаб овоз келган тарафга қараб чопаман. Биламан, бу катта балиқнинг иши. Бироқ боргунимча ҳозиргина тўполондан чайқалган қамишлар тиниб қолади. Изни йўқотаман. Алам қилади. Зовур ичига кесак отиб, ўша шовқин кўтарган балиқни кўргим келади. Жимжитлик. Шу пайт тепамдан шувиллаб бир гала ёввойи ўрдаклар ўтади. Э-ҳа... улар жудаям кўп. Тўп-тўп бўлиб учишади. Ўрдакларнинг ўрдаси қаёқдалигини биламан. Улар осмонга Балиққўлдан кўтарилади. Кун бўйи бу ёқларда ризқ те-



o'ynayogonlarning hali u yog'iga o'tib, hali bu yog'iga o'tib tomosha qilaman. "O'rgan, erkakmisan, manovinisi "tuz", bunisi "qarg'a", – deydi bitta amaki. Men tuz deganda ovqatga solinadigan tuzni, qarg'a deganda osmonda uchib yuradigan qushni tushunaman. "Ja aldaming", – deb dadamga qarayman. Dadam menga qovoqlarini uyib, boshini sarak-sarak qiladi. "O'rganasanmi?" – deydi haligi amaki men bilan o'chakishib. "Yo'q", – deyman bosh chayqab. "He, bo'lmading, sendan ikki dunyoda ham ulfat chiqmaydi", – deb jig'imga tegadi. Jahl bilan: "Chiqadi, chiqadi, mana, mana", – deb haligi amakining yelkasiga mushtlayman. Mushtlarim amakiga yoqib ketadi. "Barakalla, yana, yana, xuddi qichigan joyini topding", – deb kuladi u. Menga ularning qarta o'ynab turib, "Bong", – deyishlari yoqadi. Bong degan odam o'rtadagi hamma pulni oldiga suradida, menga cho'tal beradi. Vino, papiros hidlaridan gangib, uyqusirab o'tiraman. Mujgon opa bir burchakka tiqilib, yozuv-chizuv qiladi. Bir qaragam qartabozlar ketib, Mujgon opa raisning etigini qiynalib-qiynalib yechayotgan bo'ladi. Uyqusirab, o'rnimga zo'rg'a kiraman...

Erta bilan boshim og'rib uyg'onaman. Tashqariga chiqishga shoshilaman. Havo sovuq, ammo yoqadi... Tepada so'fitor'g'ay chuldiraydi. To'qayzorlar orqasidan oftob ko'tarilayotgan bo'ladi. Qamishlarning popuklari tilla rangda chayqaladi. Bet-qo'limni yuvay deb ko'chani kesib, zovur bo'yiga o'taman. Suv ancha pastda ko'rinadi. Oqqaniyam-oqmaganiam bilinmaydi. Suv betini qamish qoplagan. Zinadan asta pastga tushib boraman. Yuzimga suvning iliq tafti uriladi. U ertalablari iliq-miliq, yoqimli bo'ladi. Biroq suvi sho'r, taxir, og'izni chaysa, achishtiradi. Yuzimni yuvgandan keyin ham suvga tikilib o'tiraman. Gala-gala bo'lib katta-kichik baliqlar suzib o'tishadi. Ular nimagadir bu paytda suv oqishiga qarshi, tepaga qarab suzadi, kechga tomon pastga qarab. Baliqlar ham odamlarga o'xshab erta bilan ishga borib, kechga tomon uylariga qaytishsa kerak-da. Bir xil paytlarda zovur ichi o'zidan o'zi shatir-shutur, qasir-qusir bo'lib ketadi. Qo'rqib, ikkita-uchta zinani bitta qilib suv bo'yidan tepaga uchib chiqaman. Zovur yoqalab ovoz kelgan tarafga qarab chopaman. Bilaman, bu katta baliqning ishi. Biroq borgunimcha hozirgina to'polondan chayqalgan qamishlar tinib qoladi. Izni yo'qotaman. Alam qiladi. Zovur ichiga kesak otib, o'sha shovqin ko'targan baliqni ko'rgim keladi. Jimjitlik. Shu payt tepamdan shuvullab bir gala yovvoyi o'rdaklar o'tadi. E-ha... ular judayam ko'p. To'p-to'p bo'lib uchishadi. O'rdaklarning o'rdasi qayoqdaligini bilaman. Ular osmonga Baliqko'ldan ko'tariladi. Kun

риб юришади-да, кечга томон яна Балиққўлга қараб учишади. Балиққўлни дадамнинг ўртоқлари роса мақтайди. Сувнинг ости балиққа, усти ўрдакка тўла экан. Балиқниям, ўрдакниям тўр билан тутишаркан. Ўрдакни жингил сихига тортиб, гўшт куйди қилса, зўр бўларкан...

Шу пайт бирдан ер-у осмонни милтиқ отилгандек “пақ-пуқ” овозлари тутиб кетади. Учиб кетаётган ўрдаклар чўчиб, ўзларини дуч келган зовурга уради. Салдан кейин “пақ-пуқ” ўрнида моторнинг бир маромда гуриллагани эшитилади. Бу Абзий гўрковнинг эксковатори. Ўт олиши шунақа ваҳимали. Абзийнинг иши уззукун зовур кавлаш. Шунга уни “чўлнинг гўркови” дейишади.

Мен Абзий гўрков билан чиқишаман. У мени эркалайди, сочларимни тўзгитиб ўйнайди. Кўпинча кўзларини узмай менга тикилиб туриб қолади. Ачиниб, “Ҳа-й-й, ҳай-й-й”, деб қўяди. Кейин бирдан хумори тутиб, чўнтагидан халтача олиб, мохорка ўрашга тушади. Мен қизиқиб уни томоша қиламан. Гўрков чўнтагидан чақмоқ тош олиб, бир-бирига уриб, олдин пахтани ўт олдиради, кейин мохоркасини... Оғзини чапиллатиб мохорканинг тутунини шошиб-шошиб ичига ютади. Ҳузурланиб, кўзини юмади. Унга тикилиб турганимни пайқаб, хирқираган овозда: “Сен малай анийингни излийсин, бит шулайми... Ай-й-й, бу бик азаб, бик азаб... Менда-да излим, излим, тополмим...”

Абзий қамишдан сурнай ясашга уста. Сурнайни у “дутка” дейди. Мен Абзийни қаерда кўрсам, олдига чопиб бораман. Сочларимни бир тўзгитиб қўйишини ёқтираман. У бир нимасини кўчада тушириб қўйган одамга ўхшайди. Қачон кўрмай ерга қараб, бўйнини қисиб юради. Унга менинг ҳам раҳмим келади.

Абзий гўрков эски зовурларни ковлайдиган бўлса, Мужгон опага атайлаб тайинлайди: “Авулдош, эбдошлар келсалар балиқ оларға борсинлар, ями”. Бу хабарни биринчи бўлиб Трамбай ота эшитади. Икки ғилдиракли аравага ўрнатилган бочкадаги чучук сувни бўшатиб, Абзийнинг орқасидан йўлга тушади. Трамбай отага мен ҳам эргашаман. Трамбай ота қозоқ. Ҳаммага “ширағим” деб гапиради. Бу ерга келган ҳар битта янги одамни чолнинг исми қизиқтириб қолади.

– Трамбай ота, трамвайда туғилганмисиз? – деб сўраб қолди бир куни янги келган сувоқчи амаки.

– Жўқ, ширағим, жўқ, эл қатари овулде туғулганмин...

– А? Нимага бўлмаса Трамбайсиз?

– Ташкентке трамбай келген жили туғилганмин, кўкем эситибақ атимни Трамбай деб қўйген...

bo'yi bu yoqlarda rizq terib yurishadi-da, kechga tomon yana Baliqko'lga qarab uchishadi. Baliqko'lni dadamning o'rtoqlari rosa maqtaydi. Suvning osti baliqqa, usti o'rdakka to'la ekan. Baliqniyam, o'rdakniyam to'r bilan tutisharkan. O'rdakni jing'il sigiga tortib, go'sht kuydi qilsa, zo'r bo'larkan...

Shu payt birdan yer-u osmonni miltiq otilgandek "paq-puq" ovozlari tutib ketadi. Uchib ketayotgan o'rdaklar cho'chib, o'zlarini duch kelgan zovurga uradi. Saldan keyin "paq-puq" o'rnida motorning bir maromda gurullagani eshitiladi. Bu Abziy go'rkovning ekskrovatori. O't olishi shunaqa vahimali. Abziyning ishi uzzukun zovur kavlash. Shunga uni "cho'lning go'rkovi" deyishadi.

Men Abziy go'rkov bilan chiqishaman. U meni erkalaydi, sochlarimni to'zgi'tib o'ynaydi. Ko'pincha ko'zlarini uzmay menga tikilib turib qoladi. Achinib, "Hayy, hayyy", deb qo'yadi. Keyin birdan xumori tutib, cho'ntagidan xaltacha olib, moxorka o'rashga tushadi. Men qiziqib uni tomosha qilaman. Go'rkov cho'ntagidan chaqmoq tosh olib, bir-biriga urib, oldin paxtani o't oldiradi, keyin moxorkasini... Og'zini chapillatib moxorkaning tutunini shoshib-shoshib ichiga yutadi. Huzurlanib, ko'zini yumadi. Unga tikilib turganimni payqab, xirqiragan ovozda: "Sen malay aniyningni izliysin, bit shulaymi... Ayyy, bu bik azab, bik azab... Menda-da izlim, izlim, topolmim..."

Abziy qamishdan surnay yasashga usta. Surnayni u "dutka" deydi. Men Abziyni qayerda ko'rsam, oldiga chopib boraman. Sochlarimni bir to'zgi'tib qo'yishini yoqtiraman. U bir nimasini ko'chada tushirib qo'ygan odamga o'xshaydi. Qachon ko'rmay yerga qarab, bo'ynini qisib yuradi. Unga mening ham rahmim keladi.

Abziy go'rkov eski zovurlarni kovlaydigan bo'lsa, Mujgon opaga ataylab tayinlaydi: "Avuldosh, ebdoshlar kelsalar baliq olarg'a borsinlar, yami". Bu xabarni birinchi bo'lib Trambay ota eshitadi. Ikki g'ildirakli aravaga o'rnatilgan bochkadagi chuchuk suvni bo'shatib, Abziyning orqasidan yo'lga tushadi. Trambay otaga men ham ergashaman. Trambay ota qozoq. Hammaga "shirag'im" deb gapiradi. Bu yerga kelgan har bitta yangi odamni cholning ismi qiziqtirib qoladi.

– Trambay ota, tramvayda tug'ilganmisiz? – deb so'rab qoldi bir kuni yangi kelgan suvoqchi amaki.

– Jo'q, shirag'im, jo'q, el qatari ovulde tug'ulganmin...

– A? Nimaga bo'lmasa Trambaysiz?

– Tashkentke trambay kelgen jili tug'ilganmin, ko'kem esitibaq atimni Trambay deb qo'ygen...

- Э, ҳа-а-а... Бундан чиқди трамвайни кўрмагансиз ҳам?
- Жўқ, кўрмегенмен... Айтовур дилинг-дилиглеб темир жўлден жураатти дейишат. Ўзинг-ше, ўзинг, ширағим, кўргенмисин?
- Менам кўрмаганман.
- Ўй-бў-ў-й, широгоғимов, урушга боргенде кўрмединг-ба?
- Кетишда Тошкентда тўхтамадик-да, отахон. Биз уруш қилган жойларда трамвай йўқ эди. Ҳамма ёқ ўрмон эди. Ўлмай қолсам қайтишда Тошкентга тушаман, ўқишга кираман, деган ниятларим бор эди. Палакат босиб урушдаёқ қамалиб қолдим. Қамалиб чиққанлар катта шаҳарларга кўйилмайди. Мана шунақа чекка жойларга этап қилинади. Мен жазосига яна беш йил мана шу ёқларда юришим керак ҳали.
- Ўй-бў-ў-й, широгоғимов, нағиб қамалиб жүрсен?
- Йигитчилик...
- Ичдинг-ба?
- Йў-ўқ.
- Аялдерга бардинг-ба?
- Э, нималар деяпсиз, урушдаям намоз ўқирдим...
- Ўнда нағиб қамалдинг, ширақ?
- Айтсам ишонмайсиз, Трамбой ота. Бир куни немислар билан роса қирпичоқ бўлдик. Баҳайбат биттаси устимдан таппа босиб тушди! Ҳолдан тойган эдим. Кўзимни очсам, ханжарини томоғимга тираб турибди, лаънати. Калима келтирдиму, кўзимни чирт юмиб олдим. Тақдирга тан беришдан бошқа иложим қолмаганди... Ана кетдим, мана кетдим, деб ётибман. Бироқ лаънати тош қотганми, кўкрагимни босганча қимир этмайди. На уёқлик қилади, на буёқлик... Бундай қарасам, худди катта холасининг эрини кўриб қолгандек менга тикили-и-б қопти. Кўзининг ичи кўм-кўк. Пешанаси тиртиқ, яраси яқиндагина битган кўринади. Яхшиям шу тиртиғи эсимда қолгани... Бўлмаса ундан бир умрга қарздор бўлиб қолардим. Сездимки, мени ўлдиргиси йўқ. Нимагадир аяяпти. Худо сақласа, кунинг битмаса шунақа бўлади ўзи. Мен ҳам: “Худо хайрингни берсин, ўлдирма”, – дегандек унга қарадим. У ханжарини сочимнинг орасидан юрғазиб: “Азия?” – деди. Мен жон ҳолатда: “Ҳа, Азия, Азия”, – деб бош ирғадим. У мени кўйворди. Кўйворди-ю, шартиллатиб орқамга бир тепди. Шуниси ёмонам алам қилди... Битта тепкига жонимни асраб қолдимми, деб эзилдим. Барибир одамнинг яшагиси келади-да... Худонинг кудратини қарангки, Трамбай ота, ўша немис билан яна учрашдим. Энди мен... Ҳа, у менинг тагимда типирчилаб ётарди. Пешанасига автоматни тираганимда тиртиғидан таниб қолдим. Ҳа, ҳа, худди ўша. Ўшанинг ўзи, ўлай агар. Худонинг ўзи танитди менга уни, Трам-



– E, haaa... Bundan chiqdi tramvayni ko'rmagansiz ham?

– Jo'q, ko'rmegenmen... Aytovur diling-dilingleb temir jo'lden juratti deyishat. O'zing-she, o'zing, shirag'im, ko'rgenmisin?

– Menam ko'rmaganman.

– O'y-bo'oy, shirog'imov, urushga borgende ko'rmeding-ba?

– Ketishda Toshkentda to'xtamadik-da, otaxon. Biz urush qilgan joylarda tramvay yo'q edi. Hamma yoq o'rmon edi. O'lmay qolsam qaytishda Toshkentga tushaman, o'qishga kiraman, degan niyatlarim bor edi. Palakat bosib urushdayoq qamalib qoldim. Qamalib chiqqanlar katta shaharlarga qo'yilmaydi. Mana shunaqa chekka joylarga etap qilinadi. Men jazosiga yana besh yil mana shu yoqlarda yurishim kerak hali.

– O'y-bo'oy, shirog'imov, nag'ib qamalib jursen?

– Yigitchilik...

– Ichding-ba?

– Yo'o'q.

– Ayalderga barding-ba?

– E, nimalar deyapsiz, urushdayam namoz o'qirdim...

– O'nda nag'ib qamalding, shiraq?

– Aytsam ishonmaysiz, Tramboy ota. Bir kuni nemislar bilan rosa qirpichoq bo'ldik. Bahaybat bittasi ustimdan tappa bosib tushdi! Holdan toygan edim. Ko'zimni ochsam, xanjarini tomog'imga tirab turibdi, la'nati. Kalima keltirdim-u, ko'zimni chirt yumib oldim. Taqdirga tan berishdan boshqa ilojim qolmagandi... Ana ketdim, mana ketdim, deb yotibman. Biroq la'nati tosh qotganmi, ko'kragimni bosganча qimir etmaydi. Na uyoqlik qiladi, na buyoqlik... Bunday qaragam, xuddi katta xolasining erini ko'rib qolgandek menga tikilib qopti. Ko'zining ichi ko'm-ko'k. Peshanasi tirtiq, yarasi yaqindagina bitgan ko'rinadi. Yaxshiyam shu tirtig'i esimda qolgani... Bo'lmasa undan bir umrga qarzdor bo'lib qolardim. Sezdimki, meni o'ldirgisi yo'q. Nimagadir ayayapti. Xudo saqlasa, kuning bitmasa shunaqa bo'ladi o'zi. Men ham: "Xudo xayringni bersin, o'ldirma", – degandek unga qaradim. U xanjarini sochimning orasidan yurgazib: "Aziya?" – dedi. Men jon holatda: "Ha, Aziya, Aziya", – deb bosh irg'adim. U meni qo'yvordi. Qo'yvordi-yu, shartillatib orqamga bir tepdi. Shunisi yomonam alam qildi... Bitta tepkiga jonimni asrab qoldimmi, deb ezildim. Baribir odamning yashagisi keladi-da... Xudoning qudratini qarangki, Trambay ota, o'sha nemis bilan yana uchrashdim. Endi men... Ha, u mening tagimda tipirchilab yotardi. Peshanasiga avtomatni tiraganimda tirtig'idan tanib qoldim. Ha, ha, xuddi o'sha. O'shaning o'zi, o'lay agar. Xudoning o'zi tanitdi, menga uni Trambay

бай ота. Бўлмаса қайда... Уям тақдирига тан бериб, ўлимига рози бўлиб тагимда чўзилиб ётибди. У ҳам мени таниб қолди. Шошиб: "Азия, Азия", – деди...

Менам уни турғаздимда, кетига шартиллатиб битта тешиб, кўйиб юбордим...

Трамбай ота хахолаб кулди. Сап-сарик чўғир тишлари кўриниб, кўзлари юмилиб, у ёққа, бу ёққа тебраниб "хи-хий"лади. Кўз ёшларини енги билан арта-арта:

– Кейин не бўлди, ширақ, кейин?

– Ўшандан кейин бир хумордан чиқдим денг, Трамбай ота. Бир яйрадим, бир яйрадим. Яратганга бир шукурдан минг шукурлар айтдим. Аммо яйраганим бурнимдан чиқди. Бу ишимни биттаси кўриб қолган экан, сотиб кўйди. Қани энди ўрислар йигитчилик, деган гапларни тушунишса. Шундай қилиб қамаворишди, Трамбай ота...

– Ов, боврумов, – деб Трамбай ота ўрнидан туриб янги келган сувоқчини бағрига босди. – Сен жақси... адеми, бўлатурғон экенсин. Қизим жўқде, бўлсе киев этардим, ширағим, – деди.

Трамбай отанинг отига мингашиб, шуларни эслаб бораман. Янги келган сувоқчи амаки вино ичмайди, қарта ўйнамайди. Бурчак-бурчакларда намоз ўқиётганини кўриб қоламан.

Трамбай ота билан манзилга етиб келамиз. Абзий гўрков баҳайбат экскаваторини юргизади. Ҳаммаёқ "пақ-пуқ," "пақ-пуқ" бўлиб кетади. От хуркиб, қулоқларини чимиради. Зовурдан қағиллаб ўрдаклар кўтарилади...

Эски зовурда балиқлар росаям кўп. Абзий эксковаторнинг ковушини кўтари-и-б туриб зовурга жиққа ташлайди. Кейин қамиш-у лойқани тепага кўтариб олади-да, ерга шопиради. Балиқлар билтанглаб юзага чиқади. Трамбай ота икковимиз шошиб қоламиз. Отанинг кўлида кичкинагина пачоқ челақ. Каттароқ балиқ солса, думи билтанглаб ташқарида қолади. Баъзан отилиб, челақдан тушиб ҳам кетади. Ота балиқларни бочкага ағдариб тинчийди. Бир зумда қайдандир балиқчи қушлар, қарғалар пайдо бўлади. Қағ... куғ... чиғ... Улар балиқнинг чавоқларини тумшуғи билан илиб қочишади. Баъзида Абзийнинг ўзиям пастга тушиб, бизга қарашади. Биз кўрмай қолган балиқларни у тепадан туриб кўради. Бу иш анчага чўзилади. Бир хил пайтда ковушда лойқа чиқаверадию, балиқдан дарак бўлмайди. Абзийнинг айтишича, балиқ тепага қочган бўлади. Трамбай ота ҳов наридан кесак отиб балиқларни бу ёққа ҳайдайди. Яна ковушда балиқлар чиқа бошлайди. Ниҳоят, бу ишдан зерикамиз. Трамбай ота бочканинг қолганини сув билан тўлдиради. Шундан кейин Абзий гўрков

ota. Bo'lmasa qayda... Uyam taqdiriga tan berib, o'limiga rozi bo'lib tagimda cho'zilib yotibdi. U ham meni tanib qoldi. Shoshib: "Aziya, Aziya", – dedi...

Menam uni turg'azdimda, ketiga shartillatib bitta tepib, qo'yib yubordim...

Trambay ota xaxolab kuldi. Sap-sariq cho'gir tishlari ko'rinib, ko'zlari yumilib, u yoqqa, bu yoqqa tebranib "xi-xiy"ladi. Ko'z yoshlarini yengi bilan arta-arta:

– Keyin ne bo'ldi, shiraq, keyin?

– O'shandan keyin bir xumordan chiqdim deng, Trambay ota. Bir yayradim, bir yayradim. Yaratganga bir shukurdan ming shukurlar aytdim. Ammo yayraganim burnimdan chiqdi. Bu ishimni bittasi ko'rib qolgan ekan, sotib qo'ydi. Qani endi o'rislar yigitchilik, degan gaplarni tushunishsa. Shunday qilib qamavorishdi, Trambay ota...

– Ov, bovrumov, – deb Trambay ota o'rnidan turib yangi kelgan suvoqchini bag'riga bosdi. – Sen jaqsi... ademi, bo'laturg'on ekensin. Qizim jo'qde, bo'lse kiyev etardim, shirag'im, – dedi.

Trambay otaning otiga mingashib, shularni eslab boraman. Yangi kelgan suvoqchi amaki vino ichmaydi, qarta o'ynamaydi. Burchak-burchaklarda namoz o'qiyotganini ko'rib qolaman.

Trambay ota bilan manzilga yetib kelamiz. Abziy go'rkov bahaybat ekskavatorini yurgizadi. Hamma yoq "paq-puq," "paq-puq" bo'lib ketadi. Ot hurkib, quloqlarini chimiradi. Zovurdan qag'illab o'rdaklar ko'tariladi...

Eski zovurda baliqlar rosayam ko'p. Abziy ekskavatorning kovushini ko'tariib turib zovurga jiqqa tashlaydi. Keyin qamish-u loyqani tepaga ko'tarib oladi-da, yerga shopiradi. Baliqlar biltanglab yuzaga chiqadi. Trambay ota ikkovimiz shoshib qolamiz. Otaning qo'lida kichkinagina pachiq chelak. Kattaroq baliq solsa, dumi biltanglab tashqarida qoladi. Ba'zan otilib, chelakdan tushib ham ketadi. Ota baliqlarni bochkaga ag'darib tinchiydi. Bir zumda qaydandir baliqchi qushlar, qarg'alar paydo bo'ladi. Qag'... qug'... chig'... Ular baliqning chavoqlarini tumshug'i bilan ilib qochishadi. Ba'zida Abziyning o'ziyam pastga tushib, bizga qarashadi. Biz ko'rmay qolgan baliqlarni u tepadan turib ko'radi. Bu ish anchaga cho'ziladi. Bir xil paytda kovushda loyqa chiqaveradi-yu, baliqdan darak bo'lmaydi. Abziyning aytishicha, baliq tepaga qochgan bo'ladi. Trambay ota hov naridan kesak otib baliqlarni bu yoqqa haydaydi. Yana kovushda baliqlar chiqa boshlaydi. Nihoyat, bu ishdan zerikamiz. Trambay ota bochkaning qolganini suv bilan to'ldiradi. Shundan keyin Abziy go'rkov o'tirgan joyidan bamaylixotir

ўтирган жойидан бамайлихотир пастга тушиб, Трамбай отага яқинлашади. Ота Абзийга қарай-қарай, хоҳламай кўйин чўнтагига қўл солади. Бирдан ниятидан қайтиб, қўлини тортиб олади.

– Бўпти, ширағим, бўпти... бириси кун берем, – дейди Абзийни ноумид қилиб.

– Эрта йўлга чиғам бит, – жаҳлдан Абзийнинг кўз соққалари ўйнаб кетади.

Трамбай ота ишонмагандек Абзийга қарай-қарай кўйнидан қоп-қора катмон олиб, пул санай бошлайди. Абзий отанинг устида турволиб: “Яна қўш, абий, қўш”, – деб туради. Абзий бунақа балиқ овидан кейин бир кунга, икки кунга йўқолиб қолади. У аллақасларга бориб, урушда йўқотиб қўйган хотини билан қизини қидиради. Мужгон опа менинг ойимниям Абзийга тайинлаб қўйганлар. Ҳар сафар Абзийнинг қайтишини сабрсизлик билан кутаман. Чўлда машина овози тез қулоққа чалинади. Ўзи кўринмасаям, овози ҳавода гуриллайверади. Мен зовур бўйидаги тепалик устига чиқиб, овоз келаётган томонга термулман. Хаёлимда ойим, Абзийнинг хотини, қизи бир машина бўлиб келаётгандек бўлаверади... Абзий бўлса нуқул сўппайиб бир ўзи қайтади. Анча вақтгача ҳеч кимга қўшилмай, тумтайиб юради. Аламидан бўкиб ичади. Қасларга бориб, қаслардан қайтганини айтмайди. Бунақа пайтларда ундан қочиб юраман. Унинг нималар дейишини биламан-да. Кўзлари шилпикланиб, қўлини икки ёққа ёзади-да, “Анийнинг йўқ бит, малай”, – деб елка қисади...

Трамбай ота билан Абзий ўртасидаги савдо анчага чўзилади. Кўп бериб юбордим, деб Трамбай отанинг пешанаси тиришади. Оз бердинг, деб Абзийнинг қовоқ-тумшуги тушиб кетади.

Орқага қайтамиз. Йўлда балиқ тергани келаётган овуллик одамлар учрайди. Дўконга келишган-у, уларни бу ёққа Мужгон опа жўнатган бўлади. Ҳарна Абзийга бўлсин, дейдилар-да.

– Ана, – дейди Трамбай ота жаҳл билан, – ўларнида ақчасини шилэди, гўрков ашапат...

Магазин ёнидан ўтаётганда Трамбай ота мени қолдирадилар-да, ўзлари отни қичаб, овулига қараб жўнайдилар. Абзий гўрков шу куни дўконга келади. Ҳар доимгидек топилмаган хотинига, қизига совға-саломлар олади. Олдингиларини сотиб ичган бўлади. “Кўнглим сеза, опай, шул, шул борувда мен аларни топам”, – дейди уйқули кўзларини ишқаб. У узуккун ишлаб чарчаган бўлади. Мужгон опа унга мени кўрсатиб, ойимни қайта-қайта яна тайинлайдилар. У: “Билам, эсимда, эсимда”, – деб бошини қашиб қўяди. Унинг гап-сўзлари менга бир вақтлар “Оқ эдил...” деб қўшиқ айтган аравакашни эслатади.



pastga tushib, Trambay otaga yaqinlashadi. Ota Abziyga qaray-qaray, xohlamay qo'yin cho'ntagiga qo'l soladi. Birdan niyatidan qaytib, qo'lini tortib oladi.

– Bo'пти, shirag'im, bo'пти... birisi kun berem, – deydi Abziyni noumid qilib.

– Erta yo'lg'a chig'am bit, – jahldan Abziyning ko'z soqqalari o'ynab ketadi.

Trambay ota ishonmagandek Abziyga qaray-qaray qo'ynidan qop-qora katmon olib, pul sanay boshlaydi. Abziy otaning ustida turvolib: "Yana qo'sh, abiy, qo'sh", – deb turadi. Abziy bunaqa baliq ovidan keyin bir kunga, ikki kunga yo'qolib qoladi. U allaqayoqlarga borib, urushda yo'qotib qo'ygan xotini bilan qizini qidiradi. Mujgon opa mening oyimniyam Abziyga tayinlab qo'yganlar. Har safar Abziyning qaytishini sabrsizlik bilan kutaman. Cho'lda mashina ovozi tez quloqqa chalinadi. O'zi ko'rinmasayam, ovozi havoda gurullayveradi. Men zovur bo'yidagi tepalik ustiga chiqib, ovoz kelayotgan tomonga termulaman. Xayolimda oyim, Abziyning xotini, qizi bir mashina bo'lib kelayotgandek bo'laveradi... Abziy bo'lsa nuqul so'ppayib bir o'zi qaytadi. Ancha vaqtgacha hech kimga qo'shilmay, tumtayib yuradi. Alamidan bo'kib ichadi. Qayoqlarga borib, qayoqlardan qaytganini aytmaydi. Bunaqa paytlarda undan qochib yuraman. Uning nimalar deyishini bilaman-da. Ko'zlari shilpiqlanib, qo'lini ikki yoqqa yozadi-da, "Aniying yo'q bit, malay", – deb yelka qisadi...

Trambay ota bilan Abziy o'rtasidagi savdo anchaga cho'ziladi. Ko'p berib yubordim, deb Trambay otaning peshanasi tirishadi. Oz berding, deb Abziyning qovoq-tumshug'i tushib ketadi.

Orqaga qaytamiz. Yo'lda baliq tergani kelayotgan ovullik odamlar uchraydi. Do'konga kelishgan-u, ularni bu yoqqa Mujgon opa jo'natgan bo'ladi. Harna Abziyga bo'lsin, deyдилar-da.

– Ana, – deydi Trambay ota jahl bilan, – o'larnida aqchasini shiledi, go'rkov ashapat...

Magazin yonidan o'tayotganda Trambay ota meni qoldiradilar-da, o'zlari otni qichab, ovuliga qarab jo'naydilar. Abziy go'rkov shu kuni do'konga keladi. Har doimgidek topilmagan xotiniga, qiziga sovg'a-salomlar oladi. Oldingilarini sotib ichgan bo'ladi. "Ko'nglim seza, opay, shul, shul boruvda men alarni topam", – deydi uyquli ko'zlarini ishqab. U uzukkun ishlab charchagan bo'ladi. Mujgon opa unga meni ko'rsatib, oyimni qayta-qayta yana tayinlaydilar. U: "Bilam, esimda, esimda", – deb boshini qashib qo'yadi. Uning gap-so'zlari menga bir vaqtlar "Oq edil..." deb qo'shiq aytgan aravakashni eslatadi.

Мен эрта билан ана шунақа хаёллар билан зовур бўйида якка-ёлғиз айланиб юраман. Қорним очиб, таталай бошлагандагина уйга қайтаман.

Мужгон опа нонушта ҳозирлаб, мени кутаётган бўладилар. Раис қачон туриб кетганини билмай ҳам қоламан. Мужгон опа бугун кўзимга жудаям беҳол кўринади. Кўзларининг таги салқиган, ранги бир аҳвол. Нуқул босиб-босиб чой ичадилар. Нонга, ширага қўл урмайди. Менинг бўлса ҳар доимгидек иштаҳам карнай. Пиёлага калла қанд ташлайман, нон бурдаларининг суви қочган бўлади. Чойга ботирсам, тезда юмшайди. Ҳафсала билан қорин тўйдираман. Аячамникида мен учун бунақа тўкинликлар қайда. Бори ҳам ўлчоғлик. Тандирдан оқиб тушган нонларни кулдан тозалаб, шошилмай ердим. Пиёламга ҳар замонда шакар солиб берсалар, эриб кетмасин деб кўзғатмасдим. Аячам бир кунда икки марта дастурхон ёзарди. Эрта билан, кейин кечкурун. Бошқа пайтда ҳамма нарса кулфда. Мен шунга ўрганиб қолганман. Мужгон опа дастурхон ёзганларида тўйиб олай дейман. Баъзи пайтларда Мужгон опанинг менга тикилиб турганларини кўриб, уялганимдан дарров қўлимни дастурхондан тортаман. Буни Мужгон опа сезиб, ёқимли қўллари билан бошимни силаб, дейди:

– Ол, ўғлим, ол, еявер... Айни ейдиган пайтинг. Ҳозир еб олмасанг, қачон илигинг тўлади, болам...

Бир куни Мужгон опа нонушта пайтида ҳар доимгидек менга тикилиб ўтирдилар-да:

– Қурибгина кетсин, ҳаммаси жонимга тегиб кетди, болам, зерикдим бу бийдек чўлда. Она-бола узоқ-узоқларга қочиб кетмаймизми-а? – деди дабдурустдан.

Мен Мужгон опага анграйиб қарадим-да:

– Балиққўлга борайлик, – дедим шошиб.

– Балиққўлинг нимаси, болам, хўп десанг унданам нариларга кетамиз. Балиққўлмиш-а...

Мужгон опанинг ниятини сезиб, “Ҳа” ёки “Йўқ” дея олмадим. Аячамнинг ўрнида Мужгон опа бўлиб қолишини жуда-жуда хоҳлардим.

Кечаси мен ерда ётаман. Мужгон опа каравотда. Уйга шולי похоли тўшалиб, устига намат ташланган. Одам юрса қисир-қисир қилади. Айниқса, ёстиққа бош қўйганимда похол шитирлаб, худди намат тагида илон ўрмалаётгандек бўлаверарди. Қўрқиб, ўтириб оламан. Деворга суюнганимча овозимни чиқармай йиғлайман. Йиғлай-йиғлай уйқу элтиб, ухлаб қолсам керак-да. Бир куни шунақа ҳиқиллаб ўтирганимда Мужгон опа уйғониб қолдилар. Айтсам, илон нима қилади, жиннивой, сичқон бўлса



Men erta bilan ana shunaqa xayollar bilan zovur bo'yida yakka-yolg'iz aylanib, yuraman. Qornim ochib, tatalay boshlagandagina uyga qaytaman.

Mujgon opa nonushta hozirlab, meni kutayotgan bo'ladilar. Rais qachon turib ketganini bilmay ham qolaman. Mujgon opa bugun ko'zimga judayam behol ko'rinadi. Ko'zlarining tagi salqigan, rangi bir ahvol. Nuqul bosib-bosib choy ichadilar. Nonga, shiraga qo'l urmaydi. Mening bo'lsa har doimgidek ishtaham karnay. Piyolaga kalla qand tashlayman, non burdalarining suvi qochgan bo'ladi. Choyga botirsam tezda yumshaydi. Hafsala bilan qorin to'ydiraman. Ayachamnikida men uchun bunaqa to'kinliklar qayda. Bori ham o'lchog'lik. Tandirdan oqib tushgan nonlarni kuldan tozalab, shoshilmay yerdim. Piyolamga har zamonda shakar solib bersalar, erib ketmasin deb qo'zg'atmasdim. Ayacham bir kunda ikki marta dasturxon yozardi. Erta bilan, keyin kechqurun. Boshqa paytda hamma narsa qulfdi. Men shunga o'rganib qolganman. Mujgon opa dasturxon yozganlarida to'yib olay deyman. Ba'zi paytlarda Mujgon opaning menga tikilib turganlarini ko'rib, uyalganimdan darrov qo'limni dasturxondan tortaman. Buni Mujgon opa sezib, yoqimli qo'llari bilan boshimni silab, deydi:

– Ol, o'g'lim, ol, yeyaver... Ayni yeydigan payting. Hozir yeb olmasang, qachon iliging to'ladi, bolam...

Bir kuni Mujgon opa nonushta paytida har doimgidek menga tikilib o'tirdilar-da:

– Quribgina ketsin, hammasi jonimga tegib ketdi, bolam, zerikdim bu biydek cho'lda. Ona-bola uzoq-uzoqlarga qochib ketmaymizmi-a? – dedi dabdurustdan.

Men Mujgon opaga angrayib qaradim-da:

– Baliqko'lga boraylik, – dedim shoshib.

– Baliqko'ling nimasi, bolam, xo'p desang undanam narilarga ketamiz. Baliqko'lmish-a...

Mujgon opaning niyatini sezib, "Ha" yoki "Yo'q" deya olmadim. Ayachamning o'rnida Mujgon opa bo'lib qolishini juda-juda xohlardim.

Kechasi men yerda yotaman. Mujgon opa karavotda. Uyga sholi poxoli to'shalib, ustiga namat tashlangan. Odam yursa qisir-qisir qiladi. Ayniqsa, yostiqqa bosh qo'yganimda poxol shitirlab, xuddi namat tagida ilon o'rmalayotgandek bo'laverardi. Qo'rqib, o'tirib olaman. Devorga suyanganimcha ovozimni chiqarmay yig'layman. Yig'lay-yig'lay uyqu eltib, uxlab qolsam kerak-da. Bir kuni shunaqa hiqillab o'tirganimda Mujgon opa uyg'onib qoldilar. Aytsam, ilon nima qiladi, jinnivoy, sichqon bo'lsa kerak, deb qoldilar. Men battar

керак, деб қолдилар. Мен баттар додлаб юбордим. Мужгон опанинг ўтакаси ёрилиб, шошиб ёнларига олдилар. Юз-кўзларимдан ўпиб, орқаларимни силадилар. Йўқотиб қўйган ойижонимнинг ҳидларини топиб олгандек бўлдим. Бўйинларидан маҳкам, ҳа, маҳкам қучдим. Қўйворсам, йўқотиб қўяман деб қўрқдим. Ойи... Ойи...

Мужгон опа йиғлай бошладилар:

– Болам... болагинам... Ўзим ўргилай сендан...

Эртасига наमतнинг тагини кўтардик. На илон, на сичқон чиқди. Мужгон опа: “Мен билан ётавер, болам”, – дедилар. Кўз олдимга раиснинг каравотда узала ётгани келди-ю, унамадим. Мужгон опа шу билан тинчимадилар. Сотувдаги битта пўлат каравотни олиб кириб ўрнатдилар-да:

– Жонингдан айлансин, болам, ётавер. Дўкондан кўра қайтага уйда яхши туради, занг босмайди, – деди.

Жудаям суюниб кетдим. Ойимларни йўқотиб қўйгандан бери энди шунақа суюнган бўлсам керак. Ахир, бундан буён пўлат каравотда ётаман-а. Маза... сал қимирлаб кетсаям лўмбиллайверади, лўмбиллайверади... Мужгон опа мендан ҳеч нарсани аямайди. Мана, энди улар мени қаёқларгадир олиб кетмоқчи ҳам бўляптилар. Ҳа, жуда узоқларга олиб кетмоқчилар, шекилли. Мен Мужгон опа билан қаёққа бўлсаям кетаверардим. Мужгон опа ойимга ўхшардилар. Қошлари қоп-қора. Юзлари чўзинчоқ. Фақат чап юзларида холи йўқ, холос. Мен дадам билан чўлга келганимда Мужгон опани кўриб, ойи, деб бақириб юборишимга сал қолган. Улар томон энтикиб икки-уч қадам босганман-у, ўзимни зўрға тўхтатиб қолганман. Аммо юрагим гуп-гуп уриб Мужгон опага тикилиб тураверганман. Мени кўрган Мужгон опа пештахтани айланиб ўтиб:

– Вой, манови болани, қаердан келиб қолдинг сен фаришта, кимнинг боласисан? – деб сўрадилар. Кейин: – Сен менга бунақа қарама... вой, мановини... – деб кучоқлаб олган эдилар. Ўшандаям ҳидлари ойимни эслатган эди.

Мужгон опа билан ана шундай танишган эдик. Кунлардан бир куни яна “кетамиз” деб қолдилар. Мен яна “Ҳа” ҳам, “Йўқ” ҳам демай ўй суриб қолдим. Мужгон опа ўринларидан турди, дастурхонни айланиб ўтиб, ёнимга чўқдилар. Бошимни бағрига босиб, пешанамдан ўпдилар.

– Қанийди ўз-ўзимнинг болам бўлиб қолсанг. Бошимга кўтариб юрардим сени, бошимга. Нима қилайки, Худо мени боладан қисди. Даданга айтаман, сени олиб кетсин. Бўлмаса ўзимга ишонмайман. Сени олиб қочиб кетиб қоламан.



dodlab yubordim. Mujgon opaning o'takasi yorilib, shoshib yonlariga oldilar. Yuz-ko'zlarimdan o'pib, orqalarimni siladilar. Yo'qotib qo'ygan oyijonimning hidlarini topib olgandek bo'ldim. Bo'yinlaridan mahkam, ha, mahkam quchdim. Qo'yvorsam, yo'qotib qo'yaman deb qo'rqdim. Oyi... Oyi...

Mujgon opa yig'lay boshladilar:

– Bolam... bolaginam... O'zim o'rgilay sendan...

Ertasiga namatning tagini ko'tardik. Na ilon, na sichqon chiqdi. Mujgon opa: "Men bilan yotaver, bolam", – dedilar. Ko'z oldimga raisning karavotda uzala yotgani keldi-yu, unamadim. Mujgon opa shu bilan tinchimadilar. Sotuvdagi bitta po'lat karavotni olib kirib o'rnatdilar-da:

– Joningdan aylansin, bolam, yotaver. Do'kondan ko'ra qaytaga uyda yaxshi turadi, zang bosmaydi, – dedi.

Judayam suyunib ketdim. Oyimlarni yo'qotib qo'ygandan beri endi shunaqa suyungan bo'lsam kerak. Axir, bundan buyon po'lat karavotda yotaman-a. Maza... sal qimirlab ketsayam lo'mbillayveradi, lo'mbillayveradi... Mujgon opa mendan hech narsani ayamaydi. Mana, endi ular meni qayoqlargadir olib ketmoqchi ham bo'lyaptilar. Ha, juda uzoqlarga olib ketmoqchilar, shekilli. Men Mujgon opa bilan qayoqqa bo'lsayam ketaverardim. Mujgon opa oyimga o'xshardilar. Qoshlari qop-qora. Yuzlari cho'zinchoq. Faqat chap yuzlarida xoli yo'q, xolos. Men dadam bilan cho'lga kelganimda Mujgon opani ko'rib, oyi, deb baqirib yuborishimga sal qolgan. Ular tomon entikib ikki-uch qadam bosganman-u, o'zimni zo'rg'a to'xtatib qolganman. Ammo yuragim gup-gup urib Mujgon opaga tikilib turaverganman. Meni ko'rgan Mujgon opa peshtaxtani aylanib o'tib:

– Voy, manovi bolani, qayerdan kelib qolding sen farishta, kimning bolaisan? – deb so'radilar. Keyin: – Sen menga bunaqa qarama... voy, manovini ... – deb quchoqlab olgan edilar. O'shandayam hidlari oyimni eslatgan edi.

Mujgon opa bilan ana shunday tanishgan edik. Kunlardan bir kuni yana "ketamiz" deb qoldilar. Men yana "Ha" ham, "Yo'q" ham demay o'y surib qoldim. Mujgon opa o'rinaridan turdi, dasturxonni aylanib o'tib, yonimga cho'kdilar. Boshimni bag'riga bosib, peshanamdan o'pdilar.

– Qaniydi o'z-o'zimning bolam bo'lib qolsang. Boshimga ko'tarib yurardim seni, boshimga. Nima qilayki, Xudo meni boladan qisdi. Dadangga aytaman, seni olib ketsin. Bo'lmasa o'zimga ishonmayman. Seni olib qochib ketib qolaman.

Энди... Мужгон опа кўзлари ёшланиб менга қарадилар-да, ух тортдилар.

– Кел, хайрлашиб қўя қолайлик, болам, бўйларингга қоқиндиқ... Мен чидай олмайман...

Кўз олдимга аячам келди. Кўрқиб кетдим. Эзилиб йиғлай бошладим. Мужгон опага ёлвордим:

– Кеткизманг... Аячамга бормайман... Қаёққа оборсангиз ҳам, майли, обораверинг...

Мужгон опа ўй суриб қолди. Йиғидан ўзимни тўхтата олмасдим. Мен учун бахтли кунлар тугаганга ўхшарди. Бу ердаги кунларим ойим билан бирга ўтказган кунларимга ўхшарди. Мужгон опа ўринларидан турди. Дод деб оёқларига ёпишдим.

– Мени ҳайдаманг, аячамга бормайман...

Мужгон опа қайта ёнимга ўтирдилар-да, кўз ёшларимни артиб, юпатдилар. Бошимни кўксига босиб, дедилар:

– Мен эси паст хотинни кечир, сенга нималар деб қўйдим... Онангдан ажраб қолганинг етмай... отангдан ҳам ажратайми? Ҳа, йў-ў-ўқ... Шу гап шу ерда қолсин, бировга айтиб юрма тагин, хўпми?

Шошиб-пишиб "хўп" дедим, кейин барибир кўрқиб сўрадим:

– Аячамга бормайманми?

– Илло, бормайсан...

МАХСИМЧА АКА

Мужгон опа кир ювишни, чучвара тугишни, тугма қадашни ўргатди. Ҳафтада бир марта ўтирволиб пул санаймиз. Мен санашни билмайман. Каттасини каттага, кичигини кичикка ажратишни биламан. Битта к-а-а-аттаси бор. У пулнинг шериги кам бўлади. Уни Мужгон опа "раис пул" дейди. "Майдасининг мингтасидан бунақасининг биттаси яхши, планим тўлади", – дейди. Пул санаган кунимиз эртасига дўкон ёпилади. Мужгон опа машина бўлса машинада, бўлмаса Трамбай отанинг "трамбай"ида пул топширгани кетади. Икки ғилдиракли аравани "трамбай" деймиз. Мен дадам шу ерда бўлсалар, дадам билан, бўлмасалар, уй қураётган қурувчилар билан қоламан. Қурувчиларнинг ҳаммасиям мен билан чиқишавермайди. "Қоч, оёқ остида ўралашма", – деб ҳайдашгани ҳайдашган. Биттаси бор: "Мужгонни менга сот", – деб тирғалгани тирғалган. "Сотмайман", – деб кесак бўрон қиламан уни. Мен янги келган амаки билан чиқишаман. Уни Махсимча деб чақиришади. Мен Махсимча ака дейман. У сувоқчилик қилади. "Отмагай тонг боғаро..." деб қўшиқ айтади. Овози менга ёқади. Бошқалар Махсимча акани калака қилишади.

Endi... Mujgon opa ko'zlari yoshlanib menga qaradilar-da, uh tortdilar.

– Kel, xayrlashib qo'ya qolaylik, bolam, bo'ylaringga qoqindiq... Men chiday olmayman...

Ko'z oldimga ayacham keldi. Qo'rqib ketdim. Ezilib yig'lay boshladim. Mujgon opaga yolvordim:

– Ketkizmang... Ayachamga bormayman... Qayoqqa oborsangiz ham, mayli, oboravering...

Mujgon opa o'y surib qoldi. Yig'idan o'zimni to'xtata olmasdim. Men uchun baxtli kunlar tugaganga o'xshardi. Bu yerdagi kunlarim oyim bilan birga o'tkazgan kunlarimga o'xshardi. Mujgon opa o'rinlaridan turdi. Dod deb oyoqlariga yopishdim.

– Meni haydamang, ayachamga bormayman...

Mujgon opa qayta yonimga o'tirdilar-da, ko'z yoshlarimni artib, yupatdilar. Boshimni ko'ksiga bosib, dedilar:

– Men esi past xotinni kechir, senga nimalar deb qo'ydim... Onangdan ajrab qolganing yetmay... otangdan ham ajrataymi? Ha, yo'bo'q... Shu gap shu yerda qolsin, birovga aytib yurma tag'in, xo'pmi?

Shoshib-pishib "xo'p" dedim, keyin baribir qo'rqib so'radim:

– Ayachamga bormaymanmi?

– Illo, bormaysan...

MAXSIMCHA AKA

Mujgon opa kir yuvishni, chuchvara tugishni, tugma qadashni o'rgatdi. Haftada bir marta o'tirvolib pul sanaymiz. Men sanashni bilmayman. Kattasini kattaga, kichigini kichikka ajratishni bilaman. Bitta kaaattasi bor. U pulning sherigi kam bo'ladi. Uni Mujgon opa "rais pul" deydi. "Maydasining mingtasidan bunaqasining bittasi yaxshi, planim to'ladi", – deydi. Pul sanagan kunimiz ertasiga do'kon yopiladi. Mujgon opa mashina bo'lsa mashinada, bo'lmasa Trambay otaning "trambay"ida pul topshirgani ketadi. Ikki g'ildirakli aravani "trambay" deymiz. Men dadam shu yerda bo'lsalar, dadam bilan, bo'lmasalar, uy qurayotgan quruvchilar bilan qolaman. Quruvchilarning hammasiyam men bilan chiqishavermaydi. "Qoch, oyoq ostida o'ralashma", – deb haydashgani haydashgan. Bittasi bor: "Mujgonni menga sot", – deb tirg'algani tirg'algan. "Sotmayman", – deb kesak bo'ron qilaman uni. Men yangi kelgan amaki bilan chiqishaman. Uni Maxsimcha deb chaqirishadi. Men Maxsimcha aka deyman. U suvoqchilik qiladi. "Otmagay tong bog'aro..." deb qo'shiq aytadi. Ovozi menga yoqadi. Boshqalar Maxsimcha akani kalaka qilishadi.

– Махсимча, қорин пиёззи пўсти бўлиб кетди-ку...

Трамбай ота йўқларида Махсимча ака ошпазлик қилади. Шолғом шўрва пиширади. Бир хил пайтларда Абзий гўрков зоғора балиқ кўтариб келиб қолади. Уни кўриб сўконғич амаки қийқиради:

– Айда татар малайи, яртиси миндин – газаги синдин... Ҳе шапкангга уриб кўйдим сени...

Абзий эксковаторининг олдида балиқларни ёриб, тозалаб, яна бир гувала лойни пишитиб ҳам келган бўлади. Балиқларнинг ичига туз сепеди-да, лойга ўраб, кўллари куя-куя ўчоқнинг ичига жойлаб чиқади. Махсимча аканинг жаҳли чиқади: “Ўт ёқишгайм жой қолсин”, – деб.

Мен лойдан чопон кийган балиқларнинг ўтда ёнишини томоша қилиб ўтираман. Устидаги лойи қуриган сари ичидан пуфакчалар чиқиб, пақиллайди. Баъзиларига жон битиб, думалаб, кулга кўмилади. Кўрқиб, нари қочаман. “Чотингга эҳтиёт бўл, тишлаб олмасин тагин”, – деб кулади Махсимча акам. “Жа-а-а...” – деб сир бой бермайман. Абзий бир боғ похолни тагига босиб, жимгина, бепарво ўтиради. Унинг бу ўтириши Махсимча акага ёқмайдами, ишқилиб, кўзлари ола-кула бўлиб жеркийди:

– Сен гўрков яхши одамсан-у, лекин юзингга айтаман, фирт чўчқасан. Балиқни Худо ҳалол қилиб кўйибди. Сен бўлса шундоқ ҳалол нарсани винога алмашиб, ҳаром қиласан. Ҳозирам ўша исқотининг дардида томоғинг таққиллаб ўтирибди, йўқ дегин-чи?

Бу гаплардан Абзийнинг зиғирчаям жаҳли чиқмайди. Қайтага мохорка тутунини ичига ютиб, ўқтин-ўқтин йўталиб, жилмайиб кўяди. Махсимча ака баттар тутақиб, нақ тумшугининг тагига борволади:

– Ҳей, менга қара, татар малайи, Худодан кўрқмайсанми, а?

– Кўрқам бит, – бирдан чўчиб тушади Абзий. Кўзлари чақчайиб, чекиб турган мохоркасини четга отади. – Кўрқми-чи...

– Кўрқсанг, нимага бунақа ичоврасан-а, нимага? Йўқ, сен бу ерларга нимага келгансан ўзи, ичганими, а, гапир!

– Биласин бит... айтканмин сенга...– деб ер остидан кўрқа-писа қараб кўяди Абзий.

Мен ўчоқни ҳам эздан чиқариб, Абзийга қараганча аҳволига ачиниб кетаман. У ҳеч кимга бақирмайди, чақирмайди. Эркакларни “оғайим”, Мужгон опани “опайим” дейди. Қачон қараса мунғай-и-и-б юради. Биров билан иши йўқ. Унга ҳамма бақиради. Сўконғич амаки-ку, сўккани-сўккан. Яна қадрдоним, фронтавик оғайним, дейди. Махсимча ака бўлса Абзийни кўргани кўзи йўқ...

– Дардингни биламан, – дея уҳ тортди Махсимча ака, – билганимга манови ерим ачияпти-да, оғайни, – деб Махсимча ака кўкрагини ушлайди. – Бунақада бола-чақангни тополмай бу гадой

– Maxsimcha, qorin piyozzi po'sti bo'lib ketdi-ku...

Trambay ota yo'qlarida Maxsimcha aka oshpazlik qiladi. Sholg'om sho'rva pishiradi. Bir xil paytlarda Abziy go'rkov zog'ora baliq ko'tarib kelib qoladi. Uni ko'rib so'kong'ich amaki qiyqiradi:

– Ayda tatar malayi, yartisi mindin – gazagi sindin... He shapkangga urib qo'ydim seni...

Abziy ekskovorining oldida baliqlarni yorib, tozalab, yana bir guvala loyni pishitib ham kelgan bo'ladi. Baliqlarning ichiga tuz sepadi-da, loyga o'rab, qo'llari kuya-kuya o'choqning ichiga joylab chiqadi. Maxsimcha akaning jahli chiqadi: "O't yoqishgayam joy qolsin", – deb.

Men loydan chopon kiygan baliqlarning o'tda yonishini tomosha qilib o'tiraman. Ustidagi loyi qurigan sari ichidan pufakchalar chiqib, paqillaydi. Ba'zilariga jon bitib, dumalab, kulga ko'miladi. Qo'rqib, nari qochaman. "Chotingga ehtiyot bo'l, tishlab olmasin tag'in", – deb kuladi Maxsimcha akam. "Jaaa..." – deb sir boy bermayman. Abziy bir bog' poxolni tagiga bosib, jimgina, beparvo o'tiradi. Uning bu o'tirishi Maxsimcha akaga yoqmaydimi, ishqilib, ko'zlari ola-kula bo'lib jerkiydi:

– Sen go'rkov yaxshi odamsan-u, lekin yuzingga aytaman, g'irt cho'chqasan. Baliqni Xudo halol qilib qo'yibdi. Sen bo'lsa shundoq halol narsani vinoga almashib, harom qilasan. Hoziram o'sha isqotining dardida tomog'ing taqqillab o'tiribdi, yo'q degin-chi?

Bu gaplardan Abziyning zig'irchayam jahli chiqmaydi. Qaytaga moxorka tutunini ichiga yutib, o'qtin-o'qtin yo'talib, jilmayib qo'yadi. Maxsimcha aka battar tutaqib, naq tumshug'ining tagiga borvoladi:

– Hey, menga qara, tatar malayi, Xudodan qo'rqmaysanmi, a?

– Qo'rqam bit, – birdan cho'chib tushadi Abziy. Ko'zlari chaqchayib, chekib turgan moxorkasini chetga otadi. – Qo'rqmi-chi...

– Qo'rqsang, nimaga bunaqa ichovrasan-a, nimaga? Yo'q, sen bu yerlarga nimaga kelgansan o'zi, ichganimi, a, gapir!

– Bilasin bit... aytkanmin senga...– deb yer ostidan qo'rqqa-pisa qarab qo'yadi Abziy.

Men o'choqni ham esdan chiqarib, Abziyga qaragancha ahvoliga achinib ketaman. U hech kimga baqirmaydi, chaqirmaydi. Erkaklarni "og'ayim", Mujgon opani "opayim" deydi. Qachon qarasa mung'ayiyib yuradi. Birov bilan ishi yo'q. Unga hamma baqiradi. So'kong'ich amaki-ku, so'kkani-so'kkan. Yana qadrdonim, frontavik og'aynim, deydi. Maxsimcha aka bo'lsa Abziyni ko'rgani ko'zi yo'q...

– Dardingni bilaman, – deya uh tortdi Maxsimcha aka, – bilganimga manovi yerim achiyapti-da, og'ayni, – deb Maxsimcha aka ko'kragini ushlaydi. – Bunaqada bola-chaqangni topolmay bu gadoy

топмас чўлларда ўлиб кетасан-ку...

– Йўқда бит алар, оғайим, – йиғламсирайди Абзий. – Излим, излим... ерда-да йўқлар, кўкда-да йўқлар. Кўнглим айтаки... – Абзий бирдан кўкрагини чангаллаб, инграб юборади... – алар аллақачон овруб, ўлиб битганлар дея...

Ҳозиргина жилмайиб турган Абзийнинг овози ўзгариб, “Ярамни тирнавординг-а, оғайим”, дегандек Махсимча акага ёшли кўзлари билан ўқрайиб-ўқрайиб қарайди. Махсимча ака юмшай демайдилар:

– Кўнглинг шунақа деяётган бўлса нима қилиб юрибсан бу ерларда. Бор, юртингга кет. Бошқаларни билмадим-у, менинг иложим йўқ. Сендақа эркин қуш бўлганим-да борми...

Махсимча ака уҳ тортди...

– Кетолмим... шул... бир кўнглим алар тирик, дея, – яна минғирлайди Абзий.

– Э, бор-е, билганингни қил.

Ўйланиб қоламан. Нимага ҳамма бир-бирини қидиради бу дунёда? Мен ойижонимни қидираман... Абзий хотинини...

НАМОЗ ЎҚИГАНИМ...

Лой орасида пишган балиқ оғзимга ёқади. Балиқнинг тангалари кесакка ёпишиб қолган. Гўшти пахтадек оппоқ, иликка ўхшайди. Қилтаноқлариям осонгина ажралади. Махсимча акам икковимиз бошқаларга қўшилмай, алоҳида ўтираимиз. Абзий, унинг ўртоғи сўконғич амаки, яна уч-тўртта қурувчи вино ичишади. Кўнгиллари чоғ бўлиб, валақлашади.

Бир куни Махсимча акам билан намоз ўқидим. Турсалар турдим, ўтирсалар ўтирдим. Бу машғулот менга ёқиб қолди. Махсимча акамни қаерда кўрсам ёпишаман: “Келинг, намоз ўқийлик”. “Намоз сенга ўйинчоқми, хоҳлаганда ўйнайдиган”, – деб уришиб бердилар. У киши Трамбай ота билан жа чиқишади. Кўпинча бирга намоз ўқишади. Трамбай ота овулга кетадиган бўлиб қолса, Махсимча акани қидириб қолади.

– Омборнинг калитими, бизга қолдираверинг, Махсимчага бериб қўямиз, – деб отанинг иззатини жойига қўймоқчи бўлади қурувчилар.

– Жўқ, сендерга ишонув жўқ, – дейди тўнғиллаб Трамбай ота.

– Оғзингизга қараб гапиринг, оқсоқол, – жаҳли чиқади сўконғич амакининг. – Ахир, бизам одаммиз, бошимиз думалоқ, чотимиз айри...



topmas cho'llarda o'lib ketasan-ku...

– Yuqda bit alar, og'ayim, – yig'lamsiraydi Abziy. – Izlim, izlim... yerda-da yuqlar, ko'kda-da yuqlar. Ko'nglim ayta-ki... – Abziy birdan ko'kragini changallab, ingrab yuboradi... – alar allaqachon ovrub, o'lib bitganlar deya...

Hozirgina jilmayib turgan Abziyning ovozi o'zgarib, "Yaramni tirnavording-a, og'ayim", degandek Maxsimcha akaga yoshli ko'zlari bilan o'qrayib-o'qrayib qaraydi. Maxsimcha aka yumshay demaydilar:

– Ko'ngling shunaqa deyayotgan bo'lsa nima qilib yuribsan bu yerlarda. Bor, yurtingga ket. Boshqalarni bilmadim-u, mening ilojim yo'q. Sendaqa erkin qush bo'lganim-da bormi...

Maxsimcha aka uh tortdi...

– Ketolmim... shul... bir ko'nglim alar tirik, deya, – yana ming'irlyaydi Abziy.

– E, bor-e, bilganingni qil.

O'ylanib qolaman. Nimaga hamma bir-birini qidiradi bu dunyoda? Men oyjonimni qidiraman... Abziy xotinini...

NAMOZ O'QIGANIM...

Loy orasida pishgan baliq og'zimga yoqadi. Baliqning tangalari kesakka yopishib qolgan. Go'shti paxtadek oppoq, ilikka o'xshaydi. Qiltanoqlariyam osongina ajraladi. Maxsimcha akam ikkovimiz boshqalarga qo'shilmay, alohida o'tiramiz. Abziy, uning o'rtog'i so'kong'ich amaki, yana uch-to'rtta quruvchi vino ichishadi. Ko'ngillari chog' bo'lib, valaqlashadi.

Bir kuni Maxsimcha akam bilan namoz o'qidim. Tursalar turdim, o'tirsalar o'tirdim. Bu mashg'ulot menga yoqib qoldi. Maxsimcha akamni qayerda ko'rsam yopishaman: "Keling, namoz o'qiylik". "Namoz senga o'yinchoqmi, xohlaganda o'ynaydigan", – deb urishib berdilar. U kishi Trambay ota bilan ja chiqishadi. Ko'pincha birga namoz o'qishadi. Trambay ota ovulga ketadigan bo'lib qolsa, Maxsimcha akani qidirib qoladi.

– Omborning kalitimi, bizga qoldiravering, Maxsimchaga berib qo'yamiz, – deb otaning izzatini joyiga qo'ymoqchi bo'ladi quruvchilar.

– Jo'q, senderga ishonuv jo'q, – deydi to'ng'illab Trambay ota.

– Og'zingizga qarab gapiring, oqsoqol, – jahli chiqadi so'kong'ich amakining. – Axir, bizam odammiz, boshimiz dumaloq, chotimiz ayri...

- Сендер Қудайимдан қўрқмайсен, – деб қаттиқ кетади чол.
- Ваҳ, Худодан қўрқмайдиган одам ҳам бўларканми бу дунёда, индамаса жа ҳаддиздан ошасиз... сассиқ чол!
- Бина ишасинба, ширақ, Қудайимдан қўрқмегенинг сў-да!
- Отага маломат қилганлар винодан гап очилгандан кейин жимиб қолади.

Трамбай ота Мужгон опани вино олиб келиб сотганига унчалик ёқтирмайди. Ҳар гал магазинга кирганда: “Бина обкема, бикеч, сенга не гунаҳга батиб”, – деб хархаша қиладилар. Отанинг айтишича, чўл Худойимнинг одам оёғи тегмаган энг покиза жойлари экан. Вино келиб, бу жойлар ҳам ҳаром бўляпти экан. Шунга бир кунмас бир кун бу ерларни ер ютаркан. Ҳа, жудаям ёмон бўларкан. Мужгон опа бўлсалар ерга қараб: “Шу зорманда бўмаса планим тўлмайдида”, – деб зорланади. Кейин: “Шу исқотини олмасам, бошқа тузукроқ мол беришмайди, билдингизми, олишга мажбурман, сизга айтишга осон”, – деб жаҳл қилади.

Бир куни Мужгон опа пул топширгани бориб, хафа бўлиб қайтидилар.

– Қуриб кетсин, планни яна ошириб беришди, нима, мен йўқ планни туғаманми?..

Чўлда пул йўқ. Нуқул “Овул” деган жойлардан одамлар бир нималар сотиб олгани келишади. Пул ўрнига тухум, сариеғ, жун, тери кўтариб келишади. Мужгон опа олмайман деб туриб олади. Улар: “Олағўй, апшей”, – деб ялинишади. “Мен буларни бошимга урамани, шаҳар бўлса экан, топшириб қутулсам”, – деб унамайдилар. Жудаям ночорларникини, шундаям бировидан тухум, бировидан сариеғ олиб қолади. Уларни Трамбай отага зўрлаб ўтказадилар. Трамбай ота қурувчиларни боқади. Қурувчилар: “Сариеғингизни йўқотинг, тухумингизни қуритинг, ишлаганимиз овқатдан ошмай қолди”, – деб Трамбай отага тўнғиллашади. Ота тиржайиб, дейди:

– Ўй-бўй, ширақларим, захар жутувға ақчаларинг бар-а, булайга жўқма, жесенгда жейсен, жемасенгда жейсен, жемей кўрше...

– Емасак қўлингиздан нима келади? – дейди сўконғич амаки ҳайрон бўлиб.

– Жеди деб жазам-да, бала-шақам билен, адеми этиб ўзим жеймин, – қолади Трамбай ота.

– Э-э-э... Худодан қўрқмайсизми, яна намоз ўқийсиз-а?

– Ўй, Қудайимни билген ширағимов, сен Қудайимни тиниш қўй, Қудайимни билген адем анов исқатини ишмай-чақ, билдинг-ба?..



– Sender Qudayimdan qo'rqmeysen, – deb qattiq ketadi chol.

– Vah, Xudodan qo'rqmaydigan odam ham bo'larkanmi bu dunyoda, indamasa ja haddizdan oshasiz... sassiq chol!

– Bina ishasinba, shiraq, Qudayimdan qo'rqmegening so'-da!

Otaga malomat qilganlar vinodan gap ochilgandan keyin jimib qoladi.

Trambay ota Mujgon opani vino olib kelib sotganiga unchalik yoqtirmaydi. Har gal magazinga kirganda: "Bina obkema, bikech, senga ne gunahga batib", – deb xarxasha qiladilar. Otaning aytishicha, cho'l Xudoyimning odam oyog'i tegmagan eng pokiza joylari ekan. Vino kelib, bu joylar ham harom bo'lyapti ekan. Shunga bir kunmas bir kun bu yerlarni yer yutarkan. Ha, judayam yomon bo'larkan. Mujgon opa bo'lsalar yerga qarab: "Shu zormanda bo'masa planim to'lmaydi-da", – deb zorlanadi. Keyin: "Shu isqotini olmasam, boshqa tuzukroq mol berishmaydi, bildingizmi, olishga majburman, sizga aytishga oson", – deb jahl qiladi.

Bir kuni Mujgon opa pul topshirgani borib, xafa bo'lib qaytdilar.

– Qurib ketsin, planni yana oshirib berishdi, nima, men yo'q planni tug'amanmi?..

Cho'lda pul yo'q. Nuqul "Ovul" degan joylardan odamlar bir nimalar sotib olgani kelishadi. Pul o'rniga tuxum, sariyog', jun, teri ko'tarib kelishadi. Mujgon opa olmayman deb turib oladi. Ular: "Olag'o'y, apshey", – deb yalinishadi. "Men bularni boshimga uramanmi, shahar bo'lsa ekan, topshirib qutulsam", – deb unamaydilar. Judayam nochorlarnikini, shundayam birovidan tuxum, birovidan sariyog' olib qoladi. Ularni Trambay otaga zo'rlab o'tkazadilar. Trambay ota quruvchilarni boqadi. Quruvchilar: "Sariyog'ingizni yo'qoting, tuxumingizni quriting, ishlaganimiz ovqatdan oshmay qoldi", – deb Trambay otaga to'ng'illashadi. Ota tirjayib deydi:

– O'y-bo'y, shiraqlarim, zahar jutuvg'a aqchalaring bar-a, bulayg'a jo'qma, jesengda jeysen, jemasengda jeysen, jemey ko'rshe...

– Yemasak qo'lingizdan nima keladi? – deydi so'kong'ich amaki hayron bo'lib.

– Jedi deb jazam-da, bala-shaqam bilen, ademi etib o'zim jeymin, – kuladi Trambay ota.

– Eee... Xudodan qo'rqmaysizmi, yana namoz o'qiyasiz-a?

– O'y, Qudayimni bilgen shirag'imov, sen Qudayimni tinish qo'y, Qudayimni bilgen adem anov isqatini ishmaychaq, bilding-ba?..

Трамбой ота айбларини пешаналарига тақиллатавергач, яна жимиб қоладилар.

ЯНГИ ГАП

Мужгон опадан дўконнинг планини нимага ошириб беришганини билгандан кейин қувониб кетдим. Қурувчилар битказган янги уйларга одамлар кўчиб келармиш. Янги келганларга олдиндан буғдой, пул берилармиш. Мактаб, кутубхона очилармиш... Кино келармиш... Бу ер энди шаҳар бўлармиш... Шунга планни ошириб беришибди-да... Ана шунақа янги гаплар... Чўлда роса зериккан, ўзим тенги болаларни соғинган эдим.

Шундай кунларнинг бирида Абзийнинг экскаватори бузилиб, ўзиям анча кун йўқолиб кетди. Чўл хувиллаб қолди. Экскаваторнинг тар-тар қилиб тургани ҳам яхши экан-да. Унинг қаёққа кетганини тахмин қилишди. Ҳойнаҳой, Абзий хотини билан қизини топган-у, ўшандан нари юртига жўнаворган.

Ўша куни битта зағизгон дўконнинг эшигига кўниб роса шақиллади.

– Чақир, жонивор, чақир, пули кўпларни чақир, – деди Мужгон опа пештахта орқасидан ташқарига қараб. Ташқарида бир парча осмон-у шўр босган тўқайзорлар кўзга ташланарди...

Орадан сал ўтмай остонада Абзий кўринди. Ёнида битта чиройли татар хотин билан ўрисбашара қизча. Мужгон опа икковимиз уларга ҳайрон бўлиб тикилиб қолибмиз.

– Ай, опайим, суюнчи бер, суюнчи... Мина келинчаким, мина қизим, таптим бит аларни, таптим... – деб сап-сарик тишларини кўрсатиб ишшайди Абзий.

Абзий хотини билан қизини бағрига тортиб, нуқул уларни чўлпиллатиб ўпарди. Қизи билан хотини бўлса уялиб, унинг пинжидан чиқмоқчи бўлади. Мужгон опа шошиб пештахтани айланиб ўтдилар-да, Абзийнинг хотини билан кучоқлашиб кўришди. Малласоч қизчанинг бошини кафтлари орасига олиб, пешанасидан ўпди. Кейин суюнчи деб Абзийнинг хотинига рўмол, қизига худди меникидақа сарик ботинка берди. “Илоҳо, бу дунёда ҳамма мурод-у мақсадига етиб юрсин”, – деб юзига фотиҳа тортди. Кейин Абзийнинг елкасига қоқиб:

– Топганинг рост бўлсин, энди уларни йўқотма, хотининг билан қўша қаригин, – деди.

Мен Абзийнинг ёнига тикилиб бордим. Сочимни тўзғитиб

Tramboy ota ayblarini peshanalariga taqillatavergach, yana jimib qoladilar.

YANGI GAP

Mujgon opadan do'konning planini nimaga oshirib berishganini bilgandan keyin quvonib ketdim. Quruvchilar bitkazgan yangi uylarga odamlar ko'chib kelarmish. Yangi kelganlarga oldindan bug'doy, pul berilarmish. Maktab, kutubxona ochilarmish... Kino kelarmish... Bu yer endi shahar bo'larmish... Shunga planini oshirib berishibdi-da... Ana shunaqa yangi gaplar... Cho'lda rosa zerikkan, o'zim tengi bolalarni sog'ingan edim.

Shunday kunlarning birida Abziyning ekskavatori buzilib, o'ziyam ancha kun yo'qolib ketdi. Cho'l huvillab qoldi. Ekskavatorning tar-tar qilib turgani ham yaxshi ekan-da. Uning qayoqqa ketganini taxmin qilishdi. Hoynahoy, Abziy xotini bilan qizini topgan-u, o'shandan nari yurtiga jo'navorgan.

O'sha kuni bitta zag'izg'on do'konning eshigiga qo'nib rosa shaqilladi.

– Chaqir, jonivor, chaqir, puli ko'plarni chaqir, – dedi Mujgon opa peshtaxta orqasidan tashqariga qarab. Tashqarida bir parcha osmon-u sho'r bosgan to'qayzorlar ko'zga tashlanardi...

Oradan sal o'tmay ostonada Abziy ko'rindi. Yonida bitta chiroyli tatar xotin bilan o'risbashara qizcha. Mujgon opa ikkovimiz ularga hayron bo'lib tikilib qolibmiz.

– Ay, opayim, suyunchi ber, suyunchi... Mina kelinchakim, mina qizim, taptim bit alarni, taptim... – deb sap-sariq tishlarini ko'rsatib ishshaydi Abziy.

Abziy xotini bilan qizini bag'riga tortib, nuqul ularni cho'lpillatib o'pard. Qizi bilan xotini bo'lsa uyaliib, uning pinjidan chiqmoqchi bo'ladi. Mujgon opa shoshib peshtaxtani aylanib o'tdilar-da, Abziyning xotini bilan quchoqlashib ko'rishdi. Mallasoch qizchanning boshini kaftlari orasiga olib, peshanasidan o'pdi. Keyin suyunchi deb Abziyning xotiniga ro'mol, qiziga xuddi menikidaqa sariq botinka berdi. "Iloho, bu dunyoda hamma murod-u maqsadiga yetib yursin", – deb yuziga fотиha tortdi. Keyin Abziyning yelkasiga qoqib:

– Topganing rost bo'lsin, endi ularni yo'qotma, xotining bilan qo'sha qarigin, – dedi.

Men Abziyning yoniga tiqilib bordim. Sochimni to'zg'itib o'ynashini

ўйнашини хоҳладим. У бўлса парвоям қилмади. Хотини, қизи билан овора бўлаверди. Алам қилди...

– Ана, – деди Мужгон опа менга қараб, – Худо хоҳласа сен ҳам ойижонингни бир кунмас бир кун топасан, болам, Абзий топибди-ку.

– Топила бит, ўлмаса топила, – деб энди Абзий менга эътибор қилди. Тепамга келиб, сочимни тўзғитиб ўйнамоқчи бўлди. Мен хоҳламай нари кетдим.

Абзий гўрков: “Сабан туй итабиз”, – деб Мужгон опадан сариёғ, тухум, консерва, вино сотиб олди. Абзийнинг ўрисбашара қизи эркаланиб магазиндаги ҳали у нарсага, ҳали бу нарсага тегинади. У она-сига ўхшаб чиройли эмас. Ойисининг юзлари думалоқ, оппоқ, кўзлари катта-катта, кулиб туради. Қизининг юзи чўзинчоқ, сепкил босган, кўзиям қаттиқ.

– Ана, сенга ўртоқ кепти, – деди Мужгон опа Абзийнинг қизини кўрсатиб. Кейин қизиқиб сўради:

– Исминг нима, қизим?

– Парида.

– Ўзимам Парида бўлсанг керак девдим, – кулди Мужгон опа. Кейин Абзидан сўради:

– Нимага бунақа, а, Абзий, қайси татар аёлдан сўрасанг Паридаман дейди?.. Бошқа исм йўқми сизларда?

– Ай опайим, – деди Абзий бош чайқаб, – парилар матур бўлалар бит. Қизларимиз париларга кушасин диябиз-да.

Мен: “Қиз бола билан ўйнамайман”, – дегандек Паридага қарамайман. Хаёлим бошқа ёқда. Ойижонимни топиб олишни ўйлайман. Ойижоним ҳам Абзийга ўхшаб мени қидириб юрган-дир. Тунов куну Мужгон опаникига узоқдан меҳмонлар келишди. Мужгон опа уларга ҳам тайинлаб юбордилар. “Уруш ўлсин, ҳаммани тентиратиб қўйди. Бу боламнинг онасининг чап юзида холи бор. Жудаям чиройли хотин. Истансада она-бола бир-бирларини йўқотиб қўйишган. Хабарлашиб кўринглар, зора... Нонурид шайтон, суюнчисига бош-оёқ сарупо”, – дедилар. Меҳмонлар маҳаллаларида бола йўқотган битта хотин борлигини, уни суриштириб кўришларини айтишди.

Абзий уйига деб матрас ҳам сотиб олди. Пўлат каравотнинг суянчиғидан ҳаваси келиб ушлаб турди-да:

– Ай, – деди қўл силтаб, – Махсумчага айтам, тапчан ясаб бира.

Энди мен дўконга сиғмай қоламан. Мужгон опанинг ёнида ўралашиб юргим келмайди. Кўчага чопаман.

– Борақол, Парида билан ўйна, – дея орқамдан бақириб қолади Мужгон опа.

xohladim. U bo'lsa parvoyam qilmadi. Xotini, qizi bilan ovora bo'laverdi. Alam qildi...

– Ana, – dedi Mujgon opa menga qarab, – Xudo xohlasa sen ham oyijoningni bir kunmas bir kun topasan, bolam, Abziy topibdi-ku.

– Topila bit, o'lmasa topila, – deb endi Abziy menga e'tibor qildi. Tepamga kelib, sochimni to'zg'itib, o'ynamoqchi bo'ldi. Men xohlamay nari ketdim.

Abziy go'rkov: "Saban tuy itabiz", – deb Mujgon opadan sariyog', tuxum, konserva, vino sotib oldi. Abziyning o'risbashara qizi erkalanib magazindagi hali u narsaga, hali bu narsaga teginadi. U onasiga o'xshab chiroyli emas. Oyisining yuzlari dumaloq, oppoq, ko'zlari katta-katta, kulib turadi. Qizining yuzi cho'zinchoq, sepkil bosgan, ko'ziyam qattiq.

– Ana, senga o'rtoq kepti, – dedi Mujgon opa Abziyning qizini ko'rsatib. Keyin qiziqib so'radi:

– Isming nima, qizim?

– Parida.

– O'zimam Parida bo'lsang kerak devdim, – kuldi Mujgon opa. Keyin Abziydan so'radi:

– Nimaga bunaqa, a, Abziy, qaysi tatar ayoldan so'rasang Paridaman deydi?.. Boshqa ism yo'qmi sizlarda?

– Ay opayim, – dedi Abziy bosh chayqab, – parilar matur bo'lalar bit. Qizlarimiz parilarga qushasin diyabiz-da.

Men: "Qiz bola bilan o'ynamayman", – degandek Paridaga qaramayman. Xayolim boshqa yoqda. Oyijonimni topib olishni o'ylayman. Oyijonim ham Abziyga o'xshab meni qidirib yurgandir. Tunov kuni Mujgon opanikiga uzoqdan mehmonlar kelishdi. Mujgon opa ularga ham tayinlab yubordilar. "Urush o'lsin, hammani tentiratib qo'ydi. Bu bolamning onasining chap yuzida xoli bor. Judayam chiroyli xotin. Istansada ona-bola bir-birlarini yo'qotib qo'yishgan. Xabarlashib ko'ringlar, zora... Noumid shayton, suyunchisiga bosh-oyoq sarupo", – dedilar. Mehmonlar mahallalarida bola yo'qotgan bitta xotin borligini, uni surishtirib ko'rishlarini aytishdi.

Abziy uyiga deb matras ham sotib oldi. Po'lat karavotning suyanchig'idan havasi kelib ushlab turdi-da:

– Ay, – dedi qo'l siltab, – Maxsumchaga aytam, tapchan yasab bira.

Endi men do'konga sig'may qolaman. Mujgon opaning yonida o'ralashib yurgim kelmaydi. Ko'chaga chopaman.

– Boraqol, Parida bilan o'yna, – deya orqamdan baqirib qoladi Mujgon opa.

Калламда бошқа нарса. Ўзимдан ўзим эзиламан. Ичим қоп-қоронғи, ёришмайди. Қурувчилар орасидан дадамни қидираман. Кўринмайдилар. Идорага қараб чопаман. Йўлканинг икки чеккаси сув. Чўлда ёмғир ёғса тезда сингиб кетмайди. Юзини шўр босиб, офтобда ялтираб тураверади.

ОЙИМНИ ТОПИБ БЕРИНГ

Дадам идорада чўт қоқиб, бир нималарни ёзиб ўтиради. Атайлаб тап-туп юриб бориб пинжиларига тиқилдим.

– Ҳа-а-а, – дейдилар дадам кучоғига тортиб. Аммо кўзини қоғоздан узмайди.

– Ойим-м-м... – дейман ҳиққиллаб. Кўзимга ёш қуйилиб ҳеч нарсани кўрмай қоламан. Охири ўпкам тўлиб ув-в-в соламан.

Дадам овутаман деб кўп уринади. Бир нарсалар деган бўлади. Қулоғимга кирмайди.

– Бўпти, – дейди дадам жаҳл билан, – Мужгон хафа қилган бўлса, шаҳарга кетасан...

Бу гапдан чўчиб тушаман. Дадам ҳар доим мени шунақа деб кўрқитади.

– Кетмайман, – дейман шоша-пиша, – Мужгон опа хафа қилмади... Мужгон опа яхши...

– Нима қил дейсан бўлмаса?

– Ойим, – дейман ҳиққиллаб, – ойим-м-ни сизам топинг, Абзий топибди...

Дадам бир нимани мenden яширгандек бўлади. Бурунларининг тепаси учиб-учиб кетади. Ерга қараб оламан. Дадамнинг ҳозирги туришлари аячамнинг гапларини ёдимга туширади. “Ҳаҳ савил, бунинг онасим, аллақачонлар ўлиб, ердан кўкариб чиққан!”

– Йўқ, йўқ, – деб ўзимдан ўзим бақариб юбораман, – ойижоним тирик, тирик...

Дадам шошиб қолади, кўзларини катта-катта очиб менга қарайди-да:

– Ҳалиям... мен сенга бир нима деяпманми, – деб бош чайқайди.

Шу пайтда хонага Абзий кириб келади. У ҳадеб ишшайди. Ичиб олганми, кўзлари йилтирайди. Олдинлари Абзий нуқул қорамойга беланиб, сасиб юрарди. Энди бўлса ундан атир ҳиди келяпти. Соқолиям қирилган, юзи сип-силлик.

– Уй қуллуғ бўлсин, – дедилар дадам хурсанд бўлиб. Абзий бош ирғаб илжайди.

– Мана, ўқи, – дедилар дадам олдиларида турган қоғозни унга



Kallamda boshqa narsa. O'zimdanda o'zim ezilaman. Ichim qop-qorong'i, yorishmaydi. Quruvchilar orasidan dadamni qidiraman. Ko'rinmaydilar. Idoraga qarab chopaman. Yo'lkaning ikki chekkasi suv. Cho'lida yomg'ir yog'sa tezda singib ketmaydi. Yuzini sho'r bosib, oftobda yaltirab turaveradi.

OYIMNI TOPIB BERING

Dadam idorada cho't qoqib, bir nimalarni yozib o'tiradi. Ataylab tap-tup yurib borib pinjilariga tiqildim.

– Haaa, – deydi dadam quchog'iga tortib. Ammo ko'zini qog'ozdan uzmaydi.

– Oyimmm... – deyman hiqqillab. Ko'zimga yosh quyilib hech narsani ko'rmay qolaman. Oxiri o'pkam to'lib uvv solaman.

Dadam ovutaman deb ko'p urinadi. Bir narsalar degan bo'ladi. Qulog'imga kirmaydi.

– Bo'пти, – deydi dadam jahl bilan, – Mujgon xafa qilgan bo'lsa, shaharga ketasan...

Bu gapdan cho'chib tushaman. Dadam har doim meni shunaqa deb qo'rqitadi.

– Ketmayman, – deyman shosha-pisha, – Mujgon opa xafa qilmadi... Mujgon opa yaxshi...

– Nima qil deysan bo'lmasa?

– Oyim, – deyman hiqqillab, – oyim-m-ni sizam toping, Abziy topibdi...

Dadam bir nimani mendan yashirgandek bo'ladi. Burunlarining tepasi uchib-uchib ketadi. Yerga qarab olaman. Dadamning hozirgi turishlari ayachamning gaplarini yodimga tushiradi. "Hah savil, buning onasimi, allaqachonlar o'lib, yerdan ko'karib chiqqan!"

– Yo'q, yo'q, – deb o'zimdanda o'zim baqirib yuboraman, – oyijonim tirik, tirik...

Dadam shoshib qoladi, ko'zlarini katta-katta ochib menga qaraydi-da:

– Haliyam... men senga bir nima deyapmanmi, – deb bosh chayqaydi.

Shu paytda xonaga Abziy kirib keladi. U hadeb ishshayadi. Ichib olganmi, ko'zlari yiltiraydi. Oldinlari Abziy nuqul qoramoyga belanib, sasib yurardi. Endi bo'lsa undan atir hidi kelyapti. Soqoliam qirilgan, yuzi sip-silliq.

– Uy qullug' bo'lsin, – dedilar dadam xursand bo'lib. Abziy bosh irg'ab iljaydi.

– Mana, o'qi, – dedilar dadam oldilarida turgan qog'ozni unga

тутиб, – қозон-товоқ, чойнак-пиёлагача ёздим. Трамбай тоғага берсанг, барини тахт қилиб беради. Мужгондан олганларингни ўзинг расчот қиласан. Бу қоғоздагиларни ойлигиндан ушлаб қоламан.

Абзий дадам берган қоғозни кўзига яқин олиб бориб, шошмай ўқиди-да, қоғозни қайтадан дадамга тутди:

– Обий, битта умивалник-да кўш...

Дадам: “Оббо сен-ей”, – дегандек бош чайқаб кўйдилар-да, айтган нарсасиниям ёзиб, қоғозни қайтарди. Абзий қоғозни олиб менга қаради:

– Айда малай...

САБАН ТҮЙ

Шу куни Махсимча акам кун бўйи уннаб Абзийга тапчан ясади. Тапчан дегани тахта сўрича экан. Қурувчилар бўлса лўмбиллама пўлат каравот совға қилишди. Ўҳ-хў-ў-ў... Пўлат каравотга Абзий роса суюнди. Кечқурун Абзийнинг уйида сабан тўй бўлди.

Абзий гўрковнинг хотини билан қизи келгандан кейин чўлда кўпгина нарсалар ўзгарди. Трамбай ота ер тандир олиб келиб, Абзийнинг ҳовлисига қурди. Нонни овулдан ташиб келарди. Энди Абзийнинг хотини нон ёпадиган бўлди. Исми Аниса. Дўхтирлик ҳам қилади. Абзий олиб келган балиқларни дорга ёйиб, қоқи қилади. Ўтганам, кетганам олиб еб кетаверади. Парида қоқи балиқни ёмон кўради.

“Мужгонни менга сотасанми”, – деб менга тирғаладиган сўконғич амаки Абзий зовур ковлагани кетганда Анисанинг олдига ҳадеб кираверади. “Момақаймоқ, аканг бўйингдан”, – деб Анисага тегажоғлик қилади. Аниса бўлса: “Кит мундан, итни баласи”, – деб ҳайдайди. Бир куни партком Анисага икки қоп китоб, чиройли жавон олиб келиб берди. Аниса китобларни жавонга териб чиқди. Бу ер кутубхона бўлди. Махсимча акага маза, бўшади дегунча кутубхонага чопади. Мен билан лақиллашишга вақтиям йўқ.

Биз Парида билан кечгача тепки ўйнаймиз. Тепкидан зериксак, Абзийнинг олдига борамиз. У экскаватори билан бутун чўлни бошига кўтариб теп-текис ерни ўйиб зовур қазийтган бўлади. Абзий бизни кўриб ёнига чиқаради. Ўҳ-хў, томошанинг зўри шу ерда! Экскаваторнинг ковуши осмону фалакка чиқади-да, гурса ерга санчилади. Занжирлари шарақлаб, ўйноқлаб кетади. Ковушнинг ичи тупроққа тўлгунча нақ биз ўтирган жойгача ер сузиб келиб қолади. Кейин тепага кўтарилганда ковуш худди устимизга ағдарилгандек кўрқиб кетаман. Аммо экскаватор бир кучаниш би-

tutib, – qozon-tovoq, choynak-piyolagacha yozdim. Trambay tog'aga bersang, barini taxt qilib beradi. Mujgondan olganlaringni o'zing raschot qilasan. Bu qog'ozdagilarni oyligingdan ushlab qolaman.

Abziy dadam bergan qog'ozni ko'ziga yaqin olib borib, shoshmay o'qidi-da, qog'ozni qaytadan dadamga tutdi:

– Obiy, bitta umivalnik-da qo'sh...

Dadam: "Obbo sen-ey", – degandek bosh chayqab qo'ydilar-da, aytgan narsasiniyam yozib, qog'ozni qaytardi. Abziy qog'ozni olib menga qaradi:

– Ayda malay...

SABAN TO'Y

Shu kuni Maxsimcha akam kun bo'yi unnab Abziyga tapchan yasadi. Tapchan degani taxta so'richa ekan. Quruvchilar bo'lsa lo'mbillama po'lat karavot sovg'a qilishdi. O'hho'o'o'... Po'lat karavotga Abziy rosa suyundi. Kechqurun Abziyning uyida saban to'y bo'ldi.

Abziy go'rkovning xotini bilan qizi kelgandan keyin cho'lda ko'pgina narsalar o'zgardi. Trambay ota yer tandir olib kelib, Abziyning hovlisiga qurdi. Nonni ovuldan tashib kelardi. Endi Abziyning xotini non yopadigan bo'ldi. Ismi Anisa. Do'xtirlik ham qiladi. Abziy olib kelgan baliqlarni dorga yoyib, qoqi qiladi. O'tganam, ketganam olib yeb ketaveradi. Parida qoqi baliqni yomon ko'radi.

"Mujgonni menga sotasanni", – deb menga tirg'aladigan so'kong'ich amaki Abziy zovur kovlagani ketganda Anisaning oldiga hadeb kiraveradi. "Momaqaymoq, akang bo'yingdan", – deb Anisaga tegajog'lik qiladi. Anisa bo'lsa: "Kit mundan, itni balasi", – deb haydaydi. Bir kuni partkom Anisaga ikki qop kitob, chiroyli javon olib kelib berdi. Anisa kitoblarni javonga terib chiqdi. Bu yer kutubxonaga bo'ldi. Maxsimcha akaga maza, bo'shadi deguncha kutubxonaga chopadi. Men bilan laqillashishga vaqtiyam yo'q.

Biz Parida bilan kechgacha tepki o'ynaymiz. Tepkidan zeriksak, Abziyning oldiga boramiz. U ekskavatori bilan butun cho'lni boshiga ko'tarib tep-tekis yerni o'yib zovur qaziyotgan bo'ladi. Abziy bizni ko'rib yoniga chiqaradi. O'hho', tomoshaning zo'ri shu yerda! Ekskovatorning kovushi osmon-u falakka chiqadi-da, gursa yerga sanchiladi. Zanjirlari sharaqlab, o'ynoqlab ketadi. Kovushning ichi tuproqqa to'lguncha naq biz o'tirgan joygacha yer suzib kelib qoladi. Keyin tepaga ko'tarilganda kovush xuddi ustimizga ag'darilgandek qo'rqib ketaman. Ammo ekskavator bir

лан ковушни ҳов нарига отиб юборади. Шовқиндан қулоқларим битади. Абзийнинг ёнида туриш менга ёқади, Парида тезда зерикади. “Тушам”, – деб хархаша қила бошлайди. Борган изимиздан яна орқага қайтамыз.

ҲАЙИТ

Шундай кунларнинг бирида Ҳайит байрами яқинлигини эшитиб қолдим. Махсимча ака Ҳайитда кияман деб бозордан янги дўппи олди. Тумшуғи тўмтоқ, кўнжи узун ботинкасини пиёз суви қўшилган қоракуя билан ҳар куни бир ялтиратиб қўяди. Ўз ишларидан завқи келади, шекилли: “Шунақа, оғайни чалиш, дўст – бошга, душман – оёққа қарайди, оёқ дегани ялтираб туриши керак”, – деб қўяди. Дадам менга ҳам қора шим, гулсиз кўк дўппи, тугмаси ялтироқ кител олиб келиб бердилар. Кител сал катта келди. Мужгон опа: “Бўлаверади, булар ҳали ўсади”, – деб қўйди. Дадам оёғимга қараб ботинкамнинг янгилигини писанда қилди. Бўлмаса учлари қирилиб кетган. Мен ҳам Махсимча акамга ўхшаб ботинкамни ялтиратишга киришиб кетдим. Ранги сариқ бўлганига на у ёқли, на бу ёқли бўлиб қолди. Капалагим учиб, Махсимча акамнинг олдида чопдим. У киши ботинкамни кўриб, хуштак чалиб юборди: “Бу патинкамас, бузоқнинг тезағи бўпти-ку, жиян, ўзининг ранги минг марта яхшийди-я, эсиз”, – деди. Шундоғам ўпкам тўлиб турганидан йиғлаб юбордим. Махсимча акам қаёқдандир бир бош пиёз топиб, мени ўчоқ бошига бошлади. “Ҳозир бир йўлини қиламыз, жиян, бу дунёда бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ”. Пиёзнинг бошини олиб қозоннинг куясига суртиб, ҳафсала билан бир четдан бўяшга тушди. Салда сариқ-суруғлари йўқолиб, иккала пойиям қоп-қора тусга кирди. “Мана, ҳайитнинг олдида чиқдинг, жиян, янги патинка қуллуғ бўлсин”.

Арафа ошини уйимизда еймиз, деб кўпчилик шаҳарга тушиб кетди. Чўлда Абзий, Махсимча ака, Трамбай ота, Абзийнинг ўртоғи сўконғич амаки, Мужгон опа, Аниса, Парида қолдик. Трамбай ота Махсимча акани, Абзийни, сўконғич амакини, мени ҳайит намозига бошлаб бораман, деб овулга кетмади.

Арафа куни кечга довур Махсимча акам икковимиз ғалати бир иш билан овора бўлдик. Олдин Махсимча акам Мужгон опадан бир талай тухум сотиб олди. Тухумларни тумшуғини пастга қилиб қозонга териб чиқди. Устига кўмар-кўммас сув қуйди. Буларнинг барини Махсимча акам шошилмасдан, уҳ-уҳлаб, куҳ-куҳлаб бажардилар. Мен бўлсам тухумларни бунақа қилиб териб ўтирмасдим. Ётадим, турадим барибир эди. Хоҳлаганча

kuchanish bilan kovushni hov nariga otib yuboradi. Shovqindan quloqlarim bitadi. Abziyning yonida turish menga yoqadi, Parida tezda zerikadi. "Tusham", – deb xarxasha qila boshlaydi. Borgan izimizdan yana orqaga qaytamiz.

HAYIT

Shunday kunlarning birida Hayit bayrami yaqinligini eshitib qoldim. Maxsimcha aka Hayitda kiyaman deb bozordan yangi do'ppi oldirdi. Tumshug'i to'mtoq, qo'nji uzun botinkasini piyoz suvi qo'shilgan qorakuya bilan har kuni bir yaltiratib qo'yadi. O'z ishlaridan zavqi keladi, shekilli: "Shunaqa, og'ayni chalish, do'st – boshga, dushman – oyoqqa qaraydi, oyoq degani yaltirab turishi kerak", – deb qo'yadi. Dadam menga ham qora shim, gulsiz ko'k do'ppi, tugmasi yaltiroq kitel olib kelib berdilar. Kitel sal katta keldi. Mujgon opa: "Bo'laveradi, bular hali o'sadi", – deb qo'ydi. Dadam oyog'imga qarab botinkamning yangiligini pisanda qildi. Bo'lmasa uchlari qirilib ketgan. Men ham Maxsimcha akamga o'xshab botinkamni yaltiratishga kirishib ketdim. Rangi sariq bo'lganiga na u yoqli, na bu yoqli bo'lib qoldi. Kapalagim uchib, Maxsimcha akamning oldiga chopdim. U kishi botinkamni ko'rib, hushtak chalib yubordi: "Bu patinkamas, buzoqning tezagi bo'пти-ku, jiyan, o'zining rangi ming marta yaxshiydi-ya, esiz", – dedi. Shundog'am o'pkam to'lib turganidan yig'lab yubordim. Maxsimcha akam qayoqdandir bir bosh piyoz topib, meni o'choq boshiga boshladi. "Hozir bir yo'lini qilamiz, jiyan, bu dunyoda bo'lmaydigan ishning o'zi yo'q". Piyozning boshini olib qozonning kuyasiga surtib, hafsala bilan bir chetdan bo'yashga tushdi. Salda sariq-surug'lari yo'qolib, ikkala poyiyam qop-qora tusga kirdi. "Mana, hayitning oldiga chiqding, jiyan, yangi patinka qullug' bo'lsin".

Arafa oshini uyimizda yeymiz, deb ko'pchilik shaharga tushib ketdi. Cho'lda Abziy, Maxsimcha aka, Trambay ota, Abziyning o'rtog'i so'kong'ich amaki, Mujgon opa, Anisa, Parida qoldik. Trambay ota Maxsimcha akani, Abziyni, so'kong'ich amakini, meni hayit namoziga boshlab boraman, deb ovulga ketmadi.

Arafa kuni kechga dovur Maxsimcha akam ikkovimiz g'alati bir ish bilan ovora bo'ldik. Oldin Maxsimcha akam Mujgon opadan bir talay tuxum sotib oldi. Tuxumlarni tumshug'ini pastga qilib qozonga terib chiqdi. Ustiga ko'mar-ko'mmas suv quydi. Bularning barini Maxsimcha akam shoshilmasdan, uh-uhlab, kuh-kuhlab bajardilar. Men bo'lsam tuxumlarni bunaqa qilib terib o'tirmasdim. Yotadimi, turadimi baribir edi. Xohlagancha suv quyib, olovni yoqaverardim. Maxsimcha akam

сув куйиб, оловни ёқаверардим. Махсимча акам бўлса оловниям алангалатмади. Суви шақиллаб кетса, тухумлар ўйноқлаб кетармиш-да, иш пачава бўлармиш. Мен бўлсам: “Нимага?” – деб ижикилайман. “Сабр қил, жиян, сабр қилсанг тухум ейсан”, – дейди кулиб Махсимча акам. Кўп уринишлардан кейин тухум пишди. Қозонда турганича совиди. Кейин Махсимча акам уларни биттамабитта олиб, иккига ажратди. Менга бошдан-оёқ қараб олди-да, рўпарасидан жой кўрсатди: “Ке, ўтир, ҳа, бу бошқа гап, чордана қуришниям болайсан. Менга қара, жиян, тухумнинг манови тўпи сеники, мановиниси меники, тухум уриштириш ўйнаймиз”. Ваҳ, деб юбораман, ҳалидан бери уринганимиз шунгамиди? Махсимча ака аввал тухумни қандай қилиб ушлаш, қандай қилиб чўқиштиришни ўргатади. Аллақанча уриниб топган ўйинимиз бирпасда тугади. Охири улардаям, мендаям биттадан тухум қолди, холос. “Бўлди, – деди Махсимча акам, – тухумларнинг хўрозини танлаб олдик. Анави синганлари макиёни экан. Энди эртага бу икита тухум шунақанги иш берадики. Мени айтди дейсан, нақ бир пақирдан икки пақир тухум юволамиз. Еганимизча еб, қолганини сотамиз.

Махсимча акамнинг айтишларича, ҳайит намозидан кейин ҳар хил ўйин, томошалар бўларкан. Энг қизиғи тухум уриштириш экан. Одамлар бутун тухумдан кўра пачағини талашиб сотиб олишаркан. Пачағи арзон бўларкан-да! Шундай қилиб биз ҳайитга бунақасигаям тайёр бўлиб олдик. Эрта бўлишини, энг катта байрам – ҳайитни соғиниб-соғиниб кута бошладим.

Мужгон опа арафа оши дамладилар. Бояги пачоқ тухумлар ҳам ошга босилди. Ҳамма бизниқига тўпланди. Трамбай ота Абзий билан сўконғич амакига вино ичирмади. Ҳайитнинг ҳурмати бор, дедилар. Эртага намозга олиб бораман, гуноҳларинг тўкилади, ичмайман, деб астойдил тавба қилсаларинг, тавбаларинг қабул бўлади, анави исқотидан қутулиб қоласанлар, дегандек гаплар қилди. Абзий билан сўконғич амаки бўлса бир-бирини туртишиб, кулиб ўтиришди. Ош еб бўлинди. Махсимча акам Қуръон ўқиди. Ўқиганларини арвоҳларга бағишлади.

Тонг отди. Мужгон опа мени ҳайит билан қуллуқ бўлсин қилди. Ҳайитлик деб пул берди. Махсимча ака мени ташлаб кетиб қолмасин-да, деб юрагим така-пука. Мужгон опа бўлсалар ҳадеганда мени қўйворгилари келмайди. Юз-кўзлари кулиб устбошимни қайта-қайта тузатадилар, бармоқларини лабларига босиб кийимимдан бир нималарни терган бўладилар. Охири: “Кўз тегмасин, куёвтўра бўлиб кетдинг”, – деб бағирларига босди. Менам худди ойимни ачомлагандай бўйинларига осилдим. Оҳ, ойи-



bo'lsa olovniyam alangalatmadi. Suvi shaqillab ketsa, tuxumlar o'ynoqlab ketarmish-da, ish pachava bo'larmish. Men bo'lsam: "Nimaga?" – deb ijkilayman. "Sabr qil, jijan, sabr qilsang tuxum yeysan", – deydi kulib Maxsimcha akam. Ko'p urinishlardan keyin tuxum pishdi. Qozonda turganicha sovidi. Keyin Maxsimcha akam ularni bittama-bitta olib, ikkiga ajratdi. Menga boshdan oyoq qarab oldi-da, ro'parasidan joy ko'rsatdi: "Ke, o'tir, ha, bu boshqa gap, chordana qurishniyam boplaysan. Menga qara, jijan, tuxumning manovi to'pi seniki, manovinisi meniki, tuxum urishtirish o'ynaymiz". Vah, deb yuboraman, halidan beri uringanimiz shungamidi? Maxsimcha aka avval tuxumni qanday qilib ushlash, qanday qilib cho'qishtirishni o'rgatadi. Allaqancha urinib topgan o'yinimiz birpasda tugadi. Oxiri ulardayam, mendayam bittadan tuxum qoldi, xolos. "Bo'ldi, – dedi Maxsimcha akam, – tuxumlarning xo'rozini tanlab oldik. Anavi singanlari makiyoni ekan. Endi ertaga bu ikkita tuxum shunaqangi ish beradiki. Meni aytdi deysan, naq bir paqirdan ikki paqir tuxum yutvolamiz. Yeganimizcha yeb, qolganini sotamiz".

Maxsimcha akamning aytishlaricha, hayit namozidan keyin har xil o'yin, tomoshalar bo'larkan. Eng qizig'i tuxum urishtirish ekan. Odamlar butun tuxumdan ko'ra pachag'ini talashib sotib olisharkan. Pachag'i arzon bo'larkan-da! Shunday qilib biz hayitga bunaqasigayam tayyor bo'lib oldik. Erta bo'lishini, eng katta bayram – hayitni sog'inib-sog'inib kuta boshladim.

Mujgon opa arafa oshi damladilar. Boyagi pachoq tuxumlar ham oshga bosildi. Hamma biznikiga to'plandi. Trambay ota Abziy bilan so'kong'ich amakiga vino ichirmadi. Hayitning hurmati bor, dedilar. Ertaga namozga olib boraman, gunohlaring to'kiladi, ichmayman, deb astoydil tavba qilsalaring, tavbalarining qabul bo'ladi, anavi isqotidan qutulib qolasanlar, degandek gaplar qildi. Abziy bilan so'kong'ich amaki bo'lsa bir-birini turtishib, kulib o'tirishdi. Osh yeb bo'lindi. Maxsimcha akam Qur'on o'qidi. O'qiganlarini arvohlarga bag'ishladi.

Tong otdi. Mujgon opa meni hayit bilan qulluq bo'lsin qildi. Hayitlik deb pul berdi. Maxsimcha aka meni tashlab ketib qolmasinda, deb yuragim taka-puka. Mujgon opa bo'lsalar hadeganda meni qo'yvorgilari kelmaydi. Yuz-ko'zlari kulib ust-boshimni qayta-qayta tuzatadilar, barmoqlarini lablariga bosib kiyimimdan bir nimalarni tergan bo'ladilar. Oxiri: "Ko'z tegmasin, kuyovto'ra bo'lib ketding", – deb bag'irlariga bosdi. Menam xuddi oyimni achomlaganday bo'yinlariga osildim. Oh, oyijonimning hidlari... Mujgon opa yuz-

жонимнинг ҳидлари... Мужгон опа юз-кўзларимдан ўпди. Кейин қулоғимга секин шивирлади: "Ҳайит намозида-чи, болам, Худодан сўра, ҳа, ёлвориб сўра, ойижонимни топиб бер, де. Худога осон, албатта, топиб беради. Кейин-чи, болам... Ҳа... Мужгон опамга ҳам мендақа ўғил бергин, дегин, хўпми? Сенинг гапингни Худо эшитади, сен бегуноҳсан, болам".

Идоранинг олдида Махсимча акам билан Трамбай ота туришган экан. Ёнларига чопа-чопа бордим. Улар ҳам мен билан ҳайит қуллуқ бўлсин қилишди. Абзий билан сўконғич амаки чиқишмади. Анисанинг гапича, улар эрта саҳар қаёққадир кетишганмиш. Трамбай ота ҳафсаласи пир бўлиб, "Эй", деб қўл силтади-да, Махсимча акам икковимизни овул томон бошлаб кетди. Трамбай ота уйдан олиб келиб қўйган эканми, янги яктак кийиб олибди. Юрса этаклари икки ёнга кетиб, салгина шамолга ҳилпирайди. Ота бу ерда қолган кунлари омборхонада ётади. Мен омборхонага киргани кўрқаман. У ерда сичқонлар кўп. Йўлда борар эканман, Махсимча акамнинг, ўзимнинг оёқ кийимимга қарайман. Икковимизникиям ялтиллаб турибди. Трамбай отанинг оёғида бўлса эски этик. Яма-лавериб ҳамма ёғи ғурра бўлиб кетган. Ранги-туси қанақалигини билиб бўлмайди.

ОВУЛДА

Кун чиқиш тараф қизара бошлаганда овул деган жойга етиб бордик. Бу жойларни биринчи кўришим. Пастқам-пастқам уйлари. Томларига похол босилган. Қўй-қўзию сигирлар бари ҳайдаб қўйилган. Катта-катта бўрибосар итлар ҳам бўш-баёв юришибди. Одам билан ишлари йўқ. Полвон-полвон, юзи япалоқ болалар... Трамбай отани бу ердагиларнинг бари танир экан. Олдин ота билан, кейин биз билан ҳайит қуллуқ бўлсин қилиб, қўш қўллаб кўришишди. Намоздан кейин овулда худойи бўлишини айтишди. Икки кўзим челақлардаги тухум, саватлардаги чавати нон, попуқлари бўялган ширинликларда. Бир хил болалар олиб беринг, деб оталарига хархаша қилишади.

Одамлар тўпланиб турган жойда зовур бор эди. Зовурга яккачўп ташланган. Одам ўтса нуқул лопиллайди. Ўшандан нариги ёққа ўтдик. У ерда шолিপохол устига чиройли гулли наматлар тўшалган. Ким чўк тушиб ўтирган, ким тик турган. Махсимча акам ҳайит ҳақида менга айтиб берганлар. Ҳайит жудаям-жудаям катта байрам. Ҳайитнинг ҳурматидан уришиб қолганлар ярашади. Ҳайит куни осмоннинг эшиклари очилади. У ердан жуда кўп фаришталар тушади. Одамлар Худодан хоҳлаган нарсаларини сўраб, дуо

ko'zlarimdan o'pdi. Keyin qulog'imga sekin shivirladi: "Hayit namozida-chi, bolam, Xudodan so'ra, ha, yolvorib so'ra, oyijonimni topib ber, de. Xudoga oson, albatta, topib beradi. Keyin-chi, bolam... Ha... Mujgon opamga ham mendaqa o'g'il bergin, degin, xo'pmi? Sening gapingni Xudo eshitadi, sen begunohsan, bolam".

Idoraning oldida Maxsimcha akam bilan Trambay ota turishgan ekan. Yonlariga chopa-chopa bordim. Ular ham men bilan hayit qulluq bo'lsin qilishdi. Abziy bilan so'kong'ich amaki chiqishmadi. Anisaning gapicha, ular erta sahar qayoqqadir ketishganmish. Trambay ota hafsalasi pir bo'lib, "Ey", deb qo'l siltadi-da, Maxsimcha akam ikkovimizni ovul tomon boshlab ketdi. Trambay ota uyidan olib kelib qo'ygan ekanmi, yangi yaktak kiyib olibdi. Yursa etaklari ikki yonga ketib, salgina shamolga hilpiraydi. Ota bu yerda qolgan kunlari omborxonada yotadi. Men omborxonaga kirgani qo'rqaman. U yerda sichqonlar ko'p. Yo'lda borar ekanman, Maxsimcha akamning, o'zimning oyoq kiyimimga qarayman. Ikkovimiznikiyam yaltillab turibdi. Trambay otaning oyog'ida bo'lsa eski etik. Yamalaverib hamma yog'i g'urra bo'lib ketgan. Rangi-tusi qanaqaligini bilib bo'lmaydi.

OVULDA

Kun chiqish taraf qizara boshlaganda ovul degan joyga yetib bordik. Bu joylarni birinchi ko'rishim. Pastqam-pastqam uylar. Tomlariga poxol bosilgan. Qo'y-qo'zi-yu sigirlar bari haydab qo'yilgan. Katta-katta bo'ribosar itlar ham bo'sh-bayov yurishibdi. Odam bilan ishlari yo'q. Polvon-polvon, yuzi yapaloq bolalar.. Trambay otani bu yerdagilarning bari tanir ekan. Oldin ota bilan, keyin biz bilan hayit qulluq bo'lsin qilib, qo'sh qo'llab ko'rishishdi. Namozdan keyin ovulda xudoyi bo'lishini aytishdi. Ikki ko'zim chelaklardagi tuxum, savatlardagi chavati non, popuklari bo'yalgan shirinliklarda. Bir xil bolalar olib bering, deb otalariga xarxasha qilishadi.

Odamlar to'planib turgan joyda zovur bor edi. Zovurga yakkacho'p tashlangan. Odam o'tsa nuqul lopillaydi. O'shandan narigi yoqqa o'tdik. U yerda sholipoxol ustiga chiroyli gulli namatlar to'shalgan. Kim cho'k tushib o'tirgan, kim tik turgan. Maxsimcha akam hayit haqida menga aytib berganlar. Hayit judayam-judayam katta bayram. Hayitning hurmatidan urishib qolganlar yarashadi. Hayit kuni osmonning eshiklari ochiladi. U yerdan juda ko'p farishtalar tushadi. Odamlar Xudodan xohlagan narsalarini so'rab, duo qilishadi.

қилишади. Фаришталар дуоларни осмонга олиб чиқиб кетади. Шу куни қилинган дуолар, албатта, қабул бўлади. Мужгон опа ҳам шуни айтдилар-да. Мен наमतга чўк тушиб Мужгон опа айтган сўзларни қайтараман: “Художон, сендан сўрайман, ойижонимни топиб бер, соғиниб кетдим, Мужгон опамга мендақа ўғил бер, оми-и-и-н...”

Шу пайт икки киши бараварига: “Оппон-соппо-о-н, Оппон-соппо-о-н”, – деб бақира бошлашди. Аммо шу пайт бошқа бир кишининг овози уларнинг овозини босиб кетди:

– Қаранглар, қаранглар!..

Одамлар беихтиёр ҳалиги одам кўрсатган томонга қарашди.

Юк машинаси шу тарафга қараб учиб келарди.

– Парткомнинг машинаси-ку, – деди кимдир ваҳимада.

Одамлар тўзиб, бирдан ўзларини яккачўпга урди. Кимдир зовурга шалолаб тушиб кетди, кимдир сўкинди. Яккачўпдан ўтиб олганлар бир балодан қутулгандек овул тарафга қараб жўнайверишди. Махсимча акам бўлсалар ўзларича бир нималар деб одамларни тўхтатмоқчи бўлади. Қани энди биров унга қулоқ солса. Ҳамманинг кўзида кўрқув, таҳлика... Эсизгина, тухумчилар ҳам, попукчилар ҳам бир зумда ғойиб бўлиб қолишди. Мен ҳам кўрқиб Трамбай отанинг кўлига ёпишдим. Трамбай ота бўлса нуқул бесаранжом бўлиб жавдирайди. Кўзларига қараб нима бўлаётганини тушунмайман. Ота Махсимча акамга бир нима демоқчи бўлади-ю, айтолмайди.

Партком тоға юк машинасининг зинапоясида турганча етиб келди. Мен у кишини яхши биламан, қачон қарасам ясаниб юради. Ҳозирам ҳайитнинг олдида чиққан кишига ўхшайди. Оёғида брезент этик, икки ёни шишиб чиққан галифе шим, устида кител, бошида шапка. Нимага бу одамдан ҳамма кўрқиб, тўзғиб кетди, тушунмайман. У яхши одам-ку, дадамнинг ўртоғи...

Ҳалидан бери одамларни тўхтатаман деб куйиб-пишаётган Махсимча акам партком тарафга кулиб борди:

– Қарамайсизми буларни, ака, – деди у, – сиздан кўрқиб, ҳайит намозини қазо қилиб ўтиришибди. Мен бўлсам тўхтанглар, партком ҳам мусулмон, намозга шошиб келяптилар, дейман, қани тушунишса... Тавба...

Махсимча акам гапира-гапира бориб, парткомга қўл чўзди:

– Ҳайит қуллуқ бўлсин, ака!

Партком машинада ўтирган бегона шоферга бир қараб қўйдиди, Махсимча акамдан жиркангандек:

– Қўлингни торт-е, ҳе масхарабоз, – деди.

Махсимча акам бу гапдан ҳайрон бўлиб қолди. Кетолмай қолган уч-тўртта одам ҳам партком билан ҳайит қуллуқ бўлсин

Farishtalar duolarni osmonga olib chiqib ketadi. Shu kuni qilingan duolar, albatta, qabul bo'ladi. Mujgon opa ham shuni aytdilar-da. Men namatga cho'k tushib Mujgon opa aytgan so'zlarni qaytaraman: "Xudojon, sendan so'rayman, oyijonimni topib ber, sog'inib ketdim, Mujgon opamga mendaqa o'g'il ber, omiiin..."

Shu payt ikki kishi baravariga: "Oppon-soppoon, Oppon-soppoon", – deb baqira boshlashdi. Ammo shu payt boshqa bir kishining ovozi ularning ovozini bosib ketdi:

– Qaranglar, qaranglar!..

Odamlar beixtiyor haligi odam ko'rsatgan tomonga qarashdi.

Yuk mashinasi shu tarafga qarab uchib kelardi.

– Partkomning mashinasi-ku, – dedi kimdir vahimada.

Odamlar to'zib, birdan o'zlarini yakkacho'pga urdi. Kimdir zovurga shaloplab tushib ketdi, kimdir so'kindi. Yakkacho'pdan o'tib olganlar bir balodan qutulgandek ovul tarafga qarab jo'nayverishdi. Maxsimcha akam bo'lsalar o'zlaricha bir nimalar deb odamlarni to'xtatmoqchi bo'ladi. Qani endi birov unga quloq solsa. Hammaning ko'zida qo'rquv, tahlika... Esizgina, tuxumchilar ham, popukchilar ham bir zumda g'oyib bo'lib qolishdi. Men ham qo'rqib Trambay otaning qo'liga yopishdim. Trambay ota bo'lsa nuqul besaranjom bo'lib javdiraydi. Ko'zlariga qarab nima bo'layotganini tushunmayman. Ota Maxsimcha akamga bir nima demoqchi bo'ladi-yu, aytolmaydi.

Partkom tog'a yuk mashinasining zinapoyasida turgancha yetib keldi. Men u kishini yaxshi bilaman, qachon qaragam yasanib yuradi. Hoziram hayitning oldiga chiqqan kishiga o'xshaydi. Oyog'ida brezent etik, ikki yoni shishib chiqqan galife shim, ustida kitel, boshida shapka. Nimaga bu odamdan hamma qo'rqib, to'zg'ib ketdi, tushunmayman. U yaxshi odam-ku, dadamning o'rtog'i...

Halidan beri odamlarni to'xtataman deb kuyib-pishayotgan Maxsimcha akam partkom tarafga kulib bordi:

– Qaramaysizmi bularni, aka, – dedi u, – sizdan qo'rqib, hayit namozini qazo qilib o'tirishibdi. Men bo'lsam to'xtanglar, partkom ham musulmon, namozga shoshib kelyaptilar, deyman, qani tushunishsa... Tavba...

Maxsimcha akam gapira-gapira borib, partkomga qo'l cho'zdi:

– Hayit qulluq bo'lsin, aka!

Partkom mashinada o'tirgan begona shoferga bir qarab qo'ydi-da, Maxsimcha akamdan jirkangandek:

– Qo'lingni tort-e, he masxaraboz, – dedi.

Maxsimcha akam bu gapdan hayron bo'lib qoldi. Ketolmay qolgan uch-to'rtta odam ham partkom bilan hayit qulluq bo'lsin

қилишмоқчийди, ерга қараб қолишди. Мен ҳам партком тоғани танитай қолдим. У Махсимча акамга ҳеч бунақа кўпол гап қилмаган эди. Қайтага Махсимча акамни мақтардилар. “Махсимчага ўхшаб китоб ўқисаларинг бўлмайдимми мияни суюлтириб гап сотгунча”, – дер эди. “Махсимча, айтинг, яна қанақа китоблардан олиб келиб берай?” – деб сўраб ҳам қўярди ҳамманинг олдида. Махсимча акам ҳам ўзини парткомга яқин олиб, ака-акалаб қўймасди.

– Ўзингизмисиз, ака, сизга нима бўлди? – деб зўрма-зўраки илжайди Махсимча акам.

– Дард бўлди, бало бўлди... Сен мени ким деб ўйлаяпсан-а? – деб унга иягини найза қилди партком.

– Ё тавба... – деб елка қисди Махсимча акам.

– Ҳе... онангни... сени...

Партком шундай деб кутилмаганда Махсимча акамни итариб юборди. Боя зовурга тушиб кетган одам ҳамма ёқни шилта қилган эканми, Махсимча акам тойиб, гандираклаб кетди. Трамбай ота мени нари итариб, Махсимча акамни ушлаб қолди. Яхшиям ушлаб қолгани, бўлмаса орқаси билан алла бўлиб тушарди. Кўрқдимми ё Махсимча акамни аядимми, ишқилиб, ўзимдан ўзим йиғлаб юбордим. Одамлар ҳай-ҳайлашди. Энди партком тоға омонат қўйилган яккачўпга ёпишди. Уни бир тепиб, зовурга тушириб юборди. Шу пайт Махсимча акам Трамбай отанинг кўлидан силтаниб чиқди-да, партком тоғага ташланиб, боши билан калла қўйиб қолди. Ў-ў-ў... Партком тоға бир чайқалди-ю, гуппа ерга қулади. Трамбай ота: “Ай баяо-о-в”, – деб бақириб, ҳаммаёқни бошига кўтарди. Кейин: “Акени овозига сени”, – деб Махсимча акамни муштлай кетди.

Бу машмашалар машина қанчалар тез етиб келган бўлса, шунчалар тез бўлиб ўтди. Ҳозиргина: “Ҳайит қутлуғ бўлсин, қутлуғ бўлсин”, – деб тўй бўлиб турган жой азахонага айланди. Ҳамма партком тоға билан овора. Кимдир: “Ў-в-в... шпана”, – деб Махсимча акамни сўқади. У кишини бу ерда ҳеч ким танитайди. Бўлиб ўтган ҳозирги ишга ўша “шпана”ни айбдор қилишади. “Шпана” ерга киргандек ғойиб бўлган эди. Партком тоға бир томонга қийшайиб ётар, турмоқчи бўлгани сари бурнидан варақ-варақ қон оқарди. Қошининг ўртасидан тухумдек бир нарса шишиб чиқди. Ҳўл латтани нуқул юзи аралаш босишгани босишган. Трамбай ота ташвиш ичида қолган, афтидан, бу ишларга ўзини айбдор деб биларди. Ахир, бизларни бу ерга Трамбай ота бошлаб келди-да. Машинани ҳайдаб келган бегона ҳайдовчи ўтирган жойидан тушмади ҳам. Безрайганича ўтирарди.

Салдан кейин партком тоға ўзига келди. Бошини чангаллаб, анча ўтирди. Кейин ёнидагиларга рўйхушлик бермай ўрнидан

qilishmoqchiydi, yerga qarab qolishdi. Men ham partkom tog'ani tanimay qoldim. U Maxsimcha akamga hech bunaqa qo'pol gap qilmagan edi. Qaytaga Maxsimcha akamni maqtardilar. "Maxsimchaga o'xshab kitob o'qisalarining bo'lmaydimi miyani suyultirib gap sotguncha", – der edi. "Maxsimcha, ayting, yana qanaqa kitoblardan olib kelib beray?" – deb so'rab ham qo'yardi hammaning oldida. Maxsimcha akam ham o'zini partkomga yaqin olib, aka-akalab qo'ymasdi.

– O'zingizmisiz, aka, sizga nima bo'ldi? – deb zo'rma-zo'raki iljaydi Maxsimcha akam.

– Dard bo'ldi, balo bo'ldi... Sen meni kim deb o'ylayapsan-a? – deb unga iyagini nayza qildi partkom.

– Yo tavba... – deb yelka qisdi Maxsimcha akam.

– He... onangni... seni...

Partkom shunday deb kutilmaganda Maxsimcha akamni itarib yubordi. Boya zovurga tushib ketgan odam hamma yoqni shilta qilgan ekanmi, Maxsimcha akam toyib, gandarab ketdi. Trambay ota meni nari itarib, Maxsimcha akamni ushlab qoldi. Yaxshiyam ushlab qolgani, bo'lmasa orqasi bilan alla bo'lib tushardi. Qo'rqdimmi yo Maxsimcha akamni ayadimmi, ishqilib, o'zimdan o'zim yig'lab yubordim. Odamlar hay-haylashdi. Endi partkom tog'a omonat qo'yilgan yakkacho'pga yopishdi. Uni bir tepib, zovurga tushirib yubordi. Shu payt Maxsimcha akam Trambay otaning qo'lidan siltanib chiqdi-da, partkom tog'aga tashlanib, boshi bilan kalla qo'yib qoldi. O'oo'... Partkom tog'a bir chayqaldi-yu, guppa yerga quladi. Trambay ota: "Ay bayaoov" – deb baqirib, hammayoqni boshiga ko'tardi. Keyin: "Akeni ovozigga seni", – deb Maxsimcha akamni mushtlay ketdi.

Bu mashmashalar mashina qanchalar tez yetib kelgan bo'lsa, shunchalar tez bo'lib o'tdi. Hozirgina: "Hayit qutlug' bo'lsin, qutlug' bo'lsin", – deb to'y bo'lib turgan joy azaxonaga aylandi. Hamma partkom tog'a bilan ovora. Kimdir: "O'vv... shpana", – deb Maxsimcha akamni so'kadi. U kishini bu yerda hech kim tanimaydi. Bo'lib o'tgan hozirgi ishga o'sha "shpana"ni aybdor qilishadi. "Shpana" yerga kirgandek g'oyib bo'lgan edi. Partkom tog'a bir tomonga qiyshayib yotar, turmoqchi bo'lgani sari burnidan varaq-vara qon oqardi. Qoshining o'rtasidan tuxumdek bir narsa shishib chiqdi. Ho'l lattani nuqul yuzi aralash bosishgani bosishgan. Trambay ota tashvish ichida qolgan, aftidan, bu ishlarga o'zini aybdor deb bilardi. Axir, bizlarni bu yerga Trambay ota boshlab keldi-da. Mashinani haydab kelgan begona haydovchi o'tirgan joyidan tushmadi ham. Bezrayganicha o'tirardi.

Saldan keyin partkom tog'a o'ziga keldi. Boshini changallab ancha o'tirdi. Keyin yonidagilarga ro'yxushlik bermay o'rnidan turdi. Turdi-yu,

турди. Турди-ю, гандираклаб яна зовур бўйига ўтириб қолди. Кейин ўқчиб, қайт қила бошлади. Айрон олиб келиб зўрлаб ичиришди. Яна қайт қилди. Трамбай ота партком тоғанинг атрофида "ширағимлаб" гирдикапалак. "Ўй бў-ў-й, ўй бў-ў-й-лаб..." ҳадеб бош чайқайди. Икки тиззасига таяниб гавдасини ғалати тебратади. Атрофга аланглаб, Махсимча акамни қидирган бўлади.

Ҳар куни эрта билан бошланадиган чўл шамоли кўзғалди. Тўқайзорлар гувиллаб чайқалди. Куз офтоби юқорилаб, паст-у баландни нурга белар, чўл кўз олдимизда катталашиб, кенгайиб борарди. Бир жуфт сўфитўрғай нақ тепамизга келиб тинимсиз чулди-рарди. Мен ҳайит байрами қанақа бўлишини билмай ҳам қолдим...

ФАЛОКАТ УСТИГА ФАЛОКАТ

Анчадан кейин машинада орқага қайтдик. Партком тоғанинг пешанасини дуррача билан боғлаб, устидан шапкасини бостириб кийдириб кўйишди. У ҳайдовчининг ёнига кирди. Трамбай ота икковимиз тепага чиқдик. Машина жойидан кўзғалаяпти-ю, ён-атрофдан Махсимча акамни қидираман. Хаёлимда зовурлар четидаги қамишлар орасидан қара-а-а-б турганга ўхшайди. "Ҳа, номардлар, ташлаб кетиш экан-да", – дегандек бўлади. Энди овулдагилар Махсимча акамни "шпана", деб тинч кўйишмаса керак. Балки индашмас. "Ажаб қилдинг, ҳайит намозини ўқитмаганнинг жазоси шу", – дейишар. Нима бўлганда ҳам энди Махсимча акам биз томонларга бормаса керак. Бормагани яхши. Борса, партком тоға уни қаматади. Махсимча акам буни билади. Чўлнинг ич-ичкариларига кир-и-и-б кетади. Уни топа олишмайди.

Машина пасту баланд йўллардан гуриллаб, шошиб боради. Муздек куз шабадаси одамни энтиктиради. Томларига шоли похоллари уйилган овул алақачоноқ орқада қолиб кетган. Тўрт тараф тўқай, қамишзор. Қамишзорлар шамолда чайқалиб, гўё бутун чўл нари-бери бориб келади. Машина зовур ёқалаб тушган йўлдан борарди. Орқасидан ҳар замонда пақиллаган овозлар чиқади. Ўрдаклар чўчиб тепага ҳаволанади-ю, яна пастга шўнғийди. Махсимча акамнинг айтишича, ёввойи ўрдаклар ёз бўйи семирган, энди узоққа уча олмайди. Уларни тутиб еган одам маза қилади.

Трамбай отага қарайман, қовоқлари солиқ, машинанинг тахта деворига орқа тираб, хаёл суриб ўтирибди. Ҳар замонда нимагадир пешанасини ишқаб кўяди. Бошидаги оқ наMAT дўпписини нари-бери суради. Шундоққина тепаларида серрайиб турибман. Мен билан ишлари йўқ.

gandiraklab yana zovur bo'yiga o'tirib qoldi. Keyin o'qchib, qayt qila boshladi. Ayron olib kelib zo'rlab ichirishdi. Yana qayt qildi. Trambay ota partkom tog'aning atrofida "shirag'imlab" girdikapalak. "O'y bo'o'y, o'y bo'o'ylab..." hadeb bosh chayqaydi. Ikki tizzasiga tayanib gavdasini g'alati tebratadi. Atrofga alanglab, Maxsimcha akamni qidirgan bo'ladi.

Har kuni erta bilan boshlanadigan cho'l shamoli qo'zg'aldi. To'qayzorlar guvullab chayqaldi. Kuz oftobi yuqorilab, past-u balandni nurga belar, cho'l ko'z oldimizda kattalashib, kengayib borardi. Bir juft so'fito'rg'ay naq tepamizga kelib tinimsiz chuldirardi. Men hayit bayrami qanaqa bo'lishini bilmay ham qoldim...

FALOKAT USTIGA FALOKAT

Anchadan keyin mashinada orqaga qaytdik. Partkom tog'aning peshanasini durracha bilan bog'lab, ustidan shapkasini bostirib kiydirib qo'yishdi. U haydovchining yoniga kirdi. Trambay ota ikkovimiz tepaga chiqdik. Mashina joyidan qo'zg'alyapti-yu, yon-atrofdan Maxsimcha akamni qidiraman. Xayolimda zovurlar chetidagi qamishlar orasidan qaraaab turganga o'xshaydi. "Ha, nomardlar, tashlab ketish ekan-da", – degandek bo'ladi. Endi ovuldagilar Maxsimcha akamni "shpana", deb tinch qo'yishmasa kerak. Balki indashmas. "Ajab qilding, hayit namozini o'qitmaganing jazosi shu", – deyishar. Nima bo'lganda ham endi Maxsimcha akam biz tomonlarga bormasa kerak. Bormagani yaxshi. Borsa, partkom tog'a uni qamatadi. Maxsimcha akam buni biladi. Cho'lning ich-ichkarilariga kiriib ketadi. Uni topa olishmaydi.

Mashina past-u baland yo'llardan gurullab, shoshib boradi. Muzdek kuz shabadasi odamni entiktiradi. Tomlariga sholi poxollari uyilgan ovul allaqachonoq orqada qolib ketgan. To'rt taraf to'qay, qamishzor. Qamishzorlar shamolda chayqalib, go'yo butun cho'l nari-beri borib keladi. Mashina zovur yoqalab tushgan yo'ldan borardi. Orqasidan har zamonda paqillagan ovozlari chiqadi. O'rdaklar cho'chib tepaga havolanadi-yu, yana pastga sho'ng'iydi. Maxsimcha akamning aytishicha, yovvoyi o'rdaklar yoz bo'yi semirgan, endi uzoqqa ucha olmaydi. Ularni tutib yegan odam maza qiladi.

Trambay otaga qarayman, qovoqlari soliq, mashinaning taxta devoriga orqa tirab, xayol surib o'tiribdi. Har zamonda nimagadir peshanasini ishqab qo'yadi. Boshidagi oq namat do'ppisini nari-beri suradi. Shundoqqina tepalarida serrayib turibman. Men bilan ishlari yo'q.

- Трамбай ота, – дейман энгашиб.
- Не дейсин, ширағим?
- Ҳайит намози ўқимадик-ку, энди нима бўлади?
- Кўрқма, ширағим, Қудайим ўқиганлар қаторига қўшади.
- Сўраганини ҳам берадими?
- Бередиди, ширағим, бередиди...

Бу жавобдан хурсанд бўлиб, яна олдинга қараб оламан. Шу пайт кўзим Махсимча акамга тушади. У олдинда тез-тез кетиб боряпти.

– Махсимча акам... ана, Махсимча акам, – дейман турган жойимда севинганимдан сакраб. – Махсимча ака-а-а!..

Трамбай ота ҳам ўринидан туриб кетди. “Тўхтат”, – деб кабинани муштлай бошлади. Машина тўхтамоқчи бўлиб бир силкинди-ю, яна тезлаб кета-а-а-верди. Махсимча аканинг шундоққина йўл чеккасига ўтганини кўриб қолдим. Трамбай ота бақириб сўкинди. Машинани тўхтатмаган ҳайдовчини сўқдимми ё Махсимча акамними, билолмай қолдим.

Мен уни кўрмоқчи бўлиб орқага қарадим. Чангдан бўлак ҳеч нарсани кўрмадим. Махсимча акам ҳаммадан олдин бу ёққа жўнаворган экан-да. Қамаб кўйишларидан кўрқмайдиларми?

Идорага яқинлашиб қолганимизда биров ён тарафдаги тўқайзордан: “Тўхта, тўхта”, – деб қўл силтаб бизга қараб югуриб келаверди. Тепадан туриб танидим, сўконғич амаки! Гандираклар келишидан ичиб олганга ўхшарди. Арафа ошида Трамбай ота ҳайитнинг ҳурмати бор, деб ичирмаганди. Зовур-повурга тушиб кетганми, уст-бошлари шалоббо.

Машина шундоққина унинг ёнида тўхтади. “Нима дейсан?” – дегандек ҳайдовчи бошини чиқарди. Сўконғич амаки бирдан тилга кирди:

– Гўрков ўлди, ўлиб қолди, – деб дод солиб юборди. Кейин шопирга: – Бу ёққа ҳайда, – деб тўқай томонга югуриб кетди. Афтидан, у парткомни танимади. Машина текис йўлдан чиқиб, сўконғич амакининг орқасидан кучаниб юра бошлади. Шўри юзига уриб, билчиллаб ётган жойлардан юришга қийналарди. Йўлида учраган яккам-дуккам қамишларни эзғилаб, попуқларини тўзғитарди. Трамбай ота оёққа турволиб, “Қудайимов”, – деб ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа бошини ташлаб аланглар, машина чайқалганда тиззалари букилиб-букилиб кетарди. Хаёлимда сўконғич амакининг: “Гўрков ўлди, ўлиб қолди”, – деб дод солгани қўлоғимга ҳаммаёқдан эшитилаётганга ўхшарди...

Ичиб юрса ҳам Трамбай ота Абзийга қаттиқ гапирмасди. “Мисапр, бешара”, – деб кўярди. Абзий хотини билан қизини

- Trambay ota, – deyman engashib.
- Ne deysin, shirag'im?
- Hayit namozi o'qimadik-ku, endi nima bo'ladi?
- Qo'rqma, shirag'im, Qudayim o'qiganlar qatoriga qo'shadi.
- So'raganini ham beradimi?
- Beredi, shirag'im, beredi...

Bu javobdan xursand bo'lib, yana oldinga qarab olaman. Shu payt ko'zim Maxsimcha akamga tushadi. U oldinda tez-tez ketib boryapti.

– Maxsimcha akam... ana, Maxsimcha akam, – deyman turgan joyimda sevinganimdan sakrab. – Maxsimcha akaaa!..

Trambay ota ham o'rinidan turib ketdi. "To'xtat", – deb kabinani mushtlay boshladi. Mashina to'xtamoqchi bo'lib bir silkindi-yu, yana tezlab ketaaaverdi. Maxsimcha akaning shundoqqina yo'l chekkasiga o'tganini ko'rib qoldim. Trambay ota baqirib so'kindi. Mashinani to'xtatmagan haydovchini so'kdimi yo Maxsimcha akamnimi, bilolmay qoldim.

Men uni ko'rmoqchi bo'lib orqaga qaradim. Changdan bo'lak hech narsani ko'rmadim. Maxsimcha akam hammadan oldin bu yoqqa jo'navorgan ekan-da. Qamab qo'yishlaridan qo'rqmaydilarimi?

Idoraga yaqinlashib qolganimizda biron yon tarafdagi to'qayzordan: "To'xta, to'xta", – deb qo'l siltab bizga qarab yugurib kelaverdi. Tepadan turib tanidim, so'kong'ich amaki! Gandiraklab kelishidan ichib olganga o'xshardi. Arafa oshida Trambay ota hayitning hurmati bor, deb ichirmagandi. Zovur-povurga tushib ketganmi, ust-boshlari shalobbo.

Mashina shundoqqina uning yonida to'xtadi. "Nima deysan?" – degandek haydovchi boshini chiqardi. So'kong'ich amaki birdan tilga kirdi:

– Go'rkov o'ldi, o'lib qoldi, – deb dod solib yubordi. Keyin shopirga: – Bu yoqqa hayda, – deb to'qay tomonga yugurib ketdi. Aftidan, u partkomni tanimadi. Mashina tekis yo'ldan chiqib, so'kong'ich amaking orqasidan kucharib yura boshladi. Sho'ri yuziga urib, bilchillab yotgan joylardan yurishga qiynalardi. Yo'lida uchragan yakkam-dukkam qamishlarni ezg'ilab, popuklarini to'zgitardi. Trambay ota oyoqqa turvolib, "Qudayimov", – deb hali u yoqqa, hali bu yoqqa boshini tashlab alanglar, mashina chayqalganda tizzalari bukilib-bukilib ketardi. Xayolimda so'kong'ich amaking: "Go'rkov o'ldi, o'lib qoldi", – deb dod solgani qulog'imga hamma yoqdan eshitilayotganga o'xshardi...

Ichib yursa ham Trambay ota Abziyga qattiq gapirmasdi. "Misapr, beshara", – deb qo'yardi. Abziy xotini bilan qizini boshlab

бошлаб келганда энг кўп суюнган одам Трамбай ота бўлди. Анисага тулки терисидан телпак совға қилди. Трамбай ота Анисани “Бикеч, бикеч, ширағим”, – деб оғзидан кўймайди. Ёпган бўрсилдоқ нонлари, қоқ балиқларини мақтагани мақтаган. Бошқа курувчиларга қараб: “Мина, Абзийнинг бала-шақаси-де жаниде, сендер нағиб акемейсенлар, эй... сендернинг ўмиринг бари ўтирик”, – деб жаҳл қиладилар. “Ўтирик” деганлари ёлғондакам ҳаёт деганлари. “Э, сиз кўп нарсани билмайсиз, чол”, – деб қутулишади курувчилар.

Бир кун сўконғич амаки Абзий билан ичиб ўтириб, Анисага тегажоглик қилди. “Ҳадеб эрим, эрим, деяверма, эрингни бир уриб ўлдириб, сени ўзимники қиволаман”, – деган эди. Биз Парида билан қуймоқ еб ўтирган эдик. Парида кўрқиб йиғлаб юборди. Абзий Паридани эркалаб: “Ў-ў-ў... болақайим, ҳазиллаша бит, ҳазиллаша, ул меним прантавик оғайим, улдирмий, нечик ўлдирсин”, – деб уни юпатган эди. Сўконғич амаки ростдан ҳам Абзийни ўлдириб қўйган бўлса-чи?

Кўз олдимизда пайдо бўлган кўрқинчли манзарани кўриб қотиб қолдик. Экскаваторнинг битта ғилдираги ситилиб, ёнламаси билан зовурга тушиб кетибди. Трамбай ота бошини чангаллаганича нуқул “Ўй-бўйов-в!” дер эди. Охири машина кузовидан сакраб тушди-да, экскаватор тепасига бориб, туриб қолди. Кейин пешанасини ишқаб, тиззасига ура-ура у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Экскаватор танаси билан зовурга кўприк бўлиб тушган, сув темиртерсақлар орасидан ўзига йўл топиб, ёғланиб оқарди. Партком тоға ҳам пастга тушди. Сўконғич амаки партком тоғага яқинроқ келиб қаради-да, бирдан таниб қолди. Сўрашиш учун шошиб қўл чўзди. У: “Сизга нима бўлди?” – дегандек парткомга тикилди. Партком тоға: “Ишинг бўлмасин”, – дегандек қўл силтади.

Ҳеч ким Абзий қани, деб сўрамас, эс-хушлари экскаваторда бўлиб қолган эди. Мен кўрқа-писа Абзийни қидирардим. Ўлган бўлса қаерда ётибди экан? Партком тоға: “Оёқ тагида ўралашма”, – деб мени машинага чиқариб қўйди. Машина усти қайтага яхши экан, ҳамма ёқни кўрса бўлади.

Партком тоға бизни бошлаб келишга бошлаб келиб, карахт бўлиб турган сўконғич амакига бақирди:

– Ҳов сен, қани гўрковинг?..

У экскаваторнинг темир уйчасини кўрсатди. Абзий шу уйчада ўтириб, экскаваторни бошқарарди. Ҳозирги аҳволда уйчанинг уйчалиги қолмаган эди. Уни экскаваторнинг ковуши эзиб ётарди. Мен Абзийнинг ёнига чиқиб олган пайтларимда шу темир ковушдан жуда кўрқардим. У ҳадеб темир уйчани мўлжал олиб бостириб келаверарди.

kelganda eng ko'p suyungan odam Trambay ota bo'ldi. Anisaga tulki terisidan telpak sovg'a qildi. Trambay ota Anisani "Bikech, bikech, shirag'im", – deb og'zidan qo'ymaydi. Yopgan bo'ssildoq nonlari, qoq baliqlarini maqtangani maqtagan. Boshqa quruvchilarga qarab: "Mina, Abziyning bala-shaqasi-de janide, sender nag'ib akemeysenlar, ey... senderning o'miring bari o'tirik", – deb jahl qiladilar. "O'tirik" deganlari yolg'ondakam hayot deganlari. "E, siz ko'p narsani bilmaysiz, chol", – deb qutulishadi quruvchilar.

Bir kuni so'kong'ich amaki Abziy bilan ichib o'tirib, Anisaga tega-jog'lik qildi. "Hadeb erim, erim, deyaverma, eringni bir urib o'ldirib, seni o'zirniki qivolaman", – degan edi. Biz Parida bilan quymoq yeb o'tirgan edik. Parida qo'rqib yig'lab yubordi. Abziy Paridani erkalab: "O'o'o'... bolaqayim, hazillasha bit, hazillasha, ul menim prantavik og'ayim, uldirmiy, nechik o'ldirsin", – deb uni yupatgan edi. So'kong'ich amaki rostdan ham Abziyni o'ldirib qo'ygani bo'lsa-chi?

Ko'z oldimizda paydo bo'lgan qo'rqinchli manzarani ko'rib qotib qoldik. Ekskavatorning bitta g'ildiragi sitilib, yonlamasi bilan zovurga tushib ketibdi. Trambay ota boshini changallaganicha nuqul "O'y-bo'yow!" der edi. Oxiri mashina kuzovidan sakrab tushdi-da, ekskavator tepasiga borib, turib qoldi. Keyin peshanasini ishqab, tizzasiga ura-ura u yoqdan bu yoqqa yura boshladi. Ekskavator tanasi bilan zovurga ko'prik bo'lib tushgan, suv temir-tersaklar orasidan o'ziga yo'l topib, yog'lanib oqardi. Partkom tog'a ham pastga tushdi. So'kong'ich amaki partkom tog'aga yaqinroq kelib qaradi-da, birdan tanib qoldi. So'rashish uchun shoshib qo'l cho'zdi. U: "Sizga nima bo'ldi?" – degandek partkomga tikiildi. Partkom tog'a: "Ishing bo'lmasin", – degandek qo'l siltadi.

Hech kim Abziy qani, deb so'ramas, es-hushlari ekskavatorida bo'lib qolgan edi. Men qo'rqa-pisa Abziyni qidirardim. O'lgan bo'lsa qayerda yotibdi ekan? Partkom tog'a: "Oyoq tagida o'ralashma", – deb meni mashinaga chiqarib qo'ydi. Mashina usti qaytaga yaxshi ekan, hamma yoqni ko'rsa bo'ladi.

Partkom tog'a bizni boshlab kelishga boshlab kelib, karaxt bo'lib turgan so'kong'ich amakiga baqirdi:

– Hov sen, qani go'rkoving?..

U ekskavatorning temir uychasini ko'rsatdi. Abziy shu uychada o'tirib, ekskavatorni boshqarardi. Hozirgi ahvolda uychaning uychaligi qolmagan edi. Uni ekskavatorning kovushi ezib yotardi. Men Abziyning yoniga chiqib olgan paytlarimda shu temir kovushdan juda qo'rqardim. U hadeb temir uychani mo'ljal olib bostirib kelaverardi.

Темир уйчанинг эшиги зовурнинг деворига қопқоқ бўлиб қолган, олдиндаги ойнали дарчасини ковуш босиб ётарди. Абзий бечора уйчанинг ичида қолиб кетган.

Ковушни пўлат арқонга боғлаб, бир учини машинанинг орқасига боғлашди. Партком тоға: “Бошла”, – дегандек ҳайдовчига қўл силтади. Пўлат арқон қарсиллаб тортилди. Машинанинг ғилдираклари тупроқ аралаш лой сочиб, чирпирак бўлиб айланди. Трамбай ота билан сўконғич амакиям қараб туришмай, елка тираб, итаришворишди. Партком тоға шапкасининг айвонини кўтариб тез-тез пешанасини ушлаб-ушлаб қўярди. Охири темир ковуш ичидаги балчиғи билан бир чеккага сурилди-да, сирғалиб, у ҳам зовурга тушиб кетди. Сўконғич амаки шошганича сакраб ўтиб бориб темир уйчага мўралади. Кейин кутилмаганда биз та-рафга қараб тиржайди.

– Ниме дейсин, ширақ?

– Гўрков тирик, тирик... мен манови темир уйчада қолиб кетдимикан деб ўйлаган эдим. Вой онангни боласи, ўтакамни ёрди-я!

– Ўнда ў не жерде бўлат, ширағим?

Сўконғич амаки елка қисди.

– Бу иш бўлганда сиз қаерда эдингиз? – сўроққа тутди партком тоға.

– Дўконга кетувдим, келгунимча шу аҳвол, – деди у ерга қараб.

Трамбай отанинг жаҳлдан юз-кўзлари буришиб кетди.

– Ўй, бў-ў-ў-й... сен итни баласи, сўндай кундада бинага (винога) бардинг-ба... – бошини чангаллаб, тебранди ота. – Мина касапати... кўрдинг-ба! Ҳе, акени овзига, сени...

– Ҳе бўпти-е... шанғиллайверманг ҳадеб. Касапати... касапати... Темир-ку бу, одам ўлиб кетса нима бўларди? – баланд келди сўконғич амаки.

Кечга томон чўл осмони маторлар шовқинидан гувиллай бошлади. Экскаваторни ботқоқдан тортиб олиш учун ҳар қаёқдан турли хил техникалар етиб келган... Сургичлар, ўн ғилдиракли “Судабеккер” “Амиркон машина”лари. Аммо Абзий ҳеч ерда йўқ. Қилар ишни қилиб қўйиб, қочиб кетганга ўхшайди. Ичим қизиб, ўша ёққа боргим келади. Мужгон опа Парида икковимизни ёнидан қимирлатмайди. Ҳайитлаб шаҳарга тушиб кетганлар ҳали уйлари-дан қайтишмаган. Анисаниям, Махсимча акамниям чироғи ўчиқ. Улар ҳам ўша ёқда. Мужгон опага Махсимча ака билан бўлган воқеаларни айтиб бердим. Мужгон опа бу гапларни кўрқиб, ваҳимага тушиб эшитди... “Бечора Махсимчанинг пешанаси шўр экан”, – деб уҳ тортди. Парида бизникида ухлаб қолди.

Temir uychaning eshigi zovurning devoriga qopqoq bo'lib qolgan, oldindagi oynali darchasini kovush bosib yotardi. Abziy bechora uychaning ichida qolib ketgan.

Kovushni po'lat arqonga bog'lab, bir uchini mashinaning orqasiga bog'lashdi. Partkom tog'a: "Boshla", – degandek haydovchiga qo'l siltadi. Po'lat arqon qarsillab tortildi. Mashinaning g'ildiraklari tuproq aralash loy sochib, chirpirak bo'lib aylandi. Trambay ota bilan so'kong'ich amakiyam qarab turishmay, yelka tirab, itarishvorishdi. Partkom tog'a shapkasining ayvonini ko'tarib tez-tez peshanasini ushlab-ushlab qo'yardi. Oxiri temir kovush ichidagi balchig'i bilan bir chekkaga surildi-da, sirg'alib, u ham zovurga tushib ketdi. So'kong'ich amaki shoshganicha sakrab o'tib borib temir uychaga mo'raladi. Keyin kutilmaganda biz tarafga qarab tirjaydi.

– Nime deysin, shiraq?

– Go'rkov tirik, tirik... men manovi temir uychada qolib ketdimikan deb o'ylagan edim. Voy onangni bolasi, o'takamni yordi-ya!

– O'nda o' ne jerde bo'lat, shirag'im?

So'kong'ich amaki yelka qisdi.

– Bu ish bo'lganda siz qayerda edingiz? – so'roqqa tutdi partkom tog'a.

– Do'konga ketuvdim, kelgunimcha shu ahvol, – dedi u yerga qarab.

Trambay otaning jahldan yuz-ko'zlari burishib ketdi.

– O'y, bo'bo'y... sen itni balasi, so'nday kundada binaga (vinoga) barding-ba... – boshini changallab, tebrandi ota. – Mina kasapati... ko'rding-ba! He, akeni ovziga, seni...

– He bo'пти-e... shang'illayvermang hadeb. Kasapati... kasapati... Temir-ku bu, odam o'lib ketsa nima bo'lardi? – baland keldi so'kong'ich amaki.

Kechga tomon cho'l osmoni matorlar shovqinidan guvullay boshladi. Ekskavatorni botqoqdan tortib olish uchun har qayoqdan turli xil texnikalar yetib kelgan... Surgichlar, o'n g'ildirakli "Sudabekker" "Amirkon mashina"lari. Ammo Abziy hech yerda yo'q. Qilar ishni qilib qo'yib, qochib ketganga o'xshaydi. Ichim qizib, o'sha yoqqa borgim keladi. Mujgon opa Parida ikkovimizni yonidan qimirlatmaydi. Hayitlab shaharga tushib ketganlar hali uylaridan qaytishmagan. Anisaniam, Maxsimcha akamniyam chirog'i o'chiq. Ular ham o'sha yoqda. Mujgon opaga Maxsimcha aka bilan bo'lgan voqealarni aytib berdim. Mujgon opa bu gaplarni qo'rqib, vahimaga tushib eshitdi... "Bechora Maxsimchaning peshanasi sho'r ekan", – deb uh tortdi. Parida biznikida uxlab qoldi.

ТУНГИ ЙИҒИ

Ярим кечада йиғи овозидан уйғониб кетдим. Олдини-га ҳеч нарсага тушунмай гарангсиб турдим. Осма чироқ хона-ни зўрға ёритарди. Бунинг устига пилиги паст, учигина милтил-лаб кўринарди. Мужгон опа нуқул “Вой шўрим, вой шўрим”ларди. Кўзим деворга суяниб ўтирган Паридага тушди. Йиғлаётган Аниса эди!..

Экскаваторни кўтаришганда тагидан Абзийнинг ўлиги чиқибди. Ана шунақа мусибат..

Абзийни идорадан унча узоқ бўлмаган жойга кўмишди. Ха-ритада шу жой қабристон бўлиши кўрсатилган экан. Махсимча акам Қуръон ўқиди. Трамбай ота келганларга қараб: “Ўй жахсилар, Абзий не деган адам эди?” – деб сўради. У ер-бу ердан: “Жаннати одам эди”, – деган жавоблар бўлди. Ҳалидан бери қабр бошида пиқиллаб ўтирган Аниса бирданига шундай уввос солиб юборди-ки, ҳамма чўчиб тушди... Аниса анча вақт қабр бошида дод деб ўтирди. Ҳеч ким уни юпатмади, ўз ҳолига қўйиб беришди... Чўли Малик деган ном қулоғимга чалинсаёқ Анисанинг ўша дод-фарёди қулоқларим тагида ҳали-ҳануз эшитилгандек бўлаверади.

Шундай қилиб чўлда одамлар ҳали кўчиб келмай туриб қабристон ҳам пайдо бўлди. Ҳаёт деганлари шунақа экан. Одам-лар қаёққа борсалар, қабристонлари ҳам ўзлари билан юраркан. Қабрлар ҳам уйларга ўхшаб ёнма-ён бўларкан. Фақат гиламлари юмшоқ тупроғ-у, кўрпаси қоронғилик...

Абзий кўмилган куннинг эртасига мелиса келиб нимагадир сўконғич амакини олиб кетди. Уни Абзийнинг ўлимида айбла-шаётган экан. Экскаваторнинг занжири ўзидан-ўзи ситилиб кет-маганмиш. Бақир-чақир қилиб ҳаммани кўрқитиб юрадиган бу одам кўзимга икки букчайиб қолгандек кўринди. У юк машинасига чиқиб олгач, ён-атрофга аланглаб кимнидир қидирди. Қидирган одамини топмагач, жон-жаҳди билан бақирди:

– Ани-са-а!..

(Бу овоз ҳам ҳали-ҳануз қулоқларим тагида акс садо бериб ту-ради. Билмайман нимага?..)

НАВБАТ МАХСИМЧА АКАМГА

Шу воқеадан кейин чўлдаги янги уйларнинг кам-кўстини пар-дозлаш ишлари тезлашиб кетди. Эртадан кечгача югур-югур, бақир-чақир. Партком тоға энди пешанасини оқ дока билан боғлаб, янги уйларнинг ҳали у ер, ҳали бу ерига қайта-қайта оҳак

TUNGI YIG'I

Yarim kechada yig'i ovozidan uyg'onib ketdim. Oldiniga hech narsaga tushunmay garangsib turdim. Osmo chiroq xonani zo'rg'a yoritardi. Buning ustiga piligi past, uchigina miltillab ko'rinardi. Mujgon opa nuqul "Voy sho'rim, voy sho'rim"lardi. Ko'zim devorga suyanib o'tirgan Paridaga tushdi. Yig'layotgan Anisa edi!..

Ekskavatorni ko'tarishganda tagidan Abziyning o'ligi chiqibdi. Ana shunaqa musibat!..

Abziyni idoradan uncha uzoq bo'lmagan joyga ko'mishdi. Xaritada shu joy qabriston bo'lishi ko'rsatilgan ekan. Maxsimcha akam Qur'on o'qidi. Trambay ota kelganlarga qarab: "O'y jaxsilar, Abziy ne degan adam edi?" – deb so'radi. U yer-bu yerdan: "Jannati odam edi", – degan javoblar bo'ldi. Halidan beri qabr boshida piqillab o'tirgan Anisa birdaniga shunday uvvos solib yubordiki, hamma cho'chib tushdi!.. Anisa ancha vaqt qabr boshida dod deb o'tirdi. Hech kim uni yupatmadi, o'z holiga qo'yib berishdi!.. Cho'li Malik degan nom qulog'imga chalinsayoq Anisaning o'sha dod-faryodi quloqlarim tagida hali-hanuz eshitilgandek bo'laveradi.

Shunday qilib cho'lda odamlar hali ko'chib kelmay turib qabriston ham paydo bo'ldi. Hayot deganlari shunaqa ekan. Odamlar qayoqqa borsalar, qabristonlari ham o'zlari bilan yurarkan. Qabrlar ham uylarga o'xshab yonma-yon bo'larkan. Faqat gilamlari yumshoq tuprog'-u, ko'rpasi qorong'ilik!..

Abziy ko'milgan kunning ertasiga melisa kelib nimagadir so'kong'ich amakini olib ketdi. Uni Abziyning o'limida ayblashayotgan ekan. Ekskavatorning zanjiri o'zidan o'zi sitilib ketmaganmish. Baqir-chaqir qilib hammani qo'rqitib yuradigan bu odam ko'zimga ikki bukchayib qoigandek ko'rindi. U yuk mashinasiga chiqib olgach, yon-atrofga alanglab kimnidir qidirdi. Qidirgan odamini topmagach, jon-jahdi bilan baqirdi:

– Anisaa!..

(Bu ovoz ham hali-hanuz quloqlarim tagida aks sado berib turadi. Bilmayman nimaga?..)

NAVBAT MAXSIMCHA AKAMGA

Shu voqeadan keyin cho'ldagi yangi uylarning kam-ko'stini pardozlash ishlari tezlashib ketdi. Ertadan kechgacha yugur-yugur, baqir-chaqir. Partkom tog'a endi peshanasini oq doka bilan bog'lab, yangi uylarning hali u yer, hali bu yeriga qayta-qayta ohak chaplatadi,

чаплатади, йўлаклар солдиради. Қурувчилар ўзларига уй танлашади. Ким билан қўшни бўлишни ўйлашади. Трамбай ота ўз "трамбайида" тинимсиз чучук сув ташийди. У нукул қамчи дастаси билан икки кураги орасини қашигани-қашиган. Уйлар ёнидаги ёғоч бочкаларни сувга тўлатади. Устига ёғоч қопқоқларини ёпади. Мужгон опа кунда-кунора "штаб" деган жойдан мол ташийди. Дўконда жой йўқ, мол уйилиб кетган. Дўкон ёнига қоровулхона қуриш ташвиши туғилган.

Бир куни комиссия келди-да, нимагадир кўчиш орқага сурилди. Югур-югурлар тўхтаб қолди. Қурувчилар билан катталар ўртасида жанжал чиқибди. Катталар аввал қурувчиларни уйли-жойли қилишга ваъда беришган экан. Битта Абзийгина уйга эга бўлибди, холос. Уни ҳам ўлиб қолгани учун бола-чақасига беришибди. Бошқаларга уй-жой тегмапти. Шунга улар норози бўлиб юқорига ёзишибди...

Сўкөнғич амакини милиса олиб кетгандан кейин энди навбат Махсимчага деган гап юрарди. Бир куни партком тоға билан дадам ўртасида шундай бир суҳбатга гувоҳ бўлдим:

– Буғдойни қачон олиб келасиз? – сўради партком тоға.

– Олиб келган билан кимга тарқатаман? – деди дадам.

– Кўчиш масаласи жуда чўзилди-да. Оёқ-қўлни боғлаб қўйди, лаънати. Бу ёқда бош лўқиллаб қўймаяпти, денг. Кечалари уйку йўқ. Тушларам алағ-чалағ... Мени еди у бола...

– Сиз бунақа қилиб юрманг, – деди дадам ачиниб, – дўхтирга қаратинг, банисага ётинг.

– Олдин Махсимчани бир ёқли қилиб олай, кейин...

Дадам парткомга ғалати қараб, деди.

– Тавба, ўша куни ўзингиздан ҳам ўтган-ку, ё гапим нотўғрими?

– Э, қўйинг-е, – қўл силтаб ўрнидан туриб кетди партком тоға, – судда ҳам шунақа дерсиз ҳали...

– Судда менинг гапим ўтмайди, мен маш-машанинг устида бўлмаганман. Барибир ҳайит куни яхши иш қилмагансиз, оғайни...

– Сизнингча ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверса, а?..

– Махсимчани биласиз, у бу жойларга итоб қилинган. Бир мулмонга жавр бўлиб кетмасин деяпман-да...

– Шунақа экан, жимгина юрсин эди. Нима қиларди ҳайит намозига бориб...

– Отам раҳматлик айтардилар: "Намозхонга ибодат пайтида, илонга пўст ташлаганда тегма – икковиям чақади", деб... Билсангиз чўлга сиз билан биздан кўра шу Махсимчалар керак. Кўрдингиз-ку, Абзийни қандоқ қилиб ювиб-тараб, бир чиройли қилиб, гўрга жойлади. Бунақа ишлар икки дунёда ҳам сиз билан менинг кўлимдан келмайди...

Партком дадамга ғалати кулиб қаради-да, деди:

yo'laklar soldiradi. Quruvchilar o'zlariga uy tanlashadi. Kim bilan qo'shni bo'lishni o'ylashadi. Trambay ota o'z "trambayida" tinimsiz chuchuk suv tashiydi. U nuqul qamchi dastasi bilan ikki kuragi orasini qashigani-qashigan. Uylar yonidagi yog'och bochkalarni suvga to'latadi. Ustiga yog'och qopqoqlarini yopadi. Mujgon opa kundakunora "shtab" degan joydan mol tashiydi. Do'konda joy yo'q, mol uyilib ketgan. Do'kon yoniga qorovulxona qurish tashvishi tug'ilgan.

Bir kuni komissiya keldi-da, nimagadir ko'chish orqaga surildi. Yugur-yugurlar to'xtab qoldi. Quruvchilar bilan kattalar o'rtasida janjal chiqibdi. Kattalar avval quruvchilarni uyli-joyli qilishga va'da berishgan ekan. Bitta Abziygina uyga ega bo'libdi, xolos. Uni ham o'lib qolgani uchun bola-chaqasiga berishibdi. Boshqalarga uy-joy tegmapti. Shunga ular norozi bo'lib yuqoriga yozishibdi...

So'kong'ich amakini milisa olib ketgandan keyin endi navbat Maxsimchaga degan gap yurardi. Bir kuni partkom tog'a bilan dadam o'rtasida shunday bir suhbatga guvoh bo'ldim:

– Bug'doyni qachon olib kelasiz? – so'radi partkom tog'a.

– Olib kelgan bilan kimga tarqataman? – dedi dadam.

– Ko'chish masalasi juda cho'zildi-da. Oyoq-qo'ini bog'lab qo'ydi, la'nati. Bu yoqda bosh lo'qillab qo'ymayapti, deng. Kechalari uyqu yo'q. Tushlaram alag'-chalag'... Meni yedi u bola...

– Siz bunaqa qilib yurmang, – dedi dadam achinib, – do'xtirga qarating, banisaga yoting.

– Oldin Maxsimchani bir yoqli qilib olay, keyin...

Dadam partkomga g'alati qarab dedi.

– Tavba, o'sha kuni o'zingizdan ham o'tgan-ku, yo gapim noto'g'rimi?

– E, qo'ying-e, – qo'l siltab o'rnidan turib ketdi partkom tog'a, – sudda ham shunaqa dersiz hali...

– Sudda mening gapim o'tmaydi, men mash-mashaning ustida bo'lmaganman. Baribir hayit kuni yaxshi ish qilmagansiz, og'ayni...

– Sizningcha yopig'liq qozon yopig'ligicha qolaversa, a?..

– Maxsimchani bilasiz, u bu joylarga itob qilingan. Bir musulmonga javr bo'lib ketmasin, deyaqman-da...

– Shunaqa ekan, jimgina yursin edi. Nima qilardi hayit namoziga borib...

– Otam rahmatlik aytardilar: "Namozxonga ibodat paytida, ilonga po'st tashlaganda tegma – ikkoviyam chaqadi", deb... Bilsangiz cho'lga siz bilan bizdan ko'ra shu Maxsimchalar kerak. Ko'rdingiz-ku, Abziyni qandoq qilib yuvib-tarab, bir chiroyli qilib, go'rga joyladi. Bunaqa ishlar ikki dunyoda ham siz bilan mening qo'limdan kelmaydi...

Partkom dadamga g'alati kulib qaradi-da, dedi:

– Сиз пул билан ишлайдиган одамсиз, оғайни, бунчалар содда бўлманг, бунақада эрта кунда чув тушиб қоласиз! Махсимча билсангиз менгамас, юқорига қарши тош отди. Мен ким бўпман. Ўлиб кетмайманми? Ўша куни шопирлик қилган ҳайдовчи райкомнинг одами эди. Махсимчага аллақачон гўр қазиб бўлинган... Сал миш-мишлар эскисин, дейишяпти...

Шу пайт дадамнинг кўзлари менга тушиб қолди-ю:

– Нима қилиб юрибсан бу ерда, – деб уришиб берди.

Ўша куни Махсимча акамни олиб кетгани милиса келди. У бошини эгмади, қовоқ ҳам солмади, қаддини тик тутди. Бизлар билан кулиб туриб хайр-хўшлашди. (Ҳали-ҳануз эрта баҳор, кеч кузакда офтоб булутлар орқасидан “йилт” этиб чиқса, Махсимча акамни эслайман. Унинг кулгиси қанақа кулги эди? Ҳали-ҳануз ўйлаб ўйимга ета олмайман. Лекин ҳаётимда кечган энг оғир дамларда ҳам Махсимча акага ўхшаб кулиб қўйишга ҳаракат қилганларим эсимда...)

ДОВУЛ

Бир куни дадам қаторлаштириб бир эмас, тўртта юк машинасида буғдой олиб келди. Буғдойни кўплашиб шоша-пиша идора олдидаги тақир майдонга тўкишди. “Эртага чўлга одамлар кўчиб келар экан”, – деган гап тарқалди. Қурувчилар кўрпа-тўшакларини йиғиштира бошлашди. Афтидан, буғдой олиб келган машиналарда шаҳарга қайтишадиган. Юқорига қилган арзлари ўтмапти. Уй-жой уларнинг фойдасига ҳал бўлмабди. Трамбай ота орқаларидан: “Ўни олма, бўни таста”, – деб чопиб юрибди. Қурувчилар пачоқ пақирларни атайлаб у ёқдан бу ёққа тепиб, отиб уришади, кимдан алам олишни билишмайди. Алданиб қолиш ёмон экан-да...

Буғдойни бир жойга уйиб, устига брезент ёпишди. Чор атрофига қозиклар қоқиб, брезент боғичларини тортиб боғлашди. Эртагача турса бўлди экан. Келганларга тарқатиб юборишаркан. Кейин қурувчилар машиналарга ўтириб жўнаворишди. Парида билан Аниса ҳам улар билан кетди. Мен машинанинг орқасидан қараб қолдим.

Чўлда уч киши: Трамбай ота, Мужгон опа ва мен қолдим. Трамбай ота бугун овулга қайтмайди, буғдойни қоровуллаб чиқади.

Трамбай отанинг олдиларидан уйга қайтар эканман, ҳамма ёқ хувиллаб қолгани билинди. Ичим ҳам бўм-бўш. Шунда Паридага ўрганиб қолганимни билдим. Осмонга булут чиққан, офтоб кўринмас, ҳаво айниб, бир нима бостириб келаётганга ўхшарди. Юрагим бир кўнгилсизликни сезгандек ҳаприқди. Нима бўлиши мумкин?



– Siz pul bilan ishlaydigan odamsiz, og'ayni, bunchalar sodda bo'lmang, bunaqada erta kunda chuv tushib qolasiz! Maxsimcha bilsangiz mengamas, yuqoriga qarshi tosh otdi. Men kim bo'pman. O'lib ketmaymanmi? O'sha kuni shopirlik qilgan haydovchi raykomning odami edi. Maxsimchaga allaqachon go'r qazib bo'lingan... Sal mish-mishlar eskisin, deyishyapti...

Shu payt dadamning ko'zlari menga tushib qoldi-yu:

– Nima qilib yuribsan bu yerda, – deb urishib berdi.

O'sha kuni Maxsimcha akamni olib ketgani milisa keldi. U boshini egmadi, qovoq ham solmadi, qaddini tik tutdi. Bizlar bilan kulib turib xayr-xo'shlashdi. (Hali-hanuz erta bahor, kech kuzakda oftob bulutlar orqasidan "yilt" etib chiqsa, Maxsimcha akani eslayman. Uning kulgisi qanaqa kulgi edi? Hali-hanuz o'ylab o'yimga yeta olmayman. Lekin hayotimda kechgan eng og'ir damlarda ham Maxsimcha akaga o'xshab kulib qo'yishga harakat qilganlarim esimda...)

DOVUL

Bir kuni dadam qatorlashtirib bir emas, to'rtta yuk mashinasida bug'doy olib keldi. Bug'doyni ko'plashib shosha-pisha idora oldidagi taqir maydonga to'kishdi. "Ertaga cho'lga odamlar ko'chib kelar ekan", – degan gap tarqaldi. Quruvchilar ko'rpa-to'shaklarini yig'ishtira boshlashdi. Aftidan, bug'doy olib kelgan mashinalarda shaharga qaytishadigan. Yuqoriga qilgan arzlari o'tmapti. Uy-joy ularning foydasiga hal bo'lmabdi. Trambay ota orqalaridan: "O'ni olma, bo'ni tasta", – deb chopib yuribdi. Quruvchilar pachoq paqirlarni ataylab u yoqdan bu yoqqa tepib, otib urishadi, kimdan alam olishni bilishmaydi. Aldanib qolish yomon ekan-da...

Bug'doyni bir joyga uyib, ustiga brezent yopishdi. Chor atrofiga qoziqlar qoqib, brezent bog'ichlarini tortib bog'lashdi. Ertagacha tursa bo'ldi ekan. Kelganlarga tarqatib yuborisharkan. Keyin quruvchilar mashinalarga o'tirib jo'navorishdi. Parida bilan Anisa ham ular bilan ketdi. Men mashinaning orqasidan qarab qoldim.

Cho'lda uch kishi: Trambay ota, Mujgon opa va men qoldim. Trambay ota bugun ovulga qaytmaydi, bug'doyni qorovullab chiqadi.

Trambay otaning oldilaridan uyga qaytar ekanman, hamma yoq huvullab qolgani bilindi. Ichim ham bo'm-bo'sh. Shunda Paridaga o'rganib qolganimni bildim. Osmonga bulut chiqqan, oftob ko'rinmas, havo aynib, bir nima bostirib kelayotganga o'xshardi. Yuragim bir ko'ngilsizlikni sezgandek hapriqdi. Nima bo'lishi mumkin?

Ҳар куни бу пайтда тўрғайлар инларининг тепасида қанот қоқиб чулдирашар, офтоб қамишлар орасига думалаб кетиши билан улар қайгадир шўнғиб, ғойиб бўлишарди. Бугун нимагадир тўрғайлар чулдирамас, ўрдаклар ҳам Балиққўлга қараб учмас эди. Шу пайт қасир-қусур этган овозлардан чўчиб тушдим. Оёғим чапишиб, кўзимга чанг-тўзон тўлди. Ўзимни бошқара олмай гурсиллаб ерга йиқилдим. Яқин атрофдан Трамбай отанинг овози келди: “Қош, ширағим, ажина шамал, қо-о-ш...” Ажина шамол қанақалигини биламан. У нуқул якка-ёлғиз юрган одамларни овлайди. Тегирмонига илинтирса бўлди, даст кўтаради-ю ботқоқда оғзини очиб ётган ботқоқ жинларига олиб бориб ташлайди. Ажина шамол бир марта Трамбай отани ҳам от-поти билан кўтариб кетмоқчи бўлган. Оти тўрт оёғини ерга тираб, пишқириб, қимир этмай тураверган. Агарда отининг битта оёғи ердан узилганда ҳам тирик қолмаган бўларкан.

Оғзи-бурним тупроққа тўлиб, ерга ёпишганча бўфила бошладим. Ўрнимдан турдим, бир куч мени нарига суриб кетди. Ҳа, ердан узилишимни кутиб турган экан. Бир нимага бориб урилдим. Кимдир мени чақирарди. Трамбай отами, Мужгон опа, билолмадим...

Бирдан тўс-тўполон тинди. Тўрғай овозлари эшитилди... Ёнимда онажоним пайдо бўлди. Ҳа, ҳа, йўқотиб қўйиб тополмай юрган ойижоним... Ой-и-и...

Кўзимни очсам, уйда ётибман. Тепамда Мужгон опа билан Трамбай ота ташвишли қараб ўтиришибди.

– Ўқийверинг, Трамбай ота, кечаси билан алаҳсираб чиқди, иссиғиям бор, – деди Мужгон опа пешанамни ушлаб.

– Қийин, қийин бунинг отасига бўлди. Довул шунча буғдойни учириб кетибди.

Трамбай ота бошимни силаб-силаб ўқиб, дам сола бошлади... Мен ухлаб қолдимми, билмайман... Бир боғда юрган эмишман. Мевалари уч-учларида қолганмиш. Нок егим келармиш. Кесак отиб, етказа олмасмишман. Шу пайт битта нок ўзидан ўзи “тап” этиб оёғим тагига тушибди. Қаердандир Махсимча акамнинг овози келармиш... У Куръон ўқирмиш...

Мен кўзимни очганимда шаҳар шифохонасида ётардим... Неча кун ётганимни билмайман...

ЯХШИ АМАКИ

Нимага энди Яхши амакини эслаб туриб, чўлдаги воқеаларга ўтиб кетдим? Мужгон опа ҳам Яхши амакига ўхшаб мени ўғил қилиб олмоқчи, бир ёқларга олиб кетмоқчи бўлардилар-да, шуни айтмоқчийдим. Мужгон опа мени олиб кетолмадилар. Бошларига

Har kuni bu paytda to'rg'aylar inlarining tepasida qanot qoqib chuldirashar, o'tob qamishlar orasiga dumalab ketishi bilan ular qaygadir sho'ng'ib, g'oyib bo'lishardi. Bugun nimagadir to'rg'aylar chuldiramas, o'rdaklar ham Baliqko'liga qarab uchmas edi. Shu payt qasir-qusur etgan ovozlardan cho'chib tushdim. Oyog'im chalishib, ko'zimga chang-to'zon to'ldi. O'zimni boshqara olmay gursullab yerga yiqildim. Yaqin atrofdan Trambay otaning ovozi keldi: "Qosh, shirag'im, ajina shamal, qoosh..." Ajina shamol qanaqaligini bilaman. U nuqul yakka-yolg'iz yurgan odamlarni ovlaydi. Tegirmoniga ilintirsa bo'ldi, dast ko'taradi-yu, botqoqda og'zini ochib yotgan botqoq jinlarga olib borib tashlaydi. Ajina shamol bir marta Trambay otani ham ot-poti bilan ko'tarib ketmoqchi bo'lgan. Oti to'rt oyog'ini yerga tirab, pishqirib, qimir etmay turavergan. Agarda otining bitta oyog'i yerdan uzilganda ham tirik qolmagan bo'larkan.

Og'zi-burnim tuproqqa to'lib, yerga yopishganicha bo'g'ila boshladim. O'rnimdan turdim, bir kuch meni nariga surib ketdi. Ha, yerdan uzilishimni kutib turgan ekan. Bir nimaga borib urildim. Kimdir meni chaqirardi. Trambay otami, Mujgon opami, bilolmadim...

Birdan to's-to'polon tindi. To'rg'ay ovozlari eshitildi... Yonimda onajonim paydo bo'ldi. Ha, ha, yo'qotib qo'yib topolmay yurgan oyijonim... Oyii...

Ko'zimni ochsam, uyda yotibman. Tepamda Mujgon opa bilan Trambay ota tashvishli qarab o'tirishibdi.

– O'qiyvering, Trambay ota, kechasi bilan alahsirab chiqdi, issig'iyam bor, – dedi Mujgon opa peshanamni ushlab.

– Qiyin, qiyin buning otasiga qiyin bo'ldi. Dovul shuncha bug'doyin uchirib ketibdi.

Trambay ota boshimni silab-silab o'qib, dam sola boshladi... Men uxlab qoldimmi, bilmayman... Bir bog'da yurgan emishman. Mevalari uch-uchlarida qolganmish. Nok yegim kelarmish. Kesak otib, yetkaza olmasmishman. Shu payt bitta nok o'zidan o'zi "tap" etib oyog'im tagiga tushibdi. Qayerdandir Maxsimcha akamning ovozi kelarmish... U Qur'on o'qirmish...

Men ko'zimni ochganimda shahar shifoxonasida yotardim... Necha kun yotganimni bilmayman...

YAXSHI AMAKI

Nimaga endi Yaxshi amakini eslab turib, cho'ldagi voqealarga o'tib ketdim? Mujgon opa ham Yaxshi amakiga o'xshab meni o'g'il qilib olmoqchi, bir yoqlarga olib ketmoqchi bo'lardilar-da, shuni aytmoqchiydim. Mujgon opa meni olib ketolmadilar. Boshlariga

бошқа ташвиш тушиб қолди. Мен яна аячамнинг кўлига келиб тушдим.

Энди яна Яхши амаки ҳақида... Бир куни у киши билан чойхонада нонушта қилиб ўтирган эдик, калта-калта йўталиб, сўри тагига қон аралаш тупурганини кўриб қолдим. Яхши амаки эътибор қилма, дегандек менга қаради-да:

– Ўпкамда осколка қолиб кетган, ўғлим. Ҳар замонда шунақа ўзини билдириб туради. Кейинги кунларда ёғли нарсаларни кўнглим хушламай қолгани шундан. Қаймоқ ҳам ёғлида. Сен менга қарамай олавер. Қоринни тўйғаз. Аячангни биламан. Жуда яхши биламан. Ўшанда сизларникига қулаб тушган деворни кўтаргани борганимда у хотиннинг қанақалигини бир оғиз сўзидан билиб олганман. Ҳовлингиз катта экан, битта ит зарур экан десам, аячанг битта итимиз бор, бошқасини нима қиламан, деб сени кўрсатган эди. Шу гапидан кейин ишни чала ташлаб кетворганман. Бу хонадондан топган пулим ҳаром, деб. Даданг мендан бекорга хафа бўлиб юрди. Ўшанда дадангга бўлган гапни айтолмадим, ўғлим...

Мен Яхши амаки билан уйимизда гувала ташиб танишиб қолган эдим. Келмай кўйганининг сабаби бу ёқда экан. Шунинг учун у киши дастлаб мендан қаймоқ сотиб олиб, чойни бирга ичамиз, деганида тортинмаган эдим. Кейинчалик бу меҳмондорчилик одатга айланди. Ҳар куни эрта бўлишини соғиниб кутаман. Аста-секин Яхши амаки билан сирдош ҳам бўлиб қолдик. У киши мен ҳақимда сўрамас эди. У киши ҳам худди Мужгон опага ўхшаб: “Юр, ўғлим, бошимиз оққан томонларга кетайлик”, – дейишини кутардим...

Сўқимларга терт қоришни, қаймоқ сотишни аячам иш қаторига қўшмасди. Силлани қуритадиган ишлар гузардан борганимдан кейин бошланарди. Молларнинг тагини қуруқлаш, гўнгни замбилғалтакда ўрага ташиш... Ана ундан кейин ҳовли супуриш... Ҳовлимиз катта, ҳайҳотдек. Марвартагнинг шохлари тўрт томонга тарвақайлаб кетган. Меваси баргидан кўп бўлгани учун ҳам қуртга кесишмайди. Ёзда меваси тўкилавериш тинкани қуритади. Пашша босмасин деб супурганим-супурган. Куз бўлса, то баргини совуқ урмагунча супуриб тинмайман.

Ҳовлини супуриб бўлгач, сут пишираман. Сутни аячам бир қошиқ ҳам қолдирмай қозондан кўтариб олади. Таги қирмоч олсин деб оловни атайлаб баландлатаман. Чўғни кўриб аячамнинг жони чиқади. “Эртага ўтин қолмаса, ўрнига ўзингни ёқаман, жувонмарг”, – дейди.

Қирмочни ҳафсала билан қириб, сопол косага оламан. Шундан кейин кўлимга бир бурда куйик нон тегади. Аячам нон ёпаётгани-



boshqa tashvish tushib qoldi. Men yana ayachamning qo'liga kelib tushdim.

Endi yana Yaxshi amaki haqida... Bir kuni u kishi bilan choyxonada nonushta qilib o'tirgan edik, kalta-kalta yo'talib, so'ri tagiga qon aralash tupurganini ko'rib qoldim. Yaxshi amaki e'tibor qilma, degandek menga qaradi-da:

– O'pkamda oskolka qolib ketgan, o'g'lim. Har zamonda shunaqa o'zini bildirib turadi. Keyingi kunlarda yog'li narsalarni ko'nglim xushlamay qolgani shundan. Qaymoq ham yog'lida. Sen menga qaramay olaver. Qorinni to'yg'az. Ayachangni bilaman. Juda yaxshi bilaman. O'shanda sizlarnikiga qulab tushgan devorni ko'targani borganimda u xotinning qanaqaligini bir og'iz so'zidan bilib olganman. Hovlingiz katta ekan, bitta it zarur ekan desam, ayachang bitta itimiz bor, boshqasini nima qilaman, deb seni ko'rsatgan edi. Shu gapidan keyin ishni chala tashlab ketvorganman. Bu xonadondan topgan pulim harom, deb. Dadang mendan bekorga xafa bo'lib yurdi. O'shanda dadangga bo'lgan gapni aytolmadim, o'g'lim...

Men Yaxshi amaki bilan uyimizda guvala tashib tanishib qolgan edim. Kelmay qo'yganining sababi bu yoqda ekan. Shuning uchun u kishi dastlab mendan qaymoq sotib olib, choyni birga ichamiz, deganida tortinmagan edim. Keyinchalik bu mehmondorchilik odatga aylandi. Har kuni erta bo'lishini sog'inib kutaman. Asta-sekin Yaxshi amaki bilan sirdosh ham bo'lib qoldik. U kishi men haqimda so'ramas edi. U kishi ham xuddi Mujgon opaga o'xshab: "Yur, o'g'lim, boshimiz oqqan tomonlarga ketaylik", – deyishini kutardim...

So'qimlarga tert qorishni, qaymoq sotishni ayacham ish qatoriga qo'shmasdi. Sillani quritadigan ishlar guzardan borganimdan keyin boshlanardi. Mollarning tagini quruqlash, go'ngni zambilg'altakda o'raga tashish... Ana undan keyin hovli supurish... Hovlimiz katta, hayhotdek. Marvartagning shoxlari to'rt tomonga tarvaqaylab ketgan. Mevasi bargidan ko'p bo'lgani uchun ham qurtga kesishmaydi. Yozda mevasi to'kilaverib tinkani quritadi. Pashsha bosmasin deb supurganim-supurgan. Kuz bo'lsa, to bargini sovuq urmaguncha supurib tinmayman.

Hovlini supurib bo'lgach, sut pishiraman. Sutni ayacham bir qoshiq ham qoldirmay qozondan ko'tarib oladi. Tagi qirmoch olsin deb olovni ataylab balandlataman. Cho'g'ni ko'rib ayachamning joni chiqadi. "Ertaga o'tin qolmasa, o'rniga o'zingni yoqaman, juvon-marg", – deydi.

Qirmochni hafsala bilan qirib, sopol kosaga olaman. Shundan

да атайлаб орқасидан у ёқдан бу ёққа ўтавераман. Шундай қилса тандирдаги нон оқиб тушади, деб эшитганман. Қанча кўп нон оқиб тушса, менга шунча яхши. Уларни мендан бошқа ҳеч ким емайди. Ҳовлида боши билан охири кўринмайдиган яна битта иш бор. У сув ташиш. Ариқ бир маҳалла наридан оқиб ўтган. Одамлар сувни эшакарава, замбилғалтакларда ташишади. Мен учта кўшнининг туйнугидан ўтиб сув ташийман. Улар менга ачинишадими, ишқилиб, рухсат бериб кўйишган. Айниқса, сўқимларни сувга тўйдириш азоб... Ҳар бири икки-уч пақирлаб сув ичади.

Мен учун нафас ростлаб, дам оладиган жой бу – мактаб. Мактабни яхши кўраман. Мактабни ўйлаб топганларни ичимда дуо қиламан. Устознинг гаплари қулоғимга ёғдек ёқади. Қарғиш эшитаверишдан яхши-да. Шунгами, гаплари қулоғимда қолади. Уй вазифаларимни танаффус пайтидаёқ тайёрлаб оламан. Уйда дарс қилишга имкон қайда?

Мактабнинг менга ёқмайдиган жиҳати ҳам бор. Эслаб сиқилиб кетаман. У – толмачой. Устозимиз қайдандир сариқ мис човгумда чой олиб келиб, ўзининг ёзув устолига дастурхон ёзади. Болалар уйларида олиб келган егуликларни ўртага кўйишади. Ким оппоқ бўрсилдоқ нон, ким зоғора, ким қотирма... туршак, жийда, тутқоқи... Мен бўлсам кулга тушган, қора-қура бурдаларни ўртага кўя олмайман. Толмачой вақтида ё қорним, ё тишим “оғриб” қолади.

Мактабда бировга айтиб бўлмайдиган яна битта иш бор. У қанчалик шармандали бўлмасин, барибир қилишга мажбурман. Бу шундай иш:

Устозимиз дарсни тамомлаб, китоб, дафтар-у қаламларимизни шошмасдан жилдга жойлашга буюради.

- Бўлдиларингми?
- Бўлдик, опай.
- Ҳеч нарсаларинг қолиб кетмадими?
- Қопкетмади, опай.
- Озодсизлар!

Шундоғам хаёли кўчада бўлиб турган болалар гурра ташқарига отиради. Шу пайтда мен жўртага бир нимани тушириб юбораман. Уни олиш баҳонасида олдиндаги парта ғаладонларига тезда қараб оламан. Олдинда Содиқовга ўхшаган бойвуччалар ўтиришади. Улар ортиб қолган нон бурдаларини атайлаб ташлаб кетишади. Бурдаларни ола жилдимга жойлайман...

Йўл-йўлакай топилдиқ бурдаларни еб, нафсимни қондираман. Уйда мени бир дунё иш кутиб туради. Аячам атайлаб: “Қорнинг қанақа?” – деб сўраб кўяди. “Тўқман”, – десам, хурсанд бўлиб



keyin qo'limga bir burda kuyik non tegadi. Ayacham non yopayotganida ataylab orqasidan u yoqdan bu yoqqa o'taveraman. Shunday qilsa tandirdagi non oqib tushadi, deb eshitganman. Qancha ko'p non oqib tushsa, menga shuncha yaxshi. Ularni mendan boshqa hech kim yemaydi. Hovlida boshi bilan oxiri ko'rinmaydigan yana bitta ish bor. U suv tashish. Ariq bir mahalla naridan oqib o'tgan. Odamlar suvni eshakarava, zambilg'altaklarda tashishadi. Men uchta qo'shnining tuynugidan o'tib suv tashiyman. Ular menga achinishadimi, ishqilib, ruxsat berib qo'yishgan. Ayniqsa, so'qimlarni suvga to'ydirish azob... Har biri ikki-uch paqirlab suv ichadi.

Men uchun nafas rostlab, dam oladigan joy bu – maktab. Maktabni yaxshi ko'raman. Maktabni o'ylab topganlarni ichimda duo qilaman. Ustozning gaplari qulog'imga yog'dek yoqadi. Qarg'ish eshitaverishdan yaxshi-da. Shungami, gaplari qulog'imda qoladi. Uy vazifalarimni tanaffus paytidayoq tayyorlab olaman. Uyda dars qilishga imkon qayda?

Maktabning menga yoqmaydigan jihati ham bor. Eslab siqilib ketaman. U – tolmachoy. Ustozimiz qaydandir sariq mis chovgumda choy olib kelib, o'zining yozuv ustoliga dasturxon yozadi. Bolalar uylaridan olib kelgan yeguliklarni o'rtaga qo'yishadi. Kim oppoq bo'rsildoq non, kim zog'ora, kim qotirma... turshak, jiyda, tutqoqi... Men bo'lsam kulga tushgan, qora-qura burdalarni o'rtaga qo'ya olmayman. Tolmachoy vaqtida yo qornim, yo tishim "og'rib" qoladi.

Maktabda birovg'a aytib bo'lmaydigan yana bitta ish bor. U qanchalik sharmandali bo'lmasin, baribir qilishga majburman. Bu shunday ish:

Ustozimiz darsni tamomlab, kitob, daftar-u qalamlarimizni shoshmasdan jildga joylashga buyuradi.

- Bo'ldilaringmi?
- Bo'ldik, opay.
- Hech narsalaring qolib ketmadimi?
- Qopketmadi, opay.
- Ozodsizlar!

Shundog'am xayoli ko'chada bo'lib turgan bolalar gurra tashqariga otiladi. Shu paytda men jo'rtaga bir nimani tushirib yuboraman. Uni olish bahonasida oldindagi parta g'aladonlariga tezda qarab olaman. Oldinda Sodiqovga o'xshagan boyvuchchalar o'tirishadi. Ular ortib qolgan non burdalarini ataylab tashlab ketishadi. Burdalarni oia jildimga joylayman...

Yo'l-yo'lakay topildiq burdalarni yeb, nafsimni qondiraman. Uyda meni bir dunyo ish kutib turadi. Ayacham ataylab: "Qorning qanaqa?" – deb so'rab qo'yadi. "To'qman", – desam, xursand bo'lib ketadi.

кетади. Аячамни ҳар куни шу йўл билан хурсанд қилгим келади. Топилдиқ бурдалар бўлмаган куни ноилож Ача холаникига кирман. Шундоғам кунини зўрға кўриб ўтирган кампирнинг нонига шерик бўлишдан уялмайман. Кампир мени кўриши билан шошиб қолади. Худди мени кўпдан соғиниб кутаётгандек, юз-кўзлари кулиб:

– Вой, ўргилай мирзо боламдан, бугун бир бувижонимни кўрай дептилар-да, а, қадамларига ҳасанот, чиқсинлар, – деб кўллари билан уй тўрини кўрсатади. Мени катта одам санаб юқорига ўтказмоқчи бўлади. Мен бўлсам пойгакка чўк туша қоламан. Санда ал атрофидаги кўрпачалар қишин-ёзин йиғилмайди. Менинг пойгакка чўкканимни кўриб Ача хола астойдил хафа бўлади:

– Ҳай-ҳай, бу нимаси? Йў-ў, йў-ў... айб бўлади-я, мирзо болам. Жойингизни бил-и-и-б ўтиринг. Ҳа, йигит киши ўз ўрнини билгани яхши. Худойим эркакни азиз қилиб тупроқдан яратган-а, сизга айтсам. Хотин кишини этдан (гўштдан демоқчилар) яратган. Шунга бўлса керак эркак зоти қаримайди. Қачон қараса хушрўй бўлиб юради. Хотин киши-чи?... – Ача хола олдинига қиқирлаб, маза қилиб кулиб олади. Кейин юз-кўзларини силаб: – Менга ўхшаб буришиб, тиришиб, туршаги чиқ-и-и-б қолади. Гўшт тез айнийди-да, болам...

Мен бу гапларга унчалик эътибор қилмайман. Кейин бу ерга бунақа гапларни эшитгани кирганим йўқ. Мақсад – қорин тўйдириш.

Хола мени кўярда-қўймай барибир уй тўрига чиқаради. Ғалати-и-и бўлиб кетаман. Ичимдан хўрсиниқ келади. Хола мени уйининг тўрига эмас, балки энг баланд жойга олиб чиқиб кўйгандек бўлади... Нимага кирганимни ўйлаб, уялиб кетаман. Сездирмаслик учун шоша-пиша жилдимдан қалам, дафтар ола бошлайман. Ўзимни холанинг ҳожатини чиқаришга киргандек кўрсатаман.

– Шошманг, болам, шошманг-а, – дейди хола кўли билан қайтариб, – олдин мен сизни бир меҳмон қилиб олай, кейин...

Хола гапира-гапира сандал устига дастурхон ёзади. Нон, қурт, ёпишқоқ пашмак, туршак кўяди. Вой б-ў-ў шунча нарса. Ёлғондакам мулозаматни бир чеккага йиғиштириб кўйиб, нондан бошқаси билан ишим бўлмайди. Биламан, бошқаси қорин тўйдирмайди. Оҳ... Ача холам бунча яхши-а... Хола яна бир нималарни гапиради. Гаплари қулоғимга кирмайди. Қорним тўйиб, яйраб кетаман. Бу дунёда энди мендан бахтли одам йўқ...

Аммо шошмасам бўлмайди. Бу зиёфатни аячам бурнимдан чиқариши мумкин. У ёқда тиқ этса эшикка қараб, кутиб ўтирибди.



Ayachamni har kuni shu yo'l bilan xursand qilgim keladi. Topildi q burdalar bo'lmagan kuni noiloj Acha xolanikiga kiraman. Shundog'am kunini zo'rg'a ko'rib o'tirgan kampirning noniga sherik bo'lishdan uyalmayman. Kampir meni ko'rishi bilan shoshib qoladi. Xuddi meni ko'pdan sog'inib kutayotgandek, yuz-ko'zlari kulib:

– Voy, o'rgilay mirzo bolamdan, bugun bir buvijonimni ko'ray deptilar-da, a, qadamlariga hasanot, chiqsinlar, – deb qo'llari bilan uy to'rini ko'rsatadi. Meni katta odam sanab yuqoriga o'tqazmoqchi bo'ladi. Men bo'lsam poygakka cho'k tusha qolaman. Sandal atrofidagi ko'rpachalar qishin-yozin yig'ilmaydi. Mening poygakka cho'kkanimni ko'rib Acha xola astoydil xafa bo'ladi:

– Hay-hay, bu nimasi? Yo' o', yo' o'... ayb bo'ladi-ya, mirzo bolam. Joyingizni bilib o'tiring. Ha, yigit kishi o'z o'rnini bilgani yaxshi. Xudoyim erkakni aziz qilib tuproqdan yaratgan-a, sizga aytsam. Xotin kishini etdan (go'shtdan demoqchilar) yaratgan. Shunga bo'lsa kerak erkak zoti qarimaydi. Qachon qarasa xushro'y bo'lib yuradi. Xotin kishi-chi?.. – Acha xola oldiniga qiqirlab, maza qilib kulib oladi. Keyin yuz-ko'zlarini silab: – Menga o'xshab burishib, tirishib, turshagi chiqiib qoladi. Go'sht tez ayniydi-da, bolam...

Men bu gaplarga unchalik e'tibor qilmayman. Keyin bu yerga bunaqa gaplarni eshitgani kirganim yo'q. Maqsad – qorin to'ydirish.

Xola meni qo'yarda-qo'ymay baribir uy to'riga chiqaradi. G'ala-tiii bo'lib ketaman. Ichimdan xo'rsiniq keladi. Xola meni uyining to'riga emas, balki eng baland joyga olib chiqib qo'ygandek bo'ladi... Nimaga kirganimni o'ylab, uyalib ketaman. Sezdirmaslik uchun shosha-pisha jildimdan qalam, daftar ola boshlayman. O'zimni xolaning hojatini chiqarishga kirgandek ko'rsataman.

– Shoshmang, bolam, shoshmang-a, – deydi xola qo'li bilan qaytarib, – oldin men sizni bir mehmon qilib olay, keyin...

Xola gapira-gapira sandal ustiga dasturxon yozadi. Non, qurt, yopishqoq pashmak, turshak qo'yadi. Voy bo' o' shuncha narsa. Yolg'ondakam mulozamatni bir chekkaga yig'ishtirib qo'yib, nondan boshqasi bilan ishim bo'lmaydi. Bilaman, boshqasi qorin to'ydirmaydi. Oh... Acha xolam buncha yaxshi-a... Xola yana bir nimalarni gapiradi. Gaplari qulog'imga kirmaydi. Qornim to'yib, yayrab ketaman. Bu dunyoda endi mendan baxtli odam yo'q...

Ammo shoshmasam bo'lmaydi. Bu ziyofatni ayacham burnimdan chiqarishi mumkin. U yoqda tiq etsa eshikka qarab, kutib o'tiribdi.

Зиёфатнинг ҳақиға мен холага хат ёзиб беришим керак. Ёзишга ўнфайроқ бўлсин деб патниснинг орқасини ўгираман. Хола пашмак, қурт, туршакларни жилдимга жойлай бошлайди. Кўриб, кўрмасликка оламан...

Синфимиздаги энг хати чиройли бола менман. Ача хола устозимизга: “Хат ёзишга битта мирзо беринг”, – деганларида “Кўшнингиз”, – деб мени кўрсатиб юборган эдилар. Хола ҳар гал хат ёздирганларида бир хил сўзларни қайтарадилар. Шунга нима деб ёздиришлари ёд бўлиб кетган. Мен баъзида хатни мактабдаёқ ёзиб келаман. Жилдимда битта, иккита шунақа тайёр хатлар туради. Мен, аввало, хатни холага ўқиб бераман. У шундай мазмунда бўлади:

“Бўйларингдан онанг ўргилсин, жоним болам, омон-эсон юрибсанми? Ёйиш-ичишларинг дурустми, болам? Мендан сўрасанг, Худога шукур, юрибман ернинг бетиди. Сенга етолмасам нима қилай, жоним болам. Кўзларим йўлларида нигорон. Урушга кетганлар аллақачонлар келди, уйланишиб, бола-чақалик ҳам бўлди. Сен нимага келмаяпсан, бўйинг чўзилгур? Сени кутукта туга-а-а-б боряпман-ку, болам. Тўримдан гўрим яқин бўлиб қолди. Кўзим очиклигида тўйларингни кўрсам, дегандим...”

Ача холага хатни ўқиб берсам:

– Балли, мирзо болам, балли, – деб яйраб қулади. Кейин оғзини рўмоли билан тўсиб, овозим баландлаб кетмадими, дегандек у ёқ-бу ёққа қараб қўяди. Шошиб турганимда мана шунақа хатлар менга қўл келади.

Хатни учбурчак қилиб, устига борадиган жойини ёзаманда, жилдимга солиб қўяман. Йўлим тушганда почтахонага ташлаб ўтаман. Ача холанинг ўғлига жудаям кўп хат ёздим... Сонсаноксиз. Лекин бир марта бўлса ҳам хатларимга жавоб келмади... Бунинг сабаби кейинроқ маълум бўлди...

ТЕГИРМОНЧИ ТОҒА

Бу ёруғ дунёда қорин тўйдириш учун Ача холаникидан бўлак яна битта манзил бор. У тегирмончининг дуд чалишига боғлиқ. Тегирмонда буғдой қолмаганда тегирмончи дуд чаларди. “Дуд”ни эшитибок одамлар шошиб қолади. Мактабдаги ўғил болалар шу заҳоти ўқишдан озод қилинади. Мен Фуломжон ака деганнинг хонадони билан келишиб қўйганман. Фуломжон ака урушдан икки оёқсиз қайтган, кўчага чиқолмайди. Ўн кило буғдойни халтачага солиб, тайёрлаб қўяди. Маҳаллада менга ўхшаган олдиндан ке-



Ziyofatning haqiga men xolaga xat yozib berishim kerak. Yozishga o'ng'ayroq bo'lsin deb patnisning orqasini o'giraman. Xola pashmak, qurt, turshaklarni jildimga joylay boshlaydi. Ko'rib, ko'rmaslikka olaman...

Sinfimizdagi eng xati chiroyli bola menman. Acha xola ustozimizga: "Xat yozishga bitta mirzo bering", – deganlarida "Qo'shningiz deb meni ko'rsatib yuborgan edilar. Xola har gal xat yozdirganlarida bir xil so'zlarni qaytaradilar. Shunga nima deb yozdirishlari yod bo'lib ketgan. Men ba'zida xatni maktabdayoq yozib kelaman. Jildimda bitta, ikkita shunaqa tayyor xatlar turadi. Men, avvalo, xatni xolaga o'qib beraman. U shunday mazmunda bo'ladi:

"Bo'ylaringdan onang o'rgilsin, jonim bolam, omon-eson yuribsanmi? Yeyish-ichishlaring durustmi, bolam? Mendan so'rasang, Xudoga shukur, yuribman yerning betida. Senga yetolmasam nima qilay, jonim bolam. Ko'zlarim yo'llaringda nigoron. Urushga ketganlar allaqachonlar keldi, uylanishib, bola-chaqalik ham bo'ldi. Sen nimaga kelmayapsan, bo'ying cho'zilgur? Seni kuta-kuta tugaaab boryapman-ku, bolam. To'rimdan go'rim yaqin bo'lib qoldi. Ko'zim ochiqligida to'ylaringni ko'rsam, degandim..."

Acha xolaga xatni o'qib bersam:

– Balli, mirzo bolam, balli, – deb yayrab kuladi. Keyin og'zini ro'moli bilan to'sib, ovozim balandlab ketmadimi, degandek u yoq-bu yoqqa qarab qo'yadi. Shoshib turganimda mana shunaqa xatlar menga qo'l keladi.

Xatni uchburchak qilib, ustiga boradigan joyini yozaman-da, jildimga solib qo'yaman. Yo'lim tushganda pochtaxonaga tashlab o'taman. Acha xolaning o'g'liga judayam ko'p xat yozdim... Son-sanoqsiz. Lekin bir marta bo'lsa ham xatlarimga javob kelmadi... Buning sababi keyinroq ma'lum bo'ldi...

TEGIRMONCHI TOG'A

Bu yorug' dunyoda qorin to'ydirish uchun Acha xolanikidan bo'lak yana bitta manzil bor. U tegirmonchining dud chalishiga bog'liq. Tegirmonda bug'doy qolmaganda tegirmonchi dud chalardi. "Dud"ni eshitiboq odamlar shoshib qoladi. Maktabdagi o'g'il bolalar shu zahoti o'qishdan ozod qilinadi. Men G'ulomjon aka deganning xonadoni bilan kelishib qo'nganman. G'ulomjon aka urushdan ikki oyoqsiz qaytgan, ko'chaga chiqolmaydi. O'n kilo bug'doyni xaltachaga solib, tayyorlab qo'yadi. Mahallada menga o'xshagan oldindan

лишиб қўйган дастёр болалар кўп, чопа-чопа тегирмонга етиб борамиз. Тегирмончи бўлса ҳадеганда дуд чалишни бас қилиб, томдан туша қолмайди. Дам олиб, дам олиб дуд чалаверади, чалаверади... Тегирмон олдидаги майдонча бир зумда отбозор бўлиб кетади. Олиб борган буғдойимизни тагимизга босиб, у ёқ-бу ёққа чалғимай ўтирамиз. Бўлмаса буғдойнинг кўпини озига алмаштириб қўядиган учар болалар бор. Мен буғдойни тагимга босиб, тегирмончининг дуд чалишини томоша қиламан. Тегирмончи тоға бир қараса мулойим, бир қараса баджаҳл одамга ўхшайди. Хаёлимда у киши бу дунёга фақат “дуд” чалгани келганга ўхшарди. “Дуд” ҳўкизнинг шохидан ясалган. Тегирмончи тоға уни ду-у-у-д... ду-у-у-д... ду-у-у-д деб охирини узмай чалади. Шундай қилмаса овоз узоқ-узоқларга етиб бормайди. Дуднинг овози менга кўпинча қутурган буқани эслатади. Дуд кўзга кичкина кўрингани билан зил-замбил, оғир. Чаладиган томонида оппоқ кўрғошини бор, оғзи гир айлана мис билан қопланган. Тегирмончи тоға дудни ўнг қўлида тутиб, чап қўлини тиргаб чалади. Чап қўлининг панжалари йўқ. Яланғоч билагги худди тешанинг сопига ўхшайди. Бир қўли, бир оёғи йўқ одамларни бозор кунлари кўп кўраман. Улар тиланчилик қилиб ўтиришади. Икки оёғи йўқлар зўлдирли арава-чаларда қўлларига тиралиб, “шир-шир” сурилиб юришади.

Биз Тегирмончи тоға ҳам урушда панжасини йўқотиб келган, деб юрардик. Унақа эмас экан. Буни ўзлари, худди кўғирчоқбозларга ўхшаб ҳикоя қилиб берганларида эсимиз оғиб қолай деган. Ўшанда томоша бошлашдан олдин сувни ташламага ташлаб, тегирмонни тўхтатган. Кейин овозларини гоҳ катта одам, гоҳ ёш бола қилиб гапира бошлаган:

– Ҳов болалар, болалар, эшитмадим деманглар... анови Қодирқул бор-ку, аммамнинг бузоғи, ўша ўғрилиқ қилиб, қўлга тушиб қопти... Ҳа...

– Ва-а-а... Қодирқул-а! Алдама?

– Ёлғонласам, тил тортмай ўлай. Худо урсин...

– Ў-ў-ў... Нима ўғирлабди?

– Амакиси Соли сартарош бор-ку, ўшанинг буғдойини ўғирлабди.

– Ўғирлаб, сотиб нима олибди?

– Сотмабди, ўтда қовуриб, заҳарига е-е-е-б юраркан... Ўша буғдой-чи, болалар, уруғлик буғдой экан.

– Уруғлик! Воҳ нокас... Воҳ ёрилиб ўлгур, энди унинг қўли қуриб қолади. Отам шундай деган.

– Йў-ў-ў-қ, уруғлик буғдой қорнидан кўкариб чиқади, деб эшитганман.

kelishib qo'ygan dastyor bolalar ko'p, chopa-chopa tegirmonga yetib boramiz. Tegirmonchi bo'lsa hadeganda dud chalishni bas qilib, tomdan tusha qolmaydi. Dam olib, dam olib dud chalaveradi, chalaveradi... Tegirmon oldidagi maydoncha bir zumda otbozor bo'lib ketadi. Olib borgan bug'doyimizni tagimizga bosib, u yoq-bu yoqqa chalg'imag o'tiramiz. Bo'lmasa bug'doyning ko'pini oziga almashtirib qo'yadigan uchar bolalar bor. Men bug'doyini tagimga bosib, tegirmonchining dud chalishini tomosha qilaman. Tegirmonchi tog'a bir qarasa muloyim, bir qarasa badjahl odamga o'xshaydi. Xayolimda u kishi bu dunyoga faqat "dud" chalgani kelganga o'xshardi. "Dud" ho'kizning shoxidan yasalgan. Tegirmonchi tog'a uni duud... duud... duud deb oxirini uzmay chaladi. Shunday qilmasa ovoz uzoq-uzoqlarga yetib bormaydi. Dudning ovozi menga ko'pincha quturgan buqani eslatadi. Dud ko'zga kichkina ko'ringani bilan zil-zambil, og'ir. Chaladigan tomonida oppoq qo'rg'oshini bor, og'zi gir aylana mis bilan qoplangan. Tegirmonchi tog'a dudni o'ng qo'lida tutib, chap qo'lini tirgab chaladi. Chap qo'lining panjalari yo'q. Yalang'och bilagi xuddi teshaning sopiga o'xshaydi. Bir qo'li, bir oyog'i yo'q odamlarni bozor kunlari ko'p ko'raman. Ular tilanchilik qilib o'tirishadi. Ikki oyog'i yo'qlar zo'ldirli aravachalarda qo'llariga tiralib, "shir-shir" surilib yurishadi.

Biz Tegirmonchi tog'a ham urushda panjasini yo'qotib kelgan, deb yurardik. Unaga emas ekan. Buni o'zlari, xuddi qo'g'irchoqbozlarga o'xshab hikoya qilib berganlarida esimiz og'ib qolay degan. O'shanda tomosha boshlashdan oldin suvni tashlamaga tashlab, tegirmonni to'xtatgan. Keyin ovozlarni goh katta odam, goh yosh bola qilib gapira boshlagan:

– Hov bolalar, bolalar, eshitmadim demanglar... anovi Qodirqul bor-ku, ammamning buzog'i, o'sha o'g'rilik qilib, qo'lga tushib qopti... Ha...

– Vaaa... Qodirqul-a! Aldama?

– Yolg'onlasam, til tortmay o'lay. Xudo ursin...

– O'ro'... Nima o'g'irlabdi?

– Amakisi Soli sartarosh bor-ku, o'shaning bug'doyini o'g'irlabdi.

– O'g'irlab, sotib nima olibdi?

– Sotmabdi, o'tda qovurib, zahariga yeeeb yurarkan... O'sha bug'doy-chi, bolalar, urug'lik bug'doy ekan.

– Urug'lik! Voh nokas... Voh yorilib o'lgur, endi uning qo'li qurib qoladi. Otam shunday degan.

– Yo'ro'q, urug'lik bug'doy qornidan ko'karib chiqadi, deb eshitganman.

– Ўзи қаерда ҳозир?

– Амакиси Соли сартарошникида нима бўлишини кутиб ўтирибди. Отаси маҳалла оқсоқолининг олдига кетган.

Воқеа шу ерга етганда Тегирмончи тоға росмана йиғлай бошлади. Бизнинг ҳам кўнглимиз бузилди. Ташламадаги сувнинг шовқини ҳамма ёқни тутади. Теракларга ин қуриб олган чумчуқлар чирқиллаб, қулоқ-мияни ейди. Жимлик анча муддат чўзилди. Шундан кейин Тегирмончи тоға бир чеккада бепарво ўтирган шогирдини қўлидан ушлаб ўртага судраб чиқди. Шогирд бола бу шунчаки ўйин дегандек бизга ишшайиб қўйди. Тегирмончи тоға худди рўпарасида маҳалла оқсоқоли тургандек қўл қовуштирди:

– Ассалому алайкум... тақсирим...

– Ва алайкум ассалом, келинг, биродар.

– Биз... бир гуноҳ иш қилиб қўйдик, тақсир... Ҳа-а-а... шўримиз қуриб қолди.

– Беайб Парвардигор бандаси гуноҳ қилади. Астойдил тавба қилса, кечиради. Нима бўлди?

– Ёмон иш бўлди, ҳа, жуда ёмон. Ўғлим амакисининг омборига тушиб, уруғлик буғдойни ўғирлабди...

– А?! Уруғлик буғдойни?! Ё алҳазар.

– Ҳа, тақсир...

– Бу тўғрида ўғлингизга таълим бермабмидингиз?

– Айтганман, тақсир, кўп айтганман... Айтганманми, кўр бўлгур?

– Тегирмончи тоға шогирд болага ростакамига ўшқиради. – Гапир, тилинг кесилгур.

Шогирд бола чинданам ўғирлик қилиб қўлга тушиб қолгандек безраяди. Биз тош қотиб ўтирамыз. Менинг ич-ичимдан титроқ кела бошлайди. Ўзимдан ўзим ғалати бўлиб кетаман.

Тегирмончи тоға оқсоқолга зор қақшаб ёлборади:

– Бу ёғи ўзингиздан қолар гап йўқ, тақсир, бари йўқчиликдан...

– Шундай денг... Ҳм-м-м... Йўқчилик деб уруғликка асраб қўйилган захираларни еб қўйсақ нима бўлади, а? Сиздан сўраяпман? Ерга нимани экамиз? Ҳаммамиз бирваракайига очликдан тиришмаймизми? Бир замонлар шундай бўлган. Дунёни сув босган. Нуҳ алайҳиссалом жаноблари кема ясаб, барча тирик жонзотлардан бир жуфт-бир жуфтан, донлардан бир сиқим-бир сиқимдан олиб, кемадагиларга шундай деганлар: “Шу дақиқадан бошлаб ҳаммангиз илоҳий уруғликсизлар. Оллоҳ бир-бирингизни емоқни ман этди”. Шундан кейин бўри қўйга, тулки товуққа, товуқ донга тегмаган экан. Ҳа, сабр қилиб, Аллоҳнинг синовидан ўтишган. Ўшандан бери уруғликка олиб қўйилган нар-



– O'zi qayerda hozir?

– Amakisi Soli sarta roshnikida nima bo'lishini kutib o'tiribdi. Otasi mahalla oqsoqolining oldiga ketgan.

Voqea shu yerga yetganda Tegirmonchi tog'a rosmana yig'lay boshladi. Bizning ham ko'nglimiz buzildi. Tashlamadagi suvning shovqini hamma yoqni tutadi. Teraklarga in qurib olgan chumchuqlar chirqillab, quloq-miyani yeydi. Jimlik ancha muddat cho'zildi. Shundan keyin Tegirmonchi tog'a bir chekkada beparvo o'tirgan shogirdini qo'lidan ushlab o'rtaga sudrab chiqdi. Shogird bola bu shunchaki o'yin degandek bizga ishshayib qo'ydi. Tegirmonchi tog'a xuddi ro'parasida mahalla oqsoqoli turgandek qo'l qovushtirdi:

– Assalomu alaykum... taqsim...

– Va alaykum assalom, keling, birodar.

– Biz... bir gunoh ish qilib qo'ydik, taqsim... Ha-a-a... sho'rimiz qurib qoldi.

– Beayb Parvardigor bandasi gunoh qiladi. Astoydil tavba qilsa, kechiradi. Nima bo'ldi?

– Yomon ish bo'ldi, ha, juda yomon. O'g'lim amakisining omboriga tushib, urug'lik bug'doyni o'g'irlabdi...

– A?! Urug'lik bug'doyni?! Yo alhazar.

– Ha, taqsim...

– Bu to'g'rida o'g'lingizga ta'lim bermabmidingiz?

– Aytganman, taqsim, ko'p aytganman... Aytganmanmi, ko'r bo'lgur? – Tegirmonchi tog'a shogird bolaga rostakamiga o'shqiradi.

– Gapi, tiling kesilgur.

Shogird bola chindanam o'g'irlik qilib qo'lga tushib qolgandek bezrayadi. Biz tosh qotib o'tiramiz. Mening ich-ichimdan titroq kela boshlaydi. O'zimdan o'zim g'alati bo'lib ketaman.

Tegirmonchi tog'a oqsoqolga zor qaqshab yo'lboradi:

– Bu yog'i o'zingizdan qolar gap yo'q, taqsim, bari yo'qchilikdan...

– Shunday deng... Hmmm... Yo'qchilik deb urug'likka asrab qo'yilgan zaxiralarni yeb qo'ysak nima bo'ladi, a? Sizdan so'ra-yapman? Yerga nimani ekamiz? Hammamiz birvarakayiga ochlikdan tirishmaymizmi? Bir zamonlar shunday bo'lgan. Dunyoni suv bosgan. Nuh alayhissalom janoblari kema yasab, barcha tirik jonzotlardan bir juft, bir juftdan, donlardan bir siqim, bir siqimdan olib kemadagilarga shunday deganlar: "Shu daqiqadan boshlab hammangiz ilohiy urug'liksizlar. Oллоh bir-biringizni yemoqni man etdi". Shundan keyin bo'ri qo'yga, tulki tovuqqa, tovuq donga tegmagan ekan. Ha, sabr qilib, Allohning sinovidan o'tishgan. O'shandan beri urug'likka olib qo'yilgan narsalar ilohiy bo'lib qolgan.

салар илоҳий бўлиб қолган. Уруғлик нарсага хиёнат қилиш – кўпчиликнинг ҳақиқага хиёнат қилиш билан баробар. Бу хиёнатнинг жазоси оғир... Ҳа, жуда оғир...

– Иложи йўқми, тақсир?

– Иложи йўқ. Жазоси муқаррар. Фатвоси мутлақ... Биз уни ижрогина этамиз, холос. Этмасак гуноҳкор бўламиз. Шундай қилсак, болангиз Охират азобидан қутулиб қолади, ё азоби охиратга қолсинми?

– Адойи тамом бўлдим, тақсир...

– Оғир бўлинг. Болани қолдиринг-да, Нодир қассобни айтиб юборинг.

Тегирмончи тоға воқеа шу ерга келганда чарчадим, яна жим бўлиб қолди. Бир ўзи ҳали ота, ҳали маҳалла оқсоқоли, ҳали бола бўлиб тинмай гапирарди. Биз энди нима бўларкин, деб бир тегирмончига, бир шогирд болага қараймиз. Шогирд бола ҳали ҳам безрайиб турибди. Ташлама томондан энди муздек шамол эса бошлади. Тегирмонга юк олиб келган катталар ҳам қаторимиздан жой олган. Отлар курт-курт беда чайнайди. Эшаклар ҳанграб, фашга тегади. Ниҳоят, Тегирмончи тоға яна тилга кирди:

– Шундай қилиб десангиз, оқсоқолнинг олдига Нодир қассоб деганлари кириб келди, салом-алиқдан кейин қўлини кўксига кўйиб, сўради:

– Айттирган экансиз, тақсирим, мен келдим.

– Нимагалигини билдингизми, иним?

– Боланинг отаси айтди.

– Удалайсизми, қўлингиздан келадими?

– Қайдам... Раҳматлик отам ҳаёт эдилар... Шунга ўхшаш бир иш бўлганди... Отам қассобнинг боласисан, бошинга тушиб қолиши бор, кўриб қўй, деган эдилар.

– Ишга киришинг бўлмаса.

Шу жойга келганда Тегирмончи тоға жаҳл билан у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Шогирд болани энди тамом эсидан чиқарди. У бизнинг қаторимизга келиб ўтирди. Тегирмончининг ўнг қўли узун, беўхшов эди. Чап қўли кесилган думдек ликилларди. Ўтирган жойимизда бетоқат бўла бошладик.

– Кейин нима бўлди, дейсизми, болаларим? – дея бизга қаради Тегирмончи тоға. – Гўр бўлди, бало бўлди... Қодирқулнинг панжасини шартта кесишди. Мана ўша ўғривачча, – деб панжасиз беўхшов қўлини кўрсатди Тегирмончи тоға...

Шу пайт шогирд бола томоша тамом дегандек чапак чалиб юборди. Унга бир икки бола эргашди. Тегирмончи тоға унга эътибор қилмади-да, бизга юзланиб, деди:



Urug'lik narsaga xiyonat qilish – ko'pchilikning haqiga xiyonat qilish bilan barobar. Bu xiyonatning jazosi og'ir... Ha, juda og'ir...

– Iloji yo'qmi, taqsir?

– Iloji yo'q. Jazosi muqarrar. Fatvosi mutlaq... Biz uni ijrogina etamiz, xolos. Etmasak gunohkor bo'lamiz. Shunday qilsak, bolangiz Oxirat azobidan qutulib qoladi, yo azobi oxiratga qolsinmi?

– Adoyi tamom bo'ldim, taqsir...

– Og'ir bo'ling. Bolani qoldiring-da, Nodir qassobni aytib yuboring.

Tegirmonchi tog'a voqea shu yerga kelganda charchadimi, yana jim bo'lib qoldi. Bir o'zi hali ota, hali mahalla oqsoqoli, hali bola bo'lib tinmay gapirardi. Biz endi nima bo'larkin, deb bir tegirmonchiga, bir shogird bolaga qaraymiz. Shogird bola hali ham bezrayib turibdi. Tashlama tomondan endi muzdek shamol esa boshladi. Tegirmonga yuk olib kelgan kattalar ham qatorimizdan joy olgan. Otlar kurt-kurt beda chaynaydi. Eshaklar hangrab, g'ashga tegadi. Nihoyat, Tegirmonchi tog'a yana tilga kirdi:

– Shunday qilib desangiz, oqsoqolning oldiga Nodir qassob deganlari kirib keldi, salom-alikdan keyin qo'lini ko'ksiga qo'yib, so'radi:

– Ayttingan ekansiz, taqsirim, men keldim.

– Nimagaligini bildingizmi, inim?

– Bolaning otasi aytdi.

– Uddalaysizmi, qo'lingizdan keladimi?

– Qaydam... Rahmatlik otam hayot edilar... Shunga o'xshash bir ish bo'lgandi... Otam qassobning bolasisan, boshingga tushib qolishi bor, ko'rib qo'y, degan edilar.

– Ishga kirishing bo'lmasa.

Shu joyga kelganda Tegirmonchi tog'a jahl bilan u yoqdan bu yoqqa yura boshladi. Shogird bolani endi tamom esidan chiqardi. U bizning qatorimizga kelib o'tirdi. Tegirmonchining o'ng qo'li uzun, beo'xshov edi. Chap qo'li kesilgan dumdek likillardi. O'tirgan joyimizda betoqat bo'la boshladik.

– Keyin nima bo'ldi, deysizmi, bolalarim? – deya bizga qaradi Tegirmonchi tog'a. – Go'r bo'ldi, balo bo'ldi... Qodirqulning panjasini shartta kesishdi. Mana o'sha o'g'rivachcha, – deb panjasiz beo'xshov qo'lini ko'rsatdi Tegirmonchi tog'a...

Shu payt shogird bola tomosha tamom degandek chapak chalib yubordi. Unga bir ikki bola ergashdi. Tegirmonchi tog'a unga e'tibor qilmadi-da, bizga yuzlanib, dedi:

– Қулунларим, бўталоқларим, кўзичоқларим, Оллоҳ берган бу икки қўлни эҳтиёт қилинглар, буларнинг баҳоси йўқ. Агарда ўғирлик қилсангиз борми, бу қўллар сариқ чақага тенг бўлиб қолади. Кесилмаган тақдирда ҳам у Аллоҳнинг ҳузурда кесилган ҳукмида бўлади. Бундай қўл билан топилган насиба ҳаром. Мен қилмишимга яраша жазони олдим, у дунёга қолмади. Тавба қилдим. Жаннатдан умидим бор, болаларим. Ҳозир қўл кесишлар йўқ. Йўқ экан деб шайтон йўлига кириб юрманг. Нафсингизга бир уринг. Бўлмаса, иймонингиз кесилади. Иймон кесилса, Жаннатга борадиган йўл ҳам кесилади. Дўзахи бўлиб қолишдан Худонинг ўзи асрасин...

Тегирмончи тоға чўлтоқ қўлини дудга тираб, ҳамма нарса-ни унутиб дуд чалар экан, мен шуларни эслайман. Лекин ўша кунни Тегирмончи тоға кўрсатган томоша менинг юрагимни ағдартўнтар қилиб юборган эди. Ичимга чироқ ёқса ёришмай қолди. Тоғдек оғир бир ташвиш ичида қолиб кетдим. Олдинги замонлар бўлганда менинг ҳам қўлим аллақачонлар кесилиб кетар экан. Мен қандай бўлмасин Тегирмончи тоғага кўнглимни ёриш учун ҳар сафар келганимда фурсат пойлар эдим... Бу ҳақда кейинроқ.

Тегирмонга келаётган катта ёшдаги одамлар оқими ҳам кўпая борди. Буғдой ортилган эшаклар бири олиб, бири кўйиб ҳанграшар... Дуднинг ёқимли овозидан кейин бу узунқулоқларнинг овози қулоққа ёқмас эди, албатта.

Майдонда уловларга охурлар ясалган. Хашак билан тўлатиб кўйилган, бунақа шароитли тегирмон бу яқин ўртада якка-ю ягона эди.

Майдонча ғала-ғовурдан арининг уяси бўлиб кетди. Тегирмончи тоға дуднинг оғзини пастга қарата силкий-силкий томдан тушиб келди. Биримиз олиб, биримиз кўйиб салом бердик. Катталар Тегирмончи тоға билан жилмайиб қўл олишди. Кейин у киши бизга бир кўз ташлаб, ўзича чама олди-да, деди:

– Қани, қоралар ўннга, оқлар чапга...

Тегирмончи тоға шундай деб ўнг ва чап томонга ишора қилади. Соқолини тутамлаганча бизнинг иккига бўлинишимизни кута бошлади.

Биз олиб келган буғдойлар аксари икки хил бўлади. Кузги буғдой – қора, баҳорги буғдой – оқ. Тегирмончи тоға битта “оқ”дан, битта “қора”дан қилиб буғдойимизни тарозида тортар экан, шогирд бола чаққонлик билан оқ буғдойни тегирмоннинг битта дўлига, қора буғдойни иккинчи дўлига пешма-пеш бўшатиб туради.

Биз бу ишлар тугагини бетоқат кутамиз. Буни тегирмончи ҳам

– Qulunlarim, bo'taloqlarim, qo'zichoqlarim, Oллоh bergan bu ikki qo'lni ehtiyot qilinglar, bularning bahosi yo'q. Agarda o'g'irlik qilsangiz bormi, bu qo'llar sariq chaqaga teng bo'lib qoladi. Kesilmagan taqdirda ham u Allohning huzurida kesilgan hukmida bo'ladi. Bunday qo'l bilan topilgan nasiba harom. Men qilmishimga yarasha jazoni oldim, u dunyoga qolmadi. Tavba qildim. Jannatdan umidim bor, bolalarim. Hozir qo'l kesishlar yo'q. Yo'q ekan deb shayton yo'lga kirib yurmang. Nafsingizga bir uring. Bo'lmasa, iymoningiz kesiladi. Iymon kesilsa, Jannatga boradigan yo'l ham kesiladi. Do'zaxi bo'lib qolishdan Xudoning o'zi asrasin...

Tegirmonchi tog'a cho'ltoq qo'lini dudga tirab, hamma narsani unutib dud chalar ekan, men shularni eslayman. Lekin o'sha kuni Tegirmonchi tog'a ko'rsatgan tomosha mening yuragimni ag'dar-to'ntar qilib yuborgan edi. Ichimga chiroq yoqsa yorishmay qoldi. Tog'dek og'ir bir tashvish ichida qolib ketdim. Oldingi zamonlar bo'lganda mening ham qo'lim allaqachonlar kesilib ketar ekan. Men qanday bo'lmasin Tegirmonchi tog'aga ko'nglimni yorish uchun har safar kelganimda fursat poylar edim... Bu haqda keyinroq.

Tegirmonga kelayotgan katta yoshdagi odamlar oqimi ham ko'paya bordi. Bug'doy ortilgan eshaklar biri olib, biri qo'yib hangrashar... Dudning yoqimli ovoizidan keyin bu uzunquloqlarning ovozi quloqqa yoqmas edi, albatta.

Maydonda ulovlarga oxurlar yasalgan. Xashak bilan to'latib qo'yilgan, bunaqa sharoitli tegirmon bu yaqin o'rtada yakka-yu yagona edi.

Maydoncha g'ala-g'ovurdan arining uyasi bo'lib ketdi. Tegirmonchi tog'a dudning og'zini pastga qarata silkiy-silkiy tomdan tushib keldi. Birimiz olib, birimiz qo'yib salom berdik. Kattalar Tegirmonchi tog'a bilan jilmayib qo'l olishdi. Keyin u kishi bizga bir ko'z tashlab, o'zicha chama oldi-da, dedi:

– Qani, qoralar o'ngga, oqlar chapga...

Tegirmonchi tog'a shunday deb o'ng va chap tomonga ishora qiladi. Soqolini tutamlaganicha bizning ikkiga bo'linishimizni kuta boshladi.

Biz olib kelgan bug'doylar aksari ikki xil bo'ladi. Kuzgi bug'doy – qora, bahorgi bug'doy – oq. Tegirmonchi tog'a bitta "oq'dan, bitta "qora'dan qilib bug'doyimizni tarozida tortar ekan, shogird bola chaq-qonlik bilan oq bug'doyni tegirmonning bitta do'lga, qora bug'doyni ikkinchi do'lga peshma-pesh bo'shatib turadi.

Biz bu ishlar tugashini betoqat kutamiz. Buni tegirmonchi ham

сезиб туради. Ниҳоят, буғдойдан бўшаган халтачалар қўлимизга тегади. Тегирмон тошлари гулдираб айлана бошлайди. Шогирд бола ун билан овора бўлиб қолади.

Тоға бизни куттириб, шошганича тепадаги уйига чиқиб кетади. Энди оқ-қорасиз битта сафга тизиламиз. Кўзимиз Тегирмончи тоға чиқиб тушавериб тақир қилиб юборган сўқмоқда. Ана, ўша тарафдан шамол эсиб, тандирдан янги узилган оби ноннинг бўйларини чор-атрофга сочиб юборади. Ичим ғулдираб, кўзим сузилиб кетади... Оҳ, нон-ей... бўрсилдоқ нон-ей...

Шу пайт сўқмоқ бошида Тегирмончи тоға кўринади. Оёқланг, устида якак, бошида сават, ичи тўла нон. Тўмтоқ қўлини саватга тираб, ўнг қўлини лангар ташлаб тушиб келяпти. Биз у кишининг истиқболига югуриб боришдан ўзимизни зўрға тиямиз. Тоға бирпас бўлса ҳам нафс ўлгурни ўлдириб, жойингизда кутинг, деган. Оҳ, қандай яхши одам Тегирмончи тоға. Ҳар биримизнинг ичимизда биттадан чироқ ёнгандек бўлади. Биздан бахтли, биздан бахтиёр болалар йўқ бу дунёда.

У киши ҳар биримизга биттадан нон улаша бошлайди. Ҳа, биттадан бутун нон! Оҳ... оҳ... иссиқ нон, қўлинг куяди. Сўлакларим оқиб, уни ейишдан тийилиб, жойимда қотиб тураман. Энди бу нон меники. Қўлимдан ҳеч ким тортиб ололмайди. Қорин таталаётган бўлса ҳам кўнгил тўқ. Тегирмончи тоға нонни тарқатиб бўлгач, саватни қўлтиғига қисиб, кўзлари йилтираб, бизга илтижо билан қарайди:

– Дуо беринглар, болаларим, дуо беринглар!

Болалардан бири баланд овозда дейди:

– Эй Худо, Тегирмончи тоғамнинг ўғли урушдан тезроқ келсин, омин Оллоҳу акбар!

Шундан кейин биз “тегирмоннинг таги” деган жойга ура чопамиз. Бу ерда иккита новдан шовуллаб тушаётган сув ёғоч паракларга урилиб, сутдек кўпиради. Нонни сувга ботирамиз. Иссиқ ноннинг сирти бир зумда кусур-кусур бўлиб қолади. Ичи иликка ўхшайди. Тегирмончи тоға айтган: “Кимки иссиқ нонни муздек сувга ботириб еса, қора кўчқорнинг гўштини ебди”. Ана шунақа қилиб қора кўчқорнинг гўштини еб, қорнимиз тўйиб, қайғуларимиз кетиб, оғзимизнинг таноби қочиб, бир-биримизни турткилашиб қоламиз.

Тегирмончи тоғанинг учта ўғли бўлган, учаловиям урушга кетган. Иккитасидан “қора хат” келган, кенжаси дом-дараксиз. Тегирмончи тоға нуқул битта гапни қайтаргани-қайтарган: “Бирини элга бердим, бирини селга бердим, бирини ўзимга қайтар, эй Худойим!” Ана шу илтижолар қаторига бизнинг ҳам дуоларимиз қўшилади.



sezib turadi. Nihoyat, bug'doydan bo'shagan xaltachalar qo'limizga tegadi. Tegirmon toshlari guldirab aylana boshlaydi. Shogird bola un bilan ovora bo'lib qoladi.

Tog'a bizni kuttirib, shoshganicha tepadagi uyiga chiqib ketadi. Endi oq-qorasiz bitta safga tizilamiz. Ko'zimiz Tegirmonchi tog'a chiqib tushaverib taqir qilib yuborgan so'qmoqda. Ana, o'sha tarafdan shamol esib, tandirdan yangi uzilgan obi nonning bo'ylarini chor-atrofga sochib yuboradi. Ichim g'uldirab, ko'zim suzilib ketadi... Oh, non-ey... bo'rsildoq non-ey...

Shu payt so'qmoq boshida Tegirmonchi tog'a ko'rinadi. Oyoqyalang, ustida yaktak, boshida savat, ichi to'la non. To'mtoq qo'lini savatga tirab, o'ng qo'lini langar tashlab tushib kelyapti. Biz u kishining istiqboliga yugurib borishdan o'zimizni zo'rg'a tiyamiz. Tog'a birpas bo'lsa ham nafs o'lgurni o'ldirib, joyingizda kuting, degan. Oh, qanday yaxshi odam Tegirmonchi tog'a. Har birimizning ichimizda bittadan chiroq yongandek bo'ladi. Bizdan baxtli, bizdan baxtiyor bolalar yo'q bu dunyoda.

U kishi har birimizga bittadan non ulasha boshlaydi. Ha, bittadan butun non! Oh... oh... issiq non, qo'ling kuyadi. So'laklarim oqib, uni yeyishdan tiyilib, joyimda qotib turaman. Endi bu non meniki. Qo'limdan hech kim tortib ololmaydi. Qorin tatalayotgan bo'lsa ham ko'ngil to'q. Tegirmonchi tog'a nonni tarqatib bo'lgach, savatni qo'ltig'iga qisib, ko'zlari yiltirab, bizga iltijo bilan qaraydi:

– Duo beringlar, bolalarim, duo beringlar!

Bolalardan biri baland ovozda deydi:

– Ey Xudo, Tegirmonchi tog'amning o'g'li urushdan tezroq kelsin, omin Ollohu akbar!

Shundan keyin biz "tegirmonning tagi" degan joyga ura chopamiz. Bu yerda ikkita novdan shovullab tushayotgan suv yog'och parraklarga urilib, sutdek ko'piradi. Nonni suvga botiramiz. Issiq nonning sirti bir zumda kusus-kusus bo'lib qoladi. Ichi ilikka o'xshaydi. Tegirmonchi tog'a aytgan: "Kimki issiq nonni muzdek suvga botirib yesa, qora qo'chqorning go'shtini yebdi". Ana shunaqa qilib qora qo'chqorning go'shtini yeb, qornimiz to'yib, qayg'ularimiz ketib, og'zimizning tanobi qochib, bir-birimizni turtkilashib qolamiz.

Tegirmonchi tog'aning uchta o'g'li bo'lgan, uchaloviyam urushga ketgan. Ikkitasidan "qora xat" kelgan, kenjasi dom-daraksiz. Tegirmonchi tog'a nuqul bitta gapni qaytargani-qaytargan: "Birini elga berdim, birini selga berdim, birini o'zimga qaytar, ey Xudoyim!" Ana shu iltijolar qatoriga bizning ham duolarimiz qo'shiladi. U kishi ko'proq

У киши кўпроқ бизнинг дуоларимизга умид қилади. Айтишлари-ча, Худо ҳаммадан олдин болаларнинг дуосини қабул қиларкан. Бундай пайтларда Тегирмончи тоғанинг қўли қандай қилиб кесилганини эслаб, ачиниб кетардим. Аммо ўзимни ҳам Худонинг олдида шу даражада гуноҳкор деб билардим. Бу гуноҳим юки мени аста-секин ичимдан еб борарди. Тегирмончи тоғага фурсат топиб ёрилай дердим-у, мени ёмон кўриб қолишидан қўрқардим. Мен уруғлик буғдой ўғирламаган, уни қовуриб емаган эдим. Ундан ҳам баттарроқ иш қилган эдим. Бу воқеа шундай юз берган эди.

ОМОНЖОН ТОҒА

Аячамнинг тилла тақинчоқлари қўша-қўша эди. Узук, билагузук, қашқарбалдоқ... Уларни хамир қорганида, кир ювганида, бош ювганида ечиб кўярди. Мен ойимда ҳам шунақа тақинчоқлар бўлганмиди, йўқмиди, деб кўп ўйлардим. Ойимнинг бармоқлари узун-узун эди. Мени кучоқларига олиб, алла айтиб ухлатмоқчи бўлардилар. Мен бўлсам нуқул кулоқларини чўзгилаб, сочларини тортиб ўйнардим. Оппоқ юзларидаги қоп-қора холларини чимчилаб олмоқчи бўлардим. “Сенга шу керакми?” – дегандек холини чимчилаб олардилар-да, юзимга босардилар. “Ол, ана сенга бердим, менга керакмас, сенга бўла қолсин”. Мен кулардим, ойим ҳам куларди. Шунда оғизларида бир нима ялтираб кетарди. Мен энди ўша ялтироқ нарсани оламан, деб хархаша қилардим... Кейин билсам, у тилла тиш экан. Тилла нарсаларга чақалоқдан тортиб катта ёшдаги одамларгача ўч бўлишини мен қаердан билай...

Ўртоғим Тўхтасин бир куни мактабга ғалати гап топиб келди. Стансага фол очадиган лўлилар келганмиш. Тўртта картошка, иккита пиёзга қўшнисининг йўқолган хачирини топиб берганмиш. “Сенинг ойингни ҳам топиб беради”, – деб мени ишонтирди. “Шолғомчи, шолғом олмасмикан?” Уйимизда шолғом кўп эди. Қорним очиб кетганда есам аячам индамасди.

Уйимизда картошка бор эди. Аячам уни ўрадамас, бош ювадиган мис тоғоранинг тагида сақларди. Аяб ишлатарди. Сен, тўнка ўлгур, ярмини пўчоққа чиқарворасан, деб картошка артишни менга ишонмасди. Картошкани доимо қозикда илиғлик турадиган дадамнинг ўткир пичоғини олиб ўзи артарди. Мен ойижонимни топиш учун тўрттамас, дунёча картошка бўлса ҳам топишга тайёр эдим. “Лўлинг кетиб қолмайдими?” – шошиб сўрадим Тўхтасиндан. “Қаёққа кетади, ўзлари энди келдику истансага, капалар қурволишган. Яна билмадим... Ахир,

bizning duolarimizga umid qiladi. Aytishlaricha, Xudo hammadan oldin bolalarning duosini qabul qilarkan. Bunday paytlarda Tegirmonchi tog'aning qo'li qanday qilib kesilganini eslab, achinib ketardim. Ammo o'zimni ham Xudoning oldida shu darajada gunohkor deb bilardim. Bu gunohim yuki meni asta-sekin ichimdan yeb borardi. Tegirmonchi tog'aga fursat topib yorilay derdim-u, meni yomon ko'rib qolishidan qo'rqardim. Men urug'lik bug'doy o'g'irlamagan, uni qovurib yemagan yedim. Undan ham battarroq ish qilgan edim. Bu voqea shunday yuz bergan edi.

OMONJON TOG'A

Ayachamning tilla taqinchoqlari qo'sha-qo'sha edi. Uzuk, bi-laguzuk, qashqarbaldoq... Ularni xamir qorganida, kir yuvganida, bosh yuvganida yechib qo'yardi. Men oyimda ham shunaqa taqinchoqlar bo'lganmidi, yo'qmidi, deb ko'p o'ylardim. Oyimning barmoqlari uzun-uzun edi. Meni quchoqlariga olib, alla aytib uxlatmoqchi bo'lardilar. Men bo'lsam nuqul quloqlarini cho'zg'ilab, sochlarini tortib o'ynardim. Oppoq yuzlaridagi qop-qora xollarini chimchilab olmoqchi bo'lardim. "Senga shu kerakmi?" – degandek xolini chimchilab olardilar-da, yuzimga bosardilar. "Ol, ana senga berdim, menga kerakmas, senga bo'la qolsin". Men kulardim, oyim ham kulardi. Shunda og'izlarida bir nima yaltirab ketardi. Men endi o'sha yaltiroq narsani olaman, deb xarxasha qilardim... Keyin bilsam, u tilla tish ekan. Tilla narsalarga chaqaloqdan tortib katta yoshdagi odamlargacha o'ch bo'lishini men qayerdan bilay...

O'rtog'im To'xtasin bir kuni maktabga g'alati gap topib keldi. Stansaga fol ochadigan lo'lilar kelganmish. To'rtta kartoshka, ikkita piyozga qo'shnisining yo'qolgan xachirini topib berganmish. "Sening oyingni ham topib beradi", – deb meni ishontirdi. "Sholg'omchi, sholg'om olmasmikan?" Uyimizda sholg'om ko'p edi. Qornim ochib ketganda yesam ayacham indamasdi.

Uyimizda kartoshka bor edi. Ayacham uni o'radamas, bosh yuvadigan mis tog'oraning tagida saqlardi. Ayab ishlatardi. Sen, to'nka o'lgur, yarmini po'choqqa chiqarvorasan, deb kartoshka artishni menga ishonmasdi. Kartoshkani doimo qoziqda ilig'lik turadigan dadamning o'tkir pichog'ini olib o'zi artardi. Men oyijonimni topish uchun to'rttamas, dunyochoa kartoshka bo'lsa ham topishga tayyor edim. "Lo'ling ketib qolmaydimi?" – shoshib so'radim To'xtasindan. "Qayoqqa ketadi, o'zlari endi keldiku istansaga, kapalar qurvolishgan. Yana bilmadim... Axir, ular lo'li-ku..." Sal xotirjam bo'ldim. "Sen yaxshi

Улар лўли-ку..." Сал хотиржам бўлдим. "Сен яхши ўртоғимсан", – деб кўйдим унга. "Бугун борамизми?" – деди у. "Олдин картошка топай-да, картошкасиз қандай борамиз". "Биз картошка емаймиз-да", – деди у. Биламан, ўртоғим мендан ҳеч нимани аямайди. Улар ўрис овқат деб картошка ейишмасди. "Ўзим топаман", – дедим.

Картошка топиш йўлини ўйлаб бошладим. Омонжон тоғага айтаман. Бозордан олиб келиб беради. Омонжон тоға дадамнинг омборчиси. Улар чўлга керак нарсаларни аллақаяқлардан топиб, ҳовлимизга ташийверади... Ёғочми, кўмирми, ерга соладиган дорими... Кейин бу ердан чўлга олиб кетишади. Яна рўзфоримизни ҳам қилиб бериб туради.

Икки-уч кундан бери Омонжон тоғадан дарак йўқ эди. Нима қилсам экан? Кўз олдимга мис тоғора келаверди. Тўртта картошкани ўғирлаб, молхонадаги пичанлар ичига яширдим. Аячам санаб кўйган экан, кечки овқат пайти сезиб қолди. Омборхонадан бир нима чақиб олгандек отилиб чиқди-да:

– Ҳа яшшамагур ўғри томоқ, – деб ташланиб қолди. Ҳовли супураётган эдим, супургини бошимга пана қилиб ўтириб олдим. – Картошкага бошинг қоронғи бўлдим, ҳажиқиз...

Бошимга бир-икки мушт тушди. Аячам кўлимдан супургини тортиб олиб ўша билан урмоқчи бўлди. Мен супургини бермадим. Бу аячамнинг иззат-нафсига қаттиқ тегди. Мени бор кучи билан итариб юборди. Бир эмас, икки-уч думалаб кетдим. Аммо шу заҳоти ўрнимдан туриб олдим. Аячамга қаттиқ қарадим. Аячам чўчидими, ё мен билан олишиб чарчадими, одатдагидек қарғашга тушди:

– Шум оёқ, етимча, жувонмарг. Илоё теши-и-и-б чиқсин!.. Оғзи-бурнингдан қонинг келмаса, асти розимасман...

Ўзимни оқлолмасдим. Бунга ҳаракат ҳам қилмадим. Ойимни топиш учун ҳамма нарсага тайёр эдим. Аячамнинг дўппослашлари чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмади. Илгаригидек хўрлигим ҳам келмади. Аммо энг алам қилгани шу бўлдики, молхонага яшириб кўйган картошкаларимни каламушлар тортиб кетибди. Омадсизлигимдан куйиниб йиғлаб юбордим. Эртасига мактабга ҳам бормадим. Лўлиларнинг олдига борамиз, деб эл бурутдан Тўхтасинга айтиб кўйган эдим. Дарсдан кейин жилдини кўтариб Тўхтасин келиб қолди. Нимагадир хурсанд. Оғзи қулоғида. Мени бир чеккага имлаб:

– Кетдикми, – деди боши билан истанса томонни кўрсатиб.
 – Боролмайман, картошка йўқ, – деб тумтайдим мен.
 – Мен олиб келдим, – деди кўзлари кулиб, кейин жилдини кўрсатди: – Мана!

o'rtog'imsan", – deb qo'ydim unga. "Bugun boramizmi?" – dedi u. "Oldin kartoshka topay-da, kartoshkasiz qanday boramiz". "Biz kartoshka yemaymizda", – dedi u. Bilaman, o'rog'im mendan hech nimani ayamaydi. Ular o'ris ovqat deb kartoshka yeyishmasdi. "O'zim topaman", – dedim.

Kartoshka topish yo'lini o'ylay boshladim. Omonjon tog'aga aytaman. Bozordan olib kelib beradi. Omonjon tog'a dadamning omborchisi. Ular cho'lga kerak narsalarni allaqayoqlardan topib, hovlimizga tashiyveradi... Yog'ochmi, ko'mirmi, yerga soladigan dorimi... Keyin bu yerdan cho'lga olib ketishadi. Yana ro'zg'orimizni ham qilib berib turadi.

Ikki-uch kundan beri Omonjon tog'adan darak yo'q edi. Nima qilsam ekan? Ko'z oldimga mis tog'ora kelaverdi. To'rtta kartoshkani o'g'irlab, molxonadagi pichanlar ichiga yashirdim. Ayacham sanab qo'yan ekan, kechki ovqat payti sezib qoldi. Omborxonadan bir nima chaqib olgandek otilib chiqdi-da:

– Ha yashshamagur o'g'ri tomoq, – deb tashlanib qoldi. Hovli supurayotgan edim, supurgini boshimga pana qilib o'tirib oldim. – Kartoshkaga boshing qorong'i bo'ldimi, hajiqiz...

Boshimga bir-ikki musht tushdi. Ayacham qo'limdan supurgini tortib olib o'sha bilan urmoqchi bo'ldi. Men supurgini bermadim. Bu ayachamning izzat-nafsiga qattiq tegdi. Meni bor kuchi bilan itarib yubordi. Bir emas, ikki-uch dumalab ketdim. Ammo shu zahoti o'rnimdan turib oldim. Ayachamga qattiq qaradim. Ayacham cho'chidimi, yo men bilan olishib charchadimi, odatdagidek qar-g'ashga tushdi:

– Shum oyoq, yetimcha, juvonmarg. Iloyo teshiib chiqsin!.. Og'zi-burningdan qoning kelmasa, asti rozimasman...

O'zimni oqlolmasdim. Bunga harakat ham qilmadim. Oyimni topish uchun hamma narsaga tayyor edim. Ayachamning do'pposlashlari chivin chaqqanchalik ham ta'sir qilmadi. Ilgarigidek xo'riligim ham kelmadi. Ammo eng alam qilgani shu bo'ldiki, molxonaga yashirib qo'yan kartoshkalarimni kalamushlar tortib ketibdi. Omadsizligimdan kuyinib yig'lab yubordim. Ertasiga maktabga ham bormadim. Lo'lilarning oldiga boramiz, deb el burutdan To'xtasinga aytib qo'yan edim. Darsdan keyin jildini ko'tarib To'xtasin kelib qoldi. Nimagadir xursand. Og'zi qulog'ida. Meni bir chekkaga imlab:

– Ketdikmi, – dedi boshi bilan istansa tomonni ko'rsatib.

– Borolmayman, kartoshka yo'q, – deb tumtaydim men.

– Men olib keldim, – dedi ko'zlari kulib, keyin jildini ko'rsatdi: –

Mana!

– Картошками, қаердан олдинг?

– Ойим немисникидан тухумга алмашиб чиқди. Кетдикми, ўртоқ?

– Кетдик!..

Тўхтасиннинг ён қўшниси немис эди. Биз тенги, биздан катта, биздан кичик ўғиллари бор эди. Бир гал Тўхтасин билан ўшаларникига кирганмиз. Кўзим каттакон ёғоч тоғорада тўлиб-тошиб ётган оёқ кийимларига тушган. Немис ямоқчи эди...

Икки ўртоқ истансага чопа-чопа кетдик. Ростдан ҳам истансанинг яқинидаги ялангликка қатор қилиб жулдирвоқи капалар тикилган, аммо лўлилар кўринмас эди. Қайси қапага бош суқишни билмай туриб қолдик. Бизни кўриб итлари ҳуриб кўзғалди. Нақ эшакдек-эшакдек келади. Тўхтасин ура қочмоқчи эди, кўлидан маҳкам ушлаб қолдим:

– Қочма, ўтир, ит ўтирганни қопмайди...

Шу пайт бизга яқин қападан битта лўли хотин чиқди-да, итларга ўз тилида бир нималар деб дўқ урди.

– Ана, ана... – деди Тўхтасин. – Ўша, ўша... ҳачирни топган лўли!

– Ҳай бачалар, кетинглар, кетинглар, – деб кўзларини кўрқинчли қилиб чақчайтирди у. – Итга олдираман бўлмаса...

– Бизга фол очиб қўйинг, – ялинди Тўхтасин. – Мановининг ойиси йўқолиб қолган.

– Ҳо-о-о, хола бекордан-бекор фол очмайди, – кўзлари ўйнади лўли хотиннинг.

– Картошка обкелдик сизга, картошка, мана, – деб жилдини кўрсатди Тўхтасин.

Лўли хотин шундан кейин қизиқсиниб бизни капасига бошлаб кирди.

– Нимангни очай, бачам? – деб бизга тақалиб келди лўли хотин.

– Айтдим-ку, мановининг ойиси йўқолиб қолган, деб, – деди Тўхтасин, – ойисини топиш керак.

– Бо-о-о... нима дейди бу!

Лўли хотиннинг кўзлари яна ўйнаб кетди.

– Ойиси йўқолиб қолган деяпман, – жон-жаҳди билан деди Тўхтасин.

– Шугина картошкага онасини очайинму? Жинни-минними бу? Онани очиш... тилло туради, тилло, бачам. Тилло чикин борму?

– Ҳачирни очдингиз-ку, ахир, шунча картошкага очаверингда, – жаҳл қилди Тўхтасин.

– О-о-о... – деб Тўхтасинга ғилай қараш қилди лўли хотин, – ҳачирнинг эгаси биласан менга нима берган, мана буний берган,–



– Kartoshkami, qayerdan olding?
 – Oyim nemisnikidan tuxumga almashib chiqdi. Ketskimi, o'rtoq?

– Ketskimi!..

To'xtasinning yon qo'shnisi nemis edi. Biz tengi, bizdan katta, bizdan kichik o'g'illari bor edi. Bir gal To'xtasin bilan o'shalarnikiga kirganmiz. Ko'zim kattakon yog'och tog'orada to'lib-toshib yotgan oyoq kiyimlariga tushgan. Nemis yamoqchi edi...

Ikki o'rtoq istansaga chopa-chopa ketdik. Rostdan ham istansaning yaqinidagi yalanglikka qator qilib juldirdoqi kapalar tikilgan, ammo lo'lilar ko'rinmas edi. Qaysi kapaga bosh suqishni bilmay turib qoldik. Bizni ko'rib itlari hurib qo'zg'aldi. Naq eshakdek-eshakdek keladi. To'xtasin ura qochmoqchi edi, qo'lidan mahkam ushlab qoldim:

– Qochma, o'tir, it o'tirganni qopmaydi...

Shu payt bizga yaqin kapadan bitta lo'li xotin chiqdi-da, itlarga o'z tilida bir nimalar deb do'q urdi.

– Ana, ana... – dedi To'xtasin. – O'sha, o'sha... xachirni topgan lo'li!

– Hay bachalar, ketinglar, ketinglar, – deb ko'zlarini qo'rqinchli qilib chaqchaytirdi u. – Itga oldiraman bo'lmasa...

– Bizga fol ochib qo'ying, – yalindi To'xtasin. – Manovining oyisi yo'qolib qolgan.

– Hooo, xola bekordan-bekor fol ochmaydi, – ko'zlari o'ynadi lo'li xotinning.

– Kartoshka obkeldik sizga, kartoshka, mana, – deb jildini ko'rsatdi To'xtasin.

Lo'li xotin shundan keyin qiziqsinib bizni kapasiga boshlab kirdi.

– Nimangni ochay, bacham? – deb bizga taqalib keldi lo'li xotin.

– Aytdim-ku, manovining oyisi yo'qolib qolgan, deb, – dedi To'xtasin, – oyisini topish kerak.

– Booo... nima deydi bu!

Lo'li xotinning ko'zlari yana o'ynab ketdi.

– Oyisi yo'qolib qolgan deyapman, – jon-jahdi bilan dedi To'xtasin.

– Shugina kartoshkaga onasini ochayinmu? Jinni-minnimi bu? Onani ochish... tillo turadi, tillo, bacham. Tillo chikin bormu?

– Xachirni ochdingiz-ku, axir, shuncha kartoshkaga ochave-ring-da, – jahl qildi To'xtasin.

– Ooo... – deb To'xtasinga g'ilay qarash qildi lo'li xotin, – xachirning egasi bilasan menga nima bergan, mana buniy bergan, –

деб билагидаги тилла билагузукни кўрсатди. Билагузук капанинг йиртиғидан тушган офтоб нурида “ярқ” этиб кетди.

– Оча қолинг, жон хола, товуғимиз туғса, эртага тухумам олиб келиб бераман. Ойнага битта қарай қолинг, нима қипти битта қарасангиз?..

– Ойнасиз ҳам кўробман. Жа-а-а хушрўй хотун. Бир юзида қоп-қора чикин холи бор...

– Ойи... ойим... – деб юбордим. Юрагим тез-тез уриб кетди. Лўли хотин тўхтамаса, ойим ҳақида гапираверса, гапираверса дердим... У бўлса бирдан жини кўзиб, бизни ҳайдаб сола бошлади:

– Ҳой, қоне энди рафт, онани тиллого очаду, тиллога!

– Тилла йўқда, ахир... – минғирлади Тўхтасин.

– Бо-о-о... яна гопураду, хозе итимни кўяду.

Тўхтасиннинг кўлидан ушлаб тортаман:

– Юр, кета қолайлик.

– Рафтеммий, йўқмий, ҳозир иштонимний ичига қамайдий, – деб лўли хотин липпасига кўл юборади. Икковимиз қапа ичидан ура қочиб чиқамиз. Орқамиздан лўли хотиннинг қаҳ-қаҳ отиб кулгани эшитилади.

Лўли хотин фолини охиригача очмаган бўлса ҳам барибир мен хурсанд эдим. У ойимни кўрди. Хушрўй хотин, деди. Юзида қоп-қора холи бор, деди. Менинг ойижоним тирик, ўлиб, ердан кўкариб чиқмаган. Аячам ёлғончи...

Тўхтасин икковимиз шошиб келяпмиз-у, Ача холамнинг гапларини эслайман: “Аячангиздан кўпам хафа бўлаверманг, мирзо болам. Кундош бўлгандан кейин куяди-да. Сиз, болам, Худодан сўранг, Худодан! Онангиз ўлмаган бўлса жон эгаси Худонинг ўзи, ўзи топиб беради. Ҳеч бўлмаса, тушингизга аён беради. Мана, мени айтди дейсиз, шундай бўлади!” Мана, айтганлари бўлди, тирклиги ҳақида тушимдамас, ўнгимда аён берди.

Кўз олдимга аячамнинг тилла тақинчоқлари келди... Хаёлларим сочилиб ҳаяжон билан уйга кириб бораман.

– Обдасталарни тўлатиб, ўчоққа кўй! – бақирди аячам.

Кир бошлайдилар шекилли, аламимдан йиғлаворай дейман. Сув ташишдан безиллайман. Аммо бошларига қатиқ чаплаганларидан билдимки, бош ювмоқчилар. Бош ювиш аячам учун кир ювишдан қийин. Сочи калта, жингала, роса қалин. Чигалини ёзмам деб уннайверади, уннайверади. Қатиқ кўзига кириб ачиштиради. Ким билсин, йиғлаб олса ҳам керак. Бунақа пайтда аламини мендан олади: “Етим ўлгур, бошимга сув кўй, етим ўлгур, тароқни оберт...” Майда тишли сирка тароқ, катта тишли тароқларнинг бирини олиб, бирини бераман...



deb bilagidagi tilla bilaguzukni ko'rsatdi. Bilaguzuk kapaning yirtig'idan tushgan oftob nurida "yarq" etib ketdi.

– Ocha qoling, jon xola, tovug'imiz tug'sa, ertaga tuxumam olib kelib beraman. Oynaga bitta qaray qoling, nima qipti bitta qarasangiz?..

– Oynasiz ham ko'robman. Jaaa xushro'y xotun. Bir yuzida qop-qora chikin xoli bor..

– Oyi... oyim... – deb yubordim. Yuragim tez-tez urib ketdi. Lo'li xotin to'xtamasa, oyim haqida gapiraversa, gapiraversa derdim... U bo'lsa birdan jini qo'zib, bizni haydab sola boshladi:

– Hoy, qone endi raft, onani tillogo ochadu, tilloga!

– Tilla yo'qda, axir... – ming'irladi To'xtasin.

– Booo... yana gopuradu, xoze itimni qo'yadu.

To'xtasinning qo'ldan ushlab tortaman:

– Yur, keta qolaylik.

– Raftemmiy, yo'qmiy, hozir ishtonimniy ichiga qamaydiy, – deb lo'li xotin lippasiga qo'l yuboradi. Ikkovimiz kapa ichidan ura qochib chiqamiz. Orqamizdan lo'li xotinning qah-qah otib kulgani eshitiladi.

Lo'li xotin folini oxirigacha ochmagan bo'lsa ham baribir men xursand edim. U oyimni ko'rdi. Xushro'y xotin dedi. Yuzida qop-qora xoli bor, dedi. Mening oyijonim tirik, o'lib, yerdan ko'karib chiqmagan. Ayacham yolg'onchi...

To'xtasin ikkovimiz shoshib kelyapmiz-u, Acha xolamning gaplarini eslayman: "Ayachangizdan ko'pam xafa bo'lavermang, mirzo bolam. Kundosh bo'lgandan keyin kuyadi-da. Siz, bolam, Xudodan so'rang, Xudodan! Onangiz o'lmagan bo'lsa jon egasi Xudoning o'zi, O'zi topib beradi. Hech bo'lmasa, tushingizga ayon beradi. Mana, meni aytdi deysiz, shunday bo'ladi!" Mana, aytganlari bo'ldi, tirikligi haqida tushimdamas, o'ngimda ayon berdi.

Ko'z oldimga ayachamning tilla taqinchoqlari keldi... Xayollarim sochilib hayajon bilan uyga kirib boraman.

– Obdastalarni to'latib, o'choqqa qo'y! – baqirdi ayacham.

Kir boshlaydilar shekilli, alamimdan yig'lavoray deyman. Suv tashishdan bezillayman. Ammo boshlariga qatiq chaplaganlaridan bildimki, bosh yuvmoqchilar. Bosh yuvish ayacham uchun kir yuvishdan qiyin. Sochi kalta, jingala, rosa qalin. Chigalini yozaman deb unnayveradi, unnayveradi. Qatiq ko'ziga kirib achishtiradi. Kim bilsin, yig'lab olsa ham kerak. Bunaqa paytda alamini mendan oladi: "Yetim o'lgur, boshimga suv quy, yetim o'lgur, taroqni ober..." Mayda tishli sirka taroq, katta tishli taroqlarning birini olib, birini beraman...

Бугун ҳам мана шунақа бош ювиш бошланди.

– Ҳай, қирилгур, қаердасан? Катта тишли тароқни обчиқ, токчада қоп кетибди.

Мен бу пайтда ўчоқ ёнида сув чапиштириш билан овора эдим.

Аячам турадиган ҳашамдор уйга кириш мен учун тақиқланган. Аммо кириш маза. Бу уйда томоша қиладиган нарсалар жуда кўп. Чинни чойнак, руҳ чойнак, мис чойнак, мис баркаш, тилларанг лаган, гулдор коса, пиёлалар... Вой бў-ў-ў! Нечта токча бўлса, ҳаммаси ясатиғлик. Шиша идишларда шакар, калла қанд. Бу уйга ҳар замонда кирсам ҳам оёғим киради-ю, бошим қайтиб чиқади. Аячам бирон нарсани ўмаради, деб кўрқади.

Уйга кирсам, катта тишли тароқ тилла тақинчоқлар билан токчада турган экан. Тароқни олаётиб бирдан кўзларим ўйнаб кетди. Кимдир менга: “Ана сенга лўли хотин айтган тиллолар! Ол биттасини... Ҳа-а-а... ўшшайма”, – дегандек бўлди.

Кўрқиб, бир зум тақинчоқлар устида туриб қолдим. Улар бир тўп бўлиб ўзини кўз-кўз қиларди. Қўш билагузук, бармоққа тақиладиган кўзи қизил узуклар, тизим-тизим марварид, ҳар бири шапалоқдек келадиган қашқари балдоқ... Шу пайт аячам бақириб ҳовлини бошига кўтарди:

– Ўлиб қолдингми?.. Етим, етти кулча...

“Мана бўлмасам!” Жаҳл билан қашқар балдоқни чўнтакка урдим-у, тароқни олибоқ ташқарига югурдим. Остонага қоқилиб, ҳовлига учиб тушдим. Қўлимдаги тароқ отилиб кетди. Тиззам қаттиқ оғриб, миямгача зирқиради. Ихраб юбордим.

– Ҳа, мосовсирамай ўл, бўл, кўзим ачиб кетди.

Оқсоқланиб бориб аячамга тароқни тутқазиб, бошларига кумфондан сув қуйяпман-у, икки кўзим дарвозада, қочиб қолиш керак. Энди бу уйда қолиб бўлмайди. Аячам бошини ювиб, сочларини қуритиб тилла асбобларини таққунча мен лўли хотиннинг олдида бўлишим керак. Балдоқ оғиргина эканми, нуқул шимимни пастга тортади. Юрагим гурс-гурс уриб, ҳовлига сиғмай қолдим. Обдаста тутган қўлим қалтирайди. Сувни аячамнинг бошига қуяман деб ичларига қуйворибман, қўлидаги катта тишли тароқ билан нақ илигимга солиб қолди. Шундоғам тиззамнинг кўзи зирқираб турган эди, “дод” дедим-у, шу баҳона кўчага қочиб чиқдим. Аячам орқамдан бақирди:

– Сўтак ўлгур, ўчоқдаги кумфонни олиб ке!

Қулоқ солиш қайда, истансага қараб чопдим. Хаёлимда ойижонимни топаману, бу уйга қайтиб келмайман. Шу пайт рўпарамдан Омонжон тоға чиқиб қолди.

– Ҳа, мунча, ит қувдими, нимага оқсоқланияпсан? – ҳайрон бўлди Омонжон тоға...



Bugun ham mana shunaqa bosh yuvish boshlandi.

– Hay, qirilgur, qayerdasan? Katta tishli taroqni obchiq, tokchada qop ketibdi.

Men bu paytda o'choq yonida suv chapishtirish bilan ovora edim.

Ayacham turadigan hashamdor uyga kirish men uchun taqiqlangan. Ammo kirish maza. Bu uyda tomosha qiladigan narsalar juda ko'p. Chinni choynak, ruh choynak, mis choynak, mis barkash, tillarang lagan, guldor kosa, piyolalar... Voy bo'oo! Nechta tokcha bo'lsa, hammasi yasatig'liq. Shisha idishlarda shakar, kalla qand. Bu uyga har zamonda kirsam ham oyog'im kiradi-yu, boshim qaytib chiqadi. Ayacham biron narsani o'maradi, deb qo'rqadi.

Uyga kirsam, katta tishli taroq tilla taqinchoqlar bilan tokchada turgan ekan. Taroqni olayotib birdan ko'zlarim o'ynab ketdi. Kimdir menga: "Ana senga lo'li xotin aytgan tillolar! Ol bittasini... Haaa... o'shshayma", – degandek bo'ldi.

Qo'rqib, bir zum taqinchoqlar ustida turib qoldim. Ular bir to'p bo'lib o'zini ko'z-ko'z qilardi. Qo'sh bilaguzuk, barmoqqa taqiladigan ko'zi qizil uzuklar, tizim-tizim marvarid, har biri shapaloqdek keladigan qashqari baldoq... Shu payt ayacham baqirib hovlini boshiga ko'tardi:

– O'lib qoldingmi?.. Yetim, yetti kulcha...

"Mana bo'lmasam!" Jahl bilan qashqar baldoqni cho'ntakka urdim-u, taroqni oliboq tashqariga yugurdim. Ostonaga qoqilib, hovliga uchib tushdim. Qo'limdagi taroq otilib ketdi. Tizzam qattiq og'rib, miyamgacha zirqiradi. Ixrab yubordim.

– Ha, mosovsiramay o'l, bo'l, ko'zim achib ketdi.

Oqsoqlanib borib ayachamga taroqni tutqazib, boshlariga qumg'ondan suv quyayapman-u, ikki ko'zim darvozada, qochib qolish kerak. Endi bu uyda qolib bo'lmaydi. Ayacham boshini yuvib, sochlarini quritib tilla asboblarni taqquncha men lo'li xotinning oldida bo'lishim kerak. Baldoq og'irgina ekanmi, nuqul shimimni pastga tortadi. Yuragim gurs-gurs urib, hovliga sig'may qoldim. Obdasta tutgan qo'lim qaltiraydi. Suvni ayachamning boshiga quyaman deb ichlariga quyvoribman, qo'lidagi katta tishli taroq bilan naq iligimga solib qoldi. Shundog'am tizzamning ko'zi zirqirab-turgan edi, "dod" dedim-u, shu bahona ko'chaga qochib chiqdim. Ayacham orqamdan baqirdi:

– So'tak o'lgur, o'choqdagi qumg'onni olib ke!

Quloq solish qayda, istansaga qarab chopdim. Xayolimda oyijonimni topamanu, bu uyga qaytib kelmayman. Shu payt ro'paramdan Omonjon tog'a chiqib qoldi.

– Ha, muncha, it quvdimi, nimaga oqsoqlanyapsan? – hayron bo'ldi Omonjon tog'a...

Мен Омонжон тоғага эътибор қилмай чошиб кетавердим. Анча нарига бориб орқамга қарасам, у киши ҳалиям менга қараб турипти.

Омонжон тоға дадамдан катта. Соқолларига оқ тушган. У киши кўпинча оч-наҳор юришимни билади. Хафа бўлади.

– Она етим – гул етим, ота етим – шум етим, деганлари шуда, – деб кўяди. Кейин қулоғимга шивирлаб дейди:

– Аячанг ёмон хотинмас, асти уям сенга ўхшаган бола ҳали. Сендақадан битта, иккитасини туғсин, ана ундан кейин инсоф кириб қолади, – дейди.

Мен истансага қанот чиқариб учиб бордим. Оёғимнинг оғриганиям билинмай қолди. Кўз олдимда ёғоч ортилган вагонлар... тумонат одам уймаллашиб ётибди. Ишчилар ёғочларни вагонлардан пастга думалатиш билан овора. Бирпасда бутун шаҳар кўчиб чиқибди, катта-ю кичик ўтин учун пўстлоқ шилиб ётибди. Ҳамма ёқ қий-чув. Ғўла тушираётганлар болаларни сўкиб нари ҳайдашади. Нафасим томоғимга тикилиб, бу тўс-тўполон ичидан капалар тикилган жойни қидираман. Капалар ўрнида ғўлалар сочилиб ётибди. Кўзларимга ёш куйилиб келди. Ҳеч нарсани кўрмай қолдим. Лўли хотин қаёққа кетдийкан?

Аячам билиб қарғайдилар ўзи мени. Мен шумман, шўртумшукман. Бахтим қора менинг... Энди нима қиламан? Қаёққа бораман? Чўнтагимдаги балдоқни нима қиламан?..

Шу пайт бир бола ёнимга келиб ўтирди. Кўлида ўтмас чопқи. У чопқини ғўлага бир-икки тақ-туқ урди-да, менга ялинди:

– Чопқингни бериб тур.

– Ўзингники-чи?

Боланинг устида узун, ирkit ятак, белида чилвир, иштони борми-йўқлигим билинмайди, совуқ бўлишига қарамай оёқяланг.

– Ўтмас-да, қара... юзи қайтиб қолган, – деди у чопқини кўрсатиб.

– Чопқим йўқ-да, бўлса берардим, – дедим.

– Ўтин қилмайсанми?

– Йўқ, – деб бош чайқадим. У менга сурилиб ўтирди:

– Менинг ойим ўлиб қолган. Холамникида тураман. Поччам кунда уради мени. Ўтинни озгина олиб келибсан, дейди. Чопқим ўтмайди-да...

– Бўпти, ўтин қилишвораман, – деб чопқини кўлидан олдим.

– Йўқ, – дейди у, – сен тўхтаб тур, олдин пўстлоғи қалинидан топай...

Бола минғирлаганича ёғочлар орасига кириб кетди. Яна ўз ҳаёлларим билан қолдим. Бирдан шундоққина ён томонимда қаттиқ

Men Omonjon tog'aga e'tibor qilmay chopib ketaverdim. Ancha nariga borib orqamga qarasam, u kishi haliyam menga qarab turipti.

Omonjon tog'a dadamdan katta. Soqollariga oq tushgan. U kishi ko'pincha och-nahor yurishimni biladi. Xafa bo'ladi.

– Ona yetim – gul yetim, ota yetim – shum yetim, deganlari shu-da, – deb qo'yadi. Keyin qulog'imga shivirlab deydi:

– Ayachang yomon xotinmas, asti uyam senga o'xshagan bola hali. Sendaqadan bitta, ikkitasini tug'sin, ana undan keyin insof kirib qoladi, – deydi.

Men istansaga qanot chiqarib uchib bordim. Oyog'imning og'riganiyam bilinmay qoldi. Ko'z oldimda yog'och ortilgan vagonlar... tumonat odam uymalashib yotibdi. Ishchilar yog'ochlarni vagonlardan pastga dumalatish bilan ovora. Birpasda butun shahar ko'chib chiqibdi, katta-yu kichik o'tin uchun po'stloq shilib yotibdi. Hamma yoq qiy-chuv. G'ola tushirayotganlar bolalarni so'kib nari haydashadi. Nafasim tomog'imga tiqilib, bu to's-to'polon ichidan kapalar tikilgan joyni qidiraman. Kapalar o'rnida g'olalar sochilib yotibdi. Ko'zlarimga yosh quyilib keldi. Hech narsani ko'rmay qoldim. Lo'li xotin qayoqqa ketdiykan?

Ayacham bilib qarg'aydilar o'zi meni. Men shumman, sho'rtum-shuqman. Baxtim qora mening... Endi nima qilaman? Qayoqqa boraman? Cho'ntagimdagi baldoqni nima qilaman?..

Shu payt bir bola yonimga kelib o'tirdi. Qo'lida o'tmas chopqi. U chopqini g'olaga bir-ikki taq-tuq urdi-da, menga yalindi:

– Chopqingni berib tur.

– O'zingniki-chi?

Bolaning ustida uzun, irkit yaktak, belida chilvir, ishtoni bormi-yo'qligiyam bilinmaydi, sovuq bo'lishiga qaramay oyoqyalang.

– O'tmas-da, qara... yuzi qaytib qolgan, – dedi u chopqini ko'rsatib.

– Chopqim yo'q-da, bo'lsa berardim – dedim.

– O'tin qilmaysanmi?

– Yo'q, – deb bosh chayqadim. U menga surilib o'tirdi:

– Mening oyim o'lib qolgan. Xolamnikida turaman. Pochcham kunda uradi meni. O'tinni ozgina olib kelibsan, deydi. Chopqim o'tmaydi-da...

– Bo'пти, o'tin qilishvoraman, – deb chopqini qo'lidan oldim.

– Yo'q, – deydi u, – sen to'xtab tur, oldin po'stlog'i qalinidan topay...

Bola ming'irlaganicha yog'ochlar orasiga kirib ketdi. Yana o'z xayollarim bilan qoldim. Birdan shundoqqina yon tomonimda qattiq

чинқириқ эшитилди. Ғала-ғовур бошланди. Ғўла тушираётган кишилар ёғочлар устидан сакраб-сакраб мен томонга кела бошлади.

– Босиб қолди, босиб қолди!..

– Ана, ана! ... – чуввос солди болалар.

Ёғоч тушираётганлар сўқинишар, ғўла тагида қолган кимнидир қутқармоқчи бўларди. Мен ҳам ўша томонга югурдим. Ёғоч босиб қолган бола ҳозиргина менга дардини ёрган етимча эди... Аъзои баданимга титроқ кирди. У менга тўхтаб тур, деб ўзи ғўлалар ичига кириб кетган эди.

Бир киши болани кўтариб қаёққадир олиб кетди. Беихтёр ўша кишига эргашдим. Қаёққа боряпман, нимагалигини ҳам билмасдим. Шу пайт биров билагимдан маҳкам ушлади. Қарасам, Омонжон тоға. Қадрдон одамимни кўриб қолганимдан суюнибми, ишқилиб, қўлларига осилиб йиғлаб юбордим.

– Омонжон тоға..

– Қўрқдингми, болам, қўрқдингми? Бай-бай, ёмон бўпти-ку, та-мом бўлибди-ку, бола бечора.

Омонжон тоға ёмғирдан халқоб бўлиб қолган кўлмақдан сув олиб юзимга сепди. Сесканиб кетдим. Тоға рўмолчаси билан юз-кўзимни артар экан:

– Нимага бундай қилдинг, болам? – деди.

– Мен қилмадим, ўзи ёғочлар орасига кириб кетди, тоға, – дедим мен.

– Дард, уни айтмаяпман, – деди Омонжон тоға менга ташвишли қараб. – Аячангнинг балдоғини нимага олдинг деяпман, эси йўқ!

Чўчиб тушдим. Балдоқ эсимдаям йўқ. Қўлим ўз-ўзидан чўнтагим устида пайпасланди. Шошиб қолганимдан:

– Олмадим, олмадим, – дедим Омонжон тоғанинг кўзига қарай олмай. Балдоқ чўнтагимда тошдек бўлиб турарди. Йиртиғидан тушиб қолгани минг марта яхши эди...

– Менам шувало айтдим аячангга, унақа бола эмас у деб. Қани энди ишонтириб бўлса. Фақат сендан кўряпти-да, болам. Юра қол, менинг боримда ўзингни оқлаб ол, бўлмаса у сени тирик қўймайди... Ҳозир отасиниям, онасиниям танимайдиган аҳволда... Мол аччиғи ёмон-да...

Омонжон тоға мени бир томонга бошлади. Ҳечам юргим келмайди. Омонжон тоға бир-икки қадам босадилар-да, орқага қараб мени кутадилар. Мунча шошадилар-а?!

– Мабодо, – дейдилар Омонжон тоға менинг аҳволимдан иккиланиб, – ростдан ҳам олмадингми, болам, олган бўлсанг шарманда бўламиз-а! Юзимиз бир умрга қора бўлиб қолади-я...

chingiriq eshitildi. G'ala-g'ovur boshlandi. G'ola tushirayotgan kishilar yog'ochlar ustidan sakrab-sakrab men tomonga kela boshladi.

– Bosib qoldi, bosib qoldi!..

– Ana, ana! ... – chuvvos soldi bolalar.

Yog'och tushirayotganlar so'kinishar, g'ola tagida qolgan kimnidir qutqarmoqchi bo'lardi. Men ham o'sha tomonga yugurdim. Yog'och bosib qolgan bola hozirgina menga dardini yorgan yetimcha edi... A'zoyi badanimga titroq kirdi. U menga to'xtab tur, deb o'zi g'olalar ichiga kirib ketgan edi.

Bir kishi bolani ko'tarib qayoqqadir olib ketdi. Beixtyor o'sha kishiga ergashdim. Qayoqqa boryapman, nimagaligini ham bilmasdim. Shu payt birov bilagimdan mahkam ushladi. Qarasam, Omonjon tog'a. Qarddon odamimni ko'rib qolganimdan suyunibmi, ishqilib, qo'llariga osilib yig'lab yubordim.

– Omonjon tog'a...

– Qo'rqdingmi, bolam, qo'rqdingmi? Bay-bay, yomon bo'пти-ku, tamom bo'libdi-ku, bola bechora.

Omonjon tog'a yomg'irdan xalqob bo'lib qolgan ko'lmakdan suv olib yuzimga sepdı. Seskanib ketdim. Tog'a ro'molchasi bilan yuz-ko'zimni artar ekan:

– Nimaga bunday qilding, bolam? – dedi.

– Men qilmadim, o'zi yog'ochlar orasiga kirib ket-di, tog'a, – dedim men.

– Dard, uni aytmayapman, – dedi Omonjon tog'a menga tashvishli qarab. – Ayachangning baldog'ini nimaga olding deyapman, esi yo'q!

Cho'chib tushdim. Baldoq esimdayam yo'q. Qo'lim o'z-o'zidan cho'ntagim ustida paypaslandi. Shoshib qolganimdan:

– Olmadim, olmadim, – dedim Omonjon tog'aning ko'ziga qaray olmay. Baldoq cho'ntagimda toshdek bo'lib turardi. Yirtig'ıdan tushib qolgani ming marta yaxshi edi...

– Menam shuvalo aytdim ayachangga, unaga bola emas u deb. Qani endi ishontirib bo'lsa. Faqat sendan ko'ryapti-da, bolam. Yura qol, mening borimda o'zingni oqlab ol, bo'lmasa u seni tirik qo'ymaydi... Hozir otasiniyam, onasiniyam tanimaydigan ahvolda... Mol achchig'i yomon-da...

Omonjon tog'a meni bir tomonga boshladi. Hecham yurgim kelmaydi. Omonjon tog'a bir-ikki qadam bosadilar-da, orqaga qarab meni kutadilar. Muncha shoshadilar-a?!

– Mabodo, – deydilar Omonjon tog'a mening ahvolimdan ikkilanib, – rostdan ham olmadingmi, bolam, olgan bo'lsang sharmanda bo'lamiz-a! Yuzimiz bir umrga qora bo'lib qoladi-ya...

Мен боягидек:

– Олмадим, олмадим, – дейман-у, чўнтагимга ўзимча билдирмайгина кўл юбориб балдоқни ерга тушириб юбораман ва шу заҳоти бирданига енгил тортиб қоламан. Ҳалидан бери шугина менинг ақли ҳушимни олиб, қалтиратиб турган эканми? Ваҳ, қандай яхши бўлди-я... қутулганим!

Анча узоқда аячам бошига ёпинчигини ташлаб, у ёқ-бу ёққа олазарак қараб бизни кутарди. Биз томонга юришга ёғоч тушираётган эркаклардан истиҳола қиларди. Шундоғам улар чапарас-тасига сўкинишар, пўстлоқ шилаётганларни қувиб тўрт томонга тўзғитарди. Омонжон тоға ҳалиги болага ачиниб, бошларини сарак-сарак қилар, уҳ тортар, менга қараб-қараб кўярди. Аячамга яқинлашиб бормаёқ анча беридан у кишига дедилар:

– Қиёматти устидан чиқиб қопмиз, келин... қиёматти устидан... бай, бай... Оҳ, Худойим-эй... Ҳеч кимнинг бошига солмасин-а бунақа кўргиликни... Қарамайсизми, битта мана шундайроқ бо-лачани, – деб мени кўрсатди Омонжон тоға, – катта бир ғўла бо-сиб қопти, денг. Ў-ў-ў-ў... – елкалари бориб-келиб бош чайқади Омонжон тоға. – Битта болани шунчаликка етказишнинг ўзи бўладими-а ҳозирги қийинчилик замонда...

Сездим, Омонжон тоға менга бўлишиб, аячамни жаҳлдан туширмоқчи бўларди.

– Ўша ёғоч манови самарискани босиб қомапти-да, Омонжон тоға, қутилардим кўярдим, – деди аячам мени кўзлари билан еб кўйгудек бўлиб. Кейин устимга бостириб келди-да:

– Ҳов, эррайим, чўз балдоқни бу ёққа, худди гўштингни ейман, бола, – деди бошидаги ёпинчиқни нари-бери суриб. Худди мен: “Манг”, – деб балдоқни кўлига тутқазиб кўядигандек.

– Мен олмадим, – дедим тап тортмай кўзига қараб. – Мана кўринг, бари йиртик, – деб чўнтагимни ағдариб кўрсатдим. Тавба, югурганларимда нимага балдоқ тушиб қолмаган экан?

– Ҳо-о-о... сендан бошқа ит оладими? Қаёққа гум қилдинг, ер юткур? – Аячам кўл кўтарди-ю, аммо урмади. Кўлимдан маҳкам ушлаб, уйга судраб қолди. – Топиб берасан, топмай кўр-чи, етим-ча, етти кулча...

Мен нажот излаб Омонжон тоғага қарадим. Ҳозиргина ёнимда турган эди, ерга кирдим, осмонга чиқдим, ишқилиб, тоға йўқ...

Аячам худди тилла балдоқни топиб олгандек, мени кўйиб юборса, ундан яна ажраб қоладигандек судраб борарди. Айбдорман-да, индамайман. Боя олтин балдоқдан қутулганимда устимдан тоғ қулагандек бўлган эди. Энди ундан узоқлашган сари ўзимни янаям дадилроқ сезардим. Олдинда мени нималар ку-



Men boyagidek:

– Olmadim, olmadim, – deyman-u, cho'ntagimga o'zimcha bildirmaygina qo'l yuborib baldoqni yerga tushirib yuboraman va shu zahoti birdaniga yengil tortib qolaman. Halidan beri shugina mening aqli hushimni olib, qaltiratib turgan ekanmi? Vah, qanday yaxshi bo'ldi-ya... qutulganim!

Ancha uzoqda ayacham boshiga yopinchi'ini tashlab, u yoq-bu yoqqa olazarak qarab bizni kutardi. Biz tomonga yurishga yog'och tushirayotgan erkaklardan istihola qilardi. Shundog'am ular chaparastasiga so'kinishar, po'stloq shilayotganlarni quvib to'rt tomonga to'z'g'itardi. Omonjon tog'a haligi bolaga achinib, boshlarini sarak-sarak qilar, uh tortar, menga qarab-qarab qo'yardi. Ayachamga yaqinlashib bormayoq ancha beridan u kishiga dedilar:

– Qiyomatti ustidan chiqib qopmiz, kelin... qiyomatti ustidan... Bay, bay... Oh, Xudoyim-ey... Hech kimning boshiga solmasin-a bunaqa ko'rgilikni... Qaramaysizmi, bitta mana shundayroq bolachani, – deb meni ko'rsatdi Omonjon tog'a, – katta bir g'ola bosib qopti, deng. O'oo'oo'... – yelkalari borib-kelib bosh chayqadi Omonjon tog'a. – Bitta bolani shunchalikka yetkazishning o'zi bo'ladimi-a hozirgi qiyinchilik zamonda...

Sezdim, Omonjon tog'a menga bo'lishib, ayachamni jahldan tushirmoqchi bo'lardi.

– O'sha yog'och manovi samariskani bosib qomapti-da, Omonjon tog'a, qutulardim qo'yardim, – dedi ayacham meni ko'zlari bilan yeb qo'ygudek bo'lib. Keyin ustimga bostirib keldi-da:

– Hov, errayim, cho'z baldoqni bu yoqqa, xuddi go'shtingni yeyman, bola, – dedi boshidagi yopinchiqni nari-beri surib. Xuddi men: "Mang", – deb baldoqni qo'lga tutqazib qo'yadigandek.

– Men olmadim, – dedim tap tortmay ko'ziga qarab. – Mana ko'ring, bari yirtiq, – deb cho'ntagimni ag'darib ko'rsatdim. Tavba, yugurganlarimda nimaga baldoq tushib qolmagan ekan?

– Hooo... sendan boshqa it oladimi? Qayoqqa gum qilding, yer yutkur? – Ayacham qo'l ko'tardi-yu, ammo urmadi. Qo'limdan mahkam ushlab, uyga sudrab qoldi. – Topib berasan, topmay ko'r-chi, yetimcha, yetti kulcha...

Men najot izlab Omonjon tog'aga qaradim. Hozirgina yonimda turgan edi, yerga kirdimi, osmonga chiqdimi, ishqilib, tog'a yo'q...

Ayacham xuddi tilla baldoqni topib olgandek, meni qo'yib yuborsa, undan yana ajrab qoladigandek sudrab borardi. Aybdormanda, indamayman. Boya oltin baldoqdan qutulganimda ustimdan tog' qulagandek bo'lgan edi. Endi undan uzoqlashgan sari o'zimni yanayam dadilroq sezardim. Oldinda meni nimalar kutayotgani bilan

таётгани билан ишим йўқ. Аячам олтин балдоқни хужрасига яширган-у, ўша ердан топиб беради, деб ўйларди, шекилли.

Гузарга яқинлашганимизда бир тўп бола бир-бири билан кувлашиб ҳаммомнинг орқасига ўтиб кетди. Уларга шу ҳолимда жудаям ҳавасим келди. Биламан, Гўлахнинг олдига ўтиб кетишди. Уларнинг бошида меникидақа ташвиш йўқ. Гўлах деганим кечаси-ю кундузи ҳаммомга ўт ёқиб ўтирадиган бола. Юз-кўзлари қоп-қора. Иккита кўзигина йилтиллаб туради. Ёши нечадалигини ҳам билиб бўлмайди. Ишқилиб, уни бола деймиз, ўзимизга тенг кўрамиз. Бошқалар ҳаммомдан ювиниб, маза қилиб, оқариб чиқса, у қачон қараса ўчоқ олдида қоп-қора мўндиси чиқиб ўтиради. Бировлар уришиб қолишса, нуқул шу бечорани пешлашади: “Гўлахга ўхшамай ўл, қора мўнди...” Шундан биламанки, Гўлах ҳам эр-хотин моховларга ўхшаб бировларга қўшила олмайди. Бироқ битта яхши тарафи борки, одамлар ундан ҳазар қилмайди. Айниқса, қишнинг совуқ кунларида Гўлахнинг олдига серқатнов бўлиб қолишади. Биров бир коса иссиқ овқат, биров эски кийим-кечак дегандек. Эвазига Гўлах уларга бир чеплак чўғ беради. Ҳаммомнинг чўғи сандалда узоқ туради. Гўлах пахта заводидан олиб келинган ғўзапўчоқларни ёқиб ўтиради. Ёққандаям ўчоққа бир сиқим-бир сиқимдан пешма-пеш, кетини узмай ташлаб туради. Ҳар ташлаганда аланганинг тили возвоз қилиб кўтарилади-ю, ичкарига қараб ютилиб кетади. Гўлах дудуқ. Зўрға бир нималар деган бўлади. Айтишларича, у илгари соппа-соғ бўлган, болалигида ёнғоқнинг тагига бўшаниб, шунақа бўлиб қолганмиш. У яна гапириб кетиши мумкин экан. Бунинг учун одамлар билан кўп гаплашиши керак экан. У бўлса кечасию кундузи бир ўзи оғзи ёрдек ўчоққа тикил-и-и-б ўтиради. Биз болалар Гўлахдан хабар олган бўламиз. Мақсад одамгарчилик эмас, қорин тўйдириш. Гўлах шу ҳолига меҳмондўстликни қотириб қўяди. Бизни кўриши билан хурсандлигидан кўзлари йилтиллаб, оппоқ тишлари кўриниб кетади. Тезда қовачоқлар устига ўнгитерси билинмай кетган дастурхонини ёзади. Кейин доимо ёнбошида турадиган тўрвасини олиб, уни дастурхонга ағдаради. Ичидан бурда-сурда нонлар, жийда, туршак, ишқилиб, тишга босадиган бир нималар дувва тўкилади. Кейин у осмонга қараб:

– О-о-о-о-л... е-е-е-е... – дейди қийналиб-қийналиб. У бу сўзни кўзлари кўкка битиб икки-уч бор қайтаради. Биз билан бор-йўғи гаплашгани ҳам шу бўлади. Бу пайтда дастурхондаги нарсалар таламон бўлган, унда ушоқ ҳам қолмаган бўлади. У бўлса ҳайрон бўлиб дастурхоннинг орқа-ўнгини ағдариб кўриб, қотиб-қотиб, қовачоқлар устида думалаб-думалаб кулади. Унинг



ishim yo'q. Ayacham oltin baldoqni hujrasiga yashirgan-u, o'sha yerdan topib beradi, deb o'ylardi, shekilli.

Guzarga yaqinlashganimizda bir to'p bola bir-biri bilan quvlashib hammomning orqasiga o'tib ketdi. Ularga shu holimda judayam havasim keldi. Bilaman, Go'laxning oldiga o'tib ketishdi. Ularning boshida menikidaqa tashvish yo'q. Go'lax deganim kechasi-yu kunduzi hammomga o't yoqib o'tiradigan bola. Yuz-ko'zlari qop-qora. Ikkita ko'ziga yiltillab turadi. Yoshi nechidaligini ham bilib bo'lmaydi. Ishqilib, uni bola deymiz, o'zimizga teng ko'ramiz. Boshqalar hammomdan yuvinib, maza qilib, oqarib chiqsa, u qachon qarasa o'choq oldida qop-qora mo'ndisi chiqib o'tiradi. Birovlar urishib qolishsa, nuqul shu bechorani peshlashadi: "Go'laxga o'xshamay o'l, qora mo'ndi..." Shundan bilamanki, Go'lax ham er-xotin moxovlarga o'xshab birovlariga qo'shila olmaydi. Biroq bitta yaxshi tarafi borki, odamlar undan hazar qilmaydi. Ayniqsa, qishning sovuq kunlarida Go'laxning oldiga serqatnov bo'lib qolishadi. Birov bir kosa issiq ovqat, birov eski kiyim-kechak degandek. Evaziga Go'lax ularga bir chelak cho'g' beradi. Hammomning cho'g'i sandalda uzoq turadi. Go'lax paxta zavodidan olib kelingan g'o'zapochoqlarni yoqib o'tiradi. Yoqqandayam o'choqqa bir siqim-bir siqimdan peshma-pesh, ketini uzmay tashlab turadi. Har tashlaganda alanganing tili voz-voz qilib ko'tariladi-yu, ichkariga qarab yutilib ketadi. Go'lah duduq. Zo'rg'a bir nimalar degan bo'ladi. Aytishlaricha, u ilgari soppa-sog' bo'lgan, bolaligida yong'oqning tagiga bo'shanib, shunaqa bo'lib qolganmish. U yana gapirib ketishi mumkin ekan. Buning uchun odamlar bilan ko'p gaplashishi kerak ekan. U bo'lsa kechasi-yu kunduzi bir o'zi og'zi g'ordek o'choqqa tikilib o'tiradi. Biz bolalar Go'laxdan xabar olgan bo'lamiz. Maqsad odamgarchilik emas, qorin to'ydirish. Go'lax shu holiga mehmondo'stlikni qotirib qo'yadi. Bizni ko'rishi bilan xursandligidan ko'zlari yiltillab, oppoq tishlari ko'rinib ketadi. Tezda qovachoqlar ustiga o'ngi-tersi bilinmay ketgan dasturxonini yozadi. Keyin doimo yonboshida turadigan to'rvasini olib, uni dasturxonga ag'daradi. Ichidan burdasurda nonlar, jiyda, turshak, ishqilib, tishga bosadigan bir nimalar duvva to'kiladi. Keyin u osmonga qarab:

- Oool... yeeee... - deydi qiyinalib-qiyinalib. U bu so'zni ko'zlari ko'kka bitib ikki-uch bor qaytaradi. Biz bilan bor-yo'g'i gaplashgani ham shu bo'ladi. Bu paytda dasturxondagi narsalar talamon bo'lgan, unda ushoq ham qolmagan bo'ladi. U bo'lsa hayron bo'lib dasturxonning orqa-o'ngini ag'darib ko'rib, qotib-qotib, qovachoqlar ustida dumalab-dumalab kuladi.

яқин ўртада кулганиям, хурсандлигиям шу бўлади. Мен бу хўрликлардан гўлаҳ бўлганим минг марта яхши, деб ўйлаб қоламан...

Дарвозамиз ёнида юк машинаси турган экан. Рақамидан танидим: АЕ 24–47. Чўлдан дадамлар келибдими? Ичим ёришиб кетди. Бу уйда дадам бор, шунинг учун ҳам юрибман-да. Дадам борида аячам менга бошқача бўлиб қолади. Ясатилган уйга киритади. Фақат аячам: “Ўғлингизга айтинг, овқатни шошиб ичмасин, нонни кичикроқ тишласин...” – деб қўяди.

– Ана, – деди аячам бошидаги ёпинчиғини наридан бери суриб, – отанг кепти, балдоқни топмасанг, сўйиласан, бола, билиб қўй...

Аячам ҳовлига кирди-ю, дадамни ҳайрон қолдириб ёш боладек хўнграб йиғлаб берди. Бор гапни бир зумда тўкиб солди. Дадам: “Шовқинлама-е”, – деб аячамни жеркиди. Орқама-орқа Омонжон тоға ҳам етиб келди. У кишини кўриши билан аячамга баттар жон битди:

– Ана, истансага ит қувгандек чопиб кетаётганини Омонжон тоға ҳам кўрган. Кўргансиз-а, тоға... Балдоқни ўша ёқда пуллаган бу самариска ўғлингиз...

– Истансага нимага бординг? – сўради дадам хотиржамгина. Бошқа пайт бўлганда мени кўриш билан бағирларига тортиб, искаб, юзларини юзимга босган, тиканли соқоллари билан қитиғимга теккан бўларди. Бўйнимда айбим борлиги учун индамадим, нимага борганимни айта олмасдим, албатта. Ахир, лўли хотин ҳақида, у ойимни қандай қилиб ойнасиз ҳам кўргани ва олтин балдоқ ҳақида гапириб бўладими? Ерга қараб, без бўлиб туравердим. Балки аячам бўлмаганида дадамга ростини айтган бўлармидим? Ахир, ойижонимни дадамнинг ўзи ҳам қидириб юрибди-ку...

– Гапир, даюс...

Дадамнинг овози кутилмаганда ўқдек чиқди. Чўчиб тушдим.

– Нимагаям борарди, бола-да, ўйинқароқлиги бор, – деб ёнимни олди Омонжон тоға, – истансага ёғоч кепти, анчадан бери келмаётувди, биласиз, олдинда қиш, бир қарич ўтин кўзга суртгулик, каттаю кичик ўша ёқда пўстлоқ шилиш билан овора. Шу тўполонда денг... – деб Омонжон тоға бир энтикиб қўйди, – битта болани ёғоч босиб, ўлиб ҳам қопти, – чайналди Омонжон тоға.

Бу гапларга дадам чалғимади, жилла бўлса ҳам юмшамади, жаҳл отидан тушмади.

– Омонжон тоға, – деди дадам зарда билан, – биласиз, бунақа балдоқларнинг мингтаси менга чўт эмас. Лекин манови манжалақининг гапи рост бўлса, бу дардисарни эрта кунда нима қиламан, – деб мени кўрсатди. – Самариска бола кимга керак, а,

Uning yaqin o'rtada kulganiyam, xursandligiyam shu bo'ladi. Men bu xo'rliklardan go'lax bo'lganim ming marta yaxshi, deb o'ylab qolaman...

Darvozamiz yonida yuk mashinasi turgan ekan. Raqamidan tanidim: AE 24-47. Cho'ldan dadamlar kelibdimi? Ichim yorishib ketdi. Bu uyda dadam bor, shuning uchun ham yuribman-da. Dadam borida ayacham menga boshqacha bo'lib qoladi. Yasatilgan uyga kiritadi. Faqat ayacham: "O'g'lingizga ayting, ovqatni shoshib ichmasin, nonni kichikroq tishlasin..." – deb qo'yadi.

– Ana, – dedi ayacham boshidagi yopinchi'ini naridan beri su-rib, – otang kepti, baldoqni topmasang, so'yilasan, bola, bilib qo'y...

Ayacham hovliga kirdi-yu, dadamni hayron qoldirib yosh boladek ho'ngrab yig'lab berdi. Bor gapni bir zumda to'kib soldi. Dadam: "Shovqinlama-e", – deb ayachamni jerkidi. Orqama-orqa Omonjon tog'a ham yetib keldi. U kishini ko'rishi bilan ayachamga battar jon bitdi:

– Ana, istansaga it quvgandek chopib ketayotganini Omonjon tog'a ham ko'rgan. Ko'rgansiz-a, tog'a... Baldoqni o'sha yoqda pullagan bu samariska o'g'lingiz...

– Istansaga nimaga bording? – so'radi dadam xotirjamgina. Boshqa payt bo'lganda meni ko'rish bilan bag'irlariga tortib, iskab, yuzlarini yuzimga bosgan, tikanli soqollari bilan qitig'imga tekkan bo'lardi. Bo'ynimda aybim borligi uchun indamadim, nimaga borganimni ayta olmasdim, albatta. Axir, lo'li xotin haqida, u oyimni qanday qilib oynasiz ham ko'rgani va oltin baldoq haqida gapirib bo'ladimi? Yerga qarab, bez bo'lib turaverdim. Balki ayacham bo'lmaganida dadamga rostini aytgan bo'larmidim? Axir, oyijonimni dadamning o'zi ham qidirib yuribdi-ku...

– Gapir, dayus...

Dadamning ovozi kutilmaganda o'qdek chiqdi. Cho'chib tushdim.

– Nimagayam borardi, bola-da, o'yinqaroqligi bor, – deb yonimni oldi Omonjon tog'a, – istansaga yog'och kepti, anchadan beri kelmayotuvdi, bilasiz, oldinda qish, bir qarich o'tin ko'zga surtgulik, katta-yu kichik o'sha yoqda po'stloq shilish bilan ovora. Shu to'polonda deng... – deb Omonjon tog'a bir entikib qo'ydi, – bitta bolani yog'och bosib, o'lib ham qopti, – chaynaldi Omonjon tog'a.

Bu gaplarga dadam chalg'imadi, jilla bo'lsa ham yumshamadi, jahl otidan tushmadi.

– Omonjon tog'a, – dedi dadam zarda bilan, – bilasiz, bunaqa baldoqlarning mingtasi menga cho't emas. Lekin manovi manjalaqining gapi rost bo'lsa, bu dardisarni erta kunda nima qilaman, – deb meni ko'rsatdi. – Samariska bola kimga kerak, a,

айтинг, кимга керак? Йў-ў-ў-қ... бу иснодга чидаёлмайман, бу боланинг баҳридан ўтиб қўя қоламан. Боридан йўғи...

Омонжон тоға шошиб қолди:

– Э, қўйинг-е, шайтонга ҳай беринг, ука, ҳа, ўзингизни босинг, ўғлингиз унақа боламас, менинг билишимча, ҳойнаҳой, тилла балдоқ бош ювган жойда қолиб кетган, зағизғон қурғур унақа ялтир-юлтирларга ўч бўлади. Кўтарган-да кетган... – Омонжон тоға осмонга аланглаб, балдоқ ўғриси зағизғонни қидирган бўлди. – Томларни қараб кўриш керак, зора топилиб қолса...

Омонжон тоға худди олтин балдоқни зағизғон кўтариб кетганини кўргандек дадамниям, аячамниям ишонтирмоқчи бўлди. Кейин астойдил бўлиб:

– Шоти қаерда, келин, кун ботмасданоқ ўзим томларни қараб чиқай, кўнглим бир нарсани сезиб турибди, – деди-да, шотини қидириб қолди. Мен Омонжон тоғанинг бекорга овора бўлаётганини билиб турардим. Олтин балдоқ қаерларда қолиб кетди-ку...

Дадамнинг кўзи энди жаҳл билан аячамга қадалди. Дадам аячамни урса аямасди. Устига-устак уйдаги идиш товоқларни ҳам кўшиб чил-чил қиларди. Жанжал кўпроқ мен туфайли чиқарди. Аячам дадамнинг ер сузиб қарашидан ўзини йўқотиб кўйди. Дирдир титраб, шоша-пиша:

– Балдоқни ҳамма тилла асбобларим билан уйга ечувдим, ёлғон гапирсам, отам эрим бўлсин, – деб юборди...

Омонжон тоға буни кутмаган эканми, қайдандир кўтариб келаётган шотини кўлидан тушириб юборди. Шоти тарақлаб кетди. Кейин жон ҳолатда аячамга қараб:

– Астағфируллоҳ... астағфируллоҳ... Ҳой нодон келин, гапингни қайтариб ол-а!.. Нима, ота сенга шунчалар хор бўлдимми ҳали... – деди серрайганича. Омонжон тоға аячамни биринчи марта сенсираб юборди. Бўлмаса келинпошшам, келинпошшам, деб ўзларини кичик олиб, ҳурматини қилиб кўярди. Аячам бўлса хонзодалардек Омонжон тоғага унча-мунча уй ишларни ҳам буюриб юбораварди.

Аячамнинг қасамидан кейин дадам кўкариб кетди ва бир қарорга ҳам келиб бўлди. Тез-тез юриб ҳовли ўртасида кўндаланг ётган шотининг устидан ҳатлаб ўтди-да, дарвозани ичкаридан беркитди. Омонжон тоға шотини кўтаришни ҳам, кўтармасликни ҳам билмай туриб қолди. Мен кўрқувдан музлай бошладим. Дадам ўзи айтгандек бундай иснодга чидай олмасди. Гап-сўзда бировга паст тушганларини кўрмаганман. Ким бўлишидан қатъи назар тиккама-тикка гапиришарди. Мен шу туришда, албатта, ўзимни



ayting, kimga kerak? Yo'bo'q... bu isnodga chidayolmayman, bu bolaning bahridan o'tib qo'ya qolaman. Boridan yo'g'i...

Omonjon tog'a shoshib qoldi:

– E, qo'ying-e, shaytonga hay bering, uka, ha, o'zingizni bosing, o'g'lingiz unaqa bolamas, mening bilishimcha, hoynahoy, tilla baldoq bosh yuvgan joyda qolib ketgan zag'izg'on qurg'ur unaqa yaltir-yultirlarga o'ch bo'ladi. Ko'targan-da, ketgan... – Omonjon tog'a osmonga alanglab baldoq o'g'risi zag'izg'onni qidirgan bo'ldi. – Tomlarni qarab ko'rish kerak, zora topilib qolsa...

Omonjon tog'a xuddi oltin baldoqni zag'izg'on ko'tarib ketganini ko'rgandek dadamniyam, ayachamniyam ishontirmoqchi bo'ldi. Keyin astoydil bo'lib:

– Shoti qayerda, kelin, kun botmasdanoq o'zim tomlarni qarab chiqay, ko'nglim bir narsani sezib turibdi, – dedi-da, shotini qidirib qoldi. Men Omonjon tog'aning bekorga ovora bo'layotganini bilib turardim. Oltin baldoq qayerlarda qolib ketdi-ku...

Dadamning ko'zi endi jahl bilan ayachamga qadaldi. Dadam ayachamni ursa ayamasdi. Ustiga-ustak uydagi idish tovoqlarni ham qo'shib chil-chil qilardi. Janjal ko'proq men tufayli chiqardi. Ayacham dadamning yer suzib qarashidan o'zini yo'qotib qo'ydi. Dir-dir titrab, shosha-pisha:

– Baldoqni hamma tilla asboblarning bilan uyga yechuvdim, yolg'on gapirsam, otam erim bo'lsin, – deb yubordi...

Omonjon tog'a buni kutmagan ekanmi, qaydandir ko'tarib kelayotgan shotini qo'lidan tushirib yubordi. Shoti taraqlab ketdi. Keyin jon holatda ayachamga qarab:

– Astag'firulloh... astag'firulloh... Hoy nodon kelin, gapingni qaytarib ol-a!.. Nima, ota senga shunchalar xor bo'ldimi hali... – dedi serryaganicha. Omonjon tog'a ayachamni birinchi marta sensirab yubordi. Bo'lmasa kelinposhsham, kelinposhsham, deb o'zlarini kichik olib, hurmatini qilib qo'yardi. Ayacham bo'lsa xonzodalardек Omonjon tog'aga uncha-muncha uy ishlarni ham buyurib yuboraverardi.

Ayachamning qasamidan keyin dadam ko'karib ketdi va bir qarorga ham kelib bo'ldi. Tez-tez yurib hovli o'rtasida ko'ndalang yotgan shotining ustidan hatlab o'tdi-da, darvozani ichkaridan berkitdi. Omonjon tog'a shotini ko'tarishni ham, ko'tarmaslikni ham bilmay turib qoldi. Men qo'rquvdan muzlay boshladim. Dadam o'zi aytgandek bunday isnodga chiday olmasdi. Gap-so'zda birovga past tushganlarini ko'rmaganman. Kim bo'lishidan qat'i nazar tikkama-tikka gapirishardi. Men shu turishda, albatta, o'zimni oqlay

оқлай олмасдим. Бўйнимга олай десам, самарискага чиқаман... Бунинг устига балдоқни ташлаб ҳам юбордим... Уни топиб бўладими энди?.. Ўпкам тўлиб келиб, кўз олдим қоронғилашди. Нималар қилиб қўйдим... Бунчаям аҳмоқ бўлмасам...

Дадам тепамга келиб билагимдан шундай ушладики, оғриғига чидолмай додлаб юбордим. Дадам аламидан ҳансираб, иссиқ нафаси юзимга урилди.

– Бу ҳаромининг баҳридан ҳозироқ ўтмасам, эртага кеч бўлади, – деб ичкарига судраб қолди.

Истансада ғўла тагида қолиб ўлган бола кўзимга кўринди. Дадамнинг кўлидан чиқишга уриндим.

– Нима қилмоқчисиз? – деб Омонжон тоға дадамнинг йўлини тўсди.

Аммо дадам тоғани итариб юборди. Тоға гандираклаб бориб деворга урилди. Мени оёғимни ерга теккизмай ясатиғлик уйга олиб кирди-да, эшикни ичкаридан беркитиб, занжирини солди.

Кейин миҳда осиеғлик турган пичоқни олди:

– Яхшиликча айт, ҳароми, балдоқни нима қилдинг? Айтмасанг, сўяман, самариска боланинг менга кераги йўқ... Й-ў-ў-қ, – деб бошим, елкаларим аралаш муштлай кетди! Кўз олдимга яна анави бола келди. У ўлди, поччасининг калтакларидан қутулди. Энди мен ҳам ўламан, азоблардан қутуламан... Эшикнинг ташқаридан тарақлагани, аячамнинг бир нималар деб қарғанганлари эшитилди.

Дадам терлаб-пишди. Пичоқли кўлининг орқаси билан пешанасидаги терни сидирди. “Айт, айт, ҳароми”. Миқ этмадим. Самариска деган номни кўтариб юргандан ўлганим яхши. Унга сайин дадамнинг қони қайнайди, силталайди, тарсакилайди...

– А-й-йт, айт! Шунақами, ҳали... Мана энди бўлди... Ҳа, тўйдим энди сендек боладан, ҳа, тўйдим...

Шундай деб дадам мени обрезга ётқизди. Икки кўлимни битта қилиб кўкрагим устига олиб келди. Кейин тиззалаб босди. Нафас ололмай қолдим.

– Айт, ҳароми, ай-й-й-т... Охирги марта сўраяпман сендан...

Кўз олдимда пичоқ ялтиради. Пичоқ қинидан чиққан эди. Дадамнинг кўзлари ёнди...

Шу пайт эшик синди. Дадам нарига учиб тушди. Тепамда Омонжон тоға пайдо бўлди. Тура эшикка ўзимни урдим. Ҳовлига чиқдим-у, йиқилдим. Қизиқ устида турмоқчиём бўлдим, туролмадим. Ичимдан бир нима узилиб тушгандек бўлди. “Бўлди, бўлди, топилди!” Бу аячамнинг овози эди. “Топилди!” Кўзларим ярқ этиб очилиб кетди. Аячам балдоқни менга кўз-кўз қиларди. Нима?



olmasdim. Bo'ynimga olay desam, samariskaga chiqaman... Buning ustiga baldoqni tashlab ham yubordim... Uni topib bo'ladimi endi?... O'pkam to'lib kelib, ko'z oldim qorong'ilashdi. Nimalar qilib qo'ydim... Bunchayam ahmoq bo'lmasam...

Dadam tepamga kelib bilagimdan shunday ushladiki, og'rig'iga chidolmay dodlab yubordim. Dadam alamidan hansirar, issiq nafasi yuzimga urilardi.

– Bu haromining bahridan hoziroq o'tmasam, ertaga kech bo'ladi, – deb ichkariga sudrab qoldi.

Istansada g'ola tagida qolib o'lgan bola ko'zimga ko'rindi. Dadamning qo'lidan chiqishga urindim.

– Nima qilmoqchisiz? – deb Omonjon tog'a dadamning yo'lini to'sdi.

Ammo dadam tog'ani itarib yubordi. Tog'a gandaraklab borib devorga urildi. Meni oyog'imni yerga tekkizmay yasatig'lik uyga olib kirdi-da, eshikni ichkaridan berkitib, zanjirini soldi.

Keyin mixda osig'liq turgan pichoqni oldi:

– Yaxshilikcha ayt, haromi, baldoqni nima qilding? Aytmasang, so'yaman, samariska bolaning menga keragi yo'q... Yo'o'q, – deb boshim, yelkalarim aralash mushtlay ketdi! Ko'z oldimga yana anavi bola keldi. U o'ldi, pochchasining kaltaklaridan qutuldi. Endi men ham o'laman, azoblardan qutulaman... Eshikning tashqaridan taraqlagani, ayachamning bir nimalar deb qarq'anganlari eshitildi.

Dadam terlab-pishdi. Pichoqli qo'lining orqasi bilan peshanasidagi terni sidirdi. "Ayt, ayt, haromi". Miq etmadim. Samariska degan nomni ko'tarib yurgandan o'lganim yaxshi. Unga sayin dadamning qoni qaynaydi, siltalaydi, tarsakilaydi...

– Ayyt, ayt! Shunaqami, hali... Mana endi bo'ldi... Ha, to'ydim endi sendek boladan, ha, to'ydim...

Shunday deb dadam meni obrezga yotqizdi. Ikki qo'limni bitta qilib ko'kragim ustiga olib keldi. Keyin tizzalab bosdi. Nafas ololmay qoldim.

– Ayt, haromi, ayyt... Oxirgi marta so'rayapman sendan...

Ko'z oldimda pichoq yaltiradi. Pichoq qinidan chiqqan edi. Dadamning ko'zlari yondi...

Shu payt eshik sindi. Dadam nariga uchib tushdi. Tepamda Omonjon tog'a paydo bo'ldi. Tura eshikka o'zimni urdim. Hovliga chiqdim-u, yiqildim. Qiziq ustida turmoqchiyam bo'ldim, turolmadim. Ichimdan bir nima uzilib tushgandek bo'ldi. "Bo'ldi, bo'ldi, topildi!" Bu ayachamning ovozi edi. "Topildi!" Ko'zlarim yarq etib ochilib ketdi. Ayacham baldoqni menga ko'z-ko'z qilardi. Nima? Ko'zlarimga

Кўзларимга ишонмай қотиб қолдим. Қаердан келиб қолди экан бу? Аячам ҳадеб: “Имонсиз, соқолинг гўрда чиригур, берган тузларим кўр қилсин сен қари шилпиқни”, – деб қарғанарди...

– Кўрмайсанми, Омонжон олган экан, – деб аячам устимга келди.

Ҳеч нарсага тушунмай қолдим. Бошим ғувиллайди... Ичимдаги бояги оғриқ ҳалиям ўрнимдан туришга қўймайди. Ясатиғлик уйда дадам шовқинлайди: “Мен сизга бола-чақамни, молу дунёمنى ишониб қўйибман-а, тагин... Суф-е, сатқайи одам кетинг...” Дадам ёмон сўзлар билан сўкинди. “Шайтон йўлдан урди, ука, ҳа... Мен қари кўппакни кечиринг”. Бу Омонжон тоғанинг овози эди. “Қорангизни ўчиринг, орамиз очиқ, йўқолинг кўзимдан...”

Ичимдаги оғриқ бирдан зўрайди-ю, зим-зиё қоронғиликка туш-и-иб кетдим...

Кўзимни очсам, Омонжон тоға тепамда дам солиб ўтирибдилар. Анча ухлаб қолибман, шекилли. Қаердаман? Тусмолласам, хужрамда эканман. Фонус ёқилибди. У хужрани хирагина ёритарди. Омонжон тоға ҳар “куф”лаганларида фонуснинг пилиги кўтарилиб-кўтарилиб, ичкари ёришиб-ёришиб кетади... Қаердандир пиёздоғ ҳиди келади. Омонжон тоға кўзларини юмиб олган, ўқиганда соқоллари титраб, гавдалари нари-бери бориб келади. Шу пайт Омонжон тоға билан кўзларимиз учрашди.

– Тузукмисан, болам? – хавотир билан сўради Омонжон тоға. Мен хўрсиндим. Ичимдаги оғриқ йўқолгандек. Аммо туришга ҳолим йўқ. Ҳозиргина бир яхши тиниқиб турган бошим яна қайталаб лўққиллай бошлади. Кўзимни чирт юмиб олдим. Қайдандир шовқин-суронлар босиб келди. Ана шу шовқин-суронлар ичида Аячамнинг овози кулоққа аниқ-тиниқ эшитилди. “Кўрмайсанми, Омонжон олган экан, соқолинг гўрда чиригур”. Нимага энди бунақа бўлди? Тилла балдоқни мен олувдим-ку? Уни истансада атайлаб мен тушириб қолдирдим? Энди шовқин-суронлар ичида Омонжон тоғанинг овози эшитилади: “Шайтон йўлдан урди, ука, ҳа... Мен қари кўппакни кечиринг”. Нимага энди Омонжон тоға олган бўлади? Балдоқ ўғриси мен-ку. Кўзим ярқ этиб очилиб кетди. Омонжон тоғага қарайман... Омонжон тоға бўлса бошимни силаб, нимагадир жилмайди.

– Омонжон тоға, – дедим ҳиқиллаб, – нимага бунақа бўлди?

– Ҳаммаси орқада қолди, болам... Балдоқ топилди, бўлди-да. Уни мен олган эдим, эшитдингми, сен олмагансан, вассалом...

– Йўқ, ахир, мен...

– Бўлди, бўлди, гапни чуватма, болам, бўлиб ўтган ишларни эсингдан чиқар...



ishonmay qotib qoldim. Qayerdan kelib qoldi ekan bu? Ayacham hadeb: "Imonsiz, soqoling go'rda chirigur, bergan tuzlarim ko'r qilsin sen qari shilpiqni", – deb qarg'anardi...

– Ko'rmaysanmi, Omonjon olgan ekan, – deb ayacham ustimga keldi.

Hech narsaga tushunmay qoldim. Boshim g'uvullaydi... Ichimdagi boyagi og'riq haliyam o'rnimdan turishga qo'ymaydi. Yasatig'lik uyda dadam shovqinlaydi: "Men sizga bola-chaqamni, mol-u dunyomni ishonib qo'yibman-a, tag'in... Suf-e, satqayi odam keting..." Dadam yomon so'zlar bilan so'kindi. "Shayton yo'ldan urdi, uka, ha... Men qari ko'ppakni kechiring". Bu Omonjon tog'aning ovozi edi. "Qorangizni o'chiring, oramiz ochiq, yo'qoling ko'zimdan..."

Ichimdagi og'riq birdan zo'raydi-yu, zim-ziyo qorong'ilikka tushib ketdim...

Ko'zimni ochsam, Omonjon tog'a tepamda dam solib o'tirib-dilar. Ancha uxlab qolibman, shekilli. Qayerdaman? Tasmollasam, hujramda ekanman. Fonus yoqilibdi. U hujrani xiragina yoritardi. Omonjon tog'a har "kuf"laganlarida fonusning piligi ko'tarilib-ko'tarilib, ichkari yorishib-yorishib ketadi... Qayerdandir piyozdog'hidi keladi. Omonjon tog'a ko'zlarini yumib olgan, o'qiganda soqollari titrab, gavdalari nari-beri borib keladi. Shu payt Omonjon tog'a bilan ko'zlarimiz uchrashdi.

– Tuzukmisan, bolam? – xavotir bilan so'radi Omonjon tog'a. Men xo'rsindim. Ichimdagi og'riq yo'qolgandek. Ammo turishga holim yo'q. Hozirgina bir yaxshi tiniqib turgan boshim yana qaytalab lo'qqillay boshladi. Ko'zimni chirt yumib oldim. Qaydandir shovqin-suronlar bosib keldi. Ana shu shovqin-suronlar ichida Ayachamning ovozi quloqqa aniq-tiniq eshitildi. "Ko'rmaysanmi, Omonjon olgan ekan, soqoling go'rda chirigur". Nimaga endi bunaqa bo'ldi? Tilla baldoqni men oluvdim-ku? Uni istansada ataylab men tushirib qoldirdim? Endi shovqin-suronlar ichida Omonjon tog'aning ovozi eshitiladi: "Shayton yo'ldan urdi, uka, ha... Men qari ko'ppakni kechiring". Nimaga endi Omonjon tog'a olgan bo'ladi? Baldoq o'g'risi men-ku. Ko'zim yarq etib ochilib ketdi. Omonjon tog'aga qarayman... Omonjon tog'a bo'lsa boshimni silab, nimagadir jilmaydi.

– Omonjon tog'a, – dedim hiqillab, – nimaga bunaqa bo'ldi?

– Hammasi orqada qoldi, bolam... Baldoq topildi, bo'ldi-da. Uni men olgan edim, eshitdingmi, sen olmagansan, vassalom...

– Yo'q, axir, men...

– Bo'ldi, bo'ldi, gapni chuvatma, bolam, bo'lib o'tgan ishlarni esingdan chiqar...

Эсдан чиқармиш. Эсдан чиқариб бўларканми? Бундан чиқди, Омонжон тоға ташлаб юборганимни кўриб қолган-у қайтиб бориб балдоқни олган. Олганлари учун энди ўғри бўлиб қолдимми? Нимага энди Омонжон тоға мен самарискани айтиб бера қолмади? Айтиб берса, дадам мени сўйиб қўя қоларди-да... Дадамга самариска бола керакмас... Самариска боланинг отаси бўлиш яхшими? Омонжон тоғани энди тушуна бошладим... Катталар болаларнинг айбини бўйнига олса бўлаверар экан-да...

– Омонжон тоға, – дедим ҳиқиллаб... – мени бу уйдан олиб кетинг, жон Омонжон тоға, яшагим келмаяпти бу уйда. Кўрқманг, мен самарискамасман. Мен... Менга қолса балдоқни ҳечам олманган бўлардим. Ўлай агар, истансадаги битта лўли хотин тилла олиб келсанг, ойингни ойнада кўриб, қаердалигини айтиб бераман, деган эди. Тилла балдоқни олиб борсам, кетиб қолибди... Ахир, ойимни соғинсам нима қилай, Омонжон тоға... – Йиғлаб юбордим. Лўли хотиннинг кетиб қолганиям, Омонжон тоғанинг мени деб ўғри бўлиб қолганиям жуда-жуда алам қиларди.

Бирдан Омонжон тоға бошқача бўлиб кетди. Ўтирган жойидан бир кўзғалиб, менга энгашиб, юзларини юзимга босиб жим қолди. Соқоллари бирам майин, ёқимли... Қалампирмунчоқми, хинами, шунга ўхшаш бир нималарнинг иси келарди.

– Шунақа дегин, болам, шундай дегин, тойчоғим, – деди худди йўқотган нарсасини топиб олгандек севиниб. – Бу ишни онаизорингни деб қилдингми-а, болам... Воҳ, воҳ... – Кейин кўз ёшларини енги билан артди. У киши йиғларди. Омонжон тоға дарча томонга бир қараб олиб, овозини пасайтириб, деди: – Падар лаънат ўша мўлтони йўлдан урибди-да, сени, а, болам. Ҳалидан бери ўзингдан сўролмай, ич-этимни еб ўтирган эдим. Мен балдоқни ташлаб юборганингаёқ кўрувдим, болам. Кўрдим-у, ҳайрон бўлдим, сендан буни кутмаган эдим-да! Бир кўнглим қулоғингдан чўзғилаб, балдоқ билан келинпошшага топширай ҳам дедим. Лекин сени аядим, болам, кўзим қиймади. Бошқа йўлларни излаб қолдим. Зағизғон баҳонасини ўйлаб топдим. Аммо келинпошшанинг қасами ишни бузиб қўйди-да... Ўйлаганларим бўлмай қолди. Кейин, бор-е, деб ўғри бўлиб қўя қолдим. – Омонжон тоға шу гапларни айтиб, жим бўлиб қолди. – Майли, болам, бўлар иш бўлди... Лекин бор гапни айтиб, кўнглимни тоғдек кўтардинг, болам. Бу ишингни мен яхшиям, ёмонам дея олмайман... Болалар онаси учун ҳамма нарсани қилиши мумкин, худди шундай оналари ҳам. Айрилиқ – оғир нарса. Сен-ку, гўдак ҳолингга шунчаликка борибсан, онанг бечорага Худонинг ўзи тўзим берсин, ҳа, тўзим берсин... Уруш ўлсин, уруш, каттаю кичикни сарсону саргардон қилиб қўйди.

Esdan chiqarmish. Esdan chiqarib bo'larkanmi? Bundan chiqdi, Omonjon tog'a tashlab yuborganimni ko'rib qolgan-u qaytib borib baldoqni olgan. Olganlari uchun endi o'g'ri bo'lib qoldimi? Nimaga endi Omonjon tog'a men samariskani aytib bera qolmadi? Aytib bersa, dadam meni so'yib qo'ya qolardi-da... Dadamga samariska bola kerakmas... Samariska bolaning otasi bo'lish yaxshimi? Omonjon tog'ani endi tushuna boshladim... Kattalar bolalarning aybini bo'yninga o'lsa bo'laverar ekan-da...

– Omonjon tog'a, – dedim hiqillab... – meni bu uydan olib keting, jon Omonjon tog'a, yashagim kelmayapti bu uyda. Qo'rqmang, men samariskamasman. Men... Menga qolsa baldoqni hecham olmagan bo'lardim. O'lay agar, istansadagi bitta lo'li xotin tilla olib kelsang, oyingni oynada ko'rib, qayerdaligini aytib beraman, degan edi. Tilla baldoqni olib borsam ketib qolibdi... Axir, oyimni sog'insam nima qilay, Omonjon tog'a... – Yig'lab yubordim. Lo'li xotinning ketib qolganiyam, Omonjon tog'aning meni deb o'g'ri bo'lib qolganiyam juda-juda alam qilardi.

Birdan Omonjon tog'a boshqacha bo'lib ketdi. O'tirgan joyidan bir qo'zg'alib, menga engashib, yuzlarini yuzimga bosib jim qoldi. Soqollari biram mayin, yoqimli... Qalampirmunchoqmi, xinami, shunga o'xshash bir nimalarning isi kelardi.

– Shunaqa degin, bolam, shunday degin, toychog'im, – dedi xuddi yo'qotgan narsasini topib olgandek sevinib. – Bu ishni onaizingni deb qildingmi-a, bolam... Voh, voh... – Keyin ko'z yoshlarini yengi bilan artdi. U kishi yig'lardi. Omonjon tog'a darcha tomonga bir qarab olib, ovozini pasaytirib, dedi: – Padar la'nat o'sha mo'ltoni yo'ldan uribdi-da, seni, a, bolam. Halidan beri o'zingdan so'rolmay, ich-etimni yeb o'tirgan edim. Men baldoqni tashlab yuborganingdayoq ko'ruvdim, bolam. Ko'rdim-u, hayron bo'ldim, sendan buni kutmagan edim-da! Bir ko'nglim qulog'ingdan cho'zg'ilab, baldoq bilan kelinposhshaga topshiray ham dedim. Lekin seni ayadim, bolam, ko'zim qiymadi. Boshqa yo'llarni izlab qoldim. Zag'izg'on bahonasini o'ylab topdim. Ammo kelinposhshaning qasami ishni buzib qo'ydi-da... O'ylaganlarim bo'lmay qoldi. Keyin, bor-e, deb o'g'ri bo'lib qo'ya qoldim. – Omonjon tog'a shu gaplarni aytib, jim bo'lib qoldi. – Mayli, bolam, bo'lar ish bo'ldi... Lekin bor gapni aytib, ko'nglimni tog'dek ko'tarding, bolam. Bu ishingni men yaxshiyam, yomonam deya olmayman... Bolalar onasi uchun hamma narsani qilishi mumkin, xuddi shunday onalari ham. Ayriliq – og'ir narsa. Sen-ku, go'dak holingga shunchalikka boribsan, onang bechoraga Xudoning o'zi to'zim bersin, ha, to'zim bersin... Urush o'lsin, urush, katta-yu

Ҳа... энди гап шу ерда қолиб кетсин, оғзингдан гуллаб юрма. Мен ўғри номини олганимга пушаймонмасман. Одамлар нима деса, сатқайи сар... Мен бу дунёдан кетиб бораётган одамман, сен бу дунёга энди келяпсан, ҳа, ҳаммаси олдинда... Худонинг ўзи қози, барини кўриб турибди... Шукурки, номинг булғанмай қолди... Бўлмаса қийин бўларди сенга. Бундан буёғига бировнинг молига илло-билло ола қарамагин-а, болам, хўпми? Бунақа йўл билан ҳеч ким муродига етган эмас, эшитдингми, тойчоғим?

ЎЛИМНИ ОДАМ ҚАЧОН ХОҲЛАБ ҚОЛАДИ?

Омонжон тоға хайр-хўшлашиб чиқиб кетди. Хужрам, нафақат хужрам, юрагим ҳам бўм-бўш бўлиб қолди. Фонус шишасининг бир томони қорайиб қолибди. Кундуз куни артиб, ярқиратиб кўйишим керак эди. Ҳозир тегиб бўлмайди, қўлни куйдиради. Сен ҳақсан, дегандек пилик липиллаб, чирсиллади. Ичим худдики шу фонуснинг шишасига ўхшайди... Бир ёғи қора, бир ёғи ёруғ... Ёруғини ўйласам, лўли хотин кўз олдимга келади. Омонжон тоға бекорга уни “мўлтони” деб сўқди. Ахир, у ойижонимни ойнаси-га қарамасданам кўрди-ку. Юзидаги холиниям айтиб берди-ку. Қаердалигини айтишга қолганда тилла сўради. Ростданам фолнинг у ёғи тилласиз очилмаса керак-да. Уяммас, буяммас, аячам айтганидек, менинг бахтим қора... Қачон қараса ишим юришмайди. Нуқул бир ишқал чиқиб туради. Мен лўли хотинга жудаям-жудаям ишониб қолувдим. Ойижонимни мана-мана топгандек эдим. Қаерданам лўлилар қапа тиккан жойга ёғоч туширишди-я. Қаерданам вагон келиб қолди-я. Шунга уларни ҳайдаб солишганда. Энди нима қиламан? Бирдан хаёлим дадамга оғди. Ичимни бир нима куйдириб, қайноқ кўз ёшларим юзимни чизиб тушди. Боши ва охири йўқ саволлар мени қийнай бошлади. Ҳа-а-а... Мана, дадамни ҳам билиб олдим, ўламанми, қоламанми уларга барибир экан. Бирпасда чўлга ҳам кетиб бўлибдилар...

Аячам бир коса овқат билан нон кўтариб кирди. Ҳайратдан қотиб қолдим. Қўлидагиларни токчага қўяр экан, билиб туриб сўради:

– Анави имонсиз кетдимиз?

Мен индамай тўмсайдим.

– Даф бўлсин...

Аячам ҳеч қачон хужрамга бош сўқмас эди. Бунақа оқ нону ёғлик шўрва қайда... Қаёқдан кун чиқди экан? Ҳойнаҳой бояги хўрликларим эвазига бўлса керак-да... Овқат менга захардек туюлди.



kichikni sarson-u sargardon qilib qo'ydi. Ha... endi gap shu yerda qolib ketsin, og'zingdan gullab yurma. Men o'g'ri nomini olganimga pushaymonmasman. Odamlar nima desa, satqayi sar... Men bu dunyodan ketib borayotgan odamman, sen bu dunyoga endi kelyapsan, ha, hammasi oldinda... Xudoning o'zi qozi, barini ko'rib turibdi... Shukurki, noming bulg'anmay qoldi... Bo'lmasa qiyin bo'lardi senga. Bundan buyog'iga birovning moliga illo-billo ola qaramagin-a, bolam, xo'pmi? Bunaqa yo'l bilan hech kim murodiga yetgan emas, eshitdingmi, toychog'im?

O'LIMNI ODAM QACHON XOHLAB QOLADI?

Omonjon tog'a xayr-xo'shlashib chiqib ketdi. Hujram, nafaqat hujram, yuragim ham bo'm-bo'sh bo'lib qoldi. Fonus shishasining bir tomoni qorayib qolibdi. Kunduz kuni artib, yarqiratik qo'yishim kerak edi. Hozir tegib bo'lmaydi, qo'lni kuydiradi. Sen haqsan, degandek pilik lipillab, chirsilladi. Ichim xuddiki shu fonusning shishasiga o'xshaydi... Bir yog'i qora, bir yog'i yorug'... Yorug'ini o'ylasam, lo'li xotin ko'z oldimga keladi. Omonjon tog'a bekorga uni "mo'ltoni" deb so'kdi. Axir, u oyijonimni oynasiga qaramasdanam ko'rdu-ku. Yuzidagi xoliniyam aytib berdi-ku. Qayerdaligini aytishga qolganda tilla so'radi. Rostdanam folning u yog'i tillasiz ochilmasa kerak-da. Uyammas, buyammas, ayacham aytganidek, mening baxtim qora... Qachon qarasa ishim yurishmaydi. Nuqul bir ishkal chiqib turadi. Men lo'li xotinga judayam-judayam ishonib qoluvdim. Oyijonimni mana-mana topgandek edim. Qayerdanam lo'lilar kapa tikkan joyga yog'och tushirishdi-ya. Qayerdanam vagon kelib qoldi-ya. Shunga ularni haydab solishganda. Endi nima qilaman? Birdan xayolim dadamga og'di. Ichimni bir nima kuydirib, qaynoq ko'z yoshlarim yuzimni chizib tushdi. Boshi va oxiri yo'q savollar meni qiynay boshladi. Haaa... Mana, dadamni ham bilib oldim, o'lamanmi, qolamanmi ularga baribir ekan. Birpasda cho'lga ham ketib bo'libdilar...

Ayacham bir kosa ovqat bilan non ko'tarib kirdi. Hayratdan qotib qoldim. Qo'lidagilarni tokchaga qo'yar ekan, bilib turib so'radi:

– Anavi imonsiz ketdimi?

Men indamay to'msaydim.

– Daf bo'lsin...

Ayacham hech qachon hujramga bosh suqmas edi. Bunaqa oq non-u yog'lik sho'rva qayda... Qayoqdan kun chiqdi ekan? Hoynahoy boyagi xo'rliklarim evaziga bo'lsa kerak-da... Ovqat menga zahardek tuyuldi.

Тонг отиб кетди ҳамки, ўрнимдан тургим келмайди. Қимир-ласам, юрагим тез-тез уриб кетади. Ётгим келиб, ер тортиб бор-япти. Ҳатто Тўхтасинниям кўргим келмаяпти. Бунақа пайтларда уни соғиниб қолардим. У менинг бирдан-бир дардкашим. Балки келиб ҳам қолар ишшайиб. Яна дадамни эслайман. Мени яхши кўрмайдилар, ойингни барибир топамиз, ўғлим, топамиз, деганлари ҳам ёлғон. Топмайдилар... топмоқчи ҳам эмаслар. Дадамга аячам бўлса бўлди. Ойим менгагина керак бу дунёда. Бошқа ҳеч кимга.

Аячам радиокарнай уйғотмаган кунлари: "Ҳой етимча, етти кулча, ётаверасанми наҳс босиб", – деб дарчамни уриб синдирай дерди. Бугун нимагадир жим. Қайтага яна оби нон, бир чақмоқ қанд, чойнақда чой қўйиб кетибди. Мени касал деб ўйлаяпти, шекилли... Балки касалдирман. "Ҳа, касалсан", – дегандек бирдан бошим айланди. Кеча ёғоч босиб ўлган болани эсладим. Отаси урушда ўлган. Кейин ойисиям ўлган... Ҳеч кими қолмагандан кейин холасиникига келган. Поччаси кўп ўтин олиб кел, деб уради. Бечора, ўтин қилишворсам биттаю битта зўлдиниям менга бермоқчи бўлди. Темиртаги ҳам ўтмас эди. У ўлди, ҳаммасидан биратўла қутулди. Балки у нариги дунёда дадаси билан ойисини топиб олгандир? Улиб қолишнинг мана шунақа осон йўллари ҳам бор экан-ку. Мен ҳам истансага ўтин қилгани бораман-да, бирдан ёғоч тагида қолиб кетаман. Шу пайт калламга бошқа фикр келиб, ўтин қилишдан воз кечдим. Ундан ҳам осон йўли бор – машина! Босади-ю, кетади... Юрагимнинг қоронғи томони мени шу йўлга бошлайди. Кимдир: "Бўла қол, шошил", – дегандек бўлади. Мен битта хатони қилиб, иккинчи хатога йўл қўяётганимни билмасдим.

Кўчага шошилдим. Аячам олиб кирган нонуштага қарамадим ҳам. Менга энди ҳеч нарса керакмас. Юрагим шошар, бироқ юришга ҳолим йўқ эди. Деворни ушлаб, бир-бир босиб, кўчага чиқиб олдим. Ҳаво булут. Ёмғир ёғадиганга ўхшарди. Нариди болалар кўринди. Биламан, уларнинг мен билан кўпам ишлари бўлмайди. Уйинларига қўшадиган бўлса, энди қизиб турганда аячам чақириб қолади-ю, уйин бузилади. "Уйинбузуқи", дейишларини хоҳламайман.

Уйимиз орқасига ўтиб, қибла тарафга кўзларим толгунча қараб турдим. Чўл шу ёқда. Эрта билан машиналар шу ёқдан келади. Устилари бўм-бўш, енгилгина учиб-учиб келишади. Тушдан кейин эса бир нималар ортиб, кучаниб, зўрға қайтишади. Машина кўринмайди, туриб оёғим толди. Деворга суяниб, чўнқайиб олдим-да, кўзларимни юмдим. Сезиб ўтирибман, филдираги ғижирлаб қўқон аравалар, икки отли шалдирама бричкалар, "хиҳ, хиҳ"лаб



Tong otib ketdi hamki, o'rnimdan turgim kelmaydi. Qimir-lasam, yuragim tez-tez urib ketadi. Yotgim kelib, yer tortib boryapti. Hatto To'xtasinniyam ko'rgim kelmayapti. Bunaqa paytlarda uni sog'inib qolardim. U mening birdan bir dardkashim. Balki kelib ham qolar ishshayib. Yana dadamni eslayman. Meni yaxshi ko'rmaydilar, oyingni baribir topamiz, o'g'lim, topamiz, deganlari ham yolg'on. Topmaydilar... topmoqchi ham emaslar. Dadamga ayacham bo'lsa bo'ldi. Oyim mengagina kerak bu dunyoda. Boshqa hech kimga.

Ayacham radiokarnay uyg'otmagan kunlari: "Hoy yetimcha, yetti kulcha, yotaverasanmi nahs bosib", – deb darchamni urib sindiray derdi. Bugun nimagadir jim. Qaytaga yana obi non, bir chaqmoq qand, choynakda choy qo'yib ketibdi. Meni kasal deb o'ylayapti, shekilli... Balki kasaldirman. "Ha, kasalsan", – degandek birdan boshim aylandi. Kecha yog'och bosib o'lgan bolani esladim. Otasi urushda o'lgan. Keyin oyisiyam o'lgan... Hech kimi qolmagandan keyin xolasinikiga kelgan. Pochchasi ko'p o'tin olib kel, deb uradi. Bechora, o'tin qilishvorsam bitta-yu bitta zo'ldiriniyam menga bermoqchi bo'ldi. Temirtagi ham o'tmas edi. U o'ldi, hammasidan birato'la qutuldi. Balki u narigi dunyoda dadasi bilan oyisini topib olgandir? O'lib qolishning mana shunaqa oson yo'llari ham bor ekan-ku. Men ham istansaga o'tin qilgani boraman-da, birdan yog'och tagida qolib ketaman. Shu payt kallamga boshqa fikr kelib, o'tin qilishdan voz kechdim. Undan ham oson yo'li bor – mashina! Bosadi-yu, ketadi... Yuragimning qorong'i tomoni meni shu yo'lga boshlaydi. Kimdir: "Bo'la qol, shoshil", – degandek bo'ladi. Men bitta xatoni qilib, ikkinchi xatoga yo'l qo'yayotganimni bilmasdim.

Ko'chaga shoshildim. Ayacham olib kirgan nonushtaga qaramadim ham. Menga endi hech narsa kerakmas. Yuragim shoshar, biroq yurishga holim yo'q edi. Devorni ushlab, bir-bir bosib, ko'chaga chiqib oldim. Havo bulut. Yomg'ir yog'adiganga o'xshardi. Narida bolalar ko'rindi. Bilaman, ularning men bilan ko'pam ishlari bo'lmaydi. O'yinlariga qo'shadigan bo'lsa, endi qizib turganda ayacham chaqirib qoladi-yu, o'yin buziladi. "O'yinbuzuqi", deyishlarini xohlamayman.

Uyimiz orqasiga o'tib, qibla tarafga ko'zlarim tolguncha qarab turdim. Cho'l shu yoqda. Erta bilan mashinalar shu yoqdan keladi. Ustilar bo'm-bo'sh, yengilgina uchib-uchib kelishadi. Tushdan keyin esa bir nimalar ortib, kuchanib, zo'rg'a qaytishadi. Mashina ko'rinmaydi, turib oyog'im toldi. Devorga suyanib, cho'nqayib oldim-da, ko'zlarimni yumdim. Sezib o'tiribman, g'ildiragi g'ijirlab qo'qon aravalar, ikki otli shaldirama brichkalar, "xih, xih"lab eshak aravalar o'tib boryapti... Biroq

эшак аравалар ўтиб боряпти... Бироқ нимагадир машиналардан ҳалигача дарак йўқ... Шу ўтиришда ҳам мени уйку босяпти.

Шу пайт олдимда пишиллаб Тўхтасин пайдо бўлиб қолди. Оббо... Бошимниям кўтармадим.

– Ҳа, бу нима ўтириш, ўртоқ?

– Бор, ишингни қил, – дедим жеркиб.

– Ҳа, арпангни хом ўрдимми? – Кейин ўзича билағонлик қилди: – Биламан, Салимани кутяпсан. Иккала қўшни шу ерда учрашиб турасан, – деб ҳиринглади. Салима ростдан ҳам қўшнимиз, олдинги партада ўтирадиган аълочи қиз.

– Сенга бердим ўша Салимани, энди кет.

– Э-э-э... бошимга ураманми у сатангни, бурнини тортиб ўтирсаям Қутби яхши. Қутби иккичи ўзимга ўхшаган. Китоб ўқиса ҳар битта ҳарфига биттадан бурнини тортади.

– Бўпти, борақол ўша Қутбининг олдига...

– Вей, нима бунча бор-борлаб қолдинг, – астойдил хафа бўлди Тўхтасин. Уни хафа қилгим йўқ эди. Фақат машина келганида... халақит қилмасин дердим.

– Нимагалигини кейин билволасан.

– Ана холос, бир нимани мендан яширяпсанми, вой нокасей, – деб жириллади Тўхтасин.

– Ўлмоқчиман, билдингми, ўлмоқчиман, ўлганиям кўймайсанми?..

– Нарироқ сурил унда, бирга ўламиз, – деб Тўхтасин ёнимга тикилди.

– Кет, кет, – деб астойдил бақирдим унга.

– Э, ҳайдама-е, жой кўп-ку, – деб баттар ёпишди Тўхтасин.

Шу тахлит қанча ўтирганимизни билмайман, Тўхтасин зерикиб, мени туртди.

– Юр, ўртоқ, бирпас ўйнайлик, шунча ўлганимиз етар, – деди. Мен индамадим. У бошқа чидай олмади: – Ўлиб қолсанг мени чақир, хўпми? – деб болалар томон чопиб кетди.

– Даф бўл...

Деворга суяниб кўзим кетдими ё менга шундай туюлди-ми, ойижоним тепамга келиб бошимни силай бошлади. Бирам қўллари ёқади... Таниш ҳидлар... Устиларида охирги марта кўрганим қора бахмал нимча, бошларида пухли рўмол. Мен ўша кунни ҳечам эсдан чиқара олмайман. У кун ойижонимдан ажралиш, бир-биримизни йўқотиб қўйиш куни эди. Оҳ... қанчалар ёмон кун эди у!



nimagadir mashinalardan haligacha darak yo'q... Shu o'tirishda ham meni uyqu bosyapti.

Shu payt oldimda pishillab To'xtasin paydo bo'lib qoldi. Obbo... Boshimniyam ko'tarmadim.

– Ha, bu nima o'tirish, o'rtoq?

– Bor, ishingni qil, – dedim jerkib.

– Ha, arpangni xom o'rdimmi? – Keyin o'zicha bilag'onlik qil-di: – Bilaman, Salimani kutyapsan. Ikkala qo'shni shu yerda uchrashib turasan, – deb hiringladi. Salima rostdan ham qo'shnimiz, oldingi partada o'tiradigan a'lochi qiz.

– Senga berdim o'sha Salimani, endi ket.

– Eee... boshimga uramanmi u satangni, burnini tortib o'tirsayam Qutbi yaxshi. Qutbi ikkichi o'zimga o'xshagan. Kitob o'qisa har bitta harfiga bittadan burnini tortadi.

– Bo'pti, boraqol o'sha Qutbingning oldiga...

– Vey, nima buncha bor-borlab qolding, – astoydil xafa bo'ldi To'xtasin. Uni xafa qilgim yo'q edi. Faqat mashina kelganida... xalaqit qilmasin derdim.

– Nimagaligini keyin bilvolasan.

– Ana xolos, bir nimani mendan yashiryapsanmi, voy nokas-ey, – deb jirilladi To'xtasin.

– O'lmoqchiman, bildingmi, o'lmoqchiman, o'lganiyam qo'y-maysanmi?..

– Nariroq suril unda, birga o'lamiz, – deb To'xtasin yonimga tiqildi.

– Ket, ket, – deb astoydil baqirdim unga.

– E, haydama-ye, joy ko'p-ku, – deb battar yopishdi To'xtasin.

Shu taxlit qancha o'tirganimizni bilmayman, To'xtasin zerikib, meni turttdi.

– Yur, o'rtoq, birpas o'ynaylik, shuncha o'lganimiz yetar, – dedi. Men indamadim. U boshqa chiday olmadi: – O'lib qolsang meni chaqir, xo'pmi? – deb bolalar tomon chopib ketdi.

– Daf bo'l...

Devorga suyanib ko'zim ketdimi, yo menga shunday tuyuldimi, oyijonim tepamga kelib boshimni silay boshladi. Biram qo'llari yoqadi... Tanish hidlar... Ustilarida oxirgi marta ko'rganim qora baxmal nimcha, boshlarida puxli ro'mol. Men o'sha kunni hecham esdan chiqara olmayman. U kun oyijonimdan ajralish, bir-birimizni yo'qotib qo'yish kuni edi. Oh... qanchalar yomon kun edi u!

ЛАЗОКАТ ХОЛА

Ўша куни жуда кўп қор ёғди. Дадам заводга ишга кетган, ҳали замон келиб қоладилар, деб кутиб ўтирардик. Ойим иккиқат, пишиллаб зўрға нафас оларди.

Кўшнимиз Лазокат хола бизникига чиққанларида ойимга ачингандек қараб: “Нима бало, ўртоқ туя гўшти еганмисан?” деди. Ойим: “Билмасам”, – деб кулди. Қор ёғишидан бир кун олдин Лазокат холам билан маслаҳатлашиб, туғилмаган чақалоққа “йўл очар” деб “кулча олиб қочар” қилишмоқчи бўлишди. Ойим Лазокат холамга ун, калла қанд берди. Мен “кулча олиб қочар” қанақа бўлишини биламан. Кулчанинг ўртасида ҳолвайтари бўлади. У жуда қизиқ ўйин. Кулча олган бола қочади, кейингиси уни орқасидан қувлайди, етиб олса, иккита кулча олади. Биз ойим билан Лазокат холамникига чиқолмай уй ичида қамалиб ўтирардик. Айниқса, менинг ичим қизирди. Қор ёғиб, эшик олдиғача бостириб келган, ойим сал очдилар-у ундан нарига кучлари етмади. Мен ғингшийман. “Лазокат холанг сенсиз кулча олиб қочар қилмайди”, – деб ойим мени тинчлантиради. Лазокат холамдан бўлса дарак йўқ. Ниҳоят чиқиб, бизни “қамоқ”дан қутқарди. Лазокат холам мени опичиб олдилар. Ойим Лазокат холамнинг қизи Сабо билан заборнийга (хужжат билан бериладиган нон) навбатга тургани кетди.

Лазокат холамнинг ҳовлиси болалар билан тўла. Ким сирпанчиқ учар, ким қорбобо ясар... Лазокат холам қозонда ҳолвайтар пишириб, орада тандирга ўтин қаларди. Мен Лазокат холамнинг ўғли Султонмурод билан тандир атрофида ўралашардим.

Лазокат холам кулчаларни ёпиб, тандир оғзига сават тутдиларда, саватга паншаха тираб қўйдилар. Ўша пайтда бир бола суюнчи-суюнчи, деб бақириб қолди:

– Хат келди, Лазокат хола, хат, хат!..

Бола гурсиллаб йиқилди. “Хат”, деб ўрнидан турди-ю, яна йиқилди. Болалар унинг аҳволидан қотиб-қотиб куларди. Лазокат холамнинг эри урушда эди. Бир сидра хат келмай қўйганида бизникига чиқиб роса йиғлаганди. Кейин касал бўлиб қолди. Ўшанда бирдан яна хат келди-ю, Лазокат холам тузалиб кетди.

Яна хат кепти. Охири бола йиқила-сурила хатни олиб келиб Лазокат холамга тутқазди. Холам хатни олиб, кўзига суртиш ўрнига болага жаҳл қилди:

– Хатни ким берди сенга?

– Аний берди, Аний, – деди бола ҳайрон бўлиб. Кейин кўча дарвозасига қараб қўйди. Аний кўринмасди.

– Анийнинг ўзи қани?

LAZOKAT XOLA

O'sha kuni juda ko'p qor yog'di. Dadam zavodga ishga ketgan, hali zamon kelib qoladilar, deb kutib o'tirardik. Oyim ikkiqat, pishillab zo'rg'a nafas olardi.

Qo'shnimiz Lazokat xola biznikiga chiqqanlarida oyimga achingandek qarab: "Nima balo, o'rtoq tuya go'shti yeganmisan?" dedi. Oyim: "Bilmasam", – deb kuldi. Qor yog'ishidan bir kun oldin Lazokat xolam bilan maslahatlashib, tug'ilmagan chaqaloqqa "yo'l uchar" deb "kulcha olib qochar" qilishmoqchi bo'lishdi. Oyim Lazokat xolamga un, kalla qand berdi. Men "kulcha olib qochar" qanaqa bo'lishini bilaman. Kulchani o'rta qo'lda holvaytari bo'ladi. U juda qiziq o'yin. Kulcha olgan bola qochadi, keyingisi uni orqasidan quvlaydi, yetib olsa, ikkita kulcha oladi. Biz oyim bilan Lazokat xolamnikiga chiqolmay uy ichida qamalib o'tirardik. Ayniqsa, mening ichim qizirdi. Qor yog'ib, eshik oldigacha bostirib kelgan, oyim sal ochdilar-u undan nariga kuchlari yetmadi. Men g'ingshiyman. "Lazokat xolang sensiz kulcha olib qochar qilmaydi", – deb oyim meni tinchlantiradi. Lazokat xolamdan bo'lsa darak yo'q. Nihoyat chiqib, bizni "qamoq"dan qutqardi. Lazokat xolam meni opichib oldilar. Oyim Lazokat xolamning qizi Sabo bilan zaborniyga (hujjat bilan beriladigan non) navbatga turgani ketdi.

Lazokat xolamning hovlisi bolalar bilan to'la. Kim sirpanchiq uchar, kim qorbobo yasar... Lazokat xolam qozonda holvaytar pishirib, orada tandirga o'tin qalardi. Men Lazokat xolamning og'li Sultonmurod bilan tandir atrofida o'ralashardim.

Lazokat xolam kulchalarni yopib, tandir og'ziga savat tutdilar, savatga panshaxa tirab qo'ydilar. O'sha paytda bir bola suyunchi-suyunchi, deb baqirib qoldi:

– Xat keldi, Lazokat xola, xat, xat!..

Bola gursullab yiqildi. "Xat", deb o'rnidan turdi-yu, yana yiqildi. Bolalar uning ahvolidan qotib-qotib kulardi. Lazokat xolamning eri urushda edi. Bir sidra xat kelmay qo'yganida biznikiga chiqib rosa yig'lagandi. Keyin kasal bo'lib qoldi. O'shanda birdan yana xat keldi-yu, Lazokat xolam tuzalib ketdi.

Yana xat kepti. Oxiri bola yiqila-surila xatni olib kelib Lazokat xolamga tutqazdi. Xolam xatni olib, ko'ziga surtish o'rniga bolaga jahli qildi:

– Xatni kim berdi senga?

– Aniy berdi, Aniy, – dedi bola hayron bo'lib. Keyin ko'cha darvozasiga qarab qo'ydi. Aniy ko'rinmasdi.

– Aniyning o'zi qani?

Бола елка қисди.

Аний деганлари хат ташийдиган татар хотин. Доим “Оллоқойим, оллоқойим”, деб чопиб-чопиб юргани юрган эди. Бўйнида каттакон қора чарм сумка.

Лазокат холам нимагадир хат келтириб берган болага ёмон қаради. Ёнларида ҳадеб суйкаланаётган Султонмуродни уришиб берди. Болалар ҳайрон бўлиб қолишди. Уларнинг кўзи Лазокат холамда. Лазокат холам кўлидаги хатни нимагадир кўзига яқин олиб борди-да, бирдан ранги ўчиб:

– Вой шў-ў-ў-р-э-э-м! – деб ўтириб қолди, кейин ўзидан кетди. Биз чуввос кўтардик... Тўс-тўполон бўлиб кетди.

Бир маҳал қарасам ойим ёнимда турибди. Лазокат холаминг уйнинг тўрига кўрпа-тўшак қилиб ётқизиб қўйишибди. Бош томонларида Оқсоқол бува ўтириб дам соляпти. Оқсоқол бува боя биз Лазокат холаминикига кириб келаётганимизда одамлар олиб келаётган қорни ҳовузга тўктираётган эди.

Ойим кўлимдан маҳкам ушлаб ташқарига етаклади. Мен тижирлик қилдим. Лазокат холаминг оёқ тарафида ҳиқиллаб ўтирган Султонмурод билан қолгим келди. Ойим юра қол, деб силталади.

Ҳовлига чиққанимизда бир тўп бола тандир атрофида уймалашарди. Тандир оғзига тираб қўйилган саватдан бурқираб тутун чиқарди. Ойим: “Вой, кулчалар”, – дедилар-у, мени қўйвориб, саватга тиралган паншахани олиб ташлади. Тутун баттар бурқиради. Ҳамма ёқни ноннинг куйик ҳиди тутиб кетди. Ойим шоша-пиша энглик билан тутунни ҳайдади. Кейин тандир ичига мўралади.

– Вой ўл-а-а-й-й... Куйиб бўпти-я, биттаям қолмапти-я, эсизгина! – деди йиғламсираб.

Кулчалар ўрнида қоп-қора, қоп-қора нарсалар кўринди. Ойим кўлидаги косовни нари отиб, болалар орасидан мени топди. Етаклашиб ҳовлидан чиқар эканмиз:

– Кулча олиб қочарнинг кулчалариям куйди, ишқилиб, яхшиликка бўлсин-да... – деди.

Кўз олдидан Лазокат холаминг қимир этмай ётиши, Султонмуроднинг пиқиллаб йиғлаши нари кетмасди. Қулоғим тагида холаминг додлаганлари... Лазокат холамга нима бўлганини ҳаммамиз билдик. Бунақа додлаш овозлари кўчамизда тез-тез бўлиб туради. “Қора хат” келган бўлади-да. Мен “қора хат”ни қоп-қора бўлади деб ўйлардим. Лазокат холам фикимлаган хат қора эмас эди. Хат ташувчи Анийни ҳам билиб қолганмиз. Хотинлар бир жойга йиғилиб қолишса нуқул Анийни ёмонлашади: “Ҳаҳ, Аний ўлсин, тўғри хат келса суюнчилаб, чўнтагингни қоқиб олади,



Bola yelka qisdi.

Aniy deganlari xat tashiydigan tatar xotin. Doim "Olloqoyim, olloqoyim", deb chopib-chopib yurgani yurgan edi. Bo'ynida kattakon qora charm sumka.

Lazokat xolam nimagadir xat keltirib bergan bolaga yomon qaradi. Yonlarida hadeb suykalanayotgan Sultonmurodni urishib berdi. Bolalar hayron bo'lib qolishdi. Ularning ko'zi Lazokat xolamda. Lazokat xolam qo'lidagi xatni nimagadir ko'ziga yaqin olib bordi-da, birdan rangi o'chib:

– Voy sho'o'o'reem! – deb o'tirib qoldi, keyin o'zidan ketdi.

Biz chuvvos ko'tardik... To's-to'polon bo'lib ketdi.

Bir mahal qaragam oyim yonimda turibdi. Lazokat xolamni uyning to'riga ko'rpa-to'shak qilib yotqizib qo'yishibdi. Bosh tomonlarida Oqsoqol buva o'tirib dam solyapti. Oqsoqol buva boya biz Lazokat xolamnikiga kirib kelayotganimizda odamlar olib kelayotgan qorni hovuzga to'ktirayotgan edi.

Oyim qo'limdan mahkam ushlab tashqariga yetakladi. Men tixirlik qildim. Lazokat xolamning oyoq tarafida hiqillab o'tirgan Sultonmurod bilan qolgim keldi. Oyim yura qol, deb siltaladi.

Hovliga chiqqanimizda bir to'p bola tandir atrofida uymalashardi. Tandır og'ziga tirab qo'yilgan savatdan burqirab tutun chiqardi. Oyim: "Voy, kulchalar", – dedilar-u, meni qo'yvorib, savatga tiralgan panshaxani olib tashladi. Tutun battar burqiradi. Hamma yoqni nonning kuyik hidi tutib ketdi. Oyim shosha-pisha yenglik bilan tutunni haydadi. Keyin tandir ichiga mo'raladi.

– Voy o'laayy... Kuyib bo'пти-ya, bittayam qolmapti-ya, esizgina! – dedi yig'lamsirab.

Kulchalar o'rnida qop-qora, qop-qora narsalar ko'rindi. Oyim qo'lidagi kosovni nari otib, bolalar orasidan meni topdi. Yetaklashib hovlidan chiqar ekanmiz:

– Kulcha olib qocharning kulchalariyam kuydi, ishqilib, yaxshilikka bo'lsin-da... – dedi.

Ko'z oldimdan Lazokat xolamning qimir etmay yotishi, Sultonmurodning piqillab yig'lashi nari ketmasdi. Qulog'im tagida xolamning dodlaganlari... Lazokat xolamga nima bo'lganini hammamiz bildik. Bunaqa dodlash ovozlari ko'chamizda tez-tez bo'lib turadi. "Qora xat" kelgan bo'ladi-da. Men "qora xat"ni qop-qora bo'ladi deb o'ylardim. Lazokat xolam g'ijimlagan xat qora emas edi. Xat tashuvchi Aniyini ham bilib qolganmiz. Xotinlar bir joyga yig'ilib qolishsa, nuqul Aniyini yomonlashadi: "Hah, Aniy o'lsin, to'g'ri xat kelsa suyunchilab, cho'ntagingni qoqib oladi,

“қора хат” келса эшикдан ташлаб қочади, ё бола-бақраларни ишга солади”.

Ўйлаб қоламан. “Қора хат” келмаганида кулчалар куймасмиди. Нон олиб қочар ўйини бўлармиди?

Ойим уйга кириб тезда тахмондаги кўрпани ағдарди. Кўрпа қатида нон бор экан, думалаб оёғим тагига тушди. “Ойи, нон”, – дедим егим келиб. Ойим нондан бир бурда синдириб берди-да, қолганини сочиққа ўраб, токчага қўйди. “Ўтириб е, ушоғини тўкма”. Нон ҳар доимгидек ширин татида, шошиб-шошиб чайнайман...

Ойим сандиқдан дадамнинг кийимларини олди. Бир рўмолни ўртага ёзиб, уларни тугди. Ойим кўзимга ҳам хафа, ҳам хурсанд кўринди. Бирдан ўзларидан-ўзлари гапириб қолди: “Ҳар тугул-эй, юзимиз ёруғ бўпти, болам, ҳай-ҳай, дадангни урушга оладиган, бўлишибди, ниятига етибди бечора. Иссиқ кийимларини сўратибди, заводдан нари кетаркан”.

Ойим кўрпаларни тахмонга ярмигача йиғди-ю, қолганига чарчаб қолди. “Ҳа ўлсин-а, қолганини келиб йиғамиз-а, болам, кетдик...”

Дадамнинг урушга бориши менгаям ёқди. Ўртоқларим Султонмурод, Олим думалоқлар: “Дадам урушда”, – деб мақтанишарди. Мен мақтана олмасдим. Энди мен ҳам мақтана оламан.

Ойим билан тор кўчалардан кетиб борамиз. Одамлар томларидан кўчага қор курашади. Бизни кўрганлар ўтиб олсин деб кутиб туради. Мен олдинга тушиб, йиқилиб-сурилиб бораман. Ойимни юра қолинг, деб қистайман. Ойим юришга қийналади, юз-кўзларидан тер қуяди. Тугунни дам орқалаб, дам қучоқларига босиб олади. “Тугунни беринг, кўтараман”, – деб тортқилайман. “Сен, болам, юравер, мени ўз ҳолимга қўй.”

Ёнимиздан қоп орқалаган кишилар, сув кўтарган хотинлар ўтади. Катта болалар чаналарга қор ортиб қаёққадир судрайди. Майдалаб қор ёғади. Исиб кетдим. Телпагим ҳадеб кўзимни тўсиб қолаверди. Қўлимга олволдим. Қор учқунлари бўйнимга муздек-муздек кўнади, маза. Оёғимда пистонли яп-янги этик. Дадам олиб келиб берган.

Юриб-юриб катта йўлга чиққанимизда ёнимизга бир арава келиб тўхтади.

– Ҳай апай, қоя борасин? – хат ташийдиган Анийга ўхшаб гапирди аравакаш.

– Истансага, абий, истансага, – деб суюниб кетди ойим.

– Айда, минигиз...

– Вой умрингиздан барака топинг-ей... Худо ярлақад-ей...

Думалаб-сумалаб аравага чиқиб олдик. Аравакашнинг “Нoooo!”

"qora xat" kelsa eshikdan tashlab qochadi yo bola-baqralarni ishga soladi".

O'ylab qolaman. "Qora xat" kelmaganida kulchalar kuymasmidi. Non olib qochar o'yini bo'larmidi?

Oyim uyga kirib tezda taxmondagi ko'rpani ag'dardi. Ko'rpa qatida non bor ekan, dumalab oyog'im tagiga tushdi. "Oyi, non", – dedim yegim kelib. Oyim nondan bir burda sindirib berdi-da, qolganini sochiqqa o'rab, tokchaga qo'ydi. "O'tirib ye, ushog'ini to'kma". Non har doimgidek shirin tatidi, shoshib-shoshib chaynayman...

Oyim sandiqdan dadamning kiyimlarini oldi. Bir ro'molni o'rtaga yozib, ularni tugdi. Oyim ko'zimga ham xafa, ham xursand ko'rindi. Birdan o'zlaridan-o'zlari gapirib qoldi: "Har tugul-ey, yuzimiz yorug' bo'пти, bolam, hay-hay, dadangni urushga oladigan, bo'lishibdi, niyatiga yetibdi bechora. Issiq kiyimlarini so'ratibdi, zavoddan nari ketarkan".

Oyim ko'rpalarni taxmonga yarmigacha yig'di-yu, qolganiga charchab qoldi. "Ha o'sin-a, qolganini kelib yig'amiz-a, bolam, ketdik..."

Dadamning urushga borishi mengayam yoqdi. O'rtoqlarim Sultonmurod, Olim dumaloqlar: "Dadam urushda", – deb maqtanishardi. Men maqtana olmasdim. Endi men ham maqtana olaman.

Oyim bilan tor ko'chalardan ketib boramiz. Odamlar tomalaridan ko'chaga qor kurashadi. Bizni ko'rganlar o'tib olsin deb kutib turadi. Men oldinga tushib, yiqilib-surilib boraman. Oyimni yura qoling, deb qistayman. Oyim yurishga qiynaladi, yuz-ko'zlaridan ter quyadi. Tugunni dam orqalab, dam quchoqlariga bosib oladi. "Tugunni bering, ko'taraman", – deb tortqilayman. "Sen, bolam, yuraver, meni o'z holimga qo'y."

Yonimizdan qop orqalagan kishilar, suv ko'targan xotinlar o'tadi. Katta bolalar chanalarga qor ortib qayoqqadir sudraydi. Maydalab qor yog'adi. Isib ketdim. Telpagim hadeb ko'zimni to'sib qolaverdi. Qo'linga olvoldim. Qor uchqunlari bo'ynimga muzdek-muzdek qo'nadi, maza. Oyog'imda pistonli yap-yangi etik. Dadam olib kelib bergan.

Yurib-yurib katta yo'lga chiqqanimizda yonimizga bir arava kelib to'xtadi.

– Hay apay, qoya borasin? – xat tashiydigan Aniyga o'xshab gapirdi aravakash.

– Istansaga, abiy, istansaga, – deb suyunib ketdi oyim.

– Ayda, minigiz...

– Voy umringizdan baraka toping-ey... Xudo yarlaqadi-ey...

Dumalab-sumalab aravaga chiqib oldik. Aravakashning "Noooo!"

дегани эшитилди. Арава шув этиб юриб кетди. "Вой, бу арава дилижон экан-ку, болам, буям Худойимнинг меҳрибончилиги". Ойим шундай деб рўмолчаси билан юзини артди. Димоғимга қалампирмунчоқ, атир ҳидлари урилди.

Араванинг усти ишком қилиб беркитилган, орқаси очиқ, ўша ердан осмоннинг бир чеккасигина кўринади. Мен энди пастдагидек ҳамма ёқни томоша қилолмай қолганман. Орқада аравалар, қоп кўтарган одамлар, оппоқ қорни кир қилиб гўнг титаётган қарғалар кўринарди. Баъзан қушлар иккита-учта бўлиб араванинг ичига кирмоқчи бўлади. Мен бўлсам:

– Ойи, қуш, қуш... – деб ойимни туртаман.

– Ҳа-а-а, – дейди ойим хўрсиниб, – овқатларини қор босиб қолди-да, болам, шунга тентираб қолишди бечоралар.

– Қушлар нима ейди, ойи?

– Сен нима есанг, уларам шуни ейди-да, болам.

– Нон ейман.

– Шунақа демайсанми, вой муғамбир-ей.

Ойим ёнидаги тугунни титкилаб, бояги нондан синдириб берди. Мен ўшанда уйимизга қайтиб келишимизга жудаям ишонган эдим. Лекин ҳеч қачон қайтмаслигимни дилижон мени узоқ-узоқларга олиб кетаётганини билмасдим.

Ойимдан яна бир нималарни сўрамоқчи бўламан. Ойим: "Жим", деб боши билан аравакаш ўтирган томонни кўрсатди. Аравакаш кўшиқ айтаётган экан. Бу менга қизиқ туюлди. У ҳадеб "Оқ Эдил... Оқ Эдил..." дер эди. Миямга ўраншиб қолган бу кўшиқни кейинчалик Калимулла ака деган яхши бир инсондан сўзма-сўз тиклаб олдим. Калимулла ака диндор оиланинг ўғли бўлиб, ўттизинчи йилларда Бошқирдистондан бу томонларга қулоқ қилинган. "Оқ Эдил" – юртларидаги дарёнинг номи экан. Кўшиқнинг тўла матни тахминан мана бундай эди:

*"Оқ Эдилнинг олқини,
Сувларининг солқини,
Оқ ўрдаклар қорши юзолмий-й-й
Юрагим меним ёна,
Ичим меним пиша.
Бир йирламай,
Кўнглим меним тузолмий-й-й..."*

Аравакаш кўшиқ айтаётганга эмас, йиғлаётганга ўхшарди. Мен унинг ёнига ўтиб, ўзини яқиндан кўрмоқчи бўлдим. Турдим-у, йиқилиб тушдим. Ойим мени турғазмоқчи бўлди-ю, кўрқиб кетди.

– Вой, она бўлмай мен ўлай...

degani eshitildi. Arava shuv etib yurib ketdi. "Voy, bu arava dilijon ekan-ku, bolam, buyam Xudoyimning mehribonchiligi". Oyim shunday deb ro'molchasi bilan yuzini artidi. Dimog'imga qalampirmunchoq, atir hidlari urildi.

Aravaning usti ishqom qilib berkitilgan, orqasi ochiq, o'sha yerdan osmonning bir chekkasigina ko'rinadi. Men endi pastdagidek hamma yoqni tomosha qilolmay qolganman. Orqada aravalar, qop ko'targan odamlar, oppoq qorni kir qilib go'ng titayotgan qarg'alar ko'rinardi. Ba'zan qushlar ikkita-uchta bo'lib aravaning ichiga kirmoqchi bo'ladi. Men bo'lsam:

– Oyi, qush, qush... – deb oyimni turtaman.

– Haaa, – deydi oyim xo'rsinib, – ovqatlarini qor bosib qoldi-da, bolam, shunga tentirab qolishdi bechoralar.

– Qushlar nima yeydi, oyi?

– Sen nima yesang, ularam shuni yeydi-da, bolam.

– Non yeyman.

– Shunaqa demaysanmi, voy mug'ambir-ey.

Oyim yonidagi tugunni titkilab, boyagi nondan sindirib berdi. Men o'shanda uyimizga qaytib kelishimizga judayam ishongan edim. Lekin hech qachon qaytmasligimni dilijon meni uzoq-uzoqlarga olib ketayotganini bilmasdim.

Oyimdanda yana bir nimalarni so'ramoqchi bo'laman. Oyim: "Jim", deb boshi bilan aravakash o'tirgan tomonni ko'rsatdi. Aravakash qo'shiq aytayotgan ekan. Bu menga qiziq tuyuldi. U hadeb "Oq Edil... Oq Edil..." der edi. Miyamga o'ranashib qolgan bu qo'shiqni keyinchalik Kalimulla aka degan yaxshi bir insondan so'zma-so'z tiklab oldim. Kalimulla aka dindor oilaning o'g'li bo'lib, o'ttizinchi yillarda Boshqirdistondan bu tomonlarga quloq qilingan. "Oq Edil" – yurtlaridagi daryoning nomi ekan. Qo'shiqning to'la matni taxminan mana bunday edi:

*"Oq Edilning olqini,
Suvlarining solqini,
Oq o'rdaklar qarshi yuzolmiyy
Yuragim menim yona,
Ichim menim pisha.
Bir yirlamay,
Ko'nglim menim tuzolmiyy..."*

Aravakash qo'shiq aytayotganga emas, yig'layotganga o'xshardi. Men uning yoniga o'tib, o'zini yaqindan ko'rmoqchi bo'ldim. Turdim-u, yiqilib tushdim. Oyim meni turg'azmoqchi bo'ldi-yu, qo'rqib ketdi.

– Voy, ona bo'lmay men o'lay...

Дилижон аравада маза қилиб бораётган ойим бирдан шошиб қолди.

– Музлаб қолибсан-ку, болам, қани, оёғингни бер-чи?

Пистонли этикчам жиққа ҳўл эди. Ойимнинг кўзи ёшланиб, бир аҳволда этикчамга қўшиб оёғимни уқалай кетди. Оёғим учига игна санчигандек бўлиб оғриқ турди. Йиғлаб юбордим. Ойим: “Ҳозир, болам, ҳозир”, – деб пахталигини ечиб, оёғимни иккала қўлтиғига олиб борди. Кейин қўлимни ҳовучларига олиб, уҳ-уҳлаб иситишга тушди.

– Йиғлама, сен ўфил боласан-ку, ҳеч жаҳонда ўфил болаям йиғлайдими, қўй-е... Йиғини қизларга чиқарган...

Йиғимни ичимга ютдим. Оёқ-қўлларим ачишмай ҳам қолди. Ойим: “Ҳа, ўфил бола, бирпасда оғримай қўйдими?” – деб жилмайди. Ойим ҳам совқотибди. Боя аравага чиққанимизда юзлари кип-қизил эди. Энди оппоқ бўлиб қолибди. Юзидаги холи бирам қоп-қора.

– Ойи, – дедим.

– Гапир, асалим?

– Сиз менга холингизни бергансиз-а, – деб юзимни силаб кўраман.

– Ҳа, болажоним, шундай узганман-у, мана бундай қилиб жойла-а-б... қўйганман, – деб юзимни чимчилайди. Қитиғим келиб, маза қилиб куламан.

– Дадам-чи, дадам?

– Даданг, ўғлим чиройли йигит бўлсин, деб қоп-қора қошларини берган.

– Яна?

– Кули-и-и-б юрсин, деб кўзларини берган.

– Яна?

– Меҳнаткаш бўлсин, деб қўлларини берган...

Булар ойижоним билан бўлган охирги суҳбатлар эди. Суҳбатимизни аравакаш бўлди:

– Но-о-о...

Дилижон тўхтаб қолди. Кейин яна аравакашнинг овози гулдиради:

– Ай апай, келдик бит, тушигиз.

Ойим аравакашни дуо қилди. Тугунни олиб, араванинг этагига шоша-пиша сурилдик.

Пастга тушдик. Оёқ таги ғарч-ғурч қор. Қор ҳали ҳам майда-лаб ёғарди. Бирдан яна нон егим келиб қолди. Ойим буни кутиб турган эканми, тезда ушатиб, қолганини қўйнига солди. Шу пайт кўрқиб кетдим. Рўпарамда бир тўп жулдурвоқи болалар

Dilijon aravada maza qilib borayotgan oyim birdan shoshib qoldi.

– Muzlab qolibsana-ku, bolam, qani, oyog'ingni ber-chi?

Pistonli etikcham jiqqa ho'l edi. Oyimning ko'zi yoshlanib, bir ahvolda etikchamga qo'shib oyog'imni uqalay ketdi. Oyog'im uchiga igna sanchigandek bo'lib og'riq turdi. Yig'lab yubordim. Oyim: "Hozir, bolam, hozir", – deb paxtaligini yechib, oyog'imni ikkala qo'ltig'iga olib bordi. Keyin qo'limni hovuchlariga olib, uh-uhlab isitishga tushdi.

– Yig'lama, sen o'g'il bolasan-ku, hech jahonda o'g'il bolayam yig'laydimi, qo'y-e... Yig'ini qizlarga chiqargan...

Yig'imni ichimga yutdim. Oyoq-qo'llarim achishmay ham qoldi. Oyim: "Ha, o'g'il bola, birpasda og'rimay qo'ydimi?" – deb jilmaydi. Oyim ham sovqotibdi. Boya aravaga chiqqanimizda yuzlari qip-qizil edi. Endi oppoq bo'lib qolibdi. Yuzidagi xoli biram qop-qora.

– Oyi, – dedim.

– Gapir, asalim?

– Siz menga xolingizni bergansiz-a, – deb yuzimni silab ko'raman.

– Ha, bolajonim, shunday uzganman-u, mana bunday qilib joy-laab... qo'rganman, – deb yuzimni chimchilaydi. Qitig'im kelib, maza qilib kulaman.

– Dadam-chi, dadam?

– Dadang, o'g'lim chiroyli yigit bo'lsin, deb qop-qora qoshlarini bergan.

– Yana?

– Kuliib yursin, deb ko'zlarini bergan.

– Yana?

– Mehnatkash bo'lsin, deb qo'llarini bergan...

Bular oyijonim bilan bo'lgan oxirgi suhbatlar edi. Suhbatimizni aravakash bo'ldi:

– Nooo...

Dilijon to'xtab qoldi. Keyin yana aravakashning ovozi guldiradi:

– Ay apay, keldik bit, tushigiz.

Oyim aravakashni duo qildi. Tugunni olib, aravaning etagiga shosha-pisha surildik.

Pastga tushdik. Oyoq tagi g'arch-g'urch qor. Qor hali ham maydalab yog'ardi. Birdan yana non yegim kelib qoldi. Oyim buni kutib turgan ekanmi, tezda ushatib, qolganini qo'yniga soldi. Shu payt qo'rqib ketdim. Ro'paramda bir to'p juldurvoqi bolalar turardi.

турарди. Қаердан келиб қолишди улар? Болаларнинг кўзлари ич-ичига тушиб кетган. Юзлари ҳам бир бурда. Улар кўлимдаги нонга тикил-и-и-б қолишган эди. Мен нонни орқамга беркитдим. Ойим бўлса ўзларидан ўзлари: “Ҳозир, ҳозир”, – деб кўйнидаги нонни уларга тута қолди. Шундай қилмаса, улар менга ташланиб қолишлари мумкин эди. Энди нонни талашиб кетишса керак, деб ўйладим. Унақа бўлмади. Нонни мендақа битта кичиги бор экан, ўша олди. Болалар ҳаммаси бир бўлиб “Испосибо”, дейишди. Шу пайт қаердандир ҳарбийча кийинган бир хотин пайдо бўлди. У кўлида қора камарни бир силкиган эди, қарсиллаб кетди. Болалар гужанак бўлиб олишди. Ойим кўлимдан тортиб:

– Буларни уруш бўлаётган томонлардан олиб келишган, – деди. – Даданг ҳам ҳойнаҳой шулар келган поездда кетса керак. Уруш ўлсин, ҳаммани тентиратиб кўйди... (Сал ўтмай менинг ҳам бошимга шу болаларнинг кунни тушишини, ҳаётнинг қора қамчиси менинг ҳам бошимда қарсиллашини билмасдим...)

Истансанинг бир тарафида от-аравалар кўринди... Отларнинг кишнаши, аравакашларнинг сўкингани эшитилади. Бир нималар тарақлайди. Дилижонга эргашиб келган қарғалар энди яйраб-яйраб тезак титиб, оппоқ қор бетини булғалашади. Ҳов нарида одамлар тўп-тўп бўлиб кўринади... Ҳавода кўмир ҳиди. Нон тишлаб анқаяман. Ойим юрақол, деб шоширади. Мен дилижондан тушаман-у, дадамни кўраман, деб ўйлаган эдим. Аммо бу яқин ўртада дадам кўринмасди. Ойим ҳам: “Даданг кўринмайди-ку”, – деб олдинга қараб-қараб кўяди. Шу пайт яқин атрофда шундай бир қичқириқ бўлдики... Ваҳ... Қулоғимга игна санчилгандек бўлди. Кўрқиб кетиб, ойимга маҳкам ёпишдим. Ойим бўлсалар кўлларига тугунни тушириб юбориб, қорнини ушлади. Кўзларини юмиб, тек туриб қолди. Мен атрофга аланглаб нуқул дадамни қидираман. Ҳозиргина тўп-тўп бўлиб кўринаётган одамлар бирдан тўзғиб қолишди. Қичқириқ уларни ҳам чўчитиб юбордими, билмайман... Ойим ерда қорнини чангаллаб ўтирарди. “Дада-а-а”лаб одамлар тарафга қараб чопдим. Ойимнинг аҳволидан уларни хабардор қилмоқчи бўлдим. Тўзғиб бораётган одамларнинг биттасиям менга қарамади. Шу пайт кўлимдан биров маҳкам ушлаб олди. Дадаммикан, деб қарасам ойим. Ойим шу аҳволда орқамдан югурибди, нуқул ҳаллослайди. “Нимага ёнимдан кетиб қолдинг, ўзбошимча, бунақа мени ташлаб кетиб қолмада, оҳ Худойим-ей, ўзинга омонатман, ўрта йўлда шарманда қилма...” деб тўрт томондан дадамни қидирадилар.

Шу пайт олдимизда бир ирkit бола пайдо бўлиб қолди. У ойимнинг дўппайиб турган қорнига қараб:



Qayerdan kelib qolishdi ular? Bolalarning ko'zlari ich-ichiga tushib ketgan. Yuzlari ham bir burda. Ular qo'limdagi nonga tikilib qolishgan edi. Men nonni orqamga berkitdim. Oyim bo'lsa o'zlaridan o'zlari: "Hozir, hozir", – deb qo'ynidagi nonni ularga tuta qoldi. Shunday qilmasa, ular menga tashlanib qolishlari mumkin edi. Endi nonni talashib ketishsa kerak, deb o'yladim. Unaqa bo'lmadi. Nonni mendaqa bitta kichigi bor ekan, o'sha oldi. Bolalar hammasi bir bo'lib "Isposibo", deyishdi. Shu payt qayerdandir harbiycha kiyingan bir xotin paydo bo'ldi. U qo'lida qora kamarni bir silkigan edi, qarsillab ketdi. Bolalar g'ujanak bo'lib olishdi. Oyim qo'limdan tortib:

– Bularni urush bo'layotgan tomonlardan olib kelishgan, – dedi. – Dadang ham hoynahoy shular kelgan poyezdda ketsa kerak. Urush o'lsin, hammani tentiratib qo'ydi... (Sal o'tmay mening ham boshimga shu bolalarning kuni tushishini, hayotning qora qamchisi mening ham boshimda qarsillashini bilmasdim...)

Istansaning bir tarafida ot-aravalar ko'rindi... Otlarning kishnashi, aravakashlarning so'kingani eshitiladi. Bir nimalar taraqlaydi. Dilijonga ergashib kelgan qarg'alar endi yayrab-yayrab tezak titib, oppoq qor betini bulg'alashadi. Hov narida odamlar to'p-to'p bo'lib ko'rinadi... Havoda ko'mir hidi. Non tishlab anqayaman. Oyim yuraqol, deb shoshiradi. Men dilijondan tushaman-u, dadamni ko'raman, deb o'ylagan edim. Ammo bu yaqin o'rtada dadam ko'rinmasdi. Oyim ham: "Dadang ko'rinmaydi-ku", – deb oldinga qarab-qarab qo'yadi. Shu payt yaqin atrofda shunday bir qichqiriq bo'ldiki... Vah... Qulog'imga igna sanchilgandek bo'ldi. Qo'rqib ketib, oyimga mahkam yopishdim. Oyim bo'lsalar qo'llaridagi tugunni tushirib yuborib, qornini ushladi. Ko'zlarini yumib, tek turib qoldi. Men atrofga alanglab nuqul dadamni qidiraman. Hozirgina to'p-to'p bo'lib ko'rinayotgan odamlar birdan to'zg'ib qolishdi. Qichqiriq ularni ham cho'chitib yubordimi, bilmayman... Oyim yerda qornini changallab o'tirardi. "Dadaaa"lab odamlar tarafga qarab chopdim. Oyimning ahvolidan ularni xabardor qilmoqchi bo'ldim. To'zg'ib borayotgan odamlarning bittasiyam menga qaramadi. Shu payt qo'limdan birov mahkam ushlab oldi. Dadammikan, deb qaragam oyim. Oyim shu ahvolda orqamdan yuguribdi, nuqul halloslaydi. "Nimaga yonimdan ketib qolding, o'zboshimcha, bunaqa meni tashlab ketib qolma-da, oh Xudoyim-ey, o'zingga omonatman, o'rta yo'lda sharmanda qilma..." deb to'rt tomondan dadamni qidiradilar.

Shu payt oldimizda bir irkit bola paydo bo'lib qoldi. U oyimning do'ppayib turgan qorniga qarab:

– Рамазон айтиб келдим эшигингизга, Худойим кўчқордек ўғил берсин бешигингизга, – деб тилана бошлади. Бирдан унинг кўзи менга тушиб: – Болангизни уйингизгача обориб бераман. – У шундай деб менга орқасини ўғирди: – Опич!

Мен ирганиб, уни ўзимдан нари итардим.

Ойим унга шошиб қоғоз пул узата қолдилар. Бола пулни кўйнига урди-ю, ғойиб бўлди.

Биз тўзиган одамлар тўпига қўшилиб кетдик. Шу пайт шовқин-суронларни босиб қаердандир “данг-дунг, данг-дунг”, деган овоз келди. Биров керосинчининг карнайига ўхшаган нарсадан шовқинлади. Одамлар ўша шовқин келган томонга қараб шошар, бир-бировига урилиб, сурилиб кетар, ойим мени чеккага тортар, шунча одамнинг ичида менинг дадам йўқ эди. “Қара, қара, болам, дадангни кўриб қолсанг, чақир, ҳа, биз буёқдамиз, де...”

Одамларга эргашиб катта дарвозадан ичкарига кирдик. Кўзим ғилдиракли уйчаларга тушди. Ҳалидан бери оғзига карнай тутиб шовқинлаётган одам шу ерда экан. Ойим ўша кишини шовқинлашдан тўхтатиб, ундан дадамни сўрамоқчи бўлди. У ойимнинг дўппайиб турган қорнига қараб, нари тур, кейин, ишорасини қилди. Шу пайт атрофимизда қўлига ялтир-юлтир нарсалар кўтариб олган одамлар пайдо бўлиб қолди. Улар чолғучилар экан. Бирпасда саф бўлиб чала кетишди. Ойим мени етаклаб ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа чопади. Ҳеч ким ойимни эшитмайди. Охири ойим мени чолғучиларга яқин жойдаги девор тагига ўтқазиб, шошиб-шошиб дедилар:

– Жо-о-о-н болам, ақлли болам, мана шу ерда қимирламай ўтир, хўпми, бу аҳволда дадангни тополмаймиз...

– Хўп, – дедим. Ойим шундай деб одамлар орасига кириб кетдилар. (Ҳа, мен охириги марта ойимни орқадан кўриб қолдим). Қаердандир яна бояги “данг-дунг, данг-дунг” овози эшитилди. Оғзига карнай тутган амаки шовқинлаб сўкинди. Боягина ойим икковимизни чўчитиб, бошқаларни тўзитиб юборган қичқириқ яна ҳамма ёқни бошига кўтарди. Кўрқиб, деворга қапишай дедим. (Кейин билсам бу поезд ўтхонаси экан). Шу пайт бирдан тарақ-туруқлаб ғилдиракли уйлар жойидан кўзғалиб, ойим кетган томонга қараб силжий бошлади. Ҳамма ёқни йиғи-сиғи тутиб кетди... Ғилдиракли уйларнинг туйнукларидан одамларнинг бошлари, силкинаётган қўллари кўринди. Шу пайт қайдандир яна одамлар бостириб келди-ю, чолғучиларни устимга суриб юборди. Биров менга “Қоч”, – деб бақирди. Ойим кетган томонга қараб чопдим. Бировга урилиб йиқилдим. Турмоқчи бўлдим, туролмадим. Одамлар қўл-оёқларимни оғритиб босиб ўта бошлашди... Ой-и-и... Ой-и-и...

– Ramazon aytib keldim eshigingizga, Xudoyim qo'chqordek o'g'il bersin beshigingizga, – deb tilana boshladi. Birdan uning ko'zi menga tushib: – Bolangizni uyingizgacha oborib beraman. – U shunday deb menga orqasini o'girdi: – Opich!

Men irganib, uni o'zimdan nari itardim.

Oyim unga shoshib qog'oz pul uzata qoldilar. Bola pulni qo'yniga urdi-yu, g'oyib bo'ldi.

Biz to'zigan odamlar to'piga qo'shilib ketdik. Shu payt shovqin-suronlarni bosib qayerdandir "Dang-dung, dang-dung", degan ovoz keldi. Birov kerosinchining karnayiga o'xshagan narsadan shovqinladi. Odamlar o'sha shovqin kelgan tomonga qarab shoshar, bir-biroviga urilib, surilib ketar, oyim meni chekkaga tortar, shuncha odamning ichida mening dadam yo'q edi. "Qara, qara, bolam, dadangni ko'rib qolsang, chaqir, ha, biz buyoqdamiz, de..."

Odamlarga ergashib katta darvozadan ichkariga kirdik. Ko'zim g'ildirakli uychalarga tushdi. Halidan beri og'ziga karnay tutib shovqinlayotgan odam shu yerda ekan. Oyim o'sha kishini shovqinlashdan to'xtatib, undan dadamni so'ramoqchi bo'ldi. U oyimning do'ppayib turgan qorniga qarab, nari tur, keyin, ishorasini qildi. Shu payt atrofimizda qo'lga yaltir-yultir narsalar ko'tarib olgan odamlar paydo bo'lib qoldi. Ular cholg'uchilar ekan. Birpasda saf bo'lib chala ketishdi. Oyim meni yetaklab hali u yoqqa, hali bu yoqqa chopadi. Hech kim oyimni eshitmaydi. Oxiri oyim meni cholg'uchilarga yaqin joydagi devor tagiga o'tqazib, shoshib-shoshib dedilar:

– Joon bolam, aqlli bolam, mana shu yerda qimirlamay o'tir, xo'pmi, bu ahvolda dadangni topolmaymiz...

– Xo'p, – dedim. Oyim shunday deb odamlar orasiga kirib ketdilar. (Ha, men oxirgi marta oyimni orqadan ko'rib qoldim). Qayerdandir yana boyagi "dang-dung, dang-dung" ovozi eshitildi. Og'ziga karnay tutgan amaki shovqinlab so'kindi. Boyagina oyim ikkovimizni cho'chitib, boshqalarni to'zitib yuborgan qichqiriq yana hamma yoqni boshiga ko'tardi. Qo'rqib, devorga qapishay dedim. (Keyin bilsam bu poyezd o'txonasi ekan). Shu payt birdan taraqturuqlab g'ildirakli uylar joyidan qo'zg'alib, oyim ketgan tomonga qarab siljiy boshladi. Hamma yoqni yig'i-sig'i tutib ketdi... G'ildirakli uylarning tuynuklaridan odamlarning boshlari, silkinayotgan qo'llari ko'rindi. Shu payt qaydandir yana odamlar bostirib keldi-yu, cholg'uchilarni ustimga surib yubordi. Birov menga "Qoch", – deb baqirdi. Oyim ketgan tomonga qarab chopdim. Birovga urilib yiqildim. Turmoqchi bo'ldim, turolmadim. Odamlar qo'l-oyoqlarimni og'ritib bosib o'ta boshlashdi... Oyii... Oyii...

Шу пайт биров мени қаттиқ туртди.

– Ҳой, турсанг-чи, тур-э...

Қарасам, тепамда аячам турибди. Ухладимми, ишқилиб, нима бўлганини тушунмай қолдим. Нариди болалар тўп ўйнашарди. Мен ҳамон ҳозирги воқеалар таъсиридан чиқа олмай ҳайрон бўлиб аячамга қарадим.

– Турсанг-чи, нима бало, ерга ёпишиб қолдингми? – деб сочимни тўзғитиб қўйди. Ҳайрон қолдим, илгари аячам менга қўл текказишга ирганарди.

Оёқларим увишиб, зўрға ўрнимдан турдим. Бу ерга нимага чиққаним ҳам эсимдан чиқди. Шу пайт ёнимда Тўхтасин пайдо бўлди.

– Ҳа, ўлиб бўлдингми, ўртоқ?

– Ҳе, жинни, – деб аячам уни жеркиб берди, – нимага ўларкан? – Ҳой, уйга юр, сенга гап бор, – деди аячам менга қараб. Кейин Тўхтасинга:

– Бор, сен ўйна, бунинг вақти йўқ, – деди.

Аячам мени тўппа-тўғри ясатиғлиқ уйга бошлаб кирди. Кечаги бўлиб ўтган воқеалар эсимга тушиб, оёқ-қўлим бўшашиб кетди. Аячам бўлса токчадаги сирли кўк идишнинг қопқоғини очиб, битта нон олиб менга тутди:

– Ма, суюнчисига бу...

Ҳайрон бўлиб бир аячамга, бир нонга қарайман. Эрта билан хужрамга олиб кириб қўйган нонниям емадим, чойниям ичмадим-ку. Бу нон яна нимага?

– Олсанг-чи, нимага ўшшаясан?

Аячам нимадандир қаттиқ хурсанд эди. Нима бўлдийкин-а, ўша нарса? Нонни олиб, бағримга босдим. Очиққанимни ҳис қилдим.

– Биласанми, нима? – деди аячам яйраб. – Менда бола бўпти, чақалоқ туғиб берсам боқасанми, а, боқасанми?

Аячам шундай деб қорнини силаб қўйди.

– Дадангдан суюнчини ка-а-а-тасини оламиз энди, – деди аячам деразадан ташқарига қараб. Ташқарида ёмғир ёға бошлаган эди.

Мен ҳали туғилмаган чақалоқни ҳозирдан яхши кўриб қолдим. У аячамни ўзгартириб юборган эди.

Лекин бу хурсандчилик узоққа бормади. Фалокат бўлибди. Ача хола айтиб берди. Бола тушибди. Дадам ўша куни: “Тақин-чокларингга мен қоровулманми?” – деб аячамни қаттиқ урган экан-да. Бола тушгандан кейин аячам олдингидан ҳам баттар бўлиб қолди. Яна: “Шумоёқ, наҳс босган”, – деб кўзимни очирмай

Shu payt birov meni qattiq turtdi.

– Hoy, tursang-chi, tur-e...

Qarasam, tepamda ayacham turibdi. Uxladimmi, ishqilib, nima bo'lganini tushunmay qoldim. Narida bolalar to'p o'ynashardi. Men hamon hozirgi voqealar ta'siridan chiqa olmay hayron bo'lib ayachamga qaradim.

– Tursang-chi, nima balo, yerga yopishib qoldingmi? – deb sochimni to'zg'itib qo'ydi. Hayron qoldim, ilgari ayacham menga qo'l tekkazishga irganardi.

Oyoqlarim uvishib, zo'rg'a o'rnimdan turdim. Bu yerga nimaga chiqqanim ham esimdan chiqdi. Shu payt yonimda To'xtasin paydo bo'ldi.

– Ha, o'lib bo'ldingmi, o'rtoq?

– He, jinni, – deb ayacham uni jerkib berdi, – nimaga o'larkan? – Hoy, uyga yur, senga gap bor, – dedi ayacham menga qarab. Keyin To'xtasiga:

– Bor, sen o'yna, buning vaqti yo'q, – dedi.

Ayacham meni to'ppa-to'g'ri yasatig'liq uyga boshlab kirdi. Kechagi bo'lib o'tgan voqealar esimga tushib, oyoq-qo'lim bo'shashib ketdi. Ayacham bo'lsa tokchadagi sirli ko'k idishning qopqog'ini ochib, bitta non olib menga tutdi:

– Ma, suyunchisiga bu...

Hayron bo'lib bir ayachamga, bir nonga qarayman. Erta bilan hujramga olib kirib qo'ygan nonniyam yemadim, choyniyam ichmadim-ku. Bu non yana nimaga?

– Olsang-chi, nimaga o'shshayasan?

Ayacham nimadandir qattiq xursand edi. Nima bo'ldiykin-a, o'sha narsa? Nonni olib, bag'rimga bosdim. Ochiqqanimni his qildim.

– Bilasanmi, nima? – dedi ayacham yayrab. – Menda bola bo'пти, chaqaloq tug'ib bersam boqasanmi, a, boqasanmi?

Ayacham shunday deb qornini silab qo'ydi.

– Dadangdan suyunchini kaaatasini olamiz endi, – dedi ayacham derazadan tashqariga qarab. Tashqarida yomg'ir yog'a boshlagan edi.

Men hali tug'ilmagan chaqaloqni hozirdan yaxshi ko'rib qoldim. U ayachamni o'zgartirib yuborgan edi.

Lekin bu xursandchilik uzoqqa bormadi. Falokat bo'libdi. Acha xola aytib berdi. Bola tushibdi. Dadam o'sha kuni: "Taqinchoqlaringga men qorovulmanmi?" – deb ayachamni qattiq urgan ekan-da. Bola tushgandan keyin ayacham oldingidan ham battar bo'lib qoldi. Yana: "Shumoyoq, nahs bosgan", – deb ko'zimni ochirmay qo'ydi.

қўйди.

Ўша воқеадан кейин кечалари босинқирайдиган бўлиб қолдим. Мен ётишдан олдин хужрамни қанчалик маҳкамламай, барибир Омонжон тоғага ўхшаган бир чол ҳеч бир қийналмай эшикни очиб киради. Киради-да, бошимга ўтириб олиб, нуқул менадан пул сўрайди. “Пулим йўқ”, – дейман. “Йўқ” дейишим билан қанча сўраса, яна устига ўшанча кўшиб сўрайди. “Йўқ-да, ахир”, дейман. У яна оширади... “Шунча пулни мен қаердан топаман”, – деб йиғлай бошлайман. Тилим шишиб, оғзимга сиғмай қолади, бўфиламан. Уйғониб кетаман. Чолнинг яна кириб келишидан кўрқиб ухламай ўтираман.

Охири шу дардларимни Тегирмончи тоғага айтиб бердим. У киши бир воқеани сўзлади:

– Бир қишлоқда бир бола туғилади. Унга ота-онаси Насўҳ деб исм қўяди. У кунлар ўтган сари белидан юқориси қиз болага-ю, пасти ўғил болага ўхшаб улғая бошлайди. Ота-онаси унга узун кўйлак кийдиришга мажбур бўлади. Салда бўй етиб, офатижон бир қиз бўлади. Кўрганлар ошиқ-у беқарор... Совчилар кела бошлайди. Насўҳ ҳам, ота-онаси ҳам нима қиларини билмай қоладилар. Уни на эрга бериб бўларди, на хотин олиб бериб бўлади... Шунақа бир дарди бедаво эди. Охири Насўҳ нима қиларини билмай бир карвонга эргашиб юртидан бош олиб чиқиб кетади. Буни қарагинки, йўлда карвонбоши унга ошиқу беқарор бўлиб қолади. Насўҳ ундан қутулиш пайига тушади. Бир шаҳарга етганларида карвондагилар ҳаммомга тушишни ихтиёр қилади. Насўҳ аёллар ҳаммомига киради. Уни ҳеч ким пайқамайди. Яна буни қарагинки, аёллар ҳаммомининг уқаловчиси ўлиб қолган экан. Насўҳ жон деб бу ишга ёлланади-ю, карвонбошидан қутулиб қолади. Насўҳ бу ерда узоқ йиллар уқаловчи-ҳаммомчи бўлиб ишлайди. Уни шайтон васваса қилади. Аёлларни йўлдан уради. Зино кўчаларига киради.

Кунлардан бир кун подшонинг қизи Хонзода ҳаммомда узугини йўқотиб қўяди. Узукки, нақ бир шаҳарнинг божига тенг. Тезда ҳаммомнинг эшигу тирқичлари ёпилади. Ҳаммомдаги аёлларнинг номи рўйхатга олинади. Насўҳнинг исми қирқинчи бўлиб ёзилади. Рўйхат бўйича аёллар онадан туғма қилиб текширувдан ўтказила бошлайди. Ана томошани кўр энди. Насўҳнинг жон-пони чиқиб кетади. Унинг сири фош бўладиган бўлса борми... Насўҳ ўзини қандай азоблар кутаётганини кўз олдига келтиради. Қилган ишларига минг-минг пушаймонлар бўлади. Аммо энди кеч эди...

Насўҳ ҳаммомнинг бир хонасига кириб, бошини тошларга уриб Оллоҳга ёлбора бошлайди. Пешанасининг гўштлири ти-

O'sha voqeadan keyin kechalari bosinqiraydigan bo'lib qoldim. Men yotishdan oldin hujramni qanchalik mahkamlamay, baribir Omonjon tog'aga o'xshagan bir chol hech bir qiynalmay eshikni ochib kiradi. Kiradi-da, boshimga o'tirib olib nuqul mendan pul so'raydi. "Pulim yo'q", – deyman. "Yo'q" deyishim bilan qancha so'rasa, yana ustiga o'shancha qo'shib so'raydi. "Yo'q-da, axir", – deyman. U yana oshiradi... "Shuncha pulni men qayerdan topaman", deb yig'lay boshlayman. Tilim shishib, og'zimga sig'may qoladi, bo'g'ilaman. Uyg'onib ketaman. Cholning yana kirib kelishidan qo'rqib uxlamay o'tiraman.

Oxiri shu dardlarimni Tegirmonchi tog'aga aytib berdim. U kishi bir voqeani so'zladı:

– Bir qishloqda bir bola tug'iladi. Unga ota-onasi Naso'h deb ism qo'yadi. U kunlar o'tgan sari belidan yuqorisi qiz bolaga-yu, pasti o'g'il bolaga o'xshab ulg'aya boshlaydi. Ota-onasi unga uzun ko'ylak kiydirishga majbur bo'ladi. Salda bo'y yetib, ofatijon bir qiz bo'ladi. Ko'rganlar oshiq-u beqaror... Sovchilar kela boshlaydi. Naso'h ham, ota-onasi ham nima qilarini bilmay qoladilar. Uni na erga berib bo'lardi, na xotin olib berib bo'ladi... Shunaqa bir dardi bedavo edi. Oxiri Naso'h nima qilarini bilmay bir karvonga ergashib yurtidan bosh olib chiqib ketadi. Buni qaraginki, yo'lda karvonboshi unga oshiq-u beqaror bo'lib qoladi. Naso'h undan qutulish payiga tushadi. Bir shaharga yetganlarida karvondagilar hammomga tushishni ixtiyor qiladi. Naso'h ayollar hammomiga kiradi. Uni hech kim payqamaydi. Yana buni qaraginki, ayollar hammomining uqalovchisi o'lib qolgan ekan. Naso'h jon deb bu ishga yollanadi-yu, karvonboshidan qutulib qoladi. Naso'h bu yerda uzoq yillar uqalovchi-hammomchi bo'lib ishlaydi. Uni shayton vasvasa qiladi. Ayollarni yo'ldan uradi. Zino ko'chalariga kiradi.

Kunlardan bir kun podshoning qizi Xonzoda hammomda uzugini yo'qotib qo'yadi. Uzuki, naq bir shaharning bojiga teng. Tezda hammomning eshigu tirqichlari yopiladi. Hammomdagi ayollarning nomi ro'yxatga olinadi. Naso'hning ismi qirqinchi bo'lib yoziladi. Ro'yxat bo'yicha ayollar onadan tug'ma qilib tekshiruvdan o'tkazila boshlaydi. Ana tomoshani ko'r endi. Naso'hning jon-poni chiqib ketadi. Uning siri fosh bo'ladigan bo'lsa bormi... Naso'h o'zini qanday azoblar kutayotganini ko'z oldiga keltiradi. Qilgan ishlariga ming-ming pushaymonlar bo'ladi. Ammo endi kech edi...

Naso'h hammomning bir xonasiga kirib, boshini toshlarga urib Ollohga yalbora boshlaydi. Peshanasining go'shtlari titilib, suyagi ko'rinib qoladi. Gal Naso'hgacha yetmay uzuk o'ttiz to'qqizinchi

тилиб, суюги кўриниб қолади. Гал Насўҳгача етмай узук ўттиз тўққизинчи аёлдан топилади. Бу пайтда Насўҳ қора қонига ботиб, ҳушидан кетиб ётарди. Унинг тавбасини Худо қабул қилади. Шарманда қилмайди. Насўҳ ҳаммомдан кетади. Умрининг охиригача Оллоҳга ибодат қилиб, гуноҳ ишлардан тийилади.

(Тегирмончи тоғанинг бу ҳикояси хотирамда яшаб келарди. Кейинчалик Қуръон тафсирларини ўқий бошлагач, билдимки, Қуръоннинг бир неча жойида “Тавба қилинглр, тавбаларингиз тавбаи Насўҳ бўлсин”, деган оятлар келган экан).

Ўшанда Тегирмончи тоға: “Сенам Насўҳга ўхшаб Худога тавба қил. Қара, шундай катта бир одам сени деб номини қора қилиб олибди. Яна бунинг устига аячангнинг боласи тушибди. Байбай! Қанчалар мусибат-а! Кейин гуноҳ ишни қилиб қўйиб жонингга қасд қилмоқчи бўлганинг-чи? Муслмоннинг боласи унақа иш қилмайди, болам. Ўзини ўлдирганга жаноза ҳам ўқилмайди. Тўнғиз қавмида кетади-я. Сен Худога ёлбор, болам, ҳа, ёлбор. Энди минбад ўғирлик қилмайман, жонимга қасд қилмайман, де. Ҳа, Худо кечиради”.

Тегирмончи тоғанинг айтганларини қила бошладим. Ҳалиги чол бошқа тушимга кирмай қўйди. Мен буниям Тегирмончи тоғага айтдим: “Сени Худо кечирибди, болам, энди бу ёғига эҳтиёт бўл”, – деди.

ПОЧТАЧИ АМАКИ

Ҳовлида қандайдир иш билан ивирсиб юргандим. Дарвозамиз тақиллаб қолди. Аячам бировни кутаётган эканми, дарвозани ўзи бориб очди. Кейин менга қараб:

– Ҳой етимча, сенга келишибди, – деди энсаси қотиб.

Ҳайрон бўлдим. Ким бўлсаям катта одам, шекилли. Ўртоқларим бўлганда аячам ҳайдаб солган бўларди. Чиксам, Ача холамнинг қизи. Бошларига ёпинчиқ ташлаб кутиб турибди. Менга бир аҳволда қараб:

– Мирзо йигит, холангиз сизни сўратдилар, – деди. Ача холамнинг қизлариям мени сизларди. Холанинг қизи шу яқин маҳаллага тушган, ойисидан тез-тез хабар олиб турарди. Афтидан, уйидагилар онасиникига келаверишини хоҳлашмас эди. Шунгами, келишидан кетиши тез эди. Мен аячамга нима баҳона топсам экан, деб ўйланиб туриб қолдим.

– Чиқарсиз-а, айланай? – деб у бетоқат бўлди.

– Ҳа...

– Барака топинг...

ayoldan topiladi. Bu paytda Naso'h qora qoniga botib, hushidan ketib yotardi. Uning tavbasini Xudo qabul qiladi. Sharmanda qilmaydi. Naso'h hammordan ketadi. Umrining oxirigacha Ollohga ibodat qilib, gunoh ishlardan tiyiladi.

(Tegirmonchi tog'aning bu hikoyasi xotiramda yashab kelardi. Keyinchalik Qur'on tafsirlarini o'qiy boshlagach, bildimki, Qur'onning bir necha joyida "Tavba qilinglar, tavbalaringiz tavbai Naso'h bo'lsin", degan oyatlar kelgan ekan).

O'shanda Tegirmonchi tog'a: "Senam Naso'hga o'xshab Xudoga tavba qil. Qara, shunday katta bir odam seni deb nomini qora qilib olibdi. Yana buning ustiga ayachangning bolasi tushibdi. Bay-bay! Qanchalar musibat-a! Keyin gunoh ishni qilib qo'yib joningga qasd qilmoqchi bo'lganing-chi? Musulmonning bolasi unaqa ish qilmaydi, bolam. O'zini o'ldirganga janoza ham o'qilmaydi. To'ng'iz qavmida ketadi-ya. Sen Xudoga yolbor, bolam, ha, yolbor. Endi minbad o'g'irlik qilmayman, jonimga qasd qilmayman, de. Ha, Xudo kechiradi".

Tegirmonchi tog'aning aytganlarini qila boshladim. Haligi chol boshqa tushimga kirmay qo'ydi. Men buniyam Tegirmonchi tog'aga aytdim: "Seni Xudo kechiribdi, bolam, endi bu yog'iga ehtiyot bo'l", – dedi.

POCHTACHI AMAKI

Hovlida qandaydir ish bilan ivirsib yurgandim. Darvozamiz taqillab qoldi. Ayacham birovni kutayotgan ekanmi, darvozani o'zi borib ochdi. Keyin menga qarab:

– Hoy yetimcha, senga kelishibdi, – dedi ensasi qotib.

Hayron bo'ldim. Kim bo'lsayam katta odam, shekilli. O'rtoqlarim bo'lganda ayacham haydab solgan bo'lardi. Chiqsam, Acha xolamning qizi. Boshlariga yopinchiq tashlab kutib turibdi. Menga bir ahvolda qarab:

– Mirzo yigit, xolangiz sizni so'ratdilar, – dedi. Acha xolamning qizlariyam meni sizlardi. Xolaning qizi shu yaqin mahallaga tushgan, oyisidan tez-tez xabar olib turardi. Aftidan, uyidagilar onasinikiga kelaverishini xohlashmas edi. Shungami, kelishidan ketishi tez edi. Men ayachamga nima bahona topsam ekan, deb o'ylanib turib qoldim.

– Chiqarsiz-a, aylanay? – deb u betoqat bo'ldi.

– Ha...

– Baraka toping...

U shoshganicha ketdi. Lekin xotirjam emas edi. Qizi tansiqroq

У шошганича кетди. Лекин хотиржам эмас эди. Қизи тансиқроқ овқат олиб келган бўлса, ҳойнаҳой, Ача холам менга илинган. Доим шунақа қиладилар. Шу бола еб олақолсин, дейди...

Ҳовлига қайтиб, ишларим билан тез-тез куймаландим. Нима қилиб бўлсаям аячамнинг кўзини шамғалат қилишни ўйлардим. Аячам кўшнилари билан кирди-чиқди қилишни ёқтирмайди.

– Ҳа-а-а, – деди аячам тепамга келиб, – нима деяпти у чиройлик?

– Ача холам кеча почтачига деб хат берувдилар, шуни сўрабдилар, – дедим ёлғонлаб.

– Вой савил-ей, топволишган текин хизматкорни. Айтмайсанми, ўғлингиз ўлиб қолган, хат ёзаверманг, деб. Эсиз қоғозлар...

Ача холамнинг бўйлари пастаккина, мандан сал тикроқ, юзлари дум-думалоқ, ажин босган кампир. У кишини кўрсам, Тегирмончи тоға улашадиган оби нон кўз олдимга келди. Одамга иссиқ қараб, кулиб туради. Уззукун пешайвонда ўтириб дўппи тикади. Аячам у киши тиккан дўпиларни “жиннича дўппи” дейди. Хола бозор куни ўша жиннича дўпиларни сотиб, бир шапалоқ гўшт, пашмак, магиз, оқ жўхори кўтариб келади. Холанинг бойлиги икита товуғу битта хўроз. Хўрозни ўғлига асрайди. Келиши билан кўй ўрнида оёғи тагига сўямиз, дейди. Худди бу иш бугун ёки эртага бўладигандек. Товуқлар кунора, кунда тухум қилади. Хола уни латтага ўраб, кўрга кўмиб пиширади. Оқини еб, сариғини менга олиб кўяди.

Ишларимни битириб, уст-бошларимни қоқиб-суқиб Ача холамникига кириб бордим. Ҳовли жимжит. Офтоб уй орқасига ўтиб кетган. Бунақа пайтда хола уй ичидан пешайвонга чиқиб, дўппи тикиб ўтирарди. Офтоб орқага ўтиб, кўзлари ўтмай қоларди-да. Бугун айвонга кўрпачаям солинмапти. Четлари титилиб кетган бўйра устида униқиб бир парча наomatгина турарди. Уйдамиканлар, деб пешайвондан ичкари мўраладим. Воҳ... Ача холам кўрпа-тўшак қилиб ётиб олибди. Бир-бир босиб ичкари кирдим. Уларнинг бунақа ётиб қолганларини ҳечам кўрмаганман. Қизиқ, Ача холамни бирданига танимай қолдим. Рангида ранг йўқ, шундоқ тупроқ ёғилиб қопти. Кўзлари юмуқ. Томоқ қириб, аста ёнларига чўқдим. Ача холанинг кўзлари “ярқ” этиб очилди. Мени кўрдилар-у, бесаранжом бўлиб қолдилар.

– Бу ёққа ўтинг-а... мирзо болам... бу ёққа...– деб уйнинг тўрини кўрсатди. Овози ҳам ғалати эшитилди. Нариги ёнларига ўтиб ўтирдим.

Ача холам култиллаб йўталдилар. Устиларидаги кўрпа кўтарилиб-кўтарилиб тушди. Хола анчагача ўзи билан ўзи ово-

ovqat olib kelgan bo'lsa, hoynahoy, Acha xolam menga ilingan. Doim shunaqa qiladilar. Shu bola yeb olaqolsin, deydi...

Hovliga qaytib, ishlarim bilan tez-tez kuymalandim. Nima qilib bo'lsayam ayachamning ko'zini shamg'alat qilishni o'ylardim. Ayacham qo'shnilar bilan kirdi-chiqdi qilishni yoqtirmaydi.

– Haaa, – dedi ayacham tepamga kelib, – nima deyapti u chiroylik?

– Acha xolam kecha pochtagiga deb xat beruvdilar, shuni so'rabdilar, – dedim yolg'onlab.

– Voy savil-ey, topvolishgan tekin xizmatkorni. Aytmaysanmi, o'g'lingiz o'lib qolgan, xat yozavermang, deb. Esiz qog'ozlar...

Acha xolamning bo'ylari pastakkina, mendan sal tikroq, yuzlari dum-dumaloq, ajin bosgan kampir. U kishini ko'rsam, Tegirmonchi tog'a ulashadigan obi non ko'z oldimga keldi. Odamga issiq qarab, kulib turadi. Uzzukun peshayvonda o'tirib do'ppi tikadi. Ayacham u kishi tikkan do'pilarni "jinnicha do'ppi" deydi. Xola bozor kuni o'sha jinnicha do'ppilarni sotib, bir shapaloq go'sht, pashmak, magiz, oq jo'xori ko'tarib keladi. Xolaning boyligi ikkita tovug'-u bitta xo'roz. Xo'rozni o'g'liga asraydi. Kelishi bilan qo'y o'rnida oyog'i tagiga so'yamiz, deydi. Xuddi bu ish bugun yoki ertaga bo'ladigandek. Tovuqlar kunora, kunda tuxum qiladi. Xola uni lattaga o'rab, qo'rga ko'mib pishiradi. Oqini yeb, sarig'ini menga olib qo'yadi.

Ishlarimni bitirib, ust-boshlarimni qoqib-suqib Acha xolam-nikiga kirib bordim. Hovli jimjit. Oftob uy orqasiga o'tib ketgan. Bunaqa paytda xola uy ichidan peshayvonga chiqib, do'ppi tikib o'tirardi. Oftob orqaga o'tib, ko'zlari o'tmay qolardi-da. Bugun ayvonga ko'rpachayam solinmapti. Chetlari titilib ketgan bo'yra ustida uniqib bir parcha namatgina turardi. Uydami kanlar, deb peshayvondan ichkari mo'raladim. Voh... Acha xolam ko'rpa-to'shak qilib yotib olibdi. Bir-bir bosib ichkari kirdim. Ularning bunaqa yotib qolganlarini hecham ko'rmaganman. Qiziq, Acha xolamni birdaniga tanimay qoldim. Rangida rang yo'q, shundoq tuproq yog'ilib qopti. Ko'zlari yumuq. Tomoq qirib, asta yonlariga cho'kdim. Acha xolaning ko'zlari "yarq" etib ochildi. Meni ko'rdilar-u, besaranjom bo'lib qoldilar.

– Bu yoqqa o'ting-a... mirzo bolam... bu yoqqa...– deb uying to'riini ko'rsatdi. Ovozi ham g'alati eshitildi. Narigi yonlariga o'tib o'tirdim.

Acha xolam qultullab yo'taldilar. Ustilaridagi ko'rpa ko'tarilib-ko'tarilib tushdi. Xola anchagacha o'zi bilan o'zi ovora bo'lib qoldi. Ko'zlari bilan nimanidir qidirdi. Ko'zim bosh tarafdagi choynak,

ра бўлиб қолди. Кўзлари билан ниманидир қидирди. Кўзим бош тарафдаги чойнак, пиёлага тушди. Чой совиб қолган эди. Дарров пиёлага қуйиб, оғизларига тутдим. Хола бир-икки хўплаб, тамшанди. Кейин сал ўзига келиб:

– Худога шукур, – деб жимиб қолди. Хаёлимда ётган ўринларига сингиб кетгандек эди. Мени кўрқув босди. Энди ҳовлини ҳам соя қоплаган, офтоб нурлари қўшнинг томида кўринар эди. Бирдан Ача холам тилга кириб, қадимгидек тиниқ-тиниқ гапира бошлади:

– Мирзо болам... қаранг... бирпасда бўлмай қолдим денг... Бандасининг ҳоли шу-да!

– Дарровда олдингизга чиқолмадим, – дедим гуноҳқордек бош эгиб, – биласиз-ку... Ача хола...

– Биладан, болам, биладан... Ов-в-в... билганда нима-я... Ишқилиб, сизгинани майиб қилиб қўйишмасин-да, деб кўрқаман...

Хола қултиллаб яна йўталди. Ияги бўйинининг ичига кириб-кириб кетди. Кўзларининг оқи ағдарилиб-ағдарилиб тушди. Мени яна кўрқув боса бошлади. Хаёлимда Ача холам менга бир нима демоқчи-ю, айтолмаяпти. Йўтал тутиб қоляпти... Гапирмасалар ҳам майли эди...

– Мирзо болам, шу ердасиз, айланай?

– Ҳа, шу ердан, Ача хола...

У киши қаранг дегандек кўзлари билан бошлари тагидаги ёстиққа ишора қилди. Қўлларини қимирлата олмай қолган эди.

Ҳайрон бўлиб ёстиқ тагига қўл юбориб, пайпасландим. Бир нарсга илашиб чиқди. Кизаксиз, хом дўппи.

– Мана, – дедим холага кўрсатиб.

– Қатини очинг-а, болам, қатини!

Дўппининг қатидан шапалоқдек “раис пул” чиқди. Мен бунақасини Мужгон опанинг дўконида кўрардим. Бунақаси фақат раисларда бўлади, деб юрардим. Ача холамдаям бор экан-да! Беихтиёр:

– Ача хола, раис пул-ку, – деб юборибман.

– Ўша пул сизга, мирзо болам...

– Менга?!

– Сизга, – деб хола аниқ-тиниқ айтди.

– Йў-ў-ў... – деб кўрқиб кетдим. – Ўзингизга бўлсин...

– Шошилманг... – деди хола бош чайқаб. Кейин гапира олмай жим бўлиб қолди. Икки чаккаларидан кўз ёшлари оқаверди, оқаверди... Мен ҳам холага қўшилиб пиқиллай бошладим. Холанинг қизи ғалати экан-ку, шунақа аҳволдаям ташлаб кетиб бўладими? Ҳозиргина қўшни томдаги офтоб ҳам ўчибди. Дон сепадиган пайт бўлганми, товуклар катакда бетоқат бўларди... Хона

piyolaga tushdi. Choy sovib qolgan edi. Darrov piyolaga quyib, og'izlariga tutdim. Xola bir-ikki ho'plab, tamshandi. Keyin sal o'ziga kelib:

– Xudoga shukur, – deb jimib qoldi. Xayolimda yotgan o'rinlariga singib ketgandek edi. Meni qo'rquv bosdi. Endi hovlini ham soya qoplagan, oftob nurlari qo'shnining tomida ko'rinar edi. Birdan Acha xolam tilga kirib, qadimgidek tiniq-tiniq gapira boshladi:

– Mirzo bolam... qarang... birpasda bo'lmay qoldim deng... bandasini holi shu-da!

– Darrovda oldingizga chiqolmadim, – dedim gunohkordek bosh egib, – bilasiz-ku... Acha xola...

– Bilaman, bolam, bilaman... Ovv... bilganda nima-ya... Ishqilib, sizginani mayib qilib qo'yishmasin-da, deb qo'rqaman...

Xola qultullab yana yo'taldi. Iyagi bo'ynining ichiga kirib-kirib ketdi. Ko'zlarining oqi ag'darilib-ag'darilib tushdi. Meni yana qo'rquv bosa boshladi. Xayolimda Acha xolam menga bir nima demoqchi-yu, ayolmayapti. Yo'tal tutib qolyapti... Gapirmasalar ham mayli edi...

– Mirzo bolam, shu yerdamisiz, aylanay?

– Ha, shu yerdaman, Acha xola...

U kishi qarang degandek ko'zlari bilan boshlari tagidagi yostiqqqa ishora qildi. Qo'llarini qimirlata olmay qolgan edi.

Hayron bo'lib yostiqlik tagiga qo'l yuborib, paypaslandim. Bir narsa ilashib chiqdi. Kizaksiz, xom do'ppi.

– Mana, – dedim xolaga ko'rsatib.

– Qatini oching-a, bolam, qatini!

Do'ppining qatidan shapaloqdek "rais pul" chiqdi. Men bunaqasini Mujgon opaning do'konida ko'rardim. Bunaqasi faqat raislarda bo'ladi, deb yurardim. Acha xolamdayam bor ekan-da! Beixtiyor:

– Acha xola, rais pul-ku, – deb yuboribman.

– O'sha pul sizga, mirzo bolam...

– Menga?!

– Sizga, – deb xola aniq-tiniq aytdi.

– Yo'lo'... – deb qo'rqib ketdim. – O'zingizga bo'lsin...

– Shoshilmang... – dedi xola bosh chayqab. Keyin gapira olmay jim bo'lib qoldi. Ikki chakkalaridan ko'z yoshlari oqaverdi, oqaverdi... Men ham xolaga qo'shilib piqillay boshladim. Xolaning qizi g'alati ekan-ku, shunaqa ahvoldayam tashlab ketib bo'ladimi? Hozirgina qo'shni tomdagi oftob ham o'chibdi. Don sepadigan payt bo'lganmi, tovuqlar katakda betoqat bo'lardi... Xona ichi tobora qorong'ilashardi. U yoqda so'qimlarning tertini beradigan vaqt ham bo'lib qolayotgan

ичи тобора қоронғилашарди. У ёқда сўқимларнинг тертини берадиган вақт ҳам бўлиб қолаётган эди. Аячам шу ердалигимни билади. Билади-ю, ҳай, деб қидириб чиқмайди. Буни ўзларига ор деб билади. Битта етимчани қидириб юриш зарилми? Биламан, аламини чиққанимдан кейин олади. Бугун оч қолсам ҳам керак. Қозондаги ювиндини тўкса тўкворадики, шу етимча ича қолсин, демайди. Бу мен учун энг оғир жазо. Аячам буни жуда яхши билади. Хола яна безовталаниб қолди.

– Акмалгинам... – дедилар.

У киши урушга кетган ўғлининг номини камдан-кам тилга оларди. Нуқул “аскар болам” дерди, “аскар боламга” деб хатлар ёздирарди. Нимагадир ҳозир Акмал акамнинг номини тилга олиб қолди.

– Ҳа-а-а...

Ача холам яна тилга кирди. Юрагим ёришгандек бўлди.

– Акмалим билан кўришиш охиратга қолди, мирзо болам... Сиз хат ёзишни тўхтатиб қўйманг-а... Менинг номимдан ёзаверинг, ёзаверинг... Тўхтатманг... Биласиз-ку... Пул дафтар билан сиёҳга аталган...

Ўзимни тутолмай, хўнграб юбордим.

– Йиғланг, мирзо болам, йиғланг, овозингиздан ўргилай сизни... Акмалгинам бўлганида “вой онам”лаб кўмармиди... Осмон узоқ, ер қаттиқ, Энди-чи, болам... – Хола лабларини ялади. Оғизларига чой тутдим. Қултиллаб ичди.

– Худога шукур, – деб яна ўзларига келди. Бошларини ушладим. Қора терга тушибдилар.

– Энди-чи, мирзо болам, – дедилар хотиржам тортиб, – мени ўқиб қўйинг, уйку босиб кетяпти...

Мен бир вақтлар табиб кампирдан ўрганган “Алҳамду” билан “Қулху”ни уч марта ўқидим. Ача холам расмона хуррак отиб уйкуга кетдилар. Шу пайт Ача холамнинг қизи отин буви билан лампа чироқ кўтариб ичкари кирди. Мен уйга шошилдим.

Эртасига тонг пайти Ача холамникидан йиғи овози келди. Мен сўқимларга терт қориш билан овора эдим. Терт етилмаса ҳам шошиб-пишиб охурга ағдардим-да, холаникига чопдим. Дарвозадан киришим билан Ача холамнинг қизи мени кучоқлаб, “Онагинамнинг дардкаши”, – деб йиғлай бошлади. Нима бўлганини тушундим. Бошқаларни билмайман-у, мен ҳаммадан ҳам ёлғизланиб қолгандек бўлдим. Бир нима бўлса Ача холам бор-ку, деб орқаваротдан у кишига суянардим. Энди улар йўқ. Омон-

edi. Ayacham shu yerdaligimni biladi. Biladi-yu, hay, deb qidirib chiqmaydi. Buni o'zlariga or deb biladi. Bitta yetimchani qidirib yurish zarilmi? Bilaman, alamini chiqqanimdan keyin oladi. Bugun och qolsam ham kerak. Qozondagi yuvindini to'ksa to'kvoradiki, shu yetimcha icha qolsin, demaydi. Bu men uchun eng og'ir jazo. Ayacham buni juda yaxshi biladi. Xola yana bezovtalanib qoldi.

– Akmalginam... – dedilar.

U kishi urushga ketgan o'g'lining nomini kamdan kam tilga olardi. Nuqul "askar bolam" derdi, "askar bolamga" deb xatlar yozdirardi. Nimagadir hozir Akmal akamning nomini tilga olib qoldi.

– Haaa...

Acha xolam yana tilga kirdi. Yuragim yorishgandek bo'ldi.

– Akmalim bilan ko'rishish oxiratga qoldi, mirzo bolam... Siz xat yozishni to'xtatib qo'ymang-a... Mening nomimdan yozavering, yozavering... To'xtatmang... Bilasiz-ku... Pul daftar bilan siyohga atalgan...

O'zimni tutolmay, ho'ngrab yubordim.

– Yig'lang, mirzo bolam, yig'lang, ovozingizdan o'rgilay sizni... Akmalginam bo'lganida "voy onam"lab ko'marmidi... Osmon uzoq, yer qattiq. Endi-chi, bolam... – Xola lablarini yaladi. Og'izlariga choy tutdim. Qultullab ichdi.

– Xudoga shukur, – deb yana o'zlariga keldi. Boshlarini ushladim. Qora terga tushibdilar.

– Endi-chi, mirzo bolam, – dedilar xotirjam tortib, – meni o'qib qo'ying, uyqu bosib ketyapti...

Men bir vaqtlar tabib kampiridan o'rgangan "Alhamdu" bilan "Qulhu"ni uch marta o'qidim. Acha xolam rasmona xurrak otib uyquga ketdilar. Shu payt Acha xolamning qizi otin buvi bilan lampa chiroq ko'tarib ichkari kirdi. Men uyga shoshildim.

* * *

Ertasiga tong payti Acha xolamnikidan yig'i ovozi keldi. Men so'qimlarga tert qorish bilan ovora edim. Tert yetilmasa ham shoshib-pishib oxurga ag'dardim-da, xolanikiga chopdim. Darvozadan kirishim bilan Acha xolamning qizi meni quchoqlab, "Onaginamning dardkashi", – deb yig'lay boshladi. Nima bo'lganini tushundim. Boshqalarni bilmayman-u, men hammadan ham yolg'izlanib qolgandek bo'ldim. Bir nima bo'lsa Acha xolam bor-ku, deb orqavarotdan u kishiga suyanardim. Endi ular yo'q. Omonjon

жон тоғага ўхшаб ташлаб кетди. Мени шу топда биров нимадир қилишга шоширарди. Ача холамга берган ваъдамни эсладим. Айтганларини қилсам, руҳлари шод бўлади, деб ўйладим. Қайтиб чиқиб ҳужрамга кирдим. Тайёр хатлардан бирини олдим-да, почтахонага қараб чопдим. Борсам, почтачи ҳамма ёқни тутатиб мум эритаётган экан. Одатда, жўнатиладиган хатлар мум билан муҳрланарди.

– Ҳа? – деди у ҳайрон бўлиб. – Каллайи саҳарлаб нима қилиб юрибсан?

У илгари ҳам мени хушламасди, хат олиб келсам, қўлимдан оларди-да, стол устига отворарди.

– Ача холам ўлиб қолди...

– Биламан, қўлингдаги нима?

– Хат.

– Қанақа хат яна?

– Ача холам...

– Буёққа бер, ҳе... Сендақа дастёрдан ўргилдим... Хатмиш-а... Бор, қорангни ўчир...

Почтачи амаки хатни қўлимдан олди-да, мум эритаётган оловга ташлаб юборди...

– Воҳ... – деб юбордим ичимдан эзилиб, – шундай хатни ёқиб бўладими? – Алам қилганидан оғзимга келган сўзни қайтармадим: – Чўлоқ-мўлоқ, қора қулоқ, – дедим-у, ура қочдим.

Почтачи амаки чўлоқ эди, ўзини бир томонига ташлаб, лапанглаб юрарди. Хат ташийдиган сумкасини ҳам оқсоқ томонига осилтириб оларди. Юрганида сумкаси ерга тегай-тегай дерди.

Мен шу дамда ёниб кетган хатни ўйламас эдим, ундан кейингиларини ўйлардим. Ача холамга ваъда бердим, уларни энди қайси почтага топшираман. Бошқа почтахона бўлмаса. Чўнтагимда ҳали жўнатилмаган хатларга аталган “раис пул” ҳам турибди. Шуларни ўйлаб туриб орқага қарадим-у, кўрқиб кетдим. Орқамдан мени қувиб, лапанглаганича почтачи келарди. “Чўлоқ-мўлоқ” деганим жонидан ўтди, шекилли. Уйга киргани кўрқиб азахонага бурилдим. Бу ердан мени қидириб юрмаса керак. Эшик тагида бел боғлаган эркаклар кўринди. Почтачи ўчакишгандек сал ўтмай шу томонга кириб келди. Шошиб ўзимни дарвоза панасига олдим.

Почтачи ҳовлига кириб, у ёқ-бу ёққа аланглай бошлади. Мени қидиряптими, десам, Ача холанинг қизини қидираётган экан. Уни топиб, чеккароққа ўтди. Шошмай бир нималар деди. Бирдан Ача холамнинг қизи баттар дод солиб йиғлаб юборди. Юрагим қинидан чиқай деди. Хотинлар ҳам улар томонга қараб қолишди.

tog'aga o'xshab tashlab ketdi. Meni shu topda birov nimadir qilishga shoshirardi. Acha xolamga bergan va'damni esladim. Aytganlarini qilsam, ruhlari shod bo'ladi, deb o'yladim. Qaytib chiqib hujramga kirdim. Tayyor xatlardan birini oldim-da, pochtaxonaga qarab chopdim. Borsam, pochtagi hamma yoqni tutatib mum eritayotgan ekan. Odatda, jo'natiladigan xatlar mum bilan muhrlanardi.

– Ha? – dedi u hayron bo'lib. – Kallayi saharlab nima qilib yuribsan?

U ilgari ham meni xushlamasdi, xat olib kelsam, qo'limdan olardi-da, stol ustiga otvorardi.

– Acha xolam o'lib qoldi...

– Bilaman, qo'lingdagi nima?

– Xat.

– Qanaqa xat yana?

– Acha xolam...

– Buyoqqa ber, He... Sendaqa dastyordan o'rgildim... Xatmish-a... Bor, qorangni o'chir...

Pochtagi amaki xatni qo'limdan oldi-da, mum eritayotgan olovga tashlab yubordi...

– Voh... – deb yubordim ichimdan ezilib, – shunday xatni yoqib bo'ladimi? – Alam qilganidan og'zimga kelgan so'zni qaytarmadim: – Cho'loq-mo'loq, qora quloq, – dedim-u, ura qochdim.

Pochtagi amaki cho'loq edi, o'zini bir tomoniga tashlab, lapanglab yurardi. Xat tashiydigan sumkasini ham oqsoq tomoniga osiltirib olardi. Yurganida sumkasi yerga tegay-tegay derdi.

Men shu damda yonib ketgan xatni o'ylamas edim, undan keyingilarini o'ylandim. Acha xolamga va'da berdim, ularni endi qaysi pochtaga topshiraman. Boshqa pochtaxona bo'lmasa. Cho'ntagimda hali jo'natilmagan xatlarga atalgan "rais pul" ham turibdi. Shularni o'ylab turib orqaga qaradim-u, qo'rqib ketdim. Orqamdan meni quvib, lapanglaganicha pochtagi kelardi. "Cho'loq-mo'loq" deganim jonidan o'tdi, shekilli. Uyga kirgani qo'rqib axxonaga burildim. Bu yerdan meni qidirib yurmasa kerak. Eshik tagida bel bog'lagan erkaklar ko'rindi. Pochtagi o'chakishgandek sal o'tmay shu tomonga kirib keldi. Shoshib o'zimni darvoza panasiga oldim.

Pochtagi hovliga kirib, u yoq-bu yoqqa alanglay boshladi. Meni qidirayptimi, desam, Acha xolaning qizini qidirayotgan ekan. Uni topib, chekkaroqqa o'tdi. Shoshmay bir nimalar dedi. Birdan Acha xolaning qizi battar dod solib yig'lab yubordi. Yuragim qinidan chiqay dedi. Xotinlar ham ular tomonga qarab qolishdi.

Яна нима бўлди, нима гап? Кутилмаганда почтачи турганларга қараб гапира бошлади:

– Ҳай опалар, сингиллар, яхшилар, гапимни эшитинглар, – деб ҳаммани ўзига қаратиб олди. “Нима бало, яна уруш бошланиб қолдимикан?” – деб эркаклар шивирлаб қолишди. – Сизлар гувоҳ бўлинглар, Аллоҳ билан менинг ўртамда шу мархума онахонга тегишли бир сир бор эди, – деб у ерга қаради. – Энди ўша сирнинг сирлиги қолмади, яхшилар. Шунча йил сир сақлаб гуноҳ қилдимми, савоб қилдимми, билмайман. Гап шундаки, шу кунгача ўғлингиз тирик деб у кишини алдаб келдим. Бўлмаса Акмалжондан “қора хат” келганига кўп йиллар бўлиб кетди. Мана ўша “қора хат!” Энди онасига қўшиб ўғлига ҳам аза очасизлар...

Ҳовли йиғи-сиғидан ёрилай деди.

– Кўш мозорим, вой онам...

* * *

Шундай қилиб, Мирзо болам деб кўксимни тоғдек кўтариб юрган Ача холамдан ҳам айрилиб қолдим. “Раис пул”ни қизига бердим. Маъракалари ўтиб бўлгач, офтобга қараган бу ҳовлига каттакон қулф тушди. Чироғи ўчди...

Энди бу дунёда мен суюнадиган яна битта одам бор эди. У Яхши амаки. У киши менга қанчалар яхшиликлар қилган бўлса-да, ҳали-ҳанузгача исмларини билмайман. Бутун ўй ва хаёлларим, фикри-зикрим билан Яхши амакига талпинаман. Яширмайман, дадамдан ҳам кўра кўпроқ яхши кўраман. Хаёлимдан шундай ўйлар кечади: “Амакижон, юринг, узоқларга кетайлик, мени ўғил қилиб олинг!” У киши гўё: “Кетдик, ўғлим, ҳай-йо-ҳу...” – дейдилар. Шундай қилиб биз узоқ-узоқларга кетиб қоламиз.

Бугун ҳам қаймоқларни сотиб, биттасини олиб қолдим. Яхши амаким билан чой ичамиз. Седанали, серкунжут оби нонлар, сутга қорилган зоғора нонларнинг ҳидидан кўзим тиниб, бошим айланади. Ҳар куни бу пайтда Яхши амаки икковимиз нонушта қилаётган бўлардик. Бугун нимагадир дараклари йўқ.

Офтоб кўтарилиб кетди ҳамки, амаким келмади. Бозорча хувиллаб, чойхонадаги сўрилар ҳам бўшаб қолди. Хавотирдан юрагим ачишиб, кўзимга ёш келди...

ЁДГОР АКАМ...

Яхши амакимнинг йўлини эртасигаям, ундан кейинигаям пойладим. Келмади. Бир куни қон тупуриб, этиклари билан эзиб таш-



Yana nima bo'ldi, nima gap? Kutilmaganda pochtachi turganlarga qarab gapira boshladi:

– Hay opalar, singillar, yaxshilar, gapimni eshitinglar, – deb hammani o'ziga qaratib oldi. “Nima balo, yana urush boshlanib qoldimikan?” – deb erkaklar shivirlab qolishdi. – Sizlar guvoh bo'linglar, Alloh bilan mening o'rtamda shu marhuma onaxonga tegishli bir sir bor edi, – deb u yerga qaradi. – Endi o'sha sirning sirliigi qolmadi, yaxshilar. Shuncha yil sir saqlab gunoh qildimmi, savob qildimmi, bilmayman. Gap shundaki, shu kungacha o'g'lingiz tirik deb u kishini aldab keldim. Bo'lmasa Akmaljondan “qora xat” kelganiga ko'p yillar bo'lib ketdi. Mana o'sha “qora xat!” Endi onasiga qo'shib o'g'liga ham aza ochasizlar...

Hovli yig'i-sig'idan yorilay dedi.

– Qo'sh mozorim, voy onam...

* * *

Shunday qilib, Mirzo bolam deb ko'ksimni tog'dek ko'tarib yurgan Acha xolamdan ham ayrilib qoldim. “Rais pul”ni qiziga berdim. Ma'arakalari o'tib bo'lgach, oftobga qaragan bu hovliga kattakon qulf tushdi. Chirog'i o'chdi...

Endi bu dunyoda men suyanadigan yana bitta odam bor edi. U Yaxshi amaki. U kishi menga qanchalar yaxshiliklar qilgan bo'lsa-da, hali-hanuzgacha ismlarini bilmayman. Butun o'y va xayollarim, fikri-zikrim bilan Yaxshi amakiga talpinaman. Yashirmayman, dadamdan ham ko'ra ko'proq yaxshi ko'raman. Xayolimdan shunday o'ylar kechadi: “Amakijon, yuring, uzoqlarga ketaylik, meni o'g'il qilib oling!” U kishi go'yo: “Ketdik, o'g'lim, hayyohu...” – deydilar. Shunday qilib biz uzoq-uzoqlarga ketib qolamiz.

Bugun ham qaymoqlarni sotib, bittasini olib qoldim. Yaxshi amakim bilan choy ichamiz. Sedanali, serkunjut obi nonlar, sutga qorilgan zog'ora nonlarning hididan ko'zim tinib, boshim aylanadi. Har kuni bu paytda Yaxshi amaki ikkovimiz nonushta qilayotgan bo'lardik. Bugun nimagadir daraklari yo'q.

Oftob ko'tarilib ketdi hamki, amakim kelmadi. Bozorcha huvullab, choyxonadagi so'rilar ham bo'shab qoldi. Xavotirdan yuragim achishib, ko'zimga yosh keldi...

YODGOR AKAM...

Yaxshi amakimning yo'lini ertasigayam, undan keyinigayam poyladim. Kelmadi. Bir kuni qon tupurib, etklari bilan ezib

лаганларини кўрган эдим. Касалланиб қолдимикан? У кишининг исминиям, қайси маҳалла, қайси кўчада яшашини ҳам билмайман. Қаймоққа харидор кутиб, шуларни ўйлаб турсам қадрдон таниш овоз эътиборимни тортди. Бу овоз ёғочоёқнинг шунчаки ғижирлаши эди, холос. Ахир, бу Ёдгор акам-ку, нимага мени танимай ёнимдан ўтиб кетди. Мен оёғининг ғижирлашидан оқ танидим-ку. Ёдгор акам менга орқасини ўгириб, бошқа қаймоқчи билан савдолашарди.

Сиз истансадаги воқеадан хабардорсиз. Ўшандан кейин бошимга не кунлар тушганини билмайсиз. Воқеаларнинг ушбу боби Ёдгор акам билан боғлиқ.

Ўшанда кўзимни очсам, вассажуфтли бир уйда ётибман. Ўнг тарафимда эшик, чап тарафимда дераза. Дераза кўзини оқ қиров босган. Олдинига Лазокат холамникида ётибманмикан, деб ўйладим. Султонмурод икковимиз сандалда ётволиб, шифтга қараб ким кўп вассажуфт санаш ўйнардик. Бир, икки, уч... бир, икки, уч... Султонмурод ундан нарига ўтолмасди. Ойим Лазокат холам билан гаплашиб ўтиришарди. "Бундоқ гапни гапга қўшасанларми?" – деб Лазокат холам бизни уришиб берарди... Хонада ҳеч ким кўринмасди. Ўрнимдан турмоқчи бўлдим. Бироқ қимирлай олмадим. Мени бешикка ўхшаган бир нимага белаб қўйишибди. Ойи-и-и... Овозим чиқмади. Бироқ ҳамма ёғимга оғриқ кириб, йиғлаб юбордим. Бутун аъзои баданимга игналарми, ишқилиб, бир нималар санчиларди. Қўлларим боғланган эди. Кўз ёшларимни кимдир артди. Ойим бўлса керак, деб қарадим, кўрқиб кетдим. Менга бир кампир тикилиб турарди. У бошимни кўтариб, оғзимга пиёла тутди. Чанқаган эканман. Шошиб-шошиб ичдим-у, аччиқ, тахир бир нарса эканини билиб, туфлаб ташламоқчи бўлдим. Кампир бунга йўл қўймади, орқасидан бошқа бир ширин нарса ичирди. Буниси хуш ёқиб, ҳеч бир ерим оғримай қолди, беихтиёр кўзларим юмилиб кетди... Ҳар сафар шундай бўлади, уйғонаман... Яна ўша кампир бир нималар ичиради, яна ухлаб қоламан... Бир сафар тепамда юзи чўзинчоқ, бурни узун, мўйловли киши пайдо бўлди. У мени беланган жойимдан бўшатмоқчи эди, кампир уришиб берди:

– Сен бола менинг ишимга аралашма. Ундан кўра бор, онасини топиб ке.

Энди менинг илгаригидек ҳеч бир ерим оғримайди. Бироқ бўшатишмайди ҳам. Кун бўйи ойимни топиб келади деб мўйловли кишини илҳақ бўлиб кутиб ётаман. У кўпроқ кечкурунлари пайдо бўлади. Мен билан ўйнагиси келади. Бойлоқдан ечишини хоҳлайман.



tashlaganlarini ko'rgan edim. Kasallanib qoldimikan? U kishining isminiyam, qaysi mahalla, qaysi ko'chada yashashini ham bilmayman. Qaymoqqa xaridor kutib, shularni o'ylab tursam qadrdon tanish ovoz e'tiborimni tortdi. Bu ovoz yog'ochoyoqning shunchaki g'ijirlashi edi, xolos. Axir, bu Yodgor akam-ku, nimaga meni tanimay yonimdan o'tib ketdi. Men oyog'ining g'ijirlashidanoq tanidim-ku. Yodgor akam menga orqasini o'girib, boshqa qaymoqchi bilan savdolashardi.

Siz istansadagi voqeadan xabardorsiz. O'shandan keyin boshimga ne kunlar tushganini bilmaysiz. Voqealarning ushbu bobi Yodgor akam bilan bog'liq.

O'shanda ko'zimni ochsam, vassajuftli bir uyda yotibman. O'ng tarafimda eshik, chap tarafimda deraza. Deraza ko'zini oq qirov bosgan. Oldiniga Lazokat xolamnikida yotibmanmikan, deb o'yladim. Sultonmurod ikkovimiz sandalda yotvolib, shiftga qarab kim ko'p vassajuft sanash o'ynardik. Bir, ikki, uch... bir, ikki, uch... Sultonmurod undan nariga o'tolmasdi. Oyim Lazokat xolam bilan gaplashib o'tirishardi. "Bundoq gapni gapga qo'shasanlarmi?"– deb Lazokat xolam bizni urishib berardi... Xonada hech kim ko'rinmasdi. O'rnimdan turmoqchi bo'ldim. Biroq qimirlay olmadim. Meni beshikka o'xshagan bir nimaga belab qo'yishibdi. Oyiii... Ovozim chiqmadi. Biroq hamma yog'imga og'riq kirib, yig'lab yubordim. Butun a'zoyi badanimga ignalarmi, ishqilib, bir nimalar sanchilardi. Qo'llarim bog'langan edi. Ko'z yoshlarimni kimdir artdi. Oyim bo'lsa kerak, deb qaradim-u, qo'rqib ketdim. Menga bir kampir tikilib turardi. U boshimni ko'tarib, og'zimga piyola tutdi. Chanqagan ekanman. Shoshib-shoshib ichdim-u, achchiq, taxir bir narsa ekanini bilib, tuflab tashlamoqchi bo'ldim. Kampir bunga yo'l qo'ymadi, orqasidan boshqa bir shirin narsa ichirdi. Bunisi xush yoqib, hech bir yerim og'rimay qoldi, beixtiyor ko'zlarim yumilib ketdi... Har safar shunday bo'ladi, uyg'onaman... Yana o'sha kampir bir nimalar ichiradi, yana uxlab qolaman... Bir safar tepamda yuzi cho'zinchoq, burni uzun, mo'ylovli kishi paydo bo'ldi. U meni belangan joyimdan bo'shatmoqchi edi, kampir urishib berdi:

– Sen bola mening ishimga aralashma. Undan ko'ra bor onasini topib ke.

Endi mening ilgarigidek hech bir yerim og'rimaydi. Biroq bo'shatishmaydi ham. Kun bo'yi oyimni topib keladi deb mo'ylovli kishini ilhaq bo'lib kutib yotaman. U ko'proq kechqurunlari paydo bo'ladi. Men bilan o'ynagisi keladi. Boyloqdan yechishini xohlayman.

У имо-ишоралар билан кампирдан қўрқишини айтади. Кампир чироқ ёғини қизғанади. “Бўл, намозингни ўқи, чироқни ўчираман”, – дейди. Бир куни унинг намоз ўқиётганини кўриб ҳайрон қолдим. У битта оёқда туриб намоз ўқирди. Битта оёғи йўқ эди. У ликкида туриб, ликкида ўтирарди... Намоз ўқиб бўлганидан кейин уй зимистонга айланар, салдан кейин дераза кўзи оқариб кўринарди. Шу ёруғга тикилатикила кампир берган дори таъсирида ухлаб қолардим. Мўйлов кечқурун сандалда ётар, мен уйғонганимда жойида бўлмасди. У кампир билан тез-тез ёжиллашиб қоларди. Жанжал мени деб бўларди.

– Болани ечиш керак, эна, бўлди-да энди, таёққа ўхшаб қотиб қолади-ку бунақада, – деб менга раҳми келади мўйловнинг.

– Сен менинг ишларимга аралашма дейман-ку, ундан кўра менга боланинг ота-онасини топиб ке, яшамагур.

– Сиз қарайверинг, топиб келаман, фақат кўкнори бераверманг-да...

Навбатдаги кунларнинг бирида мўйлов менга сеҳр кўрсатди. Унинг қўлидаги бир нарсадан қоронғи уй ёришиб кетди. Ҳайрон қолдим. У чироқни менга қаратган эди, кўзларимни очолмай қолдим. Мўйлов чироққа “Ён”, деса ёнади, “Ўч”, деса ўчади. Кампир бўлса шанғиллаб қарғади: “Ҳа йигитгина ўлгур, мен бу ёқда дорига пул тополмай жоним ҳалак, сен бўлса бунақа шайтон нарсаларга пул сарфлайсан... Қачон ақлинг киради, а, чўлоқ ўлгур?”

Сеҳр кўрган кунимнинг эртасига тепамда бир опача пайдо бўлди. У чиройли эди. Уйда кампир кўринмасди. Чиройли опа қўлларимни бўшатди. Суюниб кетдим. Бироқ оёғимни ечмади. Бўшаган қўлимга “Бу сенга экан”, – деб кечқурунги “сеҳр”ни менга берди. “Бу қўлчироқ, мана бу ери босилса ёнади”, – деб ёндириб кўрсатди. Чўчиб тушдим. Чиройли опа юзини юзимга босиб қотиб-қотиб кулди. Охири чироқни ўзим ҳам ёқиб ўчирадиган бўлдим.

Чиройли опа шу куни қўлимга, орқаларимга малҳам суриб, узоқ уқалади. Опанинг қўллари ёқимли... ўзидан ойимдан келадиган ширин-ширин ҳидлар келарди.

Энди чиройли опа ҳар куни тепамда пайдо бўлади. Рўмолчани хўллаб юзларимни артади. Қошимни мақтайди. Холимни чиройли дейди. Дадамни, ойимни, ўртоқларимни, уйимизни қайта-қайта сўрайди. Чиройли опа бор кунлари кампир кўринмай қолади. Чиройли опани кўрмасам, соғинаман.

Бир куни кампир қайдандир совуққа қотиб келди. Қўлидаги тугунни сандал устига ташлади-да, ўзи сандалга тиқилди. Чиройли опа кетмоқчи бўлиб қолди.

– Эна, мен бора қолай, а?



U imo-ishoralar bilan kampiridan qo'rqishini aytadi. Kampir chiroq yog'ini qizg'anadi. "Bo'l, namozingni o'qi, chiroqni o'chiraman", – deydi. Bir kuni uning namoz o'qiyotganini ko'rib hayron qoldim. U bitta oyoqda turib namoz o'qirdi. Bitta oyog'i yo'q edi. U likkida turib, likkida o'tirardi... Namoz o'qib bo'lganidan keyin uy zimistonga aylana, saldan keyin deraza ko'zi oqarib ko'rinardi. Shu yorug'ga tikila-tikila kampir bergan dori ta'sirida uxlab qolardim. Mo'ylov kechqurun sandalda yotar, men uyg'onganimga joyida bo'lmasdi. U kampir bilan tez-tez g'ijillashib qolardi. Janjal meni deb bo'lardi.

– Bolani yechish kerak, ena, bo'ldi-da endi, tayoqqa o'xshab qotib qoladi-ku bunaqada, – deb menga rahmi keladi mo'ylovning.

– Sen mening ishlarimga aralashma deyman-ku, undan ko'ra menga bolaning ota-onasini topib ke, yashamagur.

– Siz qarayvering, topib kelaman, faqat ko'knori beravermang-da...

Navbatdagi kunlarning birida mo'ylov menga sehr ko'rsatdi. Uning qo'lidagi bir narsadan qorong'i uy yorishib ketdi. Hayron qoldim. U chiroqni menga qaratgan edi, ko'zlarimni ocholmay qoldim. Mo'ylov chiroqqa "Yon", desa yonadi, "O'ch", desa o'chadi. Kampir bo'lsa shang'illab qarq'adi: "Ha yigitgina o'lgur, men bu yoqda doriga pul topolmay jonim halak, sen bo'lsa bunaqa shayton narsalarga pul sarflaysan... Qachon aqling kiradi, a, cho'loq o'lgur?"

Sehr ko'rgan kunimning ertasiga tepamda bir opacha paydo bo'ldi. U chiroyli edi. Uyda kampir ko'rinmasdi. Chiroyli opa qo'llarimni bo'shatdi. Suyunib ketdim. Biroq oyog'imni yechmadi. Bo'shagan qo'limga "Bu senga ekan", – deb kechqurungi "sehr"ni menga berdi. "Bu qo'lchiroq, mana bu yeri bosilsa yonadi", – deb yondirib ko'rsatdi. Cho'chib tushdim. Chiroyli opa yuzini yuzimga bosib qotib-qotib kuldi. Oxiri chiroqni o'zim ham yoqib o'chiradigan bo'ldim.

Chiroyli opa shu kuni qo'limga, orqalarimga malham surib, uzoq uqaladi. Opaning qo'llari yoqimli... o'zidan oyimdan keladigan shirin-shirin hidlar kelardi.

Endi chiroyli opa har kuni tepamda paydo bo'ladi. Ro'molchani ho'llab yuzlarimni artadi. Qoshimni maqtaydi. Xolimni chiroyli deydi. Dadamni, oyimni, o'rtoqlarimni, uyimizni qayta-qayta so'raydi. Chiroyli opa bor kunlari kampir ko'rinmay qoladi. Chiroyli opani ko'rmasam, sog'inaman.

Bir kuni kampir qaydandir sovuqqa qotib keldi. Qo'lidagi tugunni sandal ustiga tashladi-da, o'zi sandalga tiqildi. Chiroyli opa ketmoqchi bo'lib qoldi.

– Ena, men bora qolay, a?

– Ҳа, ҳа... бора қол, болам, бора қол. Илоҳа, яхши жойлардан ато қилсин. Кўрмайсанми акангни, манови бола билан оёқ-қўлимни боғлаб қўйди... – Кампир жаврай-жаврай сандал устидаги тугунни ечди. Ундан анор, туршак, жийда олиб опага тутди: – Ма, камзулингнинг чўнтагига солвол. Бир тишлам бўлсаям нон солмабди, қурумсоқ ўлгур.

– Нони йўқдирда, эна...

– О-о-о-в... болам-а, менам биламан кимдан гина қилишни... Тунука том борку... Ўша йўқлатувди. Ўғлига қиз қидиряпти. Совчиликка борибди-да, ўзига кинна кирдириб кепти. Нокас одамнинг киннасиям нокас бўлади-да. Ўқчитавериб, нақ обориб-обкелди... Хўп, бора қол, онангни сўраб қўй, болам. Табибликка қўлим келиб қолди, деб суюнтир, Худо хоҳласа сендан яхши табиб чиқади. Табиблик – ўлмайдиган хунар... Ҳа, айтганча, сени тунука томдагиларга мақтадим. Кўчамизда шундоқ ҳур қиз туриб, қиз қидириб юрибсизларми? Ҳай, ҳай... бирам зийрак, бирам чевар. Салкам табиб бўлиб қолди-я, деб оғзиларининг сувини келтирдим. Аҳ-ҳа-а-а... – кампир яйраб кулди...

Бу гаплар чиройли опага ёқмади. Тўмсайиб, тўнини тескари кийди. Ҳозиргина камзулингнинг чўнтагига солган тортиқларни сандал устига ташлади-да:

– Нокасларнинг нарсаси бошидан қолсин! Уларга ўзимнимас, итимнияма раво кўрмайман, – деди.

– О-о-о... Улар сенга харидор бўлди-ю, сен ноз қилдингми? Ҳе... улар ким-у, сен ким. Бошим кал, кўнглим нозик бўлмай ўла қолсин. Бўпти, бор, боравер...

Кампир ғудраниб чиройли опа ташлаб кетган туршакдан териб пиёлага солди. Сандалдан чой олиб устига қўйди. Биламан, туршакнинг сувини менга ичиради...

Бу орада учовларининг ҳам исмларини билиб олдим. Кампирники Эна, мўйловники Ёдгор, чиройли опаники Ҳури!

Ўша кундан кейин Ҳури опа бу ҳовлига чиқмай қўйди. Уқалашлар, баданимни ҳўллаб артишлар Ёдгор акамга қолиб кетди. Ёдгор акамнинг қўли қаттиқ, кейин латтани иссиқ сувга-мас, совуқ сувга ботиради. Сен ўғил боласан, чиниқ, дейди. Латта муздек, сесканаман. Қитиғим келади, қотиб-қотиб куламан. Ёдгор акам: "Қитиқ жойингни топдимми", – деб ўша жойга яна тегинади. Мен энди хахолаб уйни бошимга кўтараман. "Бўлди, ичагини узиб, менга иш орттирма, бола", – деб бақиради кампир. Менинг бўлса Ёдгор акам билан ўйнагим келади. Ёдгор акам соч ўстирган, сочидан ушлаб тортаман. Қўлини қайирмоқчи бўламан... Кампир нариги хонада бир нималарни ҳовончада тўқиллатиб туйиб ўтиради.

Ҳури опам кириб турганларида менга ғалати ўйинлар кўр-

– Ha, ha... bora qol, bolam, bora qol. Iloha, yaxshi joylardan ato qilsin. Ko'rmaysanmi akangni, manovi bola bilan oyoq-qo'limni bog'lab qo'ydi... – Kampir javray-javray sandal ustidagi tugunni yechdi. Undan anor, turshak, jiyda olib opaga tutdi: – Ma, kamzulingning cho'ntagiga solvol. Bir tishlam bo'lsayam non solmabdi, qurumsoq o'lgur.

– Noni yo'qdir, ena...

– Ooov... bolam-a, menam bilaman kimdan gina qilishni... Tunuka tom borku... O'sha yo'qlatuvdi. O'g'liga qiz qidiriyapti. Sovchilikka boribdida, o'ziga kinna kirdirib kepti. Nokas odamning kinnasiyam nokas bo'ladi-da. O'qchitaverib, naq oborib-obkeldi... Xo'p, bora qol, onangni so'rab qo'y, bolam. Tabiblikka qo'lim kelib qoldi, deb suyuntir, Xudo xohlasa sendan yaxshi tabib chiqadi. Tabiblik – o'lmaydigan hunar... Ha, aytganicha, seni tunuka tomdagilarga maqtadim. Ko'chamizda shundoq hur qiz turib, qiz qidirib yuribsizlarmi? Hay, hay... biram ziyrak, biram chevar. Salkam tabib bo'lib qoldi-ya, deb og'zilarining suvini keltirdim. Ah-haaa... – kampir yayrab kuldi...

Bu gaplar chiroyli opaga yoqmadi. To'msayib, to'nini teskari kiydi. Hozirgina kamzulingning cho'ntagiga solgan tortiqlarni sandal ustiga tashladi-da:

– Nokaslarning narsasi boshidan qolsin! Ularga o'zimmimas, itimniyam ravo ko'rmayman, – dedi.

– Ooo... Ular senga xaridor bo'ldi-yu, sen noz qildingmi? He... ular kim-u, sen kim. Boshim kal, ko'nglim nozik bo'lmay o'la qolsin. Bo'пти, bor, boraver...

Kampir g'udranib chiroyli opa tashlab ketgan turshakdan terib piyolaga soldi. Sandaldan choy olib ustiga quydi. Bilaman, turshakning suvini menga ichiradi...

Bu orada uchovlarining ham ismlarini bilib oldim. Kampirniki Ena, mo'ylovniki Yodgor, chiroyli opaniki Huri!

O'sha kundan keyin Huri opa bu hovliga chiqmay qo'ydi. Uqalashlar, badanimni ho'llab artishlar Yodgor akamga qolib ketdi. Yodgor akamning qo'li qattiq, keyin lattani issiq suvgamas, sovuq suvga botiradi. Sen o'g'il bolasan, chiniq, deydi. Latta muzdek, seskanaman. Qitig'im keladi, qotib-qotib kulaman. Yodgor akam: "Qitiq joyingni topdimmi", – deb o'sha joyga yana teginadi. Men endi xaxolab uyni boshimga ko'taraman. "Bo'ldi, ichagini uzib, menga ish orttirma, bola", – deb baqiradi kampir. Mening bo'lsa Yodgor akam bilan o'ynagim keladi. Yodgor akam soch o'stirgan, sochidan ushlab tortaman. Qo'lini qayirmoqchi bo'laman... Kampir narigi xonada bir nimalarni hovonchada to'qillatib tuyib o'tiradi.

сатарди. Наматни кўтариб, бўйрадан битта чўп синдириб оларди-да, чўнтагидан қийқим олиб миттигина кўфирчоқ, рўмолчадан беланчак ясарди. Беланчак бош бармоқлари билан узун бармоқлари орасида пайдо бўларди. Кўфирчоқни ўша беланчакка ётқизарди. Шундан кейин Ҳури опам: “Бир бор экан, бир йўқ экан”, – деб эртақ айта бошларди беланчак боғланган бармоғини бир-бирига теккизиб очиб. Шунда миттигина беланчакда ётган миттигина кўфирчоқ кўринарди. – Бир кўфирчоқ бор экан. Унинг қулоқчалари ҳам митти экан. Кўфирчоқни кўрқитиб атрофида бўрилар увулларкан, итлар ирилларкан. У бўлса ҳечам кўрқмас экан. Ахир, у бор-йўғи кўфирчоқ эканда... Бир бор экан, бир йўқ экан, бир кўфирчоқ бор экан. Унинг ҳамманикига ўхшаган кўзлари бор экан. У ўғриларни ҳам кўраркан, тўғриларни ҳам кўраркан. Тўғрини кўриб хурсанд бўлмас экан, ўғрини кўриб хафа бўлмас экан. Унга барибир экан. Ахир, у бор-йўғи кўфирчоқ эканда... Бир бор экан, бир йўқ экан, бир кўфирчоқ бор экан. Унинг чиройлик оғзи бор экан. Бироқ на нон ер экан, на сув ичаркан. Қорним очди деб хархаша қилмас экан. Ахир, у бор-йўғи кўфирчоқ эканда...”

Бу эртақ узоқ давом этади. Гап кўфирчоқнинг ҳид билмаслиги, кўлидан иш келмаслиги, ўз оёғи билан юролмаслиги, калласи бўм-бўш қовоқлиги ҳақида боради. Менинг митти беланчакда ётган митти кўфирчоққа раҳмим келади...

Яна битта топган ўйини “қушим боши” эди!

– Қушим боши мунча, қанотлари мана му-у-у-н-ча, – деб қанотлари ка-а-атталигини кўрсатади Ҳури опам.

– Қарға.

– Топдинг.

– Қушим боши мунча, қанотлариям мунча, – деб қаноти кичкиналигини айтмоқчи бўлади Ҳури опам.

– Қарға.

– Тополмадинг, чумчуқ!

Мен чумчуқнинг қарғадан кичиклигини эслаб қоламан. Эслаб қолганим эртасига асқатади. Мана энди Ҳури опам йўқ. Уни соғиниб ўтираман. Бир куни бир хотин келиб кампир билан узоқ гаплашди. У гап орасида ҳадеб менга қарайверди, қарайверди. Кампир бўлса ҳадеб битта гапни айтаверди. “Ёдгорим бу болани кўтариб келганида бир халта гўшт эди. Истансада нечта одам бўлса, бари босиб ўтаверган, жигарларини эзишган қовурғаларини майдалашган. Мен уларни битталаб тегиб, ўрни-ўчоғига қўйдим. Яраларини ипак билан тикдим. Болани одам қиламан деб бор-будимдан айрилдим. Агарда бу меҳнатимни битта қозоққа қилганимда борми, бир кўтон қўйлик



Huri opam kirib turganlarida menga g'alati o'yinlar ko'rsatardi. Namatni ko'tarib, bo'yradan bitta cho'p sindirib olardida, cho'ntagidan qiyqim olib mittigina qo'g'irchoq, ro'molchadan belanchak yasardi. Belanchak bosh barmoqlari bilan uzun barmoqlari orasida paydo bo'lardi. Qo'g'irchoqni o'sha belanchakka yotqizardi. Shundan keyin Huri opam: "Bir bor ekan, bir yo'q ekan", – deb ertak ayta boshlardi belanchak bog'langan barmog'ini bir-biriga tekkizib ochib. Shunda mittigina belanchakda yotgan mittigina qo'g'irchoq ko'rinardi. – Bir qo'g'irchoq bor ekan. Uning quloqchalari ham mitti ekan. Qo'g'irchoqni qo'rqitib atrofida bo'rilar uvullarkan, itlar irillarkan. U bo'lsa hecham qo'rqmas ekan. Axir, u bor-yo'g'i qo'g'irchoq ekanda... Bir bor ekan, bir yo'q ekan, bir qo'g'irchoq bor ekan. Uning hammanikiga o'xshagan ko'zlari bor ekan. U o'g'rilarni ham ko'rarkan, to'g'rilarni ham ko'rarkan. To'g'irini ko'rib xursand bo'lmas ekan, o'g'irini ko'rib xafa bo'lmas ekan. Unga baribir ekan. Axir, u bor-yo'g'i qo'g'irchoq ekanda... Bir bor ekan, bir yo'q ekan, bir qo'g'irchoq bor ekan. Uning chiroylik og'zi bor ekan. Biroq na non yer ekan, na suv icharkan. Qornim ochdi deb xarxasha qilmas ekan. Axir, u bor-yo'g'i qo'g'irchoq ekanda..."

Bu ertak uzoq davom etadi. Gap qo'g'irchoqning hid bilmasligi, qo'lidan ish kelmasligi, o'z oyog'i bilan yurolmasligi, kallasi bo'm-bo'sh qovoqligi haqida boradi. Mening mitti belanchakda yotgan mitti qo'g'irchoqqa rahmim keladi...

Yana bitta topgan o'yini "qushim boshi" edi!

– Qushim boshi muncha, qanotlari mana muuuncha, – deb qanotlari kaaattaligini ko'rsatadi Huri opam.

– Qarg'a.

– Topding.

– Qushim boshi muncha, qanotlariyam muncha, – deb qanoti kichkinaligini aytmoqchi bo'ladi Huri opam.

– Qarg'a.

– Topolmading, chumchuq!

Men chumchuqning qarg'adan kichikligini eslab qolaman. Eslab qolganim ertasiga asqatadi. Mana endi Huri opam yo'q. Uni sog'inib o'tiraman. Bir kuni bir xotin kelib kampir bilan uzoq gaplashdi. U gap orasida hadeb menga qarayverdi, qarayverdi. Kampir bo'lsa hadeb bitta gapni aytaverdi. "Yodgorim bu bolani ko'tarib kelganida bir xalta go'sht edi. Istansada nechta odam bo'lsa, bari bosib o'tavergan, jigarlarini ezishgan qovurg'alarini maydalashgan. Men ularni bittalab terib, o'rni-o'chog'iga qo'ydim. Yaralarini ipak bilan tikdim. Bolani odam qilaman deb bor-budimdan ayrildim. Agarda bu mehnatimni bitta qozoqqa qilganimda bormi, bir qo'ton qo'ylik

бўлардим". "Бир кўтон қўй сиздан айлансин, эна, бош-оёқ сарупо-си билан, шу болани боқвосам туғадигандекман, эна, ҳа, кўнглим сезиб турибди". "Ҳозирча шошмай турасиз, ҳали анча иши бор, кейин истансада йўқотиб қўйган ота-онаси дараклаб қолишиям бор, айланай, х-ў-ў-ш, ихлос қилиб келибсиз, келинг, бир кўриб қўяй". Кампир хотиннинг қорнини босиб-босиб кўради, ичингиз тўла бола, дейди. Кейин ичкариги уйдан дори-дармонлар олиб чиқиб беради. Бунисини эрингиз ичсин, бунисини сиз ичинг, дейди. Аёл қўйнидан дўппи олиб, бошимга кийгизиб, "Кўзларингдан ўргилай мўлтираган", – деди. Мен ғашим келиб дўппини ерга отиб урдим. Кампир ёмон қараб қўйди.

Мен дарбадарлик ҳаётимда аллақачоноқ бошланганини билмасдим. Ҳар куни ойимни бошлаб келиб қолади, деб Ёдгор акамни кутардим. Ёдгор акам бўлса уйга кириб келиб, менга қараб елка қисиб хўрсинади. Кейин ёғоч оёғини ечиб, ҳақкалаб сандалга тиқилади. Сандал иссиқ бўлса хўп-хўп, бўлмаса: "Бу сандалдан кўча иссиқ-ку, эна", – деб бақиради. Эна-бола анча вақт гаплашиб ўтиришади. "Карнай нима деяпти?" – сўрайди кампир. "Ўрусия озод бўпти, уруш энди бошқа юртларда кетяпти экан". "Гапирма, озод бўлдимиз, "қора хат" ҳалиям келиб ётибди-ку".

Бир куни Ёдгор акам ишга бормади. Менга елкасини тутди. Шинелининг ичига тушиб олдим, маза.

– Ҳа, қаёққа отландиларинг? – сўради кампир.

– Э, энажон-а, бу ёғоч оёқ билан қаёққаям борардим-а, карнай эшитиб келамиз.

Кўчага чиқамиз. Димоғимга бегона, аммо ёқимли ҳидлар урилади. Ёдгор акамнинг айтишича, баҳор бошланибди. Офтоб чиқиб тургани билан оёқ таги билч-билч лой. Ёдгор акам ёғоч оёғини ғичирлатиб тез-тез юради. Мен ҳам ерга тушиб югуриб кетгим келади. Ёдгор акам унамайди. Энангдан балога қоламан, дейди. Юра-юра одамлар кў-ў-п жойга бориб тўхтадик. Ҳамма жим, кўзлари тепага битган. Карнай бир нималар деб гапириб ётибди.

Бу ерда узоқ турмадик. Яна юриб кетдик. Бир ҳовузнинг бўйида тўхтадик. Ёдгор акам мени ерга туширди. Бировни қидирган бўлиб, у ёқ-бу ёққа қаради. Хув нарида, дарвоза тагида болалар ўйнашарди. Бир амаки обкаш кўтариб сувга келди. Ёдгор акам менга қараб:

– Манови ҳовузни танияпсанми? – деди.

– Ҳим...

– Шу ҳовузнинг бўйида ўйнармидинг?

– Ҳим...



bo'lardim". "Bir qo'ton qo'y sizdan aylansin, ena, bosh-oyoq saruposi bilan, shu bolani boqvosam tug'adigandekman, ena, ha, ko'nglim sezib turibdi". "Hozircha shoshmay turasiz, hali ancha ishi bor, keyin istansada yo'qotib qo'ygan ota-onasi daraklab qolishiyam bor, aylanay, xo'osh, ixlos qilib kelibsiz, keling, bir ko'rib qo'yay". Kampir xotinning qornini bosib-bosib ko'radi, ichingiz to'la bola, deydi. Keyin ichkarigi uydan dori-darmonlar olib chiqib beradi. Bunisini eringiz ichsin, bunisini siz iching, deydi. Ayol qo'ynidan do'ppi olib, boshimga kiygizib, "Ko'zlaringdan o'rgilay mo'ltiragan", – dedi. Men g'ashim kelib do'ppini yerga otib urdim. Kampir yomon qarab qo'ydi.

Men darbadarlik hayotimda allaqachonoq boshlanganini bilmadim. Har kuni oyimni boshlab kelib qoladi, deb Yodgor akamni kutardim. Yodgor akam bo'lsa uyga kirib kelib, menga qarab yelka qisib xo'rsinadi. Keyin yog'och oyog'ini yechib, hakkalab sandalga tiqiladi. Sandal issiq bo'lsa xo'p-xo'p, bo'lmasa: "Bu sandaldan ko'cha issiq-ku, ena", – deb baqiradi. Ena-bola ancha vaqt gaplashib o'tirishadi. "Karnay nima deyapti?" – so'raydi kampir. "O'rusiya ozod bo'пти, urush endi boshqa yurtlarda ketyapti ekan". "Gapirma, ozod bo'ldimish, "qora xat" haliyam kelib yotibdi-ku".

Bir kuni Yodgor akam ishga bormadi. Menga yelkasini tutdi. Shineling ichiga tushib oldim, maza.

– Ha, qayoqqa otlandilaring? – so'radi kampir.

– E, enajon-a, bu yog'och oyoq bilan qayoqqayam borardim-a, karnay eshitib kalamiz.

Ko'chaga chiqamiz. Dimog'imga begona, ammo yoqimli hidlar uriladi. Yodgor akamning aytishicha, bahor boshlanibdi. Oftob chiqib turgani bilan oyoq tagi bilch-bilch loy. Yodgor akam yog'och oyog'ini g'ichirlatib tez-tez yuradi. Men ham yerga tushib yugurib ketgim keladi. Yodgor akam unamaydi. Enangdan baloga qolaman, deydi. Yura-yura odamlar ko'p joyga borib to'xtadik. Hamma jim, ko'zlari tepaga bitgan. Karnay bir nimalar deb gapirib yotibdi.

Bu yerda uzoq turmadik. Yana yurib ketdik. Bir hovuzning bo'yida to'xtadik. Yodgor akam meni yerga tushirdi. Birovni qidirgan bo'lib, u yoq-bu yoqqa qaradi. Huv narida, darvoza tagida bolalar o'ynashardi. Bir amaki obkash ko'tarib suvga keldi. Yodgor akam menga qarab:

– Manovi hovuzni taniyapsanmi? – dedi.

– Him...

– Shu hovuzning bo'yida o'ynarmiding?

– Hm...

– Уйимиз ҳовузнинг бўйида деган эдингми?

– Ҳим...

– Уйингни танияпсанми, қайси бири?

– Йўқ, – дейман бош чайқаб, – танимадим.

Ёдгор акам мени болалар ёнига бошлади.

– Яхшилаб қара-чи, анавилар орасида Султонмуродми, Сабомми йўқми?

– Йўқ...

– Ораларингда манави болани танийдиганлар борми? – сўрайди Ёдгор акам. Болалар менга тикилиб “йўқ” деб бош чайқашади. Мен Ёдгор акамнинг кўлидан тортаман.

– Кетайлик...

Биз бошқа кунлари ҳам шунақа ҳовуз қидириб юрамиз. Ҳовуз бўйларига борамиз. Мени ҳеч ким танимайди, мен ҳам ҳеч кимни танийман демайман. Энди кўчалар қуриб қолган, Ёдгор акамга опичиб юришни хоҳламайман. Олдинга тушиб чопиб кетаман. Ҳаводан кўкат ҳидлари келади. Осмонда тўп-тўп булутлар сузиб юради. Офтоб уларнинг ичига кириб кетганда ҳамма ёқ соя бўлиб қолади. Совуқ шамол эсади. Салдан кейин офтоб кўринади-ю, яна ҳамма ёқ исиб кетади. Одамлар кўчалар четидаги ариқларни тозалашади. Дарахт экишади. Болалар варрак учиради. Мен ҳамма ёққа қарай-қарай ё Ёдгор акамдан орқада қолиб кетаман, ё оёғим тагидаги бир нимага қоқилиб йиқиламан. Нечанчи марта уйимизни қидириб кўчага чиқишимиз, яна тополмай орқага қайтамиз.

Кампир кундуз кунлари эшигу деразаларни очиб ташлайди. Лекин сандалдан хокани узмайди. Кечқурунлари совуқ, сандалга тиқиламиз. Ёдгор акам “карнай”дан эшитганини кампирга гапирди. “Қаҳрамон аскарлар душманнинг уйига етай-етай деб қолишибди, илоннинг бошини ўз уйида янчишмоқчи экан”.

Бир куни кечқурун кампир бизни шакарсепди қатлама, пашмак, оби нон билан меҳмон қилди.

– Ўҳ-ҳ-ў-ў-ў... – деди Ёдгор акам қатламани хуш кўриб чайнар экан, – қаердан кун чиқди, эна?

– Чиқди-да, болам...

– Илоҳим, ҳар куни чиқсин-а! – деб менга қаради Ёдгор акам. – Маза, а? Нима дединг, Шер?

Мен пашмак чайнаб ишшайдим. Пашмак тишимга ёпишиб қолган.

– Холангни кўриб қолсанг “қуллуқ бўлсин” қилиб қўй, – деди кампир Ёдгор акамга.

– Ҳа-а-а... эчкилари яна учта туғдими? Битгасини Шерга обераман, эчки боқасанми? – деб мендан сўради Ёдгор акам.

– Эчкиси туққани йўқ, Ҳурини унаштирдик. Ўзим топиб, ўзим бош бўлдим.

– Uyimiz hovuzning bo'yida degan edingmi?

– Him...

– Uyingni taniyapsanmi, qaysi biri?

– Yo'q, – deyman bosh chayqab, – tanimadim.

Yodgor akam meni bolalar yoniga boshladi.

– Yaxshilab qarachi, anavilar orasida Sultonmurodmi, Sabomi yo'qmi?

– Yo'q...

– Oralaringda manavi bolani taniydiganlar bormi? – so'raydi Yodgor akam. Bolalar menga tikilib "yo'q" deb bosh chayqashadi. Men Yodgor akamning qo'lidan tortaman.

– Ketaylik...

Biz boshqa kunlari ham shunaqa hovuz qidirib yuramiz. Hovuz bo'ylariga boramiz. Meni hech kim tanimaydi, men ham hech kimni taniyman demayman. Endi ko'chalar qurib qolgan, Yodgor akamga opichib yurishni xohlamayman. Oldinga tushib chopib ketaman. Havodan ko'kat hidlari keladi. Osmonda to'p-to'p bulutlar suzib yuradi. Oftob ularning ichiga kirib ketganda hamma yoq soya bo'lib qoladi. Sovuq shamol esadi. Saldan keyin oftob ko'rinadi-yu, yana hamma yoq isib ketadi. Odamlar ko'chalar chetidagi ariqlarni tozalashadi. Daraxt ekishadi. Bolalar varrak uchiradi. Men hamma yoqqa qaray-qaray yo Yodgor akamdan orqada qolib ketaman, yo oyog'im tagidagi bir nimaga qoqilib yiqilaman. Nechanchi marta uyimizni qidirib ko'chaga chiqishimiz, yana topolmay orqaga qaytamiz.

Kampir kunduz kunlari eshigu derazalarni ochib tashlaydi. Lekin sandaldan xokani uzmaydi. Kechqurunlari sovuq, sandalga tiqilamiz. Yodgor akam "karnay"dan eshitganini kampirga gapiradi. "Qahramon askarlar dushmanning uyiga yetay-yetay deb qolishibdi, ilonning boshini o'z uyida yanchishmoqchi ekan".

Bir kuni kechqurun kampir bizni shakarsepdi qatlama, pashmak, obi non bilan mehmon qildi.

– O'hho'bo'... – dedi Yodgor akam qatlamani xush ko'rib chaynar ekan, – qayerdan kun chiqdi, ena?

– Chiqdi-da, bolam...

– Ilohim, har kuni chiqsin-a! – deb menga qaradi Yodgor akam. – Maza, a? Nima deding, Sher?

Men pashmak chaynab ishshaydim. Pashmak tishimga yopishib qolgan.

– Xolangni ko'rib qolsang "qulluq bo'lsin" qilib qo'y, – dedi kampir Yodgor akamga.

– Haaa... echkilar yana uchta tug'dimi? Bittasini Sherga oberaman, echki boqasanmi? – deb mendan so'radi Yodgor akam.

– Echkisi tuqqani yo'q, Hurini unashtirdik. O'zim topib, o'zim bosh bo'ldim.

– А? – оғирлигини сандалга ташлаб, иштаҳа билан нон чайнаётган Ёдгор акам қалқиб ўзини орқага ташлади. “Ё Раззоқ”, – деб қўйди кампир. Ёдгор акам шошиб-пишиб сўради:

– Кимга, эна?

– Кимга бўларди, бадавлат жойга. Камбағал бечоранинг бошига бахт қуши қўнди.

– Бадавлат жойнинг эгаси борми?

– Биласан, тунука том...

Ёдгор акам бир нима чакқандек дастурхондан қўлини тортиди.

– Шундай қизни увол қипсиз, эна.

Мен ўша тунука том ҳақида гап бўлгандан кейин келмай кетган Ҳури опамни ўйлаб қолдим... “Итимниям раво кўрмайман”, – деган эди-ку, ёлғончи Ҳури опа...

Кунларнинг бирида Ёдгор акам билан уйимизни излаб яна йўлга отлана бошладик.

– Бу охиргиси, – деди Ёдгор акам бир менга, бир кампирга қараб, – биз бормаган маҳалла, биз кўрмаган ҳовуз қолмади ҳисоб шаҳарда. Энди “ойимлаб” юракни эзаверма, бола. Энди сенинг отанг ҳам, онанг ҳам мен бўламан, уқдингми?

– Ҳ-о-о-о... ёқмай кетсин, экмай-тикмай-я...– бақириб берди кампир. – Худо ўзинга берсин, кўп вайсама.

– Э-э-э... мен чўлоққа кимам қизини берарди, эна?..

– Ўчир овозингни, битта сенми чўлоқ?

Бу сафар ана шунақа машмаша билан кўчага чиқдик. Толлар барг ёза бошлаган, ёқимли шамол эсади. Осмонда варраклар. Бир дарахт росаям оппоқ бўлиб гуллабди. Худди қор ёққанга ўхшайди. Шохлари пахса девордан ошиб кўчагача чиққан. Гулини ари талаб ётибди. Мен анча орқада қолиб кетган Ёдгор акамни кутиб, уни томоша қилардим. Ёдгор акам ёғоч оёғини ғижирлатиб етиб келишлари билан яна чопа кетдим. Энди мени томларда варрак учираётган болалар қизиқтириб қолди. Болалар варраклари учмай қолса томда туриб: “Шамо-о-о-л, хотинингни ўғри олиб кетди, болта-тешангни олиб югу-у-у-р”, – деб бақиривади. Шамол эшитса керак-да, ғувиллаб қолади. Мен шамолнинг овозини эшитаман. Пастлаб бораётган варракларнинг думлари билтанглаб бирдан баландлаб кетади...

– Менгаям варрак ясаб беринг, – деб Ёдгор акамнинг оёғини кучоқлайман.

– Бўпти, уйга қайтайлик, к-а-а-атасидан ясаб бераман, – дейди Ёдгор акам осмонни кўрсатиб, – кўряпсанми, ҳов анови дардараклигидан.

Кўзим жудаям баландда, бир жойда қимир этмай турган вар-

– A? – og'irligini sandalga tashlab, ishtaha bilan non chaynayotgan Yodgor akam qalqib o'zini orqaga tashladi. "Yo Razzoq", – deb qo'ydi kampir. Yodgor akam shoshib-pishib so'radi:

– Kimga, ena?

– Kimga bo'lardi, badavlat joyga. Kambag'al bechoraning boshiga baxt qushi qo'ndi.

– Badavlat joyning egasi bormi?

– Bilasan, tunuka tom...

Yodgor akam bir nima chaqqandek dasturxondan qo'lini tortdi.

– Shunday qizni uvol qipsiz, ena.

Men o'sha tunuka tom haqida gap bo'lgandan keyin kelmay ketgan Huri opamni o'ylab qoldim... "Itimniyam ravo ko'rmayman", – degan edi-ku, yolg'onchi Huri opa...

Kunlarning birida Yodgor akam bilan uyimizni izlab yana yo'lga otlana boshladik.

– Bu oxirgisi, – dedi Yodgor akam bir menga, bir kampirga qarab, – biz bormagan mahalla, biz ko'rmagan hovuz qolmadi hisob shaharda. Endi "oyimlab" yurakni ezaverma, bola. Endi sening otang ham, onang ham men bo'laman, uqdingmi?

– Hooo... yoqmay ketsin, ekmay-tikmay-a...– baqirib berdi kampir. – Xudo o'zingga bersin, ko'p vaysama.

– Eee... men cho'loqqa kimam qizini berardi, ena?..

– O'chir ovozingni, bitta senmi cho'loq?

Bu safar ana shunaqa mashmasha bilan ko'chaga chiqdik. Tollar barg yoza boshlagan, yoqimli shamol esadi. Osmonda varraklar. Bir daraxt rosayam oppoq bo'lib gullabdi. Xuddi qor yoqqanga o'xshaydi. Shoxlari paxsa devordan oshib ko'chagacha chiqqan. Gulini ari talab yotibdi. Men ancha orqada qolib ketgan Yodgor akamni kutib, uni tomosha qilardim. Yodgor akam yog'och oyog'ini g'ijirlatib yetib kelishlari bilan yana chopa ketdim. Endi meni tomlarda varrak uchirayotgan bolalar qiziqtirib qoldi. Bolalar varraklari uchmay qolsa tomda turib: "Shamool, xotiningni o'g'ri olib ketdi, bolta-teshangni olib yuguur", – deb baqirishadi. Shamol eshitsa kerak-da, g'uvullab qoladi. Men shamolning ovozi eshitaman. Pastlab borayotgan varraklarning dumlari biltanglab birdan balandlab ketadi...

– Mengayam varrak yasab bering, – deb Yodgor akamning oyog'ini quchoqlayman.

– Bo'пти, uyga qaytaylik, kaaatasidan yasab beraman, – deydi Yodgor akam osmonni ko'rsatib, – ko'ryapsanmi, hov anovi dardarakligidan.

Ko'zim judayam balandda, bir joyda qimir etmay turgan varrakka

ракка тушади. Суюнганимдан икки ёнимга шапатилаб Ёдгор акамнинг атрофида айланаман. Қорним очади. Ёдгор акам кўйнидан нон олиб беради. Чанқайман. Ёдгор акам ариқдан ҳовучида сув олиб ичиради. Ўзиям ичади. Чарчаб, яна уйимизни тополмай орқага қайтамиз. Ҳовлига ҳам етиб келдик. Ёдгор акам дарвозани ёпа туриб биров чақиргандек кўчага қараб кўйди. Мен бўлсам тезроқ уйга кирсалар-у, варрак ясаб берсалар, дейман.

Уйда кампир йўқ. Сандалдан дамлоғлиқ чойни олиб, суви қочган нон тўрғамлари билан қорин тўқладик. Ёдгор акам намозини ўқиб олди. Кейин варрак яашга киришдик. Варрагимиз битганда кун ботган эди.

Кампир борган жойидан ош, қовурилган чучвара, яна анчамунча нарсалар кўтариб келди. Шом намозидан кейин қора чироқни ёқиб, овқатлана бошладик.

– Ҳа, энди бўлдимиз, санғиб, кўча санаб бўлдиларингми? – деди кампир.

– Йўқ, – деб Ёдгор акам бош чайқаб кўйди, – эртага яна санғиймиз. Бугун бир шарпани сезиб қолдим, эна. Шу... битта паранжили хотин бизни қора олиб, орқамиздан юрди, юрди... Яқин келармикан, деб кутдим, келмади. Орқам-орқа ҳовлимизгача келдиёв... Бегона хотинга бир нима дейиш ноқулай бўлди, эна. Бир гап борга ўхшайди. Эртага ҳам бир айланайлик-чи...

Бу гапни эшитиб кампир хушёр тортди. Кейин Ёдгор акамни пишиқлади:

– Ҳай бола, лаллайма, билиб кўй, бу болага бош-оёқ сарупо, бир кўтон кўй ваъда қилиб туришибди-я. Бўлмаса мен у дунё-ю бу дунё қараганларимга рози бўлмайман-а... Бир халта гўштни одам қилдим-а!

– Хўп, эна, биламан. Боланинг олдида ҳадеб шунақа деяверманг. Паранжисидан маҳкам ушлайманда, олдингизга бошлаб келаман... Узингиз савдолашаверасиз.

Ёдгор акам айтган паранжили хотинни ўйлаб ётдим. Бирдан менга дўппи кийдирган анави хотинни эсладим. Ёдгор акам айтаётган хотин ўша... Ўша... Билдим, у мени кўчадан нари олиб қочиб кетмоқчи бўлган. Ёдгор акамдан кўрққан...

Эртасига яна таниш, нотаниш кўчаларда кезиб юрамиз. Олдимиздан паранжили, бошига чопон, ятак ташлаган хотинлар чиқади. Офтоб кечагидан қиздирыпти. Пахталигимни ечиб, битта кўйлақда қолиб яйрайман. Олдинга тушиб, Ёдгор акамни орқада қолдириб чопаман. Шу пайт биров кўлимдан маҳкам ушлаб олди. Қарасам, паранжили хотин. Кўрқиб кетдим. У мени дарвозахонага қараб тортди. Ёдгор акамни кўздан йўқотиб, додлаб юбор-



tushadi. Suyunganimdan ikki yonimga shapatilab Yodgor akamning atrofida aylanaman. Qornim ochadi. Yodgor akam qo'ynidan non olib beradi. Chanqayman. Yodgor akam ariqdan hovuchida suv olib ichiradi. O'ziyam ichadi. Charchab, yana uyimizni topolmay orqaga qaytamiz. Hovliga ham yetib keldik. Yodgor akam darvozani yopa turib birov chaqirgandek ko'chaga qarab qo'ydi. Men bo'lsam tezroq uyga kirsalar-u, varrak yasab bersalar, deyman.

Uyda kampir yo'q. Sandaldan damlog'liq choyni olib, suvi qochgan non to'rg'amlari bilan qorin to'qladik. Yodgor akam namozini o'qib oldi. Keyin varrak yasashga kirishdik. Varragimiz bitganda kun botgan edi.

Kampir borgan joyidan osh, qovurilgan chuchvara, yana ancha-muncha narsalar ko'tarib keldi. Shom namozidan keyin qora chiroqni yoqib, ovqatlana boshladik.

– Ha, endi bo'ldimi, sang'ib, ko'cha sanab bo'ldilaringmi? – dedi kampir.

– Yo'q, – deb Yodgor akam bosh chayqab qo'ydi, – ertaga yana sang'iyimiz. Bugun bir sharpani sezib qoldim, ena. Shu... bitta paranjili xotin bizni qora olib, orqamizdan yurdi, yurdi... Yaqin kelarmikan, deb kutdim, kelmadi. Orqama-orqa hovlimizgacha keldiyov... Begona xotinga bir nima deyish noqulay bo'ldi, ena. Bir gap borgan o'xshaydi. Ertaga ham bir aylanaylik-chi...

Bu gapni eshitib kampir hushyor tortdi. Keyin Yodgor akamni pishiqladi:

– Hay bola, lallayma, bilib qo'y, bu bolaga bosh-oyoq sarupo, bir qo'ton qo'y va'da qilib turishibdi-ya. Bo'lmasa men u dunyo-yu bu dunyo qaraganlarimga rozi bo'lmayman-a... Bir xalta go'shtni odam qildim-a!

– Xo'p, ena, bilaman. Bolaning oldida hadeb shunaqa deyavermang. Paranjisidan mahkam ushlaymanda, oldingizga boshlab kelaman... O'zingiz savdolashaverasiz.

Yodgor akam aytgan paranjili xotinni o'ylab yotdim. Birdan menga do'ppi kiydirgan anavi xotinni esladim. Yodgor akam aytayotgan xotin o'sha... O'sha... Bildim, u meni ko'chadan nari olib qochib ketmoqchi bo'lgan. Yodgor akamdan qo'rqan...

Ertasiga yana tanish, notanish ko'chalarda kezib yuramiz. Oldimizdan paranjili, boshiga chopon, yaktak tashlagan xotinlar chiqadi. Oftob kechagidan qizdiryapti. Paxtaligimni yechib, bitta ko'ylakda qolib yayrayman. Oldinga tushib, Yodgor akamni orqada qoldirib chopaman. Shu payt birov qo'limdan mahkam ushlab oldi. Qarasam, paranjili xotin. Qo'rqib ketdim. U meni darvozaxonaga qarab tortdi. Yodgor akamni ko'zdan yo'qotib, dodlab yubordim.

дим. Шу пайт таниш овоздан нафасим ичимга тушди. Ҳури опа! Соғиниб бўйнига осилдим. “Нимага келмаяпсиз?” “Жим”, – деди Ҳури опам қулоғимга шивирлаб. Наридан Ёдгор акамнинг ёғоч оёғи ғижирлаб эшитилди. Ҳури опам икковимиз дарвозахонага тикилиб олдик. Мен чачвон ичида ҳамма ёқни кўриб турардим. Ёдгор акам шошиб-шошиб келдилар-у, бизни кўрмай ўтиб кета бошладилар.

– Ёдгор ака!

Ёдгор акам биз томонга қаради-ю:

– А? – деганча турган жойида қотиб қолди. Чачвоннинг тагидан бошимни чиқариб, ишшайдим. Шу тобда мендан бахтиёрроқ одам йўқ эди. Бир ёнимда Ҳури опам, бир ёнимда Ёдгор акам. Ёдгор акам у ёқ-бу ёққа аланглаб, елкалари тушиб қараб турарди. Ҳури опам бўлса нимагадир пиқиллаб йиғларди.

– Мени маъзур тутасиз, опа, кимсиз? – деди Ёдгор акам.

– Ҳуриман...

– Ҳури?!.

Ҳури опамни нимага танимаяпсиз дегандек чимматни кўтармоқчи бўлдим. Ҳури опам бунга йўл кўймади. Ёдгор акам ёғоч оёғини ғижирлатиб дарвозахона супчасига ўтириб қолди.

– Кеча орқамиздан юрган сенмидинг, Ҳури?

– Менидим...

– Бу нима юриш, Ҳури?

– Бу дунёдан тўйиб кетдим, сизнинг бўлса парвойингиз па-лак...

– Э, кўйэ-э-э... Ким сени хафа қилди, ким?

– “Кўғирчоқ” одам!

– “Кўғирчоқ” одам? У ким бўлди яна?

– Сиз!

– Мен?

Ҳури опам хўнграб йиглаб юборди. Кўчадан ўтиб бораётганлар қарай бошлашди.

– Ўзингни бос, Ҳури, одамлар қараяпти. Кейин, бировнинг дарвозахонаси...

– Энди менга барибир...

Ёдгор акам ерга қараб жим бўлиб қолди. Жимликни Ҳури опамнинг ўзи бузди:

– Ёдгор ака.

– Ҳа, Ҳури?

– Ўйлайвериш қон бўлиб кетдим, қон. Оғзингиздаги тайёр ошни бировга олдириб ўтирибсиз-а. Ҳе, сатқайи эркак кетинг... Ҳалиям кечмас, мени бу ерлардан узоқроққа олиб кетинг, Ёдгор ака...



Shu payt tanish ovozdanda nafasim ichimga tushdi. Huri opa! Sog'inib bo'yniga osildim. "Nimaga kelmayapsiz?" "Jim", – dedi Huri opam qulog'imga shivirlab. Naridan Yodgor akamning yog'och oyog'i g'ijirlab eshitildi. Huri opam ikkovimiz darvozaxonaga tiqilib oldik. Men chachvon ichida hamma yoqni ko'rib turardim. Yodgor akam shoshib-shoshib keldilar-u, bizni ko'rmay o'tib keta boshladilar.

– Yodgor aka!

Yodgor akam biz tomonga qaradi-yu:

– A? – degancha turgan joyida qotib qoldi. Chachvonning tagidan boshimni chiqarib ishshaydim. Shu tobda mendan baxtiyorroq odam yo'q edi. Bir yonimda Huri opam, bir yonimda Yodgor akam. Yodgor akam u yoq-bu yoqqa alanglab, yelkalari tushib qarab turardi. Huri opam bo'lsa nimagadir piqillab yig'lardi.

– Meni ma'zur tutasiz, opa, kimsiz? – dedi Yodgor akam.

– Huriman...

– Huri?!.

Huri opamni nimaga tanimayapsiz degandek chimmatni ko'tarmoqchi bo'ldim. Huri opam bunga yo'l qo'ymadi. Yodgor akam yog'och oyog'ini g'ijirlatib darvozaxona supachasiga o'tirib qoldi.

– Kecha orqamizdan yurgan senmiding, Huri?

– Menidim...

– Bu nima yurish, Huri?

– Bu dunyodan to'yib ketdim, sizning bo'lsa parvoyingiz palak...

– E, qo'yeee... kim seni xafa qildi, kim?

– "Qo'g'irchoq" odam!

– "Qo'g'irchoq" odam? U kim bo'ldi yana?

– Siz!

– Men?

Huri opam ho'ngrab yig'lab yubordi. Ko'chadan o'tib borayotganlar qaray boshlashdi.

– O'zingni bos, Huri, odamlar qarayapti. Keyin, birovning darvozaxonasi...

– Endi menga baribir...

Yodgor akam yerga qarab jim bo'lib qoldi. Jimlikni Huri opamning o'zi buzdi:

– Yodgor aka.

– Ha, Huri?

– O'ylayverib qon bo'lib ketdim, qon. Og'zingizdagi tayyor oshni birovga oldirib o'tiribsiz-a. He, satqayi erkak keting... Haliyam kechmas, meni bu yerlardan uzoqroqqa olib keting, Yodgor aka...

- А, “кўғирчоқ” одам билан-а... Кетасанми?
 – Сиз билан ернинг тагига бўлсаям кетаман, Ёдгор ака... Фақат темир томгамас...
 – Хўп, Ҳури, хўп... Уч-тўрт кун сабр қил, жоним.
 – Худо битта, йигит сўзиям битта-а, Ёдгор ака? – зорланди Ҳури опам.
 – Ҳа, Ҳури, ҳа... Лекин боланинг олдида бекор бўлди-да шу гаплар, Ҳури.
 – Бу бола “кўғирчоқ” боламас, бировга айтмайди, кетсак, учаламиз бирга кетамиз, – деб Ҳури опа менга “ярқ” этиб қаради. Мен Ҳури опамни маҳкам қучоқлаб олдим.
 – Кўғирчоқ боламасман, дегин, шириним, – деб Ҳури опам юзини юзимга босди.
 – Кўғирчоқ боламасман...
 Ҳури опам мени бағридан бўшатди.

* * *

Ёдгор акам билан уйга қайтиб, томда варрак учирдик. Улар хурсанд, қўшиқ айтарди. Осмонга қарайвериб чарчадим. Ёдгор акам варракни ёғоч оёғига боғлаб қўйиб, бошқа ўйин топди. Томда лолақизғалдоқлар очилган, очилмагани қанча. Ёдгор акам битта ғунчани узиб олиб:

- Қизми, ўғил? – деди.
 – Ўғил, – дедим. Ғунчани очди. Ичи қизил чиқди.
 – Э-э-э, тополмадинг, қиз экан.
 Кейин яна бошқасини узиб сўради:
 – Қизми, ўғил?
 – Қиз, – дедим шошиб. Буниси оқ чиқди.
 – Яна тополмадинг, ўғил экан, – деди кулиб.
 Шу пайт ёмғир ёғиб берди. Вой, маза... Ёдгор акам шошиб варракни соға бошлади. Бирпасда шалаббо бўлдик. Варракдан ҳам ажрадик. Кампир келиб қолиб икковимизниям қарғаб солди. Ёдгор акамнинг ёғоч оёғи томни ўйиб юбораркан. Кейин чакка ўтаркан. Сўкиш эшитсак ҳам барибир хурсанд эдик.
 Кунлардан бир кун Ҳури опам айтган иш бўлди. Буни мен Ёдгор акамнинг ишга кетиб, келмай қўйганидан, Ҳури опамнинг ойиси кампир билан юмма талашганидан билдим. Менга алам қилди. Олиб кетамиз, деб мени олиб кетишмади-да. Ёлғончилар. Хотинлар мениям сўроқ қилишди:
 – Ёдгор аканг қаёққа кетди, биласанми?



- A, “qo'g'irchoq” odam bilan-a... Ketasanmi?
- Siz bilan yerning tagiga bo'lsayam ketaman, Yodgor aka... Faqat temir tomgamas...
- Xo'p, Huri, xo'p... Uch-to'rt kun sabr qil, jonim.
- Xudo bitta, yigit so'ziyam bitta-a, Yodgor aka? – zorlandi Huri opam.
- Ha, Huri, ha... Lekin bolaning oldida bekor bo'ldi-da shu gaplar, Huri.
- Bu bola “qo'g'irchoq” bolamas, birovga aytmaydi, ketsak, uchalamiz birga ketamiz, – deb Huri opa menga “yarq” etib qaradi. Men Huri opamni mahkam quchoqlab oldim.
- Qo'g'irchoq bolamasman, degin, shirinim, – deb Huri opam yuzini yuzimga bosdi.
- Qo'g'irchoq bolamasman...
- Xuri opam meni bag'ridan bo'shatdi.

* * *

Yodgor akam bilan uyga qaytib, tomda varrak uchirdik. Ular xursand, qo'shiq aytardi. Osmonga qarayverib charchadim. Yodgor akam varrakni yog'och oyog'iga bog'lab qo'yib, boshqa o'yin topdi. Tomda lolaqizg'aldoqlar ochilgan, ochilmagani qancha. Yodgor akam bitta g'unchani uzib olib:

- Qizmi, o'g'il? – dedi.
- O'g'il, – dedim. G'unchani ochdi. Ichi qizil chiqdi.
- Eee, topolmading, qiz ekan.
- Keyin yana boshqasini uzib so'radi:
- Qizmi, o'g'il?
- Qiz, – dedim shoshib. Bunisi oq chiqdi.
- Yana topolmading, o'g'il ekan, – dedi kulib.

Shu payt yomg'ir yog'ib berdi. Voy, maza... Yodgor akam shoshib varrakni sog'a boshladi. Birpasda shalabbo bo'ldik. Varrakdan ham ajradik. Kampir kelib qolib ikkovimizniyam qarg'ab soldi. Yodgor akamning yog'och oyog'i tomni o'yib yuborarkan. Keyin chakka o'tarkan. So'kish eshitsak ham baribir xursand edik.

Kunlardan bir kun Huri opam aytgan ish bo'ldi. Buni men Yodgor akamning ishga ketib, kelmay qo'yganidan, Huri opamning oyisi kampir bilan yumma talashganidan bildim. Menga alam qildi. Olib ketamiz, deb meni olib ketishmadi-da. Yolg'onchilar. Xotinlar meniyam so'roq qilishdi:

- Yodgor akang qayoqqa ketdi, bilasanmi?

- Мен қўғирчоқ боламасман.
- Ҳури билан иккови кетишдими-а?
- Мен қўғирчоқ боламасман.

– Э, даф бўл-э, нима деяверади бу, – деб Ҳури опамнинг ойиси бошимга бир муштлади. Жанжалнинг каттаси кечқурун бўлди. Ҳури опамнинг ойиси иккита эркакни бошлаб келди. Биз энди ухламоқчи бўлиб тургандик.

– Мана, – деди Ҳури опамнинг ойиси кампирни кўрсатиб, – қизимни йўлдан уриб, чўлоқ, маймоқ невараси билан қочириб юборган шунинг ўзи! Бунинг жодугарлигини мен қаердан билай? Қайси гўрга қочирганини фақат шу билади.

Кампир Худони, Қуръонни, авлиёларни ўртага қўйиб қасам ичди.

– Йўқол, – деб бақирди эркакларнинг бири Ҳури опамнинг ойисига. – Сенам йўқол, ҳароми, – деб менгаям бақирди.

Ҳури опамнинг ойиси шу чиққанича қарғаниб ҳовлидан чиқиб кетди. Мен айвонда қолдим. Ичкарида кампирнинг йиғлаб ялинганлари, эркакларнинг сўкинганлари эшитилди. Анчадан кейин иккала эркак сўкина-сўкина уйдан чиқиб кетди. Очиқ қолган дарвозани орқаларидан бориб беркитдим. Занжирини сола олмадим. Бўйим етмади. Ичкарига кирдим. Лампа чироқ шишасини қорайтириб лопилларди. Кампир хонанинг ўртасида чўзилиб ётарди. Тепасига бордим.

– Эна... Эна, туринг... Эн-а-а-а...

Кампир индамади. Кўрпа-тўшаклар тахмондан ағдарилган, ҳар ёққа сочилган... Битта ёстиқни олиб кампирнинг бошига қўйдим. Битта кўрпани устига тортдим. Лопиллаб ёнаётган чироқни ўчириб, ўзим ҳам кампирнинг ёнига кирдим. Ёдгор акам кетиб қолгандан бери кампир билан ётардим. Кампир ҳар куни уйқу олдидан менга тайинларди: “Ўнг томонингга босиб ёт. Мен ўргатган “Алҳамду” билан “Қулҳу”ни ўқи. Ёмон тушлар кўрмайсан, Жаннатларда юрасан, болам.”

Қанча ухлаганимни билмайман. Уйғониб кетдим.

– Сув... сув... сув... – Хонани шу овоз тутган эди.

Кампир сув сўрарди. Устимдаги кўрпани нари суриб, нима қилишни билмай туриб қолдим. Хона қоронғи, чор атрофда йилт этган ёруғлик йўқ.

– Сув...

Бирдан хона ичи кўзимга ёришгандек бўлди. Обрез ёнида хамиша ёғоч коса билан бир пақирда сув туради. Ёдгор акам чанқасалар, косани тўлатиб ичиб, маза деб бош чайқаб қўярди.

– Men qo'g'irchoq bolamasman.

– Huri bilan ikkovi ketishdimi-a?

– Men qo'g'irchoq bolamasman.

– E, daf bo'l-e, nima deyaveradi bu, – deb Huri opamning oyisi boshimga bir mushtladi. Janjalning kattasi kechqurun bo'ldi. Huri opamning oyisi ikkita erkakni boshlab keldi. Biz endi uxlamochi bo'lib turgandik.

– Mana, – dedi Huri opamning oyisi kampirni ko'rsatib, – qizimni yo'ldan urib, cho'loq, maymoq nevarasi bilan qochirib yuborgan shuning o'zi! Buning jodugarligini men qayerdan bilay? Qaysi go'rga qochirganini faqat shu biladi.

Kampir Xudoni, Qur'onni, avliyolarni o'rtaga qo'yib qasam ichdi.

– Yo'qol, – deb baqirdi erkaklarning biri Huri opamning oyisiga. – Senam yo'qol, haromi, – deb mengayam baqirdi.

Huri opamning oyisi shu chiqqanicha qarg'ani hovlidan chiqib ketdi. Men ayvonda qoldim. Ichkarida kampiring yig'lab yalinganlari, erkaklarning so'kinganlari eshitildi. Anchadan keyin ikkala erkak so'kina-so'kina uydan chiqib ketdi. Ochiq qolgan darvozani orqalaridan borib berkitdim. Zanjirini sola olmadim. Bo'yim yetmadi. Ichkariga kirdim. Lampa chiroq shishasini qoraytirib lopillardi. Kampir xonaning o'rtasida cho'zilib yotardi. Tepasiga bordim.

– Ena... Ena, turing... Enaaa...

Kampir indamadi. Ko'rpa-to'shaklar taxmondan ag'darilgan, har yoqqa sochilgan... Bitta yostiqni olib kampirning boshiga qo'ydim. Bitta ko'rpani ustiga tortdim. Lopillab yonayotgan chiroqni o'chirib, o'zim ham kampirning yoniga kirdim. Yodgor akam ketib qolgandan beri kampir bilan yotardim. Kampir har kuni uyqu oldidan menga tayinlardi: "O'ng tomoningga bosib yot. Men o'rgatgan "Alhamdu" bilan "Qulhu"ni o'qi. Yomon tushlar ko'rmaysan, Jannatlarda yurasan, bolam."

Qancha uxlaganimni bilmayman. Uyg'onib ketdim.

– Suv... suv... suv... – Xonani shu ovoz tutgan edi.

Kampir suv so'rardi. Ustimdagi ko'rpani nari surib, nima qilishni bilmay turib qoldim. Xona qorong'i, chor atrofda yilt etgan yorug'lik yo'q.

– Suv...

Birdan xona ichi ko'zimga yorishgandek bo'ldi. Obrez yonida hamisha yog'och kosa bilan bir paqirda suv turadi. Yodgor akam chanqasalar, kosani to'latib ichib, maza deb bosh chayqab qo'yardi.

Кампир мени пақирга йўлатмасди. Тусмоллаб бориб, пақирни топиб олдим. Ёғоч косани ҳам. Қопқоқни нари сураман деб, обрезга тарақлатиб тушириб юбордим. Сувни ағдариб юбордимми деб қўрқиб кетдим. Йўқ, пақир жойида турган экан. Косани сувга ботириб, секин орқамга қайтдим.

– Мана, эна, сув обкелдим, сув...

Бу ишни уддалаб келганимга ўзимдан ўзим хурсанд эдим. Кампир бошини кўтармади. Косани секин оғзига олиб бордим. Кампир сувни ичаман деб тўкиб юборди. Кейин жимиб қолди...

Эрта билан мени қўшни хотин уйғотди. У тез-тез касал бўлиб турар, саҳарлаб кампирга дам солдиргани чиқарди. У мени ҳовлига олиб чиқди.

– Мана обдаста, болам, бет-қўлингни юв... – Бирдан у йиғлаб берди. – Энанг бечора ўли-и-и-б қопти, болам... Мен ҳозир келаман... сен қўрқмай ўтир, хўпми?

* * *

Ҳовли паранжили, ёпинчиқли хотинларга тўлди. Офтоб чарақлаб чиқиб келди. Бир хотин кўлимга нон тутқазди. Очиққан эдим. Бир амаки келиб белимга қийиқча боғлаб, ташқарига етаклади.

– Юр, жиян...

Дарвоза олдида кишилар йиғилди. Улар уруш ҳақида, Ёдгор акам ҳақида гапиришди. Ёдгор акамни яхши деб гапиришмади. Нонкўр дейишди.

Офтоб тепага келиб қолганда тобут кўтарилди. Тобутга кампирнинг паранжисини ёпишибди. Кўриб, танидим. Белимга белбоғ боғлаган амакининг кўлидан ушлаб, тобут олдида бордим. Кўп юрмадик. Қабристонга кирдик. Қабристонда лолақизғалдоқлар роса очилган экан... Кампирни ўша лолақизғалдоқлар ичига кўмиб, қайтдик.

Кишилар бирин-сирин тарқаб кетди. Дарвоза тагида бояги амаки икковимиз қолдик. У дамо-дам тамаки чекарди. Қўшни хотин мени ичкарига имлаб, овқат берди. Ҳовлида кечгача йиғисиғи бўлди. Офтоб уйлар орқасига ўтиб, салқин тушди... Мен энди уйда эрталабки қўшни хотин билан ётдим.

Амаки эртасиям, ундан кейин ҳам келди. Ёдгор акамдан кейин топиб олган кишим шу эди. Ёдгор акамнинг ўртоғи бўлсалар керак, деб ўйладим.

Амаки ҳовлидаги хотинлар билан мен тўғримда узоқ гаплашгандан кейин уйига олиб кетадиган бўлди. Йўлга тушдик... Хаёлим-



Kampir meni paqirga yo'latmasdi. Tasmollab borib, paqirni topib oldim. Yog'och kosani ham. Qopqoqni nari suraman deb, obrezga taraqlatib tushirib yubordim. Suvni ag'darib yubordimmi deb qo'rqib ketdim. Yo'q, paqir joyida turgan ekan. Kosani suvga botirib, sekin orqamga qaytdim.

– Mana, ena, suv obkeldim, suv...

Bu ishini uddalab kelganimga o'zimdan o'zim xursand edim. Kampir boshini ko'tarmadi. Kosani sekin og'ziga olib bordim. Kampir suvni ichaman deb to'kib yubordi. Keyin jimib qoldi...

Erta bilan meni qo'shni xotin uyg'otdi. U tez-tez kasal bo'lib turar, saharlab kampirga dam soldirgani chiqardi. U meni hovliga olib chiqdi.

– Mana obdasta, bolam, bet-qo'lingni yuv... – Birdan u yig'lab berdi. – Enang bechora o'liib qopti, bolam... Men hozir kelaman... sen qo'rqmay o'tir, xo'pmi?

* * *

Hovli paranjili, yopinchiqli xotinlarga to'ldi. Oftob charaqlab chiqib keldi. Bir xotin qo'limga non tutqazdi. Ochiqqan edim. Bir amaki kelib belimga qiyiqcha bog'lab, tashqariga yetakladi.

– Yur, jiyan...

Darvoza oldiga kishilar yig'ildi. Ular urush haqida, Yodgor akam haqida gapirishdi. Yodgor akamni yaxshi deb gapirishmadi. Nonko'r deyishdi.

Oftob tepaga kelib qolganda tobut ko'tarildi. Tobutga kampirning paranjisini yopishibdi. Ko'rib, tanidim. Belimga belbog' bog'lagan amakining qo'lidan ushlab, tobut oldida bordim. Ko'p yurmadik. Qabristonga kirdik. Qabristonda lolaqizg'aldoqlar rosa ochilgan ekan... Kampirni o'sha lolaqizg'aldoqlar ichiga ko'mib, qaytdik.

Kishilar birin-sirin tarqab ketdi. Darvoza tagida boyagi amaki ikkovimiz qoldik. U damo-dam tamaki chekardi. Qo'shni xotin meni ichkariga imlab, ovqat berdi. Hovlida kechgacha yig'i-sig'i bo'ldi. Oftob uylar orqasiga o'tib, salqin tushdi... Men endi uyda ertalabki qo'shni xotin bilan yotdim.

Amaki ertasiyam, undan keyin ham keldi. Yodgor akamdan keyin topib olgan kishim shu edi. Yodgor akamning o'rtog'i bo'lsalar kerak, deb o'yladim.

Amaki hovlidagi xotinlar bilan men to'g'rimda uzoq gaplashgandan keyin uyiga olib ketadigan bo'ldi. Yo'lga tushdik... Xayolimda bu amaki

да бу амаки мени Ёдгор акам билан Ҳури опамнинг олдига олиб борарди. Олдига тушиб, чопиб бораман...

* * *

Хаёл... Хаёл қизиқ экан-да... Ёнгинамдан ёғоч оёғини ёғирлатиб, сал нарида қаймоқ танлаётган Ёдгор акамга қараб бир зумда шуларни эсладим. Ёдгор акам! Ҳа, ҳа, худди ўзи. Ўзи бўлмай яна ким? Мени олиб кетаман деб олиб кетмаган ёлғончи Ёдгор акам! Шаҳдам бориб, атайлаб орқасидан маҳкам кучдим.

– Ёдгор ака!..

У менга ўгирилиб жилмайди. Йўғ-е... Кўз олдимда қозоқ-башара, кўзлари қийиқ бир одам турарди.

– Ўй б-ў-ў-й, ширақ... кўкенга қушайманми-а? – деб у хахолаб кулди.

Уялиблар кетдим. Бошқа одам экан... Ёдгор акам билан Ҳури опамни топиб олдим деб ич-ичимдан суюниб турган эдим... Баттар эзилиб кетдим.

Яхши амакини кута-кута истар-истамай уйга қайтдим. Тезроқ қайтмасам бир бурда куюк нондан ҳам, қозон таги қирмочдан ҳам қуруқ қоламан. Аячам оч қўйиб қийнашни яхши кўради.

Яхши амакини гузарда бошқа учратмадим. Тонг саҳарлаб қаймоқ кўтариб, гузарга чопишнинг ҳам қизиғи қолмади. Дадам суддан бўшамай қолди. Довул учуриб кетган буғдой учун жавоб берарди. Ҳовлига тахлаб қўйилган ёғочлар, уюм-уюм дориларни чўлга ташиб кета бошлашди. Аячам келганлар билан жанжаллашар, олиб кетганларига ҳужжат-қоғоз сўрарди. Аячам нуқул Мужгон опа билан Трамбай отани қарғарди. “Ўшалар гумдон қилишган буғдойни, балога менинг эрим қолиб ўрибди”. Билишимча, Мужгон опа билан Трамбай отани қўйиб юборишибди. Бунга суюндим. Уларнинг ўрнига дадамни қамашибди. Бу уйда мени ушлаб турадиган ҳеч ким қолмади.

Кетишни ўйлаган сари юрагим орқага тортади. Қаёққа бораман? Бир кўнглим китоб-дафтаримни олиб Гўлахнинг олдига борсамми, дедим. Унда ҳар доим бир бурда нон топилади. Ҳаммомнинг ўчоғи иккита. Бири ёқилса, бири ёқилмайди. Гўлах кечаси ёқилмаганига кириб ухлайди. Гўлах ўқишни, ёзишни жудаям хоҳлайди. Фақат унга ҳеч ким ўргатмайди. Мана мен ўргатаман энди... Бу режаларим шунчаки хомхаёл эканини билмайман.

Бир куни Тўхтасин икковимиз ўқишдан қочиш қилиб, уларникига бориб, зиёфат устидан чиқдик. Тўхтасиннинг узоқда ту-

meni Yodgor akam bilan Huri opamning oldiga olib borardi. Oldiga tushib, chopib boraman...

* * *

Xayol... Xayol qiziq ekan-da... Yonginamdan yog'och oyog'ini g'ijirlatib, sal narida qaymoq tanlayotgan Yodgor akamga qarab bir zumda shularni esladim. Yodgor akam! Ha, ha, xuddi o'zi. O'zi bo'lmay yana kim? Meni olib ketaman deb olib ketmagan yolg'onchi Yodgor akam! Shaxdam borib, ataylab orqasidan mahkam quchdim.

– Yodgor aka!..

U menga o'girilib jilmaydi. Yo'g'-e... Ko'z oldimda qozoqbashara, ko'zlari qiyiq bir odam turardi.

– O'y bo'oy, shiraq... ko'kengga qushaymanmi-a? – deb u xaxolab kuldi.

Uyaliblar ketdim. Boshqa odam ekan... Yodgor akam bilan Huri opamni topib oldim deb ich-ichimdan suyunib turgan edim... Battar ezilib ketdim.

Yaxshi amakini kuta-kuta istar-istamay uyga qaytdim. Tezroq qaytmasam bir burda kuyuk nondan ham, qozon tagi qirmochdan ham quruq qolaman. Ayacham och qo'yib qiynashni yaxshi ko'radi.

Yaxshi amakini guzarda boshqa uchratmadim. Tong saharlab qaymoq ko'tarib, guzarga chopishning ham qizig'i qolmadi. Dadam suddan bo'shamay qoldi. Dovul uchirib ketgan bug'doy uchun javob berardi. Hovliga taxlab qo'yilgan yog'ochlar, uyum-uyum dorilarni cho'lga tashib keta boshlashdi. Ayacham kelganlar bilan janjallashar, olib ketganlariga hujjat-qog'oz so'rardi. Ayacham nuqul Mujgon opa bilan Trambay otani qarg'ardi. "O'shalar gumdon qilishgan bug'doyni, baloga mening erim qolib o'ribdi". Bilishimcha, Mujgon opa bilan Trambay otani qo'yib yuborishibdi. Bunga suyundim. Ularning o'rniga dadamni qamashibdi. Bu uyda meni ushlab turadigan hech kim qolmadi.

Ketishni o'ylagan sari yuragim orqaga tortadi. Qayoqqa boraman? Bir ko'nglim kitob-daftarimni olib Go'laxning oldiga borsammi, dedim. Unda har doim bir burda non topiladi. Hammomning o'chog'i ikkita. Biri yoqilsa, biri yoqilmaydi. Go'lax kechasi yoqilmaganiga kirib uxlaydi. Go'lax o'qishni, yozishni judayam xohlaydi. Faqat unga hech kim o'rgatmaydi. Mana men o'rgataman endi... Bu rejalarim shunchaki xomxayol ekanini bilmayman.

Bir kuni To'xtasin ikkovimiz o'qishdan qochish qilib, ularnikiga borib, ziyofat ustidan chiqdik. To'xtasinning uzoqda

радиган холаси меҳмон бўлиб келган, ойиси ош дамлаган экан. Қўлимизни ювиб, дастурхон чеккасига ўтира қолдик. Ол, ол билан ош еяпмизу, ойиси Тўхтасиндан нолийди:

– Холаси, бу жиянинг билан бир гаплашиб қўймасанг бўлмайди. Ўқишниям ёлчитмаяпти. Ҳозирам қочиб келиб ўтирибди.

– Жа сизга, – деб жириллади Тўхтасин, – устоз касал бўлиб қолди.

– Дард-е, бунинг устози қачон қарама касал, шунақаи? – деб ойиси менга қаради.

Мен ерга қарадим. Тўхтасинни ёлғончи қилгим ҳам, ойисини алдагим ҳам келмади.

– Манови бола бўладиган бола, – деди ойиси мени кўрсатиб. Кейин пиёлага чой қуйиб меҳмонга узатар экан, – ол, жигарим, катта-катта ол, болага сут бўлади, евол, – деди.

– Оляпман, опа, оғзимга роса татиди-да, азалдан қўлингиз ширин ўзи... – Меҳмон босиклик билан гапиради. Тўхтасиннинг ойисига ўхшаб вағир-вуғир қилмайди. Ё касалдан турган, ё бошида бир ташвиши борга ўхшарди.

– Шугина бола, – деб яна мени мақташга тушди Тўхтасиннинг ойиси, – уйида она-болали сигир, иккита сўқим боқади. Вой, бунинг елкаси арчилик обкашда сув ташиганлари... Вой, бу бола бечоранинг югур-югурлари, бутун маҳалла билади-я. Шунга яраша қорниям бундоқ тўйи-и-и-б юрсайкан шўрликнинг... Йў-ў-ў-қ, эшакнинг кучи ҳалол-у, ўзи ҳаром. – Тўхтасин менга қараб кулиб қўяди. – Ол, болам, олавер, ўртоғингга ишшайиш бўлса ҳажиқизга ўхшаб... Бу гапдан Тўхтасин тўмсайиб, тескари қараб олади. – Ҳақ тегмай кетсин, гадой аразласа тўрвасига зиён, сен олавер, болам, етимнинг етгита қорни бўларкан, ҳаммаси тўйсаям, биттаси бўш тураркан, ол...

– Во-й-й-й... етимчами ҳали бу бола, опа? – оғзидаги оши билан қалқиб кетди меҳмон. Кўзлари ёшланиб менга қаради:

– Айнанайин-а...

– Машойихлар бекорга айтмаган: “Ота етим – шум етим, она етим – гул етим”, деб, жигарим. Сен шукур қил, болаларинг бағрингда. Бир кун йиғлаб-сиқтаб катта қиволасан. Бу боланинг иши қийин...

– Шундоқку-я... лекин ўзимдан ўтганини ўзим биламан, опа... Қайнатам анови телба-тескари қайнимга тегасан, деб қўймапти, бўлмаса уйни бўшат, деяпти...

– Вой-й-й, ҳалиям ўша-ўшами қайнинг?

– Ўша бўлмай нима, жинни қачон соғайган...

Меҳмон енгини ёшли кўзига босди... Уларнинг шу туришлари ҳозир менга Ҳури опамни, Ўлмас холамни (улар ҳақидаги ҳикоянинг мавриди бўлмади ҳали), Мужгон опамни эслаиб юборди.



turadigan xolasi mehmon bo'lib kelgan, oyisi osh damlagan ekan. Qo'limizni yuvib, dasturxon chekkasiga o'tira qoldik. Ol, ol bilan osh yeyapmiz-u, oyisi To'xtasindan noliydi:

– Xolasi, bu jiyaning bilan bir gaplashib qo'ymasang bo'lmaydi. O'qishniyam yolchitmayapti. Hoziram qochib kelib o'tiribdi.

– Ja sizga, – deb jirilladi To'xtasin, – ustoz kasal bo'lib qoldi.

– Dard-e, buning ustozni qachon qarama kasal, shunaqami? – deb oyisi menga qaradi.

Men yerga qaradim. To'xtasinni yolg'onchi qilgim ham, oyisini aldagim ham kelmadi.

– Manovi bola bo'ladigan bola, – dedi oyisi meni ko'rsatib. Keyin piyolaga choy quyib mehmonga uzatar ekan, – ol, jigarim, katta-katta ol, bolaga sut bo'ladi, yevol, – dedi.

– Olyapman, opa, og'zimga rosa tatidi-da, azaldan qo'lingiz shirin o'zi... – Mehmon bosqlik bilan gapiradi. To'xtasinning oyisiga o'xshab vag'ir-vug'ir qilmaydi. Yo kasaldan turgan, yo boshida bir tashvishi borgan o'xshardi.

– Shugina bola, – deb yana meni maqtashga tushdi To'xtasinning oyisi, – uyida ona-bolali sigir, ikkita so'qim boqadi. Voy, buning yelkasi archilib obkashda suv tashiganlari... Voy, bu bola bechoraning yugur-yugurlari, butun mahalla biladi-ya. Shunga yarasha qorniyam bundoq to'yilib yursaykan sho'rlikning... Yo'oo'q, eshakning kuchi halol-u, o'zi harom. – To'xtasin menga qarab kulib qo'yadi. – Ol, bolam, olaver, o'rtog'ingga ishshayish bo'lsa hajibizga o'xshab... Bu gapdan To'xtasin to'msayib, teskari qarab oladi. – Hah tegmay ketsin, gadoy arazlasa to'rvasiga ziyon, sen olaver, bolam, yetimning yettita qorni bo'larkan, hammasi to'ysayam, bittasi bo'sh turarkan, ol...

– Voyyyy... yetimchami hali bu bola, opa? – og'zidagi oshi bilan qalqib ketdi mehmon. Ko'zlari yoshlanib menga qaradi:

– Aynanayin-a...

– Mashoyixlar bekorga aytmagan: "Ota yetim – shum yetim, ona yetim – gul yetim", deb, jigarim. Sen shukur qil, bolalaring bag'ringda. Bir kun yig'lab-siqtab katta qivolasan. Bu bolaning ishi qiyin...

– Shundoqku-ya... lekin o'zimdanda o'tganini o'zim bilaman, opa... Qaynatam anovi telba-teskari qayninga tegasan, deb qo'ymayapti, bo'lmasa uyni bo'shat, deyapti...

– Voyyyy, haliyam o'sha-o'shami qayning?

– O'sha bo'lmay nima, jinni qachon sog'aygan...

Mehmon yengini yoshli ko'ziga bosdi... Ularning shu turishlari hozir menga Huri opamni, O'lmas xolamni (ular haqidagi hikoyaning mavridi bo'lmadi hali), Mujgon opamni eslatib yubordi.

Гузарга қаймоқ сотгани чиққанимда ҳар хил саргузаштлар бўлиб туради. Бир хил кунлари ҳаммом яхши қизимаган бўлса, эркаклар лунгиларини осилтириб, қўлларида тос билан ҳаммомчини кўчагача қувиб чиқишади. Ҳаммомчи бўлса пизиллаганича ҳаммомнинг орқасига ўтиб кетади. Салда у томондан Гўлах бечоранинг аччиқ-аччиқ бўкириб йиғлаганлари эшитилади.

Ўша куни жудаям бошқача томоша бўлди. Истансага олиб борадиган кўчанинг адоғидан ғалати бақириқ-чақириқлар эшитила бошлади. Бошқа пайт бўлганда биров бунга эътибор ҳам қилмасди. Эрталаб бўлгани учунми, баримиз сергак тортиб, ўша тарафга қараб қолибмиз. “Нима гап, тинчликми?” Бир кўча одам уркалтак, суркалтак бўлиб биз томонга қараб келарди. “Бирорта катта ўғрини тутиб олишганга ўхшайди, ҳойнаҳой миршабхонага олиб келишяпти”. Ҳаммомнинг ёнида миршабхона бўлиб, миршаб шу атрофда айланиб юрарди. Ориқ, бўйи узун, заҳар одам эди. Ундан ҳамма ҳайиқарди. Харидор мижозга ё мижоз харидорга тирғалиб қолса, “Миршабга айтиб бераман”, десаёқ тезда инсофга келиб қоларди. Ўша миршаб ўчакишгандек бугун кўринмаётган эди. Баъзи томошатаалаблар гузарга нимага чиққанини ҳам эсидан чиқариб ўша томонга чопа кетди. Уркалтак, суркалтакчилар ҳаш-паш дегунча бўлмай гузарга ҳам етиб келди. Ҳамманинг кўзи уларда. Ҳеч нимани тушуниб бўлмайди. Бари малла соч самарискалар... Ораларидан бир гап ўтганми, улар нуқул бир-бирини аямай калтаклашади. Афти-башаралари қон. Ёқавайрон! Нуқул гавдали бўйчанлари майда-чуйдаларини чинқиртириб уради. Улар қочиб бориб одамларнинг оёғи тагига кириб: “Кутқаринг мени”, – дегандек ёлборишади. Қаймоқларни чамбаракларга жойлаб, четроққа қочиб қолдим. Бир зумда ҳамма ёқ аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Ким новвой, ким харидор, ким самариска – билиб бўлмай қолди. Одамлар калтак еяётганларни ҳимоя қилиб, муштумзўрларини “иди, иди”лаб нари итаришди. Шу тўстўполонда бир хўштак бўлди, бир хўштак бўлди. Нақ қулоқни тешворай деди... Самарискалар бирдан дўппослашни тўхтатиб, калтак еганиям, емаганиям бир бўлиб келган томонларига қараб қочиш қилишди. Гузар бир зумда сув қуйгандек бўлиб қолди. Аммо тўполон бошқатдан бошланди.

– Ушла ўғрини, ҳамённи уриб кетибди даюс... – деб бир одам самарискалар кетидан чопа кетди.

– Воҳ, воҳ... хонавайрон бўлдим, ҳай мусулмонлар, хонавайрон, – деб пайтаваши чувалиб бир киши ўзини ташлаб юборди... Новвойлар, қуртобчилар, пашмакчилар чувиллаб қолишди. Бир-

Guzarga qaymoq sotgani chiqqanimda har xil sarguzashtlar bo'lib turadi. Bir xil kunlari hammom yaxshi qizimagan bo'lsa, erkaklar lungilarini osiltirib, qo'llarida tos bilan hammomchini ko'chagacha quvib chiqishadi. Hammomchi bo'lsa pizillaganicha hammomning orqasiga o'tib ketadi. Salda u tomondan Go'lax bechoraning achchiq-achchiq bo'kirib yig'laganlari eshitiladi.

O'sha kuni judayam boshqacha tomosha bo'ldi. Istansaga olib boradigan ko'chani adog'idan g'alati baqiriq-chaqiriqlar eshitila boshladi. Boshqa payt bo'lganda birov bunga e'tibor ham qilmasdi. Ertalab bo'lgani uchunmi, barimiz sergak tortib, o'sha tarafga qarab qolibmiz. "Nima gap, tinchlikmi?" Bir ko'cha odam urkaltak, surkaltak bo'lib biz tomonga qarab kelardi. "Birorta katta o'g'rini tutib olishganga o'xshaydi, hoynahoy mirshabxonaga olib kelishyapti". Hammomning yonida mirshabxona bo'lib, mirshab shu atrofdan aylanib yurardi. Oriq, bo'yi uzun, zahar odam edi. Undan hamma hayiqardi. Xaridor mijozga yo mijoz xaridorga tirg'alib qolsa, "Mirshabga aytib beraman", desayoq tezda insofqa kelib qolardi. O'sha mirshab o'chakishgandek bugun ko'rinmayotgan edi. Ba'zi tomoshatalablar guzarga nimaga chiqqanini ham esidan chiqarib o'sha tomonga chop ketdi. Urkaltak, surkaltakchilar hash-pash deguncha bo'lmay guzarga ham yetib keldi. Hammaning ko'zi ularda. Hech nimani tushunib bo'lmaydi. Bari malla soch samariskalar... Oralaridan bir gap o'tganmi, ular nuqul bir-birini ayamay kaltaklashadi. Afti-basharalari qon. Yoqavayron! Nuqul gavdali bo'ychanlari mayda-chuydalarini chinqirtirib uradi. Ular qochib borib odamlarning oyog'i tagiga kirib: "Qutqaring meni", – degandek yolborishadi. Qaymoqlarni chamberaklarga joylab, chetroqqa qochib qoldim. Bir zumda hamma yoq aralash-quralash bo'lib ketdi. Kim novvoy, kim xaridor, kim samariska – bilib bo'lmay qoldi. Odamlar kaltak yeyayotganlarni himoya qilib, mushtumzo'rlarini "idi, idi"lab nari itarishdi. Shu to's-to'polonda bir hushtak bo'ldi, bir hushtak bo'ldi. Naq quloqni teshvoray dedi... Samariskalar birdan do'pposlashni to'xtatib, kaltak yeganiyam, yemaganiyam bir bo'lib kelgan tomonlariga qarab qochish qilishdi. Guzar bir zumda suv quygandek bo'lib qoldi. Ammo to'polon boshqatdan boshlandi.

– Ushla o'g'rini, hamyonni urib ketibdi dayus... – deb bir odam samariskalar ketidan chop ketdi.

– Voh, voh... xonavayron bo'ldim, hay musulmonlar, xonavayron, – deb paytavasi chuvalib bir kishi o'zini tashlab yubordi...

дан ҳаммининг ҳуши ўзига келди. Самарискалар шу тўполонда саватлардаги нонларгача ўмариб кетишибди. Сартарошнинг тилла сопли устараси бор экан, уям йўқ. Чойхоначининг косасидаги сариқ чақасиям қолмапти. Бу аҳволдан ким йиғлаган, ким кулган... Ким: "Бошлаб кетишди-я, падари лаънатилар", – деб сўкинган...

Самарискалар уруш йилларида поездларга осилиб келиб қолган етимхоналардан қочган болалар эди. Самарискалар кўпинча бозор ва гузарларда изғиб юришар, кечалари истансадаги бўш вагонларда ётишарди. Айтишларича, илгари бизнинг юртларда кассавурлик, майда ўфриликлар бўлмаган. Уни уруш йилларида Самара деган юртдан келганлар бошлаб беришган. Шунга "самариска" деб сўкишлар урф бўлган эди. Аячам икки гапнинг бирида мени "самариска" дерди.

Харидору мижозлар ола-шовур билан яна бир-бирини топа бошлади. Шу пайт бир новвой бир хотиннинг паранжисидан маҳкам ушлаб силталаб қолди:

– Пулини тўлаб кетинг, опа, пулини...

– Вой ўлай, ахир, мен... нон олмадим-ку, мана... – деб аёл чимматини очиб кўрсатди.

Аёлни таниб қолдим. Тўхтасиннинг холаси-ку!

– Иккита ноним кўлингизда эди...

– Ановилар қўйдими, кўлдана юлиб кетди-ку, ахир...

– Пулини бермасангиз худди қиёматга қолади-я...

Тўхтасиннинг холаси шошиб қолди. Кафтидаги пулни новвойнинг саватига ташлади.

– Манг, олинг, қиёматга қолмасин.

У бошқа новвойдан иккита нон олди-да, қаймоқчилар тарафга юрди. Қаймоқчилар унга қаймоқларини мақтай бошлашди. Унинг кўзи менга тушиб қолди, шекилли, рўпарамда тўхтади.

– Вой, сен шу ерданидинг? – дея чимматини кўтарди. – Қаймоғинг яхшими?

– Яхши, – дедим илжайиб.

– Атайлаб қаймоққа чиққан эдим, қарамайсанми, қаймоқнинг пули нонга кетиб қолди. Яхшиямки сен йўлиқдинг. Насияга бериб турасанми, пулини ҳозироқ ўртоғингдан чиқартириб юбораман...

– Манг, – деб қаймоқни кўлига тутқаздим.

Қолган қаймоқларни ҳам сотиб бўлиб, Тўхтасинни кута бошладим. Самарискалар қанақа қилиб иш кўрсатганини унга айтиб бераман, деб ичим қизирди. Яна холасининг ўзи келиб қолди.

– Тўхтасин қани? – сўрадим шошиб.

– Э, у ҳали ухлаб ётибди, жиян, ўзим олиб кела қолдим...

Пулни олиб, индамай йўлга тушдим. Қарасам, улар ҳам мен



Novvoylar, qurtobchilar, pashmakchilar chuvullab qolishdi. Birdan hammaning hushi o'ziga keldi. Samariskalar shu to'polonda savatlardagi nonlargacha o'marib ketishibdi. Sartaroshning tilla sopli ustarasi bor ekan, uyam yo'q. Choyxonachining kosasidagi sariq chaqasiyam qolmapti. Bu ahvoldan kim yig'lagan, kim kulgan... Kim: "Boplab ketishdi-ya, padari la'natilar", – deb so'kingan...

Samariskalar urush yillarida poyezdlarga osilib kelib qolgan yetimxonalardan qochgan bolalar edi. Samariskalar ko'pincha bozor va guzarlarda izg'ib yurishar, kechalari istansadagi bo'sh vagonlarda yotishardi. Aytishlaricha, ilgari bizning yurtlarda kissavurlik, mayda o'g'riliklar bo'lmagan. Uni urush yillarida Samara degan yurtdan kelganlar boshlab berishgan. Shunga "samariska" deb so'kishlar urf bo'lgan edi. Ayacham ikki gapning birida meni "samariska" derdi.

Xaridor-u mijozlar ola-shovur bilan yana bir-birini topa boshladi. Shu payt bir novvoy bir xotinning paranjisidan mahkam ushlab siltalab qoldi:

– Pulini to'lab keting, opa, pulini...

– Voy o'lay, axir, men... non olmadim-ku, mana... – deb ayol chimmatini ochib ko'rsatdi.

Ayolni tanib qoldim. To'xtasinning xolasi-ku!

– Ikkita nonim qo'lingizda edi...

– Anovilar qo'ydimi, qo'ldanam yulib ketdi-ku, axir...

– Pulini bermasangiz xuddi qiyomatga qoladi-ya...

To'xtasinning xolasi shoshib qoldi. Kaftidagi pulni novvoyning savatiga tashladi.

– Mang, oling, qiyomatga qolmasin.

U boshqa novvoydan ikkita non oldi-da, qaymoqchilar tarafga yurdi. Qaymoqchilar unga qaymoqlarini maqtay boshlashdi. Uning ko'zi menga tushib qoldi, shekilli, ro'paramda to'xtadi.

– Voy, sen shu yerdamidig? – deya chimmatini ko'tardi. – Qaymog'ing yaxshimi?

– Yaxshi, – dedim iljayib.

– Ataylab qaymoqqa chiqqan edim, qaramaysanmi, qaymoqning puli nonga ketib qoldi. Yaxshiyamki sen yo'liqding. Nasiyaga berib turasanmi, pulini hoziroq o'rtog'ingdan chiqartirib yuboraman...

– Mang, – deb qaymoqni qo'liga tutqazdim.

Qolgan qaymoqlarni ham sotib bo'lib, To'xtasinni kuta boshladim. Samariskalar qanaqa qilib ish ko'rsatganini unga aytib beraman, deb ichim qizirdi. Yana xolasining o'zi kelib qoldi.

– To'xtasin qani? – so'radim shoshib.

– E, u hali uxlab yotibdi, jijan, o'zim olib kela qoldim...

Pulni olib, indamay yo'lga tushdim. Qarasam, ular ham men

тарафга юряпти. Кутиб турдим. Келиб, ёнимда тўхтаб, нимагадир елкамни силади.

– Айнанайин-а сендан, етимчаман дегин?..

Анчадан бери ҳеч ким мени бунақа меҳр билан эркаламаган-ди. Мужгон опамнинг ҳидларини кўпдан соғинардим. Бу хотиннинг қўллари ёқиб, кўзларимга ёш келди...

Улар қўйнидан яримта оби нон чиқариб берди-да:

– Ма, еб ол, болам, – деб орқасига бурилди.

Нонни катта-катта тишлаб кунгай-кунгай жойлардан бораман. Офтоб нурлари бирам ёқимли. Ача холамнинг гапларини эслайман: “Худонинг ўзи меҳрибон, бандасига насибани йўқ жойдан етказади!”

* * *

Эртасига ҳам гузарда самарискаларнинг гапи бўлди. Улар шу кетганича юкдан бўшаган вагонга ўтириб жўнаворишибди. Куйганда этигининг қўнжи кесилган одам куйибди. Нақ битта сигирнинг пули бор экан-да. Ҳойнаҳой самарискалар ўшанинг орқасидан тушишган. Кейин жухуд сартарошгаям қийин бўпти. Устарасининг сопи бухорий тилладан ясалган экан. Биров тиллами, деса: “Э, тилла биздақаларга тушиб қоптими, жэз”, – деб алдаб юраркан. Мана, энди ўғри уриб кетгандан кейин жез устаранинг сопи тилла бўлиб чиқди. Ана шундай миш-мишлардан қулоғим қизиби, қаймоққа мижоз кутиб турсам, самоварчи бир одамни ёнимга бошлаб келиб, “Сиз қидираётган бола шу”, – деб қолди. Мен анграйиб тепамда шипдек бўлиб турган одамга қарадим. У “сенмидинг ҳали” деган-дек менга шунчаки қаради-да:

– Қосим ака сени топгин девди... Биласанми у ҳозир қаерда? Мен гап ким ҳақида эканини тушунмай, анграйиб турардим. – Гўрбалнисада... – У шундай деб йўлига кетаверди. Мен Қосим ака ким бўлди экан, деб орқасидан қараганча қолдим. Бирдан Яхши амакини эсладим. Чойхоначи менга эътибор қилиб юрар экан-да. Яхши амакининг исми Қосим экан-да. Гўрбалнисада дедими? Кўрқиб кетдим. Биз болалар гўрбалнисани гўристон балниса деб тушунардик. У жойга ўладиган касалларни олиб боришади, деб ўйлардик.

Юрсам ҳам, турсам ҳам хаёлимда Қосим ака бўлиб қолди. У киши билан бирга кетиш ҳақидаги режаларим яна менга тинчлик бермай қўйди. Мактабдаям Қосим акани ўйлаб ўтирдим. Кўринмай қолганига ўғлини қидириб кетган бўлса керак, деган ўйда юрардим. Яхши амаки бўлса банисага тушиб қолибди... Эрта билан нонушта қилганимизда номигагина чимдиниб ўтирганлари бир-бир

tarafga yuryapti. Kutib turdim. Kelib, yonimda to'xtab, nimagadir yelkamni siladi.

– Aynanayin-a sendan, yetimchaman degin?..

Anchadan beri hech kim meni bunaqa mehr bilan erkalamagandi. Mujgon opamning hidlarini ko'pdan sog'inardim. Bu xotinning qo'llari yoqib, ko'zlarimga yosh keldi...

Ular qo'ynidan yarimta obi non chiqarib berdi-da:

– Ma, yeb ol, bolam, – deb orqasiga burildi.

Nonni katta-katta tishlab kungay-kungay joylardan boraman. Oftob nurlari biram yoqimli. Acha xolamning gaplarini eslayman: "Xudoning o'zi mehribon, bandasiga nasibani yo'q joydan yetkazadi!"

* * *

Ertasiga ham guzarda samariskalarning gapi bo'ldi. Ular shu ketganicha yukdan bo'shagan vagonga o'tirib jo'navorishibdi. Kuyganda etigining qo'nji kesilgan odam kuyibdi. Naq bitta sigirning puli bor ekan-da. Hoynahoy samariskalar o'shaning orqasidan tushishgan. Keyin juhud sartaroshgayam qiyin bo'пти. Ustarasining sopi buxoriy tilladan yasalgan ekan. Birov tillami, desa: "E, tilla bizdaqalarga tushib qoptimi, jez", – deb aldab yurarkan. Mana, endi o'g'ri urib ketgandan keyin jez ustaraning sopi tilla bo'lib chiqdi. Ana shunday mish-mishlardan qulog'im qizib, qaymoqqa mijoz kutib tursam, samovarchi bir odamni yonimga boshlab kelib, "Siz qidirayotgan bola shu", – deb qoldi. Men angrayib tepamda shipdek bo'lib turgan odamga qaradim. U "senmiding hali" degandek menga shunchaki qaradi-da:

– Qosim aka seni topgin devdi... Bilasanmi u hozir qayerda? – Men gap kim haqida ekanini tushunmay, angrayib turardim. – Go'rbalnisada... – U shunday deb yo'lga ketaverdi. Men Qosim aka kim bo'ldi ekan, deb orqasidan qaragancha qoldim. Birdan Yaxshi amakini esladim. Choyxonachi menga e'tibor qilib yurar ekan-da. Yaxshi amakining ismi Qosim ekan-da. Go'rbalnisada dedimi? Qo'rqib ketdim. Biz bolalar go'rbalnisani go'riston balnisa deb tushunardik. U joyga o'ladigan kasallarni olib borishadi, deb o'ylardik.

Yursam ham, tursam ham xayolimda Qosim aka bo'lib qoldi. U kishi bilan birga ketish haqidagi rejalarim yana menga tinchlik bermay qo'ydi. Maktabdayam Qosim akani o'ylab o'tirdim. Ko'rinmay qolganiga o'g'lini qidirib ketgan bo'lsa kerak, degan o'yda yurardim. Yaxshi amaki bo'lsa banisaga tushib qolibdi... Erta bilan nonushta qilganimizda nomigagina chimdinib o'tirganlari bir-bir ko'z oldimga

кўз олдимга келди. Баданларига кириб қолган ўша темир парчаси барибир банисага ётқизибди-да... Нимани кутяпман, бориб кўриб келмайманми? Айтдириб юборибдилар-ку! Ўқишдан кейин кеч бўлади, бора олмайман. Аячам кутиб ўтиради.

Мактабда шуларни ўйлаб ўтириб бундоқ ёнимга қарасам Тўхтасин қачон жинғилдоқ чалинар экан деб эсна-а-а-б ўтирибди. Устозимиз жудаям қари, толмачойда юмшоқ нонни ҳам чойга бўктириб ейди. Оғзида тиши йўқ. Бир хил ҳарфларни айтолмайди. Хатни кўзойнаксиз кўрмайди. Дарс бошлашдан олдин кўзойнагини у ёғидан пуфлаб, бу ёғидан пуфлаб рўмолининг учи билан узоқ артиб ўтиради. Бу иш қанча чўзилса, бизга шунча яхши. Синф ғалафурга тўлади. Танаффус пайтида Тўхтасин атайлаб кўзойнакнинг кўзини кир қилиб қўяди. Устозимизнинг қулоғиям оғир. Жинғилдоқ овозини тезда эшита қолмайди. Тўхтасин бўлса мактабга фақат жинғилдоқни эшитиш, устозга бу хабарни етказиш учунгина келади. Чалиниши билан: “Устоз, жинғилдоқ, жинғилдоқ”, – деб ҳаммадан олдин ўзи ташқарига чиқиб кетади.

– Ҳей, – дейман секин унинг қулоғига шивирлаб, – қочиш қилмаймизми?

Тўхтасиннинг кўзлари ялтираб кетди. Бунақа таклиф мендан чиқаётганига ҳайрон бўлди. Тўхтасин бир эшикка, бир устозга қараб кўзғалиб қолди.

– Ҳозирмас, жинғилдоқ чалинсин, – дедим этагидан тортиб.

– Жинғилдоқ, устоз, жинғилдоқ, – деб бақириб юборди у бирдан.

– А, ҳозир кирдик-ку... – деди устоз ҳайрон бўлиб.

– Барибир жинғилдоқ, Худо урсин...

Болалар тўзиди, биз ура қочдик.

– Фақат бизникигамас, оғайни, ойим уришади, – деди Тўхтасин йўлда бора туриб.

– Ҳалиям, – дейман қочишдан мақсад нималигини айтишга шошилмай.

– Бозорга борайлик, – деди Тўхтасин. – Қуртобачиларнинг қуртини еб кўриш қилардик, маза... Еб кўрганга пул олишмайди.

– Ҳечам-да, гўрбалнисага борамиз.

– Гўр... балнисага? – деб кўрқиб кетди Тўхтасин. – Нима, яна ўлгинг келиб қолдим сенинг? Ўлма, холам сени ўзи билан уйига олиб кетмоқчи...

– Олиб кетмоқчи? – аъзойи баданим жимирлаб кетди.

– Кечаси ўзимни уйқуга солиб барини эшитиб олдим. Холамга сендақа битта дастёр керакмиш... Сен ёнида бўлсанг кунини кўриб кетармиш. Анови жинни-минни қайнисидан қутулармиш. Холам қийиқча тикса, сен бозорга обориб сотиб келармишсан... Шунақа қилиб бир кунинглар ўтаркан...



keldi. Badanlariga kirib qolgan o'sha temir parchasi baribir banisaga yotqizibdi-da... Nimani kutypaman, borib ko'rib kelmaymanmi? Aytirib yuboribdilar-ku! O'qishdan keyin kech bo'ladi, bora olmayman. Ayacham kutib o'tiradi.

Maktabda shularni o'ylab o'tirib bundoq yonimga qarasam To'xtasin qachon jing'ildoq chalinar ekan deb esnaaab o'tiribdi. Ustozimiz judayam qari, tolmachoyda yumshoq nonni ham choyga bo'ktirib yeydi. Og'zida tishi yo'q. Bir xil harflarni aytolmaydi. Xatni ko'zoynaksiz ko'rmaydi. Dars boshlashdan oldin ko'zoynagini u yog'idan puflab, bu yog'idan puflab ro'molining uchi bilan uzoq artib o'tiradi. Bu ish qancha cho'zilsa, bizga shuncha yaxshi. Sinf g'ala-g'ovurga to'ladi. Tanaffus paytida To'xtasin ataylab ko'zoynakning ko'zini kir qilib qo'yadi. Ustozimizning qulog'iyam og'ir. Jing'ildoq ovozini tezda eshita qolmaydi. To'xtasin bo'lsa maktabga faqat jing'ildoqni eshitish, ustozga bu xabarni etkazish uchungina keladi. Chalinishi bilan: "Ustoz, jing'ildoq, jing'ildoq", – deb hammadan oldin o'zi tashqariga chiqib ketadi.

– Hey, – deyman sekin uning qulog'iga shivirlab, – qochish qilmaymizmi?

To'xtasinning ko'zlari yaltirab ketdi. Bunaqa taklif mendan chiqayotganiga hayron bo'ldi. To'xtasin bir eshikka, bir ustozga qarab qo'zg'alib qoldi.

– Hozirmas, jing'ildoq chalinsin, – dedim etagidan tortib.

– Jing'ildoq, ustoz, jing'ildoq, – deb baqirib yubordi u birdan.

– A, hozir kirdik-ku... – dedi ustoz hayron bo'lib.

– Baribir jing'ildoq, Xudo ursin...

Bolalar to'zidi, biz ura qochdik.

– Faqat biznikigamas, og'ayni, oyim urishadi, – dedi To'xtasin yo'lda bora turib.

– Haliyam, – deyman qochishdan maqsad nimaligini aytishga shoshilmay.

– Bozorga boraylik, – dedi To'xtasin. – Qurtobachilarning qurtini yeb ko'rish qilardik, maza... Yeb ko'rganga pul olishmaydi.

– Hecham-da, go'rbalnisaga boramiz.

– Go'r... balnisaga? – deb qo'rqib ketdi To'xtasin. – Nima, yana o'lging kelib qoldimi sening? O'lma, xolam seni o'zi bilan uyiga olib ketmoqchi...

– Olib ketmoqchi? – a'zoyi badanim jimirlab ketdi.

– Kechasi o'zimni uyquga solib barini eshitib oldim. Xolamga sendaqa bitta dastyor kerakmish... Sen yonida bo'lsang kunini ko'rib ketarmish. Anovi jinni-minni qaynisidan qutularmish. Xolam qiyiqcha tiksa, sen bozorga oborib sotib kelarmishsan... Shunaqa qilib bir kuninglar o'tarkan...

Бу гапдан юрагим бир ҳаприқиб кетди, маза бўлади-ку, лекин ичимдан суюнганимни Тўхтасинга билдирмадим. Ача холамнинг яхши кунлар ҳақидаги гаплари ёдимга тушиб, энтиқиб кетдим.

– Қосим акани кўриб келамиз, – дейман гўё Тўхтасиннинг гапини эшитмаганга олиб.

– Қосим ака дейсанми, киминг у яна?

– Битта яхши одам, боргинг келмаса қолавер, ўзим кетаверман...

Тўхтасин индамай менга эргашди. Кетяпман-у, Тўхтасиннинг холаси "айнанаин-а" деб эркалагани кўз олдимга келади. Ўлмас опам ҳам шунақа эркалардилар-да...

ЎЛМАС ОПА

Энди Ўлмас опа ҳақида гапириб бермасам бўлмайди. Тўхтасиннинг холаси Ўлмас опамни ёдимга тушириб юборди-да. Ўлмас опа ким эди? Эслайсизми, табиб кампир мени тахтакачлаб қўйганда кўк дўппи совға қилган хотин-чи? Ўшанда мен дўпписини ерга отиб урсам ҳам хафа бўлмаган эди. Шунчаки менга бир жилмайиб қўйган эди, холос. Кампир ўлганда белимга қийиқча боғлаб қўйган амакини-чи? Униям эсладингизми? Ўша амаки Ўлмас опамнинг эри экан. Мен буларни кейинчалик билдим. Отлари Алижон. Улар мени кампирнинг уйидан олиб чиққанларида Ҳури опам билан Ёдгор акамнинг олдиларига олиб боряптилар, деган ўйда чопа-чопа кетган эдим. Ўшанда эсдан чиқмайдиган бир воқеа бўлган. Кўчалар тўла одам. Ҳамма бир-бирини кучоқлашар, кулиб туриб йиғлашарди. Алижон акамнинг қўлидан маҳкам ушлаб олганман. Ёдгор акам билан келиб тез-тез эшитиб кетадиган радиокарнайнинг олди одамга тўла эди.

– Худога шукур!

– Бир шукурдан минг шукур-а...

– Ахийри илоннинг бошини янчишибди-да...

– Вой-ей, бу кунларга кимлар етиб, кимлар етмади-я.

– Гитлер деганни ер ютибди-я.

– Омонлик-сомонлик-а...

Ҳамма ўзича гапиринар, таниш-нотаниш демай эркак кишилар бир-бирлари билан қўл олишар, чор-атрофдан карнай-сурнай, ногора, занг овозлари эшитиларди. Радиокарнайдан ўқтин-ўқтин "Ур-а-а!" деган овозлар эшитиларди. Ҳамма шовқинни босиб ис-танса томонда тўхтовсиз паровоз қичқирарди. Билсак, уруш тугаган экан...

Биз йўл юриб, араваю машиналарга тушиб, ана шундай хур-

Bu gapdan yuragim bir hapriqib ketdi, maza bo'ladi-ku", lekin ichimdan suyunganimni To'xtasiga bildirmadim. Acha xolamning yaxshi kunlar haqidagi gaplari yodimga tushib, entikib ketdim.

– Qosim akani ko'rib kelamiz, – deyman go'yo To'xtasinning gapini eshitmaganga olib.

– Qosim aka deysanmi, kiming u yana?

– Bitta yaxshi odam, borging kelmasa qolaver, o'zim keta-veraman...

To'xtasin indamay menga ergashdi. Ketyapman-u, To'xtasinning xolasi "aynanayin-a" deb erkalgani ko'z oldimga keladi. O'lmas opam ham shunaqa erkaldilar-da...

O'LMAS OPA

Endi O'lmas opa haqida gapirib bermasam bo'lmaydi. To'xtasinning xolasi O'lmas opamni yodimga tushirib yubordi-da. O'lmas opa kim edi? Eslaysizmi, tabib kampir meni taxtakachlab qo'yganda ko'k do'ppi sovg'a qilgan xotin-chi? O'shanda men do'ppisini yerga otib ursam ham xafa bo'lmagan edi. Shunchaki menga bir jilmayib qo'ygani edi, xolos. Kampir o'lganda belimga qiyiqcha bog'lab qo'ygani amakini-chi? Uniyam esladingizmi? O'sha amaki O'lmas opamning eri ekan. Men bularni keyinchalik bildim. Otlari Alijon. Ular meni kampirning uyidan olib chiqqanlarida Huri opam bilan Yodgor akamning oldilariga olib boryaptilar, degan o'yda chopacha ketgan edim. O'shanda esdan chiqmaydigan bir voqea bo'lgan. Ko'chalar to'la odam. Hamma bir-birini quchoqlashar, kulib turib yig'lashardi. Alijon akamning qo'lidan mahkam ushlab olganman. Yodgor akam bilan kelib tez-tez eshitib ketadigan radiokarnayning oldi odamga to'la edi.

– Xudoga shukur!

– Bir shukurdan ming shukur-a...

– Axiyri ilonning boshini yanchishibdi-da...

– Voy-yey, bu kunlarga kimlar yetib, kimlar yetmadi-ya.

– Gitler deganni yer yutibdi-ya.

– Omonlik-somonlik-a...

Hamma o'zicha gapirinar, tanish-notanish demay erkak kishilar bir-birlari bilan qo'l olishar, chor-atrofdan karnay-surnay, nog'ora, zang ovozlari eshitalardi. Radiokarnaydan o'qtin-o'qtin "Uraa!" degan ovozlari eshitalardi. Hamma shovqinni bosib istansa tomonda to'xtovsiz parovoz qichqirardi. Bilsak, urush tugagan ekan...

Biz yo'l yurib, arava-yu mashinalarga tushib, ana shunday

сандчилик ичида бир ҳовлига кириб келдик. Бизни дарвоза тагидаёқ Ўлмас опа кутиб олди. “Келишди, келишди”, – деб суюнчилаб ичкарига қараб югурди. Мен нотаниш ҳовлига кириб анқайиб қолдим. Ҳовли катта, чиройли эди. Ўртасида гуллар ўсиб ётарди. Уйлар кўп. Ўша уйларнинг биридан битта кампир чиқиб келди. Кампирни кўриши билан Алижон акам чаққон бора қолди. Кампир Алижон акамнинг эгилган бошини бағрига босиб, икки чеккасидан ўпиб, елкасига қоқиб қўйди. Бу ёқда Ўлмас опам мени бағридан бўшатгиси келмайди. Мен дўпписини отиб урганим эсимга тушиб ўзимни нари тортаман. Бу опани Ҳури опамга ўхшата олмайман. Кампир менинг ҳам бош-кўзларимни силаб, пешанамдан ўпди. “Кўз тегмасин, суқсурдеккина экан”, – деб қўйди. Кўрпачалар солинган айвонга чиқдик.

– Эшитдингларми янгиликни? – деди Алижон акам.

– Эшитмай-чи, болам, Аллоҳдан кечалари йиғлаб нусрат сўраганларим... Ишқилиб, кўпнинг оҳи-доди Худойимга етди... Маҳалланинг болалари ҳамма ёққа жар солиб, яқиндагина тинчишди. Ўлмасхонга тезда супрани қоқиштиринг дедим, суюнчисига болаларга чалпак улашиб юбордик...

– Буям бир шукрона бўлибди-да, бизам той бола билан қандай қилиб етиб келганимизни билмай қолдик. Бир кунда дунё ўзгариб кетди, десангиз, ойи... Вой бў-ў-ў, бу одамларни... Ўзиям тўкилиб, адойи-тамом бўлибмиз.

– Ҳа, ўлмаган қулга бўлди ёз, болам, энди бу ёғига омонлик-сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, яхши кунлар бўлсин, омин...

– Ҳар тугул-ей, шу куннинг суюнчисига табиб энам ҳам ийиб кетибдилар-да, – деб чопиб-чопиб дастурхон тузарди Ўлмас опам, – ўзи эркак кишининг йўриғи бошқада, ойи. Шу сафар ўғлингизни ишга солиб хўп қилдингиз-да. Мен борсам, кампир тушмагур яна у деб, бу деб қуруқ жўнатарди. Қаранг, шунча хурсандчилик-а. – Ўлмас опам менга қараб қўяр, тинимсиз жилмаяр, яхши кўриб, оёқларимни ушлаб-ушлаб қўярди. Улар париллаб қайнаб турган самоварни олиб келар экан, яна бир нарсани тўлиб-тошиб суюнчилаб қолди:

– Вой, Алижон ака, суюнчи беринг, оғзимиз оқарди, сигир туғди, новвос... Ойи, нимага индамай ўтирибсиз?

– Э, ҳа... той боланинг қадами ёқибди-да. Ҳозир сўрамоқчи бўлиб турувдим, – дея Алижон акам ҳовли этагига қаради. – Бешикастми, ишқилиб?

– Бешикаст, – деди кампир, – тўқмоқдек бола туғди... Хурсанд қиламан деса Ўзига осон, ҳамма томонлама хурсанд қилиб қўяди, – деб жилмайди кампир.

Бу ердагилар табиб энамнинг ўлганини билишмас экан. Мен



xursandchilik ichida bir hovliga kirib keldik. Bizni darvoza tagidayoq O'lmas opa kutib oldi. "Kelishdi, kelishdi", – deb suyunchilab ichkariga qarab yugurdi. Men notanish hovliga kirib anqayib qoldim. Hovli katta, chiroyli edi. O'rtasida gullar o'sib yotardi. Uylar ko'p. O'sha uylarning biridan bitta kampir chiqib keldi. Kampirni ko'rish bilan Alijon akam chaqqon bora qoldi. Kampir Alijon akamning egilgan boshini bag'riga bosib, ikki chekkasidan o'pib, elkasiga qoqib qo'ydi. Bu yoqda O'lmas opam meni bag'ridan bo'shatgisi kelmaydi. Men do'ppisini otib uranim esimga tushib o'zimni nari tortaman. Bu opani Huri opamga o'xshata olmayman. Kampir mening ham bosh-ko'zlarimni silab, peshanamdan o'pdi. "Ko'z tegmasin, suqsurdekkina ekan", – deb qo'ydi. Ko'rpachalar solingan ayvonga chiqdik.

– Eshitdinglarmi yangilikni? – dedi Alijon akam.

– Eshitmay-chi, bolam, Allohdan kechalari yig'lab nusrat so'raganlarim... Ishqilib, ko'pning ohi-dodi Xudoyimga yetdi... Mahallaning bolalari hamma yoqqa jar solib, yaqindagina tinchishdi. O'lmasxonga tezda suprani qoqishtiring dedim, suyunchisiga bolalarga chalpak ulashib yubordik...

– Buyam bir shukrona bo'libdi-da, bizam toy bola bilan qanday qilib yetib kelganimizni bilmay qoldik. Bir kunda dunyo o'zgarib ketdi, desangiz, oyi... Voy bo'oo', bu odamlarni... o'ziyam to'kilib, adoyitamom bo'libmiz.

– Ha, o'lmagan qulga bo'ldi yoz, bolam, endi bu yog'iga omonlik-somonlik, hech ko'rmaylik yomonlik, yaxshi kunlar bo'lsin, omin...

– Har tugul-ey, shu kunning suyunchisiga tabib enam ham iyib ketibdilar-da, – deb chopib-chopib dasturxon tuzardi O'lmas opam, – o'zi erkak kishining yo'rig'i boshqada, oyi. Shu safar o'g'lingizni ishga solib xo'p qildingiz-da. Men borsam, kampir tushmagur yana u deb, bu deb quruq jo'natardi. Qarang, shuncha xursandchilik-a. – O'lmas opam menga qarab qo'yar, tinimsiz jilmayar, yaxshi ko'rib, oyoqlarimni ushlab-ushlab qo'yardi. Ular parillab qaynab turgan samovarni olib kelar ekan, yana bir narsani to'lib-toshib suyunchilab qoldi:

– Voy, Alijon aka, suyunchi bering, og'zimiz oqardi, sigir tug'di, novvos... Oyi, nimaga indamay o'tiribsiz?

– E, ha... toy bolaning qadami yoqibdi-da. Hozir so'ramoqchi bo'lib turuvdim, – deya Alijon akam hovli etagiga qaradi. – Beshikastmi, ishqilib?

– Beshikast, – dedi kampir, – to'qmoqdek bola tug'di... Xursand qilaman desa O'ziga oson, hamma tomonlama xursand qilib qo'yadi, – deb jilmaydi kampir.

Bu yerdagilar tabib enamning o'lganini bilishmas ekan. Men Alijon

Алижон акамга қарадим. Алижон акам очиқиб нон тишлаб, чой хўплар эди. Ўлмас опам менга чалпак тутди...

– Ҳаяллаб кетганингга шайтон ўлгур не-не кўчаларга обкирмади дейсан, болам, – деди кампир гина қилиб. – Нима бунча қолиб кетдинг?

– Э, – деб Алижон акам хомуш тортди. Бўлиб ўтган ишларни айтишга шошилмасди. Кампир билан Ўлмас опам “нима гап” дегандек Алижон акамнинг оғзига тикилиб қолишди.

– Худо ўзи дилингизга солган экан, ойи, – деди Алижон акам. – Шу десангиз, бориб нақ азанинг устидан чиқиб қолдим... – деб Алижон ака бор гапни айтиб берди. – Икки кун чойхонада ётдим. Қўшнилари Ўлмасингиз борганида кўришган экан. Кампирга атанганимни ўшаларга бердим. Маъракаларига ишлатинглар, дедим. Дуо қилишди. Кейин тойчоқ билан бу ёққа қараб жўнайвердик, шу...

– Шўрликкина-я... Сендан буюрибди-да, болам.

– Менданми, манови гўдақданми, ишқилиб, – деб Алижон акам менга қараб кўйди.

– Онамлаб йиғлайдигани йўғакан, дегин?

– Неварасини айтдим-ку... Уям бир оёғини урушга ташлаб келган экан.

– Вой баттол-ей... Бир оёқлаб бўлса ҳам қиз олиб қошибдими-а?

– Э, у хотин ҳали-бери ўладиганмасиди, ойи, – гапга қўшилди Ўлмас опам. – Кўрсангиз гунгурсдек... Ҳойнаҳой уни невараси адои тамом қилган. Ўша шумтака қизни ҳам кўрганидим... Кампирнинг шогирди эди. Шогирдидан топиб кетибди-да, бечора, – деб Ўлмас опам бирпасда йиғлаб олди.

– Ҳай... бари Худодан, – деб кампир Қуръон ўқиб, табиб энамга бағишлади. Кейин менга сурилиб, бошимни силади-да: – Эртага бир чўқим ош дамланглар, тўртта кўшнини чақириб, бу боламни маълум қилиб қўяйлик... Расми шунақа бўлади. Ҳа, ростдан, – деди кампир ўғлига қараб, – у ердагиларга бизни жойларнинг маълумини бериб келдингми, Алижон? Мабодо-да... яна ким билади дейсан?.. Бу боламни яқинлари излаб қолса, дейманда...

– Ҳа, ойи...

– Бекор қилибдилар, ҳардамхаёлликдан ёмони йўқ, – деди Ўлмас опам хафа бўлиб.

– Дард, ниятни холис Худо учун қилинг, ўзингизга берсин... Ҳар фарзандни ўз ота-онаси билан қийнасин...

– Кечиринг, онажон, тавба қилдим...

akamga qaradim. Alijon akam ochiqib non tishlab, choy ho'plar edi. O'lmas opam menga chalpak tutdi...

– Hayallab ketganingga shayton o'lgur ne-ne ko'chalarga obkirmadi deysan, bolam, – dedi kampir gina qilib. – Nima buncha qolib ketding?

– E, – deb Alijon akam xomush tortdi. Bo'lib o'tgan ishlarni aytishga shoshilmasdi. Kampir bilan O'lmas opam "nima gap" degandek Alijon akamning og'ziga tikilib qolishdi.

– Xudo o'zi dilingizga solgan ekan, oyi, – dedi Alijon akam. – Shu desangiz, borib naq azaning ustidan chiqib qoldim... – deb Alijon aka bor gapni aytib berdi. – Ikki kun choyxonada yotdim. Qo'shnilari O'lmasingiz borganida ko'rishgan ekan. Kampirga ataganimni o'shalarga berdim. Ma'rakalariga ishlatinglar, dedim. Duo qilishdi. Keyin toychoq bilan bu yoqqa qarab jo'nayverdik, shu...

– Sho'rlikkina-ya... Sendan buyuribdi-da, bolam.

– Mendanmi, manovi go'dakdanmi, ishqilib, – deb Alijon akam menga qarab qo'ydi.

– Onamlab yig'laydigani yo'g'akan, degin?

– Nevarasini aytdim-ku... Uyam bir oyog'ini urushga tashlab kelgan ekan.

– Voy battol-ey... Bir oyoqlab bo'lsa ham qiz olib qochibdimi-a?

– E, u xotin hali-beri o'ladiganmasidi, oyi, – gapga qo'shildi O'lmas opam. – Ko'rsangiz gungursdek... Hoynahoy uni nevarasi adoyi tamom qilgan. O'sha shumtaka qizni ham ko'rganidim... Kampirning shogirdi edi. Shogirdidan topib ketibdi-da, bechora, – deb O'lmas opam birpasda yig'lab oldi.

– Hay... bari Xudodan, – deb kampir Qur'on o'qib, tabib enamga bag'ishladi. Keyin menga surilib, boshimni siladi-da: – Ertaga bir cho'qim osh damlanglar, to'rtta qo'shnini chaqirib, bu bolamni ma'lum qilib qo'yaylik... Rasmi shunaqa bo'ladi. Ha, rostdan, – dedi kampir o'g'liga qarab, – u yerdagilarga bizni joylarning ma'lumini berib keldingmi, Alijon? Mabodo-da... yana kim biladi deysan?.. Bu bolamni yaqinlari izlab qolsa, deymanda...

– Ha, oyi...

– Bekor qilibdilar, hardamxayollikdan yomoni yo'q, – dedi O'lmas opam xafa bo'lib.

– Dard, niyatni xolis Xudo uchun qiling, o'zingizga bersin... Har farzandni o'z ota-onasi bilan qiynasin...

– Kechiring, onajon, tavba qildim...

ДАДА, ОЙИ ДЕЯ ОЛМАГАНИМ...

Эртасига Ўлмас опам мени ясатди. Оқ кўйлак, боғичи елкадан ўтадиган катак иштон, бошимга кўк дўппи, оёғимга осонгина ечилиб кийиладиган ялтироқ ковушча... Ана ундан кейин икковимиз етаклашиб ҳовлига чиқдик. Ҳовли бетига сувлар сепилган, гуллар яшнган, офтоб чарақлаган. Узум тагидаги сўрида кампир билан Алижон акам гаплашиб ўтиришарди. Уларнинг кўзи бизга тушиши билан:

– Ўҳ-хў-ў-ў... бу йигитча ким бўлди экан-а, ойи, танияпсизми? – деди Алижон акам менга бошдан-оёқ қараб.

– Ҳа, ҳамманиям дадаси, ойиси бўлсин эканда, саруполари бирам ярашибдики боламнинг, бай-бай, кўз тегмасин, исириқ тутатворинг-а, келинпошша, – деди кампир.

– Ассалому алайкум, бувижон, ассалому алайкум дадажон, яхши ётиб турдиларингизми, – деб Ўлмас опам менинг номимдан салом берди. Ўлмас опамнинг менинг номимдан “дадажон” дегани ёқмади. Ерга қараб олдим. Ахир, ўзимнинг дадам бор-ку! Нимага бегона кишини “дада” дейман?

– Ва алайкум ассалом, ке, болам... – Кампир пешанамдан ўпиб кўришди, Алижон акам кўл олишиб, ёнига тортди. Чой ичиб бўлинди. Кампир дастурхонга фотиҳа ўқигач, менга қараб-қараб кўйди. Кейин ёнига тортиб, деди:

– Энди-чи, болам, бу кишимни, – деб Алижон акамни кўрсатдилар, – бугундан бошлаб “дада” дейсан, бу кишимни “ойи” дейсан, – деб Ўлмас опамга қаради. – Мен бувинг бўламан, ана шундоқ... Уқдингми, болам?

– Бувимас, бувижон, – деди Ўлмас опам яйраб-яшнаб.

Мен тумтайиб, тесқари қарадим. Бу ҳовлидан қочиб чиқиб кетгим келди. Ҳури опамнинг гаплари эсимга тушди... Булар “кўфирчоқ” одамлар. Ўзимнинг дадам, ойим бор... Улар менинг аҳволимдан кўрқиб кетишди.

– Ҳа, болам, нима ёқмай қолди? – деди кампир бошимни силаб. – Айтавер жоним болам, тортинма, энди биз сенга бегонамас...

Ўлмас опам “айта қол” дегандек энгашиб Ҳури опамга ўхшаб мени искалади. Хоҳламаётган нарсамни шоша-пиша айтиб кўяқолдим.

– Ўзимнинг ойим бор... ўзимнинг дадам, – деб ҳиқилладим.

Кампир эгилиб қолди. Ўлмас опам хўрсинди. Ҳамма жим. Мен шу гапларни айтиб бўлиб, бирдан енгил тортдим... Кўз олдимга дадам, ойим келди... Шу пайт Алижон ака ҳаммани ҳайрон қолдириб кулиб юборди. Кампир ҳам, Ўлмас опам ҳам “ярқ” этиб у кишига қарашди.



DADA, OYI DEYA OLMAGANIM...

Ertasiga O'lmas opam meni yasatdi. Oq ko'ylak, bog'ichi yelkadan o'tadigan katak ishton, boshimga ko'k do'ppi, oyog'imga osongina yechilib kiyiladigan yaltiroq kovushcha... Ana undan keyin ikkovimiz yetaklashib hovliga chiqdik. Hovli betiga suvlar sepilgan, gullar yashnagan, oftob charaqlagan. Uzum tagidagi so'rda kampir bilan Alijon akam gaplashib o'tirishardi. Ularning ko'zi bizga tushishi bilan:

– O'nh'o'o'... bu yigitcha kim bo'ldi ekan-a, oyi, taniyapsizmi? – dedi Alijon akam menga boshdan oyoq qarab.

– Ha, hammaniyam dadasi, oyisi bo'lsin ekanda, sarupolari biram yarashibdiki bolamning, bay-bay, ko'z tegmasin, isiriq tutatvoring-a, kelinposhsha, – dedi kampir.

– Assalomu alaykum, buvijon, assalomu alaykum dadajon, yaxshi yotib turdilaringizmi, – deb O'lmas opam mening nomimdanam salom berdi. O'lmas opamning mening nomimdan "dadajon" degani yoqmasi. Yerga qarab oldim. Axir, o'zimning dadam bor-ku! Nimaga begona kishini "dada" deyman?

– Va alaykum assalom, ke, bolam... – Kampir peshanamdan o'pib ko'rishdi, Alijon akam qo'l olishib, yoniga tortdi. Choy ichib bo'lindi. Kampir dasturxonga fотиha o'qigach, menga qarab-qarab qo'ydi. Keyin yoniga tortib, dedi:

– Endi-chi, bolam, bu kishimni, – deb Alijon akamni ko'rsatdilar, – bugundan boshlab "dada" deysan, bu kishimni "oyi" deysan, – deb O'lmas opamga qaradi. – Men buving bo'laman, ana shundoq... Uqdingmi, bolam?

– Buvimas, buvijon, – dedi O'lmas opam yayrab-yashnab.

Men tumtayib, teskari qaradim. Bu hovlidan qochib chiqib ketgim keldi. Huri opamning gaplari esimga tushdi... Bular "qo'g'irchoq" odamlar. O'zimning dadam, oyim bor... Ular mening ahvolimdan qo'rqib ketishdi.

– Ha, bolam, nima yoqmay qoldi? – dedi kampir boshimni silab. – Aytaver jonim bolam, tortinma, endi biz senga begonamas...

O'lmas opam "ayta qol" degandek engashib Huri opamga o'xshab meni iskaladi. Xohlamayotgan narsamni shosha-pisha aytib qo'yaqoldim.

– O'zimning oyim bor... O'zimning dadam, – deb hiqilladim.

Kampir egilib qoldi. O'lmas opam xo'rsindi. Hamma jim. Men shu gaplarni aytib bo'lib, birdan yengil tortdim... Ko'z oldimga dadam, oyim keldi... Shu payt Alijon aka hammani hayron qoldirib kulib yubordi. Kampir ham, O'lmas opam ham "yarq" etib u kishiga qarashdi.

– Э, баракалла, яша, азамат, – деди Алижон акам мени ёнига тортиб, – тўғри айтдинг, ўғил боланинг ота-онаси битта бўлади, иккита бўмайди. Қиз боланинг йўриғи бошқа. Хў-ў-ў-п... Мени Алижон ака десанг бўладими, шер? – Алижон акадаги хурсандчилик менга ҳам ўтди. “Ҳа”, деб илжайдим. – Буларни-чи? Буларни Ўлмас опа десанг бўладими? – Мен энди кулиб Ўлмас опага қарадим...

СУВ КЕЛАР ГУЛДИР-ГУЛДИР...

Бу уйдагиларга ҳам тез кунда ўрганиб қолдим. Мени ҳадеб ортиқча эркалатишлари ёқмасди. Улар қанча кўп эркалатишса, шунча кўп ойим билан дадамни соғинаман. Алижон акам ўрнида дадам, Ўлмас опам ўрнида ойим бўлиб қолишини ўйлайман. Унақа бўлмаслигини ҳам биламан. Нуқул йиғлагим келади. Қани энди мени уришишса-ю, тўйиб-тўйиб йиғлаб олсам. Алижон акам нуқул эркалатиб шер бола дейди. Ўлмас опам той бола дейди. Кампир бўталоғим дейди...

Ўлмас опам ҳар куни нонуштадан кейин сигирни етаклаб, кетмонни елкасига ташлаб далага кетади. Шу яқин ўртада дала деган жойлар бор. Мен кампир билан қоламан. Улар мени кўчага чиқармайди. Адашиб, уйни тополмай қоласан, бу ерда сени ҳеч ким танимайди, ҳали Худо кўрсатмасин, йўқолиб қолсанг нима қиламан, болам, дейди. Йўқолиб қолишдан ўзим ҳам кўрқаман. Кампирнинг гапи менга ёқади. Бугунми, эртагами ойим билан дадам қидириб келиб қолишларига ишонаман. Кампир ҳовлида ўйнагин, деб кўшни болаларни чақириб беради. Биз болалар билан фақат чиги ўйнаймиз. Алижон акам ёғочдан чиги ясаб берган. Учи учли, орқаси тўмтоқ. Қамчи билан урса, пилдиллаволиб айланади. Алижон акам мени болаларга кўшиб, ўзлари ертўлага тушиб кетади. У ердан анчагача мокининг шарақ-шуруқ овози эшитилиб туради. Унга Алижон акамнинг кўшиғи кўшилади:

Сув келар гулдир-гулдир,

Севганим қизил гулдир.

Сендан ўзгани десам,

Ўлганим ўшал кундир...

Сув келар ахта-ахта,

Сандиғинг чинор тахта.

Сендан ўзгани десам,

Қон ютай лахта-лахта...

Кўшиқ бир вақтлар эшитганим ойижонимнинг алласига ўхшаб

– E, barakalla, yasha, azamat, – dedi Alijon akam meni yoniga tortib, – to'g'ri aytding, o'g'il bolaning ota-onasi bitta bo'ladi, ikkita bo'lmaydi. Qiz bolaning yo'rig'i boshqa. Xo'o'p... Meni Alijon aka desang bo'ladimi, sher? – Alijon akadagi xursandchilik menga ham o'tdi. "Ha", deb iljaydim. – Bularni-chi? Bularni O'lmas opa desang bo'ladimi? – Men endi kulib O'lmas opaga qaradim...

SUV KELAR GULDIR-GULDIR...

Bu uydagilarga ham tez kunda o'rganib qoldim. Meni hadeb ortiqcha erkalatishlari yoqmasdi. Ular qancha ko'p erkalatishsa, shuncha ko'p oyim bilan dadamni sog'inaman. Alijon akam o'rnida dadam, O'lmas opam o'rnida oyim bo'lib qolishini o'ylayman. Unaqa bo'lmasligini ham bilaman. Nuqul yig'lagim keladi. Qani endi meni urishishsa-yu, to'yib-to'yib yig'lab olsam. Alijon akam nuqul erkalatib sher bola deydi. O'lmas opam toy bola deydi. Kampir bo'talog'im deydi...

O'lmas opam har kuni nonushtadan keyin sigirni yetaklab, ketmonni yelkasiga tashlab dalaga ketadi. Shu yaqin o'rtada dala degan joylar bor. Men kampir bilan qolaman. Ular meni ko'chaga chiqarmaydi. Adashib, uyni topolmay qolasan, bu yerda seni hech kim tanimaydi, hali Xudo ko'rsatmasin, yo'qolib qolsang nima qilaman, bolam, deydi. Yo'qolib qolishdan o'zim ham qo'rqaman. Kampirning gapi menga yoqadi. Bugunmi, ertagami oyim bilan dadam qidirib kelib qolishlariga ishonaman. Kampir hovlida o'ynagin, deb qo'shni bolalarni chaqirib beradi. Biz bolalar bilan faqat chigi o'ynaymiz. Alijon akam yog'ochdan chigi yasab bergan. Uchi uchli, orqasi to'mtoq. Qamchi bilan ursa, pildillavolib aylanadi. Alijon akam meni bolalarga qo'shib, o'zlari yerto'laga tushib ketadi. U yerdan anchagacha mokining sharaq-shuruq ovozi eshitilib turadi. Unga Alijon akamning qo'shig'i qo'shiladi:

*Suv kelar guldir-guldir,
Sevganim qizil guldir.
Sendan o'zgani desam,
O'lganim o'shal kundir...
Suv kelar ahta-ahta,
Sandig'ing chinor taxta.
Sendan o'zgani desam,
Qon yutay laxta-laxta...*

Qo'shiq bir vaqtlar eshitganim oyijonimning allasiga o'xshab

кетади. Қанча эшитсам, шунча эшитгим келади. Бир хилда ертўлага тушиб, “гулдир-гулдир”ни айтиб беринг, деб қистайман. Қўшиқнинг сўзларини аллақачоноқ ёдлаб олганман. Ўзимча Алижон акамга ўхшаб айтмоқчи ҳам бўламан.

Ўвлига кампирнинг ўртоқлари тез-тез йиғилиб туради. Улар қари-қари хотинлар. Ҳасса таяниб кириб келишади. Ишком тагидаги сўрига инқиллаб-синқиллаб чиқиб олишади-да, узоқ гаплашиб ўтиришади. Бирдан гапдан тўхтаб, йиғи бошлаб қолишади. Кейин улардан биттаси Қуръон ўқийди. Урушда ўлиб кетганларнинг номларини айтиб, дуо қилишади. Биз ўйинни бас қилиб, чигиларимизни кўйинга уриб, айвон чеккасига тизилиб оламиз. Зум ўтмай кампирлар яна кулиб-кулиб гапга тушиб кетишади. Ҳозиргина йиғи-сиғи қилган одамга ўхшамай қолишади.

Кампирлар менга “Алҳамду” билан “Қулҳу”ни айтқизишни яхши кўради. Эшитиб, бошларини бир томонга эгиб, “им-м-м” деб ўтиришади.

– Кўрдингми, ана, – деб ўртоқларимга мени кўрсатишади, – сенлар-чи, сенлар нимани биласанлар? Туянинг кумалоғини...

Бу гап ўртоқларимга ёқмайди, мени ташлаб, кўчага чопишади. Билафонлик қилганимга пушаймон бўламан. Орқаларидан қараб қоламан. Бир куни кампирлар яна: “Қуръон ўқиб бер”, – деб қистай бошлашди.

– Йўқ, – дедим қайсарлигим тутиб.

– Нима қипти, айта қол, болам...

– Бошқасини айтаман...

– Вой, бошқасиям боракан-ку, Халчахон, – деб бир хотин кампирга қаради. Мен кампирнинг исми Халчахон эканлигини билиб олдим.

– Қани айт-чи, болам, бошқасини, бувинг ўргилсин сендан, ўзи бошқачада бу болам, – деди кампир.

Бошқасини бошлаб юбордим:

Сув келади гулу-у-р... гул-у-у-р...

Яхши кўраман қизил гулу-у-р.

Сендан бошқани дес-а-а-а-м,

Ўламан ўша кун-у-у-р...

Кампирлар бир-бирига қараб ҳайрон бўлишди. Кейин биттаси: – Бунақаси йўғиди, шекилли, болам, бошқатдан айтчи, – деди.

Сув келар ахта-бахт-а-а-а...

Сандиғи чинор тахта-а-а-а.

Сендан бошқани десам,

Қон ютай лахта-лахта-а-а-а...

ketadi. Qancha eshitsam, shuncha eshitgim keladi. Bir xilda yerto'laga tushib, "guldir-guldir"ni aytib bering, deb qistayman. Qo'shiqning so'zlarini allaqachonq yodlab olganman. O'zimcha Alijon akamga o'xshab aytmoqchi ham bo'laman.

Hovliga kampirning o'rtoqlari tez-tez yig'ilib turadi. Ular qari-qari xotinlar. Hassa tayanib kirib kelishadi. Ishkom tagidagi so'riga inqillab-sinqillab chiqib olishadi-da, uzoq gaplashib o'tirishadi. Birdan gapdan to'xtab, yig'i boshlab qolishadi. Keyin ulardan bittasi Qur'on o'qiydi. Urushda o'lib ketganlarning nomlarini aytib, duo qilishadi. Biz o'yinni bas qilib, chigilarimizni qo'yinga urib, ayvon chekkasiga tizilib olamiz. Zum o'tmay kampirlar yana kulib-kulib gapga tushib ketishadi. Hozirgina yig'i-sig'i qilgan odamga o'xshamay qolishadi.

Kampirlar menga "Alhamdu" bilan "Qulhu"ni aytqizishni yaxshi ko'radi. Eshitib, boshlarini bir tomonga egib, "immm" deb o'tirishadi.

– Ko'rdingmi, ana, – deb o'rtoqlarimga meni ko'rsatishadi, – senlar-chi, senlar nimani bilasanlar? Tuyaning qumalog'ini...

Bu gap o'rtoqlarimga yoqmaydi, meni tashlab, ko'chaga chopishadi. Bilag'onlik qilganimga pushaymon bo'laman. Orqalaridan qarab qolaman. Bir kuni kampirlar yana: "Qur'on o'qib ber", – deb qistay boshlashdi.

– Yo'q, – dedim qaysarligim tutib.

– Nima qipti, ayta qol, bolam...

– Boshqasini aytaman...

– Voy, boshqasiyam borakan-ku, Xalchaxon, – deb bir xotin kampirga qaradi. Men kampirning ismi Xalchaxon ekanligini bilib oldim.

– Qani ayt-chi, bolam, boshqasini, buving o'rgilsin sendan, o'zi boshqachada bu bolam, – dedi kampir.

Boshqasini boshlab yubordim:

*Suv keladi guluur... guluur..
Yaxshi ko'raman qizil guluur.
Sendan boshqani desaaam,
O'laman o'sha kunuur...*

Kampirlar bir-biriga qarab hayron bo'lishdi. Keyin bittasi: – Bu-naqasi yo'g'idi, shekilli, bolam, boshqatdan aytchi, – dedi.

*Suv kelar ahta-baxtaaa...
Sandig'i chinor taxtaaaa.
Sendan boshqani desam,
Qon yutay laxta-laxtaaaa...*

Бирдан кампирлар шовқинлаб, кулиб юборишди. Мен ҳайрон бўлдим.

– Дард, – деди кампир менга кўзини олайтириб, – Алижон ҳали сенга шунақаларни ўргатяптими-а, кўлимга тушсин у баттол, соғ кўймайман.

– Йўқ, Алижон акам ўргатмади, – дедим шошиб, – ўзим ўргандим.

– Вой тўтикуш-ей... Сендақа болалар айтмайди бунақа кўшиқни, айб бўлади-я...

БУЗОҚ ЎЙИНИ

Бир куни ҳовлида бир ўзим зерикиб кетдим. Қарасам, бузоқ ҳам зерикиб, маъраб ётибди. Бор, ўйна, деб арқонини бўйнидан бўшатиб юбордим. Бузоқ шунақанги сакраб кетдики... Нақ турган жойида тўрт оёқлаб ирғишлайди. Думини ходала қилиб, бошини у ёққа-бу ёққа ташлаб, кўзларини лўқ қилиб мени сузмоқчи бўлади. Кўрқиб кетдим. Кейин мени кўйиб, ҳовлига чопиб чиқди. Кенг жойда шунақанги шаталоқ отиб ўйноқладики... Йўлида учраган нарсани ағдарди. Самоварни йиқитди, обдасталарни суви билан ағдарди. Чилбчин даранглаб кетди. Кампир ичкариги уйдан ҳай-ҳайлаб чиқиб келди. У мендан хавотир олиб, шошиб ёнимга келди-да, сўрига чиқариб юборди.

– Тушма, болам, шу ерда тур, сузиб олмасин, худди майиб қилади-я. Вой-й-й... бу ҳалитдан қутурибди-ку, новвос дегани ўзи мол эмас. Ҳай, Алижон, қаердасан?..

Алижон акам қаёққадир чиқиб кетган экан. Бувим бузоқни шувало оғилхона томонга ҳайдайди, у бўлса туёқлари билан ҳовлини ўйиб, чангитгани-чангитган. Охири бузоқ ўзини гулзорга урди. Жамбулни жамбул, райхонни райхон демади, бирпасда пайхон қилиб ташлади... Бувим нуқул икки кўли билан ўқталиб: “Вой, ўлди... Вой, ер билан битта бўлди”, – деб хўш-хўшлайди, бузоқча бўлса парвоям қилмайди.

Шу пайт Алижон акам келиб қолди. Бузоқни ҳайдаб солган эди, у ҳовлини бир айланиб, ўзини яна гулзорга урди.

– Вой, Алижон, бунинг қутурибди, – деди кампир кўзлари олақула бўлиб. – Ҳа, қутурибди, ўлай агар...

– Шошманг, ойи, шошманг, уни тек кўйинг. Келинингизга минг марта айтаман маҳкам боғла, деб... Ўзидан кўрсин, – деди гулзорга ачиниб.

Алижон акам оғилхонага кириб, бузоқнинг арқонини олиб чиқди.



Birdan kampirlar shovqinlab, kulib yuborishdi. Men hayron bo'ldim.

– Dard, – dedi kampir menga ko'zini olaytirib, – Alijon hali senga shunaqalarni o'rgatyaptimi-a, qo'limga tushsin u battol, sog' qo'ymayman.

– Yo'q, Alijon akam o'rgatmadi, – dedim shoshib, – o'zim o'rgandim.

– Voy to'tiqush-ey... Sendaqa bolalar aytmaydi bunaqa qo'shiqni, ayb bo'ladi-ya...

BUZOQ O'YINI

Bir kuni hovlida bir o'zim zerikib ketdim. Qarasam, buzoq ham zerikib, ma'rab yotibdi. Bor, o'yna, deb arqonini bo'ynidan bo'shatib yubordim. Buzoq shunaqangi sakrab ketdiki... Naq turgan joyida to'rt oyoqlab irg'ishlaydi. Dumini xoda qilib, boshini u yoqqa-bu yoqqa tashlab, ko'zlarini lo'q qilib meni suzmoqchi bo'ladi. Qo'rqib ketdim. Keyin meni qo'yib, hovliga chopib chiqdi. Keng joyda shunaqangi shataloq otib o'ynoqladiki... Yo'lida uchragan narsani ag'dardi. Samovarni yiqitdi, obdastalarni suvi bilan ag'dardi. Chilobchin daranglab ketdi. Kampir ichkarigi uydan hay-haylab chiqib keldi. U mendan xavotir olib, shoshib yonimga keldi-da, so'riga chiqarib yubordi.

– Tushma, bolam, shu yerda tur, suzib olmasin, xuddi mayib qiladi-ya. Voyyy... bu halitdan quturibdi-ku novvos degani o'zi mol emas. Hay, Alijon, qayerdasan?..

Alijon akam qayoqqadir chiqib ketgan ekan. Buvim buzoqni shuvalo og'ilxona tomonga haydaydi, u bo'lsa tuyoqlari bilan hovlini o'yib, changitgani-changitgan. Oxiri buzoq o'zini gulzorga urdi. Jambulni jambul, rayhonni rayhon demadi, birpasda payhon qilib tashladi... Buvim nuqul ikki qo'li bilan o'qtalib: "Voy, o'ldi... Voy, yer bilan bitta bo'ldi", – deb xo'sh-xo'shlaydi, buzoqcha bo'lsa parvoyam qilmaydi.

Shu payt Alijon akam kelib qoldi. Buzoqni haydab solgan edi, u hovlini bir aylanib, o'zini yana gulzorga urdi.

– Voy, Alijon, buning quturibdi, – dedi kampir ko'zlari ola-kula bo'lib. – Ha, quturibdi, o'lay agar...

– Shoshmang, oyi, shoshmang, uni tek qo'ying. Kelingizga ming marta aytaman mahkam bog'la, deb... O'zidan ko'rsin, – dedi gulzorga achinib.

Alijon akam og'ilxonaga kirib, buzoqning arqonini olib chiqdi.

– Қўлингга эҳтиёт бўл, бирортасини чақирсанг бўлармиди, сенга бўй бермасов, болам. Ҳалитдан пишқиради-я. Бурнига буров соласанми дейман. Ё, тавба...

Мен қилғиликни қилиб, бу ёқда жим қараб турардим. Бунчалик бўлишини қаердан билибман. Ўлмас опам гулларнинг пайҳон бўлганини кўриб йиғлаб юборса керак. Уларга қанақанги қарайдик. Тагини теша билан чопади, челақда сув ташиб суғоради. Кечга томон кўзғаб кўйса, ҳовлини райҳон ҳиди тутади. Энди нима бўлади?

Алижон акам кўлларида арқон билан бузоққа эндигина яқин борган эдилар, у қочиб, яна ҳовли бетига ўйноқлай бошлади. Алижон акамнинг ўнг қўли чап қўлига қараганда калта эди. Урушда ўқ теккан экан. Кампир ҳар доим: “Оғир нарса кўтарма-я”, – деб аяб туради.

– Бўлар иш бўлди, – деди бувим қўл силтаб, – онаси даладан келмагунча тинчимайди энди бу. Ҳамма хархаша ўшанга...

Алижон акам битта бўш челақни олиб, боғ томонга ўтиб кетди. Салда сув олиб келиб ҳовлига кўлоблатиб сепа бошлади. Кейин гулзорда бир нималарни кавшанаётган бузоқни ҳайдаб солди. Бузоқ яна ўзини ҳовлига урди-ю, сув сепилган ерга келганда тўрт оёғи тўрт томонга кетиб, йиқилиб тушди. Кампир икковимиз кулиб юбордик. “Ана жазасига, баттар бўл!” – деди бувим. Алижон акам шуни кутиб турган эканлар, тезда бориб бўйнига арқон солди.

ГАДОЙБОЙ АМАКИ

Ҳар кунгидек яна зерикиш. Кўшни болалар қаергадир чўмилгани боришади. Менинг ичим қизийди. Алижон акам ертўласидан чиқмайди. Шарақ-шуруқ қилиб бўз тўқийди. Ёнларига тушгим келмайди. Ертўланинг ҳиди ёқмайди. Кўчага олиб чиқинг, деб кампирга хархаша қиламан. Кўчага олиб чиқмасангиз бузоқни қўйвораман, деб ўз айбимни ўзим очиб қўйдим. Кампир: “Шунақами”, – деб қўлоғимдан чўзиб қолди. “Бу ҳали сенинг ишингмиди-а, вой баттолей. Ўлмасхон келсин, айтиб бераман, гулларини ким яксон қилганини билиб қўйсин”. Мен шайтон йиғи қилдим.

- Ҳа? – дейди кампир.
- Ўлмас опамга айтманг.
- Бошқа қилмайсанми, болам?
- Қилмайман.



– Qo'lingga ehtiyot bo'l, birortasini chaqirsang bo'larmidi, senga bo'y bermasov, bolam. Halitdan pishqiradi-ya. Burniga burov solasanmi deyman. Yo, tavba...

Men qilg'ilikni qilib, bu yoqda jim qarab turardim. Bunchalik bo'lishini qayerdan bilibman. O'lmas opam gullarning payhon bo'lganini ko'rib yig'lab yuborsa kerak. Ularga qanaqangi qaraydiki. Tagini tesha bilan chopadi, chelakda suv tashib sug'oradi. Kechga tomon qo'zg'ab qo'ysa, hovlini rayhon hidi tutadi. Endi nima bo'ladi?

Alijon akam qo'llarida arqon bilan buzoqqa endigina yaqin borgan edilar, u qochib, yana hovli betida o'ynoqlay boshladi. Alijon akamning o'ng qo'li chap qo'lga qaraganda kalta edi. Urushda o'q tekkan ekan. Kampir har doim: "Og'ir narsa ko'tarma-ya", – deb ayab turadi.

– Bo'lar ish bo'ldi, – dedi buvim qo'l siltab, – onasi daladan kelmaguncha tinchimaydi endi bu. Hamma xarxasha o'shanga...

Alijon akam bitta bo'sh chelakni olib, bog' tomonga o'tib ketdi. Salda suv olib kelib hovliga ko'loblatib sepa boshladi. Keyin gulzorda bir nimalarni kavshanayotgan buzoqni haydab soldi. Buzoq yana o'zini hovliga urdi-yu, suv sepilgan yerga kelganda to'rt oyog'i to'rt tomonga ketib, yiqilib tushdi. Kampir ikkovimiz kulib yubordik. "Ana jazasiga, battar bo'li!" – dedi buvim. Alijon akam shuni kutib turgan ekanlar, tezda borib bo'yniga arqon soldi.

GADOYBOY AMAKI

Har kungidek yana zerikish. Qo'shni bolalar qayergadir cho'milgani borishadi. Mening ichim qiziydi. Alijon akam yer-to'lasidan chiqmaydi. Sharaq-shuruq qilib bo'z to'qiydi. Yonlariga tushgim kelmaydi. Yerto'laning hidi yoqmaydi. Ko'chaga olib chiqing, deb kampirga xarxasha qilaman. Ko'chaga olib chiqmasangiz buzoqni qo'yvoraman, deb o'z aybimni o'zim ochib qo'ydim. Kampir: "Shunaqami", – deb qulog'imdan cho'zib qoldi. "Bu hali sening ishingmidi-a, voy battoley. O'lmasxon kelsin, aytib beraman, gullarini kim yakson qilganini bilib qo'ysin". Men shayton yig'i qildim.

– Ha? – deydi kampir.

– O'lmas opamga aytmang.

– Boshqa qilmaysanmi, bolam?

– Qilmayman.

– Бўпти, айтмайман, сўзим – сўз, аммо сен бунақа шумтака бўлма ҳалитдан, хўпми?

– Хўп!

Шу куни кампир мени кўчага олиб чиқди. Қўл ушлашиб дўконга бордик. Дўкон катта кўчанинг нариги тарафида экан. Кампир кўчадан ўтаётиб бир оёғининг тагига, бир кўчанинг адоғига қараб ҳайрон бўлди-да, “Уни қаранглар-а”, – деб қўйди. Кўчага сақич тўкилган, болалар сақичини чўпакда кавлаб олиб, чайнаш билан овора бўларди. Кампир икковимиз дўконга кириб бордик. Бурнимга ширин бир нималарнинг ҳиди урилди.

– Ассалому алайкум, холажон, – дўконнинг қаеридандир эркак кишининг овози келди.

– Ва алайкум ассалом, яхшимисан, Гадейбой болам, мана, биз келдик...

Мен овоз эгасини ҳалиям тополмаётган эдим. Бир маҳал пештахта тагидан ҳали у оёғини судраб, ҳали бу оёғини судраб боши хумдек пак-пакана бир одам чиқиб келди. Қўллари узу-у-у-н, ерга тегай деб турибди. Кўзлари ирғиб чиққан, бадбашара. Қўрқиб кетдим. У кўришиш учун кампирга елка тутди. Кампир у билан энгашиб кўришди. Кейин у қўлини менга чўзди. Мен қўлимни орқамга беркитдим. Нимагадир қўл чўзгим келмади.

– Боқиб олган болангиз шуми? – деди у қўлини тортиб олиб. – Фирт бўривачча-ку... – У шапалоқдек тилини чиқариб, кўзларини менга ола-кула қилди. – Сўрашишни ҳам билмайди.

Мен ҳам унга иягимни найза қилиб хунук қараб қўйдим. Бўйи мендан салгина баланд эди.

– Ҳа, яхшилаб таниб ол менинг боламини, – деди кампир. – Бирон нарсага чиқарсам, танимасни сийламас қилиб юрма тагин.

– Олинг-а, ўзимникидан урмасам кимникидан ураман, хола, – кулди дўкончи...

– Дард, Худонинг шунча уриб қўйгани камми? – деб кампир дўкончининг ёғоч оёқларига қаради.

– Алижон жўрам юрибдими, бундоқ қорасиниям кўрсатай демайди, – деди у гапни бошқа ёққа буриб.

– Юрибди, тирикчилик...

– Ҳалиям кафанлик тўқиб ётибдими жўрам?

– Нима қипти тўқиса?

– Бўлди-да... уруш тугади-ку, холажон. Энди бу ёғига тўйбоп нарсалар тўқисин... Бир жўра, икки жўра атлас бўлса, жа кетади-да, ўзим пуллаб бераман...

– Гапингни қара-ю, уруш тугагани билан Худонинг ажали тугар эканми? Қимирлаган одам борки, бир кун ўлади. Кафанлик

– Bo'пти, aytmayman, so'zim – so'z, ammo sen bunaqa shumtaka bo'lma halitdan, xo'pmi?

– Xo'p!

Shu kuni kampir meni ko'chaga olib chiqdi. Qo'l ushlab do'konga bordik. Do'kon katta ko'chani narigi tarafida ekan. Kampir ko'chadan o'tayotib bir oyog'ining tagiga, bir ko'chani adog'iga qarab hayron bo'ldi-da, "Uni qaranglar-a", – deb qo'ydi. Ko'chaga saqich to'kilgan, bolalar saqichini cho'pakda kavlab olib, chaynash bilan ovora bo'lardi. Kampir ikkovimiz do'konga kirib bordik. Burnimga shirin bir nimalarning hidi urildi.

– Assalomu alaykum, xolajon, – do'konning qayeridandir erkak kishining ovozi keldi.

– Va alaykum assalom, yaxshimisan, Gadoyboy bolam, mana, biz keldik...

Men ovoz egasini haliyam topolmayotgan edim. Bir mahal peshtaxta tagidan hali u oyog'ini sudrab, hali bu oyog'ini sudrab boshi xumdek pak-pakana bir odam chiqib keldi. Qo'llari uzuuun, yerga tegay deb turibdi. Ko'zlari irg'ib chiqqan, badbashara. Qo'rqib ketdim. U ko'rishish uchun kampirga yelka tutdi. Kampir u bilan engashib ko'rishdi. Keyin u qo'lini menga cho'zdi. Men qo'limni orqamga berkitdim. Nimagadir qo'l cho'zgm kelmadi.

– Boqib olgan bolangiz shum? – dedi u qo'lini tortib olib. – G'irt bo'rivachcha-ku... – U shapaloqdek tilini chiqarib, ko'zlarini menga ola-kula qildi. – So'rashishni ham bilmaydi.

Men ham unga iyagimni nayza qilib xunuk qarab qo'ydim. Bo'yi mendan salgina baland edi.

– Ha, yaxshilab tanib ol mening bolamni, – dedi kampir. – Biron narsaga chiqarsam, tanimasni siylamas qilib yurma tag'in.

– Oling-a, o'zimiridan urmasam kimnikidan uraman, xola, – kuldi do'konchi...

– Dard, Xudoning shuncha urib qo'ygani kammi? – deb kampir do'konchining yog'och oyoqlariga qaradi.

– Alijon jo'ram yuribdimi, bundoq qorasiniyam ko'rsatay demaydi, – dedi u gapni boshqa yoqqa burib.

– Yuribdi, tirikchilik...

– Haliyam kafanlik to'qib yotibdimi jo'ram?

– Nima qipti to'qisa?

– Bo'ldi-da... urush tugadi-ku, xolajon. Endi bu yog'iga to'ybop narsalar to'qisin... Bir jo'ra, ikki jo'ra atlas bo'lsa, ja ketadi-da, o'zim pullab beraman...

– Gapingni qara-yu, urush tugagani bilan Xudoning ajali tugar ekanmi? Qimirlagan odam borki, bir kun o'ladi. Kafanlik o'likkayam,

ўликкаям, тириккаям керак. Олиб қўйсанг, умр тила-а-а-б ётади. Ҳай майли, ўзинг тузукмисан?

– Юрибман, холажон, иккита тўнкани судраб, – деб дўкончи иккала ёғоч оёғига қараб қўйди.

– Ношукур бўлма, ўлиб кетганингда нима бўларди, болаларингнинг кунига яраб турибсан-ку...

– Хўп, холажон, нима берай, эрталабдан бери пашша кўриб ўтирибман, савдо ўлган...

– Ҳеч нима берма, мен боламга дўконингни кўрсатгани кирдим, – деб кампир менга қаради. – Бу амакинг Алижон акангнинг жўраси бўлади. Яхшилаб таниб ол...

Дўкончи: “Ҳа, яхшилаб таниб ол”, – дегандек афт-башарасини тасқара қилиб яна қилиқ қилди.

– Оти Гадойбой, – деди кампир дўкондаги нарсаларга синчковлаб қарар экан.

Дўкончи хумдек бошини менга қараб лиқиллатиб кулди:

– Ҳам гадойман, ҳам бойман... Дўконга кириб чақирсанг бўлди, жиян, каламушга ўхшаб у ер-бу еридан чиқиб келаверман, – деб икки бармоғини кўзимга ўқталди. – Ҳаҳ, бунингизнинг кўзи бунча қаттиқ, тешворай дейди-я одамни, – деди у зорланиб. Мен дўкондаги ширалар ҳидидан оғзим сув очиб зўрға турардим.

– Сув... сув ичаман, – дедим кампирга.

Кампир дўкончига қаради. Дўкончи менга пештахтанинг орқасини кўрсатди-да, ўзи бувим билан бир нарсаларни гаплашиб қолди. Ичкарига ўтсам, челақнинг балдоғига кружка илиб қўйилган экан. Олиб челақка ботирган эдим, сув тўлиб чиқди. Муздек, ичиб маза қилдим. Аммо кружкадаги сувни охиригача ича олмадим. Қолганини челақка қайтариб қўйгим келмади. Табиб энам сувни ҳаром қиласан, деб уришарди. Қолган сувни шундоқ оёқ тагига сепиб юбора қолдим. Сепдим, бузоқнинг сирпаниб йиқилганини эслаб баттар кўрқиб кетдим. Бу пайтда кампир дўкончига гап берарди:

– Анави кўчани айтаманда, Гадойбой болам, шундан шунга сақич тўкиб чиқишармикан-а... Озмунчами? Ўҳ-хў-ў-ў...

– Ишлар катта, холажон, – деди дўкончи кампирга пастдан қараб, – Қовунчидан то Тошкангача шунақа сақич йўл бўлар экан, аристонлар кечасию кундузи ишлаб ётибди.

– Тавба, сақич йўл нима қилиб бераркан, оддий йўл бўлмас эканми?

– Исталин келаркан-да, Исталин, шунга.

– Ҳа-а-а... шунақа дегин?

– Шунақа...



tirikkayam kerak. Olib qo'ysang, umr tila'ab yotadi. Hay mayli, o'zing tuzukmisan?

– Yuribman, xolajon, ikkita to'nkani sudrab, – deb do'konchi ikkala yog'och oyog'iga qarab qo'ydi.

– Noshukur bo'lma, o'lib ketganingda nima bo'lardi, bolalarining kuniga yarab turibsan-ku...

– Xo'p, xolajon, nima beray, ertalabdan beri pashsha qo'rib o'tiribman, savdo o'lgan...

– Hech nima berma, men bolamga do'koningni ko'rsatgani kirdim, – deb kampir menga qaradi. – Bu amaking Alijon akangning jo'rasi bo'ladi. Yaxshilab tanib ol...

Do'konchi: "Ha, yaxshilab tanib ol", – degandek aft-basharasini tasqara qilib yana qiliq qildi.

– Oti Gadoyboy, – dedi kampir do'kondagi narsalarga sinchkovlab qarar ekan.

Do'konchi xumdek boshini menga qarab liqillatib kuldi:

– Ham gadoyman, ham boyman... Do'konga kirib chaqirsang bo'ldi, jiyan, kalamushga o'xshab u yer-bu yeridan chiqib kelaveraman, – deb ikki barmog'ini ko'zimga o'qtaldi. – Hah, buningizning ko'zi buncha qattiq, teshvoray deydi-ya odamni, – dedi u zorlanib. Men do'kondagi shiralar hididan og'zim suv ochib zo'rg'a turardim.

– Suv... suv ichaman, – dedim kampirga.

Kampir do'konchiga qaradi. Do'konchi menga peshtaxtaning orqasini ko'rsatdi-da, o'zi buvim bilan bir narsalarni gaplashib qoldi. Ichkariga o'tsam, chelakning baldog'iga krujga ilib qo'yilgan ekan. Olib chelakka botirgan edim, suv to'lib chiqdi. Muzdek, ichib maza qildim. Ammo krujkadagi suvni oxirigacha icha olmadim. Qolganini chelakka qaytarib quygim kelmadi. Tabib enam suvni harom qilasan, deb urishardi. Qolgan suvni shundoq oyoq tagiga sepib yubora qoldim. Sepdim-u, buzoqning sirpanib yiqilganini eslab battar qo'rqib ketdim. Bu paytda kampir do'konchiga gap berardi:

– Anavi ko'chani aytamanda, Gadoyboy bolam, shundan shunga saqich to'kib chiqisharmikan-a... Ozmunchami? O'hho'o'o'...

– Ishlar katta, xolajon, – dedi do'konchi kampirga pastdan qarab, – Qovunchidan to Toshkangacha shunaqa saqich yo'l bo'lar ekan, aristonlar kechasi-yu kunduzi ishlab yotibdi.

– Tavba, saqich yo'l nima qilib berarkan, oddiy yo'l bo'lmas ekanmi?

– Istalin kelarkan-da, Istalin, shunga.

– Haaa... shunaqa degin?

– Shunaqa...

Биз кампир билан дўкондан чиқаётганимизда орқамизда бир нима гурсиллаб кетди. Гадойбой ака бўғилиб сўкинди...

– Ҳа, болам, тинчликми, – деди кампир орқасига ўгирилиб.

– Эртага етимчангизни олдимга чиқарворинг, атаганимни бервораман, – деб бақирди Гадойбой ака.

Мен у ёқда нималар бўлганини тушуниб, юринг-юринглаб кампирни қистадим...

САРТАРОШ

Дўкондан чиқиб, сочимни олдимокчи бўлдик. Узун, оппоқ соқолли сартарош тол тагида бир кишини тўнкарилган эски пақирга ўтқазиб, сочини олар эди. Кутиб турдик. Сартарош кампир билан сенсираб сўрашди. Кампир ҳам: "Қиз ўртоқ, юрибсанми", – деб сенлади. Сартарош мени ҳам пақирга ўтқазиб қўйиб, оғзидан сув пуркаб сочимни юмшатишга тушди. Кампир сал нарида ёпинчиғи тагидан ёнбош қараб ўтирди. Улар мен тушунмайдиган бир нималар ҳақида гапиришар, сартарош соқолини селкиллаб қулар эди.

– Халча, – деди сартарош, – бу етимчангнинг боши тошданми дейман, эзиб, пўла қиворсам ҳам ғиринг демайди-я, хувори.

– Етимча дема, тилинг кесилгур...

– Етимча бўлмай нима, ахир, жа-а-а гўрингга мармар тош қўяди дейсанми?

– Балки қўяр.

– Қўяди-я қўяди! Эшитмаганмисан, етим қўзи асрасанг оғзи бурнингни мой этар, етим бола асрасанг оғзи бурнингни қон этар, деганларини...

– Бекорларни айтибсан, – чолни бошқа гапиртирмади кампир, – Пайғамбаримиз етимларни яхши кўрганлар, азбаройи бир етимчага туя ҳам бўлганлар...

– Шундайку-я...

Мен ҳалидан бери сартарошнинг кўйлаги тагидан чиқиб турган бир боғични ҳимариб, ўйнаб ўтирган эдим. Унинг гаплари алам қилибми, нимагадир ҳалиги боғични тортиб юбордим. Қайдан билибман, у сартарошнинг иштонбоғи эканини. Иштонни "шир" этиб тушиб кетди. "Ваҳ", – деб сартарош бошимга бир шапалоқ туширди-ю, иштонини кўтарганича дўконга қараб югуриб кетди. Иштонбоғи қўлимда қолди. Кампир кўриб турган экан, пиқирлаб кулиб юборди. Мен ҳам ўзимни тутолмай қулар эдим. Атайлаб қилмадим-да, ахир...

Biz kampir bilan do'kondan chiqayotganimizda orqamizda bir nima gursullab ketdi. Gadoyboy aka bo'g'ilib so'kindi...

– Ha, bolam, tinchlikmi, – dedi kampir orqasiga o'girilib.

– Ertaga yetimchangizni oldimga chiqarvoring, ataganimni bervoraman, – deb baqirdi Gadoyboy aka.

Men u yoqda nimalar bo'lganini tushunib, yuring-yuringlab kampirni qistadim...

SARTAROSH

Do'kondan chiqib, sochimni oldirmoqchi bo'ldik. Uzun, oppoq soqolli sartarosh to' tagida bir kishini to'nkarilgan eski paqirga o'tqazib, sochini olar edi. Kutib turdik. Sartarosh kampir bilan sensirab so'rashdi. Kampir ham: "Qiz o'rtoq, yuribsanmi", – deb senladi. Sartarosh meni ham paqirga o'tqazib qo'yib, og'zidan suv purkab sochimni yumshatishga tushdi. Kampir sal narida yopinchi'gi tagidan yonbosh qarab o'tirdi. Ular men tushunmaydigan bir nimalar haqida gapirishar, sartarosh soqolini selkillatib kular edi.

– Xalcha, – dedi sartarosh, – bu yetimchangni boshi toshdanmi deyman, ezib, po'la qivorsam ham g'iring demaydi-ya, huvori.

– Yetimcha dema, tiling kesilgur...

– Yetimcha bo'lmay nima, axir, jaaa go'ringga marmar tosh qo'yadi deysanmi?

– Balki qo'yar.

– Qo'yadi-ya qo'yadi! Eshitmaganmisan, yetim qo'zi asrasang og'zi-burningni moy etar, yetim bola asrasang og'zi burningni qon etar, deganlarini...

– Bekorlarni aytibsan, – cholni boshqa gapirtirmadi kampir, – Payg'ambarimiz yetimlarni yaxshi ko'rganlar, azbaroyi bir yetimchaga tuya ham bo'lganlar...

– Shundayku-ya...

Men halidan beri sartaroshning ko'ylagi tagidan chiqib turgan bir bog'ichni himarib, o'ynab o'tirgan edim. Uning gaplari alam qilibmi, nimagadir haligi bog'ichni tortib yubordim. Qaydan bilibman, u sartaroshning ishtonbog'i ekanini. Ishtoni "shir" etib tushib ketdi. "Vah", – deb sartarosh boshimga bir shapaloq tushirdi-yu, ishtonini ko'targanicha do'konga qarab yugurib ketdi. Ishtonbog'i qo'limda qoldi. Kampir ko'rib turgan ekan, piqirlab kulib yubordi. Men ham o'zimni tutolmay kular edim. Ataylab qilmadim-da, axir...

– Ташла кўлингдаги исқотини, – деди кампир афтини бужмай-тириб, – ҳе, қуриб кетсин...

Кампир икковимиз бу ердан ҳам тезда жўнадик. Қассобдан бир шапалоқ гўшт олиб уйга қайтдик. Кампир кела-келгунча иштонбоғ воқеасини эслабми, кула-кула келди. Кейин қайчи билан сочимни ўзи олиб қўйди.

ЁТГА ЁВ ЁПИШАР

Ниҳоят, кампир мени кўчадаги болаларга кўшди. Арқонидан бўшаган бузоқдек бир яйраб кетдим, бир яйраб кетдим... Табиб энам мени тахтакачдан бўшатганида ҳам шунақа бўлган эдим. Қанот қоқиб осмонларга учган эдим. Шу топда мен сақичлар тўкиб ташланган катта кўчага чиққим келарди. Янги ўртоқларим мени дала томонга бошлади. Буниси яна ҳам яхши бўлди. Далада Ўлмас опамни кўраман. Мени кўриб роса ҳайрон бўлса керак... Ёлғизоёқ йўлдан бирин-кетин тизилишиб борамиз. Икки ёнимиз ям-яшил дала, бир нималар экилган. Ғир-ғир шамол эсади. Маза... Қайдадир узоқ-узоқларда итлар ҳуради. Болаларнинг олдига тушиб чопгим келади. Улар мени олдинга ўтказишмайди. Бир маҳал болалар сўқмоқдан бурилиб ўзларини бировнинг экинзорига урди. Устидаги кўк ўтларини юлиб, тупроқ ичидан бир нималар қидиришди. Зўлдирга ўхшаган нарсаларни топиб, чўнтакка уришди. Шу пайт яқингинада ит ҳурди. Ўртоқларим келган томонга қараб қочиб қолишди. Ҳеч нима қилмасам ҳам бир амаки мени ушлаб олди. Жаҳл билан силталаб, сўкинди. Кейин мени болалар кетган томонга қараб судради. Оёқларим чалишиб, йиқилиб, сурилиб, дўқиллаб бораман. Нимадир ёмон иш бўлган эди.

– Ҳей, кимнинг боласисан? – деб менга бақирди амаки.

Мен бу ерда ҳеч кимнинг боласи эмаслигимни билардим. Шунга индамадим.

– Уйинг қаёқда деяпман?

Менинг уйим йўқлигини ҳам билардим. Яна индамадим. Амаки "айтасанми, йўқми" дегандек билагимни баттар қисди. Жоним оғриди, хўрлигим келди. Аммо додламадим. Кўча бошида бизни мен танимайдиган бошқа болалар ўраб олишди.

– Бу кимнинг боласи? – деб амаки улардан сўради.

– У егимча...

– Етимча, етти кулча... – чувиллашди болалар.

– Шунақами?!

Ҳалиги одам бирдан кўлимни кўйворди. Менга ғалати қилиб қаради. Ҳозиргина силталаган кўли билан бошимни силамоқчи



– Tashla qo'lingdagi isqotini, – dedi kampir aftini bujmaytirib, – he, qurib ketsin...

Kampir ikkovimiz bu yerdan ham tezda jo'nadik. Qassobdan bir shapaloq go'sht olib uyga qaytdik. Kampir kela-kelguncha ishtonbog' voqeasini eslabmi, kula-kula keldi. Keyin qaychi bilan sochimni o'zi olib qo'ydi.

YOTGA YOV YOPISHAR

Nihoyat, kampir meni ko'chadagi bolalarga qo'shdi. Arqonidan bo'shagan buzoqdek bir yayrab ketdim, bir yayrab ketdim... Tabib enam meni taxtakachdan bo'shatganida ham shunaqa bo'lgan edim. Qanot qoqib osmonlarga uchgan edim. Shu topda men saqichlar to'kib tashlangan katta ko'chaga chiqqim kelardi. Yangi o'rtoqlarim meni dala tomonga boshladi. Bunisi yana ham yaxshi bo'ldi. Dalada O'lmas opamni ko'raman. Meni ko'rib rosa hayron bo'lsa kerak... Yolg'izoyoq yo'ldan birin-ketin tizilishib boramiz. Ikki yonimiz yam-yashil dala, bir nimalar ekilgan. G'ir-g'ir shamol esadi. Maza... Qaydadir uzoq-uzoqlarda itlar huradi. Bolalarning oldiga tushib chog'im keladi. Ular meni oldinga o'tkazishmaydi. Bir mahal bolalar so'qmoqdan burilib o'zlarini birovning ekinzoriga urdi. Ustidagi ko'k o'tlarini yulib, tuproq ichidan bir nimalar qidirishdi. Zo'ldirga o'xshagan narsalarni topib cho'ntakka urishdi. Shu payt yaqinginada it hurdi. O'rtoqlarim kelgan tomonga qarab qochib qolishdi. Hech nima qilmasam ham bir amaki meni ushlab oldi. Jahl bilan siltalab, so'kindi. Keyin meni bolalar ketgan tomonga qarab sudradi. Oyoqlarim chalishib, yiqilib, surilib, do'qillab boraman. Nimadir yomon ish bo'lgan edi.

– Hey, kimning bolasisan? – deb menga baqirdi amaki.

Men bu yerda hech kimning bolasi emasligimni bilardim. Shunga indamadim.

– Uying qayoqda deyapman?

Mening uyim yo'qligini ham bilardim. Yana indamadim. Amaki "aytasanmi, yo'qmi" degandek bilagimni battar qisdi. Jonim og'ridi, xo'rligim keldi. Ammo dodlamadim. Ko'cha boshida bizni men tani-maydigan boshqa bolalar o'rab olishdi.

– Bu kimning bolasi? – deb amaki ulardan so'radi.

– U yetimcha...

– Yetimcha, yetti kulcha... – chuvullashdi bolalar.

– Shunaqami?!

Haligi odam birdan qo'limni qo'yvordi. Menga g'alati qilib qaradi. Hozirgina siltalagan qo'li bilan boshimni silamoqchi bo'ldi. Men

бўлди. Мен жаҳл билан ўзимни олиб қочдим-да, чопа кетдим. У орқамдан: “Ҳой, тўхта”, – деганича қолаверди. Уйга келиб роса йиғладим. Ухлаб қолибман. Тушимда ойимни кўрибман. Улар мени ачомлаб, эркалатарди. Кўзимни очсам, кампир тепамда бошимни силаб ўтирибди.

Шу воқеадан кейин кўчага чиққим келмай қолди. Болаларнинг: “Етимча, етти кулча, етимча, етти кулча”, деганлари, анави амакининг менга бўшашиб қараганлари ёдимга тушаверди. Етимча бўлиб қолганимга ишонгим келмасди. Хаёлимда мана-мана, ҳозироқ дадам ёки ойим мени қидириб дарвозадан кириб келадигандек бўлаверарди.

Ҳар куни ҳовлида Ўлмас опамни даладан келишини соғиниб кутаман. Улар даладан келиб овқат қилади, сигир соғади. Кейин мени тоғорада чўмилтириб, ёнимга ётиб, мендан олдин ухлаб қолади. Мен ойимни соғиниб Ўлмас опамнинг бағрига тикиламан.

ДАЛАДА

Бир куни кампир Ўлмас опамга: “Кўча болаларига кўшила олмаяпти, уйда ўтиравериб уйқизи бўлиб қолди, буниям далага олиб бор, шамоллаб келсин”, – деб қолди. Буни Ўлмас опам ҳам хоҳлаб турган эканми, менга кулиб қараб кўйди. Мен: “Олиб бора қолинг”, деб Ўлмас опамга ёпишдим. “Айтганимдан чиқмасанг обораман”, – деди Ўлмас опам. “Бўпти”. Сигирни етаклаб йўлга тушдик. Бузоқнинг онасига эргашиб мў-ў-мў-ўлаши анча жойгача эшитилиб турди. Унга ачиниб кетдим. Бузоқ ҳам энди менга ўхшаб онаси келгунча етимча бўлиб туради.

Далада хотинлар бир нималарни чопиқ қилишарди. Кетмонлари офтобда ярқ-юрқ қилиб кетарди. Ўлмас опам сигирни бир тутга боғлаб, кетмонни ҳам ўша ерда қолдириб, мени бир жойга бошлаб кетди. Биз беланчаклар осилган жойга бордик. Чақалоқлар кўп экан. Бири йиғлаб, бири кўярди. Бир бола у ёқдан бу ёққа машина бўлиб чопиб юрарди. Бир хотин ҳали у беланчакни, ҳали бу беланчакни тебратиб, овозини баландлатиб алла айтарди.

– Вой, ширинтойни обкелдингизми, бунча яхши, попук-деккина-я, менга қарашади-да, а, ке, ма, болам, мановини терват, бирам жағи очикки, – деди у менга тикилиб.

Мен иш топила қолганига суюниб, беланчакни тебратишга тушдим. Чақалоқ бирдан йиғламай қолди.

– Вой, ана, кўлинг ёқди, болам. Ҳалидан бери чириллайвериб қон қилиб юборди-я, қон. Бўлмаса онаси ҳозиргина эмизиб кетди.

jahl bilan o'zimni olib qochdim-da, chopa ketdim. U orqamdan: "Hoy, to'xta", – deganicha qolaverdi. Uyga kelib rosa yig'ladim. Uxlab qolibman. Tushimda oyimni ko'ribman. Ular meni achomlab, erkalatardi. Ko'zimni ochsam, kampir tepamda boshimni silab o'tiribdi.

Shu voqeadan keyin ko'chaga chiqqim kelmay qoldi. Bolalarning: "Yetimcha, yetti kulcha, yetimcha, yetti kulcha", deganlari, anavi amakining menga bo'shashib qaraganlari yodimga tushaverdi. Yetimcha bo'lib qolganimga ishongim kelmasdi. Xayolimda mana-mana, hoziroq dadam yoki oyim meni qidirib darvozadan kirib kelayotgandek bo'laverardi.

Har kuni hovlida O'lmas opamni daladan kelishini sog'inib kutaman. Ular daladan kelib ovqat qiladi, sigir sog'adi. Keyin meni tog'orada cho'miltirib, yonimga yotib, mendan oldin uxlab qoladi. Men oyimni sog'inib O'lmas opamning bag'riga tiqilaman.

DALADA

Bir kuni kampir O'lmas opamga: "Ko'cha bolalariga qo'shila olmayapti, uyda o'tiraverib uyqizi bo'lib qoldi, buniyam dalaga olib bor, shamollab kelsin", – deb qoldi. Buni O'lmas opam ham xohlab turgan ekanmi, menga kulib qarab qo'ydi. Men: "Olib bora qoling", – deb O'lmas opamga yopishdim. "Aytganimdan chiqmasang obo-raman", – dedi O'lmas opam. "Bo'пти". Sigirni yetaklab yo'lga tushdik. Buzoqning onasiga ergashib mo'o'-mo'o'lashi ancha joygacha eshitilib turdi. Unga achinib ketdim. Buzoq ham endi menga o'xshab onasi kelguncha yetimcha bo'lib turadi.

Dalada xotinlar bir nimalarni chopiq qilishardi. Ketmonlari oftobda yarq-yurq qilib ketardi. O'lmas opam sigirni bir tutga bog'lab, ketmonni ham o'sha yerda qoldirib, meni bir joyga boshlab ketdi. Biz belanchaklar osilgan joyga bordik. Chaqaloqlar ko'p ekan. Biri yig'lab, biri qo'yardi. Bir bola u yoqdan bu yoqqa mashina bo'lib chopib yurardi. Bir xotin hali u belanchakni, hali bu belanchakni tebratib, ovozini balandlatib alla aytardi.

– Voy, shirintoyni obkeldingizmi, buncha yaxshi, popukdekkina-ya, menga qarashadi-da, a, ke, ma, bolam, manovini tervat, biram jag'i ochiqki, – dedi u menga tikilib.

Men ish topila qolganiga suyunib, belanchakni tebratishga tushdim. Chaqaloq birdan yig'lamay qoldi.

– Voy, ana, qo'ling yoqdi, bolam. Halidan beri chirillayverib qon qilib yubordi-ya, qon. Bo'lmasa onasi hozirgina emizib ketdi.

– Сен шу ерда ўйна, – деб Ўлмас опам мени қолдириб, орқасига қайрилиб кета бошлади. Мен унамадим. Орқасидан эргашсам, индамади.

Ўлмас опам кетмон чопар, ўтлар орасидан нимжон бир ўсимликни ажратиб, бағрига тупроқ тортар (кейин билсам бу ғўза экан), печакларни тўплаб, сигирга олиб чиқиб берарди. Мен ҳам сигирга ўт таший бошладим. Ҳар сафар ўт олиб келганимда сигир олдингисини паққос тугатиб, менга бўй чўзиб турарди.

Тушлик пайтида хотинлар мени ўраб олишди.

– Вой, бу боланинг қоши мунча чиройли, мўйчинакда териб кўйганми биров...

– Пешанасиям кенгина экан, катта бўлса раис бўлади...

– Қаранглар-а, Ўлмасхон деганлар экмай-тикмай ўғиллик ҳам бўлиб олибдими, муборак бўлсин, муборак.

– Муборакмиш, жа гапирасиз-да, – деди битта хотин кулиб, – ит бўлсаям ўзинг туққанингга нима етсин.

Ҳозиргина кулиб-кулиб, яйраб-яйраб ўтирган Ўлмас опам бирдан ерга қараб олди.

– Бундоқ зоти-насабини сўраб-суриштирдиларингми, ишқилиб, ҳароми бўлмасин тағин? – деди ҳалиги хотин.

Шу пайт ғалати бўлди. Жим ўтирган Ўлмас опам бирдан ҳалиги хотинга ташланиб, дўппослай бошлади. Мен кўрқиб, додлаб юбордим. Уруш мен туфайли бўлганини билардим. Хотинлар ажратиб кўйишди.

– Ўзингдан ўтди, ўзингдан, ҳа, тилинг қурсин, – деб анави хотинни ҳар томондан ўртага олишди.

Ўлмас опам мени етаклаб чопиқ қилаётган жойга қараб кетди. Кўзлари жикқа ёш. Мен ҳам ёнида ҳиқиллаб бораман. Хотинлар турган жойдан қанча узоқлаб кетсак, шунча яхши, деб ўйлайман. Бирдан Ўлмас опам дала ичида чўк тушиб, мени бағрига босди.

– Кўрқмадингми?

Мен бош чайқадим. Ўлмас опамнинг кўзларидан дув ёшлар тўкилди. Бўғилиб-бўғилиб йиғлади. Кўз ёшларидан кўйлагим хўл бўлди. Кўлим билан юзини силадим. Ўлмас опам кўлимни чўлпиллатиб ўпди. Кейин тепага қараб зорланди: "Э Худо, менга ҳам бола бер, анави хотинларнинг олдида юзимни ёруғ қил!"

Ўлмас опам офтоб урмасин деб печакдан бошимга саллача қилиб берди. Шундоғам офтоб қиздирмас, ғир-ғир ёқимли шамол эсар эди. Ўлмас опам атайлаб, бошқалар эшитсин деб кўшиқ айтиб чопиқ қилди. Мен сигирга ўт ташийвердим. Кун ботмай уйга жўнадик.

– Sen shu yerda o'yna, – deb O'lmas opam meni qoldirib, orqasiga qayrilib keta boshladi. Men unamadim. Orqasidan ergashsam, indamadi.

O'lmas opam ketmon chopar, o'tlar orasidan nimjon bir o'simlikni ajratib, bag'riga tuproq tortar (keyin bilsam bu g'o'za ekan), pechaklarni to'plab, sigirga olib chiqib berardi. Men ham sigirga o't tashiy boshladim. Har safar o't olib kelganimda sigir oldingisini paqqos tugatib, menga bo'y cho'zib turardi.

Tushlik paytida xotinlar meni o'rab olishdi.

– Voy, bu bolaning qoshi muncha chiroyli, mo'ychinakda terib qo'yganni birov...

– Peshanasiyam kenggina ekan, katta bo'lsa rais bo'ladi...

– Qaranglar-a, O'lmasxon deganlar ekmay-tikmay o'g'illik ham bo'lib olibdimi, muborak bo'lsin, muborak.

– Muborakmish, ja gapirasiz-da, – dedi bitta xotin kulib, – it bo'lsayam o'zing tuqqaningga nima yetsin.

Hozirgina kulib-kulib, yayrab-yayrab o'tirgan O'lmas opam birdan yerga qarab oldi.

– Bundoq zoti-nasabini so'rab-surishtirdilaringmi, ishqilib, haromi bo'lmasin tag'in? – dedi haligi xotin.

Shu payt g'alati bo'ldi. Jim o'tirgan O'lmas opam birdan haligi xotinga tashlanib, do'pposlay boshladi. Men qo'rqib, dodlab yubordim. Urush men tufayli bo'lganini bilardim. Xotinlar ajratib qo'yishdi.

– O'zingdan o'tdi, o'zingdan, ha, tiling qursin, – deb anavi xotinni har tomondan o'rtaga olishdi.

O'lmas opam meni yetaklab chopiq qilayotgan joyga qarab ketdi. Ko'zlari jiqqa yosh. Men ham yonida hiqillab boraman. Xotinlar turgan joydan qancha uzoqlab ketsak, shuncha yaxshi, deb o'ylayman. Birdan O'lmas opam dala ichida cho'k tushib, meni bag'riga bosdi.

– Qo'rqmadingmi?

Men bosh chayqadim. O'lmas opamning ko'zlaridan duv yoshlar to'kildi. Bo'g'ilib-bo'g'ilib yig'ladi. Ko'z yoshlaridan ko'ylagim ho'l bo'ldi. Qo'lim bilan yuzini siladim. O'lmas opam qo'limni cho'lpillatib o'pdi. Keyin tepaga qarab zorlandi: “E Xudo, menga ham bola ber, anavi xotinlarning oldida yuzimni yorug' qil!”

O'lmas opam oftob urmasin deb pechakdan boshimga sallacha qilib berdi. Shundog'am oftob qizdirmas, g'ir-g'ir yoqimli shamol esar edi. O'lmas opam ataylab, boshqalar eshitsin deb qo'shiq aytib chopiq qildi. Men sigirga o't tashiyverdim. Kun botmay uyga jo'nadik.

Ўлмас опам: “Сигирни шу боқди”, – деб кампирга мени мақтади.

– Ўғил бола ўзи шунақа бўлади, қаерда бўлсаям нонини ҳалоллаб ейди, – деди кампир. Бу гап менга жудаям ёқди.

Ҳар кунни Ўлмас опамдан олдин туриб олиб, далага юринг, деб қистайман. Дала яхши. Ўлмас опамга човгумда ариқдан муздек сув олиб бориб бераман. Бошқа хотинлар ҳам олиб кел, дейишади. Уларга ҳам олиб бораман. Хотинлар салқин жойга тўпланиб кўшиқ айтишади, биттаси менинг дўппимни кийиб, белини боғлаб, эркакча ўйинга тушади. Офтоб ерга оғиб, тутлар сояси чўзилгандан чўзилиб боради. Ўтдан тозаланган нимжон ғўзалар яйраб кўринади. Сигирлар уйни соғиниб мў-ў-ў-мў-ў-ўлашга тушади. Ўлмас опам сигирни бўшатади, холос. Жонивор туёғини шиқ-шиқ қилиб биздан олдин жўнаб қолади. Ўлмас опам бир тугун ўт кўтариб сигирга зўрға етиб юради. Мен Ўлмас опамдан ҳам, сигирдан ҳам ўзиб чопаман. Сигир менга кўзларини ола-ола қилиб қарайди. Пишқиради. Бу унинг: “Оёғимнинг тагида ўралашма, бола”, – дегани. Биламан, у боласини соғинган. Боласиям уни кутиб ётибди. Ҳозир онасини кўради-ю, типирчилаб қолади. “Мў-ў-ў”лаб кутавериб, тоқати тоқ бўлиб кетганини билдиради. Мени ҳам сўрида ойимми, дадамми кут-и-и-и-б ўтирган бўлса дейман. Ундай бўлмайди. Сўри бўм-бўш, кампир айвонга жойнамоз солиб, шомга азон айтилишини кутиб ўтиради. Мен кампирдан: “Бугун сени қидириб келишди, болам”, – деган хабарни кутаман. Кампир бўлса, индамайди, биз томонга қараб ҳам кўймайди.

Мен учун далага қатнаш узоққа чўзилмади. Ҳадеб беланчақда чириллаб йиғлайдиган чақалоқ билан боғлиқ бир воқеа юз берди-ю, даладан оёғим узилди. Тушга яқин беланчақлар осилган жойда бирдан бақир-чақир бўлиб қолди. Далада ишлаётган хотинлар ҳар томондан чопачопа етиб келишди. Ўлмас опам нимагадир дир-дир титраб, мени кучоқлаб олди. Қарасам, ҳамма ўз боласини кўлига олволибди. Бир хотин дод деб йиғларди...

Нималар бўлганини уйга келгандан кейин билдим. Ўлмас опам кампирга айтиб берди. Ўша чақалоқ бекордан бекорга йиғламаган экан. Унинг беланчағи устидаги тутда илон бор экан. Бола ўшани кўриб йиғлар экан-у, боғча хола сезмас экан. Илон беланчақнинг ипига ўралиб тушибди-да, болага заҳар сочибди. Заҳарнинг икки томчиси чақалоқнинг пешанасига, бир томчиси юзига томибди. Заҳар теккан жойини куйдирибди. Хотинлар сутларини ярага соғиб, болани асраб қолишибди. Бўлмаса ўлар экан.

– Яхшики кўзига тушмапти, – деди кампир ачиниб, – айбдор

O'lmas opam: "Sigirni shu boqdi", – deb kampirga meni maqtadi.

– O'g'il bola o'zi shunaqa bo'ladi, qayerda bo'lsayam nonini halollob yeydi, – dedi kampir. Bu gap menga judayam yoqdi.

Har kuni O'lmas opamdan oldin turib olib, dalaga yuring, deb qistayman. Dala yaxshi. O'lmas opamga chovgumda ariqdan muzdek suv olib borib beraman. Boshqa xotinlar ham olib kel, deyishadi. Ularga ham olib boraman. Xotinlar salqin joyga to'planib qo'shiq aytishadi, bittasi mening do'ppimni kiyib, belini bog'lab, erkakcha o'yinga tushadi. Oftob yerga og'ib, tutlar soyasi cho'zilgandan cho'zilib boradi. O'tdan tozalangan nimjon g'o'zalar yayrab ko'rinadi. Sigirlar uyni sog'inib mo'o'o'-mo'o'o'lashga tushadi. O'lmas opam sigirni bo'shatadi, xolos. Jonivor tuyog'ini shiq-shiq qilib bizdan oldin jo'nab qoladi. O'lmas opam bir tugun o't ko'tarib sigirga zo'rg'a yetib yuradi. Men O'lmas opamdan ham, sigirdan ham o'zib chopaman. Sigir menga ko'zlarini ola-ola qilib qaraydi. Pishqiradi. Bu uning: "Oyog'imning tagida o'ralashma, bola", – degani. Bilaman, u bolasini sog'ingan. Bolasiyam uni kutib yotibdi. Hozir onasini ko'radi-yu, tipirchilab qoladi. "Mo'o'o'"lab kutaverib, toqati toq bo'lib ketganini bildiradi. Meni ham so'rida oyimmi, dadammi kutiib o'tirgan bo'lsa deyman. Unday bo'lmaydi. So'ri bo'm-bo'sh, kampir ayvonga joynamoz solib, shomga azon aytilishini kutib o'tiradi. Men kampirdan: "Bugun seni qidirib kelishdi, bolam", – degan xabarni kutaman. Kampir bo'lsa, indamaydi, biz tomonga qarab ham qo'ymaydi.

Men uchun dalaga qatnash uzoqqa cho'zilmadi. Hadeb belanchakda chirillab yig'laydigan chaqaloq bilan bog'liq bir voqea yuz berdi-yu, daladan oyog'im uzildi. Tushga yaqin belanchaklar osilgan joyda birdan baqir-chaqir bo'lib qoldi. Dalada ishlayotgan xotinlar har tomondan chopacha yetib kelishdi. O'lmas opam nimagadir dir-dir titrab, meni quchoqlab oldi. Qarasam, hamma o'z bolasini qo'liga olvolibdi. Bir xotin dod deb yig'lardi...

Nimalar bo'lganini uyga kelgandan keyin bildim. O'lmas opam kampirga aytib berdi. O'sha chaqaloq bekordan bekorga yig'lamagan ekan. Uning belanchagi ustidagi tutda ilon bor ekan. Bola o'shani ko'rib yig'lar ekan-u, bog'cha xola sezmas ekan. Ilon belanchakning ipiga o'ralib tushibdi-da, bolaga zahar sochibdi. Zaharning ikki tomchisi chaqaloqning peshanasiga, bir tomchisi yuziga tomibdi. Zahar tekkan joyini kuydiribdi. Xotinlar sutlarini yaraga sog'ib, bolani asrab qolishibdi. Bo'lmasa o'lar ekan.

– Yaxshiki ko'ziga tushmapti, – dedi kampir achinib, – aybdor

бўлиб қоларди бола шўрлик, яна қизалоқ экан... Болангни оборма энди далага, буям бировнинг омонати-я...

Шундай қилиб мен учун яна зерикарли кунлар бошланди...

ХУШХАБАР

Бир куни Ўлмас опам далага бормади. Кўнгли айниб, ётиб қолди. Кампир сеп-семиз бир табиб хотинни бошлаб келди. У энамга ўхшаб оғзини каппа-каппа очиб кинна солди. Ўлмас опамнинг бошини кафтлари орасига олиб қўш қўллаб сиқиб-сиқиб қўйди. Бир нималарни ўқиб куфлади. Ўрим-ўрим сочларини орқага силтаб тортди... Исириқ тутатиб, атрофида айлантирди. Кейин кампирга кулиб туриб бир нима деди. Кампир: "Вой-й-й...", – деб ўтирган жойидан туриб кетди. Ўлмас опам нимагадир уялиб ерга қаради. Кампир туртиниб-туртиниб, шошиб-шошиб ичкариги уйга кириб кетди. Мен нима экан деб орқаларидан кирдим. Кампир жойнамоз тўшаб, намоз ўқишга тушди. Ҳайрон бўлиб орқамга қайтиб чиқдим. Сеп-семиз хотин Ўлмас опамга бир нималарни уқтирар, Ўлмас опам бўлса "хўп" деб тўхтамай бош қимирлатарди. Салда кампир ичкаридан чиқиб келди. Нуқул юз-кўзлари кулади. Кампир камзулининг чўнтагидан тошчалар олиб Ўлмас опамнинг бошига, елкаларига, қорнига босиб-босиб олди:

– Илоҳа, неварамнинг боши тошдан бўлсин, омин!

Кейин Ўлмас опамнинг бошига оқ рўмолни ёйиб ташлаб қўйдилар. Кампир яна гапирди:

– Илоҳа, Худойим кўп қатори оқ йўл, оқ обрў берсин, омин!

Кейин ўзига умидланиб қараб турган сеп-семиз хотинга "суюнчисига" деб бир кийим атлас берди. У бўлса атласни олиб, ўзига сиғмай кўзига суртди...

Ўлмас опамнинг даланинг ўртасида йиғлаб туриб Худодан бола сўраганлари қабул бўпти. Энди менга жижжи туғиб берар экан. Ойимни уйлаб кетдим. Улар ҳам нуқул дўппайган қоринларини силаб: "Сенга жижжи туғиб бераман", – дердилар.

Шу куни Алижон акам ҳам бошқача бўлиб юрди... Мен билан ҳовлида чиги ўйнади. Ертўлага тушиб шақира-шуқур бўз тўқиди, қўшиқ айтди... Кампир ўчоқбошига бориб овқатга уннади... Ўлмас опам анча кун ўчоқ бошига келолмай юрди...

Ўлмас опам тузалиб, сигирни етаклаб яна далага чиқиб кетди. Аммо энди ўт кўтариб келмайди. Мен ҳар куни уйку олдидан чўмилиб, Ўлмас опам билан ётаман. Ойимнинг исларини соғиниб, пинжигига тиқиламан. Ҳар доимгидек улар мендан олдин ухлаб

bo'lib qolardi bola sho'rlik, yana qizaloq ekan... Bolangni oborma endi dalaga, buyam birovning omonati-ya...

Shunday qilib men uchun yana zerikarli kunlar boshlandi...

XUSHXABAR

Bir kuni O'lmas opam dalaga bormadi. Ko'ngli aynib, yotib qoldi. Kampir sep-semiz bir tabib xotinni boshlab keldi. U enamga o'xshab og'zini kappa-kappa ochib kinna soldi. O'lmas opamning boshini kaftlari orasiga olib qo'sh qo'llab siqib-siqib qo'ydi. Bir nimalarni o'qib-o'qib kufladi. O'rim-o'rim sochlarini orqaga siltab-siltab tortdi... Isiriq tutatib, atrofida aylantirdi. Keyin kampirga kulib turib bir nima dedi. Kampir: "Voyyy...", – deb o'tirgan joyidan turib ketdi. O'lmas opam nimagadir uyalib yerga qaradi. Kampir turtinib-turtinib, shoshib-shoshib ichkarigi uyga kirib ketdi. Men nima ekan deb orqalaridan kirdim. Kampir joynamoz to'shab, namoz o'qishga tushdi. Hayron bo'lib orqamga qaytib chiqdim. Sep-semiz xotin O'lmas opamga bir nimalarni uqtirar, O'lmas opam bo'lsa "xo'p" deb to'xtamay bosh qimirlatardi. Salda kampir ichkaridan chiqib keldi. Nuqul yuz-ko'zlari kuladi. Kampir kamzulining cho'ntagidan toshchalar olib O'lmas opamning boshiga, yelkalariga, qorniga bosib-bosib oldi:

– Iloha, nevaramning boshi toshdan bo'lsin, omin!

Keyin O'lmas opamning boshiga oq ro'molni yoyib tashlab qo'ydi. Kampir yana gapirdi:

– Iloha, Xudoyim ko'p qatori oq yo'l, oq obro' bersin, omin!

Keyin o'ziga umidlanib qarab turgan sep-semiz xotininga "suyunchisiga" deb bir kiyim atlas berdi. U bo'lsa atlasni olib, o'ziga sig'may ko'ziga surtdi...

O'lmas opamning dalaning o'rtasida yig'lab turib Xudodan bola so'raganlari qabul bo'пти. Endi menga jijji tug'ib berar ekan. Oyimni o'ylab ketdim. Ular ham nuqul do'ppaygan qorinlarini silab: "Senga jijji tug'ib beraman", – derdilar.

Shu kuni Alijon akam ham boshqacha bo'lib yurdi... Men bilan hovlida chigi o'ynadi. Yerto'laga tushib shaqira-shuqur bo'z to'qidi, qo'shiq aytdi... Kampir o'choqboshiga borib ovqatga unnadi... O'lmas opam ancha kun o'choq boshiga kelolmay yurdi...

O'lmas opam tuzalib, sigirni yetaklab yana dalaga chiqib ketdi. Ammo endi o't ko'tarib kelmaydi. Men har kuni uyqu oldidan cho'milib, O'lmas opam bilan yotaman. Oyimning islarini sog'inib, pinjiga tiqilaman. Har doimgidek ular mendan oldin uxlab qoladi.

қолади. Бир куни улар менга алоҳида жой солиб берди. Унамай, хархаша қилдим.

– Йўқ, – деди Ўлмас опам мени биринчи марта қайтариб, – уйқусираб, кечаси қорнимга тепиб юборяпсан. Бунақада жижжини майиб қилиб қўясан-ку...

Шу куни мен ҳали туғилмаган жижжини ёмон кўриб қолдим. У мени Ўлмас опамдан ажратган эди... Бу чақалоқни мен туғилгандан кейин ҳам яхши кўрмадим. Ҳамма у билан овора бўлиб кетиб, мени четга чиқариб қўйишди. Ўлмас опам ҳам, Алижон акам ҳам бегонага ўхшаб қолишди. Ўзим ҳам бу хонадонга бегонадек бўлиб қолдим. Худо меҳрибон, шундай кунларнинг бирида қора сақичли йўлда болалар билан ўйнаб юрсам, Турсун аммамни учратиб қолдим. Ўша куни Қурбон ҳайити куни экан. Аммам Занги отага эчки атаган, шуни етаклаб келаётган экан. Амма-жиян топишгач, мен Турсун аммамникига кетдим. Дадамнинг укаси Фанижон амаким мени дадамникига олиб келиб ташлаб кетган эди.

Шу пайт Тўхтасин бир туртиб, ўйларимни алкаш-чалкаш қилиб юборди.

– Ҳей, сен, – деди у жаҳл билан, – мени ташлаб холамникига кетмоқчимисан?

– Йўқ, холангникига бормайман, мен Қосим акага ўғил бўламан, – дедим. Шундай дейиш билан ўзим ҳам бир қарорга келиб қўйганимни сезиб қолдим.

– Ўғил бўласан? – ҳайрон бўлиб менга тикилади Тўхтасин. – Ахир, Қосим аканг балнисада-ку.

– Нима қипти, тузалиб чиқади.

– Ўзининг ўғли-чи, йўфаканми?

– Ўғли бор, урушдан келгунча хотини эрга тегиб, ўғлини олиб кетиб қолган. Тополмаяпти-да, бечора...

Бу гапдан кейин Тўхтасин ҳам жим бўлиб қолди. Гўр-балнисанинг дарвозасигача гаплашмай бордик. Қоровул бизни ичкарига қўймади. "Силлар ётган жойга болалар киритилмайди", – деди у. Қарасак, одамлар деворнинг тешигидан кириб-чиқиб юрибди. Тўхтасинни ўша ёққа бошладим. Балниса ҳовлисига кирсак, бир дунё бола "Топил-топил қайрағоч, топилмасанг ўтга туш", – деб қўлларида чўп билан ердан бир нималар қидириб ётишибди. Бу ерга сабзи экилган экан. Ҳосили олингандан кейин

Bir kuni ular menga alohida joy solib berdi. Unamay, xarxasha qildim.

– Yo'q, – dedi O'lmas opam meni birinchi marta qaytarib, – uyqusirab, kechasi qornimga tepib yuboryapsan. Bunaqada jijjini mayib qilib qo'yasan-ku...

Shu kuni men hali tug'ilmagan jijjini yomon ko'rib qoldim. U meni O'lmas opamdan ajratgan edi... Bu chaqaloqni men tug'ilgandan keyin ham yaxshi ko'rmadim. Hamma u bilan ovora bo'lib ketib, meni chetga chiqarib qo'yishdi. O'lmas opam ham, Alijon akam ham begonaga o'xshab qolishdi. O'zim ham bu xonadonga begonadek bo'lib qoldim. Xudo mehribon, shunday kunlarning birida qora saqichli yo'lda bolalar bilan o'ynab yursam, Tursun ammamni uchratib qoldim. O'sha kuni Qurbon hayiti kuni ekan. Ammam Zangi otaga echki atagan, shuni yetaklab kelayotgan ekan. Amma-jiyan topishgach, men Tursun ammamnikiga ketdim. Dadamning ukasi G'anijon amakim meni dadamnikiga olib kelib tashlab ketgan edi.

* * *

Shu payt To'xtasin bir turtib, o'ylarimni alkash-chalkash qilib yubordi.

– Hey, sen, – dedi u jahl bilan, – meni tashlab xolamnikiga ketmoqchimisan?

– Yo'q, xolangnikiga bormayman, men Qosim akaga o'g'il bo'laman, – dedim. Shunday deyish bilan o'zim ham bir qarorga kelib qo'yganimni sezib qoldim.

– O'g'il bo'lasan? – hayron bo'lib menga tikiladi To'xtasin. – Axir, Qosim akang balnisada-ku.

– Nima qipti, tuzalib chiqadi.

– O'zining o'g'li-chi, yo'g'akanmi?

– O'g'li bor, urushdan kelguncha xotini erga tegib, o'g'lini olib ketib qolgan. Topolmayapti-da, bechora...

Bu gapdan keyin To'xtasin ham jim bo'lib qoldi. Go'rbalnisaning darvozasigacha gaplashmay bordik. Qorovul bizni ichkariga qo'ymadi. "Sillar yotgan joyga bolalar kiritilmaydi", – dedi u. Qarasak, odamlar devorning teshigidan kirib-chiqib yuribdi. To'xtasinni o'sha yoqqa boshladim. Balnisa hovlisiga kirsak, bir dunyo bola "Topil-topil qayrag'och, topilmasang o'tga tush", – deb qo'llarida cho'p bilan yerdan bir nimalar qidirib yotishibdi. Bu yerga sabzi ekilgan ekan. Hosili olingandan keyin qolgan-qutganini bolalar mashoq qilishardi.

қолган-қутганини болалар машоқ қилишарди. Топганларини бир-бирига кўз-кўзлаб, карсиллатиб еб ҳузур қилишарди. Гўрбалниса бир қаватли узун оппоқ бино эди. Бинога учта эшикдан кириларди. Дарвоза томондан энг чеккадагиси болалар бўлими экан. Нариги иккита эшик катталарники. Балнисанинг ичи худди гузарга ўхшаб гавжум эди. Оқ халатли опалар у ёқдан бу ёққа пизиллаб югуриб юришар, касаллар офтобшувоқда гаплашиб ўтиришарди. Бир одамни Яхши амакига ўхшатиб Тўхтасинни орқада қолдириб, шошилганча бордим-у, тўхтаб қолдим. Бошқа экан. Униям кўзи менга тушди-да:

– Кимни қидиряпсан, жиян? – деди. Мен нимагадир довдираб, соқовга ўхшаб, нима дейишни билмай қолдим.

– Дадасини қидиряпти, – деди орқадан етиб келган Тўхтасин чечанлик қилиб. Дадасини деган сўз қулоғимга ғалати эшитилди.

– Оти нима дадангинг?

– Дадаси Қосим ака бўлади, – яна жим тура олмади Тўхтасин.

– Қосим... Қосим... – деб ҳалиги киши менга ачингандек қараб турди-да, – йўқ, йигитчалар, бизни бўлимда Қосим деганлари йўқ, ўртадаги бўлмдан сўранглар, – деб қўли билан ўша ёқни кўрсатди. – Ётоқчи касал бўлса ўша ерда бўлади.

Ичкарига кирганимизда сассиқ ҳиддан кўнглим айниб, ўқчиворай дедим.

– Қидир Қосим акангни, – деди Тўхтасин.

– Ҳай болалар, чиқинглар бу ердан, – бақириб берди битта оқ халатли хотин. Мен дадиллашдим.

– Қосим акани чақириб беринг, хола. Қосим акага келдик...

У “шунақами” дегандек кўлидаги бир парча қоғозга хушламайгина қаради-да, ичкарига қараб кимнидир шанғиллаб чақирди. Салда оқ халатли битта хотин зипиллаб келди.

– Чақирдингизми опа?

– Мановилар сизнинг касалингизга келишибди, – деди бизни кўрсатиб.

– Кимга келдинглар? – шошибгина сўради аёл.

– Қосим акага.

– У киши чиқолмайдилар-ку. Қосим аканинг кими бўласан, ўғлим?

Мен яна соқов бўлиб қолдим. Тўхтасиннинг яна жағи очилди:

– Ўғли-ку бу, ўғли, – деб мени холага қараб итарди.

– Вой, ўғли! – деб кутилмаганда ҳалиги хотин хурсанд бўлиб кетди.

– Вой, айланай сендан, вой бўйларингга қоқиндиқ, – деб чўк

Topganlarini bir-biriga ko'z-ko'zlab, karsillatib yeb huzur qilishardi. Go'rbalnisga bir qavatli uzun oppoq bino edi. Binoga uchta eshikdan kirilardi. Darvoza tomondan eng chekkadagisi bolalar bo'limi ekan. Narigi ikkita eshik kattalarniki. Balnisaning ichi xuddi guzarga o'xshab gavjum edi. Oq xalatli opalar u yoqdan bu yoqqa pizillab yugurib yurishar, kasallar oftobshuvoqda gaplashib o'tirishardi. Bir odamni Yaxshi amakiga o'xshatib To'xtasinni orqada qoldirib, shoshilganicha bordim-u, to'xtab qoldim. Boshqa ekan. Uniyam ko'zi menga tushdida:

– Kimni qidirypasan, jiyani? – dedi. Men nimagadir dovdirab, soqovga o'xshab, nima deyishni bilmay qoldim.

– Dadasini qidiryapti, – dedi orqadan yetib kelgan To'xtasin chechanlik qilib. Dadasini degan so'z qulog'imga g'alati eshitildi.

– Oti nima dadangning?

– Dadasi Qosim aka bo'ladi, – yana jim tura olmadi To'xtasin.

– Qosim... Qosim... – deb haligi kishi menga achingandek qarab turdi-da, – yo'q, yigitchalar, bizni bo'limda Qosim deganlari yo'q, o'rtadagi bo'lmadan so'ranglar, – deb qo'li bilan o'sha yoqni ko'rsatdi. – Yotoqchi kasal bo'lsa o'sha yerda bo'ladi.

Ichkariga kirganimizda sassiq hiddan ko'nglim aynib, o'qchivoray dedim.

– Qidir Qosim akangni, – dedi To'xtasin.

– Hay bolalar, chiqinglar bu yerdan, – baqirib berdi bitta oq xalatli xotin. Men dadillashdim.

– Qosim akani chaqirib bering, xola. Qosim akaga keldik...

U "shunaqami" degandek qo'lidagi bir parcha qog'ozga xushlamaygina qaradi-da, ichkariga qarab kimnidir shang'illab chaqirdi. Salda oq xalatli bitta xotin zipillab keldi.

– Chaqirdingizmi opa?

– Manovilar sizning kasalingizga kelishibdi, – dedi bizni ko'rsatib.

– Kimga keldinglar? – shoshibgina so'radi ayol.

– Qosim akaga.

– U kishi chiqolmaydilar-ku. Qosim akaning kimi bo'lasan, o'g'lim?

Men yana soqov bo'lib qoldim. To'xtasinning yana jag'i ochildi:

– O'g'li-ku bu, o'g'li, – deb meni xolaga qarab itardi.

– Voy, o'g'li! – deb kutilmaganda haligi xotin xursand bo'lib ketdi.

– Voy, aylanay sendan, voy bo'yrlaringga qoqindiq, – deb cho'k

тушганича юз-кўзларимдан чўлпиллатиб ўпди. – Сени деб отагинангнинг жигари эзилиб ётибди-ку, болам. Айтдим-а, тешик қулоқ эшитади, онасига инсоф бериб қолар, деб. Ўзинг келибсанда, вой, катта йигит-ей... Менга қара, ўғлим, – деди аёл шошиб, – сен шу ерда тура тур, мен олдин даданга суюнчилай-да, оқ халат топиб келай, кейин олиб кираман, хўпми, той бола...

Мен бир оғиз “ўғли” деган сўзга нималар бўлиб кетганини пайқаб, ҳайрон бўлиб турардим. Тилини тия олмаган Тўхтасиндан жаҳлим чиқарди.

“Бечора Қосим ака, – дейман ўй суриб... – Ўғлини тополмагандан кейин мен уларни дада қилиб олгандек улар ҳам мени ўғил қилиб олибдилар-да. Соғиниб, кечаги кишидан айттириб юборибдилар-да... Чойхоначи топиб беради, деган бўлса керак-да”.

Сал ўтмай ҳалиги хотин яна пайдо бўлди. У мени эркалай-эркалай елкамга оқ халат ёпди. Тўхтасин ҳам эргашган эди, унамади. Ўртоғингни ташқарида кутиб турақол, деб унияш бош-кўзини силаб қўйди. Хотин йўл-йўлакай мени ўзига тенг билиб ҳасратлашаётгандек урушни ёмонлаб борди. “Уруш ўлсин, ҳаммани сарсонун саргардон қилиб қўйди. Ўзи тугади-ю, заҳри қургур тугамайпти. Худо хоҳласа отанг сени кўрсаёқ оёққа туриб кетади, ҳа, мени айтди дейсан. Сени эшитиб, суюнганидан кўзлари қинидан чиқай деди бечоранинг. Бола доғи ёмон, ўғлим, ёмон. Илоҳа ҳеч кимнинг бошига солмасин-а...”

Аёл бир эшикка етгач, тўхтади-да, эшикни итариб, ўзи орқамга ўтиб:

– Қосим ака, биз келяпми-и-из, – дея мени ичкари йўллади. Жилмайганча хонага юзландим. Юзландиму, кўрқиб кетдим... Каравотда катта-катта кўзлари ичига ботиб, қоқсуяк Қосим ака ётарди. Нуқул “Азиз!... Азиз!...” дердилар-у, рўпарасида турган мени кўрмасди. Дўхтир хола бўлса: – Мана, Азизингиз, Қосим ака, – дерди. Афсуски, мен Азиз эмасдим...

Қосим ака мени таниди. Азиз эмаслигимни билди. Шу аҳволда ҳам жилмайишга уринди. Кейин кўзларини юмиб жим бўлиб қолди...

– Вой бечорагина, ўғлини кутиб ётган экан, жони узилди, – деди мени бошлаб кирган хотин. Хонада югур-югур бошланди. Мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Кўз ёшларимни артиб, ташқарига чиқдим...

tushganicha yuz-ko'zlarimdan cho'pillatib o'pdi. – Seni deb otaginangning jigari ezilib yotibdi-ku, bolam. Aytdim-a, teshik quloq eshitadi, onasiga insof berib qolar, deb. O'zing kelibsanda, voy, katta yigit-ey... Menga qara, o'g'lim, – dedi ayol shoshib, – sen shu yerda tura tur, men oldin dadangga suyunchilay-da, oq xalat topib kelay, keyin olib kiraman, xo'pmi, toy bola...

Men bir og'iz "o'g'li" degan so'zga nimalar bo'lib ketganini payqab, hayron bo'lib turardim. Tilini tiya olmagan To'xtasidan jahlim chiqardi.

"Bechora Qosim aka, – deyman o'y surib... – O'g'lini topolmagandan keyin men ularni dada qilib olgandek ular ham meni o'g'il qilib olibdilar-da. Sog'inib, kechagi kishidan ayttirib yuboribdilar-da... Choyxonachi topib beradi, degan bo'lsa kerak-da".

Sal o'tmay haligi xotin yana paydo bo'ldi. U meni erkalay-erkalay yelkamga oq xalat yopdi. To'xtasin ham ergashgan edi, unamadi. O'rtog'ingni tashqarida kutib turaqol, deb uniyam bosh-ko'zini silab qo'ydi. Xotin yo'l-yo'lakay meni o'ziga teng bilib hasratlashayotgandek urushni yomonlab bordi. "Urush o'lsin, hammani sarson-u sargardon qilib qo'ydi. O'zi tugadi-yu, zahri qurgur tugamayapti. Xudo xohlasa otang seni ko'rsayoq oyoqqa turib ketadi, ha, meni aytdi deysan. Seni eshitib, suyunganidan ko'zlari qinidan chiqay dedi bechoraning. Bola dog'i yomon, o'g'lim, yomon. Iloha hech kimning boshiga solmasin-a...

Ayol bir eshikka yetgach, to'xtadi-da, eshikni itarib, o'zi orqamga o'tib:

– Qosim aka, biz kelyapmiiiiz, – deya meni ichkari yo'lladi. Jilmaygancha xonaga yuzlandim. Yuzandim-u, qo'rqib ketdim... Karavotda katta-katta ko'zlari ichiga botib, qoqsuyak Qosim aka yotardi. Nuqul "Aziz!... Aziz!.." derdilar-u, ro'parasida turgan meni ko'rmasdi. Do'xtir xola bo'lsa:

– Mana, Azizingiz, Qosim aka, – derdi. Afsuski, men Aziz emasdim...

Qosim aka meni tanidi. Aziz emasligimni bildi. Shu ahvolda ham jilmayishga urindi. Keyin ko'zlarini yumib jim bo'lib qoldi...

– Voy bechoragina, o'g'lini kutib yotgan ekan, joni uzildi, – dedi meni boshlab kirgan xotin. Xonada yugur-yugur boshlandi. Men bilan hech kimning ishi bo'lmadi. Ko'z yoshlarimni artib, tashqariga chiqdim...

Бундан кейинги воқеалар кўп таҳликали бўлди. Дадамни ўша довул учириб кетган буғдой учун қамашди. Уйдаги буқалару сигир-бузоқлар мусодара қилинди. Шундай оғир кунларнинг бирида Ғанижон амаким келиб қолди. Мен у кишига эргашиб Турсун аммамникига кетдим.




Bundan keyingi voqealar ko'p tahlikali bo'ldi. Dadamni o'sha dovul uchirib ketgan bug'doy uchun qamashdi. Uydagi buqalar-u sigir-buzoqlar musodara qilindi. Shunday og'ir kunlarning birida G'anjiston amakim kelib qoldi. Men u kishiga ergashib Tursun am-mamnikiga ketdim.



ОЙМОМА ТҮЛГАН КУНЛАР



OYMOMA TO'LGAN KUNLAR



МУСОФИРХОНА

1950 йиллар... Қишлоғимиз... Қишлоғимиз деганим – Тошкентдек шаҳри азимнинг кунботар тарафидаги ёз кунлари кўм-кўк қамишзорларга, қиш кунлари оппоқ туманларга бурканиб ётадиган қадим Бўзсув бўйлари... Бу ерларда шундай жарлар борки, кундузлари на офтоб, кечалари на ой нурлари етиб боради. Алвасти ва жинлар ин қуриб олган қоронғи пучмоқларида булоқ сувлари милт-милт қилиб қайнаб ётади. Булоқларнинг баъзиси чучук, баъзиси шўр, баъзиси қайноқ, баъзиси яхдеклигидан одам ичса тишини синдиради. Шўр булоқларнинг атрофини оппоқ туз қоплаган. Уларга на бир ҳайвон, на бир қуш яқин келади. Чучук булоқларга эса аллақайлардан сўқмоқлар тушиб келади. Булоқ сувлари сув ўтларини гоҳ кўтариб, гоҳ тушириб ўйнайди. Устида холдек-холдек сузгичлар сузади. Шамол туриб, қамишлар чайқалади-ю, офтоб нурларига йўл очилиб, сузгичларни жажжи соққачаларга айлантириб, булоқ тагини бир зумга бўлса ҳам ёритиб юборади. Камалак ранглари заифгина юз кўрсатиб, шу заҳоти сўнади. Атрофда ранг-баранг ниначилар шовқинсиз учадди. Искарботпарлар сув ичгани келган жон борки, ачитиб чақади. Қишлоқдаги одамларнинг тақдири ҳам шу булоқларга ўхшайди: бири шўр, бири аччиқ, бири чучук... Қишлоқда иккинчи жаҳон уруши йиллари (1940–1945) ватанларидан кўчириб келинган мекхети турклари, қрим татарлар, уйғурлар, дунганлар (улар 1947–1948 йиллари Шарқий Туркистон – Уйғуристондан кўчириб келинган), шунингдек, Фарғона водийсидан қулоқ қилинганлар яшайди. Хуллас, қишлоқ деганим улкан бир мусофирхонага ўхшайди. Итоб (сургун) қилинганларни қишлоқдан чиқаришмайди. Улар ойда бир марта рўйхатдан ўтиб турадилар. Тақдир шамоллари мени ҳам шу улкан мусофирхонага олиб келиб ташлади. Энди мен Турсун аммамникида яшайман. Ҳа, ўша бир вақтлар Зангиотанинг йўлидан мени топиб олган аммамникида. Бу ерга келиб, ўзимни қафасдан қутулган қушдек ҳис қилдим. Шу кунгача бошқаларнинг кўнглига қараб яшаган бўлсам, энди бу ердагилар менинг кўнглимга қарашади. Хаёлимда дунё бир айланиб, ҳамма нарса менинг фойдамга ўзгариб қолгандек. Азобу уқубатлар,

MUSOFIRXONA

1950-yillar... Qishlog'imiz... Qishlog'imiz deganim – Toshkentdek shahri azimning kunbotar tarafidagi yoz kunlari ko'm-ko'k qamishzorlarga, qish kunlari oppoq tumanlarga burkanib yotadigan qadim Bo'zsuv bo'ylari... Bu yerlarda shunday jarlar borki, kunduzlari na oftob, kechalari na oy nurlari yetib boradi. Alvasti va jinlar in qurib olgan qorong'i puchmoqlarida buloq suvlari milt-milt qilib qaynab yotadi. Buloqlarning ba'zisi chuchuk, ba'zisi sho'r, ba'zisi qaynoq, ba'zisi yaxdekligidan odam ichsa tishini sindiradi. Sho'r buloqlarning atrofini oppoq tuz qoplagan. Ularga na bir hayvon, na bir qush yaqin keladi. Chuchuk buloqlarga esa allaqaylardan so'qmoqlar tushib keladi. Buloq suvlari suv o'tlarini goh ko'tarib, goh tushirib o'ynaydi. Ustida xoldek-xoldek suzgichlar suzadi. Shamol turib, qamishlar chayqaladi-yu, oftob nurlariga yo'l ochilib, suzgichlarni jajji soqqachalarga aylantirib, buloq tagini bir zumga bo'lsa ham yoritib yuboradi. Kamalak ranglari zaifgina yuz ko'rsatib, shu zahoti so'nadi. Atrofdagi rang-barang ninachilar shovqinsiz uchadi. Iskabtoparlar suv ichgani kelgan jon borki, achitib chaqadi. Qishloqdagi odamlarning taqdiri ham shu buloqlarga o'xshaydi: biri sho'r, biri achchiq, biri chuchuk... Qishloqda ikkinchi jahon urushi yillari (1940–1945) vatanlaridan ko'chirib kelingan mesxeti turklari, qrim tatarlar, uyg'urlar, dunganlar (ular 1947–1948-yillari Sharqiy Turkiston – Uyg'uristondan ko'chirib kelingan), shuningdek, Farg'ona vodiysidan quloq qilinganlar yashaydi. Xullas, qishloq deganim ulkan bir musofirxonaga o'xshaydi. Itob (surgun) qilinganlarni qishloqdan chiqarishmaydi. Ular oyda bir marta ro'yxatdan o'tib turadilar. Taqdir shamollari meni ham shu ulkan musofirxonaga olib kelib tashladi. Endi men Tursun ammamnikida yashayman. Ha, o'sha bir vaqtlar Zangiotaning yo'lidan meni topib olgan ammamnikida. Bu yerga kelib, o'zimni qafasdan qutulgan qushdek his qildim. Shu kungacha boshqalarning ko'ngliga qarab yashagan bo'lsam, endi bu yerdagilar mening ko'nglimga qarashadi. Xayolimda dunyo bir aylanib, hamma narsa mening foydamga o'zgarib qolgandek. Azob-u uqubatlar, xo'rlanishlar,

хўрланишлар, таҳқирланишлар ордда қолган. Бу ернинг офтоби ҳам, оймомаси ҳам бўлакча. Офтоб шундоққина баланд-паст тепаликлар орқасидан чиқиб келади. Тепалар устида пахса деворли кўрғонлар кўринади.

Аммамнинг уйи ҳам тепалик устида. Баҳорги майсалар исини олиб ғир-ғир шамол эсади. Бор вужудим яйраб, кўзимга ҳамма нарса чиройли кўринади. Беихтиёр эртанги кунлар ҳақида ўйлаб қоламан. Ширин орзулар оғушида осмон-у фалакларда учиб юрман. Тепалар атрофидаги ҳайдалган майдонлар юзини офтоб оқартирган. Улардан нари яна баланд-паст тепаликлар бошланади. Қишлоқни оралаб ўтган илонизи кўча кўрғонларни бир-бири билан боғлайди. Турсун аммамникида Саодат аммам (у киши менадан бор-йўғи беш-олти ёш катта, шунга опа дейман), жиянларим Йўлдош (тўрт ёш), Эргаш (уч ёш), Рихси (бир ёш) билан бирга яшаймиз. Мажид поччам урушдан касал орттириб келиб, мен келмасимдан сал олдин оламдан ўтган экан.

Ғанижон амаким мени бу ерга олиб келиб кўйиб, бирдан Қозоғистонга – Марҳамат аммамникига кетадиган бўлиб қолди. “Опа, битта нонхўр кўпайди, энди мен кетмасам бўлмайди”, – деганини эшитиб қолдим. Бировга юк бўлиб яшаш қанақалигини мен яхши биламан. Дадамнинг ота-оналари оламдан ўтгач, Саодат аммам билан Ғанижон амаким Турсун аммамнинг кўлида қолган. Шунгами, аммам Ғанижон амакимни Қозоғистонга жўнатгиси йўқ. Саодат опам бўлса: “Кетманг, ака, кетманг”, – деб уввос солиб йиғлаб ётибди. Саодат опам озгин, қилтириқ. Шундай қақшаб йиғлардики, шайтонлаб қоладими деб кўрқдим. Шу туришда ўзимни ўзим ёмон кўриб кетдим. Мен келдим-у, тинчлиги бузилди. Турсун аммам Саодат опамни юпатмоқчи бўлди: “Йиғлама, синглим, йиғлама, балки аканг у ёқларда ўқир, бирон-бир хўнарлик бўлар, бетта нима бор кетмондан бўлак?” Бу гапга ўзлари ҳам ишондилар, шекилли, Ғанижон амакимга “шунақами” дегандек қаради. Ғанижон амаким бўлса шоша-пиша ўша ёқда поезд ҳайдашга ўқимоқчилигини айтди. Амаким узун бўйли, ориқ, бирон-бир иш қилмаса тура олмайдиган уринчоқ одам эди. Уринчоқлиги учун ҳам аммамдан кўп гап эшитарди...

Шундай қилиб, Ғанижон амаким узил-кесил қишлоқдан кетадиган бўлди. Кузатмоқчи бўлиб у кишига эргашдим. Нимагадир индамадилар. Биз жимгина кўчадан юриб бориб, мозортепага бурилдик. Қабрлар усти баҳор майсалари билан қопланган, у ер-бу ерда қоқиғуллар йилт этиб кўзга ташланади. Офтоб одамга хуш ёқтириб қиздиради. Бўзсув тарафдан шамол эсиб юзга муздек урилади. Қабристон жимжит, фақат бир жуфт сўфитўрғайгина те-

tahqirlanishlar ortda qolgan. Bu yerning oftobi ham, oymomasi ham bo'lakcha. Oftob shundoqqina baland-past tepaliklar orqasidan chiqib keladi. Tepalar ustida paxsa devorli qo'rg'onlar ko'rinadi.

Ammamning uyi ham tepalik ustida. Bahorgi maysalar isini olib g'ir-g'ir shamol esadi. Bor vujudim yayrab, ko'zimga hamma narsa chiroyli ko'rinadi. Beixtiyor ertangi kunlar haqida o'ylab qolaman. Shirin orzular og'ushida osmon-u falaklarda uchib yuraman. Tepalar atrofidagi haydalgan maydonlar yuzini oftob oqartirgan. Ulardan nari yana baland-past tepaliklar boshlanadi. Qishloqni oralab o'tgan ilonizi ko'cha qo'rg'onlarni bir-biri bilan bog'laydi. Tursun ammamnikida Saodat ammam (u kishi mendan bor-yo'g'i besh-olti yosh katta, shunga opa deyman), jiyonlarim Yo'ldosh (to'rt yosh), Ergash (uch yosh), Rixsi (bir yosh) bilan birga yashaymiz. Majid pochcham urushdan kasal orttirib kelib, men kelmasimdan sal oldin olamdan o'tgan ekan.

G'anijon amakim meni bu yerga olib kelib qo'yib, birdan Qozog'istonga – Marhamat ammamnikiga ketadigan bo'lib qoldi. "Opa, bitta nonxo'r ko'paydi, endi men ketmasam bo'lmaydi", – deganini eshitib qoldim. Birovga yuk bo'lib yashash qanaqaligini men yaxshi bilaman. Dadamning ota-onalari olamdan o'tgach, Saodat ammam bilan G'anijon amakim Tursun ammamning qo'lida qolgan. Shungami, ammam G'anijon amakimni Qozog'istonga jo'natgisi yo'q. Saodat opam bo'lsa: "Ketmang, aka, ketmang", – deb uvvos solib yig'lab yotibdi. Saodat opam ozg'in, qiltiriq. Shunday qaqshab yig'lardiki, shaytonlab qoladimi deb qo'rqdim. Shu turishda o'zimni o'zim yomon ko'rib ketdim. Men keldim-u, tinchligi buzildi. Tursun ammam Saodat opamni yupatmoqchi bo'ldi: "Yig'lama, singlim, yig'lama, balki akang u yoqlarda o'qir, biron-bir hunarlik bo'lar, betta nima bor ketmondan bo'lak?" Bu gapga o'zlari ham ishondilar, shekilli, G'anijon amakimga "shunaqami" degandek qaradi. G'anijon amakim bo'lsa shoshapisha o'sha yoqda poyezd haydashga o'qimoqchiligini aytdi. Amakim uzun bo'lyli, oriq, biron-bir ish qilmasa tura olmaydigan urinchoq odam edi. Urinchoqligi uchun ham ammamdan ko'p gap eshitardi...

Shunday qilib, G'anijon amakim uzil-kesil qishloqdan ketadigan bo'ldi. Kuzatmoqchi bo'lib u kishiga ergashdim. Nimagadir indamadilar. Biz jimgina ko'chadan yurib borib, mozortepaga burildik. Qabrlar usti bahor maysalari bilan qoplangan, u yer-bu yerda qoqigullar yilt etib ko'zga tashlanadi. Oftob odamga xush yoqtirib qizdiradi. Bo'zsvu tarafdin shamol esib yuzga muzdek uriladi. Qabriston jimjit, faqat

памизда чулдираб турибди. Бир қабр олдида тўхтадик. Ғанижон амаким чўккалаб, Қуръон ўқиди. Қўлини очиб, дуо қилди. Мен ҳам эргашдим. Кейин ўтирган жойида одамнинг раҳмини келтириб шилқ-шилқ йиғлади.

– Бу дадамнинг гўри, йўқолиб кетмасин деб мана бу тошни қўйганман, – деб отнинг бетидек япалоқ тошни кўрсатди. – Сен энди уйнинг эркагисан, тез-тез бувангнинг бошига келиб Қуръон ўқиб тур, хўпми?

Мен дўппайиб турган қабрларга қараб бошқаларида бунақа тош йўқлигини пайқайман, бу ерга қайси томондан кириб келишни ҳам мўлжаллайман. Амаким орқасидан эргашганимда нимага индамаганини энди тушундим. Биз яна кўчага чиқдик. Қабристоннинг атрофи ўралмаган, тор кўча уни чор-атрофдан ажратиб турарди. Амакимнинг ноиложликдан бизни ташлаб кетаётгани сезилиб турарди. У мазортепадан туриб қишлоққа ғалати қилиб бир қаради-да, оғир хўрсинди. Кейин менга:

– Кел, энди эркачасига хайрлашамиз, – деб қўл чўзди. Қўл ташладим. Кафтим амакимнинг кафлари орасида йўқолди. Қачон менинг ҳам қўлларим шунақа кучли бўлар экан, деб ўйлаб қолдим. Хайрлашдик. Амаким шартта ўгирилиб, худди орқасига қараса кетгиси келмай қоладигандек тез-тез юриб кетди. Юрагим эзилиб, кўзимга ёш тўлди. Уйга қайтпман-у, дўппайиб турган қабр ва от бетидек япалоқ тош кўз олдимдан нари кетмайди. Бувамни мен кўрмаганман, кўрган бўлсам ҳам эслай олмайман. У киши ҳақида дадам кўп гапирарди. Уйлари Андижон шаҳрини кесиб ўтган катта анҳор бўйида бўлган экан. Бувам анҳор устига бир эмас, тўққизта атлас тўқийдиган дўконлар қурдирган. Ипакларга сувнинг салқини уриб, энг чиройли саккиз тепки, ўн икки тепки атласлар шу дўконларда тўқилган. Атласларнинг доврўғи Қашқарга, ундан нари Хитойгача етиб борган. У пайтда Туркистонни ўрислар босиб олган, ўрислар орасидан Ленин деганлари чиқиб, кўзғолон қилиб, бойларни душман сифатида тугата бошлагач, бир кўнгилсизликни сезган бувам бўйлари етиб қолган Махфират, Мўътабар, Марҳамат исмли қизларини Асака, Шаҳрихон атрофидаги танишлариникига қочирган. Дадам, Турсун аммам ёш, Ғанижон амаким йўрғакда бўлган. Қиш кунларининг бирида бир қанча оилалар қатори уларни қизил вагонга уриб, Сибирга сургун қилишган. Поезд Қовунчидан ўтиб (ҳозирги Янгийўл), Иўфонтепа деган жойда қорнинг қалинлигидан юра олмай тўхтаб қолган. Сургун қилинганлар кечаси совуққа қотиб ўлмасин деб темир йўл яқинидаги хонадонларга туширилган ва кимки уларни қочириб юборса, ўрнига ўзи кетади, деган кўрқитув бўлган. Бувим Ғанижон

bir juft so'fitor'g'aygina tepamizda chuldirab turibdi. Bir qabr oldida to'xtadik. G'anijon amakim cho'kkalab, Qur'on o'qidi. Qo'lini ochib, duo qildi. Men ham ergashdim. Keyin o'tirgan joyida odamning rahmini keltirib shilq-shilq yig'ladi.

– Bu dadamning go'ri, yo'qolib ketmasin deb mana bu toshni qo'rganman, – deb otning betidek yapaloq toshni ko'rsatdi. – Sen endi uyning erkagisan, tez-tez buvangning boshiga kelib Qur'on o'qib tur, xo'pmi?

Men do'ppayib turgan qablarga qarab boshqalarida bunaqa tosh yo'qligini payqayman, bu yerga qaysi tomondan kirib kelishni ham mo'ljalayman. Amakim orqasidan ergashganimda nimaga indamaganini endi tushundim. Biz yana ko'chaga chiqdik. Qabristonning atrofi o'ralmagan, tor ko'cha uni chor-atrofdan ajratib turardi. Amakimning noilojlikdan bizni tashlab ketayotgani sezilib turardi. U mozortepadan turib qishloqqa g'alati qilib bir qaradi-da, og'ir xo'rsindi. Keyin menga:

– Kel, endi erkakchasiga xayrlashamiz, – deb qo'l cho'zdi. Qo'l tashladim. Kaftim amakimning kaftlari orasida yo'qoldi. Qachon mening ham qo'llarim shunaqa kuchli bo'lar ekan, deb o'ylab qoldim. Xayrlashdik. Amakim shartta o'girilib, xuddi orqasiga qarasa ketgisi kelmay qoladigandek tez-tez yurib ketdi. Yuragim ezilib, ko'zimga yosh to'ldi. Uyga qaytyapman-u, do'ppayib turgan qabr va ot betidek yapaloq tosh ko'z oldimdan nari ketmaydi. Buvamni men ko'rmaganman, ko'rgan bo'lsam ham eslay olmayman. U kishi haqida dadam ko'p gapirardi. Uylari Andijon shahrini kesib o'tgan katta anhor bo'yida bo'lgan ekan. Buvam anhor ustiga bir emas, to'qqizta atlas to'qiydigan do'konlar qurdirgan. Ipaklarga suvning salqini urib, eng chiroyli sakkiz tepki, o'n ikki tepki atlaslar shu do'konlarda to'qilgan. Atlaslarning dovrug'i Qashqarga, undan nari Xitoygacha yetib borgan. U paytda Turkistonni o'rislar bosib olgan, o'rislar orasidan Lenin deganlari chiqib, qo'zg'olon qilib, boylarni dushman sifatida tugata boshlagach, bir ko'ngilsizlikni sezgan buvam bo'ylari yetib qolgan Maxfirat, Mo'tabar, Marhamat ismli qizlarini Asaka, Shahrixon atrofidagi tanishlarinikiga qochirgan. Dadam, Tursun ammam yosh, G'anijon amakim yo'rgakda bo'lgan. Qish kunlarining birida bir qancha oilalar qatori ularni qizil vagonga urib, Sibirga surgun qilishgan. Poyezd Qovunchidan o'tib (hozirgi Yangiyo'l), Yo'g'ontepa degan joyda qorning qalinligidan yura olmay to'xtab qolgan. Surgun qilinganlar kechasi sovuqqa qotib o'lmasin deb temiryo'l yaqinidagi xonadonlarga tushirilgan va kimki ularni

амакимнинг кўрпачаси орасига анчагина тилла тангаларни пахтага қўшиб тикиб юборган экан. Ўша тилла тангалар асқатади. Уни соқчиларга бериб, қор ёғиб турган ярим кечада очиқ далага қараб қочишади. Қор ёғиб, изларини беркитади. То поезд ўрnidан кўзғалиб, кўздан йўқолгунча улар бир чуқур ичида қорга кўмилиб ётади. Бувам илми киши бўлгани учун Чангтепа деган жойдан паноҳ топишади. Саодат опам шу ерда туғилади. Шундоқ дўкондор, бадавлат бувамнинг мусофирчиликда бир парча тошнинг тагида ётиши юрагимни алланечук қилиб юборди. Амакимнинг шилқ-шилқ йиғлагани, кейин орқасига қарамай тез-тез юриб кетгани кўз олдимга келди. Ўзимнинг ҳам сарсон-саргардон юрганларимни ўйлаб, бу дунё ўзи шунақа сарсон дунё экан-да, деган ўйларга бориб қоламан.

Амаким кетгач, Саодат опам уйга сиғмай қолди, ўзидан катта кетмонни кўтариб, далага чиқиб кетди. Этиги ҳам амакимники, юрса нуқул гўлтиллайди. Даладан ҳориб-чарчаб келади. Зўрға бир нима еган бўлади-ю, ухлаб қолади. Турсун аммам балнисада фаррошлик қилади. Бир кечаю бир кундуз уйда бўлмайди. У киши йўқлигида Саодат опам даладан келгунча сигирни соғиб, пиявами, макарон шўрвами қилиб қўяман. Жиянларим менга ўрганиб қолишган. Уйдаги ишларнинг зиғирчаям оғирлиги йўқ. Аячамникида нима иш қилсам ҳам қорним тўярмикан деб қилардим. Аммамникида-чи, ош-овқатнинг калити ўзимнинг қўлимда. Аммам ҳар уч кунда жўхори ундан хамир қоради. Нонни қанча аяб ишлатсак, ўтинни ҳам шунча аяб ишлатамиз. Ғўзапоя тугаб қолган. Саодат опам ҳар куни даладан бўш қўл билан қайтмайди. Ғўзапоя илдизларини териб келади. Уни биз тупчик деймиз. Ишқилиб, очмасмиз, яланғочмасмиз...

Ҳаётим илгаригидан яхши бўлгани билан ичим бўм-бўш... Хаёлимда бу бўшлиқнинг чек-чегараси йўқдек. Унинг таг-тагида мени илҳақ қилиб бир нур милтирайди. Ойижоним менга жилмайгандек бўлади. Қўшни хотинлар мени кўрди дегунча: “Онасига ўхшаркан-а”, – деб қўйишади. Ойим шу қишлоққа келин бўлиб тушган-да. Қўшни хотинлар ойимни Хўрқиз дейишаркан. Хўрларга ўхшаб чиройли эканлар-да. Аячамдан: “Онанг ўлиб, аллақачон ердан кўкариб чиққан”, – деган гапларни эшитиш қаёқда-ю, Хўрқиз деган гапларни эшитиш қаёқда. “Кўнглим сезиб турибди, опам тирик, бир кунмас-бир кун дараги чиқади, мана, сенам топилдинг-ку”, – дейди аммам менга қараб. “Уруш ўлсин, болаларни етим қилиб, ҳаммани сарсон-саргардон қилиб қўйди”. Бундай гапларни илгари Ача холамдан ҳам, бошқалардан ҳам кўп эшитганман. Аммамнинг: “Опам топилади”, – деганига юрагим қаттиқ-

qochirib yuborsa, o'rniga o'zi ketadi, degan qo'rqituv bo'lgan. Buvim G'anjon amakimning ko'rpachasi orasiga anchagina tilla tangalarni paxtaga qo'shib tikib yuborgan ekan. O'sha tilla tangalar asqatadi. Uni soqchilarga berib, qor yog'ib turgan yarim kechada ochiq dalaga qarab qochishadi. Qor yog'ib, izlarini berkitadi. To poyezd o'rnidan qo'zg'alib, ko'zdan yo'qolguncha ular bir chuqur ichida qorga ko'milib yotadi. Buvam ilmi kishi bo'lgani uchun Changtepa degan joydan panoj topishadi. Saodat opam shu yerda tug'iladi. Shundoq do'kondor, badavlat buvamning musofirchilikda bir parcha toshning tagida yotishi yuragimni allanechuk qilib yubordi. Amakimning shilq-shilq yig'lagani, keyin orqasiga qaramay tez-tez yurib ketgani ko'z oldimga keldi. O'zimning ham sarson-sargardon yurganlarimni o'ylab, bu dunyo o'zi shunaqa sarson dunyo ekan-da, degan o'ylarga borib qolaman.

Amakim ketgach, Saodat opam uyga sig'may qoldi, o'zidan katta ketmonni ko'tarib, dalaga chiqib ketdi. Etigi ham amakimniki, yursa nuqul g'o'tillaydi. Daladan horib-charchab keladi. Zo'rg'a bir nima yegan bo'ladi-yu, uxlab qoladi. Tursun ammam balnisada farroshlik qiladi. Bir kecha-yu bir kunduz uyda bo'lmaydi. U kishi yo'qligida Saodat opam daladan kelguncha sigirni sog'ib, piyavami, makaron sho'rvami qilib qo'yaman. Jiyanlarim menga o'rganib qolishgan. Uydagi ishlarning zig'irchayam og'irligi yo'q. Ayachamnikida nima ish qilsam ham qornim to'yarmikan deb qilardim. Ammamnikida-chi, osh-ovqatning kaliti o'zimning qo'limda. Ammam har uch kunda jo'xori unidan xamir qoradi. Nonni qancha ayab ishlatsak, o'tinni ham shuncha ayab ishlatamiz. G'o'zapoya tugab qolgan. Saodat opam har kuni daladan bo'sh qo'l bilan qaytmaydi. G'o'zapoya ildizlarini terib keladi. Uni biz tupchik deymiz. Ishqilib, ochmasmiz, yalang'ochmasmiz...

Hayotim ilgarigidan yaxshi bo'lgani bilan ichim bo'm-bo'sh... Xayolimda bu bo'shliqning chek chegarasi yo'qdek. Uning tag tagida meni ilhaq qilib bir nur miltiraydi. Oyijonim menga jilmaygandek bo'ladi. Qo'shni xotinlar meni ko'rdi deguncha: "Onasiga o'xsharkan-a", – deb qo'yishadi. Oyim shu qishloqqa kelin bo'lib tushgan-da. Qo'shni xotinlar oyimni Hurqiz deyisharkan. Hurlarga o'xshab chiroyli ekanlar-da. Ayachamdan: "Onang o'lib, allaqachon yerdan ko'karib chiqqan", – degan gaplarni eshitish qayoqda-yu, Hurqiz degan gaplarni eshitish qayoqda. "Ko'nglim sezib turibdi, opam tirik, bir kunmas-bir kun daragi chiqadi, mana, senam topilding-ku", – deydi ammam menga qarab. "Urush o'lsin, bolalarni yetim qilib, hammani sarson-sargardon qilib qo'ydi". Bunday gaplarni ilgari Acha xolamdan

қаттиқ уриб, у кишини маҳкам қучоқлаб оламан. “Бўлди, бўғиб ўлдириб қўясан, болам”, – деб аммам ёлғондакам зорланади. Жиянларим ғаш олиб, мени нари-бери турткилашади. Аммамдан ойижонимнинг иси келади...

Саодат опамнинг далага чиқиб кетгани яхши бўлибди. Энди бизга ҳам далада ишлайдигани бор, деб томорқа беришар экан. Аммам роса хурсанд бўлди. Томорқага жўхори экадиган бўлдик. Поясини мол еяр экан, донини ўзимиз. Агарда Фанижон амаким кетмаганида ярмига қовун-тарвуз экиб, сотиб, қишга бош-оёқ кийим қилиб олган бўларканмиз. Мен амакимнинг ўрнини босиб, қовун-тарвуз экишни ўйлайман. Аммо экиш қанақа бўлишини ҳали билмайман. Қишлоқда экин-тикин ишлари бошланмаган, далага чиққанларнинг бари ариқ қазиш, ер текислаш билан овора. Кечалари салқин...

ОЙМОМА ТЎЛГАН КУНЛАР

Томорқани бизга шундоққина тепамиз ёнидаги майдондан ўлчаб беришди. Ҳар куни уни бир айланиб қўяман. Ҳеч ким кетмон кўтариб, томорқасига чиқмайди. Бирон нарса экайлик деб юрагим тошади. Бир куни кечаси ҳожатга чиқсам, кимдир ерга кетмон уриб, ишлаб ётибти. Хаёлимда ўша одам бизнинг еримизни ўзиникига қўшиб олаётгандек туюлаверди. Ваҳима билан кириб аммам билан Саодат опамни уйғотдим. Аммам уйқусираб гудранди:

– Бечоралар, кундузи колхознинг ишидан ортмагандан кейин кечаси ишлайди-да...

– Вой, опа, қозикни суғуриб, еримизни қўшвоса-я, – ваҳима қилди Саодат опам ҳам.

– Ухланглар, қўшниларибиз инсофли, етимнинг ҳақидан кўрқишади, бундан бу ёғига аҳвол шу... Ким эрта экса, эрта ўриб олади...

Уйқум ўчди. Аммам билан Саодат опам пишиллаб ухлаб қолишди. Гўё аммам бояги гапи билан биз экишда кеч қолдик, болам, дегандек бўлди. Бу ўй-хаёллар ёнига Фанижон амакимнинг: “Сен энди уйнинг эркагисан”, – деганлари қўшилди-ю, ўрнимдан туриб кетдим. Саодат опамнинг этигини кийиб, кетмонини олиб, аста томорқага тушиб бордим. Бизнинг қаторимиздан Турсунбой ака деган ер олган эди. У кишини танидим. Майдонда бошқа қўшнилари ҳам кўринар, шип-шип кетмон овозлари эшитилар, кимдир “хи-хи”лаб эшакда мола босарди. Оймома роса тўлган, чор-атрофни сутдек ёритар, ҳатто тепалар устидаги қўрғонларнинг

ham, boshqalardan ham ko'p eshitganman. Ammamning: "Opam topiladi", – deganiga yuragim qattiq-qattiq urib, u kishini mahkam quchoqlab olaman. "Bo'ldi, bo'g'ib o'ldirib qo'yasan, bolam", – deb ammam yolg'ondakam zorlanadi. Jiyanlarim g'ash olib, meni nari-beri turtkilashadi. Ammamdan oyijonimning isi keladi...

Saodat opamning dalaga chiqib ketgani yaxshi bo'libdi. Endi bizga ham dalada ishlaydigani bor, deb tomorqa berishar ekan. Ammam rosa xursand bo'ldi. Tomorqaga jo'xori ekadigan bo'ldik. Poyasini mol yeyar ekan, donini o'zimiz. Agarda G'anijon amakim ketmaganida yarmiga qovun-tarvuz ekib, sotib, qishga bosh-oyoq kiyim qilib olgan bo'larkanmiz. Men amakimning o'rnini bosib, qovun-tarvuz ekishni o'ylayman. Ammo ekish qanaqa bo'lishini hali bilmayman. Qishloqda ekin-tikin ishlari boshlanmagan, dalaga chiqqanlarning bari ariq qazish, yer tekislash bilan ovora. Kechalari salqin...

OYMOMA TO'LGAN KUNLAR

Tomorqani bizga shundoqqina tepamiz yonidagi maydondan o'lchab berishdi. Har kuni uni bir aylanib qo'yaman. Hech kim ketmon ko'tarib, tomorqasiga chiqmaydi. Biron narsa ekaylik deb yuragim toshadi. Bir kuni kechasi hojatga chiqsam, kimdir yerga ketmon urib, ishlab yotibti. Xayolimda o'sha odam bizning yerimizni o'zinikiga qo'shib olayotgandek tuyulaverdi. Vahima bilan kirib ammam bilan Saodat opamni uyg'otdim. Ammam uyqusirab g'udrandi:

– Bechoralar, kunduzi kolxozning ishidan ortmagandan keyin kechasi ishlaydi-da...

– Voy, opa, qoziqni sug'urib, yerimizni qo'shvosa-ya, – vahima qildi Saodat opam ham.

– Uxlanglar, qo'shnilarimiz insofli, yetimning haqidan qo'rqishadi, bundan bu yog'iga ahvol shu... Kim erta eksa, erta o'rib oladi...

Uyqum o'chdi. Ammam bilan Saodat opam pishillab uxlab qolishdi. Go'yo ammam boyagi gapi bilan biz ekishda kech qoldik, bolam, degandek bo'ldi. Bu o'y-xayollar yoniga G'anijon amakimning: "Sen endi uyning erkagisan", – deganlari qo'shildi-yu, o'rnimdan turib ketdim. Saodat opamning etigini kiyib, ketmonini olib, asta tomorqaga tushib bordim. Bizning qatorimizdan Tursunboy aka degan yer olgan edi. U kishini tanidim. Maydonda boshqa qo'shnilar ham ko'rinar, ship-ship ketmon ovozlari eshitilar, kimdir "xi-xi"lab eshakda mola bosardi. Oymoma rosa to'lgan, chor-atrofnii sutdek yoritir, hatto tepalar ustidagi qo'rg'onlarning devorlari ham g'ira-shira ko'zga

деворлари ҳам ғира-шира кўзга ташланарди. Турсунбой ака кетмонда анча жойни қорайтириб текислаб қўйипти. Яқинроқ бориб, салом бердим.

– Э, – деб Турсунбой ака менга ўгирилди, – сен бола нима қилиб юрибсан ярим кечада. Маза қилиб уйқуни урмайсанми, қизигар?

– Менам экишим керак-да, Турсунбой ака, – деб уйнинг эркаги эканлигимни билдириб қўймоқчи бўлдим.

– Шунақами, баракалла, хут кирди – деҳқоннинг пайтавасига курт кирди, деганлари шу бўлади, жиян... Экишдан олдин ерни кафтдек қилиб текислаб олишни биласанми?

– Билмайман-да, Турсунбой ака, – деб шоша-пиша билмаслигимни айтдим, зора ўргатсалар.

– Унда юр, кўрсатиб бераман, ҳеч ким онасининг қорнидан ўрганиб тушмаган.

Турсунбой ака мени томорқамизнинг чеккасига бошлади. Бизнинг еримиз майдоннинг четига тўғри келиб қолгани учун трактор тупроқни бир томонга уйиб кетибди. Энди уни бошдан-оёқ текислаб чиқсам, еримизга анча ер қўшилар экан. Турсунбой ака бироз ишлаб кўрсатди-да, ойдинли кунлар ғанимат, ғайрат қилиб қол, азамат, деб ўзининг томорқасига қараб кетди. Турсунбой акага ўхшаб кафтимга туфлаб, кетмон дастасига ёпишдим. Ер юмшоқ, кетмон урсам билқиллайди. Ҳавасакка Турсунбой ака кўрсатгандек қилиб ишлашга тушдим. Ҳаво салқин, ой ёруғ бўлганига юлдузлар хира тортган, унда-мунда юлдуз учади. Кўрқмайман-у, нимагадир юрагим шув этиб кетади. Юлдуз учганда кимдир ўлади, деганларини эшитганман. Ер бети қорайган сари ишим унаётганидан севинаман. Аммо кўп ўтмай тер босиб, ҳолсизланиб қолдим. Ғайрат бор-у, куч йўқ. Кетмон кутилмаганда зил-замбил бўлиб қолди... Кечқурун нонсиз сўкоши ичган эдим. Жиянларим нон деб хархаша қилган эди, аммам ётар қорин ёрилмас, эрта билан хамир қораман, менам темирмасман-ку, ахир, деб жеркиб берган эди. Кетмонга суяниб дам олиб ўтирсам, Турсунбой ака келиб қолди. Ишимни кўриб, этиги билан нари-бери тупроқ кечди-да:

– Маъқул, боқса одам бўласан, кўшни, – деди. – Энди бу ишни охирига етказсанг, эртага мен ҳўкиз олиб келаман, икковлашиб ерга мола босволамиз, қарабсанки еримиз ҳамманикидан олдин экишга тайёр-да, нима дединг?

Мен экишга кеч қолмаганимизни, қайтага бошқалардан олдинда эканимизни ўйлаб, севиниб кетдим. Аммамга айтиб, уларни ҳам хурсанд қилишни ўйладим.

– Маслаҳат билан ерга нима эймоқчисан энди, деҳқон? – деди Турсунбой ака мени катта одам санаб.

tashlanardi. Tursunboy aka ketmonda ancha joyni qoraytirib tekislab qo'yipti. Yaqinroq borib, salom berdim.

– E, – deb Tursunboy aka menga o'girildi, – sen bola nima qilib yuribsan yarim kechada. Maza qilib uyquni urmaysanmi, qizig'ar?

– Menam ekishim kerak-da, Tursunboy aka, – deb uying erkagi ekanligimni bildirib qo'ymoqchi bo'ldim.

– Shunaqami, barakalla, hut kirdi – dehqonning paytavasiga qurt kirdi, deganlari shu bo'ladi, jiyan... Ekishdan oldin yerni kaftdek qilib tekislab olishni bilasanmi?

– Bilmayman-da, Tursunboy aka, – deb shosha-pisha bilmasligimni aytdim, zora o'rgatsalar.

– Unda yur, ko'rsatib beraman, hech kim onasining qornidan o'rganib tushmagan.

Tursunboy aka meni tomorqamizning chekkasiga boshladi. Bizning yerimiz maydonning chetiga to'g'ri kelib qolgani uchun traktor tuproqni bir tomonga uyib ketibdi. Endi uni boshdan oyoq tekislab chiqsam, yerimizga ancha yer qo'shilar ekan. Tursunboy aka biroz ishlab ko'rsatdi-da, oydinli kunlar g'animat, g'ayrat qilib qol, azamat, deb o'zining tomorqasiga qarab ketdi. Tursunboy akaga o'xshab kaftimga tuflab, ketmon dastasiga yopishdim. Yer yumshoq, ketmon ursam bilqillaydi. Havasakka Tursunboy aka ko'rsatgandek qilib ishlashga tushdim. Havo salqin, oy yorug' bo'lganiga yulduzlar xira tortgan, unda-munda yulduz uchadi. Qo'rqmayman-u, nimagadir yuragim shuv etib ketadi. Yulduz uchganda kimdir o'ladi, deganlarini eshitganman. Yer beti qoraygan sari ishim unayotganidan sevinaman. Ammo ko'p o'tmay ter bosib, holsizlanib qoldim. G'ayrat bor-u, kuch yo'q. Ketmon kutilmaganda zil-zambil bo'lib qoldi... Kechqurun nonsiz so'koshi ichgan edim. Jiyanlarim non deb xarxasha qilgan edi, ammam yotar qorin yorilmas, erta bilan xamir qoraman, menam temirmasman-ku, axir, deb jerkib bergan edi. Ketmonga suyanib dam olib o'tirsam, Tursunboy aka kelib qoldi. Ishimni ko'rib, etigi bilan nari-beri tuproq kechdi-da:

– Ma'qul, boqsa odam bo'lasan, qo'shni, – dedi. – Endi bu ishni oxiriga yetkazsang, ertaga men ho'kiz olib kelaman, ikkovlashib yerga mola bosvolamiz, qarabsanki yerimiz hammanikidan oldin ekishga tayyor-da, nima deding?

Men ekishga kech qolmaganimizni, qaytaga boshqalardan oldinda ekanimizni o'ylab, sevinib ketdim. Ammamga aytib, ularni ham xursand qilishni o'yladim.

– Maslahat bilan yerga nima ekmoqchisan endi, dehqon? – dedi Tursunboy aka meni katta odam sanab.

– Сиз нима эксангиз менам шуни экаман, – дедим у кишига ёқадиган гап қилиб.

– Унда билиб қўй, тарвуз, қовун, хў-ўш... яна ловия, маккажўхорининг уруғи мендан, уларни оби тобида қилиб, ўзим уйитиб қўяман, сен картошка уруғининг пайида бўл, хўпми?

– Картошкани қаердан оламан, Турсунбой ака?

– Аммангга айтсанг топади, биламан, балнисанинг қозони картошкасиз қайнамайди. Икки қоп олиб берса, иккаламизга ҳам етади, худо хоҳласа бир қишлик-бир қишлик картошка қазиб оламиз.

Шундай деб Турсунбой ака кетмонини елкасига ташлаб, уйига қараб кетди. Қарасам, оймома хира тортиб, кунчиқар тараф оқарибди. Тонгги шамол эсиб, эгим жунжикди. Турсунбой аканинг гапидан ғайратланиб яна бироз ишладим. Шу пайт Саодат опам келиб қолиб, мени кўриб ёш боладек хўнграб йиғлаб берди. Кўрқиб кетдим.

– Ҳа, нима бўлди, опа?

– Дард, нима бўлди, бу нима қилиқ, ухламабсан-ку, укажон?

– Яхшиман, опа, ўзи уйқум келмади-да бугун.

– Этикни еч, ишга кеч қоляпман. – Саодат опам ўтириб олиб озгин, чиллакдек оёқларига пайтавани икки қаватлаб ўрар экан, деди:

– Опам хамир қоряпти, зоғора пишса, нонуштага етказиб борарсан, очимдан ўлмай тагин, хўпми?

– Хўп, қаёққа олиб борай?

– Йигирма тўрт гектарликка.

– Кетмонниям олиб кетасизми?

Саодат опам менга ўқрайиб қаради:

– Қўй бу ишингни, ҳалитдан эзилиб қоласан-ку, ўзим бугун ойдинда текислаб бераман.

Аммам ишимдан хурсанд бўлдилар, шекилли, "отам", "отажоним", деб эркалаб, бошимни силади. Ичимдан титроқ туриб, хурсандлигимдан осмонларга учгандек бўлдим. Турсунбой аканинг гапларини айтган эдим, аммамнинг энсаси қотди:

– Ўла қолсин, қурумсоқ, жиз бизи биздану, сиз бизи Турсунбой найновдан бўларкан-да, жа ундан қанча уруғ кетарди? Шунча картошкани қаердан оламан, болам?

– Турсунбой ака менга кечаси билан қарашди, – дедим ёлғон гапириб, – бугун хўкиз олиб келаркан, мола босиб олсак, экадиганнимизни ҳаммадан олдин экиб оларканмиз.

– Шунақами, нечук найновга инсоф бериб қопти. Майли, бир иложини қиларман бўлмаса.

Аммам нон ёпадиган кунлари балнисадан картошка пўчоғи

– Siz nima eksangiz menam shuni ekaman, – dedim u kishiga yoqadigan gap qilib.

– Unda bilib qo'y, tarvuz, qovun, xo'osh... yana loviya, makkajo'xorining urug'i mendan, ularni obi tobida qilib, o'zim uyitib qo'yaman, sen kartoshka urug'ining payida bo'l, xo'pmi?

– Kartoshkani qayerdan olaman, Tursunboy aka?

– Ammangga aysang topadi, bilaman, balnisaning qozoni kartoshkasiz qaynamaydi. Ikki qop olib bersa, ikkalamizga ham yetadi, xudo xohlasa bir qishlik-bir qishlik kartoshka qazib olamiz.

Shunday deb Tursunboy aka ketmonini yelkasiga tashlab, uyiga qarab ketdi. Qarasam, oymoma xira tortib, kunchiqar taraf oqaribdi. Tonggi shamol esib, etim junjikdi. Tursunboy akaning gapidan g'ayratlanib yana biroz ishladim. Shu payt Saodat opam kelib qolib, meni ko'rib yosh boladek ho'ngrab yig'lab berdi. Qo'rqib ketdim.

– Ha, nima bo'ldi, opa?

– Dard, nima bo'ldi, bu nima qiliq, uxlamabsan-ku, ukajon?

– Yaxshiman, opa, o'zi uyqum kelmadi-da bugun.

– Etikni yech, ishga kech qolyapman. – Saodat opam o'tirib olib ozg'in, chillakdek oyoqlariga paytavani ikki qavatlab o'rar ekan, dedi:

– Opam xamir qoryapti, zog'ora pishsa, nonushtaga yetkazib borarsan, ochimdan o'lmay tag'in, xo'pmi?

– Xo'p, qayoqqa olib boray?

– Yigirma to'rt gektarlikka.

– Ketmonniyam olib ketasizmi?

Saodat opam menga o'qrayib qaradi:

– Qo'y bu ishingni, halitdan ezilib qolasan-ku, o'zim bugun oydinda tekislab beraman.

Ammam ishimdan xursand bo'ldilar, shekilli, "otam", "otajonim", deb erkalab, boshimni siladi. Ichimdan titroq turib, xursandligimdan osmonlarga uchgandek bo'ldim. Tursunboy akaning gaplarini aytgan edim, ammamning ensasi qotdi:

– O'la qolsin, qurumsoq, jiz-bizi bizdan-u, siz-bizi Tursunboy naynovdan bo'larkan-da, ja undan qancha urug' ketardi? Shuncha kartoshkani qayerdan olaman, bolam?

– Tursunboy aka menga kechasi bilan qarashdi, – dedim yolg'on gapirib, – bugun ho'kiz olib kelarkan, mola bosib olsak, ekadiganimizni hammadan oldin ekib olarkanmiz.

– Shunaqami, nechuk naynovga insof berib qopti. Mayli, bir ilojini qilarman bo'lmasa.

Ammam non yopadigan kunlari balnisadan kartoshka po'chog'i

олиб келар, ювиб-ювиб, қозонда пишириб, эзиб, хамирга қўшарди. Шундан кейин зоғора нон кусур-кусур бўлиб, ширин татиб кетарди. Шундан биламанки, балнисада картошка кўп ишла-тилади. Бун Турсунбой ака ҳам билади.

Мен Саодат опамга нонушта ташлаб келгунча аммам Надим темирчига учраб, дасталанган янги кетмон олиб келиб қўйибдилар. Бундан от мингандек севиндим. Энди менинг ҳам ўз кетмоним бор. Ростакам деҳқон бўлдим... Кун бўйи Турсунбой аканинг томорқасига қарай-қарай ер текисладим. Сигирни аммам жиянларим билан ўтлатиб келди. Мен катта одам бўлиб, мол боқишдан қутулиб, зарур ишлар билан банд бўлдим. Энди кечаси ойдинда Турсунбой ака билан ерга мола босиб олсак, бўлди.

Оймома бугун кечагидан анча кечикиб чиқди. Кута-кута кўзим толди. Ниҳоят, осмон юзи ёришиб, оймомонинг қизғиш гардиши кўринди. Кўтарилгани сари соялар кун ботишга қараб чўзилиб берди. Мен эрта кунда томорқамизга тушиб олган эдим. Турсунбой акани кутардим. Ниҳоят, бўйнига бўйинтуруқ солинган икита хўкизга узун тахта – молани судратиб келиб қолдилар. Мен хўкизларни етаклайдиган, Турсунбой ака молага чиқадиغان бўлди. Хўкизларни қаёққа бошла десалар, ўша ёққа бошлайман. Ҳавони тупроқ ҳиди тутган, оймома тепалаб, ўзининг оппоқ нурларини тўкарди. Каттагина бир юлдуз учиб, қишлоқ чеккасига бориб тушди. Эътибор қилсам, ҳалидан бери Турсунбой аканинг ерида айланаётган эканмиз. У кишига ҳавасим келди. Мен кесак кечиб, хўкиз етаклаганда, у кишим мола устида маза қиларди.

– Турсунбой ака, менам мола минай, – дедим ичим қизиб.

– Шошилма, минигашга улгурасан...

Хуллас, хўкизлар бизнинг ерга ўтгунча ҳолдан тойди, тўхтаб, юрмай қўйди. Бири олиб, бири қўйиб чулдиратиб бўшанди. Жониворлар чарчаб, қоринлари чиқиб-тушиб зўрға нафас оларди. Катта этикда кесак кечиб ўзимнинг ҳам силлам қуриган. Бизнинг еримизга мола босилмай қолса-я, деб ваҳимага тушдим. Хўкизларнинг орасига кириб, уларни силаб-сийпалайман. Шундай қилсам, уларга жон битиб, юриб кетадигандек...

– Бу ёққа кел, – деди Турсунбой ака мени ёнига чақириб, – энди мен молага оғирлик қилиб қолдим, бу ёғига сен босасан, хўкизни мен етаклайман. Арқонни маҳкам ушлаб (арқоннинг бир учи хўкизларнинг бўйинтуруғига боғланган, мола устида мувоzanатни сақлаб туришга ёрдам беради) оёғингни молага қаттиқ бос, қара, яна олдинга мункиб кетиб, иш чиқариб юрма, майиб бўласан-а.

olib kelar, yuvib-yuvib, qozonda pishirib, ezib, xamirga qo'shardi. Shundan keyin zog'ora non kusur-kusur bo'lib, shirin tatib ketardi. Shundan bilamanki, balnisada kartoshka ko'p ishlatiladi. Buni Tursunboy aka ham biladi.

Men Saodat opamga nonushta tashlab kelguncha ammam Nadim temirchiga uchrab, dastalangan yangi ketmon olib kelib qo'yibdilar. Bundan ot mingandek sevindim. Endi mening ham o'z ketmonim bor. Rostakam dehqon bo'ldim... Kun bo'yi Tursunboy akaning tomorqasiga qaray-qaray yer tekisladim. Sigirni ammam jiyalarim bilan o'tlatib keldi. Men katta odam bo'lib, mol boqishdan qutulib, zarur ishlar bilan band bo'ldim. Endi kechasi oydinda Tursunboy aka bilan yerga mola bosib olsak, bo'ldi.

Oymoma bugun kechagidan ancha kechikib chiqdi. Kuta-kuta ko'zim toldi. Nihoyat, osmon yuzi yorishib, oymomoning qizg'ish gardishi ko'rindi. Ko'tarilgani sari soyalar kun botishga qarab cho'zilib berdi. Men erta kunda tomorqamizga tushib olgan edim. Tursunboy akani kutardim. Nihoyat, bo'yniga bo'yinturiq solingan ikkita ho'kizga uzun taxta – molani sudratib kelib qoldilar. Men ho'kizlarni yetaklaydigan, Tursunboy aka molaga chiqadigan bo'ldi. Ho'kizlarni qayoqqa boshla desalar, o'sha yoqqa boshlayman. Havoni tuproq hidi tutgan, oymoma tepalab, o'zining oppoq nurlarini to'kardi. Kattagina bir yulduz uchib, qishloq chekkasiga borib tushdi. E'tibor qilsam, halidan beri Tursunboy akaning yerida aylanayotgan ekanmiz. U kishiga havasim keldi. Men kesak kechib, ho'kiz yetaklaganda, u kishim mola ustida maza qilardi.

– Tursunboy aka, menam mola minay, – dedim ichim qizib.

– Shoshilma, minishga ulgurasan...

Xullas, ho'kizlar bizning yerga o'tguncha holdan toydi, to'xtab, yurmay qo'ydi. Biri olib, biri qo'yib chuldiratib bo'shandi. Jonivorlar charchab, qorinlari chiqib-tushib zo'rg'a nafas olardi. Katta etikda kesak kechib o'zimning ham sillam qurigan. Bizning yerimizga mola bosilmay qolsa-ya, deb vahimaga tushdim. Ho'kizlarning orasiga kirib, ularni silab-siypalayman. Shunday qilsam, ularga jon bitib, yurib ketadigandek...

– Bu yoqqa kel, – dedi Tursunboy aka meni yoniga chaqirib, – endi men molaga og'irlik qilib qoldim, bu yog'iga sen bosasan, ho'kizni men yetaklayman. Arqonni mahkam ushlab (arqonning bir uchi ho'kizlarning bo'yinturug'iga bog'langan, mola ustida muvozanatni saqlab turishga yordam beradi) oyog'ingni molaga qattiq bos, qara, yana oldinga munkib ketib, ish chiqarib yurma, mayib bo'lasan-a.

– Биламан, ўртоғим Қўчқорникида эшақда мола босганмиз, – дейман у кишини хотиржам қилиб.

– А, нима эка қолишди улар? – сўради Турсунбой ака сергак тортиб.

– Сабзи.

– Шунақами, оббо чаққонлар-э, унда биз сабзи экмаймиз, Карамат сўпининг сабзиси бутун қишлоққа етади.

Карамат сўпи деганлари Қўчқорнинг дадаси. Икки тепанинг орасига пастдеккина қурилган масжидда бир кунда уч марта: тонгда, шомда ва хуфтонда азон чақиради.

Шундай қилиб, бизнинг томорқамизга ҳам мола босилди ҳисоб. Уйга кириб, бир уйқуни олиб, кечаси қилинган ишни бир кўрай, деб томорқага чиқсам, Турсунбой аканикига қараганда менинг ерим мола босилмапти ҳисоб. Айб ўзимда, Турсунбой акага ўхшаб тошим оғир бўлганда эди, чумчүкдек енгил бўлсам. Ам-мам келиб, бу нимаси, мола босилмапти-ку, ер ютқур, сенларга картошка уруғи тушиб қоптими, демасин, деб шоша-пиша кесакларни майдалашга тушдим. Бугун кечаси Турсунбой ака от билан “акучник” (от тортадиган омон) олиб келаман деди, олиб келса ариқ оламиз.

Учинчи кунни ойнинг чиқиши янаям чўзилди. Карамат сўпи хуфтонга азон айтиб, чоллар намозини ўқиб, фонус ёруғида гангур-гунгур гаплашиб, уй-уйига тарқагандан кейин ҳам анча ўтиб ой чиқиб келди. Турсунбой ака “акучник”ни томорқада қолдириб, ўзи отни ўтлатиб келгани кетган эди, келди.

– Қара, – деди у осмонга ишора қилиб, – булут чиқди. Ишни тезда бир ёқли қилиб олмасак, эртага от билан “акучник” бизга тегмайди.

Эътибор қилмаган эканман. Қибла томондан бўлтак-сўлтак булутлар бостириб келар, оймома энди олачалпак соя ташлай бошлаган эди.

– Қўрқманг, – дедим Турсунбой акага далда бўлиб, – менинг кўзим қоронғидаям яхши кўради.

– Шу битта ариқни текис, тўғри олвосак, бўлди, қолгани шунга қараб олинаверади, – деб Турсунбой ака отга бўйинтуруқ кийдириб, уни “акучник”ка кўшди. Кейин ўзи томорқанинг этагига тушиб бориб, шағам ёқди. У ер бетиде юлдуздек милтираб, кўзимга бошқача кўринди. Қайтиб келиб:

– Шағамни кўряпсанми, азамат? – деди.

– Кўрмай-чи, Турсунбой ака.

– Энди ўша шағамдан кўзингни узмай отни етаклайверасан, шунда ариғимиз ўқдек тўғри чиқади. Буёғи сенга боғлиқ, деҳқон. Қани, бисмилло, бошладик, чў-ў жонивор...



– Bilaman, o'rtog'im Qo'chqornikida eshakda mola bosganmiz, – deyman u kishini xotirjam qilib.

– A, nima eka qolishdi ular? – so'radi Tursunboy aka sergak tortib.

– Sabzi.

– Shunaqami, obbo chaqqonlar-e, unda biz sabzi ekmaymiz, Karamat so'pining sabzisi butun qishloqqa yetadi.

Karamat so'pi deganlari Qo'chqorning dadasi. Ikki tepaning orasiga pastdekkina qurilgan masjidida bir kunda uch marta: tongda, shomda va xuftonda azon chaqiradi.

Shunday qilib, bizning tomorqamizga ham mola bosildi hisob. Uyga kirib, bir uyquni olib, kechasi qilingan ishni bir ko'ray, deb tomorqaga chiqsam, Tursunboy akanikiga qaraganda mening yerim mola bosilmapti hisob. Ayb o'zimda, Tursunboy akaga o'xshab toshim og'ir bo'lganda edi, chumchuqdek yengil bo'lsam. Ammam kelib, bu nimasi, mola bosilmapti-ku, yer yutkur, senlarga kartoshka urug'i tushib qoptimi, demasin, deb shosha-pisha kesaklarni maydalashga tushdim. Bugun kechasi Tursunboy aka ot bilan "akuchnik" (ot tortadigan omoch) olib kelaman dedi, olib kelsa ariq olamiz.

Uchinchi kuni oyning chiqishi yanayam cho'zildi. Karamat so'pi xuftonga azon aytib, chollar namozini o'qib, fonus yorug'ida gangur-gungur gaplashib, uy-uyiga tarqagandan keyin ham ancha o'tib oy chiqib keldi. Tursunboy aka "akuchnik"ni tomorqada qoldirib, o'zi otni o'tlatib kelgani ketgan edi, keldi.

– Qara, – dedi u osmonga ishora qilib, – bulut chiqdi. Ishni tezda bir yoqli qilib olmasak, ertaga ot bilan "akuchnik" bizga tegmaydi.

E'tibor qilmagan ekanman. Qibla tomondan bo'ltak-so'ltak bulutlar bostirib kelar, oymoma endi olachalpak soya tashlay boshlagan edi.

– Qo'rqmang, – dedim Tursunboy akaga dalda bo'lib, – mening ko'zim qorong'idayam yaxshi ko'radi.

– Shu bitta ariqni tekis, to'g'ri olvosak, bo'ldi, qolgani shunga qarab olinaveradi, – deb Tursunboy aka otga bo'yinturuq kiydirib, uni "akuchnik"ka qo'shdi. Keyin o'zi tomorqaning etagiga tushib borib, shag'am yoqdi. U yer betida yulduzdek miltirab, ko'zimga boshqacha ko'rindi. Qaytib kelib:

– Shag'amni ko'ryapsanmi, azamat? – dedi.

– Ko'rmay-chi, Tursunboy aka.

– Endi o'sha shag'amdan ko'zingni uzmay otni yetaklayverasan, shunda arig'imiz o'qdek to'g'ri chiqadi. Buyog'i senga bog'liq, dehqon. Qani, bismillo, boshladik, cho'o' jonivor...

Яна ишни Турсунбой аканинг томорқасидан бошладик. “Акучник”нинг олдиндаги филдираги кесакларга урилиб зириллар, от пирқиллаб, олдинги оёқларига зўр берарди. Ҳавода ёмғир ҳиди анқиб қолди. Бўзсув тарафда чақмоқ чақиб, момақалди роқ гумбурлади. Мен шағамдан кўзимни узмай, қадамимни тезлатдим. Шағамга етиб ҳам бордигу отнинг туёғидан учган кесакками, шабадагами, ишқилиб, шағам ўчиб қолди. Турсунбой ака шағамни кесаклар орасидан топиб чўнтагига солиб кўйди. Орқага қарасам, ҳозиргина олган арифимиз қорайиб, текис кўринди.

– Энди-чи, жиян, – деди Турсунбой ака, – бундан буёғига отни ариқнинг ичида юриб етаклайсан.

Отни етакляяпман-у, буям ҳўкизларга ўхшаб менинг еримга етганда чарчаб қолмасин-да, деб кўрқаман. Турсунбой аканинг ери текис мола босилганигами, унчалик қийналмадик, аммо менинг еримга ўтганда от ҳам, Турсунбой аканинг ўзи ҳам қийналиб кетди. Эзилмаган кесаклар халақит қиларди-да. Охирги ариқларни олаётганимизда шаррос ёмғир кўйиб берди. Шалоббо бўлсак ҳам ишни охирига етказдик.

– Энди гап бундай, деҳқон, – деди Турсунбой ака, бўлар иш бўлди дегандек ёмғирга парво қилмай, – баҳор ёмғири ўтади-кетди, қайтага яхши бўлди. Шу ёмғирнинг намига уруғларни ундириб оламиз. Ҳали бизникига кирсанг, кеннойнинг қандай қилиб экишни кўрсатиб беради, ўзи эколмайди, касал. Ловияни жўхориға кўшиб экасан, хўпми, – деди.

Шу куни аммамнинг ишга бормайдиган куни эди. Уруғларни аммам билан икковлашиб экиб олдик. Яна бир хурсандчилик балнисанинг Лўнка деган омборчиси велосипедда икки марта қатнаб икки қоп картошка ташлаб кетди. У жуда майда, арчса, пичоққа илинмасди, шунга ҳам беришган, шекилли. Аммам айвоннинг офтоб тушмайдиган бир чеккасиға ёйди-да, устиға кул сепиб кўйди. Шундай қилса, тезроқ муртақлар экан, кейин экиб оларканмиз.

Бир куни томорқаға чиқсам, Турсунбой ака қовун, тарвуз экиладиган ариқларнинг икки чеккасиға чуқурчалар қазиб кўйибди. Мен ҳам ўзимизникини шунақа қилиб ўйиб чиқдим. Эртасиға қарасам, ўша чуқурчаларни гўнға тўлатиб кўйибди. Менам сигиримизнинг гўнгини челақда ташиб, чуқурчаларни тўлатдим.

Эртасиға эрта билан Турсунбой ака мени уйғотиб, томорқаға олиб тушди. Чуқурчаларни сигирнинг гўнги билан эмас, отнинг гўнги билан тўлатишим керак экан. Сигирнинг гўнгидан қурт чиқиб, қовун, тарвузнинг илдизини еб қўяр экан. Отнинг гўнгидан

Yana ishni Tursunboy akaning tomorqasidan boshladik. "Akuch-nik"ning oldindagi g'ildiragi kesaklarga urilib zirillar, ot pirqillab, oldingi oyoqlariga zo'r berardi. Havoda yomg'ir hidi anqib qoldi. Bo'zsuv tarafda chaqmoq chaqib, momaqaldiraq gumburladi. Men shag'amdan ko'zimni uzmay, qadamimni tezlatdim. Shag'amga yetib ham bordigu otning tuyog'idan uchgan kesakkami, shabadagami, ishqilib, shag'am o'chib qoldi. Tursunboy aka shag'amni kesaklar orasidan topib cho'ntagiga solib qo'ydi. Orqaga qarasam, hozirgina olgan arig'imiz qorayib, tekis ko'rindi.

– Endi-chi, jiyan, – dedi Tursunboy aka, – bundan buyog'iga otni ariqning ichida yurib yetaklaysan.

Otni yetaklayapman-u, buyam ho'kizlarga o'xshab mening yerimga yetganda charchab qolmasin-da, deb qo'rqaman. Tursunboy akaning yeri tekis mola bosilganigami, unchalik qiynalmadik, ammo mening yerimga o'tganda ot ham, Tursunboy akaning o'zi ham qiynalib ketdi. Ezilmagan kesaklar xalaqit qilardi-da. Oxirgi ariqlarni olayotganimizda sharros yomg'ir quyib berdi. Shalobbo bo'lsak ham ishni oxiriga yetkazdik.

– Endi gap bunday, dehqon, – dedi Tursunboy aka, bo'lar ish bo'ldi degandek yomg'irga parvo qilmay, – bahor yomg'iri o'tadi-ke-tadi, qaytaga yaxshi bo'ldi. Shu yomg'irning namiga urug'larni undirib olamiz. Hali biznikiga kirsang, kennoying qanday qilib ekishni ko'rsatib beradi, o'zi ekolmaydi, kasal. Loviyani jo'xoriga qo'shib ekasan, xo'p-mi, – dedi.

Shu kuni ammamning ishga bormaydigan kuni edi. Urug'larni ammam bilan ikkovlashib ekib oldik. Yana bir xursandchilik balnisaning Lo'nka degan omborchisi velosipedda ikki marta qatnab ikki qop kartoshka tashlab ketdi. U juda mayda, archsa, pichoqqa ilinmasdi, shunga ham berishgan, shekilli. Ammam ayvonning oftob tushmaydigan bir chekkasiga yoydi-da, ustiga kul sepib qo'ydi. Shunday qilsa, tezroq murtaklar ekan, keyin ekib olarkanmiz.

Bir kuni tomorqaga chiqsam, Tursunboy aka qovun, tarvuz ekiladigan ariqlarning ikki chekkasiga chuqurchalar qazib qo'yibdi. Men ham o'zimiznikini shunaqa qilib o'yib chiqdim. Ertasiga qarasam, o'sha chuqurchalarni go'ngga to'latib qo'yibdi. Menam sigirimizning go'ngini chelakda tashib, chuqurchalarni to'latdim.

Ertasiga erta bilan Tursunboy aka meni uyg'otib, tomorqaga olib tushdi. Chuqurchalarni sigirning go'ngi bilan emas, otning go'ngi bilan to'latishim kerak ekan. Sigirning go'ngidan qurt chiqib, qovun, tarvuzning ildizini yeb qo'yar ekan. Otning go'ngidan qurt chiqmas

қурт чиқмас экан, яна у қизиби, уруғни тез ундириб бераркан, кўчатларни баҳорги изғиринлардан сақларкан.

– Сигирнинг гўнгини олиб ташлайми бўлмаса? – сўрадим мен.

– Йўқ, буни кўмгинда, ёнидан бошқа чуқурча очиб қўя қол, – деди Турсунбой ака.

Мен деҳқончиликнинг бунақа сирлари борлигини билмасдим. Кечгача замбилғалтакда отхонадан гўнг ташидим...

КАРИМБОЙ ЧОЛ

Қишлоққа келиб, яқиндан танишган одамим Каримбой чол бўлди. Ўзим тенги болалар билан ҳали тил топишиб кетганим йўқ. Уларнинг Убай деган ўйинбошиси бор. Икки юзи шишиб чиққан қоп-қора бола. Кўринишдан кучли. Кўзи қаттиқ. Қачон қараса биров билан муштлашадигандек товони билан гурс-гурс қилиб юради. Келгинди деб у мени ёқтирмайди. Унинг кўнглига қараб бошқа болалар ҳам мендан ўзини тортади. Ҳамма жойда ўйинбошининг гапи гап-да. Балки мактабга олишганда улар билан чиқишиб кетган бўлармидим? “Тўртинчи чорак бошланиб қолди, бунинг устига ҳужжатларингни ола келмапсан”, – деб баҳона қилишди. Шундай қилиб тўртинчи синфни бошқатдан ўқийдиган бўлдим. Каримбой чол колхознинг отбоқари. Эгилиб қолган букри чол. У кишининг олдига икки-уч кунда бир марта аммам ишга кетганда жиянларимни эргаштириб сигир боққани бораман. Отлар араваларга қўшилиб, далага чиқиб кетган, битта-яримтасигина бедапояда қолган. Кун қизий бошлаган сари ям-яшил бедалар устидан жимир-жимир ҳарорат кўтарилади. Енгил шабада ўша ҳароратни биз соясида ўтирган тутлар томон олиб келади. Тут барглари силкиниб, ипакдек овоз чиқаради. Хаёлимда шамол беданалар овозини ҳам олиб келмоқчи бўлади-ю, аммо улар пўлат соққалардек шамолнинг этагидан тушиб қолаверади. Беданалар эса тўхтамай бир-бирига соққа отаверишади. Биттаси зўрға учта отса, бошқаси битта қўшиб тўртта қилиб отади. Соққа отиш бештадан еттигача етади, тўққизтага етганда иш пачава бўлади. Тўққизта соққа отган бедана ўзининг ҳам, шерикларининг ҳам бошига етади. Тезда беданавозлар тўр судраб келиб қолишади. Уларнинг қадами теккандан кейин бедапоя ўғри ургандек бўлиб қолади. Бирор ҳафталардан кейин у ер-бу ерда кўрқа-писа яна “битбилдиқ” овозлари эшитила бошлайди...

Каримбой чол баъзан заранг таёғини белига ташлаб, худди тандир ичидан чиқиб келгандек олдимизда пайдо бўлади. Рўмолчаси билан юзларини артиб, кирпиникидек оғзини жи-



ekan, yana u qizib, urug'ni tez undirib berarkan, ko'chatlarni bahorgi izg'irinlardan saqlarkan.

– Sigirning go'ngini olib tashlaymi bo'lmasa? – so'radim men.

– Yo'q, buni ko'mginda, yonidan boshqa chuqurcha ochib qo'ya qol, – dedi Tursunboy aka.

Men dehqonchilikning bunaqa sirlari borligini bilmasdim. Kechgacha zambilig'altakda otxonadan go'ng tashidim...

KARIMBOY CHOL

Qishloqqa kelib, yaqindan tanishgan odamim Karimboy chol bo'ldi. O'zim tengi bolalar bilan hali til topishib ketganim yo'q. Ularning Ubay degan o'yinboshisi bor. Ikki yuzi shishib chiqqan qop-qora bola. Ko'rinishdan kuchli. Ko'zi qattiq. Qachon qarasa birov bilan mushtlashadigandek tovoni bilan gurs-gurs qilib yuradi. Kelgindi deb u meni yoqtirmaydi. Uning ko'ngliga qarab boshqa bolalar ham mendan o'zini tortadi. Hamma joyda o'yinboshining gapi gap-da. Balki maktabga olishganda ular bilan chiqishib ketgan bo'larmidim? "To'rtinchi chorak boshlanib qoldi, buning ustiga hujjatlaringni ola kelmapsan", – deb bahona qilishdi. Shunday qilib to'rtinchi sinfni boshqatdan o'qiydigan bo'ldim. Karimboy chol kolxozning otboqari. Egilib qolgan bukri chol. U kishining oldiga ikki-uch kunda bir marta ammam ishga ketganda jiyanlarimni ergashtirib sigir boqqani boraman. Otlar aravalarga qo'shilib, dalaga chiqib ketgan, bitta-yarimtasigina bedapoyada qolgan. Kun qiziy boshlagan sari yam-yashil bedalar ustidan jimir-jimir harorat ko'tariladi. Yengil shabada o'sha haroratni biz soyasida o'tirgan tutlar tomon olib keladi. Tut barglari silkinib, ipakdek ovoz chiqaradi. Xayolimda shamol bedanalar ovozini ham olib kelmoqchi bo'ladi-yu, ammo ular po'lat soqqalardek shamolning etagidan tushib qolaveradi. Bedanalar esa to'xtamay bir-biriga soqqa otaverishadi. Bittasi zo'rg'a uchta o'tsa, boshqasi bitta qo'shib to'rtta qilib otadi. Soqqa otish beshtadan yettitagacha yetadi, to'qqiztaga yetganda ish pachava bo'ladi. To'qqizta soqqa otgan bedana o'zining ham, sheriklarining ham boshiga yetadi. Tezda bedanavozlar to'r sudrab kelib qolishadi. Ularning qadami tekkandan keyin bedapoya o'g'ri urgandek bo'lib qoladi. Biror haftalardan keyin u yer-bu yerda qo'rqa-pisa yana "bitbildiq" ovozlari eshitila boshlaydi...

Karimboy chol ba'zan zarang tayog'ini beliga tashlab, xuddi tandir ichidan chiqib kelgandek oldimizda paydo bo'ladi. Ro'molchasi bilan yuzlarini artib, kirpinikidek og'zini jiyanlarimga

янларимга чўчайтиради. Жиянларим чолга қизиқсиниб қараб, қиқирлаб кулади. Чол мени гапга солади. Бошимдан ўтганларни эшитиб, ишонмагандек кичкина кўзлари ўсиқ қошлари орасидан ирғиб чиқади.

– Сен, бола, соқол-мўйловинг чиқмай туриб ҳалитдан қариб қопсан-ку, ваҳ, отангни арвайига сени, – деб қаншарини қашиб кўяди. Мен Каримбой чол билан жон-жон деб узоқ гаплашгим келади. Нимага деганда сигиримни чолнинг кўзини шамғалат қилиб бедапояга қўйворган бўламан-да. Каримбой чол ҳам кўриб, кўрмаганга олиб ўтиради. Шу пайт узоқдан Қўчқор аканинг овози келади:

– Балондан куйлатинглар элу юрт-у зора Алпомиш-ай...

У киши кўрмайди. Турсун аммамнинг тутинган акаси. Бизникига тез-тез кириб туради. Хирмонтепадаги қўрғончада яшайди. Кўрмаса ҳам дўконга, омборхонага, бизникига йўл топиб кела олади. Нотаниш жойга борадиган бўлса укаси Тешавойни ё мени ёнига олади. Елкамга кўлини кўйиб, бошини кўтариб, туяга ўхшаб лўкиллаб юради. Турсун аммамнинг айтишича, Қўчқор аканинг кўзи сувчечакдан оқиб тушган. Шуниси қизиқки, у киши бир марта борган жойига кейинги сафар бир ўзи ҳам бораверадди, ҳатто эшак миниб ҳам. Қўшиқ кетидан ҳайвон туёғининг дапир-дупирдан билиндики, у киши эшак миниб келяпти. Ана, ўзи ҳам кўринди. Кўлида тўрқовоққа ўхшаган бир нарса, азот кўтариб олибди. Худди кўлини пастга туширса биров илиб кетадигандек.

– Ҳа, Қўчқор, йўл бўлсин, – ҳайқирди Каримбой чол.

– Худо хоҳласа олгани, Каримбой ака.

У киши одамларни овозидан танийди.

– Кўлингдаги тўрқовоқми?

– Ҳа, йў-ў-ў... Кеча Мирсаид ака бир килодан ун берувди. Кўзини ёғ босиб, менга кўпроқ берворибди, шекилли. Шунга ойимлар бориб билиб ке, ё ун беришни кўпайтирган, ё омборчи адашган, бировнинг ҳақи бизга керакмас, – деб жўнатди.

– Унда хотиржам бўл, олмайсан, бериб келасан, Мирсаид кеча ҳаммага бир килодан ун тарқатди, менам бир кило олдим.

– Бораверай-чи, Каримбой ака, ё чикка, ё пукка, хиҳ жонивор... Балондан куйлатинглар элу юрт-у зора Алпомиш-ай...

Одамларнинг айтишича, Қўчқор ака қишлоқдаги радиокарнаининг тагида ўтириб, "Алпомиш"ни ёд олган экан.

Орадан сал ўтмай Қўчқор ака орқасига қайтди. Овози боягидан ҳам баланд. Эшак жонивор худди ем егандек дингиллайди.

– Нима бўлди, Қўчқор, Мирсаид ҳам адашарканми? – қичқирди Каримбой чол.

cho'chchaytiradi. Jiyanlarim cholga qiziqsinib qarab, qiqirlab kuladi. Chol meni gapga soladi. Boshimdan o'tganlarni eshitib, ishonmagandek kichkina ko'zlari o'siq qoshlari orasidan irg'ib chiqadi.

– Sen, bola, soqol-mo'yloving chiqmay turib halitdan qarib qopsan-ku, vah, otangni arvayiga seni, – deb qansharini qashib qo'yadi. Men Karimboy chol bilan jon-jon deb uzoq gaplashgim keladi. Nimaga deganda sigirimni cholning ko'zini shamg'alat qilib bedapoyaga qo'yvorgan bo'laman-da. Karimboy chol ham ko'rib, ko'rmaganga olib o'tiradi. Shu payt uzoqdan Qo'chqor akaning ovozi keladi:

– Balondan kuylatinglar el-u yurt-u zora Alpomish-ay...

U kishi ko'rmaydi. Tursun ammamning tutingan akasi. Biznikiga tez-tez kirib turadi. Xirmontepadagi qo'rg'onchada yashaydi. Ko'rmasa ham do'konga, omborxonaga, biznikiga yo'l topib kela oladi. Notanish joyga boradigan bo'lsa ukasi Teshavoyni yo meni yoniga oladi. Yelkamga qo'lini qo'yib, boshini ko'tarib, tuyaga o'xshab lo'killab yuradi. Tursun ammamning aytishicha, Qo'chqor akaning ko'zi suvchechakdan oqib tushgan. Shunisi qiziqki, u kishi bir marta borgan joyiga keyingi safar bir o'zi ham boraveradi, hatto eshak minib ham. Qo'shiq ketidan hayvon tuyog'ining dapir-dupiridan bilindiki, u kishi eshak minib kelyapti. Ana, o'zi ham ko'rindi. Qo'lida to'rqovoqqa o'xshagan bir narsa, azot ko'tarib olibdi. Xuddi qo'lini pastga tushirsa biron ilib ketadigandek.

– Ha, Qo'chqor, yo'l bo'lsin, – hayqirdi Karimboy chol.

– Xudo xohlasa olgani, Karimboy aka.

U kishi odamlarni ovozidan taniydi.

– Qo'lingdagi to'rqovoqmi?

– Ha, yo'oo'... Kecha Mirsaid aka bir kilodan un beruvdi. Ko'zini yog' bosib, menga ko'proq berveribdi, shekilli. Shunga oyimlar borib bilib ke, yo un berishni ko'paytirgan, yo omborchi adashgan, bironvning haqi bizga kerakmas, – deb jo'natdi.

– Unda xotirjam bo'l, olmaysan, berib kelasan, Mirsaid kecha hammaga bir kilodan un tarqatdi, menam bir kilo oldim.

– Boraveray-chi, Karimboy aka, yo chikka, yo pukka, xih jonivor... Balondan kuylatinglar el-u yurt-u zora Alpomish-ay...

Odamlarning aytishicha, Qo'chqor aka qishloqdagi radio-karnayning tagida o'tirib, "Alpomish"ni yod olgan ekan.

Oradan sal o'tmay Qo'chqor aka orqasiga qaytdi. Ovozi boyagidan ham baland. Eshak jonivor xuddi yem yegandek dingillaydi.

– Nima bo'ldi, Qo'chqor, Mirsaid ham adasharkanmi? – qichqirdi Karimboy chol.

– Айтдим-ку, олгани деб. Мирсаид ака унни олиб борганимга ҳалол одамларнинг садағаси кетай, деб қайтага яна ўшанча қўшиб берди, барака топкур.

Кўчқор ака шундай деб “Алпомиш”ни ванг қўйиб йўлига кета-а-аверди.

– Бу Мирсаид деганлари илоннинг ёғини ялаган, ўзича бир нималарни бошлаб юради, – деди Каримбой чол худди тенгқури билан гаплашгандек менга қараб. – Кўчқор кўрмайди-да, шунга нима қилар экан деб унни атайлаб ортиқча берворган, онасининг ҳам художўйлигини билади. Одамларни мана шунақа қилиб синайди у баттол. Кўзи очиқларга яхшигина дарс-да бу. Ҳали кўрасан, кишлоқда дув-дув гап бўлади. Мирсаид ундоқ қипти, кўр Кўчқор бундоқ қипти... Вой муғамбир Мирсаид-ей...

Мен кишилар бир-бирларини мана шунақа йўллар билан си-нашини, инсофга чақирешини ўйлаб қоламан ва Омонжон тоғани эслайман. У киши мени ўғри деган номдан қутқариш учун нима-лар қилмади...

Кун бўйи хувиллаб ётган бедапоя кечга бориб бозорчага ўхшаб қолади. Ишдан қайтган отлар кўк бедани соғиниб, бетоқат кишнайди. Қасдлашиб қолганлари бўлса, беда билан ҳам иши бўлмай, кишнаб, бир-бирини ғажишади. Аравакашлар бақириб сўкинади. Каримбой чолнинг ҳайқиреғи ҳаммасини босиб тушади. Салда Бўзсув тарафдан қоронғи тун бостириб келади-ю, шовқин-суронлар босди-босди бўлади. Сигир-бузоқ, қўй-эчкиларнинг зорланиб маърашлари эшитилмай қолади. Аммо итларнинг жағи очилади. Шундан кейин Каримбой чолнинг пак-касида олов милтиллай бошлайди. Мен буни ҳовлимиз тепаликда бўлгани учун ҳам кўриб тураман. Бунақа пайтда ҳамманинг уйида қора қозон қайнайди. Каримбой чолнинг ўчоғида бўлса фақат қора қумғон. Биламан, шаҳарга тушган аравакашлар биттами, яримтами обинон олиб келган бўлади. Уни еб, қора қумғоннинг чойини ичиб, ош егандек бўлиб, ғилдирак устидаги капасига кириб кетади. Каримбой чолнинг ҳаёти менга Гўлахни эслатади.

Кейинги пайтларда Каримбой чол мен билан ҳасратлашадиган бўлиб қолди. У билан гаплашадиган одамнинг ўзи ҳам йўқ-да. Каримбой чол кишлоқ болаларини ёқтирмайди, баттолдан олиб, баттолга солади. Менинг уларга қўшилмаётганимдан хурсанд. Бир куни Каримбой чолнинг олдига бир болачани етаклаб чиройли хотин келди. Қўлида тугунча. Чолга салом берди. Бола чопқиллаб келиб Каримбой чолга ўзини отди. Мен аёлни кўриб анқайиб қолибман. Бир пайтлар Мужгон опани кўрганда худди шунақа аҳволга тушган эдим. Бу аёлни ҳам ойимга ўхшатдим-да. Чиройли

– Aytdim-ku, olgani deb. Mirsaid aka unni olib borganimga halol odamlarning sadag'asi ketay, deb qaytaga yana o'shancha qo'shib berdi, baraka topkur.

Qo'chqor aka shunday deb "Alpomish"ni vang qo'yib yo'lga ketaaverdi.

– Bu Mirsaid deganlari ilonning yog'ini yalagan, o'zicha bir nimalarni boshlab yuradi, – dedi Karimboy chol xuddi tengquri bilan gaplashgandek menga qarab.– Qo'chqor ko'rmaydi-da, shunga nima qilar ekan deb unni ataylab ortiqcha bervorgan, onasining ham xudojo'yiligini biladi. Odamlarni mana shunaqa qilib sinaydi u battol. Ko'zi ochiqdarga yaxshigina dars-da bu. Hali ko'rasan, qishloqda duv-duv gap bo'ladi. Mirsaid undoq qipti, ko'r Qo'chqor bundoq qipti... Voy mug'ambir Mirsaid-ey...

Men kishilar bir-birlarini mana shunaqa yo'llar bilan sinashini, insofga chaqirishini o'ylab qolaman va Omonjon tog'ani eslayman. U kishi meni o'g'ri degan nomdan qutqarish uchun nimalar qilmadi...

Kun bo'yi huvullab yotgan bedapoya kechga borib bozorchaga o'xshab qoladi. Ishdan qaytgan otlar ko'k bedani sog'inib, betoqat kishnaydi. Qasdlashib qolganlari bo'lsa, beda bilan ham ishi bo'lmay, kishnab, bir-birini g'ajishadi. Aravakashlar baqirib so'kinadi. Karimboy cholning hayqirig'i hammasini bosib tushadi. Salda Bo'zsuv tarafdin qorong'i tun bostirib keladi-yu, shovqin-suronlar bosdi-bosdi bo'ladi. Sigir-buzoq, qo'y-echkilarning zorlanib ma'rashlari eshitilmay qoladi. Ammo itlarning jag'i ochiladi. Shundan keyin Karimboy cholning pakkasida olov miltillay boshlaydi. Men buni hovlimiz tepalikda bo'lgani uchun ham ko'rib turaman. Bunaqa paytda hammaning uyida qora qozon qaynaydi. Karimboy cholning o'chog'ida bo'lsa faqat qora qumg'on. Bilaman, shaharga tushgan aravakashlar bittami, yarimtami obinon olib kelgan bo'ladi. Uni yeb, qora qumg'onning choyini ichib, osh yegandek bo'lib, g'ildirak ustidagi kapasiga kirib ketadi. Karimboy cholning hayoti menga Go'laxni eslatadi.

Keyingi paytlarda Karimboy chol men bilan hasratlashadigan bo'lib qoldi. U bilan gaplashadigan odamning o'zi ham yo'q-da. Karimboy chol qishloq bolalarini yoqtirmaydi, battoldan olib, battolga soladi. Mening ularga qo'shilmayotganimdan xursand. Bir kuni Karimboy cholning oldiga bir bolachani yetaklab chiroyli xotin keldi. Qo'lida tuguncha. Cholga salom berdi. Bola chopqillab kelib Karimboy cholga o'zini otdi. Men ayolni ko'rib anqayib qolibman. Bir paytlar Mujgon opani ko'rganda xuddi shunaqa ahvolga tushgan edim. Bu ayolni ham

хотинларнинг ҳаммаси менинг ойимга ўхшарди. Фақат бу хотиннинг чап юзида холи йўқ. У тикилиб қолганимни кўриб, кулиб қўйди. Каримбой чолнинг қизимикан, деб ўйладим.

– Ҳа, Пошшахон, нима қилиб юрибсизлар? – деди чол хушламайгина.

– Отамга бораман деб Саъдуллангиз қўймади, ўзимам уйда сиқилиб кетдим, – деб аёл ерга қаради.

Каримбой чол болани тиззасига ўтирғизиб соқолини боланинг юз-кўзларига суртиб ўйнади. Бола қийқирди. Аёл болани қолдириб, ўзи Каримбой чолнинг паққасига кетди. Салда ўша ёқдан тутун кўринди. Аёл қора қумғоннинг тагига олов ёқди, шекилли. Бола “от минаман” деб хархаша қилавергач, Каримбой чол ўрнидан турди.

У ОИЛАМИЗ ҲАҚИДА БИЛАДИ

Каримбой чол бувам, бувим, дадамлар ҳақида билади:

– Буванг раҳматли бала-а-анд бўйли, савлатли одам эди, – дейди у. – Домла эди, воҳ... нафаси қиличдек ўткир эди. Бир марта куф-суф деса борми, ўлган одам тирилиб кетарди. Воҳ, ҳукумат динга ёпишган пайтларда қоп-қоп эски китобларни Бўзсувга чўктирганини мана шу кўзларим билан кўрганман, – деб чигитдек кўзларига ишора қилади у. – Одамлар Куръон ўқишни Абдумавлон қорига чиқарган, Куръон ўқиса-ю, тўхтамас, дейишарди. Бувангдан кейин унақа қори чиқмади қишлоқдан, ҳа... Дунёдан ўтганида қишлоқдагилар ҳурматлаб, Зангиотага обориб кўмамиз, дейишди. Аммо у киши шу ердаги мазортепага кўмишни васият қилган экан. Бироқ бувинг раҳматликни Зангиотага оборганмиз. Шундоққина Анбар онанинг оёқ томонларига кўмганмиз. Бувинг шуни васият қилган экан-да. Дадангням биламан, пўрим, кетворган йигит эди. Жигарранг хиром этик киярди. Кўчалар чанг-чунг-у, дадангнинг этиги қачон қарама ялтираб юрарди.

– Ойимни-чи, ойимниям биласизми? – шошиб сўрайман.

– Йўқ, ойингни билмайман.

– Ойимни қишлоқдагилар Хурқиз дейишаркан-ку?

– Менинг аёллар билан ишим йўқ, чироғим.

Каримбой чолнинг тинчи болалар мактабдан қайтгач бузилади. Тутлар тагида қантарилиб ётган сигир, қўй, эчкилар колхознинг кўк бедасига ўзини урсам дейди. Каримбой чол отга минволиб уларни тириктириб қувади. Болалар молларини Бўзсув бўйларига ҳайдаб тушиб кетишади-ю, Каримбой чол тинчийди.

Аммамлар бозорга борадиган бўлиб қолсалар, “Карим-

oyimga o'xshatdim-da. Chiroyli xotinlarning hammasi mening oyimga o'xshardi. Faqat bu xotinning chap yuzida xoli yo'q. U tikilib qolganimni ko'rib, kulib qo'ydi. Karimboy cholning qizimikan, deb o'yladim.

– Ha, Poshshaxon, nima qilib yuribsizlar? – dedi chol xushlamaygina.

– Otamga boraman deb Sa'dullangiz qo'ymadi, o'zimam uyda siqilib ketdim, – deb ayol yerga qaradi.

Karimboy chol bolani tizzasiga o'tirg'izib soqolini bolaning yuz-ko'zlariga surtib o'ynadi. Bola qiyqirdi. Ayol bolani qoldirib, o'zi Karimboy cholning pakkasiga ketdi. Salda o'sha yoqdan tutun ko'rindi. Ayol qora qumg'onning tagiga olov yoqdi, shekilli. Bola "ot minaman" deb xarxasha qilavergach, Karimboy chol o'rnidan turdi.

U OILAMIZ HAQIDA BILADI

Karimboy chol buvam, buvim, dadamlar haqida biladi:

– Buvang rahmatli balaand bo'yli, savlatli odam edi, – deydi u. – Domla edi, voh... nafasi qilichdek o'tkir edi. Bir marta kuf-suf desa bormi, o'lgan odam tirilib ketardi. Boh, hukumat dinga yopishgan paytlarda qop-qop eski kitoblarni Bo'zsuvga cho'ktirganini mana shu ko'zlarim bilan ko'rganman, – deb chigitdek ko'zlariga ishora qiladi u. – Odamlar Qur'on o'qishni Abdumavlon qoriga chiqargan, Qur'on o'qisa-yu, to'xtamasa, deyishardi. Buvangdan keyin unaqa qori chiqmadi qishloqdan, ha... Dunyodan o'tganida qishloqdagilar hurmatlab, Zangiotaga oborib ko'mamiz, deyishdi. Ammo u kishi shu yerdagi mozortepaga ko'mishni vasiyat qilgan ekan. Biroq buving rahmatlikni Zangiotaga oborganmiz. Shundoqqina Anbar onaning oyoq tomonlariga ko'mganmiz. Buving shuni vasiyat qilgan ekan-da. Dadangniyam bilaman, po'rim, ketvorgan yigit edi. Jigarrang xirom etik kiyardi. Ko'chalar chang-chung-u, dadangning etigi qachon qarama yaltirab yurardi.

– Oyimni-chi, oyimniyam bilasizmi? – shoshib so'rayman.

– Yo'q, oyingni bilmayman.

– Oyimni qishloqdagilar Hurqiz deyisharkan-ku?

– Mening ayollar bilan ishim yo'q, chirog'im.

Karimboy cholning tinchi bolalar maktabdan qaytgach buziladi. Tutlar tagida qantarilib yotgan sigir, qo'y, echkilar kolxozning ko'k bedasiga o'zini ursam deydi. Karimboy chol otga minvolib ularni tiriqtirib quvadi. Bolalar mollarini Bo'zsuv bo'ylariga haydab tushib ketishadi-yu, Karimboy chol tinchiydi.

Ammamlar bozorga boradigan bo'lib qolsalar, "Karimboy cholga

бой чолга учраш-чи, бирорта арава шаҳарга тушармикан”, – деб жўнатади. “Ҳамза ака бораркан, тайёр бўлиб тураркансиз, саҳарлаб олиб кетаркан”, – деган хабарни олиб келаман. Ҳамза ака автокачка минади. Автокачканинг филдираги шалдирамайди. Филдирагига чармга ўхшаган нарса қопланган, зўлдирда айланади. Тепа жойлардан пастга тушаётганда аравани секинлатадиган тормозлари бор, усти текис, чиройли. Шаҳарга шалдирама араваларни қўйишмайди. Навбатдаги шундай хабар олгани борганимда Каримбой чол кўлига чалғи олиб, мени беданинг пишган жойига бошлади. Биламан, у кўтарганимча беда бериб юбормоқчи. Бедани биров кўрмасин, деб пана-пастқам йўллар билан уйга олиб келаман. Сигирим уни еб, елини сутга тўлиб қолади. Ҳар замонда аммам кув пишади. Ёғини пиявага ишлатамиз. Пиява деганим қозонга бир қошиқ ёғу бир бош пиёз солиб, қовуриб, сув қўйиб қайнатилади. Зоғора нон тўғраб ичамиз. Бу энг бой овқат ҳисобланади. Аммам Каримбой чолни етимпарвар деб мақтайди.

ХУРСАНД БЎЛАДИГАН ГАП

Каримбой чол бедапоёда юрса бир нимасини йўқотгандек ерга қараб юради. Болалар уни кўрмайди деб беда ўғирламоқчи бўлади. Аммо унинг елкасида ҳам кўзи бор, ҳамма нарсани кўриб туради. Мана, ҳозир ҳам кўзи тўрт тарафда, беданинг пишган жойини қидириб боряпти. Ўшандай жой ҳам топила қолди. Бедага чалғи уришдан олдин Каримбой чол:

– Отбоқарлик сенга ёқадими? – деб сўради кутилмаганда.

– Ёқади, жудаям ёқади, Каримбой тоға, нимага ёқмасакан, – дедим шошиб. – Кенг далада у ёқдан бу ёққа от чоптириб юриш кимга ёқмайди.

– Қизталоқ, бизнинг қишлоқ болаларига ёқмайди. Убай дегани бор, ўшанга ке, менинг ёнимга кир, сендан барибир олим чиқмайди, отангам подачилик қиларди, урушдан қайтмади бечора, десам, бурнини жийиради, отангга лаънат, – деди у ҳасрат қилиб. – Биламан, айб болалардамас, ўзи малимларини Худо уриб қўйган. Ўқимасанг Каримбой чолга ўхшаб отбоқар бўласан, деб нуқул мени ёмонотлиқ қилишади. Вой, онаизорингни сенларнинг... Бу дунёда менсиз ишларинг битса экан. Ҳали от бериб туринг, тўйга одам айтволай, ҳали арава бериб туринг, тегирмонга бориб кеволай... Ўргилдим сендақа эрайимлардан. Сен мактабга бормайсан-а? – билиб туриб сўрайди Каримбой чол.

– Биласиз-ку, бормайман.

– Бўлмаса сен ёнимга кира қол, кирасанми?



uchrash-chi, birorta arava shaharga tusharmikan", – deb jo'natadi. "Hamza aka borarkan, tayyor bo'lib turarkansiz, saharlab olib ketarkan", – degan xabarni olib kelaman. Hamza aka avtokachka minadi. Avtokachkaning g'ildiragi shaldiramaydi. G'ildiragiga charmga o'xshagan narsa qoplangan, zo'ldirda aylanadi. Tepa joylardan pastga tushayotganda aravani sekinlatadigan tormozlari bor, usti tekis, chiroyli. Shaharga shaldirama aravalarni qo'yishmaydi. Navbatdagi shunday xabar olgani borganimda Karimboy chol qo'liga chalg'i olib, meni bedaning pishgan joyiga boshladi. Bilaman, u ko'targanimcha beda berib yubormoqchi. Bedani birov ko'rmasin, deb pana-pastqam yo'llar bilan uyga olib kelaman. Sigirim uni yeb, yelini sutga to'lib qoladi. Har zamonda ammam kuv pishadi. Yog'ini piyavaga ishlatamiz. Piyava deganim qozonga bir qoshiq yog'u bir bosh piyoz solib, qovurib, suv quyib qaynatiladi. Zog'ora non to'g'rab ichamiz. Bu eng boy ovqat hisoblanadi. Ammam Karimboy cholni yetimparvar deb maqtaydi.

XURSAND BO'LADIGAN GAP

Karimboy chol bedapoyada yursa bir nimasini yo'qotgandek yerga qarab yuradi. Bolalar uni ko'rmaydi deb beda o'g'irlamoqchi bo'ladi. Ammo uning yelkasida ham ko'zi bor, hamma narsani ko'rib turadi. Mana, hozir ham ko'zi to'rt tarafda, bedaning pishgan joyini qidirib boryapti. O'shanday joy ham topila qoldi. Bedaga chalg'i urishdan oldin Karimboy chol:

– Otboqarlik senga yoqadimi? – deb so'radi kutilmaganda.

– Yoqadi, judayam yoqadi, Karimboy tog'a, nega yoqmasakan, – dedim shoshib. – Keng dalada u yoqdan bu yoqqa ot choptirib yurish kimga yoqmaydi.

– Qiztaloq, bizning qishloq bolalariga yoqmaydi. Ubay degani bor, o'shanga ke, mening yonimga kir, sendan baribir olim chiqmaydi, otangam podachilik qilardi, urushdan qaytmadi bechora, desam, burnini jiyiradi, otangga la'nat, – dedi u hasrat qilib. – Bilaman, ayb bolalardamas, o'zi malimlarini Xudo urib qo'ygan. O'qimasang Karimboy cholga o'xshab otboqar bo'lasan, deb nuqul meni yomonotliq qilishadi. Voy, onaizingni senlarning... Bu dunyoda mensiz ishlaring bitsa ekan. Hali ot berib turing, to'yga odam aytvolay, hali arava berib turing, tegirmonga borib kevolay... O'rgildim sendaqa erayimlardan. Sen maktabga bormaysan-a? – bilib turib so'raydi Karimboy chol.

– Bilasiz-ku, bormayman.

– Bo'lmasa sen yonimga kira qol, kirasanmi?

Каримбой чол мендан жавоб кутмай, қулочкашлаб беда ўра бошлади. Ўрганларини йиғиб турдим. У беданинг ўзидан боғич ясаб, боғлаб берди-да, кейин деди:

– Йўқ дема, қорнинг шу ерда тўяди, Турсунхонга нонкаш бўлмайсан, кеч бўлганда кўтарганингча уйингга беда олиб кетасан. Ўз кунингни ўзинг кўрсанг ёмонми? Аравакашларга айтиб кийим-кечак ҳам қилдириб бераман.

– Бўпти, Каримбой тоға, бўпти, – дейман севиниб.

Қишлоғимизда битта банги сартарош бор, у ёққа ўтса ҳам, бу ёққа ўтса ҳам Каримбой чолнинг соқоли устида қайчисини шақир-шуқир қилган бўлади-да: “Ҳа, жонингдан сени, ана энди ҳурлиқойингнинг олдига боравер”, – деб бир боғ бедани кўтариб жўнаб қолади. Бангининг дарди бир боғ беда экани маълум. Ҳурилиқоси ким, ўша чиройли хотинми, деб ҳайрон бўламан...

Аммамга Каримбой чолнинг гапини айтиб суюнчиладим. Аммам хурсанд бўлиш ўрнига бақриб берди:

– Жим бўл, Каримбой чол бекорларни айтибди, нима, сен чўлоқ-мўлоқмидинг ё кар-соқовмидинг отбоқарлик қиласан. Акам эшитиб қолса нима дейди. Бўлмайди, бошимни қотирма...

ПАРИЗОД ДЕГАН ОТ

Аммамга гап қайтармадим. Барибир Каримбой чолнинг олдига тез-тез бориб тураман-ку, нима қипти. Кечаси ётиб қол дема-са бўлди. Бу ёқда томорқага ҳам қарашга вақтим бўлади. Лекин юрагимнинг бир чеккасида аммам ҳақлар, деган ўй ҳам йўқ эмас, отбоқар бўлгандан кўра тракторчи, шопир бўлган яхши. Бироқ отлар ҳам зўр-да. Қарасам, кўзим ўйнаб кетади. Каримбой чол ҳадеганда отларга яқинлаштирмайди. Шошилма, ҳадисини олмай отга минсанг, майиб қилиб кўяди, дейди. Отлар орасида битта Паризод дегани бор. Уни фақат раис Қозоқбой ота минади. Паризоднинг кўриниши оппоқ. Қорин тарафларида билинар-билинемас қора холлари бор-у, барибир оппоқ кўринади. Паризодни кўчада кўрган одам кўздан йўқолгунча орқасидан қара-а-аб қолади. Жонивор кўчани ўзиники қилиб, тўлдириб юради. Туёқларининг тагидан дапира-дупир, дапира-дупир овоз чиқадики, кўчани ноғора қилиб чалиб бораётганга ўхшайди. Қараб турган одамнинг ҳам юраги дапира-дупир қилиб уриб кетади. Паризод от ўғриларининг кўзига тушган, дейишади. Уни бир кунмас бир кун ўғирлаб ёки сўйиб кетишлари мумкин экан. Яна иккита от бор – қорабайир. Кўриниши зулукдек қоп-қора. Қоралигигами, кундуз кунлари ҳам кўзлари ёниб кўринади. Бўйи Паризоддан пастроқ,



Karimboy chol mendan javob kutmay, qulochkashlab beda o'ra boshladi. O'rganlarini yig'ib turdim. U bedaning o'zidan bog'ich yasab, bog'lab berdi-da, keyin dedi:

– Yo'q dema, qorning shu yerda to'yadi, Tursunxonga nonkash bo'lmaisan, kech bo'lganda ko'targaningcha uyingga beda olib ketasan. O'z kuningni o'zing ko'rsang yomonmi? Aravakashlarga aytib kiyim-kechak ham qildirib beraman.

– Bo'пти, Karimboy tog'a, bo'пти, – deyman sevinib.

Qishlog'imizda bitta bangi sartarosh bor, u yoqqa o'tsa ham, bu yoqqa o'tsa ham Karimboy cholning soqoli ustida qaychisini shaqir-shuqir qilgan bo'ladi-da: "Ha, joningdan seni, ana endi hurliqoyingning oldiga boraver", – deb bir bog' bedani ko'tarib jo'nab qoladi. Bangining dardi bir bog' beda ekani ma'lum. Hurliqosi kim, o'sha chiroyli xotinmi, deb hayron bo'laman...

Ammamga Karimboy cholning gapini aytib suyunchiladim. Ammam xursand bo'lish o'rniqiga baqirib berdi:

– Jim bo'l, Karimboy chol bekorlarni aytibdi, nima, sen cho'loq-mo'loqmiding yo kar-soqovmiding otboqarlik qilasan. Akam eshitib qolsa nima deydi. Bo'lmaydi, boshimni qotirma...

PARIZOD DEGAN OT

Ammamga gap qaytarmadim. Baribir Karimboy cholning oldiga tez-tez borib turaman-ku, nima qipti. Kechasi yotib qol demasa bo'ldi. Bu yoqda tomorqaga ham qarashga vaqtim bo'ladi. Lekin yuragimning bir chekkasida ammam haqlar, degan o'y ham yo'q emas, otboqar bo'lgandan ko'ra traktorchi, shopir bo'lgan yaxshi. Biroq otlar ham zo'r-da. Qarasam, ko'zim o'ynab ketadi. Karimboy chol hadeganda otlarga yaqinlashtirmaydi. Shoshilma, hadisini olmay otga minsang, mayib qilib qo'yadi, deydi. Otlar orasida bitta Parizod degani bor. Uni faqat rais Qozoqboy ota minadi. Parizodning ko'rinishi oppoq. Qorin taraflarida bilinar-bilinmas qora xollari bor-u, baribir oppoq ko'rinadi. Parizodni ko'chada ko'rgan odam ko'zdan yo'qolguncha orqasidan qaraab qoladi. Jonivor ko'chani o'ziniki qilib, to'ldirib yuradi. Tuyoqlarining tagidan dapira-dupir, dapira-dupir ovoz chiqadiki, ko'chani nog'ora qilib chalib borayotganga o'xshaydi. Qarab turgan odamning ham yuragi dapira-dupir qilib urib ketadi. Parizod ot o'g'rilarining ko'ziga tushgan, deyishadi. Uni bir kunmas bir kun o'g'irlab yoki so'yib ketishlari mumkin ekan. Yana ikkita ot bor – qorabayir. Ko'rinishi zulukdek qop-qora. Qoraligigami, kunduz kunlari ham ko'zlari

аммо узу-ун. Каримбой чолнинг айтишича, қорабайирлар фақат улоққа чопиларкан. Баъзан қорабайирларни битта-битта етаклаб, ёйилмага суғоргани олиб бораман.

ЭШИГИМИЗ ИККИТА БЎЛИБ ҚОЛГАНИ

Ўша куни аммам дўхтирхонага ишга шошиб турган эдилар. Ҳовлимизга кўшнимиз Зеби хола билан иккита эркак кириб келди. Биттасини танидим – партком тоға. Иккинчисини танимадим. Аммам улар билан сўрашдилар-да, ҳайрон бўлиб қарадилар. Мен Мажид поччамнинг ота-оналари яна совчи кўйдими, деб кўрқиб кетдим. Улар жиянларимни олиб қолиб, аммамни эрга бериб юбормоқчи эди. Ўшандан бери аммам асабий бўлиб юрарди.

– Турсунхон, сенам қурт боқмасанг бўлмайди, жияним, – деди партком тоға юмшоқ гапириб. – Шунга қурт бригадири билан уйма-уй юрибмиз.

Хайрият, гап бошқа ёқда экан, дедим ичимда.

– Қандай қилиб, Сирож ака? – ҳайрон бўлди аммам. – Мен дўхтирхонада ишласам, синглимни биласиз, далага чиқиб кетган бўлса...

– Бўлмаса уйингизни бўшатиб беринг, бизга жой керак, – деди нотаниш эркак. Мен совчи деб ўйлаган одам қурт бригадири экан.

– Ўзи бир уй, бир даҳлиз бўлса, етимларимни қаёққа ҳайдайсиз? – овози ўзгариб, кўзига ёш олди аммам. Зеби холам ҳам буларни тинч кўя қолайлик, дегандек партком тоғага қаради.

– Бўлмайди, жиян, бўлмайди, – деб партком тоға аммамга қаттиқ қаради. – Давлатга пилла керак, вассалом. Ҳамманинг кўнглига қарайверсак калламиз кетади-я. Битта сенамас еtimi бор...

– Хўп, болаларни нима қилай унда, Сирож ака? – аммам хўнграб йиғлаб юборди. Ҳаммамиз аммамнинг пинжига тикилиб, худди уй-жойдан ажраб қоладигандек мўлтираб қараб турардик.

– Кўз ёши қилманглар, йўли осон, – деди қурт бригадири. – Битта хонасини оламиз, иккинчисига айвондан эшик очиб берамиз.

– Ана, баҳонада уйинг ҳам кўпаядиган бўлиб қолди, жиян, яна қуртнинг ўтин-чўпиям ўзингга қолади-ку, – аммамни авради партком тоға.

Қутилмаганда эшик ўрнатиш таклифи аммамга ҳам ёқиб қолди, шекилли, сал юмшади:

– Билганингларни қилинглар, мен ишга кеч қоляпман, – деб жўнаб қолди.

yonib ko'rinadi. Bo'yi Parizoddan pastroq, ammo uzuun. Karimboy cholning aytishicha, qorabayirlar faqat uloqqa chopilarkan. Ba'zan qorabayirlarni bitta-bitta yetaklab, yoyilmaga sug'organi olib boraman.

ESHIGIMIZ IKKITA BO'LIB QOLGANI

O'sha kuni ammam do'xtirxonaga ishga shoshib turgan edilar. Hovlimizga qo'shnimiz Zebi xola bilan ikkita erkak kirib keldi. Bittasini tanidim – partkom tog'a. Ikkinchisini tanimadim. Ammam ular bilan so'rashdilar-da, hayron bo'lib qaradilar. Men Majid pochchamning ota-onalari yana sovchi qo'ydimi, deb qo'rqib ketdim. Ular jiyanlarimni olib qolib, ammamni erga berib yubormoqchi edi. O'shandan beri ammam asabiy bo'lib yurardi.

– Tursunxon, senam qurt boqmasang bo'lmaydi, jiyanim, – dedi partkom tog'a yumshoq gapirib. – Shunga qurt brigadiri bilan uy-uy yuribmiz.

Xayriyat, gap boshqa yoqda ekan, dedim ichimda.

– Qanday qilib, Siroj aka? – hayron bo'ldi ammam. – Men do'xtirxonada ishlasam, singlimni bilasiz, dalaga chiqib ketgan bo'lsa...

– Bo'lmasa uyingizni bo'shatib bering, bizga joy kerak, – dedi notanish erkak. Men sovchi deb o'ylagan odam qurt brigadiri ekan.

– O'zi bir uy, bir dahliz bo'lsa, yetimlarimni qayoqqa hayday-siz? – ovozi o'zgarib, ko'ziga yosh oldi ammam. Zebi xolam ham bularni tinch qo'ya qolaylik, degandek partkom tog'aga qaradi.

– Bo'lmaydi, jiyan, bo'lmaydi, – deb partkom tog'a ammamga qattiq qaradi. – Davlatga pilla kerak, vassalom. Hammaning ko'ngliga qarayversak kallamiz ketadi-ya. Bitta senamas yetimi bor...

– Xo'p, bolalarni nima qilay unda, Siroj aka? – ammam ho'ngrab yig'lab yubordi. Hammamiz ammamning pinjiga tiqilib, xuddi uy-joydan ajrab qoladigandek mo'ltirab qarab turardik.

– Ko'z yoshi qilmanglar, yo'li oson, – dedi qurt brigadiri. – Bitta xonasini olamiz, ikkinchisiga ayvondan eshik ochib beramiz.

– Ana, bahonada uying ham ko'payadigan bo'lib qoldi, jiyan, yana qurtning o'tin-cho'piyam o'zingga qoladi-ku, – ammamni avrardi partkom tog'a.

Kutilmaganda eshik o'rnatish taklifi ammamga ham yoqib qoldi, shekilli, sal yumshadi:

– Bilganinglarni qilinglar, men ishga kech qolyapman, – deb jo'nab qoldi.

Бирпасда усталар келиб, айвонга қаратиб катта уйдан эшик очди. Зеби холам даҳлиздаги эски шолча билан сандални кейинги хонага кўчирди. Яна икки киши келиб қуртларга сўкичак ясади. Кечга томон эшик ҳам, сўкичак ҳам, темир печка ҳам битди. Ишдан қайтган Саодат опам ўзгаришларни кўриб ҳайрон бўлиб қолди. Биз нуқул у кишига қараб ишшаямиз. Югуриб уйга кирамиз, югуриб ҳовлига чиқамиз. Даҳлиздан айланиб юрмаймиз. Кечқурун Зеби холам бир челақда кўмир олиб чиқиб, печкани ёқиб кетди. Уй исиса, эрта билан қурт олиб кирар экан. Мен илгари уйда қурт боққанларини кўрмаганман. У қанақа бўлишини ҳам билмайман. Лекин эшик очишларидан, Зеби холамнинг бизникига танда қўйишларидан билдимки, бу жуда зарур иш. Печканинг иссиғи ўртадаги эшикдан ўтиб, биз ётган хонага ҳам урди, маза қилиб ухладик. Эртасига аммамни ана шунақа янгиликлар билан кутиб олдик.

– Яхши бўпти, – деди аммамнинг ҳам чиройи очилиб, – қуртдан бўшаса бу хонани ижарага қўямиз, уч-тўрт сўм пуллик бўлиб турамиз.

Зеби холам қоғоз қутида кумурсқага ўхшаган бир нарсаларни уйдан кўтариб чиқди. Кейин сўкичакнинг бир чеккасига сариқ қоғоз ёзиб, уни ўшанга бўшатди. Бир рўмолда тут барги ҳам олган эканлар, устига сепиб қўйди. Қизиқиб қараб турибман, кумурсқачаларга жон битиб, ғимирлай бошлади.

– Мана, кўриб ол, – деди Зеби холам тут баргини менга кўрсатиб, – шунақа нозик-нозигидан териб келасан. Бунақаси тутнинг пастки шохларида бўлади. Юқорисидан ола кўрма, унақасига қуртларнинг тиши ўтмайди, ҳали булар чақалоқ...

Шундай қилиб менинг томорқа ва бошқа ишларим ёнига яна битта иш қўшилди. Каримбой чолга ортмайдиган бўлиб қолдим. Мен сигирни арқонлаб қўйиб, тут баргини бедапоя чеккасидаги тутлардан терардим. Ойижонимга ўхшаган аёл Пошшахонни яна бир марта кўрай деб йўлини пойлардим.

ТЕША ЧОПИҚ

Томорқага экилган уруғларни қушлардан қўрий-қўрий ундириб олдик. Жўхори уруғига кўк қарға, қовун-тарвуз уруғига ҳакка ўч бўларкан. Одамлар қушларни ўлдириб, оёқларидан осиб ҳам қўйишди. Ниҳоят, кўзимизни қувонтириб майсалар кўринди. Бу орада неча марта ёмғир ёғиб ўтди, кўп вақтим қатқалоқ кўчиришга кетди. Қатқалоқ ўз вақтида кўчирилмаса, ниҳолларни сиқиб, қуритиб қўяркан. Колхозчилар ҳам далада қатқалоқ билан оли-



Birpasda ustalar kelib, ayvonga qaratib katta uydan eshik ochdi. Zebi xolam dahlizdagi eski sholcha bilan sandalni keyingi xonaga ko'chirdi. Yana ikki kishi kelib qurtlarga so'kichak yasadi. Kechga tomon eshik ham, so'kichak ham, temir pechka ham bitdi. Ishdan qaytgan Saodat opam o'zgarishlarni ko'rib hayron bo'lib qoldi. Biz nuqul u kishiga qarab ishshayamiz. Yugurib uyga kiramiz, yugurib hovliga chiqamiz. Dahlizdan aylanib yurmaymiz. Kechqurun Zebi xolam bir chelakda ko'mir olib chiqib, pechkani yoqib ketdi. Uy isisa, erta bilan qurt olib kirar ekan. Men ilgari uyda qurt boqqanlarini ko'rmaganman. U qanaqa bo'lishini ham bilmayman. Lekin eshik ochishlaridan, Zebi xolamning biznikiga tanda qo'yishlaridan bildimki, bu juda zarur ish. Pechkaning issig'i o'rtadagi eshikdan o'tib, biz yotgan xonaga ham urdi, maza qilib uxladi. Ertasiga ammamni ana shunaqa yangiliklar bilan kutib oldik.

– Yaxshi bo'пти, – dedi ammamning ham chiroyi ochilib, – qurtdan bo'shasa bu xonani ijaraga qo'yamiz, uch-to'rt so'm pullik bo'lib turamiz.

Zebi xolam qog'oz qutida qumursqaga o'xshagan bir narsalarni uyidan ko'tarib chiqdi. Keyin so'kichakning bir chekkasiga sariq qog'oz yozib, uni o'shanga bo'shatdi. Bir ro'molda tut bargi ham olgan ekanlar, ustiga sepib qo'ydi. Qiziqib qarab turibman, qumursqachalarga jon bitib, g'imirlay boshladi.

– Mana, ko'rib ol, – dedi Zebi xolam tut bargini menga ko'rsatib, – shunaqa nozik-nozigidan terib kelasan. Bunaqasi tutning pastki shoxlarida bo'ladi. Yuqorisidan ola ko'rma, unaqasiga qurtlarning tishi o'tmaydi, hali bular chaqaloq...

Shunday qilib mening tomorqa va boshqa ishlarim yoniga yana bitta ish qo'shildi. Karimboy cholga ortmaydigan bo'lib qoldim. Men sigirni arqonlab qo'yib, tut bargini bedapoya chekkasidagi tutlardan terardim. Oyijonimga o'xshagan ayol Poshshaxonni yana bir marta ko'ray deb yo'lini poylardim.

TESHA CHOPIQ

Tomorqaga ekilgan urug'larni qushlardan qo'riy-qo'riy undirib oldik. Jo'xori urug'iga ko'k qarg'a, qovun-tarvuz urug'iga hakka o'ch bo'larkan. Odamlar qushlarni o'ldirib, oyoqlaridan osib ham qo'yishdi. Nihoyat, ko'zimizni quvontirib maysalar ko'rindi. Bu orada necha marta yomg'ir yog'ib o'tdi, ko'p vaqtim qatqaloq ko'chirishga ketdi. Qatqaloq o'z vaqtida ko'chirilmasa, nihollarni siqib, quritib qo'yarkan. Kolxozchilar ham dalada qatqaloq bilan olishib yotibdi.

шиб ётибди. Бир куни томорқада юрсам, Турсунбой ака келиб қолди. Қўлида теша. Мени кўриб йўқотиб қўйган одамани топиб олгандек кўзлари кулди.

– Воҳ, Хизрни йўқласам бўларкан... Биламан, сен қишлоқдаги энг меҳнаткаш йигитсан. Ҳа, меҳринг ерга бўлакча. Мана мени айтди дейсан, катта деҳқон бўласан Худо хоҳласа.

Бу мақтовлардан оғзим ёйилиб, бир қоп семириб, Турсунбой акага қарадим. Пешанаси тириш, узун бўйли бу одамнинг қаерларидир Ғанижон амакимга ўхшаб кетарди. Фақат кўзи бошқача – ўйнаб туради. Амакимники маъюс, мунгли эди.

– Энди гап бундай, деҳқон, экинни теша чопиқ қилиш керак, – деб эринмай бир-иккита жўхори тагини чопиб кўрсатди, кейин нарида тўкиб қўйилган майин гўнгдан пачоқ челакда олиб келди-да, ниҳолларнинг тагига бир сиқимдан ташлади. Шундай қилинса, бундан буёғига ёмғир ёғса ҳам қатқалоқ олмайди, жониворлар яйраб-яшнаб ўсади. Сен теша чопиқни бошлаб берсанг, катта чопиқ менинг бўйнимга. Катта чопиқ дегани, ўҳ-хў, анча катта иш. Унга сенинг кучинг етмайди, кўшни, – деди.

Турсунбой ака бирпас ишимни кузатиб турди-да:

– Э, баракалла, яхшига бир қамчи, ёмонга минг қамчи, – деб далага қараб кетди.

Турсунбой ака кетгандан кейин бирдан феъллим айнади. Нимага ҳадеб ишни Турсунбой аканинг томорқасидан бошлайверишим керак? Ўзимнинг ерим, ўзимнинг экинларим-чи? Нима, улар етим-чами? Бир сафар Турсунбой аканики кейинроқ бўла қолар.

Ўзимизнинг томорқада ишлаганимга, пешин бўлганини ҳам билмай қолибман. Аммам чақирибди, Йўлдош жияним чақирибди, эшитмабман. Бир маҳал аммам картошка пўчоғини пишириб, эзиб, устига сарёғ солиб, олиб келибдилар, зоғора нон билан маза қилиб еб олдим. Аммам теша чопиғимни кўриб, мақтади, иш ўргатган Турсунбой акани дуо қилди. Биз ўтирган жой салқин, ғир-ғир шабада эди.

– Қарагин, болам, – деди аммам, – мана шу ерга чайла қуриб, тушсакми, а? Қандай баҳаво жой экан, одамнинг баҳри-дили очилади-я, тепада ўтираверамизми чивинга таланиб...

– Кечасиям шу ерда ётамизми? – ҳайрон бўлдим мен.

– Нима қипти, Саодат ўлиб қолсаям ерда ётмайди, унга темир каравотини олиб тушиб берсак бўлди-да, болам. – Аммам худди чайлада ўтиргандек ҳузурланди.

Тушлиқдан кейин теша чопиқ қиялпман-у, хаёлим чайлада. Томорқанинг тепа томонидан бизга қараб унча катта бўлмаган ариқда сув тушиб келар, унинг икки чеккасига қачонлардир тут



Bir kuni tomorqada yursam, Tursunboy aka kelib qoldi. Qo'lida tesha. Meni ko'rib yo'qotib qo'ygan odamini topib olgandek ko'zlari kuldi.

– Voh, Xizrni yo'qlasam bo'larkan... Bilaman, sen qishloqdagi eng mehnatkash yigitsan. Ha, mehring yerga bo'lakcha. Mana meni aytdi deysan, katta dehqon bo'lasan Xudo xohlasa.

Bu maqtovlardan og'zim yoyilib, bir qop semirib, Tursunboy akaga qaradim. Peshanasi tirish, uzun bo'yli bu odamning qayerlaridir G'anjion amakimga o'xshab ketardi. Faqat ko'zi boshqacha – o'ynab turadi. Amakimniki ma'yus, mungli edi.

– Endi gap bunday, dehqon, ekinni tesha chopiq qilish kerak, – deb erinmay bir-ikkita jo'xori tagini chopib ko'rsatdi, keyin narida to'kib qo'yilgan mayin go'ngdan pachoq chelakda olib keldi-da, ni-hollarning tagiga bir siqimdan tashladi. Shunday qilinsa, bundan buyog'iga yomg'ir yog'sa ham qatqaloq olmaydi, jonivorlar yayrab-yashnab o'sadi. Sen tesha chopiqni boplab bersang, katta chopiq mening bo'ynimga. Katta chopiq degani, o'h-ho', ancha katta ish. Unga sening kuching yetmaydi, qo'shni, – dedi.

Tursunboy aka birpas ishimni kuzatib turdi-da:

– E, barakalla, yaxshiga bir qamchi, yomonga ming qamchi, – deb dalaga qarab ketdi.

Tursunboy aka ketgandan keyin birdan fe'lim aynadi. Nimaga hadeb ishni Tursunboy akaning tomorqasidan boshlayverishim kerak? O'zimning yerim, o'zimning ekinlarim-chi? Nima, ular yetimchami? Bir safar Tusunboy akaniki keyinroq bo'la qolar.

O'zimizning tomorqada ishlaganimgami, peshin bo'lganini ham bilmay qolibman. Ammam chaqiribdi, Yo'ldosh jiyanim chaqiribdi, eshitmabman. Bir mahal ammam kartoshka po'chog'ini pishirib, ezib, ustiga saryog' solib, olib kelibdilar, zog'ora non bilan maza qilib yeb oldim. Ammam tesha chopig'imni ko'rib, maqtadi, ish o'rgatgan Tursunboy akani duo qildi. Biz o'tirgan joy salqin, g'ir-g'ir shabada edi.

– Qaragin, bolam, – dedi ammam, – mana shu yerga chayla qurib, tushsakmi, a? Qanday bahavo joy ekan, odamning bahri-dili ochiladi-ya, tepada o'tiraveramizmi chivinga talanib...

– Kechasiyam shu yerda yotamizmi? – hayron bo'ldim men.

– Nima qipti, Saodat o'lib qolsayam yerda yotmaydi, unga temir karavotini olib tushib bersak bo'ldi-da, bolam. – Ammam xuddi chaylada o'tirgandek huzurlandi.

Tushlikdan keyin tesha chopiq qilyapman-u, xayolim chaylada. Tomorqaning tepa tomonidan bizga qarab uncha katta bo'lmagan ariqda suv tushib kelar, uning ikki chekkasiga qachonlardir tut

экилган, улар одамнинг сонидек бўлиб ўсган, сув биз турадиган тепани ёнлаб ўтиб, қувур орқали кўчадан нари, колхоз боғига кириб борарди. Боғга олма, шафтоли мевалари экилган, улар чаман бўлиб гуллаб ётарди. Хуллас, ариқдан сув узилмасди. Аммам сариёғ олмоқчи бўлса, қувини ариқ сувига солиб, кейин пишарди. Чайла курсак сув шундоққина ёнимиздан шилдираб оқиб турса, маза-ку. Мен чайла қурилишини чўлда кўрганман, унга қамиш керак бўлади. Қамишнинг янгиси бўлмаса ҳам, эскиси Бўзсув бўйларида босилиб ётибди. Уни ўриб, боғ-боғ қилиб ташиб келишни ўйлайман. Бунинг учун янгигина, жажжигина ўроқчам ҳам бор. Аммам Надим темирчига қуртдан бўшагандан кейин хонани ижарага бериш шарти билан, ўроқни ясаттириб кепти. У ойига уч сўмдан тўлайдиган бўпти. Темирчи қрим татар бўлиб, устахонасида ётиб юрарди.

Одам иш қилаётганда хаёли бошқа нарсаларда бўлса, чарчаганини ҳам билмай қолади. Кўпинча сўқимларга терт қораётганимда шундай бўларди. Мен қандай қилиб қорин тўйдириш ёки ойижоним ҳақида ўйлаб кетардим. Шунда кунжара билан шелуха қачон бир-бирига илаша қолганини ҳам сезмай қолардим. Бугунги ишим ҳам шунақа бўлди. Чопиқ тугаб, Турсунбой аканинг ерига ўтмоқчи эдим, майин гўнг тугаб қолди. Шунақаси ўзимизда ҳам бор эди, ташиб келгунча кун ботди. Бироқ ҳамма машмаша эртасига бошланди. Саодат опам билан баравар уйғониб, у киши далага, мен томорқага шошдим. Тушдим-у, Турсунбой аканинг дағдағаси ичида қолдим. У мени бетайиндан олиб, бетайинга солиб, оғзига келган сўзлар билан сўкарди.

– Нима деяверасиз? – дедим бўш келмай. – Иш ҳадеб сизнинг ерингиздан бўлаверадими, бир марта меникиданам бўлса нима қипти? Ана, гўнгням олиб келиб кўйдим, ерингизни чопиқ қилиб берсам бўлдим?

– Чопмагин-чи, нақ томорқангни шудгорлаб ташларман, – ўқрайди Турсунбой ака. – Дехқон бўлармишлар, отнинг тезагиям бўлмайсан сен ўзбошимча.

Турсунбой аканинг бунчалик дарғазаб бўлишини ҳечам тушунмадим. Дабдурустан у кишини танимай ҳам қолдим. Бир кун эрта бўлди нима-ю, кеч бўлди нима? Аммамнинг эрта экан эрта ўради, деганлари ёдимга тушиб, бундан чиқди меники эрта пишиб, у кишиники кеч қоларкан-да, деган хаёлга бордим. Ҳойнаҳой, энди катта чопиққа ҳам қарашмаса керак. Аммамга айтсам:

– Ўзини тарозига солмай ўлсин Турсунбой найнов, катта чопиқдан кўрқма, болам, ҳали қоринтўйсинга иш сўраб келадиганлар кўп бўлади, сен кўчатларингни ўстиравер, – дедилар.

ekilgan, ular odamning sonidek bo'lib o'sgan, suv biz turadigan tepani yonlab o'tib, quvur orqali ko'chadan nari, kolxoz bog'iga kirib borardi. Bog'ga olma, shaftoli mevalari ekilgan, ular chaman bo'lib gullab yotardi. Xullas, ariqdan suv uzilmasdi. Ammam sariyog' olmoqchi bo'lsa, kuvini ariq suviga solib, keyin pishardi. Chayla qursak suv shundoqqina yonimizdan shildirab oqib tursa, maza-ku. Men chayla qurilishini cho'lda ko'rganman, unga qamish kerak bo'ladi. Qamishning yangisi bo'lmasa ham, eskisi Bo'zsuv bo'ylarida bosilib yotibdi. Uni o'rib, bog'-bog' qilib tashib kelishni o'ylayman. Buning uchun yangigina, jajjigina o'roqcham ham bor. Ammam Nadim temirchiga qurtdan bo'shagandan keyin xonani ijaraga berish sharti bilan, o'roqni yasattirib kepti. U oyiga uch so'mdan to'laydigan bo'пти. Temirchi qrim tatar bo'lib, ustaxonasida yotib yurardi.

Odam ish qilayotganda xayoli boshqa narsalarda bo'lsa, charchaganini ham bilmay qoladi. Ko'pincha so'qimlarga tert qorayotganimda shunday bo'lardi. Men qanday qilib qorin to'ydirish yoki oyijonim haqida o'ylab ketardim. Shunda kunjara bilan sheluxa qachon bir-biriga ilasha qolganini ham sezmay qolardim. Bugungi ishim ham shunaqa bo'ldi. Chopiq tugab, Tursunboy akaning yeriga o'tmoqchi edim, mayin go'ng tugab qoldi. Shunaqasi o'zimizda ham bor edi, tashib kelguncha kun botdi. Biroq hamma mashmasha ertasiga boshlandi. Saodat opam bilan baravar uyg'onib, u kishi dalaga, men tomorqaga shoshdim. Tushdim-u, Tursunboy akaning dag'dag'asi ichida qoldim. U meni betayindan olib, betayinga solib, og'ziga kelgan so'zlar bilan so'kardi.

– Nima deyaverasiz? – dedim bo'sh kelmay. – Ish hadeb sizning yeringizdan bo'laveradimi, bir marta menikidanam bo'lsa nima qipti? Ana, go'ngniyam olib kelib qo'ydim, yeringizni chopiq qilib bersam bo'ldimi?

– Chopmagin-chi, naq tomorqangni shudgorlab tashlarman, – o'graydi Tursunboy aka. – Dehqon bo'larmishlar, otning tezagiya bo'lmaysan sen o'zboshimcha.

Tursunboy akaning bunchalik darg'azab bo'lishini hecham tushunmadim. Dabdurustdan u kishini tanimay ham qoldim. Bir kun erta bo'ldi nima-yu, kech bo'ldi nima? Ammamning erta ekan erta o'radi, deganlari yodimga tushib, bundan chiqdi meniki erta pishib, u kishiniki kech qolarkan-da, degan xayolga bordim. Hoynahoy, endi katta chopiqqa ham qarashmasa kerak. Ammamga aytsam:

– O'zini taroziga solmay o'lsin Tursunboy naynov, katta chopiqdan qo'rqma, bolam, hali qorinto'ysinga ish so'rab keladiganlar ko'p bo'ladi, sen ko'chatlaringni o'stiraver, – dedilar.

Мен барибир Турсунбой ака билан орамиз бузилиб қолганидан хафа эдим. Нима бўлганда ҳам у киши менга иш ўрғатаётган эди-да. Бекорга ўзимни ўйлаб бошимга балони орттириб олдим...

Орада бир-икки ёмғир ёғиб ўтди-ю, томорқада ғалати ўзгариш бўлди. Менинг ниҳолларим гуркираб ўсган ҳолда, Турсунбой аканинг ниҳоллари касал теккандек миждовланиб қолди. Қўрқиб кетдим, теша чопиқда бир нима қилиб қўйдимми деб. Уруғ бир кунда экилган бўлса-да, бизники бир ҳафта олдин экилганга ўхшаб кўринарди. Турсунбой ака бекорга мен билан уришмаган экан-да, бир кун олдингиси ҳам олдинги эканда, деб ўйлайман. Лекин бу ерда бошқа бир сир борлигини билмайман...

ПОШШАХОН ПОШШОЗОДАЛАРДАНМИ?

Пошшахон Каримбой чолнинг қизи эмас, хотини экан. Буни хотинларнинг ғийбатидан билиб олдим. Уйимизда қўшни хотинлар: Тўхта опа, Шарофат опа, аммам, Зеби холам қурт боқишдан чарчаб, бирпас чақчақлашиб ўтириб қолишди. Бирдан Пошшахон опа ҳақида гап очилди. Мен ғалтақдан ўзи юрадиган ўйинчоқ ясаб, жиянларимга томоша кўрсатаётган эдим, қулоғим динг бўлди.

– Шундай кетворган жувон Каримбой чолга увол-а, – деди Тўхтахон опа ачингандек бошини сарак-сарак қилиб.

– Қандини урсин, Тўхта, қандини, – деди Шарофат опа кўзлари ўйнаб.

– Қандини урсин деб Каримбой чолни айтяпсанми, ўртоқ? – сўради Тўхта опа.

– Ҳа, йў-ў... ўша Пошшахонни айтяпман-да. Каримбой чол унга эрлик қилармиди. Бу ерда бошқа гап бор, ҳа, бу хотин бориб турган мўлтони...

– Алжирама, – деди аммам норози бўлиб, – билсанг, Каримбой чолнинг қариндоши экан у, чолга ўзи хоҳлаб тегипти. Тошканинг Қаъни деган жойида тураркан. Каримбой чолнинг ўзиям таги ўшоғлик экан. Уйланганига анча бўлган экан. Боласи кўзга кўриниб қолганига олиб келган-да. Ўғлини кўргин, Каримбой чолни узган-у ёпиштирган.

– Б-е-е, гапирасан-да, ўртоқ, Каримбой чолдан бола бўларканми?

– Вой... сен қаердан биласан, Шарапат ўлгур?

Хотинлар хахолаб қулиб юборишди.

– Ҳе, айнимай ўлинглар, букри-ку, ахир, қандай қилиб бола туғдирсин?

Men baribir Tursunboy aka bilan oramiz buzilib qolganidan xafa edim. Nima bo'lganda ham u kishi menga ish o'rgatayotgan edi-da. Bekorga o'zimni o'ylab boshimga baloni orttirib oldim...

Orada bir-ikki yomg'ir yog'ib o'tdi-yu, tomorqada g'alati o'zgarish bo'ldi. Mening nihollarim gurkirab o'sgan holda, Tursunboy akaning nihollari kasal tekkandek mijg'ovlanib qoldi. Qo'rqib ketdim, tesha chopiqda bir nima qilib qo'ydimmi deb. Urug' bir kunda ekilgan bo'lsa-da, bizniki bir hafta oldin ekilganga o'xshab ko'rinardi. Tursunboy aka bekorga men bilan urishmagan ekan-da, bir kun oldingisi ham oldingi ekanda, deb o'ylayman. Lekin bu yerda boshqa bir sir borligini bilmayman...

POSHSHAXON POSHSHOZODALARDANMI?

Poshshaxon Karimboy cholning qizi emas, xotini ekan. Buni xotinlarning g'iybatidan bilib oldim. Uyimizda qo'shni xotinlar: To'xta opa, Sharofat opa, ammam, Zebi xolam qurt boqishdan charchab, birpas chaqchaqlashib o'tirib qolishdi. Birdan Poshshaxon opa haqida gap ochildi. Men g'altakdan o'zi yuradigan o'yinchoq yasab, jyanlarimga tomosha ko'rsatayotgan edim, qulog'im ding bo'ldi.

– Shunday ketvorgan juvon Karimboy cholga uvol-a, – dedi To'xtaxon opa achingandek boshini sarak-sarak qilib.

– Qandini ursin, To'xta, qandini, – dedi Sharofat opa ko'zlari o'ynab.

– Qandini ursin deb Karimboy cholni aytyapsanmi, o'rtoq? – so'radi To'xta opa.

– Ha, yo'o'... o'sha Poshshaxonni aytyapman-da. Karimboy chol unga erlik qilarmidi. Bu yerda boshqa gap bor, ha, bu xotin borib turgan mo'ltoni...

– Aljirama, – dedi ammam norozi bo'lib, – bilsang, Karimboy cholning qarindoshi ekan u, cholga o'zi xohlab tegipti. Toshkanning Qa'ni degan joyida turarkan. Karimboy cholning o'ziyam tagi o'shog'lik ekan. Uylanganiga ancha bo'lgan ekan. Bolasi ko'zga ko'rinib qolganiga olib kelgan-da. O'g'lini ko'rgin, Karimboy cholni uzgan-u yopishtirgan.

– Bee, gapirasan-da, o'rtoq, Karimboy choldan bola bo'lar-kanmi?

– Voy... sen qayerdan bilasan, Sharapat o'lgur?

Xotinlar xaxolab kulib yuborishdi.

– He, aynimay o'linglar, bukri-ku, axir, qanday qilib bola tug'dirsin?

– Туя ҳам букри-ку, яшамагур, уям туғдиради-ку сўлохмондай-сўлохмондай қилиб...

Хотинлар бир-бирларини ўймалашиб роса кулишди.

– Пошшахон дейишларидан пошшозодаларга ўхшайди, ҳа, узоқдан унга кўзим тушди, – деди Зеби холам ўтирганларни ҳайрон қолдириб. – Бунақа хотинлар бузуқи бўлмайди. Кейин сенларга нима, кўз куйгулик, ҳе, уят-е.

– Ахир, Каримбой чол қишлоғимизнинг эркаги-да, Зеби хола, шунга қизғаняпмиз.

– Ажаб бўпти, олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, ўтираверинглар чапакларингни чале-е-еб... оғзингдагини олди-е-еб... Ана, Шарапат, Турсун икковингам бевасан, нимага биттанг тегвомадиларинг Каримбой чолга, а?

Хотинлар яна кулишди... Кейин “ойпариларга” қарайлик энди деб ўринларидан кўзғалишди. Пилла қуртини “ойпари” дейишарди. Куртлар катта даҳага кирган, тут баргини кўрдим демас, кечалари ухламай, лампачироқ ёруғида барг солиб чиқардик. Зеби холам биттагина баркашда кўтариб чиққан курт энди битта хонадаги уч қават сўкичакка сиғмай лорсиллаб ётарди. Бошида бир сиқим баргга тўйган куртларни энди аравалаб барг олиб келиб ҳам тўйдириб бўлмасди.

Мен Пошшахон опани бир марта кўрганман, шундай бўлса ҳам кўз олдимда қолган. Баланд бўйли, озғин, рўмолини пешанасига танғиб боғлаган, кўйлаги устидан юпқа камзул кийган... Қишлоқдаги хотинлар бунақа кийинишмайди. Шунгами, у кишининг бегоналиги тезда билиниб, кўзга ташланади. Зеби холамнинг гаплари рост бўлса, Каримбой чол пошшозодага уйланса арзиматими, деб ўзимча хурсанд бўлиб қўяман.

КУНЛАРДАН БИР КУН

Қишлоқда иш роса қизиган. Тепаларга экилган буғдойларга ўроқ тушган, одамлар кун ёришмай туриб, ўрилган буғдойларни шудринг кўтарилмай йиғиб, хирмонга жўнатишади, кун қизий бошлаши билан бу ишни тўхтатиб, ғўза чопиққа шошишади, кўчат чиқмаган жойларига чигит экишади. Пешин пайтида кимнинг уйда пилла етилган бўлса, ўша ерда тушлик қилиб, пилла теришади. Кейин яна далага. Мактаб болалари ҳам катталар билан бирга тўп-тўп бўлиб кўчиб юради. Уйдаги ишлардан ортиб, Саодат опамга ёрдамлашгани далага бораман Қозиқлар қоқилиб, ерлар колхозчиларга тақсимлаб берилган, далани ёввойи ўт босиб, қайси ғўза, қайси ўт билиб бўлмай қолган. Мен эгатни ўтаб, Са-

– Tuya ham bukri-ku, yashamagur, uyam tug'diradi-ku so'lox-monday-so'loxmonday qilib...

Xotinlar bir-birlarini o'ymalashib rosa kulishdi.

– Poshshaxon deyishlaridan poshshozodalarga o'xshaydi, ha, uzoqdan unga ko'zim tushdi, – dedi Zebi xolam o'tirganlarni hayron qoldirib. – Bunaqa xotinlar buzuqi bo'lmaydi. Keyin senlarga nima, ko'z kuygulik, he, uyat-e.

– Axir, Karimboy chol qishlog'imizning erkagi-da, Zebi xola, shunga qizg'anyapmiz.

– Ajab bo'пти, oldingdan oqqan suvning qadri yo'q, o'tiraveringlar chapaklaringni chaleeeb... og'zingdagini oldireeeb... Ana, Sharapat, Tursun ikkovingam bevasan, nimaga bittang tegvomadilaring Karimboy cholga, a?

Xotinlar yana kulishdi... Keyin "oyparilarga" qaraylik endi deb o'rinlaridan qo'zg'alishdi. Pilla qurtini "oypari" deyishardi. Qurtlar katta dahaga kirgan, tut bargini ko'rdim demas, kechalari uxlamay, lampachiroq yorug'ida barg solib chiqardik. Zebi xolam bittagina barkashda ko'tarib chiqqan qurt endi bitta xonadagi uch qavat so'kichakka sig'may lorsillab yotardi. Boshida bir siqim bargga to'ygan qurtlarni endi aravalab barg olib kelib ham to'ydirib bo'lmasdi.

Men Poshshaxon opani bir marta ko'rganman, shunday bo'lsa ham ko'z oldimda qolgan. Baland bo'yli, ozg'in, ro'molini peshanasiga tang'ib bog'lagan, ko'ylagi ustidan yupqa kamzul kiygan... Qishloqdagi xotinlar bunaqa kiyinishmaydi. Shungami, u kishining begonaligi tezda bilinib, ko'zga tashlanadi. Zebi xolamning gaplari rost bo'lsa, Karimboy chol poshshozodaga uylansa arzimaptimi, deb o'zimcha xursand bo'lib qo'yaman.

KUNLARDAN BIR KUN

Qishloqda ish rosa qizigan. Tepalarga ekilgan bug'doylarga o'roq tushgan, odamlar kun yorishmay turib, o'rilgan bug'doylarni shudring ko'tarilmay yig'ib, xirmonga jo'natishadi, kun qiziy boshlashi bilan bu ishni to'xtatib, g'o'za chopiqqa shoshishadi, ko'chat chiqmagan joylariga chigit ekishadi. Peshin paytida kimning uyida pilla yetilgan bo'lsa, o'sha yerda tushlik qilib, pilla terishadi. Keyin yana dalaga. Maktab bolalari ham kattalar bilan birga to'p-to'p bo'lib ko'chib yuradi. Uydagi ishlardan ortib, Saodat opamga yordamlashgani dalaga boraman. Qoziqlar qoqilib, yerlar kolxozchilarga taqsimlab berilgan, dalani yovvoyi o't bosib, qaysi g'o'za, qaysi o't bilib bo'lmay

одат опамга йўл очиб бераман. Баъзан табелчи келиб, оёғи билан ерни тити-пити қилиб кўради. Ўйиб чоп, бунингни қабул қилмайман, дейди. Саодат опам "хў-ў-ўп" деб кўрққандек бўйнини қисиб, ерга қарайди. Кўзимга кичрайиб кетгандек кўринади. Колхозчилар орасидан Пошшахон опани қидираман, у кишини кўрмайман. Партком тоға, пахта бригадири, дон бригадири, пилла бригадири... шунча бригадир Пошшахонни тинч кўйишганига ҳайрон бўламан.

Бир куни эрта билан бедапоя четига сигиримни арқонлагани борсам, Каримбой чол иш буюриб қолди:

– Бориб Пошшахонга айт, далага чиқаркансиз, бригадир билан партком тирғалиб кўймаяпти экан, де...

Каримбой чолнинг гапи тугамай чопа кетдим. Бугун қандай яхши кун бўлди-я. Пошшахонни кўраман. Югуриб бораяпман-у, ойижонимни тушимда кўрганимни эсладим. Пошшахонни кўрар эканман-да, шунга ойижоним тушимга кирган. Бироқ юрагимда бир қоронғилик бор. Ўша қоронғилик менга: "Онангни аллақачонлар йўқотиб бўлгансан, шунга кўник", – дегандек бўлади. Мен бўлсам кўникишни хоҳламайман. Аммам айтганидек, онажонимнинг бир кунмас бир кун топилишига ишонаман.

Каримбой чолнинг уйи тепани ёриб, ертўла қилиб қурилган. Қишлоқда бунақа уйлар кўп. Уруш йиллари ватанидан кўчириб келтирилган қрим татарлар шунақа осон, қулай бошпаналар қуришни бошлаб беришган экан. Ертўлалар ёзда салқин, қишда иссиқ бўларкан. Ертўланинг битта эшиги, унга ёпишган бир кўзли деразаси бўлади. Ичкараси чиройли. Шунчаки беписанд кирган одам "воҳ" деб юборади. Деворлари сувалган, учбурчак, тўртбурчак токчалар ўйилган. Каримбой чолнинг ертўласи ёнида катта бир бўрибосар ётади. Салгина шарпага ҳуриб, занжирини судраб, кўра эшиги тагига келиб олади. Эшик қамишдан ясалган, ошиқ-мошиқсиз.

Ит ҳуриши билан ичкаридан "Ки-и-им", деб ўғлини етаклаб Пошшахон чиқиб келди. Эгасини кўриш билан ит жимиб, нари кетди. Пошшахоннинг кўзи менга тушиши билан юзлари қулиб, кўра эшиги томон юрди. Хаёлимда улар ҳам мени кўргиси келиб, соғиниб юргандек. Ишқилиб, менга шундай туйилди. Гапимни айтиб, шу ерданоқ орқага қайтмоқчи бўлдим. Пошшахон ойижонимга ўхшаш билан мени сеҳрлаб кўйдик, нимага келганимни ҳам эсимдан чиқариб, у кишига тикили-и-иб қолибман. Бир маҳал қарасам, бир кўлимдан ўғли Саъдулла, иккинчи кўлимдан Пошшахон етаклаб, ертўлага бошлаб киришяпти. Ичкарида дастурхон ёзилган, она-бола энди нонушта қилмоқчи бўлиб туришган экан. Дастурхонда ушатилмаган иккита оби нон (уни шаҳарга

qolgan. Men egatni o'tab, Saodat opamga yo'l ochib beraman. Ba'zan tabelchi kelib, oyog'i bilan yerni titi-piti qilib ko'radi. O'yib chop, buningni qabul qilmayman, deydi. Saodat opam "xo'o'p" deb qo'rqqandek bo'ynini qisib, yerga qaraydi. Ko'zimga kichrayib ketgandek ko'rinadi. Kolxozchilar orasidan Poshshaxon opani qidiraman, u kishini ko'rmayman. Partkom tog'a, paxta brigadiri, don brigadiri, pilla brigadiri... shuncha brigadir Poshshaxonni tinch qo'yishganiga hayron bo'laman.

Bir kuni erta bilan bedapoya chetiga sigirimni arqonlagani borsam, Karimboy chol ish buyurib qoldi:

– Borib Poshshaxonga ayt, dalaga chiqarkansiz, brigadir bilan partkom tirg'alib qo'ymayapti ekan, de...

Karimboy cholning gapi tugamay chopa ketdim. Bugun qanday yaxshi kun bo'ldi-ya. Poshshaxonni ko'raman. Yugurib borayapman-u, oyijonimni tushimda ko'rganimni esladim. Poshshaxonni ko'rar ekanman-da, shunga oyijonim tushimga kirgan. Biroq yuragimda bir qorong'ilik bor. O'sha qorong'ilik menga: "Onangni allaqachonlar yo'qotib bo'lgansan, shunga ko'nik", – degandek bo'ladi. Men bo'lsam ko'nikishni xohlamayman. Ammam aytganidek, onajonimning bir kunmas bir kun topilishiga ishonaman.

Karimboy cholning uyi tepani yorib, yerto'la qilib qurilgan. Qishloqda bunaqa uylar ko'p. Urush yillari vatanidan ko'chirib keltirilgan qrim tatarlar shunaqa oson, qulay boshpanalar qurishni boshlab berishgan ekan. Yerto'lalar yozda salqin, qishda issiq bo'larkan. Yerto'laning bitta eshigi, unga yopishgan bir ko'zli derazasi bo'ladi. Ichkarisi chiroyli. Shunchaki bepisand kirgan odam "voh" deb yuboradi. Devorlari suvalgan, uchburchak, to'rtburchak tokchalar o'yilgan. Karimboy cholning yerto'lasida yonida katta bir bo'ribosar yotadi. Salgina sharpaga hurib, zanjirini sudrab, qo'ra eshigi tagiga kelib oladi. Eshik qamishdan yasalgan, oshiq-moshiqsiz.

It hurishi bilan ichkaridan "Kiiim", deb o'g'lini yetaklab Poshshaxon chiqib keldi. Egasini ko'rish bilan it jimib, nari ketdi. Poshshaxonning ko'zi menga tushishi bilan yuzlari kulib, qo'ra eshigi tomon yurdi. Xayolimda ular ham meni ko'rgisi kelib, sog'inib yurgandek. Ishqilib, menga shunday tuyildi. Gapimni aytib, shu yerdanoq orqaga qaytmoqchi bo'ldim. Poshshaxon oyijonimga o'xshashi bilan meni sehrlab qo'ydi, nimaga kelganimni ham esimdand chiqarib, u kishiga tikilib qolibman. Bir mahal qaragam, bir qo'limdan o'g'li Sa'dulla, ikkinchi qo'limdan Poshshaxon yetaklab, yerto'laga boshlab kirishyapti. Ichkarida dasturxon yozilgan, ona-bola endi nonushta qilmoqchi bo'lib turishgan ekan. Dasturxonda ushatilmagan ikkita obi non (uni shaharga tushgan aravakashlar Karimboy cholga olib

тушган аравакашлар Каримбой чолга олиб келган бўлишлари керак), иккита сопол косада сут. Пошшахон кўзлари билан менга ўтиринг дегандек ишора қилди. Мен нима қилишимни билмай туриб қолган эдим, Саъдулла қикирлаб кулиб кўлимга ёпишди. Келганимдан у хурсанд эди. Пошшахон яна битта сопол косага сут куйиб келди. Мен меҳмондорчиликка эмас, иш билан келганимни билдириб қўймоқчи бўлдим. Пошшахон “кейин” дегандек қараб, дастурхонга ундади. Хаёлим шундоғам у ушатаётган обинонда бўлиб қолган эди.

– Нима демоқчилигингизни биламан, яхши бола, – деди у сизсираб. – Саҳарлаб биттаси ишга чиқ деб бошимни қотирди. Эрим бор, ўша киши айтсалар чиқаман, деб ҳайдаб солдим. Тавба, бу ердагилар қизиг-а, бировнинг хотинига хўжайинлик қилишади, уялишмайди ҳам. Ҳойнаҳой шу хабарни олиб келган бўлсангиз керак, шундайми?

Мен шундай дегандек бош ирғадим. Ноннинг ёқимли ҳидини туйиб, ютиндим. Пошшахон буни сезди, шекилли, атайлаб тўғрамларни Яхши амакига ўхшаб мен томонга сурди. Уялиб ерга қарадим.

– Қани, нонни сутга тўғранг, нафсимизни ўлдириб олайлик, кейин далага чиқсак чиқаверамиз-да, ишдан ким ўлибди, – деди кулиб. Пошшахон ойижонимга ўхшаб қувноқ-қувноқ гапирарди.

У кишининг сизсираши Ача холамини эслатди. Ача холам қандай меҳрибон эдилар-а. Худо энди менга Ача холаминг ўрнига Пошшахонни бергани рост бўлсин. Турсун аммам ҳам мени “отам”, “отам”лаб эслари кетади. “Отам” десалар бирдан катта одамга ўхшаб қоламан.

Нонни сутга тўғрамай, тишлаб-тишлаб едим. Сут уйимизда ҳам бор. Нуқул сутга зоғора нон тўғраб еймиз. Зоғора бирпасда бўкиб қолади.

Пошшахон оёғига яп-янги брезент этик кийиб, тайёр бўлди-да:

– Шундай қилиб қаёққа борамиз? – деди. Онасидан ҳам кўра Саъдулла шошарди, ишқилиб, у кўчага чиқса бўлди.

– Темиртирноққа, – дедим мен.

– У нима деганингиз?

– Бўзсув бўйида шунақа ер бор, хотинлар ўша ерда чопиқ қилиб, хато чиққан жойларига чигит экишяпти.

– Унда теша олволишим керак экан-да, яхши бола.

– Ҳа, чигит солишга идиш ҳам олинг, – дедим.

У энди рўмолини пошшазодаларга ўхшаб пешанасига танғиб эмас, олдига чиқариб ўраб олди. Билдим, юзини офтобдан пана қилмоқчи. Саодат опам ҳам рўмолни шунақа қилиб ўраб олса,

kelgan bo'lishlari kerak), ikkita sopol kosada sut. Poshshaxon ko'zlari bilan menga o'tiring degandek ishora qildi. Men nima qilishimni bilmay turib qolgan edim, Sa'dulla qiqirlab kulib qo'limga yopishdi. Kelganimdan u xursand edi. Poshshaxon yana bitta sopol kosaga sut quyib keldi. Men mehmondorchilikka emas, ish bilan kelganimni bildirib qo'ymoqchi bo'ldim. Poshshaxon "keyin" degandek qarab, dasturxonga undadi. Xayolim shundog'am u ushatayotgan obinonda bo'lib qolgan edi.

– Nima demoqchiligingizni bilaman, yaxshi bola, – dedi u sizsira. – Saharlab bittasi ishga chiq deb boshimni qotirdi. Erim bor, o'sha kishi aysalar chiqaman, deb haydab soldim. Tavba, bu yerdagilar qizig'-a, bironing xotiniga xo'jayinlik qilishadi, uyalishmaydi ham. Hoynahoy shu xabarni olib kelgan bo'lsangiz kerak, shundaymi?

Men shunday degandek bosh iring'adim. Nonning yoqimli hidini tuyib, yutindim. Poshshaxon buni sezdi, shekilli, ataylab to'g'ramlarni Yaxshi amakiga o'xshab men tomonga surdi. Uyalib yerga qaradim.

– Qani, nonni sutga to'g'rang, nafsimizni o'ldirib olaylik, keyin dalaga chiqsak chiqaveramiz-da, ishdan kim o'libdi, – dedi kulib. Poshshaxon oyijonimga o'xshab quvnoq-quvnoq gapirardi.

U kishining sizsirashi Acha xolamni eslatdi. Acha xolam qanday mehribon edilar-a. Xudo endi menga Acha xolaning o'rniga Poshshaxonni bergani rost bo'lsin. Tursun ammam ham meni "otam", "otam"lab eslari ketadi. "Otam" desalar birdan katta odamga o'xshab qolaman.

Nonni sutga to'g'ramay, tishlab-tishlab yedim. Sut uyimizda ham bor. Nuqul sutga zog'ora non to'g'rab yeymiz. Zog'ora birpasda bo'kib qoladi.

Poshshaxon oyog'iga yap-yangi brezent etik kiyib, tayyor bo'ldi-da:

– Shunday qilib qayoqqa boramiz? – dedi. Onasidan ham ko'ra Sa'dulla shoshardi, ishqilib, u ko'chaga chiqsa bo'ldi.

– Temirtirnoqqa, – dedim men.

– U nima deganingiz?

– Bo'zsuv bo'yida shunaqa yer bor, xotinlar o'sha yerda chopiq qilib, xato chiqqan joylariga chigit ekishyapti.

– Unda tesha olvolishim kerak ekan-da, yaxshi bola.

– Ha, chigit solishga idish ham oling, – dedim.

U endi ro'molini poshshazodalarga o'xshab peshanasiga tang'ib emas, oldiga chiqarib o'rab oldi. Bildim, yuzini oftobdan pana qilmoqchi. Saodat opam ham ro'molni shunaqa qilib o'rab olsa,

катта хотинларга ўхшаб қолади. Энди у кишини Зеби хола кўриб қолса ҳечам пошшазода демайди. Қишлоқдаги ҳамма хотинларга ўхшади-қолди. Шу пайт ит қаттиқ ҳурди. Кимдир келди, шекилли. Ташқарига чиқдик. Офтоб кўтарилиб, чор-атрофни ўз нурига беллаб чарақларди.

Пошшахон ўғлини мен билан олдинга ўтказиб, ўзи бир нимага алаҳсиб орқада қолди. Мен Саъдуллани эргаштириб қўрадан чиқдим-у, кўрқиб кетдим. Қўра тагида совуққа қотгандек қунишиб бир жулдур кийинган одам турарди. Соч-соқоллари ўсиб, алвастиси чиққан, кўзлари шилпиқ. Саъдулла кўрқиб менга ёпишди. Шу пайт орқамиздан чиқиб келган Пошшахон уни кўриб ўрисчалаб шунақанги бақириб бердики, ҳалиги одам ура қочиб қолди. Пошшахон ўрисчани биледи деб ҳечам ўйламаган эдим. Бунақа жулдурвоқи одамлар қишлоғимизда тез-тез пайдо бўлиб қолар, қоринтўйсинга иш сўрашарди. Шундай қилиб Пошшахон опанинг ўрисчани қойилмақом қилишини билиб олдим.

ХИРМОНТЕПА

Қишлоқдагилар пилла ташвишидан қутулган, “ойпарилар”ни оппоқ келин кўйлақларига ўраб, давлатга топширган, энди буғдой ва ғўза билан олишиб ётардилар. Буғдой бошоқлари хирмонларда тоғ-тоғ уйилган. Бир куни аммам: “Хўп ҳайдайсанми, болам, бир қопми, ярим қопми буғдойлик бўлиб қолардик, хирмонбоши Шерхон ака ваъда қилди”, – деди. “Хўп” дегани тўртта ҳўкизни ёнма-ён қилиб бўйнига бўйинтуруқ солинади. Бўйинтуруқ дегани каттакон тароқни эслатади. Унинг ҳар битта тишига биттадан ҳўкизнинг боши киради. Бўйинтуруқнинг бир учи хирмон ўртасидаги қозикқа айланадиган қилиб боғланади. Шундан кейин жониворлар гўё тўрталови бир бўлиб қозик атрофида айлана бошлайди. Туёқлари тагида буғдой бошоқлари қисир-қисир синиб, дони тўкилаверади. Жониворлар оғзига илинган пояни илиб кавшанади, фақат ҳўкизларни битта одам эшакдами, отдами орқасидан ҳайдаб юриши керак. Шунда ун олтита туёқ ёнига яна тўртта туёқ қўшилиб йигирмата бўлади. Бу иш айна кун қизиган, ҳамма ўзини соя-салқинга урган пайтда бажарилади. Буғдой поялари кечаси нам тортиб қолади-да. Хирмонтепада “хўп” ҳайдайдиган жой иккита, биттасидаги буғдой янчилик бўлинса, ҳўкизлар дарров иккинчисига кўчирилади. Жониворларни дам олдириш йўқ. Энг ёмони – ҳўкизларнинг таппилаши. Таппи дарров чеккага олиб ташланмаса, буғдойга аралашиб кетади. Бу иш ҳам ҳайдовчининг зиммасида. Аммамни тушуниб турибман, уйга бир чакса бўлса

katta xotinlarga o'xshab qoladi. Endi u kishini Zebi xola ko'rib qolsa hecham poshshazoda demaydi. Qishloqdagi hamma xotinlarga o'xshadi-qoldi. Shu payt it qattiq hurdi. Kimdir keldi, shekilli. Tashqariga chiqdik. Oftob ko'tarilib, chor-atrofnı o'z nuriga belab charaqlardi.

Poshshaxon o'g'lini men bilan oldinga o'tkazib, o'zi bir nimaga alahsib orqada qoldi. Men Sa'dullani ergashtirib qo'radan chiqdim-u, qo'rqib ketdim. Qo'ra tagida sovuqqa qotgandek qunishib bir juldur kiyingan odam turardi. Soch-soqollari o'sib, alvastisi chiqqan, ko'zlari shilpiq. Sa'dulla qo'rqib menga yopishdi. Shu payt orqamizdan chiqib kelgan Poshshaxon uni ko'rib o'rischalab shunaqangi baqirib berdiki, haligi odam ura qochib qoldi. Poshshaxon o'rischani biladi deb hecham o'ylamagan edim. Bunaqa juldurvoqi odamlar qishlog'imızda tez-tez paydo bo'lib qolar, qorinto'ysinga ish so'rashardi. Shunday qilib Poshshaxon opaning o'rischani qoyilmaqom qilishini bilib oldim.

XIRMONTEPA

Qishloqdagilar pilla tashvishidan qutulgan, "oyparilar"ni oppoq kelin ko'ylaklariga o'rab, davlatga topshirgan, endi bug'doy va g'oz bilan olishib yotardilar. Bug'doy boshloqlari xirmonlarda tog'-tog' uyilgan. Bir kuni ammam: "Xo'p haydaysanmi, bolam, bir qopmi, yarim qopmi bug'doylik bo'lib qolardik, xirmonboshi Sherxon aka va'da qildi", – dedi. "Xo'p" degani to'rtta ho'kizni yonma-yon qilib bo'yniga bo'yinturuq solinadi. Bo'yinturuq degani kattakon taroqni eslatadi. Uning har bitta tishiga bittadan ho'kizning boshi kiradi. Bo'yinturuqning bir uchi xirmon o'rtasidagi qoziqqa aylanadigan qilib bog'lanadi. Shundan keyin jonivorlar go'yo to'rtalovi bir bo'lib qoziq atrofida aylana boshlaydi. Tuyoqlari tagida bug'doy boshloqlari qisir-qisir sinib, doni to'kilaveradi. Jonivorlar og'ziga ilingan poyani ilib kavshanadi, faqat ho'kizlarni bitta odam eshakdami, otdami orqasidan haydab yurishi kerak. Shunda o'n oltita tuyoq yoniga yana to'rtta tuyoq qo'shilib yigirmata bo'ladi. Bu ish ayni kun qizigan, hamma o'zini soya-salqinga urgan paytda bajariladi. Bug'doy poyalari kechasi nam tortib qoladi-da. Xirmontepada "xo'p" haydaydigan joy ikkita, bittasidagi bug'doy yanchilib bo'linsa, ho'kizlar darrov ikkinchisiga ko'chiriladi. Jonivorlarni dam oldirish yo'q. Eng yomoni – ho'kizlarning tappilashi. Tappi darrov chekkaga olib tashlanmasa, bug'doyga aralashib ketadi. Bu ish ham haydovchining zimmasida. Ammamni tushunib turibman,

ҳам буғдой кирсин деяпти. Бир қоп буғдой бир қоп ун дегани. Биз уни неча кун угра ош қилиб ичамиз.

Бир қараганда бу иш менга қизиқарли туюлди. Тўртта хўкизнинг орқасидан “хўк-хўк”лаб юриш қийин бўптими? Лекин хом ўйлаган эканман. Ишга тушиб, тавбамга таяна бошладим. Биринчи куни бир ерда айланавериб кўзим тиниб, қусиб юрдим. Фақат сув ичдим, томоғимдан овқат ўтмади. Бунинг устига осмондан худди олов пуркалаётгандек бўлади. Тер қуйиб, кўйлагимнинг шўри чиқиб кетди. Кўзим ачишганидан, чирт юмиб, отни бошқаролмай қоламан. От четга чиқиб, хўкизлар тўхтади. Хирмонбоши Шерхон ака бетоқат бўлиб ҳай-ҳайлайди:

– Ухтама, ширағимов, ухтама...

– Ухлаганим йў-ўқ, – деб отни изига қайтараман. Хўкизлар ҳам терлаб, оқ кўпик бўлиб кетган, сандикдай-сандикдай бошларини эгиб, нуқул кавш қайтаради. Шерхон ака хўкизлар оёғи тагига тўхтамай паншахада бошоқ ташлагани ташлаган... У одам бир оёғини урушда қолдириб келган. Тиззасига катта бир тўнкани боғлаб олиб, оқсоқланиб юради. Шунга Шерхон чўлоқ дейишади. Пешанасига танғиб олган дуррачаси аллақачон тусини йўқотган, бет, қўллари офтобда қуйиб, косовга ўхшаб қолган. Аммо ҳаётдан зорланмайди. Қайтага минғирлаб кўшиқ айтади:

Ола товнинг ортинд-а-а-а кўён қошди қиздаров,

Ўл кўёнга жетолмай қорним ашди ал-в-о-о-й...

Мен хўкизлар билан битта жойда айланаверганимдек, Шерхон ака ҳам шу кўшиқ атрофида айланаверади. Ҳар замонда:

– Бўш кем-е, ширағимов, – деб мени қистаб кўяди. Миллати қозоқ. У қозоқ Трамбой отага ўхшамайди. Соқол-мўйловини қириб юради. Мен хўкизларни ёйилмада суғориб келгандан кейин тезда ишга солмайдилар. Ичган суви танасига тарқасин, деб қўйиб беради. Бўлмаса тўрталови бараварига буғдой устига тўхтамай бўшанаверади. Ичган суви танасига ёйилса, тер билан чиқиб кетади, дейди. Бу пайтда фарам соясига ўтиб ўзимиз ҳам дам оламиз. Мен хўкизларни суғориш баҳонасида совқотгунча қайта-қайта чўмилиб олганман. Шунга иссиқ хуш ёқади. Шерхон ака ёғоч оёғини чўзиб, соғ оёғини тагига босиб ўтиради. Фарамни титкилаб, ундан бир тугунни олади. Уни ўртага ёзиб, серпиёз зоғорани ушата бошлайди. Хирмонга олиб чиқадиган арава йўлига илҳақ бўлиб қараб-қараб кўяди. Хотини Бўлиғой опа бригадада ошпаз. Олдин колхозчиларни тўйдириб, кейин бизга ҳам улуш ола келади. Шерхон аканинг ёғоч оёғига қараб Ёдгор акамни эслайман. У киши росмана оёққа ўхшаб кетадиган нарсани сонигача кийиб оларди. Устидан шимининг балоғи тушиб тур-



uyga bir chaksa bo'lsa ham bug'doy kirsin deyapti. Bir qop bug'doy bir qop un degani. Biz uni necha kun ugra osh qilib ichamiz.

Bir qaraganda bu ish menga qiziqarli tuyuldi. To'rtta ho'kizning orqasidan "ho'k-ho'k"lab yurish qiyin bo'ptimi? Lekin xom o'ylagan ekanman. Ishga tushib, tavbamga tayana boshladim. Birinchi kuni bir yerda aylanaverib ko'zim tinib, qusib yurdim. Faqat suv ichdim, tomog'imdan ovqat o'tmadi. Buning ustiga osmondan xuddi olov purkalayotgandek bo'ladi. Ter quyib, ko'ylagimning sho'ri chiqib ketdi. Ko'zim achishganidan, chirt yumib, otni boshqarolmay qolaman. Ot chetga chiqib, ho'kizlar to'xtaydi. Xirmonboshi Sherxon aka betoqat bo'lib hay-haylaydi:

– Uxtama, shirag'imov, uxtama...

– Uxlaganim yo'o'q, – deb otni iziga qaytaraman. Ho'kizlar ham terlab, oq ko'pik bo'lib ketgan, sandiqday-sandiqday boshlarini egib, nuqul kavsh qaytaradi. Sherxon aka ho'kizlar oyog'i tagiga to'xtamay panshaxada boshqoq tashlagani tashlagan... U odam bir oyog'ini urushda qoldirib kelgan. Tizzasiga katta bir to'nkani bog'lab olib, oqsoqlanib yuradi. Shunga Sherxon cho'loq deyishadi. Peshanasiga tang'ib olgan durrachasi allaqachon tusini yo'qotgan, bet, qo'llari oftobda kuyib, kosovga o'xshab qolgan. Ammo hayotdan zorlanmaydi. Qaytaga ming'irlab qo'shiq aytadi:

Ola tovning ortindaaa qo'yon qoshdi qizdarov,

O'l qo'yonga jetolmay qornim ashdi alvooy...

Men ho'kizlar bilan bitta joyda aylanaverganimdek, Sherxon aka ham shu qo'shiq atrofida aylanaveradi. Har zamonda:

– Bo'sh kem-e, shirag'imov, – deb meni qistab qo'yadi. Millati qozoq. U qozoq Tramboy otaga o'xshamaydi. Soqol-mo'ylovini qirib yuradi. Men ho'kizlarni yoyilmada sug'orib kelgandan keyin tezda ishga solmaydilar. Ichgan suvi tanasiga tarqasin, deb qo'yib beradi. Bo'lmasa to'rtalovi baravariga bug'doy ustiga to'xtamay bo'shanaveradi. Ichgan suvi tanasiga yoyilsa, ter bilan chiqib ketadi, deydi. Bu paytda g'aram soyasiga o'tib o'zimiz ham dam olamiz. Men ho'kizlarni sug'orish bahonasida sovqotguncha qayta-qayta cho'milib olganman. Shunga issiq xush yoqadi. Sherxon aka yog'och oyog'ini cho'zib, sog' oyog'ini tagiga bosib o'tiradi. G'aramni titkilab, undan bir tugunni oladi. Uni o'rtaga yozib, serpiyoz zog'orani ushata boshlaydi. Xirmonga olib chiqadigan arava yo'lga ilhaq bo'lib qarab-qarab qo'yadi. Xotini Bo'lig'oy opa brigadada oshpaz. Oldin kolxozchilarni to'ydirib, keyin bizga ham ulush ola keladi. Sherxon akaning yog'och oyog'iga qarab Yodgor akamni eslayman. U kishi rosmana oyoqqa

са, ёғочлиги билинмай кетарди. Юргандагина фикрлаган овоз чиқариб, чўлоқлигини сездириб қўярди. У кишининг ҳам нимагадир ўнг оёғи йўқ эди. Бир куни мана шундай нафас ростлаб ўтирганимизда Шерхон ака ёғоч оёғига шап-шап уриб:

– Эков аяқда Германгача бариб, ў жерден бир аяқ бўлиб қайтдим, ширағим, – деди армон билан.

– Бу қандай бўлди, Шерхон ака?

– Эй, палакат, милага жўлиқдим, сў... – деб сонини эзиб-эзиб қўйди.

Шерхон ака мени аяб, ҳар доим юмшоқ гапирди. Битта менгами десам, ҳаммага шунақа экан. Ҳар куни тайёр буғдойни олиб кетгани келган аравакаш билан: “Кўрсетген Қудайимга шўкир”, – деб қучоқ очиб кўришади. Аравакаш буни хушламаётганини сезиб тураман. Урушдан ўлмаб келганининг шукронасига кўринган ҳар бир одам билан шундай деб кўришади. Аравакашнинг ёнида тумтайиб битта тўппончали аскар ўтиради. У биров билан на сўрашади, на гаплашади. Ўшанга ҳам Шерхон ака икки букилиб “тўрем-тўрем”лаб салом беради. У кўнгил учун шунчаки бош кимиралиб ҳам қўймайди. Ўшшайиб ўтираверади.

– Э, сатқайи тўрам кетсин, тўрем-тўрем, деб жа тўрига чиқарвордингиз-ку буни, – деб аравакаш тўнғиллайди. Шерхон аканинг бу тумтайган аскарга ҳадеб елпатак бўлавериши менга ҳам ёқмайди.

Шерхон ака ҳўкизларнинг чанқаганини сўлаги қуриб қолганидан билади. Бўйинтуруқни қозикдан чиқаради. Аммо ҳўкизларни бир-биридан ажратмайди. Ажратса, уларни қайта бўйинтуруққа солиш ит азоби. Шундай бўлса ҳам жониворлар қозикдан бўшаши биланоқ жон битиб, қўшоёқлаб ёйилма томон чопа кетади. Мен ҳам бетоқат бўлиб отимнинг бошини бўш қўяман. Ниҳоят, ёйилма... Бу ер бола-бақралар билан бозор бўлиб ётади. Мен уларнинг овозини эшитсам ҳам ўзларини кўрмайман. Хаёлим тўлқин уриб оқаётган сувда бўлади. Ариқ чеккасидаги ям-яшил ўт-ўланларни ҳар сафар янгидан кўргандек бўламан. Жазирамада тер қуйиб, ачишган кўзларим катта-катта очилиб кетади. Димоғимга ёқимли ялпиз ҳидлари урилади... Ҳўкизу оту – ҳаммамиз ўзимизни сувга урамиз. Ҳўкизлар кўзлари ола-кула бўлиб сув симиради. Бола-бақралар олдинига тўрт томонга бақадек сакраб қочишади, кейинига ҳўкизларга миниб олишади. От устидаёқ ечиниб, сувга калла ташлайман. Аъзои баданимдан иссиқ кўтарилиб, сув вижирлаб кетади. Бир нафасда баданимдаги ачишиқ, қичишиқлардан асар ҳам қолмайди. Барини сув оқизиб кетади. Ҳўкизлар қорни дўмбира

o'xshab ketadigan narsani sonigacha kiyib olardi. Ustidan shimining balog'i tushib tursa, yog'ochligi bilinmay ketardi. Yurgandagina g'ijirlagan ovoz chiqarib, cho'loqligini sezdirib qo'yardi. U kishining ham nimagadir o'ng oyog'i yo'q edi. Bir kuni mana shunday nafas rostlab o'tirganimizda Sherxon aka yog'och oyog'iga shap-shap urib:

– Ekov ayaqda Germangacha barib, o' jerden bir ayaq bo'lib qaytdim, shirag'im, – dedi armon bilan.

– Bu qanday bo'ldi, Sherxon aka?

– Ey, palakat, minaga jo'liqdim, so'... – deb sonini ezib-ezib qo'ydi.

Sherxon aka meni ayab, har doim yumshoq gapiradi. Bitta mengami desam, hammaga shunaqa ekan. Har kuni tayyor bug'doyni olib ketgani kelgan aravakash bilan: "Ko'rsetgen Qudayimga sho'kir", – deb quchoq ochib ko'rishadi. Aravakash buni xushlamayotganini sezib turaman. Urushdan o'lmay kelganining shukronasiga ko'ringan har bir odam bilan shunday deb ko'rishadi. Aravakashning yonida tumtayib bitta to'pponchali askar o'tiradi. U birov bilan na so'rashadi, na gaplashadi. O'shanga ham Sherxon aka ikki bukilib "to'rem-to'rem"lab salom beradi. U ko'ngil uchun shunchaki bosh qimirlatib ham qo'ymaydi. O'shshayib o'tiraveradi.

– E, satqayi to'ram ketsin, to'rem-to'rem, deb ja to'riga chiqarvordingiz-ku buni, – deb aravakash to'ng'illaydi. Sherxon akaning bu tumtaygan askarga hadeb yelpatak bo'laverishi menga ham yoqmaydi.

Sherxon aka ho'kizlarning chanqaganini so'lagi qurib qolganidan biladi. Bo'yinturuqni qoziqdan chiqaradi. Ammo ho'kizlarni bir-biridan ajratmaydi. Ajratsa, ularni qayta bo'yinturuqqa solish it azobi. Shunday bo'lsa ham jonivorlar qoziqdan bo'shashi bilanoq jon bitib, qo'shoyoqlab yoyilma tomon chopa ketadi. Men ham betoqat bo'lib otimning boshini bo'sh qo'yaman. Nihoyat, yoyilma... Bu yer bola-baqralar bilan bozor bo'lib yotadi. Men ularning ovozini eshitsam ham o'zlarini ko'rmayman. Xayolim to'lqin urib oqayotgan suvda bo'ladi. Ariq chekkasidagi yam-yashil o't-o'lanlarni har safar yangidan ko'rgandek bo'laman. Jaziramada ter quyib, achishgan ko'zlarim katta-katta ochilib ketadi. Dimog'imga yoqimli yalpiz hidlari uriladi... Ho'kiz-u ot-u – hammamiz o'zimizni suvga uramiz. Ho'kizlar ko'zlari ola-kula bo'lib suv simiradi. Bola-baqralar oldiniga to'rt tomonga baqadek sakrab qochishadi, keyiniga ho'kizlarga minib olishadi. Ot ustidayoq yechinib, suvga kalla tashlayman. A'zoyi badanimdan issiq ko'tarilib, suv vijirlab ketadi. Bir nafasda badanimdagi achishiq, qichishiqlardan asar ham qolmaydi. Barini suv oqizib ketadi. Ho'kizlar qorni do'mbira

бўлиб, тўхтаб-тўхтаб сув ичади. Ювош тортиб, сувга ботган думларини базўр силкиб, ариқ бўйидаги кўк ўтга ёпишади. Устидаги болаларга парво ҳам қилишмайди. Кўк ўтга тўйиб олишсин деб бирпас кўйиб бераман. Энди болалар ҳўкизлардан зеркиб, отимни чўмилтириш билан овора бўлишади. Жонивор қорнигача сувга ботиб, кўзларини юмиб, қимир этмай туради. Қани энди бу роҳатнинг охири бўлмаса...

– Ширағимов, ҳо-о-ов шира-а-ақ...

Болаларнинг бақирӣқ-чақирӣғини Шерхон аканинг ҳайқирӣғи босиб кетади.

– Кетяпман, ҳоз-и-и-ир...

Шерхон ака овозимни эшитадими-йўқми, билмайман.

От жониворни етаклаб, ҳўкизларни олдимга солмоқчи бўламан. Қани энди уларни эплаб бўлса, улар тўртта, мен биттаман. Яна тўрталовига битта қамчи. Биттаси юрса, учтаси тихирлик қилади. Ҳар куни аҳвол шу. Худди ҳўкизларнимас, ерни савалагандек бўламан. Қамчи излари баданларида бўртиб-бўртиб чиқади. Болалар менга атайлаб ёрдамлашай демайди. Отни чўмилтиришдек эрмакдан ажраб қолиш уларга ёқмайди. Охири қамчи дастаси билан ҳўкизларнинг шохига аямай ура бошлайман. Бунини Шерхон ака ўргатган. “Ўкизне жани мўғзиде бўледи, ширағим, кушинг жетмесе мўғзига ур, туяғигече зириллаб кете”. Ростдан ҳам қамчига парво қилмаган жониворлар бошини олиб қочиб, ноилож келган йўлига равона бўлади. Шерхон аканинг бетоқат ҳайқирӣғи қизиб ётган ҳавода яна занг чалгандек бўлади. Бу сафар жаҳли чиққанини овозидан биламан. Ҳа, у кишининг жаҳлиям чиқиб туради. Бўйнида урушдан эсдалик бўлиб темир парчаси қолиб кетган. Жаҳли чиққанда ўша жой бўртиб, қизариб кетади. Бошқа пайтда кўм-кўк баргдек ёпишиб туради. Шерхон аканинг нимага бетоқат бўлаётганини биламан. Хирмон ҳали чала ётибди. Уни тугатиб, тезроқ кейингисига ўтишим керак. Уни янчунимча Шерхон ака буғдойни шопириб, сомондан ажратиб, қоплашга тайёрлаб кўяди. Шамол юрадиган вақт ҳам бўлиб қолди. Офтоб пешиндан оғанда қибла тарафдан ҳар куни бир вақтда шамол эсади. Мен от устида туриб шамол йўлига қарайвераман. Бўзсув бўйларидаги кўрпадек ёйилиб ўтган қамишзорлар чайқалиб, далалар четидаги баҳайбат ёнғоқ ва жийда дарахтларининг шохлари силкиниб кетади. Кўчалардан чанг кўтарилади.

– Шерхон ака, шамол келяпти, – деб шу заҳоти у кишини хабардор қиламан. Шерхон ака шамол йўлига ёнбош туриб, ёғоч курагини кўлга олади. Олдинига шамол ўзи билан иссиқ, кўлансахидларни олиб келади. Биламан, бу Бўзсув бўйларидаги

bo'lib, to'xtab-to'xtab suv ichadi. Yuvosh tortib, suvga botgan dumlarini bazo'r silkib, ariq bo'yidagi ko'k o'tga yopishadi. Ustidagi bolalarga parvo ham qilishmaydi. Ko'k o'tga to'yib olishsin deb birpas qo'yib beraman. Endi bolalar ho'kizlardan zerikib, otimni cho'miltirish bilan ovora bo'lishadi. Jonivor qornigacha suvga botib, ko'zlarini yumib, qimir etmay turadi. Qani endi bu rohatning oxiri bo'lmasa...

– Shirag'imov, ho-o-ov shira-a-aq...

Bolalarning baqiriq-chaqirig'ini Sherxon akaning hayqirig'i bosib ketadi.

– Ketyapman, hoziir...

Sherxon aka ovozimni eshitadimi-yo'qmi, bilmayman.

Ot jonivorni yetaklab, ho'kizlarni oldimga solmoqchi bo'laman. Qani endi ularni eplab bo'lsa, ular to'rtta, men bittaman. Yana to'rtaloviga bitta qamchi. Bittasi yursa, uchtasi tixirlik qiladi. Har kuni ahvol shu. Xuddi ho'kizlarnimas, yerni savalagandek bo'laman. Qamchi izlari badanlarida bo'rtib-bo'rtib chiqadi. Bolalar menga ataylab yordamlashay demaydi. Otni cho'miltirishdek ermakdan ajrab qolish ularga yoqmaydi. Oxiri qamchi dastasi bilan ho'kizlarning shoxiga ayamay ura boshlayman. Buni Sherxon aka o'rgatgan. "O'kizne jani mo'gzide bo'ledi, shirag'im, kushing jetmese mo'giziga ur, tuyag'igeche zirillab kete". Rostdan ham qamchiga parvo qilmagan jonivorlar boshini olib qochib, noiloj kelgan yo'lga ravona bo'ladi. Sherxon akaning betoqat hayqirig'i qizib yotgan havoda yana zang chalgandek bo'ladi. Bu safar jahli chiqqanini ovozidan bilaman. Ha, u kishining jahliyam chiqib turadi. Bo'ynida urushdan esdalik bo'lib temir parchasi qolib ketgan. Jahli chiqqanda o'sha joy bo'rtib, qizarib ketadi. Boshqa paytda ko'm-ko'k bargdek yopishib turadi. Sherxon akaning nimaga betoqat bo'layotganini bilaman. Xirmon hali chala yotibdi. Uni tugatib, tezroq keyingisiga o'tishim kerak. Uni yanchgunimcha Sherxon aka bug'doyni shopirib, somondan ajratib, qoplashga tayyorlab qo'yadi. Shamol yuradigan vaqt ham bo'lib qoldi. Oftob peshindan og'anda qibla tarafdin har kuni bir vaqtda shamol esadi. Men ot ustida turib shamol yo'lga qarayveraman. Bo'zsuv bo'ylaridagi ko'rpadek yoyilib o'tgan qamishzorlar chayqalib, dalalar chetidagi bahaybat yong'oq va jiyda daraxtlarining shoxlari silkinib ketadi. Ko'chalardan chang ko'tariladi.

– Sherxon aka, shamol kelyapti, – deb shu zahoti u kishini xabardor qilaman. Sherxon aka shamol yo'lga yonbosh turib, yog'och kuragini qo'lga oladi. Oldiniga shamol o'zi bilan issiq, qo'lansa hidlarni olib keladi. Bilaman, bu Bo'zsuv bo'ylaridagi sho'ri chiqib yotgan

шўри чиқиб ётган ботқоқларнинг, юзини моғор босган шоли-пояларнинг бадбўйлиги. Сал ўтмай ҳаво шунақанги роҳатихон бўладики, беихтиёр мен ҳам кўшиқ бошлаб юбораман: “Ола товнинг ортин-да-а-а...” От жониворнинг тердан ёпишиб қолган ёллари майсадек ҳилпирай бошлайди. Бошини баланд кўтариб, айғирдек (у бичилган) қадам ташлаб қолади. Шамол яйловларда ўтлаб юрган бияларнинг ҳидини олиб келса керак-да. Шамолдан буғдой ғарамлари қимирлаб кетади. Хирмон атрофидаги чанглари яланиб, ҳавога учади. Шерхон ака кучга кириб, буғдой шопириб тўхтамайди. Сомонлар чирпирак бўлиб бир томонга, буғдой эса иккинчи томонга уйила бошлайди. Хўкизларнинг ҳам қадами тезлашиб кетади. Бирданига иш ўз-ўзидан юришади... Гуё эртадан бери кўзга кўринмас бир куч ҳамма ёқни занжирлаб турган-у, шамол келиши билан кўйиб юборгандек.

Кечга томон офтоб тандир оғзидек ланғиллаб Бўзсув этакларига тушиб боради. Унинг нурлари сув юзини тилладек ялтирата бошлаганда хирмонда автокачка пайдо бўлади. Унда аравакаш ва ўша тумтайган тўппончали аскар ўтиради. Аравакаш ҳорма, бор бўл қилиб шошиб пастга сакраб тушади. Шерхон ака у билан одатдаги сўзларини айтиб кучоқ очиб кўришади. Аскарни ҳам “тўрам”лаб чин дилдан ҳурматини жойига қўяди. Мен аскарнинг кийимига эътибор қиламан: бошида беш юлдузли малларанг латта шапка, кўйлагини галифе шимининг устидан тушириб, белига беш юлдузли, тўқали камар таққан. Шунақа камари бўлишини қишлоқдаги ҳамма болалар орзу қилади.

Шерхон ака билан аравакаш эски пақирда буғдойни ўлчаб-ўлчаб тез-тез қоплашади. Аммо қопларни аравага ортиш машаққат. Шерхон аканинг ёғоч оёғи ҳадеганда майишиб, панд бераверади. Жони оғриси керак, юк ортилгунча терлаб-пишади. Мен ҳам қараб турмайман: қопни тагидан кўтаришиб юбораман. Аммо анави аскар ўриндиққа ёпишиб қолгандек қимирлаб ҳам кўймайди.

– Шерхон ака, “тўрам”ингизнинг ўтиришини қаранг, инқ қилиб кўйган болага ўхшайди, – деб Шерхон аканинг ғашига тегади аравакаш. – Менга қолса бунақаларни бир чеккага олиб чиқиб, пешанасидан отардим. Сизни ким айтади фронтаник деб, туш бу ёққа демайсизми?

Шерхон ака эшитиб, эшитмаганга олади. Ниҳоят, арава жойидан кўзғалади. Шерхон ака аравакашга қўл силтайди-ю, аскарга қараб яна “тўрем”лаб икки букилиб қўяди. Шундан кейин хирмонда милтиқли аскар пайдо бўлади. У ҳам биров билан гаплашмайди. Кечаси билан хирмонни кўриқлаб чиқади. Шерхон

botqoqlarning, yuzini mog'or bosgan sholipoyalarning badbo'yligi. Sal o'tmay havo shunaqangi rohatijon bo'ladiki, beixtiyor men ham qo'shiq boshlab yuboraman: "Ola tovning ortindaaa..." Ot jonivorning terdan yopishib qolgan yollari maysadek hilpiray boshlaydi. Boshini baland ko'tarib, ayg'irdek (u bichilgan) qadam tashlab qoladi. Shamol yaylovlarda o'tlab yurgan biyalarning hidini olib kelsa kerak-da. Shamoldan bug'doy g'aramlari qimirlab ketadi. Xirmon atrofidagi changlar yalanib, havoga uchadi. Sherxon aka kuchga kirib, bug'doy shopirib to'xtamaydi. Somonlar chirpirak bo'lib bir tomonga, bug'doy esa ikkinchi tomonga uyila boshlaydi. Ho'kizlarning ham qadami tezlashib ketadi. Birdaniga ish o'z-o'zidan yurishadi... Go'yo ertadan beri ko'zga ko'rinmas bir kuch hamma yoqni zanjirlab turgan-u, shamol kelishi bilan qo'yib yuborgandek.

Kechga tomon oftob tandir og'zidek lang'illab Bo'zsuv etaklariga tushib boradi. Uning nurlari suv yuzini tilladek yaltirata boshlaganda xirmonda avtokachka paydo bo'ladi. Unda aravakash va o'sha tumtaygan to'pponchali askar o'tiradi. Aravakash horma, bor bo'l qilib shoshib pastga sakrab tushadi. Sherxon aka u bilan odatdagi so'zlarini aytib quchoq ochib ko'rishadi. Askarni ham "to'ram"lab chin dildan hurmatini joyiga qo'yadi. Men askarning kiyimiga e'tibor qilaman: boshida besh yulduzli mallarang latta shapka, ko'ylagini galife shimining ustidan tushirib, beliga besh yulduzli, to'qali kamar taqqan. Shunaqa kamari bo'lishini qishloqdagi hamma bolalar orzu qiladi.

Sherxon aka bilan aravakash eski paqirda bug'doyni o'lchab-o'lchab tez-tez qoplashadi. Ammo qoplarni aravaga ortish mashaqqat. Sherxon akaning yog'och oyog'i hadeganda mayishib, pand beraveradi. Joni og'risa kerak, yuk ortilguncha terlab-pishadi. Men ham qarab turmayman: qopni tagidan ko'tarishib yuboraman. Ammo anavi askar o'rindiqa yopishib qolgandek qimirlab ham qo'ymaydi.

– Sherxon aka, "to'ram"ingizning o'tirishini qarang, inq qilib qo'ygan bolaga o'xshaydi, – deb Sherxon akaning g'ashiga tegadi aravakash. – Menga qolsa bunaqalarni bir chekkaga olib chiqib, peshanasidan otardim. Sizni kim aytadi frontavik deb, tush bu yoqqa demaysizmi?

Sherxon aka eshitib, eshitmaganga oladi. Nihoyat, arava joyidan qo'zg'aladi. Sherxon aka aravakashga qo'l siltaydi-yu, askarga qarab yana "to'rem"lab ikki bukilib qo'yadi. Shundan keyin xirmonda miltiqli askar paydo bo'ladi. U ham birov bilan gaplashmaydi. Kechasi bilan xirmonni qo'riqlab chiqadi. Sherxon aka xirmonni unga topshirar ekan,

ака хирмонни унга топширар экан, ҳар галгидек чўнтаklarини ағдариб, қоқиб кўрсатади. Аммамнинг айтишича, ўша аскар буғдойи йиғиб олинган тепаларда машоқ қилиб юрганларни кўриб, устидан ошириб ўқ отганмиш. План тўлмагунча кимнинг уйидан битта бошоқ чиқса, ўша отиларкан. Шунга эҳтиёт бўл, болам, уст-бошинга бошоқ-машоқ илашиб келиб қолмасин-а, балога қолиб юрмайлик тагин, деб тайинлайди аммам.

Автокачка бир кунлик меҳнатимизни ортиб жўнагач, иш тугайди. Кун бўйи жазиллатган офтоб тафти энди қишлоқ устида кўринади. Осмон юзи ўчиб бораётган катта ўчоққа ўхшайди. Астасекин кул босиб, охири ўчади. Салқин шабада юриб, искабтопарлар тўзғийди. Кун бўйи мудраб ётган баҳайбат тепалар уйғонади. Ертўлаларда фонуслар милтирайди, ўчоқлардан учкунлар учади. Ҳавода пиёздоғ ҳидлари анқийди, воҳ... Мен кечга довр дам бермай ишлатган жониворларни Каримбой чолга қолдириб, тез кунларда бир қопми, ярим қопми буғдойлик бўлишни ўйлаб, уйга қайтаман...

Уйда ҳам буғдой ҳақида гап бўлади. Жиянларим кўчада бироррта боланинг кўлида оби нон кўриб қолган бўлса, уйга келиб фингший бошлайди. Зоғора нон кўнгилларига теккан. Шунда аммам:

– Шошилманглар, яқинда акаларинг бир қоп, – деб оғизни тўлдириб гапирадилар, – буғдойни тегирмонга олиб бориб, ун қилиб келади-а? – деб менга қарайди аммам. Мен ишонч билан “ҳа” деб бош қимирлатаман. – Худо хоҳласа олдидан бир тандир нон ёпиб бераман, кулчалари билан. Муздек сувга ботириб, маза қилиб тўйиб-тўйиб еб оласизлар...

– Мен ширин чойга ботириб ейман, – деб хархаша қилади Йўлдош жияним...

Орага Саодат опам кўшилади. Улар буғдой дарагини эшитгандан бери сузма йиғяптилар. Буғдойни ўғирда туйиб, гўжа қилмоқчилар. Уни бир-икки тўйиб-тўйиб ичиб олсак, ёз бўйи офтоб урмас экан...

МАРДИКОР

Турсунбой ака билан муносабатимиз ҳали ҳам ўша-ўша. Аммо катта чопиқдан олдин жўхорисига битта сув берди-ю, қорайтириб, яшнатиб олди. Аммамга айтсам:

– Ўла қолсин, колхозга селитра кептида, ўшандан ўғирлаб солган-да, – дедилар.

har galgidek cho'ntaklarini ag'darib, qoqib ko'rsatadi. Ammamning aytishicha, o'sha askar bug'doyi yig'ib olingan tepalarda mashoq qilib yurganlarni ko'rib, ustidan oshirib o'q otganmish. Plan to'lmaguncha kimning uyidan bitta boshoq chiqsa, o'sha otilarkan. Shunga ehtiyot bo'l, bolam, ust-boshingga boshoq-mashoq ilashib kelib qolmasin-a, baloga qolib yurmaylik tag'in, deb tayinlaydi ammam.

Avtokachka bir kunlik mehnatimizni ortib jo'nagach, ish tugaydi. Kun bo'yi jazillatgan oftob tafti endi qishloq ustida ko'rinadi. Osmon yuzi o'chib borayotgan katta o'choqqa o'xshaydi. Asta-sekin kul bosib, oxiri o'chadi. Salqin shabada yurib, iskabtoparlar to'zg'iydi. Kun bo'yi mudrab yotgan bahaybat tepalar uyg'onadi. Yerto'lalarda fonuslar miltiraydi, o'choqlardan uchqunlar uchadi. Havoda piyozdog' hidlari anqiydi, voh... Men kechga dovur dam bermay ishlatgan jonivorlarni Karimboy cholga qoldirib, tez kunlarda bir qopmi, yarim qopmi bug'doylik bo'lishni o'ylab, uyga qaytaman...

Uyda ham bug'doy haqida gap bo'ladi. Jiyanlarim ko'chada birorta bolaning qo'lida obi non ko'rib qolgan bo'lsa, uyga kelib g'ingshiy boshlaydi. Zog'ora non ko'ngillariga tekkan. Shunda ammam:

– Shoshilmanglar, yaqinda akalaring bir qop, – deb og'izni to'ldirib gapiradilar, – bug'doyni tegirmonga olib borib, un qilib keladi-a? – deb menga qaraydi ammam. Men ishonch bilan "ha" deb bosh qimirlataman. – Xudo xohlasa oldidan bir tandir non yopib beraman, kulchalari bilan. Muzdek suvga botirib, maza qilib to'yib-to'yib yeb olasizlar...

– Men shirin choyga botirib yeyman, – deb xarxasha qiladi Yo'ldosh jiyanim...

Oraga Saodat opam qo'shiladi. Ular bug'doy daragini eshitgandan beri suzma yig'yaptilar. Bug'doyni o'g'irda tuyib, go'ja qilmoqchilar. Uni bir-ikki to'yib-to'yib ichib olsak, yoz bo'yi oftob urmas ekan...

MARDIKOR

Tursunboy aka bilan munosabatimiz hali ham o'sha-o'sha. Ammo katta chopiqdan oldin jo'xorisiga bitta suv berdi-yu, qoraytirib, yashnatib oldi. Ammamga aytсам:

– O'la qolsin, kolxozga selitra keptida, o'shandan o'g'irlab solgan-da, – dedilar.

– Бизам соламизми, амма?

– Селитра бизга йўл бўлсин, болам, ана, сигирнинг гўнги тепанинг тагида уйилиб ётибди, ўшани сол. Ота-бувамиз даврида селитра деганлари бўлмаган, шунда ҳам ботмон-ботмон ҳосил олишган.

– Турсунбой ака сигирнинг гўнгида курт бўлади деганди.

– Жўхорининг илдизини емайди, ловияникини еганича ер, қолганиям бизга етади, болам.

Катта чопиққа аммам айтгандек қоринтўйсинга мардикор ёлладик. У уйимизда ётиб, икки кун ишлади. Аммам мўл-кўл қилиб қатиқлаб жўхори гўжа қилиб бердилар. Мардикор худди Турсунбой аканикига ўхшатиб экинларимизни чиройли қилиб чопиқ қилиб берди. Аммам:

– Ма, манови бир сўмни ол-да, мардикорга бер, бечора қуруқдан-қуруқ кетмасин, – деди.

– Вой, амма, бу уч сўм-ку, – дедим. У киши бир сўмлик билан уч сўмликни бир-биридан ажрата олмас эди. Ҳамёнларидан ўзим битта бир сўмликни олдим-да, мардикорнинг олдига чопдим. Мардикор бўлса пулни олмай, мен билан бошлашиб уйга келди.

– Пулингизни олмайман, опай, бир эмас, бешта етимингиз бор экан, бунинг устига яхши боқдингиз. Колхозчилар бир маҳал гўжага кун бўйи ишлайди, мен бўлсам уч маҳаллаб гўжа ичдим, тузингизга рози бўлинг...

– Э, етимларимни бешта деманг, биттаси колхозга чиқиб кетган. Ҳали унга гадавой беришади. Менам сизга гадавой бердим-да, олаверинг дуо қилиб. (Годовой – йиллик дегани бўлиб, колхозчиларга йилда бир марта иш ҳақи бериларди).

– Мен шу ёшга кириб, шунча гадавой олдим деган колхозчини эшитмадим. Ўша берган бир коса овқатиниям қарз қилиб бўйнига ёзиб қўяди. Эсиз одамлар, умрининг ўтгани, кийимини йиртгани қолади. Ана шунақа, опа, бўпти, яхши қолинг, мен борай, – деб мардикор пулни олмай кета бошлади. Тепадан кўриб турдим, у кўчага чиқиб, ўнг тарафга бурилди. Бу кўча кўрғонларни айланиб ўтиб Зангиота тарафга олиб боради.

Аммам ҳайрон бўлиб менга қаради-да:

– Болам, – деди шошиб, – бу мардикоринг мардикорга ўхшамайди, ҳойнаҳой иши юришмайроқ қолган бир бечора олим одам бўлса керак. Тавба, ҳукуматдан кўрқмаганини-чи, тили ботир-а... Ҳай, менга қара, ҳа, бўл, – аммам бирдан шошиб қолди, – анови шинелни ол-да, орқасидан югур. Бунинг оларкансиз, бизда уни киядиган одам йўқан, де...

Мардикор кечаси кўрпа ўрнида шинелни устига ёпиниб ёт-

– Bizam solamizmi, amma?

– Selitra bizga yo'l bo'lsin, bolam, ana, sigirning go'ngi tepaning tagida uyilib yotibdi, o'shani sol. Ota-buvamiz davrida selitra deganlari bo'lmagan, shunda ham botmon-botmon hosil olishgan.

– Tursunboy aka sigirning go'ngida qurt bo'ladi degandi.

– Jo'xorining ildizini yemaydi, loviyanikini yeganicha yer, qolganiyam bizga yetadi, bolam.

Katta chopiqqa ammam aytgandek qorinto'ysinga mardikor yolladik. U uyimizda yotib, ikki kun ishladi. Ammam mo'l-ko'l qilib qatiglab jo'xori go'ja qilib berdilar. Mardikor xuddi Tursunboy akanikiga o'xshatib ekinlarimizni chiroyli qilib chopiq qilib berdi. Ammam:

– Ma, manovi bir so'mni ol-da, mardikorga ber, bechora quruqdan quruq ketmasin, – dedi.

– Voy, amma, bu uch so'm-ku, – dedim. U kishi bir so'mlik bilan uch so'mlikni bir-biridan ajrata olmas edi. Hamyonlaridan o'zim bitta bir so'mlikni oldim-da, mardikorning oldiga chopdim. Mardikor bo'lsa pulni olmay, men bilan boshlashib uyga keldi.

– Pulingizni olmayman, opay, bir emas, beshta yetimingiz bor ekan, buning ustiga yaxshi boqdingiz. Kolxozchilar bir mahal go'jaga kun bo'yi ishlaydi, men bo'lsam uch mahallab go'ja ichdim, tuzingizga rozi bo'ling...

– E, yetimlarimni beshta demang, bittasi kolxozga chiqib ketgan. Hali unga gadavoy berishadi. Menam sizga gadavoy berdim-da, olavering duo qilib. (Godovoy – yillik degani bo'lib, kolxozchilarga yilda bir marta ish haqi berilardi).

– Men shu yoshga kirib, shuncha gadavoy oldim degan kolxozchini eshitmadim. O'sha bergan bir kosa ovqatiniyam qarz qilib bo'yniga yozib qo'yadi. Esiz odamlar, umrining o'tgani, kiyimini yirtgani qoladi. Ana shunaqa, opa, bo'пти, yaxshi qoling, men boray, – deb mardikor pulni olmay keta boshladi. Tepadan ko'rib turdim, u ko'chaga chiqib, o'ng tarafga burildi. Bu ko'cha qo'rg'onlarni aylanib o'tib Zangiota tarafga olib boradi.

Ammam hayron bo'lib menga qaradi-da:

– Bolam, – dedi shoshib, – bu mardikorning mardikorga o'xshamaydi, hoynahoy ishi yurishmayroq qolgan bir bechora olim odam bo'lsa kerak. Tavba, hukumatdan qo'rqmaganini-chi, tili botir-a... Hay, menga qara, ha, bo'l, – ammam birdan shoshib qoldi, – anovi shinelni ol-da, orqasidan yugur. Buni olarkansiz, bizda uni kiyadigan odam yo'g'akan, de...

Mardikor kechasi ko'rpa o'rnida shinelni ustiga yopinib yotgan

ган эди. Уни олдим-у, чопа кетдим. У шинелни кўриб кескин бош чайқади.

– Амманг ғалати хотин экан-ку?

– Аммамни сиз билмайсиз, – дедим унга.

– Бу шинел жуда қиммат туради-ку, жиян, сотсаларинг бир кунларингга ярайди-ку?

– Бу ўлган поччамники, аммам сотмайдилар, сиз ола қолинг, – деб ялингандек бўлдим. Олмаса аммамининг ичи оғриб қолишини билдим. Аммам бировнинг ҳақи ўзларига ўтиб қолишидан кўрқадилар. Қайтага кўшниллар бирон нарса сўраб чиқишса (улар кўпинча гугурт, туз сўраб чиқишарди), ўзимизга қолмасаям “манг” деб бериб юбораверарди. “Барака топ, Турсунхон, сен бошқачасан-да”, – деб хурсанд бўлади кўшниллар. Шунинг учун қандай бўлмасин шинелни мардикорга бериб, аммамни хотиржам қилишни ўйлардим.

Мардикор шинелни олди-да, елкасига ташлаб йўлига кетди. Мен кўлимни қайтармаганига орқасидан “раҳмат” деб қолдим.

ВОШИЙ

Аммам ишга бормайдиган кун ҳаммамиз учун байрам бўлади. Мен сигир соғишдан, кечки овқатга уннашдан кутуламан. Аммам балнисадан кўпинча тариқнинг ёрмасини олиб келади. Бир қайнасаёқ пишиб чиқади. Уни сўкоши деймиз. Бугун ҳам сўкоши қилиб кўйибдилар, яхши кўриб ичиб олдим. Аммам овқатланиб бўлгунча лампа чироқни ёқиб кўяди. Ўшанда ҳам пилигини баланд кўтармайди. Жиянларим тақир шолча устида мен билан ўйнамоқчи бўлади. Аммам тезгина жой солиб беради-да, чироқни ўчириб, ухланглар, дейди. Ўзи Саодат опам билан қоронғида гангур-гунгур гаплашиб ўтиришади. Мени дарров уйқу босади. Жиянларимнинг тегажоқлик қилишларига ҳам парво қилмай кўяман. Аммо Саодат опамнинг:

– Вой опа, Пошшахон бор-ку, ўша воший экан, воший, – деб ваҳима қилиши уйқумни ўчириб юборди. Пошшахонни Темиртирноққа олиб бориб кўйгандан бери кўрмаган эдим. Кўргим келар, лекин бунинг иложи йўқ эди. Кечга довур ишдан бўшамасдим.

– Нима дединг? – қайта сўради аммам.

– Воший, воший... – деди Саодат опам яна ваҳима билан.

– Ҳаҳ, тилинг ўлсин қарға чўқимай, – деди аммам, – ваҳший демайсанми, қиз ўлмагур, хўп, нима иш қилди у воший?

– Ўғилой опа бор-ку, ҳалиги, сизнинг ўртоғингизмас...

edi. Uni oldim-u, chopa ketdim. U shinelni ko'rib keskin bosh chayqadi.

– Ammang g'alati xotin ekan-ku?

– Ammamni siz bilmaysiz, – dedim unga.

– Bu shinel juda qimmat turadi-ku, jiyan, sotsalaring bir kunlaringga yaraydi-ku?

– Bu o'lgan pochchamniki, ammam sotmaydilar, siz ola qoling, – deb yalingandek bo'ldim. Olmasa ammamning ichi og'rib qolishini bildim. Ammam birovning haqi o'zlariga o'tib qolishidan qo'rqadilar. Qaytaga qo'shnilar biron narsa so'rab chiqishsa (ular ko'pincha gugurt, tuz so'rab chiqishardi), o'zimizga qolmasayam “mang” deb berib yuboraverardi. “Baraka top, Tursunxon, sen boshqachasan-da”, – deb xursand bo'ladi qo'shnilar. Shuning uchun qanday bo'lmasin shinelni mardikorga berib, ammamni xotirjam qilishni o'ylardim.

Mardikor shinelni oldi-da, yelkasiga tashlab yo'lga ketdi. Men qo'limni qaytarmaganiga orqasidan “rahmat” deb qoldim.

VOSHIY

Ammam ishga bormaydigan kun hammamiz uchun bayram bo'ladi. Men sigir sog'ishdan, kechki ovqatga unnashdan qutulaman. Ammam balnisadan ko'pincha tariqning yormasini olib keladi. Bir qaynasayoq pishib chiqadi. Uni so'koshi deymiz. Bugun ham so'koshi qilib qo'yibdilar, yaxshi ko'rib ichib oldim. Ammam ovqatlanib bo'lguncha lampa chiroqni yoqib qo'yadi. O'shanda ham piligini baland ko'tarmaydi. Jiyanlarim taqir sholcha ustida men bilan o'ynamoqchi bo'ladi. Ammam tezgina joy solib beradi-da, chiroqni o'chirib, uxlanglar, deydi. O'zi Saodat opam bilan qorong'ida gangurgungur gaplashib o'tirishadi. Meni darrov uyqu bosadi. Jiyanlarimning tegajoqlik qilishlariga ham parvo qilmay qo'yaman. Ammo Saodat opamning:

– Voy opa, Poshshaxon bor-ku, o'sha voshiy ekan, voshiy, – deb vahima qilishi uyqumni o'chirib yubordi. Poshshaxonni Temirtirnoqqa olib borib qo'ygandan beri ko'rmagan edim. Ko'rgim kelar, lekin buning iloji yo'q edi. Kechga dovur ishdan bo'shamasdim.

– Nima deding? – qayta so'radi ammam.

– Voshiy, voshiy... – dedi Saodat opam yana vahima bilan.

– Hah, tiling o'lsin qarg'a cho'qimay, – dedi ammam, – vahshiy demaysanmi, qiz o'lmagur, xo'p, nima ish qildi u voshiy?

– O'g'iloy opa bor-ku, haligi, sizning o'rtog'ingizmas...

– Турсунбой найновнинг хотиними?

– Ҳа, ўша, ўша-чи даланинг ўртасида ўзидан кетиб қолди. Ҳадеб “Вой бошим”лайди, холос. Хотинлар шолчага солиб, кўтар-кўтар билан шийпонга олиб чиқишди. Дўхтир Нина опа келди. Бошига муздек-муздек латта босди-да, елка қисиб, орқасига қайтиб кетди. Дорисиям йўфакан-да берадиган. Дўхтир бўлмаё ул, деб хотинлар уни орқасидан қарғаб қолишди. Ўғилой опа бўлса оғриқдан ўзини у ёқдан бу ёққа уриб, додлаб ётибди бечора. Шу пайт Пошшахон пайдо бўлиб қолди. Этагида бир нима. Қарасак кўм-кўк қурбақа. Ҳозиргина сувдан тутиб олибди. Нима қиларкин деб ҳайрон бўлиб турсак, ошпаздан пичоқ сўради. Нима қиласан деса, бақани сўйиб, дори қилишини айтди. Ҳаммамиз кўрқиб, қочиб кетдик. Ахир, у вошийкан-да, опа. Бўлмаса қурбақани сўяман дейдими? У Ўғилой опанинг бошида ўтирволиб бир нималар қилди. Бирдан Ўғилой опа жим бўлиб қолди. Биз ҳали ҳам Пошшахоннинг яқинига боргани кўрқиб турибмиз. Пошшахон бўлса ўрнидан туриб, бизга қараб кулди. Шундан кейин Ўғилой опанинг тепасига бордик. Пишиллаб ухляпти. Пошшахон нима қипти денг, бақани иккига бўлиб, Ўғилой опанинг икки чеккасига боғлаб қўйибди.

– Яна кимнинг боши оғрияпти? – деб сўради Пошшахон хотинларга қараб.

– Йўғ-а, Худо сақласин, бошимиз оғримаяпти, Пошшахон, – дейишди хотинлар шоша-пиша.

– Кейин нима бўлди? – Дўхтирхонада ишлагани учунми, бу воқеага аммам ҳам қизиқиб қолди.

– Биз толмачойга чиққанда ҳам Ўғилой опа уйқуда эди. Чой ичиб ўтирсак бирдан дод-вой бўлиб қолди. Нима бўлди денг? Ўғилой опа уйғониб, чўнтагидан ойнасини олиб афти-башарасига қарайдими? Икки чаккасидан чиқиб турган қурбақанинг оёғини кўриб ўтақаси ёрилибди. Хотинлар нима бўлганини Ўғилой опага айтиб беришди. Ўғилой опа бўлса келгинди, жодугар, деб Пошшахонга ташланиб қолса бўладими. Вой, Пошшахон ўлди, дедик. Ахир, Ўғилой опани биласиз-ку, қанақа полвон хотин. Воҳ, Пошшахон ўзини юмма талатиб қўймади. Ўғилой опанинг икки кўлидан шундай ушладики, қимирлатмай қўйди, ҳа-а-а. Ўғилой опа бўлса “вой кўлим”лаб чўккалади-қолди. Пошшахон бўлса:

– Ҳе, яхшилиқни билмаган мегажин, – деб бир силталади-да, далага қараб кетди. Қарасак, Ўғилой опанинг билагида Пошшахоннинг бармоқ излари қолибди-я. Қўлиям темир эканда, опа, унинг.

Эртасига кун бўйи Пошшахонни ўйлаб, “хўп” ҳайдадим. Унинг



– Tursunboy naynovning xotinimi?

– Ha, o'sha, o'sha-chi dalaning o'rtasida o'zidan ketib qoldi. Hadeb "Voy boshim"laydi, xolos. Xotinlar sholchaga solib, ko'tar-ko'tar bilan shiyponga olib chiqishdi. Do'xtir Nina opa keldi. Boshiga muzdek-muzdek latta bosdi-da, yelka qisib, orqasiga qaytib ketdi. Dorisiyam yo'g'akan-da beradigan. Do'xtir bo'lmay o'l, deb xotinlar uni orqasidan qarg'ab qolishdi. O'g'iloy opa bo'lsa og'riqdan o'zini u yoqdan bu yoqqa urib, dodlab yotibdi bechora. Shu payt Poshshaxon paydo bo'lib qoldi. Etagida bir nima. Qarasak ko'm-ko'k qurbaqa. Hozirgina suvdan tutib olibdi. Nima qilarkin deb hayron bo'lib tursak, oshpazdan pichoq so'radi. Nima qilasan desa, baqani so'yib, dori qilishini aytdi. Hammamiz qo'rqib, qochib ketdik. Axir, u voshiykan-da, opa. Bo'lmasa qurbaqani so'yaman deydimi? U O'g'iloy opaning boshida o'tirvolib bir nimalar qildi. Birdan O'g'iloy opa jim bo'lib qoldi. Biz hali ham Poshshaxonning yaqiniga borgani qo'rqib turibmiz. Poshshaxon bo'lsa o'rnidan turib, bizga qarab kuldi. Shundan keyin O'g'iloy opaning tepasiga bordik. Pishillab uxlayapti. Poshshaxon nima qipti deng, baqani ikkiga bo'lib, O'g'iloy opaning ikki chekkasiga bog'lab qo'yibdi.

– Yana kimning boshi og'riyapti? – deb so'radi Poshshaxon xotinlarga qarab.

– Yo'g'-a, Xudo saqlasin, boshimiz og'rimayapti, Poshshaxon, – deyishdi xotinlar shosha-pisha.

– Keyin nima bo'ldi? – Do'xtirxonada ishlagani uchunmi, bu voqeaga ammam ham qiziqib qoldi.

– Biz tolmachoyga chiqqanda ham O'g'iloy opa uyquda edi. Choy ichib o'tirsak birdan dod-voy bo'lib qoldi. Nima bo'ldi deng? O'g'iloy opa uyg'onib, cho'ntagidan oynasini olib afti-basharasiga qaraydimi? Ikki chakkasidan chiqib turgan qurbaqaning oyog'ini ko'rib o'takasi yorilibdi. Xotinlar nima bo'lganini O'g'iloy opaga aytib berishdi. O'g'iloy opa bo'lsa kelgindi, jodugar, deb Poshshaxonga tashlanib qolsa bo'ladimi. Voy, Poshshaxon o'ldi, dedik. Axir, O'g'iloy opani bilasiz-ku, qanaqa polvon xotin. Voh, Poshshaxon o'zini yumma talatib qo'ymadi. O'g'iloy opaning ikki qo'lidan shunday ushladiki, qimirlatmay qo'ydi, ha-a-a. O'g'iloy opa bo'lsa "voy qo'lim"lab cho'k-kaladi-qoldi. Poshshaxon bo'lsa:

– He, yaxshilikni bilmagan megajin, – deb bir siltaladi-da, dalaga qarab ketdi. Qarasak, O'g'iloy opaning bilagida Poshshaxonning barmoq izlari qolibdi-ya. Qo'liyam temir ekanda, opa, uning.

Ertasiga kun bo'yi Poshshaxonni o'ylab, "xo'p" haydadim. Uning

пошшазодалиги, тирик бақани шартта сўйгани, девдек Ўғилой опани билагидан ушлаб, қимирлатмай кўйгани – буларнинг бари жуда-жуда қизиқ эди. Мен тезроқ кеч бўлишини, Саодат опамдан яна Пошшахон ҳақида эшитишни хоҳлардим. Шундай ҳам бўлди. Саодат опам бугун Пошшахон ҳақида ёмон хабар олиб келди. Кеча Ўғилой опа қаттиқ қўрққан экан, шунга қорнидаги боласи тушибди. Нина опа билан битта ўрис хотин келиб ёзув-чизув қилишибди. Пошшахон қамаларкан. Пошшахон бўлса ўрис хотинларга шунақанги ўрисчалаб ташлабдики, уларнинг ўзи ҳам Пошшахоннинг тил билганига ҳайрону лол бўлиб, оғизлари ланг очилиб қопти.

– Агарда шу рост бўлса, у хотин ростданам вошийкан, – деди Турсун аммам. – Ҳукуматга ҳозир бола керак, урушда одамлар қирилиб кетди. Энди у хотинни қамашлари турган гап. Яна болани азайимхонлик қилиб туширибди. Ҳукумат азайимхонларни, табибларни ўзининг душмани деб билади...

Пошшахон опага ачиниб кетдим.

ЕТИМНИНГ ҲАҚҚИ

Бугун “хўп” ҳайдашнинг охирги куни. Шерхон ака кеча уйдан қоп ола келишимни тайинлаган, хирмондан ҳаққимни олиб бермоқчи. Қопни кўлтиққа уриб, хўкизларни хирмонга ҳайдаб борсам, кечаси ой ёруғида одамлар сомонларни қанорларга қоплаб кўйишибди. Хонадонларга томларни сувоқ қилгани икки қопдан меҳнат ҳақиға сомон ажратишибди. Шалдирама аравалар келиб, қанорларни хонадонларга таший бошлади. Шерхон ака биринчи икки қопни бизнинг уйга туширишни аравакашга тайинлади. Кечга томон бир қоп буғдойни отга ўнгариб олиб боришни ўйласам, Ғанижон амакимнинг: “Сен энди уйнинг эркагисан”, – деганини эслайман. Ичимда бир кўтарилиш бўлиб, шишиниб кетаман. Аммам унамасалар ҳам эртадан Каримбой чолга қарашгани чиқишни ўйлайман. Отларни бедага арқонлаш, чанқаганида суғориб, чўмилтириш “хўп” ҳайдашдан минг марта осондек туйилади менга.

Шуларни ўйлаб хирмонтепага ажина шамол яқинлашганини билмай қолибман. Олдинлари ажинашамолни кўриш билан отни қичаб, кўзимни чирт юмиб, четга чиқиб олардим. Бу гал кўрмай қолдим. Ажинашамол бирпасда сомонларни тўзғитиб, ҳамма ёқнинг тўс-тўполонини чиқариб юборди. Кўзимни очолмай қолдим. Шерхон ака бошимдан сув қуйиб турди, оғиз-



poshshazodaligi, tirik baqani shartta so'ygani, devdek O'g'iloyni opani bilagidan ushlab, qimirlatmay qo'ygani – bularning bari juda-juda qiziq edi. Men tezroq kech bo'lishini, Saodat opamdan yana Poshshaxon haqida eshitishni xohlardim. Shunday ham bo'ldi. Saodat opam bugun Poshshaxon haqida yomon xabar olib keldi. Kecha O'g'iloyni opa qattiq qo'rqqan ekan, shunga qornidagi bolasi tushibdi. Nina opa bilan bitta o'ris xotin kelib yozuv-chizuv qilishibdi. Poshshaxon qamalarkan. Poshshaxon bo'lsa o'ris xotinlarga shunaqangi o'rischalab tashlabdiki, ularning o'zi ham Poshshaxonning til bilganiga hayron-u lol bo'lib, og'izlari lang ochilib qopti.

– Agarda shu rost bo'lsa, u xotin rostdanam voshiykan, – dedi Tursun ammam. – Hukumatga hozir bola kerak, urushda odamlar qirilib ketdi. Endi u xotinni qamashlari turgan gap. Yana bolani azayimxonlik qilib tushiribdi. Hukumat azayimxonlarni, tabiblarni o'zining dushmani deb biladi...

Poshshaxon opaga achinib ketdim.

YETIMNING HAQQI

Bugun "xo'p" haydashning oxirgi kuni. Sherxon aka kecha uydan qop ola kelishimni tayinlagan, xirmondan haqqimni olib bermoqchi. Qopni qo'ltiqqa urib, ho'kizlarni xirmonga haydab borsam, kechasi oy yorug'ida odamlar somonlarni qanorlarga qoplab qo'yishibdi. Xonadonlarga tomlarni suvoq qilgani ikki qopdan mehnat haqiga somon ajratishibdi. Shaldirama aravalari kelib, qanorlarni xonadonlarga tashiy boshladi. Sherxon aka birinchi ikki qopni bizning uyga tushirishni aravakashga tayinladi. Kechga tomon bir qop bug'doyni otga o'ngarib olib borishni o'ylasam, G'anjon amakimning: "Sen endi uyning erkagisan", – deganini eslayman. Ichimda bir ko'tarilish bo'lib, shishinib ketaman. Ammam unamasalar ham ertadan Karimboy cholg'a qarashgani chiqishni o'ylayman. Otlarni bedaga arqonlash, chanqaganida sug'orib, cho'miltirish "xo'p" haydashdan ming marta osondek tuyiladi menga.

Shularni o'ylab xirmontepaga ajina shamol yaqinlashganini bilmay qolibman. Oldinlari ajinashamolni ko'rish bilan otni qichab, ko'zimni chirt yumib, chetga chiqib olardim. Bu gal ko'rmay qoldim. Ajinashamol birpasda somonlarni to'zg'itib, hamma yoqning to's-to'polonini chiqarib yubordi. Ko'zimni ocholmay qoldim. Sherxon aka boshimdan suv quyib turdi, og'iz-burnimni chaydim, ko'zimning

бурнимни чайдим, кўзимнинг ичини ювдим, барибир кўзимни очо олмадим. У киши жон-жаҳди билан кўзимнинг ичига пуф-лайди, фойдаси бўлмади, оғриқ кучаяверди. Кўчқор акага ўхшаб кўр бўлиб қоламанми, деб кўрқиб кетдим. Шерхон ака хирмонни ёлғиз ташлаб, мени отга мингаштириб олиб кетишидан билдимки, аҳволим оғир. Ҳойнаҳой Нина опанинг олдига олиб борса керак. Йўқ, у мени Каримбой чолга қолдирди-ю, ўзи шошиб хирмонга от чоптириб кетди. Каримбой чол билан бошқа отга мингашиб яна қаёққадир кетдик. От жонивор яқингинада сув ичганми, қорни бўлтиллаб боряпти. Бир жойга етганда Каримбой чол отни тўхтатиб, “Пошшахон”лаб чақира бошлади. Қулоғимга бўза чопиғида ишлаётган хотинларнинг овози келди. Улар ҳам бири олиб бири кўйиб “Пошшахон”лай кетишди. Ўфилой опанинг воқеасидан кейин Пошшахонни одамлар табибга чиқариб кўйишган эди. Сезиб турибман, Пошшахон шошиб-шошиб даладан чиқиб келди.

– Ассалому алайкум, тинчликми-и-и? – нафаси тиқилиб сўради у. – Бунақа кемасидиз-ку?

– Э, мановининг кўзига буғдойнинг қилтаноғи кириб кетибди, нима қилса бўлади, деб олиб келдим, Пошшахон, – деб Каримбой чол тирсаги билан мени туртиб кўйди. Воқеани кузатиб турган хотинлар: “Вой бечора, етимчагина”, – деб юборишди. Хўрлигим келди. Бу дунёда яхши одамлар кўп. Шерхон ака бирпасга бўлса ҳам хирмонтепани ташлади, Каримбой чол мени бу ёқларга олиб келди.

– Шийпонга олиб боринг, ҳозир кўриб кўяман, – деди Пошшахон хотиржам оҳангда. Бўзсув тарафдан шамол кўзғалди. У ёқда Шерхон ака охириги буғдой хирмонини шопиришни бошлаб юборган бўлса керак. Пошшахон опа бошимни тиззасига олиб, юз-кўзларимни ҳўл рўмолча билан эринмай яхшилаб артди. Рўмолчасидан ялпиз ҳиди келарди. У бир кўзимни очганини, нафаси юзимга урилганини, кўзимнинг ичида илиқ бир нарса айланганини ҳис қилдим. Хотинларнинг “вой” деганлари қулоғимга чалинди. Бу ҳол иккинчи кўзимда ҳам тақрорланди. Шундан кейин бирдан кўзларимдан оғриқ йўқолди. Кўзимни очсам, Пошшахон опа тепамда жилмайиб турибди. Уялиб, ўрнимдан тура кетдим.

– Вой, кўзга тушганни тил билан олса бўларкан-да? – чувиллашди хотинлар.

– Бошқача йўли йўқ, – деди Пошшахон опа жилмайиб.

– Қани, бўлдими, кетдик, – деди Каримбой чол тоқати тоқ бўлиб. Мен Пошшахон опата қарай-қарай отга мингашдим.

– Энди эҳтиёт бўлинг, яхши бола, – орқадан унинг эркалаган

ichini yuvidim, baribir ko'zimni ocha olmadim. U kishi jon-jahdi bilan ko'zimning ichiga puflaydi, foydasi bo'lmadi, og'riq kuchayaverdi. Qo'chqor akaga o'xshab ko'r bo'lib qolamanmi, deb qo'rqib ketdim. Sherxon aka xirmonni yolg'iz tashlab, meni otga mingashtirib olib ketishidan bildimki, ahvolim og'ir. Hoynahoy Nina opaning oldiga olib borsa kerak. Yo'q, u meni Karimboy cholga qoldirdi-yu, o'zi shoshib xirmonga ot choptirib ketdi. Karimboy chol bilan boshqa otga mingashib yana qayoqqadir ketdik. Ot jonivor yaqinginada suv ichganmi, qorni g'oltillab boryapti. Bir joyga yetganda Karimboy chol otni to'xtatib, "Poshshaxon"lab chaqira boshladi. Qulog'imga g'o'za chopig'ida ishlayotgan xotinlarning ovozi keldi. Ular ham biri olib biri qo'yib "Poshshaxon"lay ketishdi. O'g'iloy opaning voqeasidan keyin Poshshaxonni odamlar tabibga chiqarib qo'yishgan edi. Sezib turibman, Poshshaxon shoshib-shoshib daladan chiqib keldi.

– Assalomu alaykum, tinchlikmiii? – nafasi tiqilib so'radi u. – Bunaqa kemasidiz-ku?

– E, manovining ko'ziga bug'doyning qiltanog'i kirib ketibdi, nima qilsa bo'ladi, deb olib keldim, Poshshaxon, – deb Karimboy chol tirsagi bilan meni turtib qo'ydi. Voqeani kuzatib turgan xotinlar: "Voy bechora, yetimchagina", – deb yuborishdi. Xo'riligim keldi. Bu dunyoda yaxshi odamlar ko'p. Sherxon aka birpasga bo'lsa ham xirmontepani tashladi, Karimboy chol meni bu yoqlarga olib keldi.

– Shiyponga olib boring, hozir ko'rib qo'yaman, – dedi Poshshaxon xotirjam ohangda. Bo'zsuv tarafdin shamol qo'zg'aldi. U yoqda Sherxon aka oxirgi bug'doy xirmonini shopirishni boshlab yuborgan bo'lsa kerak. Poshshaxon opa boshimni tizzasiga olib, yuz-ko'zlarimni ho'l ro'molcha bilan erinmay yaxshilab artdi. Ro'molchasidan yalpiz hidi kelardi. U bir ko'zimni ochganini, nafasi yuzimga urilganini, ko'zimning ichida iliq bir narsa aylanganini his qildim. Xotinlarning "voy" deganlari qulog'imga chalindi. Bu hol ikkinchi ko'zimda ham takrorlandi. Shundan keyin birdan ko'zlarimdan og'riq yo'qoldi. Ko'zimni ochsam, Poshshaxon opa tepamda jilmayib turibdi. Uyalib, o'rnimdan tura ketdim.

– Voy, ko'zga tushganni til bilan olsa bo'larkan-da? – chuvillashdi xotinlar.

– Boshqacha yo'li yo'q, – dedi Poshshaxon opa jilmayib.

– Qani, bo'ldimi, ketdik, – dedi Karimboy chol toqati toq bo'lib. Men Poshshaxon opaga qaray-qaray otga mingashdim.

– Endi ehtiyot bo'ling, yaxshi bola, – orqadan uning erkalagan

овози эшитилди. Ойимнинг истансада қор кечиб, одамлар орасидан ўтиб бораётганимизда: “Эҳтиёт бўл, болам, кўзингга қара”, – деганини эсладим.

Яна хирмонга қайтдим. Энди кўзимга боягидек қум тиқилиб азоб бермас, лекин барибир ачишарди. Кечга яқин бир қоп буғдой тегишини ўйласам, оғриқ ҳам эсимдан чиқиб, кўкрагим кўтарилиб кетарди.

Шерхон ака олдиндан қопимга буғдой тўлдириб, бир чеккага олиб қўйган экан. Кўриб севиниб кетдим. Тезроқ кун кеч бўла қолса-ю, ишлаб топган меҳнат ҳақимни уйга олиб бориб, аммамга, жиянларимга суюнчиласам...

Ҳар кунги пайтда автокачка келди. Буғдойнинг охири бўлгани учун чўғи кам эди. Тезда аравага ортиб ҳам бўлдик. Хирмонда менинг улушимгина қолди. Шу пайт автокачкадан тушмай ўтирган аскарнинг бирдан ранги ўзгарди. Жаҳл билан ўрнидан турди, қопни кўрсатиб, уни ҳам ортинглар, дегандек ишора қилди. Шерхон ака қўлидаги куракка таяна-таяна оқсоқланиб унга яқинлашди. Аскарга икки букилиб яна салом берди-да, бирдан ўрискалаб гапира кетди. Воҳ, у киши ўрискани билар экан-у, нимага шунча кундан бери аскарга икки букилиб юрибди. Сезиб турибман, Шерхон ака буғдой менинг ҳақим эканини, аммамга ваъда берганини, бу ҳақда партком ҳам билишини аскарга тушунтирмоқчи бўляпти. У бўлса нуқул “нет-нет, гуризит-гуризит”дан нарига ўтмаяпти. Аравакаш бўлса Шерхон акага:

– Кўпроқ икки букилинг, баттар бўлинг, ҳаммани қўйиб у сизга буғдой берармиди? – деди.

Мен бу ёқда аскар “хўп” дея қолса деб турибман. Бирдан аскар тўппончасини чиқариб Шерхон акага ўқталиб қолди. “Грузит... стерлят буду”. Шу пайт бир нима та-а-арақлаб кетди. Аскар Шерхон акани отиб қўйдими деб кўрққанимдан бақириб юбордим. Аммо бундай қарасам аскар ҳов нарида қочиб боряпти. Шерхон ака куракни ҳавода ўйнатиб, орқасидан чўлоқланиб уни қувяпти. Аравакаш бўлса бошини чангаллаб:

– Воҳ, энди нима бўлади, бошимиз кетади-ку, Шерхон акани нима жин урди? – деб ваҳимага тушиб қолди. Шерхон ака оқсоқланиб қайтиб келди-да, оёғи остидаги сомонни титкилай бошлади. Қидирган нарсасини топди, у тўппонча экан. Тарақлаганда Шерхон ака аскарни курак билан тушириб қолган бўлса керак. Ўшанда тўппонча бу ёқда учиб тушган. Уни пуф-пуфлаб, чангларини артиб, “шириқ” эттириб бир жойини очди. Ичига бир кўзлаб қаради-да:



ovozi eshitildi. Oyimning istansada qor kechib, odamlar orasidan o'tib borayotganimizda: "Ehtiyot bo'l, bolam, ko'zingga qara", – deganini esladim.

Yana xirmonga qaytdim. Endi ko'zimga boyagidek qum tiqilib azob bermas, lekin baribir achishardi. Kechga yaqin bir qop bug'doy tegishini o'ylasam, og'riq ham esimdan chiqib, ko'kragim ko'tarilib ketardi.

Sherxon aka oldindan qopimga bug'doy to'ldirib, bir chekkaga olib qo'yan ekan. Ko'rib sevinib ketdim. Tezroq kun kech bo'la qolsa-yu, ishlab topgan mehnat haqimni uyga olib borib, ammamga, jyanlarimga suyunchilasam...

Har kungi paytda avtokachka keldi. Bug'doyning oxiri bo'lgani uchun cho'g'i kam edi. Tezda aravaga ortib ham bo'ldik. Xirmonda mening ulushimgina qoldi. Shu payt avtokachkadan tushmay o'tirgan askarning birdan rangi o'zgardi. Jahl bilan o'rnidan turdi, qopni ko'rsatib, uni ham ortinglar, degandek ishora qildi. Sherxon aka qo'lidagi kurakka tayana-tayana oqsoqlanib unga yaqinlashdi. Askarga ikki bukilib yana salom berdi-da, birdan o'rischalab gapira ketdi. Voh, u kishi o'rischani bilar ekan-u, nimaga shuncha kundan beri askarga ikki bukilib yuribdi. Sezib turibman, Sherxon aka bug'doy mening haqim ekanini, ammamga va'da berganini, bu haqda partkom ham bilishini askarga tushuntirmoqchi bo'lyapti. U bo'lsa nuqul "net-net, gurizit-gurizit"dan nariga o'tmayapti. Aravakash bo'lsa Sherxon akaga:

– Ko'proq ikki bukiling, battar bo'ling, hammani qo'yib u sizga bug'doy berarmidi? – dedi.

Men bu yoqda askar "xo'p" deya qolsa deb turibman. Birdan askar to'pponchasini chiqarib Sherxon akaga o'qtalib qoldi. "Gruzit... sterlyat budu". Shu payt bir nima taaaraqlab ketdi. Askar Sherxon akani otib qo'ydimi deb qo'rqqanimdan baqirib yubordim. Ammo bunday qarasam askar hov narida qochib boryapti. Sherxon aka kurakni havoda o'ynatib, orqasidan cho'loqlanib uni quvyapti. Aravakash bo'lsa boshini changallab:

– Voh, endi nima bo'ladi, boshimiz ketadi-ku, Sherxon akani nima jin urdi? – deb vahimaga tushib qoldi. Sherxon aka oqsoqlanib qaytib keldi-da, oyog'i ostidagi somonni titkilay boshladi. Qidirgan narsasini topdi, u to'pponcha ekan. Taraqlaganda Sherxon aka askarni kurak bilan tushirib qolgan bo'lsa kerak. O'shanda to'pponcha bu yoqqa uchib tushgan. Uni puf-puflab, changlarini artib, "shiriq" ettirib bir joyini ochdi. Ichiga bir ko'zlab qaradi-da:

– Ўй-бўй, ўқи жўқ-ғўй, ҳе шешенгдни сени, – деб аскар кетган томонга қараб сўкинди.

– Бу нима қилганингиз, Шерхон ака, – деди аравакаш бўғилиб, – аскарга ҳам қўл кўтариладими ҳеч жаҳонда одам деган?

Шерхон ака нотўғри иш қилиб қўйганини тушуниб, калаваланиб, қўлидаги тўппончани аравакашга узатди:

– Ма, ширағим, аскер балаға мновни бериб қўй, қуролини жўқотиб барсе ўни трибуналга бериб жубаре, – деди.

– Э, бу касофатга қўлимниям урмайман, – деб аравакаш юзини четга бурди.

Шерхон ака тўппончани аравадаги қоп устига авайлабгина қўйди-да, менга қараб:

– Атни олиб келағўй, ширағим, бийдайингни артиб берем, бу яғи не бўлса Қудайдан, – деди.

Ёдимга чўлдаги буғдой воқеаси тушди. Трамбай ота билан Мужгон опалар неча кунлаб сўроқ беришди, охири ўша буғдойни деб дадамни қамаворишди.

– Йўқ, буғдойингиз керакмас, – деб отга миндим-да, ҳўкизларни олдимга солиб тезроқ бу хосиятсиз тепадан узоқлашишга шошилдим.

Мен хафа эмас эдим, неча кун қийналиб ишлаган бўлсам, ҳаммасининг ўчини Шерхон ака олиб берди. Ўша аскарни мен ҳам ёмон кўрардим. Шерхон ака ажаб қилди, мен у кишини кўрқоқ деб юрарканман, унақа эмас экан. Етимларни ҳам кимдир ҳимоя қилиши керак-ку. Бир пайтлар Махсимча ака ҳам ҳайит намозига келганларни худди шунақа ҳимоя қилган эди. Одамлар ҳар хил бўлар экан-да... Кўрқоқ кўриниб, аслида кўрқмас бўларкан. Кўрқмас кўриниб, аслида кўрқоқ бўларкан. Мен уларнинг қайсинисига кираман? Юрагимдан унақасигаям, бунақасигаям жавоб топа олмай, ичимдан эзилдим...

Эртасига Каримбой чолдан Шерхон акани шалдирама аравада районга олиб кетишганини эшитдим... Мени деб Шерхон ака камалса-я? Бу хабар бир зумда қишлоққа тарқалди. Миш-мишлар бошланди:

– Шерхон чўлоққа хирмонтепада жин тегибди, мияси айнаб, ҳукумат одамига қўл кўтарибди, оёқ-қўлини боғлаб олиб кетишибди...

– Жиннихонагами?

– Бўлмаса қаёққа?

Партком Сирож тоға келиб мени сўроқ қилди. Мен воқеа қандай бўлса шундайлигича оқизмай-томизмай айтиб бердим. У менга жаҳл билан қаради-да, юзимга аябгина шапати туширди.

– O'y-bo'y, o'qi jo'q-g'o'y, he sheshengdni seni, – deb askar ketgan tomonga qarab so'kindi.

– Bu nima qilganingiz, Sherxon aka, – dedi aravakash bo'g'ilib, – askarga ham qo'l ko'taradimi hech jahonda odam degan?

Sherxon aka noto'g'ri ish qilib qo'yganini tushunib, kalavalanib, qo'lidagi to'pponchani aravakashga uzatdi:

– Ma, shirag'im, asker balag'a mnovni berib qo'y, qurolini jo'qotib barse o'ni tribunaiga berib jubare, – dedi.

– E, bu kasofatga qo'limniyam urmayman, – deb aravakash yuzini chetga burdi.

Sherxon aka to'pponchani aravadagi qop ustiga avaylabgina qo'ydi-da, menga qarab:

– Atni olib kelag'o'y, shirag'im, biydayingni artib berem, bu yag'i ne bo'lsa Qudaydan, – dedi.

Yodimga cho'ldagi bug'doy voqeasi tushdi. Trambay ota bilan Mujgon opalar necha kunlab so'roq berishdi, oxiri o'sha bug'doyini deb dadamni qamavorishdi.

– Yo'q, bug'doyingiz kerakmas, – deb otga mindim-da, ho'kizlarni oldimga solib tezroq bu xosiyatsiz tepadan uzoqlashishga shoshildim.

Men xafa emas edim, necha kun qiynalib ishlagan bo'lsam, hammasining o'chini Sherxon aka olib berdi. O'sha askarni men ham yomon ko'rardim. Sherxon aka ajab qildi, men u kishini qo'rqoq deb yurarkanman, unaqa emas ekan. Yetimlarni ham kimdir himoya qilishi kerak-ku. Bir paytlar Maxsimcha aka ham hayit namoziga kelganlarni xuddi shunaqa himoya qilgan edi. Odamlar har xil bo'lar ekan-da... Qo'rqoq ko'rinib, aslida qo'rqmas bo'larkan. Qo'rqmas ko'rinib, aslida qo'rqoq bo'larkan. Men ularning qaysinisiga kiraman? Yuragimdan unaqasigayam, bunaqasigayam javob topa olmay, ichimdan ezildim...

Ertasiga Karimboy choldan Sherxon akani shaldirama aravada rayonga olib ketishganini eshitdim... Meni deb Sherxon aka qamalsa-ya? Bu xabar bir zumda qishloqqa tarqaldi. Mish-mishlar boshlandi:

– Sherxon cho'loqqa xirmontepada jin tegibdi, miyasi aynab, hukumat odamiga qo'l ko'taribdi, oyoq-qo'lini bog'lab olib ketishibdi...

– Jinnixonagami?

– Bo'lmasa qayoqqa?

Partkom Siroj tog'a kelib meni so'roq qildi. Men voqea qanday bo'lsa shundayligicha oqizmay-tomizmay aytib berdim. U menga jahl bilan qaradi-da, yuzimga ayabgina shapati tushirdi.

– Сен, ёт унсур, жуда маҳмадона экансан-ку, сендан бу ҳақда биров сўраса, мен уриш-жанжалда йўғидим де, хўпми?

– Хўп...

ТУЗЧИ ХОЛА

Бир куни аммам мени Тузчи холаникига олиб чиқадиган бўлиб қолдилар. У Зеби холаникида Оминахон деган қизи билан ижарада турарди. Қизи ҳақида қишлоқда ҳар хил миш-мишлар юрарди. Айтишларича, Оминахоннинг боши хумдек эмиш, кўзи тушган одамнинг шу заҳоти юраги ёрилиб ўлармиш. Шунга хола қизини кўчага чиқармасмиш. Аммо у шунақанги чевар, шунақанги чиройли дўппилар тикар эмишки, уни фақат раислар сотиб олишаркан. Холанинг ўзи эшакда қишлоқма-қишлоқ юриб, тузфурушлик қилар, қизлари узатиладиган, ўфиллари уйланадиган бўлиб қолган хонадонларни бир-бири билан топиштириб, тўйларга сабабчи бўлиб юраркан. Бироқ ўзининг қизи Оминахон қари қиз бўлиб, уйда қолиб кетганмиш. Бу гапларни мен аммамдан эшитган эдим. Бироқ мени бу уйга нимага бошлаб боряптилар, тушунмадим. Тузликни олволайми десам, йўқ дедилар. Лекин мен учун остона ҳатлаб кўчага чиқмайдиган, боши хумдек Оминахонни кўриш қизиқ эди. Уларникига Зеби холанинг ҳовлисидан кирсак керак, деб ўйлагандим. Унақа эмас экан, ташқаридан дала томонга қаратиб эшик очилган экан, айланиб ўша томонга ўтдик. Эшикни Тузчи хола очди. Димоққа гуп этиб ачимсиқ туз ҳиди урилди. Эшикка яқин жойда чарм қопда туз, унинг устида икки паллали тарози турарди. Ичкари парда билан тўсилган эди. Хола аммамнинг тузга келмаганини кўриб, айланиб-ўргилиб ичкарига бошладим.

– Оминахон, онашим, Турсунхон билан кўриш.

Хонада иккита дераза бўлиб, улар Зеби холанинг ҳовлисига қараган, ичкари ёп-ёруғ эди. Бир маҳал кўзимга каттакон калла кўринди. Хаёлимда у аммам томонга қўлсиз, оёқсиз ўзидан ўзи силжиб келарди. Ўшшайганча қараб қолибман. У келиб аммам билан кўришди. Ҳамманикига ўхшаган оёқ-қўллари бор экан-у, калласига қараганда қилтириқ кўринарди. Аммам каттакон бир нимани кучоқлагандек бўлди. Оминахон дўппи тикиб ўтирган экан. Қайтиб бориб яна ўз ишига киришди. У дўппини тикишдан кўра томоша қилиб ўтирганга, бўйнининг тагидан қўлчалар чиқиб Оминахоннинг кўзи олдида кўғирчоқ ўйнатаётганга ўхшарди.

– Хўб чиройли дўппилар тикади-да қизингиз, Тузчи хола, устози ўзингизмасми? – сўради аммам.

– Sen, yot unsur, juda mahmadona ekansan-ku, sendan bu haqda birov so'rasa, men urish-janjalda yo'g'idim de, xo'pmi?

– Xo'p...

TUZCHI XOLA

Bir kuni ammam meni Tuzchi xolanikiga olib chiqadigan bo'lib qoldilar. U Zebi xolanikida Ominaxon degan qizi bilan ijarada turardi. Qizi haqida qishloqda har xil mish-mishlar yurardi. Aytishlaricha, Ominaxonning boshi xumdek emish, ko'zi tushgan odamning shu zahoti yuragi yorilib o'larmish. Shunga xola qizini ko'chaga chiqarmasmish. Ammo u shunaqangi chevar, shunaqangi chiroyli do'ppilar tikar emishki, uni faqat raislar sotib olisharkan. Xolaning o'zi eshakda qishloqma-qishloq yurib, tuzfuruslik qilar, qizlari uzatiladigan, o'g'illari uylanadigan bo'lib qolgan xonadonlarni bir-biri bilan topishtirib, to'ylarga sababchi bo'lib yurarkan. Biroq o'zining qizi Ominaxon qari qiz bo'lib, uyda qolib ketganmish. Bu gaplarni men ammamdan eshitgan edim. Biroq meni bu uyga nimaga boshlab boryaptilar, tushunmadim. Tuzliqni olvolaymi desam, yo'q dedilar. Lekin men uchun ostona hatlab ko'chaga chiqmaydigan, boshi xumdek Ominaxonni ko'rish qiziq edi. Ularnikiga Zebi xolaning hovlisidan kirsak kerak, deb o'ylagandim. Unaga emas ekan, tashqaridan dala tomonga qaratib eshik ochilgan ekan, aylanib o'sha tomonga o'tdik. Eshikni Tuzchi xola ochdi. Dimoqqa gup etib achimsiq tuz hidi urildi. Eshikka yaqin joyda charm qopda tuz, uning ustida ikki pallali tarozi turardi. Ichkari parda bilan to'silgan edi. Xola ammamning tuzga kelmaganini ko'rib, aylanib-o'rgilib ichkariga boshladi.

– Ominaxon, onashim, Tursunxon bilan ko'rish.

Xonada ikkita deraza bo'lib, ular Zebi xolaning hovlisiga qaragan, ichkari yop-yorug' edi. Bir mahal ko'zimga kattakon kalla ko'rindi. Xayolimda u ammam tomonga qo'lsiz, oyoqsiz o'zidan o'zi siljib kelardi. O'shshayganча qarab qolibman. U kelib ammam bilan ko'rishdi. Hammanikiga o'xshagan oyoq-qo'llari bor ekan-u, kallasiga qaraganda qiltiriq ko'rinardi. Ammam kattakon bir nimani quchoqlagandek bo'ldi. Ominaxon do'ppi tikib o'tirgan ekan. Qaytib borib yana o'z ishiga kirishdi. U do'ppini tikishdan ko'ra tomosha qilib o'tirganga, bo'ynining tagidan qo'lchalar chiqib Ominaxonning ko'zi oldida qo'g'irchoq o'ynatayotganga o'xshardi.

– Xo'b chiroyli do'ppilar tikadi-da qizingiz, Tuzchi xola, ustoz o'zingizmasmi? – so'radi ammam.

– Қиз болага ҳунар онадан дейишади, ўзим бўлмай яна ким, ҳозир кўзим ўтмай қолганда, айланай.

– Сизнинг олдингизга битта илтимос билан чикдим, – деди аммам Тузчи холага қараб. – Кўп савоб ишларни қилиб юрасиз, кўп жойларда бўласиз, шу боламнинг онасини ҳам бир сўраб-суриштириб берсангиз. Юртчилик, тирик бўлса дараги чиқиб қолар, бош-оёқ сарупо сиздан ўргилсин, – деб аммам она-бола қандай қилиб бир-биримизни йўқотиб қўйганимиз-у, мени Зангиотанинг йўлидан топиб олганлари-ю, барини бир бошдан гапира бошладилар...

Оминахон пиқиллаб йиғлаб, суҳбатни бўлиб қўйди. Тузчи хола шошиб ўрнидан турди-да, эркалаган бўлиб:

– Ҳазир бўлгин дейман-ку, она қизим, қўлингга яна игна сайволдингми? – деб Оминахоннинг устига энгашди.

– Саймадим... анави болага ачиниб кетдим, – деб Оминахон ўтирган жойида менга қаради. Рапидадек юзларидан тинимсиз кўз ёшлари думаларди.

– Шукур қил, онаш қизим, шукур қил, сенинг онажонинг бор, ҳа...

– Худога шукур, бахтимга умрингиз узоқ бўлсин, онажоним...

Бирдан хаёлимга Тузчи хола ўлиб қолса Оминанинг ҳоли нима кечади, деган ўй келди-ю, кўрқиб кетдим. Унга ким қарайди? Ҳамма ундан кўрқса, тавба, жудаям кўрқинчли эмас, шекилли, мен кўрқмаяпман-ку. Фақат одамнинг калласи қандай қилиб шундай каттариб кетишини ўйлардим.

– Онажон, – деди Омина хўрсиниб.

– Лаббай, онашим...

– Менга шу боланинг бошини ўлчаб беринг, битта дўппи тикиб берай...

– Вой, айланай сендан, – деди аммам, – сенинг дўппингга етишга бизга йўл бўлсин, қўяқол...

– Сиздан пул олмайман. Айтинг, қанақасидан бўлсин, Марғилон нусхами, Анжан нусхами?

Оминахоннинг овози ҳамманикига ўхшарди. Йиғлаганигами, хўрсиниб-хўрсиниб кўярди. Кўрмаган одам бу овоз ўша бесўнақай калладан чиқаётганига ишонмасди. Оминахон шу ҳолига жуда меҳрибон, ҳимматли ҳам экан. Унинг ёши нечадалигини билиб бўлмасди. Тузчи хола "онаш, онашим" деб ёш қизчалардек эркалатарди. Биз ҳам жияним Рихсини "онка" дердик.

– Биз анжанликмиз, ўшанақасидан тикиб бера қол, бахтинг очилгур, – деди аммам.

Тузчи хола бошимни ипда ўлчаб олди-да, аммамга қараб деди:



– Qiz bolaga hunar onadan deyishadi, o'zim bo'lmay yana kim, hozir ko'zim o'tmay qolganda, aylanay.

– Sizning oldingizga bitta iltimos bilan chiqdim, – dedi ammam Tuzchi xolaga qarab. – Ko'p savob ishlarni qilib yurasiz, ko'p joylarda bo'lasiz, shu bolamning onasini ham bir so'rab-surishtirib bersangiz. Yurtchilik, tirik bo'lsa daragi chiqib qolar, bosh-oyoq sarupo sizdan o'rgilsin, – deb ammam ona-bola qanday qilib bir-birimizni yo'qotib qo'yganimiz-u, meni Zangiotaning yo'lidan topib olganlari-yu, barini bir boshdan gapira boshladilar..

Ominaxon piqillab yig'lab, suhbatni bo'lib qo'ydi. Tuzchi xola shoshib o'rnidan turdi-da, erkalagan bo'lib:

– Hazir bo'lgin deyman-ku, ona qizim, qo'lingga yana igna sayvoldingmi? – deb Ominaxonning ustiga engashdi.

– Saymadim... anavi bolaga achinib ketdim, – deb Ominaxon o'tirgan joyida menga qaradi. Rapidadek yuzlaridan tinimsiz ko'z yoshlari dumalardi.

– Shukur qil, onash qizim, shukur qil, sening onajoning bor, ha...

– Xudoga shukur, baxtinga umringiz uzoq bo'lsin, onajonim...

Birdan xayolimga Tuzchi xola o'lib qolsa Ominaning holi nima kechadi, degan o'y keldi-yu, qo'rqib ketdim. Unga kim qaraydi? Hamma undan qo'rqsa, tavba, judayam qo'rqinchli emas, shekilli, men qo'rqmayapman-ku. Faqat odamning kallasi qanday qilib shunday kattarib ketishini o'ylardim.

– Onajon, – dedi Omina xo'rsinib.

– Labbay, onashim...

– Menga shu bolaning boshini o'lchab bering, bitta do'ppi tikib beray...

– Voy, aylanay sendan, – dedi ammam, – sening do'ppingga yetishga bizga yo'l bo'lsin, qo'yaqol...

– Sizdan pul olmayman. Ayting, qanaqasidan bo'lsin, Marg'ilon nusxami, Anjan nusxami?

Ominaxonning ovozi hammanikiga o'xshardi. Yig'laganigami, xo'rsinib-xo'rsinib qo'yardi. Ko'rmagan odam bu ovoz o'sha beso'naqay kalladan chiqayotganiga ishonmasdi. Ominaxon shu holiga juda mehribon, himmatli ham ekan. Uning yoshi nechadalgini bilib bo'lmasdi. Tuzchi xola "onash, onashim" deb yosh qizchalardek erkalatardi. Biz ham jiyanim Rixsini "onka" derdik. – Biz anjanlikmiz, o'shanaqasidan tikib bera qol, baxting ochilgur, – dedi ammam.

Tuzchi xola boshimni ipda o'lchab oldi-da, ammamga qarab dedi:

– Бу боламнинг онаси тирик экан, Худо мени ўлдирмасакан, сарпосиз ҳам қидириб топганим бўлсин. Ўҳ-хў-ў... бундан улуғ, бундан савоб иш борақанми, Худо менга сарупони у дунёда кийдиради, Турсунхон синглим, ҳай-ҳай, – деб бошимни силаб қўйди... – Пайғамбаримиз етимнинг бошини силаганлар жаннатда мен билан бирга бўлади деганлар-а...

Тузчи хола менга Табиб энамни, Ача холамини эслатиб юборди... Қандай яхши одамлар бор-а бу дунёда.

ХУДО ЎЗИМИЗГА БЕРДИ

Шу ўртада жўхоримиз сўталаб, думбулга кирди. Ҳар куни қозонда қайнатиб, қўрга кўмиб, жиянларим билан маза қилиб еймиз. “Худо катта хирмондан бермаса, томорқамиздан берди, еб олинглар, ҳадемай сути қотиб қолса, еб бўлмай қолади”, – дейди аммам. Турсунбой аканинг жўхориси қорайиб, шунақанги ўсиб кетдики, бизнинг жўхорилар битта, иккита сўта чиқарганда, уларники учта-тўртталаб сўта чиқарворди.

Аммамга айтсам, ўғирлик селитранинг кучида у, қўявер, бизники ҳалол, поккина, шунисигаям шукур, дедилар. Икки кунда бир оралаб ловия териб чиқаман. Думбулни қириб олиб, ловия билан қайнатаман. Бир ширин бўтқа бўлади, воҳ... Бу ёқда қовун-тарвузлар пушталарда думалаб, кўзимни қувонтиради. Тарвуз ҳали пишмаган, шундай бўлса-да сабрим чидамай каттароғини палаги билан тиззамга олиб, сиқиб кўраман. Қирсиллаб овоз бермагач, яна авайлаб жойига қўяман. Қовунлар ҳам ўзидан ҳид таратиб, сарғая бошлаган, бирортаси дум бериб қолармикан, деб бир кунда икки марта палак оралайман. Дум берсаёқ чайлага олиб чиқиб, аммамга сўйиб беришни ўйлайман.

Шундай кунларнинг бирида Турсунбой аканинг хотини Ўғилой опа мендан думбул сўраб қолди.

– Ана, ўзингизники бор-ку, – дедим ҳайрон бўлиб.

– Ҳа ўлсин, бизники нимагадир кал бўлиб қолди, хашакдан бўлакка ярамайди энди...

Ўғилой опага думбул қайириб бердим-да, кал дегани қанақа бўларкан деб нақ билакдек келадиган битта сўтани турган жойида очиб кўрдим, қуруқ ёғочнинг ўзи, у ер-бу ерида кампирнинг тишига ўшаб битта-иккита дон кўринди, холос. Шошиб бошқаларини ҳам очиб кўрдим, ҳаммаси шунақа. Тавба, уруғ бир хил эди-ку, нимага Турсунбой аканинг жўхориси бунақа бўлиб қолди экан?

– Бу сенга дарс бўлсин, болам, – деди аммам, – бу ўғирлик селитранинг иши. Деҳқончилик ҳам пирлик иш, ҳаромни ёқтирмайди...

– Bu bolamning onasi tirik ekan, Xudo meni o'ldirmasakan, sarposiz ham qidirib topganim bo'lsin. O'hho'... bundan ulug', bundan savob ish borakanmi, Xudo menga saruponi u dunyoda kiydiradi, Tursunxon singlim, hay-hay, – deb boshimni silab qo'ydi... – Payg'ambarimiz yetimning boshini silaganlar jannatda men bilan birga bo'ladi deganlar-a...

Tuzchi xola menga Tabib enamni, Acha xolamni eslatib yubordi... Qanday yaxshi odamlar bor-a bu dunyoda.

XUDO O'ZIMIZGA BERDI

Shu o'rtada jo'xorimiz so'talab, dumbulga kirdi. Har kuni qozonda qaynatib, qo'rga ko'mib, jiyanlarim bilan maza qilib yeymiz. "Xudo katta xirmondan bermasa, tomorqamizdan berdi, yeb olinglar, hademay suti qotib qolsa, yeb bo'lmay qoladi", – deydi ammam. Tursunboy akening jo'xorisi qorayib, shunaqangi o'sib ketdiki, bizning jo'xorilar bitta, ikkita so'ta chiqarganda, ularniki uchta-to'rttalab so'ta chiqarvordi.

Ammamga aytsam, o'g'irlik selitranning kuchida u, qo'yaver, bizniki halol, pokkina, shunisigayam shukur, dedilar. Ikki kunda bir oralab loviya terib chiqaman. Dumbulni qirib olib, loviya bilan qaynataman. Bir shirin bo'tqa bo'ladi, voh... Bu yoqda qovun-tarvuzlar pushtalarda dumalab, ko'zimni quvontiradi. Tarvuz hali pishmagan, shunday bo'lsa-da sabrim chidamay kattarog'ini palagi bilan tizzamga olib, siqib ko'raman. Qirsillab ovoz bermagach, yana avaylab joyiga qo'yaman. Qovunlar ham o'zidan hid taratib, sarg'aya boshlagan, birortasi dum berib qolarmikan, deb bir kunda ikki marta palak oralayman. Dum bersayoq chaylaga olib chiqib, ammamga so'yib berishni o'ylayman.

Shunday kunlarning birida Tursunboy akening xotini O'g'iloy opa mendan dumbul so'rab qoldi.

– Ana, o'zingizniki bor-ku, – dedim hayron bo'lib.

– Ha o'lsin, bizniki nimagadir kal bo'lib qoldi, xashakdan bo'lakka yaramaydi endi...

O'g'iloy opaga dumbul qayirib berdim-da, kal degani qanaqa bo'larkan deb naq bilakdek keladigan bitta so'tani turgan joyida ochib ko'rdim, quruq yog'ochning o'zi, u yer-bu yerida kampirning tishiga o'xshab bitta-ikkita don ko'rindi, xolos. Shoshib boshqalarini ham ochib ko'rdim, hammasi shunaqa. Tavba, urug' bir xil edi-ku, nimaga Tursunboy akening jo'xorisi bunaqa bo'lib qoldi ekan?

– Bu senga dars bo'lsin, bolam, – dedi ammam, – bu o'g'irlik selitranning ishi. Dehqonchilik ham pirlilik ish, haromni yoqtirmaydi...

ОМИНА ОПА

– Саодат, – деди аммам бир куни кечки овқатдан кейин, – Тузчи холанг қиз узатиб узоқроққа кетган экан, Оминахоннинг олдига чиқиб ётасанми дегандим, бир ўзи қўрқади-да шўрлик. Балки хавотир олиб холанинг ўзиям кеп қолар, нима дединг?...

– Вой, қўрқаман, опа, ҳечам-да, – тайсаллади Саодат опам. – Тавба, Оминангиз кимдан қўрқаркан, ундан ҳамма қўрқади-ку?

– Дард, унақа дема, уканг билан бирга чиқақол бўлмаса, – деб аммам менга қаради.

– Йўқ, чиқмайман, ўзингиз чиқинг.

– Вой жувонмарг, менам қўрқаман-да...

– Ҳо, ҳамманинг жони ўзига ширин, – деб Саодат опам аммамдан ўпкалади.

– Мен қўрқмайман, чиқайми? – дедим уларникида бўлган кунимизни эслаб. Ўшанда Тузчи хола ойижонимни қидириб топадиган, Омина опам бўлса менга Анжанча дўппи тикиб берадиган бўлган эди. Она-болага менда бошқача меҳр уйғонган эди.

– Айланай сендан, қайтага яхши бўлади, минг қилсаям ўғил боласан-да, борақол, болам, – деди аммам...

Олдинига ботирлик қилдим-у, кейинига кўз олдимга каттакон калла келиб чўчий бошладим. У куни ёнимда аммам, Тузчи хола бор эди-да. Бугун бўлса бир ўзим, яна кечаси. Ухлаганимда бир думалаб боши билан босиб қолса-я?! Катта гапириб кўйдим, энди орқага қайтиш йўқ. Омина опа пойлаб ўтирган эканми, эшик тик этиши билан очди. Мени кўриб хурсанд бўлиб кетди.

– Сен чиқдингми, яхши бўпти-ей, – деб у хурсандлигини яширмади. – Хона дим, ташқарига жой қилиб, опа-ука уйқунг келгунча гаплашиб ўтирамыз, унганча уйга ҳам салқин тушиб қолади, – деди у.

Мен иложи борица Омина опага қарамасликка ҳаракат қиламан. Овози Саодат опамникига ўхшаган ингичка, мулойим эди-ю, бироқ беўхшов соя чироқ ёруғида у ёқдан бу ёққа ўтиб, юрагимга ваҳима соларди. Ташқари ғир-ғир шабада бўлгани билан искабтопарлар тинчлик бермасди. Омина опам тезак тутатди. Шундан билдимки, она-бола ҳар куни шу ерда гаплашиб ўтиришади. Ташқарига чиққач, нимагадир мендаги кўркув йўқолди. Чироқнинг пилигини пасайтириб, ичкарида қолдирдик. Керосин ҳидига чивин кирмайди.

Омина опа мени гапга солди. У кишига Ача хола ҳақида гапириб бердим. Пиқ-пиқ йиғлаб эшитди. Бу орада Зеби холаминикидаги тарақ-туруқлар ҳам тинчиди, қишлоқ ҳам сув куйгандек бўлиб қолди. Кўрғонлардан итларнинг чўзиб-чўзиб улигани,



OMINA OPA

– Saodat, – dedi ammam bir kuni kechki ovqatdan keyin, – Tuzchi xolang qiz uzatib uzoqroqqa ketgan ekan, Ominaxonning oldiga chiqib yotasanmi degandim, bir o'zi qo'rqadi-da sho'rlik. Balki xavotir olib xolaning o'ziyam kep qolar, nima deding?...

– Voy, qo'rqaman, opa, hecham-da, – taysalladi Saodat opam. – Tavba, Ominangiz kimdan qo'rqarkan, undan hamma qo'rqadi-ku?

– Dard, unaqa dema, ukang bilan chiqaqol bo'lmasa, – deb ammam menga qaradi.

– Yo'q, chiqmayman, o'zingiz chiqing.

– Voy juvonmarg, menam qo'rqaman-da...

– Ho, hammaning joni o'ziga shirin, – deb Saodat opam ammamdan o'pkaladi.

– Men qo'rqmayman, chiqaymi? – dedim ularnikida bo'lgan kunimizni eslab. O'shanda Tuzchi xola oyijonimni qidirib topadigan, Omina opam bo'lsa menga Anjanicha do'ppi tikib beradigan bo'lgan edi. Ona-bolaga menda boshqacha mehr uyg'ongan edi.

– Aylanay sendan, qaytaga yaxshi bo'ladi, ming qilsayam o'g'il bolasan-da, boraqol, bolam, – dedi ammam...

Oldiniga botirlik qildim-u, keyiniga ko'z oldimga kattakon kalla kelib cho'chiy boshladim. U kuni yonimda ammam, Tuzchi xola bor edi-da. Bugun bo'lsa bir o'zim, yana kechasi. Uxlaganimda bir dumalab boshi bilan bosib qolsa-ya?! Katta gapirib qo'ydim, endi orqaga qaytish yo'q. Omina opa poylab o'tirgan ekanmi, eshik tiq etishi bilan ochdi. Meni ko'rib xursand bo'lib ketdi.

– Sen chiqdingmi, yaxshi bo'пти-yey, – deb u xursandligini yashirmadi. – Xona dim, tashqariga joy qilib, opa-uka uyqung kelguncha gaplashib o'tiramiz, ungacha uyga ham salqin tushib qoladi, – dedi u.

Men iloji boricha Omina opaga qaramaslikka harakat qilaman. Ovozi Saodat opamnikiga o'xshagan ingichka, muloyim edi-yu, biroq beo'xshov soya chiroq yorug'ida u yoqdan bu yoqqa o'tib, yuragimga vahima solardi. Tashqari g'ir-g'ir shabada bo'lgani bilan iskabtoparlar tinchlik bermasdi. Omina opam tezak tutatdi. Shundan bildimki, ona-bola har kuni shu yerda gaplashib o'tirishadi. Tashqariga chiqqach, nimagadir mendagi qo'rquv yo'qoldi. Chiroqning piligini pasaytirib, ichkarida qoldirdik. Kerosin hidiga chivin kirmaydi.

Omina opa meni gapga soldi. U kishiga Acha xola haqida gapirib berdim. Piq-piq yig'lab eshitdi. Bu orada Zebi xolamnikidagi taraqturuqlar ham tinchidi, qishloq ham suv quygandek bo'lib qoldi. Qo'rg'onlardan itlarning cho'zib-cho'zib uligani, Bo'zsuv tarafdin

Бўзсув тарафдан қурбақаларнинг тинимсиз вақиллаши эшитиларди. Оймома тўлган экан, тилла баркашдек бўлиб чиқиб келди. Унинг ичидаги обкаш кўтарган одам оймома Қўрғонтепадан кўтарилаётганда ҳозиргина сакраб чиқиб олганга ўхшарди.

– Оймома ичидаги болани кўряпсанми? – деди Омина опам нимагадир хўрсиниб.

– У болами ҳали? – деб ойга тикилдим. – Мен бўлсам катта одам деб юрарканман, Омина опа.

– Йўқ, у ўғай онанинг кўлида қолган етим бола. Ўғай онаси жудаям қизғанчиқ, бераҳм бўлган экан.

– Отаси-чи, отаси? – шошиб сўрайман. – Отаси индамас эканми?

– Отаси тирикчиликдан бўшамас экан. Бола бечора кун бўйи ҳовлидаги ишларни қилиб, кечалари сойдан сув ташиб, хумларни тўлатаркан. Ҳар куни аҳвол шу экан. Унинг қорни нонга, кўзи уйқуга тўймас экан. (Омина опа ойдаги бола деб атайлаб мени гапирмаяптиларми деб ўйлаб қолдим). Ўғай онаси бола кечаси сувга борганда жин-пин чалиб, бўри-мўри еб кетишини жудаям хоҳларкан. Бироқ боланинг каттакон бўрибосар ити бор экан-да, у итига ишонаркан. Ити ҳам болани еру кўкка ишонмас экан. Бир йили қиш қаттиқ келиб, йиртқич бўрилар сой бўйларигача тушиб кепти. Одамлар ҳатто кундуз кунлари ҳам сувга боролмай қопти. Бундан ўғай она фойдаланиб қолмоқчи бўпти. Хумнинг тагини атайлаб тешиб кўйиб, сув олиб келмабсан, деб болани роса калтаклабди. Бўрибосарни омборхонага қамаб кўйибди. Бола ноилож обкашига челақларни илиб, сой бўйига йўл олибди. Ҳадеганда бола уйига қайтмабди. Ўғай она ниятига етганини билибди. Шундан кейин итни бўшатиб, шовқин кўтариб, қўшнилари оёққа турғазибди. Улар машъала ёқиб сой бўйга югуришибди. Аммо боланинг ўлик-тиригини топиша олмабдилар. Бўри еб кетган бўлса челаги, обкаши қолиши керак экан-да. Шу пайт боланинг ити осмонга қараб қаттиқ ҳуриб юборибди. Одамлар қарашса, бола оймома ичида обкашда сув кўтариб кетиб бораётганмиш. Уни вафодор ити таниб қопти-да. Ана, ана бола,– деб бир-бирларига кўрсатишибди одамлар. Шундай қилиб бола ўғай онасининг азобларидан қутулиб, ойда яшай бошлабди. Аммо ити уни соғинаркан... Оймома тўлган кунлари улиб, уни ёнига чақираркан. Қўрғондаги итларнинг улишини эшитяпсанми?

Бу воқеа худди ҳозиргина юз бергандек хаёл суриб қоламан. Оймома болани олиб, тобора осмону фалакка кўтарилиб борарди.

– Уйқунг келмадими? – сўрайди Омина опам.

qurbaqalarning tinimsiz vaqillashi eshitilardi. Oymoma to'lgan ekan, tilla barkashdek bo'lib chiqib keldi. Uning ichidagi obkash ko'targan odam oymoma Qo'rg'ontepadan ko'tarilayotganda hozirgina sakrab chiqib olganga o'xshardi.

– Oymoma ichidagi bolani ko'ryapsanmi? – dedi Omina opam nimagadir xo'rsinib.

– U bolami hali? – deb oyga tikildim. – Men bo'lsam katta odam deb yurarkanman, Omina opa.

– Yo'q, u o'gay onaning qo'lida qolgan yetim bola. O'gay onasi judayam qizg'anchiq, berahm bo'lgan ekan.

– Otasi-chi, otasi? – shoshib so'rayman. – Otasi indamas ekanmi?

– Otasi tirikchilikdan bo'shamas ekan. Bola bechora kun bo'yi hovlidagi ishlarni qilib, kechalari soydan suv tashib, xumlarni to'latarkan. Har kuni ahvol shu ekan. Uning qorni nonga, ko'zi uyquga to'ymas ekan. (Omina opa oydagagi bola deb ataylab meni gapirmayaptilarmi deb o'ylab qoldim). O'gay onasi bola kechasi suvga borganda jin-pin chalib, bo'ri-mo'ri yeb ketishini judayam xohlarkan. Biroq bolaning kattakon bo'ribosar iti bor ekan-da, u itiga ishonarkan. Iti ham bolani yer-u ko'kka ishonmas ekan. Bir yili qish qattiq kelib, yirtqich bo'rilar soy bo'ylarigacha tushib kepti. Odamlar hatto kunduz kunlari ham suvga borolmay qopti. Bundan o'gay ona foydalanib qolmoqchi bo'пти. Xurning tagini ataylab teshib qo'yib, suv olib kelmabsan, deb bolani rosa kaltaklabdi. Bo'ribosarni omborxonaga qamab qo'yibdi. Bola noiloj obkashiga chelaklarni ilib, soy bo'yiga yo'l olibdi. Hadeganda bola uyiga qaytmabdi. O'gay ona niyatiga yetganini bilibdi. Shundan keyin itni bo'shatib, shovqin ko'tarib, qo'shnilarini oyoqqa turg'azibdi. Ular mash'ala yoqib soy bo'yga yugurishibdi. Ammo bolaning o'lik-tirigini topisha olmabdilar. Bo'ri yeb ketgan bo'lsa chelagi, obkashi qolishi kerak ekan-da. Shu payt bolaning iti osmonga qarab qattiq hurib yuboribdi. Odamlar qarashsa, bola oymoma ichida obkashda suv ko'tarib ketib borayotganmish. Uni vafodor iti tanib qopti-da. Ana, ana bola, – deb bir-birlariga ko'rsatishibdi odamlar. Shunday qilib bola o'gay onasining azoblaridan qutulib, oyda yashay boshlabdi. Ammo iti uni sog'inarkan... Oymoma to'lgan kunlari ulib, uni yoniga chaqirarkan. Qo'rg'ondagi itlarning ulishini eshityapsanmi?

Bu voqea xuddi hozirgina yuz bergandek xayol surib qolaman. Oymoma bolani olib, tobora osmon-u falakka ko'tarilib borardi.

– Uyqung kelmadimi? – so'raydi Omina opam.

– Йўқ, – дейман ҳикоя таъсиридан чиқа олмай. Ётсам ҳам ой-момага чиқиб олган болани ўйлаб ётсам керак.

– Унда кўчаларни бир айланмаймизми?

– Кўчаларни дейсизми? – ҳайрон бўлиб сўрадим мен. – Ҳозир-а?

– Бўлмаса қачон, укажон? Кундузи юролмасам, ҳамма мендан ўзини олиб қочса, кечаси юраман-да. Менам одамлар орасида бўлгим, улар билан гаплашгим келади, нима қилайки, ўзимнинг бошим ўзимга душман. Ҳеч бўлмаса улар юрган кўчалардан юрай, нафасларини туяй дейман, йўқ демагин, укажон, хўпми?..

– Нимага йўқ дерканман, юринг, – деб дик этиб ўрнимдан турдим. Оймомадаги болага қанчалик ачинсам, Омина опамга ҳам шунчалик ачиниб кетдим...

Биз шу кеча Зангиота тарафга юриб, Чангтепагача бориб, орқамизга қайтдик. Кўчада сал шарпта сезсак, то у ўтиб кетгунча тутлар панасида беркиниб турдик.

ЖИНЛАР ТЎЗФИГАН КЕЧА

Яна бир куни Омина опамни қоровуллашга чиқдим. Қишлоқ ғала-ғовурлардан тинчигач, олдинги сафардагидек кўчага йўл олдик. Ой шам еган, юлдузлар чарақлаб, кўча юзи, уйлар, дарахтларнинг бўй-бастигача кўзга ташланиб турарди. Бу сафар ўнг тарафга – Агротехникка қараб юрдик. Мен кўшни колхоз Агротехникни Омина опамга ошириб-тошириб роса мақтаганман. Сақич ётқизилган кўчаларию ёзги, қишки қулубларию радиоузеллари, электр чироқларигача... Омина опам каттакон бир шаҳар ҳақида эшитгандек ҳаяжонга тушган эди. Мана энди бугун кечаси мақтаган жойларимни у кишига кўрсатаман. Ростлигига ишонадилар. Гап гапга уланиб, Омина опамнинг бу қишлоққа қандай келиб қолганига бориб етди. Зеби холамникида ижарада туришларидан уларни бу қишлоқлик деб бўлмасди.

– Яхшиликка ёмонлик бўлган, укажон. Биз онам билан бир жонга яхшилик қиламиз деб ўшанинг азобига қолиб кетганмиз, – деди Омина опа. У худди кўча тугаб қоладигандек шошмасдан қадам босар, хонадонларда ухлаётган одамларга халал бермай дебми, ишқилиб, шивирлабгина гапирарди. – Биз унда Тошканнинг Қўйлиқ ота деган мавзесида яшардик. Дадам урушга кетган, анчадан бери хат-хабар келмай қолган эди. Бир куни ҳарбий кийимдаги одам уйимизга хат ташлаб кетди. Мен ўқишни билмасдим. Нималигини тушунмадим. Ойим артелда ишларди. Пил-

– Yo'q, – deyman hikoya ta'siridan chiqa olmay. Yotsam ham oymomaga chiqib olgan bolani o'ylab yotsam kerak.

– Unda ko'chalarni bir aylanmaymizmi?

– Ko'chalarni deysizmi? – hayron bo'lib so'radim men. – Hozir-a?

– Bo'lmasa qachon, ukajon? Kunduzi yurolmasam, hamma mendan o'zini olib qochsa, kechasi yuraman-da. Menam odamlar orasida bo'lgim, ular bilan gaplashgim keladi, nima qilayki, o'zimning boshim o'zimga dushman. Hech bo'lmasa ular yurgan ko'chalardan yuray, nafaslarini tuyay deyman, yo'q demagin, ukajon, xo'pmi?..

– Nimaga yo'q derkanman, yuring, – deb dik etib o'rnimdan turdim. Oymomadagi bolaga qanchalik achinsam, Omina opamga ham shunchalik achinib ketdim...

Biz shu kecha Zangiota tarafga yurib, Changtepagacha borib, orqamizga qaytdik. Ko'chada sal sharpa sezsak, to u o'tib ketguncha tutlar panasida berkinib turdik.

JINLAR TO'ZG'IGAN KECHA

Yana bir kuni Omina opamni qorovullashga chiqdim. Qishloq g'ala-g'ovurlardan tinchigach, oldingi safardagidek ko'chaga yo'l oldik. Oy sham yegan, yulduzlar charaqlab, ko'cha yuzi, uylar, daraxtlarning bo'y-bastigacha ko'zga tashlanib turardi. Bu safar o'ng tarafga – Agrotexnikka qarab yurdik. Men qo'shni kolxoz Agrotexnikni Omina opamga oshirib-toshirib rosa maqtaganman. Saqich yotqizilgan ko'chalari-yu yozgi, qishki qulublari-yu radiouzellari, elektr chiroqlarigacha... Omina opam kattakon bir shahar haqida eshitgandek hayajonga tushgan edi. Mana endi bugun kechasi maqtagan joylarimni u kishiga ko'rsataman. Rostligiga ishonadilar. Gap gapga ulanib, Omina opamning bu qishloqqa qanday kelib qolganiga borib yetdi. Zebi xolamnikida ijarada turishlaridan ularni bu qishloqlik deb bo'lmasdi.

– Yaxshilikka yomonlik bo'lgan, ukajon. Biz onam bilan bir jonga yaxshilik qilamiz deb o'shaning azobiga qolib ketganmiz, – dedi Omina opa. U xuddi ko'cha tugab qoladigandek shoshmasdan qadam bosar, xonadonlarda uxlayotgan odamlarga xalal bermay debmi, ishqilib, shivirlabgina gapirardi. – Biz unda Toshkanning Qo'yliq ota degan mavzesida yashardik. Dadam urushga ketgan, anchadan beri xat-xabar kelmay qolgan edi. Bir kuni harbiy kiyimdagi odam uyimizga xat tashlab ketdi. Men o'qishni bilmasdim. Nimaligini tushunmadim. Oyim artelda ishlardi. Pillani qaynatib, undan ip yigirishardi. Ipdan

лани қайнатиб, ундан ип йигиришарди. Ипдан уруш учун парашут ясаларкан. Ойим кўпинча мени артелга олиб кетар, ўша ерда ўзим тенги қизлар билан ўйнардим. Унда ҳозиргидақа кўрқинчли аҳволда эмасдим. Бир касалга йўлиқдим-у, шунақа бўлиб қолдим, укажон. Ўша куни уйда қолганим яхши бўлган экан. Ойим хатни ўқиб: “Даданг санитар поездида келяпти экан, қизим, кутиб олгани чиқарканмиз”, – деди. Мен севиниб, чапак чалиб юбордим. Дадамни яхши эслардим. Ойимга ўхшаган узун бўйли, чиройли одам эдилар. Бироқ нимагадир бу хабардан ойим қувонмадилар, қайтага хавотирга тушиб қолдилар. Билсам, санитар поездида ногирон жангчиларни олиб келишаркан. Кимнинг оёғи йўқ, кимнинг қўли йўқ, кимнинг иккала кўзи ҳам кўр... Ўша куни тонг саҳарлаб Тошканнынг катта истансасига бориб олибмиз. Кун совуқ. Одам кўп. Йўловчилар ғиж-биж бўлиб турган битта катта хонага кириб, бирпас-бирпас исиниб оламиз. Санитар поезди нақ тушдан кейин келди...

Воқеа шу ерга келганда олдимиздан ит ҳуриб чиқиб, Омина опамнинг гапи оғзида қолди. У хавфсиз томонимга ўтиб, ёш боладек қўлимга ёпишди.

– Жим бўл, Тўрткўз, – дедим. Кейин Омина опамга „Кўрқманг“, деб қўйдим. Тўрткўз мени таниди. У раис Қозоқвой отанинг ити бўлиб, қариб қолган, кечасию кундузи дарвозахонанинг рўпарасига чиқиб, кўча бўйида ётарди. Ёш болалар сурнай чалса, ғаши келиб акиллай бошларди. Шунда ғалати бир оҳанг пайдо бўларди. “Ду-у-д... ак-ак... ду-у-д... ак-ак...” Биз бу ёқда шу куйга мослаб чапак чалиб, ер тепиниб, “қивақ-қивақ” деб қўшиб кўярдик. Натижада бошқача оҳанг пайдо бўларди: “Ду-у-д... ак-ак... қарс-қарс... тап-тап... қивақ-қивақ... ду-у-д... ак-ак... қарс-қарс... тап-тап... қивақ-қивақ...” Дала шийпонда бунини намойиш қилиб берганимизда колхозчилар думалаб-думалаб кулишган эди. Улар бизни “Қивақ-қивақ ансамбли” дейдиган бўлишди. Албатта, ансамблимиз Тўрткўзсиз қизиқ чиқмасди. У ансамблимизнинг юлдузи ҳисобланарди. Тўрткўз нафақат жим бўлди, балки орқамиздан эргашиб кела бошлади. “Раиснинг уйи олдидан ўтиб боряпмиз”, – деб Омина опамга секин шипшидим. У ўша тарафга ҳайрат билан қараб қўйди. Мен Тўрткўзнинг бизга эргашганига ичимдан севинардим. Олдинда мазортепа бор эди. Йўл мазортепани ёриб ўтган, ўнг тарафига одам қўйилмас, чап тарафига қўйиларди. Аравакашлар бу ердан ўтганда отни ўз ҳолига қўйиб, кўзларини юмиб олишади. Арава салгина тезлашса ҳам ғилдираги ўқидан чиқиб, бир фалокат юз бераркан. Отлиқлар отдан тушиб, отларини етаклаб олишади. Биз Агротехника кино-

urush uchun parashut yasalar. Oyim ko'pincha meni artelga olib ketar, o'sha yerda o'zim tengi qizlar bilan o'ynardim. Unda hozirgidaqa qo'rqinchli ahvolda emasdim. Bir kasalga yo'liqdim-u, shunaqa bo'lib qoldim, ukajon. O'sha kuni uyda qolganim yaxshi bo'lgan ekan. Oyim xatni o'qib: "Dadang sanitar poyezdida kelyapti ekan, qizim, kutib olgani chiqarkanmiz", – dedi. Men sevinib, chapak chalib yubordim. Dadamni yaxshi eslardim. Oyimga o'xshagan uzun bo'lyi, chiroyli odam edilar. Biroq nimagadir bu xabardan oyim quvonmadilar, qaytaga xavotirga tushib qoldilar. Bilsam, sanitar poyezdida nogiron jangchilarni olib kelisharkan. Kimning oyog'i yo'q, kimning qo'li yo'q, kimning ikkala ko'zi ham ko'r... O'sha kuni tong saharlab Toshkanning katta istansasiga borib olibmiz. Kun sovuq. Odam ko'p. Yo'lovchilar g'ij-bij bo'lib turgan bitta katta xonaga kirib, birpas-birpas isinib olamiz. Sanitar poyezdi naq tushdan keyin keldi...

Boqea shu yerga kelganda oldimizdan it hurib chiqib, Omina opamning gapi og'zida qoldi. U xavfsiz tomonimga o'tib, yosh boladek qo'limga yopishdi.

– Jim bo'l, To'rtko'z, – dedim. Keyin Omina opamga „Qo'rq-mang“ deb qo'ydim. To'rtko'z meni tanidi. U rais Qozoqvoy otaning iti bo'lib, qarib qolgan, kechasi-yu kunduzi darvozaxonaning ro'parasiga chiqib, ko'cha bo'yida yotardi. Yosh bolalar surnay chalsa, g'ashi kelib akillay boshlardi. Shunda g'alati bir ohang paydo bo'lardi. "Duud... ak-ak... duud... ak-ak..." Biz bu yoqda shu kuyga moslab chapak chalib, yer tepinib, "qivaq-qivaq" deb qo'shib qo'yardik. Natijada boshqacha ohang paydo bo'lardi: "Duud... ak-ak... qars-qars... tap-tap... qivaq-qivaq... duud... ak-ak... qars-qars... tap-tap... qivaq-qivaq..." Dala shiyponda buni namoyish qilib berganimizda kolxozchilar dumalab-dumalab kulishgan edi. Ular bizni "Qivaq-qivaq ansambli" deydigan bo'lishdi. Albatta, ansamblimiz To'rtko'zsiz qiziq chiqmasdi. U ansamblimizning yulduzi hisoblanardi. To'rtko'z nafaqat jim bo'ldi, balki orqamizdan ergashib kela boshladi. "Raisning uyi oldidan o'tib boryapmiz", – deb Omina opamga sekin shipshidim. U o'sha tarafga hayrat bilan qarab qo'ydi. Men To'rtko'zning bizga ergashganiga ichimdan sevinardim. Oldinda mozortepa bor edi. Yo'l mozortepani yorib o'tgan, o'ng tarafiga odam qo'yilmas, chap tarafiga qo'yilardi. Aravakashlar bu yerdan o'tganda otni o'z holiga qo'yib, ko'zlarini yumib olishadi. Arava salgina tezlashsa ham g'ildiragi o'qidan chiqib, bir falokat yuz berarkan. Otiqlar otdan tushib, otlarini yetaklab olishadi. Biz Agrotexnika kinoga borganimizda, uyga qaytayotganimizda mo-

га борганимизда, уйга қайтаётганимизда мазортепагача жавраб, бир-биримизга гап бермаймиз. Мазортепага келишимиз билан “соқов” бўлиб қоламиз. Омина опамни бугунги саёҳатга олиб чиқаман деганда нимага мазортепани ўйламадим экан? Албатта, Омина опам мазортепа ҳақида ҳеч нима билмайдилар, билмагани ҳам яхши. Қўрқинчлиси у ердан ўтиб олиш, ҳали орқага қайтишимиз ҳам бор... Мазортепага етмасдан туриб босиб келётган қўрқувни ўзимдан нари қилиш учун Омина опамни гапга соламан:

– Кейин-чи, Омина опа, кейин нима бўлди?

– Ҳа, санитар поезде нақ тушдан кейин келди. Кутгани чиққанларнинг ҳаммасининг кўзида қўрқув, хавотир... Жигарларини урушга соппа-соғ жўнатиб, қўлсиз, оёқсиз, ярим-жон кутиб олишнинг ўзи бўладими, укажон. Иккита вагоннинг рўпарасига битта ўтирғич билан битта стол қўйиб, устига алвон ёпишди. Сиёҳ-ручка қўйишди. Командири бўлса керак, бир нималарни ўрисчалаб тез-тез гапирди. Биттаси таржима қилиб, шаҳардаги госпиталлар ярадорлар билан тўлиб-тошиб кетганини, кимки битта ярадор жангчини қарамоғига олса, иккита паёк қўшиб берилишини айтди. Вагондан тушадиганларни кута бошладик. Биринчи бўлиб зўлдирли аравачада бир аскарни олиб тушишди. Одамлар бирдан ўзларини орқага ташлаб, “оҳ, воҳ”лаб юборди. У одамнинг иккала оёғиям, иккала қўлиям йўқ эди. Кийим кийдириб қўйилган қўғирчоққа ўхшарди. У шундай аҳволга тушиб қолишига ўзини айбдор санаб, ердан бош кўтармасди. Унинг исми, фамилиясини, яшаш жойини айтиб, орангизда яқинлари борми, деб сўради командир. Одамлар унга ҳар тарафдан қарай бошлади. “Ўртоқ жангчи, бошингизни кўтаринг, бунақада сизни ҳеч ким танимайди”, – деб жеркиб берди командир. У секин бошини кўтариб, одамлар орасидан ўзи ҳам кимнидир қидирди. Топа олмади, шекилли, яна бошини эгиб олди. Турганлар орасидан ҳам садо чиқмади. “Хабар берилган, кутамиз, келиб қолишар”. Шундай деб командир бирдан дадамнинг исми ва фамилиясини, яшаш жойини эълон қилиб қолди. Ойим шоша-пиша мени етаклаб, қизил столнинг олдига борди. “Қизил аскар Набижон Нормат ўғли, афсуски, Тошкентга етиб келолмади, йўлда вафот этди, мана кийими, ҳужжатлари, ҳамдардлигимни қабул қилинг, опа...” Ойим нима қилишни, нима дейишни билмай дадамнинг кийимларини ҳалиги одамнинг қўлидан юлқиб олди-да, юзига босиб, ерга ўтириб қолди. Наридан йиғи овозлари эшитилди. “Юринг”, – деб ойимни четга бошламоқчи бўлдим. Ойим қизил

zortepagacha javrab, bir-birimizga gap bermaymiz. Mozortepaga kelishimiz bilan "soqov" bo'lib qolamiz. Omina opamni bugungi sayohatga olib chiqaman deganda nimaga mozortepani o'ylamadim ekan? Albatta, Omina opam mozortepa haqida hech nima bilmaydilar, bilmagani ham yaxshi. Qo'rqinchlisi u yerdan o'tib olish, hali orqaga qaytishimiz ham bor... Mozortepaga yetmasdan turib bosib kelayotgan qo'rquvni o'zimdan nari qilish uchun Omina opamni gapga solaman:

– Keyin-chi, Omina opa, keyin nima bo'ldi?

– Ha, sanitar poyezdi naq tushdan keyin keldi. Kutgani chiqqanlarning hammasining ko'zida qo'rquv, xavotir.. Jigarlarini urushga soppa-sog' jo'natib, qo'lsiz, oyoqsiz, yarimjon kutib olishning o'zi bo'ladimi, ukajon. Ikkita vagonning ro'parasiga bitta o'tirg'ich bilan bitta stol qo'yib, ustiga alvon yopishdi. Siyoh-ruchka qo'yishdi. Komandiri bo'lsa kerak, bir nimalarni o'rischalab tez-tez gapirdi. Bittasi tarjima qilib, shahardagi gospitalar yaradorlar bilan to'lib-toshib ketganini, kimki bitta yarador jangchini qaramog'iga olsa, ikkita payok qo'shib berilishini aytdi. Vagondan tushadiganlarni kuta boshladik. Birinchi bo'lib zo'ldirli aravachada bir askarni olib tushishdi. Odamlar birdan o'zlarini orqaga tashlab, "oh, voh"lab yubordi. U odamning ikkala oyog'iyam, ikkala qo'liyam yo'q edi. Kiyim kiydirib qo'yilgan qo'g'irchoqqa o'xshardi. U shunday ahvolga tushib qolishiga o'zini aybdor sanab, yerdan bosh ko'tarmasdi. Uning ismi, familiyasini, yashash joyini aytib, orangizda yaqinlari bormi, deb so'radi komandir. Odamlar unga har tarafdin qaray boshladi. "O'rtoq jangchi, boshingizni ko'taring, bunaqada sizni hech kim tanimaydi", – deb jerkib berdi komandir. U sekin boshini ko'tarib, odamlar orasidan o'zi ham kimnidir qidirdi. Topa olmadi, shekilli, yana boshini egib oldi. Turganlar orasidan ham sado chiqmadi. "Xabar berilgan, kutamiz, kelib qolishar". Shunday deb komandir birdan dadamning ism va familiyasini, yashash joyini e'lon qilib qoldi. Oyim shosha-pisha meni yetaklab, qizil stolning oldiga bordi. "Qizil askar Nabijon Normat o'g'li, afsuski, Toshkentga yetib kelolmadi, yo'lda vafot etdi, mana kiyimi, hujjatlari, hamdardligimni qabul qiling, opa..." Oyim nima qilishni, nima deyishni bilmay dadamning kiyimlarini haligi odamning qo'lidan yulqib oldi-da, yuziga bosib, yerga o'tirib qoldi. Nari-beridan yig'i ovozlari eshitildi. "Yuring", – deb oyimni chetga boshlamoqchi bo'ldim. Oyim qizil stol oldidagi odamning ishlashiga xalaqit qilardi.

стол олдидаги одамнинг ишлашига халақит қиларди. Шу пайт аравада ўтирган яримта одам: "Опа", – деб ойимни тўхтатди. Ойим кўз ёшларини артиб, ҳайрон бўлиб унга қаради...

Бу пайтда биз мозортепага яқинлашиб қолган эдик.

– Рўпарада бир нима қорайиб кўриняптими? – сўради Омина опам ҳикоясини тўхтатиб.

– У тепанинг оғзи, – дедим юрагим гуп-гуп уриб. Омина опам эътибор қилмагани яхши эди. Гап билан бўлиб, мозортепадан ўтиб олардик.

– Тепанинг оғзи дейсанми, укажон?

– Ҳа, кўча ўша ерда тепани ёриб ўтади, ўшанга жарнинг оғзи қорайиб кўриняпти.

Мозортепа деб юборишдан ўзимни зўрға тийдим. У киши чўчиб юрмасин дедим-да. Гапиряпман-у, овозим ўзимникига ўхшамайди. Икки кишилиқ кўрқув бош-оёғимдан тоғдек босар, тўрт тарафимдан бир нималар менга ўқталарди. Қанийди бирон-бир сабаб бўлиб шу ердан орқага қайтиб кетсак. Ҳатто қадамим ҳам ўз-ўзидан секинлашиб қолди. Ҳеч нимадан беҳабар Омина опам олдинга ўтиб юра бошлади. "Нима бўлди, юрмайсанми?" Мен кўрқяпман, дея олмасдим. Ахир, олдиндан ваъда бериб, катта гапириб қўйганман-да. Шу пайт бир гала ит ҳуриб, қоронғилик ичидан чиқиб келса бўладими! Бошқа пайт бўлганда орқа-олдимга қарамай қочиб қолган бўлардим. Омина опамни ташлаб қаёққа ҳам қочардим? У киши кўрқиб, шундоғам менга ёпишиб олди.

– Ўтиринг, – дедим нима қилишимни билмай у кишини пастга тортиб, – ўтирган одамга ит тегмайди.

Аммо Тўрткўзнинг олдинга ўтиб икки-уч марта оғир-оғир ҳуришидан итлар бирдан пилдир-пис бўлиб орқасига қайтди.

– Вой, улар раиснинг итидан кўрқишаркан-а? – деди Омина опам ўрnidан туриб. Кейин секингина кулиб ҳам қўйди. Бундан билдимки, жудаям кўрқиб кетмаптилар. Саёҳатимиздан вақтлари чоғ. Бу менга анча далда бўлди.

– Итлар Тўрткўздан кўрқишмади, уни яхши танишади, – дедим мен. – Қишлоқдаги ҳамма итлар Тўрткўз билан Кўктойдан тарқаган, Кўктой Тепакўрғондаги кўр Кўчқор аканинг ити бўлади.

Тўрткўз ҳуришдан тўхтаб, бизни қорайиб турган оралиққа бошлади. Тупроқ ҳиди димоғимга урилди. Бу ернинг тупроғи ҳақида ҳам ҳар хил гаплар юради. Айниқса, уйқусини йўқотиб қўйганларга даво экан. Ухлаб ётган одамнинг устидан сочиб юборилса, биров уйғотмагунча тош қотиб ётаверар экан. Бундан ўғри, қароқчилар фойдаланиб қолишаркан. Бу ерда шунақанги чирилдоқлар кўп эканки, гўё биз уларни туртиб-суртиб ҳайдаб,

Shu payt aravachada o'tirgan yarimta odam: "Opa", – deb oyimni to'xtatdi. Oyim ko'z yoshlarini artib, hayron bo'lib unga qaradi...

Bu paytda biz mozortepaga yaqinlashib qolgan edik.

– Ro'parada bir nima qorayib ko'rinyaptimi? – so'radi Omina opam hikoyasini to'xtatib.

– U tepaning og'zi, – dedim yuragim gup-gup urib. Omina opam e'tibor qilmagani yaxshi edi. Gap bilan bo'lib, mozortepadan o'tib olardik.

– Tepaning og'zi deysanmi, ukajon?

– Ha, ko'cha o'sha yerda tepani yorib o'tadi, o'shanga jarning og'zi qorayib ko'rinyapti.

Mozortepa deb yuborishdan o'zimni zo'rg'a tiydim. U kishi cho'chib yurmasin dedim-da. Gapiyapman-u, ovozim o'zimiznikiga o'xshamaydi. Ikki kishilik qo'rquv bosh-oyog'imdan tog'dek bosar, to'rt tarafimdan bir nimalar menga o'qtalardi. Qaniydi biron-bir sabab bo'lib shu yerdan orqaga qaytib ketsak. Hatto qadamim ham o'z-o'zidan sekinlashib qoldi. Hech nimadan bexabar Omiha opam oldinga o'tib yura boshladi. "Nima bo'ldi, yurmaysanmi?" Men qo'rqapman, deya olmasdim. Axir, oldindan va'da berib, katta gapirib qo'rganman-da. Shu payt bir gala it hurib, qorong'ilik ichidan chiqib kelsa bo'ladimi! Boshqa payt bo'lganda orqa-oldimga qaramay qochib qolgan bo'lardim. Omina opamni tashlab qayoqqa ham qochardim? U kishi qo'rqib, shundog'am menga yopishib oldi.

– O'tiring, – dedim nima qilishimni bilmay u kishini pastga tortib, – o'tirgan odamga it tegmaydi.

Ammo To'rtko'zning oldinga o'tib ikki-uch marta og'ir-og'ir hurishidan itlar birdan pildir-pis bo'lib orqasiga qaytdi.

– Voy, ular raisning itidan qo'rqisharkan-a? – dedi Omina opam o'rnidan turib. Keyin sekingina kulib ham qo'ydi. Bundan bildimki, judayam qo'rqib ketmaptilar. Sayohatimizdan vaqtlari chog'. Bu menga ancha dalda bo'ldi.

– Itlar To'rtko'zdan qo'rqishmadi, uni yaxshi tanishadi, – dedim men. – Qishloqdagi hamma itlar To'rtko'z bilan Ko'ktoydin tarqagan, Ko'ktoy Tepaqo'rg'ondagi ko'r Qo'chqor akaning iti bo'ladi.

To'rtko'z hurishdan to'xtab, bizni qorayib turgan oraliqqa boshladi. Tuproq hidi dimog'imga urildi. Bu yerning tuprog'i haqida ham har xil gaplar yuradi. Ayniqsa, uyqusini yo'qotib qo'rganlarga davo ekan. Uxlab yotgan odamning ustidan sochib yuborilsa, birov uyg'otmaguncha tosh qotib yotaverar ekan. Bundan o'g'ri, qaroqchilar foydalanib qolisharkan. Bu yerda shunaqangi chirildoqlar ko'p ekanki, go'yo biz ularni turtib-surtib haydab, o'zimizga

ўзимизга йўл очиб бораётганга ўхшардик. Улар икки ёндан устимизга тўхтовсиз ёпирилгандек бўларди. Ён-веримга қарамайман. Ҳали совиб улгурмаган тупроқ яланг оёқларим тагида сирғалди. Баттар сесканаман. Кундузлари бу ердан ўтганимизда тупроқ юзида қалин-қалин илон изларини кўрардик. Мозортепадаги илонлар у тепадан бу тепага ўтса керак-да. Ирим қилиб изларини бузардик. Шундай қилсак илонлар орқасига қайтмайди, адашиб кетади, деб ўйлардик. Ишқилиб, бирортасини босиб олишдан худонинг ўзи сақласин. Омина опамнинг оёғида яхшиям калиши бор. Уям тупроққа тўлиб бўлди, шекилли. Нимагадир бу оралик йўл чўзилиб кетгандек туюла бошлади менга.

– Бу ер анча кўрқинчли экан, – деди Омина опам ҳам бир нимани сезгандек. Жавоб беришдан ўзимни тийдим. Нима ҳам дея олардим? Шундоққина чап томондаги тепада раҳматлик бўвам ётганини, Ғанижон амаким билан Қуръон ўқиб, шу ерда хайрлашганимни эслайман. Мен индамаганимга Омина опам ҳам бу жойдан жимгина ўтиб олишни маъқул кўрди, шекилли, бошқа гап кўшмади. Ниҳоят, ўтиб ҳам олдик. Кенг майдонга чиқдик. Атроф ёришиб, юлдузлар боягидан ҳам чарақлаб кўринди. Чирилдоқлар ўша ораликда қолиб кетгандек, у ер-бу ерда яккам-дуккам чир-чир қилиб кўяди. Кўркув йўқолиб, ичим ёришиб кетди. Қандай яхши бўлди-я, Омина опамни мозортепадан олиб ўта олдим, энди тўхтаб қолган суҳбатни давом эттирсак бўлади:

– Аскар ойингизни тўхтатди, кейин нима бўлди, Омина опа?

– Аскар бизга бегона эмас экан, укажон, у дадам билан ака-ука тутинган, дадам уни едириб, ичириб, опичлаб юрган экан. “Раҳматлик Набижон акам ўлишини билиб, сизга хат ёзиб, ўз кўли билан чўнтагимга солиб кўйган эди, ўшани олинг, опа”, – деб кўзи билан кўйин чўнтагига ишора қилди у. Бу пайтда ҳамма ўзи билан ўзи овора, биз билан бировнинг иши йўқ эди. Ойим хатни олиб янаям букчайиб қолди. Аскар билан хайр-хўшлашмай ҳам кета бошладик. Ҳали одамлар орасидан чиқиб улгурмасимиздан бир аёл ойимни тўхтатди. У аскар ойимга нималар дегани, кўйиндан нимани олгани билан қизиқди. Ойим у хотиннинг гапини эшитмагандек унга тикили-и-иб қараб турди-да, кейин бирдан орқасига қайтди. Хуллас, ўша яримта одамни уйимизга олиб келдик, укажон. Нимага олиб келдик, у аёл ким эди – олдинга ҳеч нимага тушунмай юрдим.

– У одамнинг уйдагилар келмадими? – шошиб сўрадим мен.

– Келмади, укажон, келмади. Эртасига дадамга аза очдик. Маҳалладан одамлар кириб, фотиҳа ўқиб, чиқиб кетишди.

– Анави одам нима бўлди, Омина опа?

yo'l ochib borayotganga o'xshardik. Ular ikki yondan ustimizga to'xtovsiz yopirilgandek bo'lardi. Yon-verimga qaramayman. Hali so'vib ulgurmagani tuproq yalang oyoqlarim tagida sirg'aldi. Battar seskanaman. Kunduzlari bu yerdan o'tganimizda tuproq yuzida qalin-qalin ilon izlarini ko'rardik. Mozortepadagi ilonlar u tepadan bu tepaga o'tsa kerak-da. Irim qilib izlarini buzardik. Shunday qilsak ilonlar orqasiga qaytmaydi, adashib ketadi, deb o'ylardik. Ishqilib, birortasini bosib olishdan xudoning o'zi saqlasin. Omina opamning oyog'ida yaxshiyam kalishi bor. Uyam tuproqqa to'lib bo'ldi, shekilli. Nimagadir bu oraliq yo'l cho'zilib ketgandek tuyula boshladi menga.

– Bu yer ancha qo'rqinchli ekan, – dedi Omina opam ham bir nimani sezgandek. Javob berishdan o'zimni tiydim. Nima ham deya olardim? Shundoqqina chap tomondagi tepada rahmatlik buvam yotganini, G'anijon amakim bilan Qur'on o'qib, shu yerda xayrlashganimni eslayman. Men indamaganimga Omina opam ham bu joydan jimgina o'tib olishni ma'qul ko'rdi, shekilli, boshqa gap qo'shmadi. Nihoyat, o'tib ham oldik. Keng maydonga chiqdik. Atrof yorishib, yulduzlar boyagidan ham charaqlab ko'rindi. Chirildoqlar o'sha oraliqda qolib ketgandek, u yer-bu yerda yakkam-dukkam chir-chir qilib qo'yadi. Qo'rquv yo'qolib, ichim yorishib ketdi. Qanday yaxshi bo'ldi-ya, Omina opamni mozortepadan olib o'ta oldim, endi to'xtab qolgan suhbatni davom ettirsak bo'ladi:

– Askar oyingizni to'xtatdi, keyin nima bo'ldi, Omina opa?

– Askar bizga begona emas ekan, ukajon, u dadam bilan aka-uka tutingan, dadam uni yedirib, ichirib, opichlab yurgan ekan. "Rahmatlik Nabijon akam o'lishini bilib, sizga xat yozib, o'z qo'li bilan cho'ntagimga solib qo'ygan edi, o'shani oling, opa", – deb ko'zi bilan qo'yin cho'ntagiga ishora qildi u. Bu paytda hamma o'zi bilan o'zi ovora, biz bilan bironing ishi yo'q edi. Oyim xatni olib yanayam bukchayib qoldi. Askar bilan xayr-xo'shlashmay ham keta boshladik. Hali odamlar orasidan chiqib ulgurmasimizdan bir ayol oyimni to'xtatdi. U askar oyimga nimalar degani, qo'ynidan nimani olgani bilan qiziqdi. Oyim u xotinning gapini eshitmagandek unga tikilib qarab turdi-da, keyin birdan orqasiga qaytdi. Xullas, o'sha yarimta odamni uyimizga olib keldik, ukajon. Nimaga olib keldik, u ayol kim edi – oldiniga hech nimaga tushunmay yurdim.

– U odamning uyidagilar kelmadimi? – shoshib so'radim men.

– Kelmadi, ukajon, kelmadi. Ertasiga dadamga aza ochdik. Mahalladan odamlar kirib, fотиha o'qib, chiqib ketishdi.

– Anavi odam nima bo'ldi, Omina opa?

– Nima bo'lardi, biz bilan yashay boshladi. Dadam bilan bog'liq

– Нима бўларди, биз билан яшай бошлади. Дадам билан боғлиқ хотираларини айтиб берса, ойим икковимиз йиғлаб-йиғлаб эшитардик. У дадам билан ака-ука тутинганига ойим ҳам у билан қиёматли опа-ука тутинди. Ойим уни укам деб, сенсирай бошладди. Баъзан мен, баъзан ойим унга овқат едириб қўярдик. Бечора тувак тутишимиздан уялиб жудаям кам овқат ерди, чой ичмасди. Озиб-тўзиб чўп бўлиб қолган эди. Ойим овқатни дадилроқ е, тортинма, укажон, деб уришарди. У бўлса шу еганимни ҳам ҳазм қилиб олсам, опа, юрадиган оёғим, ишлайдиган қўлим бўлмаса, деб зорланарди. Айтишича, унинг иккита ўғли бор экан, бири тўрт ёшга, бири олти ёшга кираркан...

Шу пайт олдиндан бир шарпа биз томонга кела бошлади. Шошиб четга чиқиб, бир шувокнинг орқасига писиб олдик. “Кимсан, нима қилиб юрибсанлар?” – деган савол-жавобдан қочдик. Аммо Тўрткўз шарпа эгасини узоқданоқ таниб, кўча ўртасига чиқиб олди. У кўр Кўчқор ака экан. Эшакни “хи-хи”лаб тегирмондан қайтарди. Кўпчилик тегирмон ишларини Кўчқор акага ишонар, биров пул, биров ун бериб рози қиларди. Агротехникада электр тегирмони бор эди. Кўчқор ака қаерда бўлса, Кўктой ҳам ўша ерда бўларди. Кўктой олдинга тушиб эшакни бошлар, эшак Кўчқор акани... Ана, Кўктой ҳам Тўрткўзни узоқдан таниб, ўйноқлаб чопачопа келди. Итлар бир-бирига кўкрак уриб, айқашиб кетишди. Кўчқор ака копинг бир чеккасидан ушлаб, лўк-лўк қадам ташлайди.

– Писиб ўтирмай ўрнингиздан тураверинг, Кўчқор акам барибир кўрмайдилар, – дедим Омина опамга. Аммо эшаги бизни кўриб хуркдими, ишқилиб, ҳанграб юборди. Боягина Тўрткўздан кўрқиб пилдир-пис бўлиб қолган итлар ҳуриб, кечани бошларига кўтаришди. Қаердадир эшакка эшак ҳанграб жавоб берди. Чор-атрофга кўрпасини ёзиб, тинчгина мудраётган туннинг ороми бузилди. Кўчқор ака сергак тортиб, ён-верига бурилиб қаради-да: “Хи...хе, ҳаром ўлгур”, – деб кўйди. Кўчқор ака шундоққина ёнимиздан ўтиб кетгач, кўчага чиқдик. Тўрткўз шу кетганича орқага қайтмади, Кўктой билан кетди. Кетгани яхши бўлди. Агротехникадаги қозоқи итлар уни тинч қўймас эди. Бу томонларда кўпчилик қозоқлар яшарди.

– Бечора, кўзи кўрмас экан, тегирмон ишларини кундузи қилса бўлмайдимми? – деди Омина опам Кўчқор акага ачиниб.

– Кўрмайди-да, шунга кечасими, кундузими у кишига барибир. Кейин тегирмон ҳам кечаси ишлайди, кундузи электр бўлмайди. Ўзи Кўчқор ака зўр одам, карнайнинг тагида ўтириб “Алпомиш”ни ёд олган, – деб мақтаб кўйдим.

– Шунақами? – деб Омина опам орқага қаради. Бу пайтда



xotiralarini aytib bersa, oyim ikkovimiz yig'lab-yig'lab eshitardik. U dadam bilan aka-uka tutinganiga oyim ham u bilan qiyomatli opa-uka tutindi. Oyim uni ukam deb, sensiray boshladi. Ba'zan men, ba'zan oyim unga ovqat yedirib qo'yardik. Bechora tuvak tutishimizdan uyalib judayam kam ovqat yerdi, choy ichmasdi. Ozib-to'zib cho'p bo'lib qolgan edi. Oyim ovqatni dadilroq ye, tortinma, ukajon, deb urishardi. U bo'lsa shu yeganimni ham hazm qilib olsam, opa, yuradigan oyog'im, ishlaydigan qo'lim bo'lmasa, deb zorlanardi. Aytishicha, uning ikkita o'g'li bor ekan, biri to'rt yoshga, biri olti yoshga kirarkan...

Shu payt oldindan bir sharpa biz tomonga kela boshladi. Shoshib chetga chiqib, bir shuvoqning orqasiga pisib oldik. "Kimsan, nima qilib yuribsanlar?" – degan savol-javobdan qochdik. Ammo To'rtko'z sharpa egasini uzoqdanoq tanib, ko'cha o'rtasiga chiqib oldi. U ko'r Qo'chqor aka ekan. Eshakni "xi-xi"lab tegirmondan qaytardi. Ko'pchilik tegirmon ishlarini Qo'chqor akaga ishonar, birov pul, birov un berib rozi qilardi. Agrotexnikda elektr tegirmoni bor edi. Qo'chqor aka qayerda bo'lsa, Ko'ktoy ham o'sha yerda bo'lardi. Ko'ktoy oldinga tushib eshakni boshlar, eshak Qo'chqor akani... Ana, Ko'ktoy ham To'rtko'zni uzoqdan tanib, o'ynoqlab chopa-chopa keldi. Itlar bir-biriga ko'krak urib, ayqashib ketishdi. Qo'chqor aka qopning bir chekkasidan ushlab, lo'k-lo'k qadam tashlaydi.

– Pisib o'tirmay o'ringizdan turavering, Qo'chqor akam baribir ko'rmaydilar, – dedim Omina opamga. Ammo eshagi bizni ko'rib hurkdimi, ishqilib, hangrab yubordi. Boyagina To'rtko'zdan qo'rqib pildir-pis bo'lib qolgan itlar hurib, kechani boshlariga ko'tarishdi. Qayerdadir eshakka eshak hangrab javob berdi. Chor-atrofga ko'rparasini yozib, tinchgina mudrayotgan tunning oromi buzildi. Qo'chqor aka sergak tortib, yon-veriga burilib qaradi-da: "Xi...xe, harom o'lgur", – deb qo'ydi. Qo'chqor aka shundoqqina yonimizdan o'tib ketgach, ko'chaga chiqdik. To'rtko'z shu ketganicha orqaga qaytmadi, Ko'ktoy bilan ketdi. Ketgani yaxshi bo'ldi. Agrotexnikdagi qozoqi itlar uni tinch qo'ymas edi. Bu tomonlarda ko'pchilik qozoqlar yashardi.

– Bechora, ko'zi ko'rmas ekan, tegirmon ishlarini kunduzi qilsa bo'lmaydimi? – dedi Omina opam Qo'chqor akaga achinib.

– Ko'rmaydi-da, shunga kechasimi, kunduzimi u kishiga baribir. Keyin tegirmon ham kechasi ishlaydi, kunduzi elektr bo'lmaydi. O'zi Qo'chqor aka zo'r odam, karnayning tagida o'tirib "Alpomish"ni yod olgan, – deb maqtab qo'ydim.

– Shunaqami? – deb Omina opam orqaga qaradi. Bu paytda Qo'chqor aka oraliq yo'lga kirib ketgan, qorasi ko'rinmasdi. Vaqti

Кўчқор ака оралиқ йўлга кириб кетган, қораси кўринмасди. Вақти келиб Кўчқор ака билан Омина опа ўрталарида ишқий саргузаштлар бўлишини, тўйлар қилиб, улардан бир паҳлавон ўғил дунёга келишини ҳали билмас эдим.

Омина опам узилиб қолган суҳбатни эсидан чиқармаган эканлар, келган жойидан давом эттирдилар:

– Шундай қилиб десанг, укажон, жангчининг бири тўртга, бири олтига кириб қолган ўғиллари бор экан. Уларни бир кўриб, дийдорига тўйиб, кейин ўлсам ҳам майлийди, опа, деб ойимга зорланарди. Ойим ишдан жавоб ололмасди. Артел ҳарбий интизом билан ишларди. Ойим у кишига берилган паёкка нон, каллақанд олиб келар, нонни тўғраб қотирар, қандни беркитиб кўярди. Менга бир чақмоқ ҳам бермасди. Кейин билсам, қотирилган нонни ҳам, қандни ҳам аскарнинг болаларига йиғаётган экан. Бир кун ана шу совға-саломлар ёнига аскарнинг паёгини ҳам кўшиб, ойим йўлга тушди. Бечора аскар тик этса эшикка қараб ўтирди. Гуё хотини иккита ўғлини олиб уйимизга кириб келадигандек. Ойим куп-қуруқ қайтди. Истансада бизни тўхтатган аёл шу кишининг хотини экан. Ўшанда ойим сезиб, аскарни уйимизга олиб келган экан-да. Аёл болаларини отасига кўрсатиш у ёқда турсин, у киши болаларим учун урушда қахрамонларча ҳалок бўлган, бу ҳақда бошқа гап очманг, депти. Аммо ойим олиб борган нарсаларни олиб қопти.

– Мени кечиринг, опа, – деди аскар ўй суриб, – хотиним мендан кўра ақллироқ экан. Оҳ, чорасиз болаларим-а, мени кўриб қай аҳволга тушишини нимага ўйлаб кўрмабман-а?! Мендек бир томошақовоқни улар қандай қилиб ота десин?.. – У юзини ҳали у, ҳали бу тўмтоқ билагига босиб, аччиқ-аччиқ йиғлади.

Шундан кейин аскар бирдан ўзгариб қолди. Кўйлик отада ўтириб тиланчилик қила бошлади. Кўшни болалар аравачасида обориб, олиб келиб қўйишарди. Тиланиб топган пулларини ойимга берар, ойим болаларига ташлаб келарди. Ойимнинг тутинган укаси узоқ яшамади, ўлди. Ҳамма ташвиш у ўлгандан кейин бошланди. Ойимни маҳалла идорасига олиб чиқиб суд қилишди. Қизил аскарнинг паёгини еганликда, тиланчилик қилдириб, бойганликда айблашди. Ойим аскарни ҳар доим ўзининг дастурхонидан едириб-ичирганини, паёгини ҳам, тиланчиликдан топган пулларини ҳам болаларига элтиб берганини айтди. Судга келганлар орасида ойимни ёқлаганлар бўлди. Лекин бу гаплар қанчалик рост-ёлғонлигини билиш учун аскарнинг хотинини чақирадиган бўлишди. Суд бошқа кунга қолдирилди. Судловчи ойимдан у хо-

kelib Qo'chqor aka bilan Omina opa o'rtalarida ishqiy sarguzashtlar bo'lishini, to'ylar qilib, ulardan bir pahlavon o'g'il dunyoga kelishini hali bilmas edim.

Omina opam uzilib qolgan suhbatni esidan chiqarmagan ekanlar, kelgan joyidan davom ettirdilar:

– Shunday qilib desang, ukajon, jangchining biri to'rtga, biri oltiga kirib qolgan o'g'illari bor ekan. Ularni bir ko'rib, diydoriga to'yib, keyin o'lsam ham mayliydi, opa, deb oyimga zorlanardi. Oyim ishdan javob ololmasdi. Artel harbiy intizom bilan ishlardi. Oyim u kishiga berilgan payokka non, kalla qand olib kelar, nonni to'g'rab qotirar, qandni berkitib qo'yardi. Menga bir chaqmoq ham bermasdi. Keyin bilsam, qotirilgan nonni ham, qandni ham askarning bolalariga yig'ayotgan ekan. Bir kuni ana shu sovg'a-salomlar yoniga askarning payogini ham qo'shib, oyim yo'lga tushdi. Bechora askar tiq etsa eshikka qarab o'tirdi. Go'yo xotini ikkita o'g'lini olib uyimizga kirib keladigandek. Oyim qup-quruq qaytdi. Istansada bizni to'xtatgan ayol shu kishining xotini ekan. O'shanda oyim sezib, askarni uyimizga olib kelgan ekan-da. Ayol bolalarini otasiga ko'rsatish u yoqda tursin, u kishi bolalarim uchun urushda qahramonlarcha halok bo'lgan, bu haqda boshqa gap ochmang, depti. Ammo oyim olib borgan narsalarni olib qopti.

– Meni kechiring, opa, – dedi askar o'y surib, – xotinim mendan ko'ra aqlliroq ekan. Oh, chorasiz bolalarim-a, meni ko'rib qay ahvolga tushishini nimaga o'ylab ko'rmabman-a?! Mendek bir tomoshaqovoqni ular qanday qilib ota desin?.. – U yuzini hali u, hali bu to'mtoq bilagiga bosib, achchiq-achchiq yig'ladi.

Shundan keyin askar birdan o'zgarib qoldi. Qo'yliq otada o'tirib tilanchilik qila boshladi. Qo'shni bolalar aravachasida oborib, olib kelib qo'yishardi. Tilanib topgan pullarini oyimga berar, oyim bolalariga tashlab kelardi. Oyimning tutingan ukasi uzoq yashamadi, o'ldi. Hamma tashvish u o'lgandan keyin boshlandi. Oyimni mahalla idorasiga olib chiqib sud qilishdi. Qizil askarning payogini yeganlikda, tilanchilik qildirib, boyiganlikda ayblashdi. Oyim askarni har doim o'zining dasturxonidan yedirib-ichirganini, payogini ham, tilanchilikdan topgan pullarini ham bolalariga eltib berganini aytdi. Sudga kelganlar orasida oyimni yoqlaganlar bo'ldi. Lekin bu gaplar qanchalik rost-yolg'onligini bilish uchun askarning xotini chaqiradigan bo'lishdi. Sud boshqa kunga qoldirildi. Sudlovchi oyimdan u xotinning turar joyini so'rab oldi. Boshqa bir kuni yana mahalla idorasiga to'plandik. Oyim har doimgidek xotirjam edi.

тиннинг турар жойини сўраб олди. Бошқа бир куни яна маҳалла идорасига тўпландик. Ойим ҳар доимгидек хотиржам эди. Ўша хотин келган экан. У кутилмаганда ойимни “Кўрмаганман, танимайман”, – деб туриб олди. Ойим ҳеч нимани далиллаб бера олмади. Тутинган укаси ўлиб кетган бўлса... Ҳақиқат охиратга қолди. Уй-жойларимизни мусодара қилиб, бизни шаҳардан ташқарига итоб (сургун) қилишди. Шундай қилиб бу ёқларга келиб қолганмиз, укажон.

– У хотин жудаям-жудаям ёмон хотин экан-а, Омина опа? – дедим ичим ачиб.

– Менам ўшанда ойимга худди шундай деган эдим. Ойим бўлса у хотиннинг ёнини олган эдилар. У шундай демаганида қамалиб, болалари кўчада қолиб кетаркан. Ногирон жангчилардан юз ўгирганларни ватан хоини деб жазога тортишаркан.

– Унда айбдор ким бўлади, Омина опа?

– Ўшанда менам ойимдан худди шундай деб сўраган эдим.

– Тузчи холам нима деган эдилар?

– Айбдори уруш, уруш ўлсин, уруш бўлмаганда, бу кўргиликларнинг бирортаси ҳам бўлмасди, деган эдилар.

Ҳа, бу гапни мен Ача холамдан ҳам, Мужгон опамдан ҳам, Омонжон тоғадан ҳам, Яхши амакидан ҳам эшитган эдим...

Мен учун бу кеча энг узун кеча бўлди. Омина опамга Агротехникадаги етти йиллик мактаб, ёзги клуб, колхоз идораси, охирида сақичли йўлни кўрсатдим. У киши чор-атрофни худди кундузгидек ҳайратга тушиб томоша қиларди. Айниқса, сақичли йўлга кафтларини босиб-босиб кўрди, у ёқдан бу ёққа ёш боладек ялангоёқ юрди. Шунда билдимки, бошқалар Омина опамга қараганда минг карра бахтли экан. Кўчаларда хоҳлаган пайтида, хоҳлаганича юра олади, хоҳлаган нарсаларини кўра олади. Омина опам бўлса...

Тунги саёҳатимиз кўнгилдагидек ўтиб, орқага қайтаётган эдик, кутилмаганда қишки клуб қоровули олдимиздан чиқиб қолди. Икки томон қоронғида бир-биримизга тикилиб қопмиз. Худди ўғирлик қилиб қўлга тушгандек. Қоровул бирданига ўгирилиб, орқа-олдига қарамай лапанглаб қоча бошлади. Бўлмаса елкасида милтиғи турибди. Ўзимни тўхтата олмай кулиб юбордим.

– Жим, – деди Омина опам, – юр, кетдик бу ердан.

Омина опам олдинга тушиб, худди коптокдек сакраб-сакраб кета бошлади. Аммо кўп юрмай рўпарамиздан битта отлиқ чиқиб бизга яна мушкуллик туғдирди. Бекинадиган жой йўқ, кўча четига ўтдик-да, жим туравердик. От бизга етмаёқ ҳуркиб тўхтади. “Чў жонивор, чў...” Овозидан танидим, кассир Абдуллажон ака. От пирқиллаб, тайсаллай бошлади. “Ҳой, кимсан, инсмисан, жинсмисан, қоч йўлдан...” “Бизмиз, Абдуллажон ака”, – деганимни била-

O'sha xotin kelgan ekan. U kutilmaganda oyimni "Ko'rmaganman, tanimayman", – deb turib oldi. Oyim hech nimani dalillab bera olmadi. Tutingan ukasi o'lib ketgan bo'lsa... Haqiqat oxiratga qoldi. Uy-joylarimizni musodara qilib, bizni shahardan tashqariga itob (surgun) qilishdi. Shunday qilib bu yoqlarga kelib qolganmiz, ukajon.

– U xotin judayam-judayam yomon xotin ekan-a, Omina opa? – dedim ichim achib.

– Menam o'shanda oyimga xuddi shunday degan edim. Oyim bo'lsa u xotinning yonini olgan edilar. U shunday demaganida qamalib, bolalari ko'chada qolib ketarkan. Nogiron jangchilardan yuz o'g'irganlarni vatan xoini deb jazoga tortisharkan.

– Unda aybdor kim bo'ladi, Omina opa?

– O'shanda menam oyimdan xuddi shunday deb so'ragan edim.

– Tuzchi xolam nima degan edilar?

– Aybdori urush, urush o'lsin, urush bo'lmaganda, bu ko'rgiliklarning birortasi ham bo'lmasdi, degan edilar.

Ha, bu gapni men Acha xolamdan ham, Mujgon opamdan ham, Omonjon tog'adan ham, Yaxshi amakidan ham eshitgan edim...

Men uchun bu kecha eng uzun kecha bo'ldi. Omina opamga Agrotexnikdagi yetti yillik maktab, yozgi klub, kolxoz idorasi, oxirida saqichli yo'lni ko'rsatdim. U kishi chor-atrofnı xuddi kunduzgidek hayratga tushib tomosha qilardi. Ayniqsa, saqichli yo'lga kaftlarini bosib-bosib ko'rdi, u yoqdan bu yoqqa yosh boladek yalangoyoq yurdi. Shunda bildimki, boshqalar Omina opamga qaraganda ming karra baxtli ekan. Ko'chalarda xohlagan paytida, xohlaganicha yura oladi, xohlagan narsalarini ko'ra oladi. Omina opam bo'lsa...

Tungi sayohatimiz ko'ngildagidek o'tib, orqaga qaytayotgan edik, kutilmaganda qishki klub qorovuli oldimizdan chiqib qoldi. Ikki tomon qorong'ida bir-birimizga tikilib qopmiz. Xuddi o'g'irlik qilib qo'lga tushgandek. Qorovul birdaniga o'girilib, orqa-oldiga qaramay lapanglab qocha boshladi. Bo'lmasa yelkasida miltig'i turibdi. O'zimni to'xtata olmay kulib yubordim.

– Jim, – dedi Omina opam, – yur, ketdik bu yerdan.

Omina opam oldinga tushib, xuddi koptokdek sakrab-sakrab keta boshladi. Ammo ko'p yurmay ro'paramizdan bitta otliq chiqib bizga yana mushkullik tug'dirdi. Bekinadigan joy yo'q, ko'cha chetiga o'tdik-da, jim turaverdik. Ot bizga yetmayoq hurkib to'xtadi. "Cho' jonivor, cho'..." Ovozidan tanidim, kassir Abdullajon aka. Ot pirqillab, taysallay boshladi. "Hoy, kimsan, insmisan, jinsmisan, qoch yo'ldan..." "Bizmiz, Abdullajon aka", – deganimni bilaman, birdan otiga qamchi

ман, бирдан отига қамчи уриб, ёнимиздан шамолдек ўтиб кетди. Қишки клуб томондан ўқ овози эшитилди. Қоровулнинг елкасида милтиғи борлиги энди эсига тушди, шекилли. Итлар акиллаб, қишлоқни бошларига кўтарди. Биз қандай қилиб уйга етиб келганимизни ҳам билмай қолдик. Нима бўлганда ҳам Омина опам хурсанд, мен қаттиқ чарчаган эдим...

Эртасига миш-миш тарқалди: Агротехник кўчаларида она-бола жинлар изғиб қолганмиш. Онаси филдекмиш, боласи каттакон хумдекмиш. Клуб қоровули: “Ҳап сенларними”, – деб отган экан, ўқи орқасига қайтиб, ўзи бир ўлимдан қопти. Кассир Абдуллажонни: “Абдуллажон, Абдуллажон”, – деб энди аврай бошлашган экан, оти қутқариб қопти. Жинлар отнинг девидан кўрқар экан. Миш-мишларга қараганда, жинлар бизнинг қишлоқ томонларга ўтиб кетганмиш...

Бу гапларни эшитган Омина опам тунги сайрни ҳам Худо менга кўп кўрди, деб аччиқ-аччиқ йиғлади...

ҚИШЛОҚ БОЛАЛАРИ

Ўқишлар тугаб, болалар ёзги таътилга чиққандан кейин улар билан тил топишиб, қалин дўст бўлиб кетдим. Бунга Каримбой чолга қарашиб юрганларим сабаб бўлди. Болалар мен билан яқинлашгач, Каримбой чол билан ҳам яқинлашишди, отларни чўмилтиришади, чоптириб, оёғининг чигалини ёзишади. Каримбой чол энди уларни баттол демайди. Биз кўпинча отларга яқинлашганда чолга ёқмайдиган ҳаракатлар қилиб қўямиз. Бунга кўриб Каримбой чолнинг жағи очилади. “Ҳов гўсала (бузоқ демоқчи), отнинг орқасидан келмайдилар, нима, сен бўри-ваччамисан, орқадан келасан. Нақ бир тепиб, бошингнинг қопқоғини очиб қўяди-я...”

Каримбой чолнинг айтишича, ҳар бир отнинг ўз кўрғони, унинг кирар ва чиқар эшиги бор. Эшиги отнинг чап тарафида бўлади. Бисмиллоҳ айтиб, ўша тарафдан кириш, чиққанда ҳам ўша тарафдан чиқиш керак. Кирганда чап оёқ узангига қўйилиб, ўнг оёқ отнинг устидан оширилади. Ана ундан кейин отнинг деви одамга бўйсунди. Бўлмаса от одамни йиқитиб, гадой топмас жойларга ташлаб кетади.

– Белингиз ўшанақада бўлганми? – сўраймиз букрилигига ишора қилиб.

– Ҳа, ўшанақада бўлган, – деб хўрсинади Каримбой чол ва эгилиб қолган қаддини ростламоқчи бўлади, аммо бунинг иложи йўқлигини ўзи ҳам, биз ҳам биламиз. – Айб ўзимдан ўтган, – деб

urib, yonimizdan shamoldek o'tib ketdi. Qishki klub tomondan o'q ovozi eshitildi. Qorovulning yelkasida miltig'i borligi endi esiga tushdi, shekilli. Itlar akillab, qishloqni boshlariga ko'tardi. Biz qanday qilib uyga yetib kelganimizni ham bilmay qoldik. Nima bo'lganda ham Omina opam xursand, men qattiq charchagan edim...

Ertasiga mish-mish tarqaldi: Agrotexnik ko'chalarida ona-bola jinlar izg'ib qolganmish. Onasi fildekmish, bolasi kattakon xumdekmish. Klub qorovuli: "Hap senlarnimi", – deb otgan ekan, o'qi orqasiga qaytib, o'zi bir o'limdan qopti. Kassir Abdullajonni: "Abdullajon, Abdullajon", – deb endi avray boshlashgan ekan, oti qutqarib qopti. Jinlar otning devidan qo'rqar ekan. Mish-mishlarga qaraganda, jinlar bizning qishloq tomonlarga o'tib ketganmish...

Bu gaplarni eshitgan Omina opam tungi sayrni ham Xudo menga ko'p ko'rdi, deb achchiq-achchiq yig'ladi...

QISHLOQ BOLALARI

O'qishlar tugab, bolalar yozgi ta'tilga chiqqandan keyin ular bilan til topishib, qalin do'st bo'lib ketdim. Bunga Karimboy cholga qarashib yurganlarim sabab bo'ldi. Bolalar men bilan yaqinlashgach, Karimboy chol bilan ham yaqinlashishdi, otlarni cho'miltirishadi, choptirib, oyog'ining chigalini yozishadi. Karimboy chol endi ularni battol demaydi. Biz ko'pincha otlarga yaqinlashganda cholga yoqmaydigan harakatlar qilib qo'yamiz. Buni ko'rib Karimboy cholning jag'i ochiladi. "Hov go'sala (buzoq demoqchi), otning orqasidan kelmaydilar, nima, sen bo'rivachchamisan, orqadan kelasan. Naq bir tepib, boshingning qopqog'ini ochib qo'yadi-ya..."

Karimboy cholning aytishicha, har bir otning o'z qo'rg'oni, uning kirar va chiqar eshigi bor. Eshigi otning chap tarafida bo'ladi. Bismilloh aytib, o'sha tarafdin kirish, chiqqanda ham o'sha tarafdin chiqish kerak. Kirganda chap oyoq uzangiga qo'yilib, o'ng oyoq otning ustidan oshiriladi. Ana undan keyin otning devi odamga bo'ysunadi. Bo'lmasa ot odamni yiqitib, gadoy topmas joylarga tashlab ketadi.

– Belingiz o'shanaqada bo'lganmi? – so'raymiz bukriligiga ishora qilib.

– Ha, o'shanaqada bo'lgan, – deb xo'rsinadi Karimboy chol va egilib qolgan qaddini rostlamogchi bo'ladi, ammo buning iloji yo'qligini o'zi ham, biz ham bilamiz. – Ayb o'zimdan o'tgan, – deb ihrab qo'yadi u, – qizitaloqni... Bo'za ichib ot minganman-da, – deb

иҳраб қўяди у, – қизиталоқни... Бўза ичиб от минганман-да, – деб кўзлари гуноҳқордек жавдирайди. – Отнинг деви бўзахўрларни ёмон кўришини мен қаердан билибман, палакат...

У гапдан тўхтаб, бир зум ўйланиб қолади. Кейин жаҳл билан кўкрагига гурс-гурс уриб, давом этади:

– Йў-ў-ў-қ, нима қиламан Худониям, сенларниям алдаб... Бўзани билиб туриб ичганман, ҳа, ҳа, билиб туриб ўлгудек бўкиб ичганман-да. Каллаварам, аҳмоқ бўлмасам от ҳақида Куръонда оят келганини отамдан эшитиб туриб ҳам ичаманми? Отам Маллабойнинг отларини боқарди. Отамга қарашиб юрардим. Лекин отбоқар бўлмайман деб отамни хафа қилардим. Ёш бўлганман-да, бўлмаса отбоқарнинг нонини еб, отбоқар бўлмайман дейманми мен палакат? Худо менга кўрсатди. Охири отбоқарликдан бошқасига ярамай қолдим, мана шу...

Бунақа суҳбатлар бизни Каримбой чол билан янаям яқинлаштиради. Қадрдон бўлиб қоламиз, қадрдонки, ҳечам ажрамайдиган. Буни болаларнинг беда ўғирламай қўйганидан ҳам билса бўлади. Аммо Каримбой чол ҳаммамиз билан чиқишсаям, Убай билан чиқишмайди. Очиқдан-очиқ уни ёмон кўради. Убай ҳам шунга яраша чолдан ўзини тортиб юради. Бўлмаса улар шундоққина ертўла кўшни. Убайнинг отаси урушдан қайтиб келмаган, онаси билан яшайди. Бир хуни икковимиз ёлғиз қолганимизда Убай менга Пошшахон ҳақида жуда ёмон гап қилди...

– Каримбой чолнинг хотини Пошшахоннинг ўйнаши бор, у енгилтак хотинлардан...

Убайнинг гапи оғзида қолди, ўйлаб-нетиб ўтирмай унга ташланиб қолдим. Кучим етмаслигини билсам ҳам шундай қилдим. Ахир, Пошшахон ҳақида бунақа гапларни айтиб бўладими? Убай мени бир силтаб ерпарчин қилди.

– Ўз кўзим билан кўрдим, эшитяпсанми, мана шу кўзларим билан, – деб важоҳат билан тепамга энгашди у.

Аламимдан ёлғон, деб башарасига тупуриб юбордим. Энди Убай мени уриб ўлдирса керак, деб ўйлаб, кўзларимни чирт юмиб олдим. Аммо ундай бўлмади. Қарасам, у юзини билагига артиб:

– Қанийди ёлғон бўлса, – деб бақириб берди, кейин ёнимга дўқ этиб ўтирди. Менам ётган жойимдан туриб ўтирдим. Эшитган қулоқларимга ишонмай, ўзимга сиғмай борардим. Нимагадир Убайнинг мени аямай дўппослашини хоҳлардим. Анави гапни эшитгандан дўппосланиш минг марта яхшидек туюларди. Ойижонимга ўхшатиб юрганим Пошшахон бирданига... Убайнинг важоҳатидан у ёлғон гапирмаётгани сезилиб турарди.

– Мен уни ўлдираман, – деди Убай иккала муштини ҳавода ўйнатиб.

ko'zlari gunohkordek javdiraydi. – Otning devi bo'zaxo'rlarni yomon ko'rishini men qayerdan bilibman, palakat...

U gapdan to'xtab, bir zum o'ylanib qoladi. Keyin jahl bilan ko'kragiga gurs-gurs urib, davom etadi:

– Yo'oo'q, nima qilaman Xudoniyam, senlarniyam aldab... Bo'zani bilib turib ichganman, ha, ha, bilib turib o'lgudek bo'kib ichganman-da. Kallavaram, ahmoq bo'lmasam ot haqida Qur'onda oyat kelganini otamdan eshitib turib ham ichamanmi? Otam Mallaboyning otlarini boqardi. Otamga qarashib yurardim. Lekin otboqar bo'lmayman deb otamni xafa qilardim. Yosh bo'lganman-da, bo'lmasa otboqarning nonini yeb, otboqar bo'lmayman deymanmi men palakat? Xudo menga ko'rsatdi. Oxiri otboqarlikdan boshqasiga yaramay qoldim, mana shu...

Bunaqa suhbatlar bizni Karimboy chol bilan yanayam yaqinlashtiradi. Qadrdon bo'lib qolamiz, qadrdonki, hecham ajramaydigan. Buni bolalarning beda o'g'irlamay qo'yganidan ham bilsa bo'ladi. Ammo Karimboy chol hammamiz bilan chiqishsayam, Ubay bilan chiqishmaydi. Ochiqdan ochiq uni yomon ko'radi. Ubay ham shunga yarasha choldan o'zini tortib yuradi. Bo'lmasa ular shundoqqina yerto'la qo'shni. Ubayning otasi urushdan qaytib kelmagan, onasi bilan yashaydi. Bir kuni ikkovimiz yolg'iz qolganimizda Ubay menga Poshshaxon haqida juda yomon gap qildi...

– Karimboy cholning xotini Poshshaxonning o'ynashi bor, u yengiltak xotinlardan...

Ubayning gapi og'zida qoldi, o'ylab-netib o'tirmay unga tashlanib qoldim. Kuchim yetmasligini bilsam ham shunday qildim. Axir, Poshshaxon haqida bunaqa gaplarni aytib bo'ladimi? Ubay meni bir siltab yerparchin qildi.

– O'z ko'zim bilan ko'rdim, eshityapsanmi, mana shu ko'zlarim bilan, – deb vajohat bilan tepamga engashdi u.

Alamimdan yolg'on, deb basharasiga tupurib yubordim. Endi Ubay meni urib o'ldirsa kerak, deb o'ylab, ko'zlarimni chirt yumib oldim. Ammo unday bo'lmadi. Qarasam, u yuzini bilagiga artib:

– Qaniydi yolg'on bo'lsa, – deb baqirib berdi, keyin yonimga do'q etib o'tirdi. Menam yotgan joyimdan turib o'tirdim. Eshitgan quloqlaringa ishonmay, o'zimga sig'may borardim. Nimagadir Ubayning meni ayamay do'pposlashini xohlardim. Anavi gapni eshitgandan do'pposlanish ming marta yaxshidek tuyulardi. Oyi-jonimga o'xshatib yurganim Poshshaxon birdaniga... Ubayning vajohatidan u yolg'on gapirmayotgani sezilib turardi.

– Men uni o'ldiraman, – dedi Ubay ikkala mushtini havoda o'ynatib.

– Пошшахонними? – томоғимга бир нарса тиқилгандек бўлди. Убайдан ҳар ишни кутса бўларди.

– Икковиниям.

– Буни яна ким билади, Убай? – Пошшахоннинг қишлоқда гап-сўз бўлиб кетишини хоҳламаётган эдим.

– Сендан бошқа ҳеч ким билмайди, бировга айтсанг каллангни оламан, гап ёйилса йиғолмайсан, бола. Мен қишлоғимизни исла-вотхона қилдириб қўймайман, мана кўрасан.

– Нимага унда менга айтдинг, Убай?

– Сен у хотинни ойинга ўхшатишингни биламан, ундан нари юр, наҳси уради.

Беихтиёр ўйинбошимиз Турсунбойни эсладим. Убай билан иккови бир-бирига жудаям ўхшаб кетарди.

Юрсам ҳам, турсам ҳам Пошшахонни ўйлайдиган бўлиб қолдим. Наҳотки?... Каримбой чолнинг хотинига бепарволигидан жаҳлим чиқарди. Ахир, уйига бормаи, кечаю кундуз бедапояда ётса... Хотини бошқалар билан ўйнашиб юрса, буни қандай тушунса бўлади?

Убай сигирини болаларга топшириб, ўзи тез-тез йўқ бўлиб қоладиган одат чиқарди. Билардим, у Пошшахоннинг ўйнашини пойларди.

Бу ўртада Надим темирчи қуртдан бўшаган уйимизга кўчиб ўтди. Унинг битта буклама каравотию тагига солиб ётадиган пўстинидан бўлак ҳеч вақоси йўқ экан. Темирчининг ёрдамида чайлани қуриб олдик-да, пастга тушиб кетдик. Овқат қилсак, аммам унга ҳам бир косада илинади. Бу пайтда темирчи товада бир бош пиёзни ёғда қовуриб, нон билан еб ўтирган бўлади. Унинг дастурхонида ҳар хил нонлар бўлади: зоғора нон, кўмач нон, арпа нон... Қишлоқ одамлари кетмон, болта ўткирлатиб, пул ўрнига нон ташлаб кетишади. У ўша нонлардан бизга ҳам илинади. Косамизни қуруқ қайтармайди. Сигиримга ҳалқачали темир қозиқ ясаб берди. Уни менга беришдан олдин бўйи баробар кўтариб, кўзимни ўйнатиб, жингиллатиб турди. Мен уни оламан деб нуқул тепага сакрайман. У бўлса етсанг оласан, етмасанг йўқ, деб кулади. Ҳатто раиснинг ўғли Илҳомда ҳам бунақа темир қозиқ йўқ...

Надим темирчининг айтишича, унинг ватани Қрим бўлиб, Қора денгиз бўйидаги Алушта деган қишлоқда яшаган экан. Отаси катта савдогар экан, Туркияга қатнаб юраркан. Ленин инқилоб қилганда Туркияда сафарда экан. Ватанига қайтмабди. Надим онаси билан қопти. Уй-жойларини савдогар бой деб мусодара қилишибди. Она-болани бошқаларга қўшиб Қрим чўлларига сур-

– Poshshaxonimi? – tomog'imga bir narsa tiqilgandek bo'ldi. Ubaydan har ishni kutsa bo'lardi.

– Ikkoviniyam.

– Buni yana kim biladi, Ubay? – Poshshaxonning qishloqda gap-so'z bo'lib ketishini xohlamayotgan edim.

– Sendan boshqa hech kim bilmaydi, birovgga aytsang kallangni olaman, gap yoyilsa yig'olmayсан, bola. Men qishlog'imizni islavotxona qildirib qo'ymayman, mana ko'rasan.

– Nimaga unda menga aytding, Ubay?

– Sen u xotinni oyingga o'xshatishingni bilaman, undan nari yur, nahsi uradi.

Beixtiyor o'yinboshimiz Tursunboyni esladim. Ubay bilan ikkovi bir-biriga judayam o'xshab ketardi.

Yursam ham, tursam ham Poshshaxonni o'ylaydigan bo'lib qoldim. Nahotki?.. Karimboy cholning xotiniga beparvoligidan jahlim chiqardi. Axir, uyiga bormay, kecha-yu kunduz bedapoyada yotsa... Xotini boshqalar bilan o'ynashib yursa, buni qanday tushunsa bo'ladi?

Ubay sigirini bolalarga topshirib, o'zi tez-tez yo'q bo'lib qoladigan odat chiqardi. Bilardim, u Poshshaxonning o'ynashini poylardi.

Bu o'rtada Nadim temirchi qurtdan bo'shagan uyimizga ko'chib o'tdi. Uning bitta buklama karavoti-yu tagiga solib yotadigan po'stinidan bo'lak hech vaqosi yo'q ekan. Temirchining yordamida chaylani qurib oldik-da, pastga tushib ketdik. Ovqat qilsak, ammam unga ham bir kosada ilinadi. Bu paytda temirchi tovada bir bosh piyozni yog'da qovurib, non bilan yeb o'tirgan bo'ladi. Uning dasturxonida har xil nonlar bo'ladi: zog'ora non, ko'mach non, arpa non... Qishloq odamlari ketmon, bolta o'tkirlatib, pul o'rniga non tashlab ketishadi. U o'sha nonlardan bizga ham ilinadi. Kosamizni quruq qaytarmaydi. Sigirimga halqachali temir qoziq yasab berdi. Uni menga berishdan oldin bo'yi barobar ko'tarib, ko'zimni o'ynatib, jingillatib turdi. Men uni olaman deb nuqul tepaga sakrayman. U bo'lsa yetsang olasan, yetmasang yo'q, deb kuladi. Hatto raisning o'g'li Ilhomda ham bunaqa temir qoziq yo'q...

Nadim temirchining aytishicha, uning vatani Qrim bo'lib, Qora dengiz bo'yidagi Alushta degan qishloqda yashagan ekan. Otasi katta savdogar ekan, Turkiyaga qatnab yurarkan. Lenin inqilob qilganda Turkiyada safarda ekan. Vatanga qaytmabdi. Nadim onasi bilan qopti. Uy-joylarini savdogar boy deb musodara qilishibdi. Ona-bolani boshqalarga qo'shib Qrim cho'llariga surgun qilibdi. Yo'lda haydab ketishayotganda Nadim bir soqchini o'ldirib, kiyimini kiyib, kasal onasini opichib dengiz bo'yidagi bir g'orga bekinibdi.

гун қилибди. Йўлда ҳайдаб кетишаётганда Надим бир соқчини ўлдириб, кийимини кийиб, касал онасини опичиб денгиз бўйидаги бир ғорга бекинибди. Надим денгиздан балиқ, чиғаноқ овлаб онасини боқаркан. Қиш тушиб, денгиздан балиқ овлашнинг иложи қолмабди. Шунда бир куни нима қилишини билмай денгиз бўйидаги харсанг тош устида ўтирса, сувдан чақалоқ йиғиси эшитилибди. Ҳайрон бўлиб қараса, дельфин экан. У оғзида бир балиқни тишлаб қирғоққа отибди. Надим турган жойида худди одамга қуллуқ қилгандек дельфинга уч бор букилиб, қуллуқ қилти. Шундай қилиб, дельфин она-болани қиш бўйи боқиб чиқибди. Аммо онаси тузалмас дардга чалинган экан, ўлибди. Уни ғорга кўмибди. Ҳар куни дельфин келадиган вақтда тош устига яна чиқиб ўтирибди. Дельфин келибди, бироқ бошқа балиқ ташламабди. Бу иззатинг битди, онанг ўлди, энди ўз кунингни ўзинг кўр, дегани экан. Надим денгиз бўйидаги ёғочсозлик, темирчилик устахоналарида ишлабди. Бола-чақа қилмабди. Гитлер уруш бошлаганда Сталин Қримдаги ҳамма аҳолини бир кунда урушдан кейин қайтариш шарти билан турли томонларга бадарға қилиб юборибди. Шунда Надим темирчи ватандошларига қўшилиб бизнинг қишлоққа келиб қопти. Ваъдага биноан юртларига қайтишни сўраб Московга тез-тез хатлар ёзишяпти экан... Орқага қайтармагунларича Московга ёзаверишармиш, ёзаверишармиш...

– Дельфин нима? – деб сўрадим ундан.

– Дельфинми, дельфин – одамбалиқ.

– Онангиз ўлганини қандай билди ё сиз айтдингизми?

– Одамбалиқ шундайки, у денгиз остидаги, денгиз устидаги, денгиз бўйидаги ҳамма нарсаларни билиб туради... Шунақа ажойиб жонивор...

Мен денгизларда ҳам Паризодга ўхшаган, Чечан отга ўхшаган жониворлар яшашини ўйлаб қолдим...

САРУПОЛИК БЎЛИБ ҚОЛГАНИМИЗ

Колхозга тез-тез докладчилар келиб туради. Уларни лектор дейишади. Одам кўпайсинга биз болаларни ҳам дала шийпони-га ҳайдаб боришади. Ярим яланғоч, қирқ ямоқ иштонларда олдинги қаторда чордана қуриб ўтираемиз. Икки кўзимиз лекторда. У соябонли похол шляпа кийган, кўзида қора кўзойнак, устида оқ кўйлак, оқ шим, оёғида оқ брезент туфли. Болалар орасида шивир-шивир бошланади.

– Булар, – деб лекторни кўрсатаман мен, – сотсалузм деган жойдан келишади. У ёқда бунақа кийим-кечаклар, қора кўзойнаклар одамларнинг оёғининг тагида сочилиб ётади...

Nadim dengizdan baliq, chig'anoq ovlab onasini boqarkan. Qish tushib, dengizdan baliq ovlashning iloji qolmabdi. Shunda bir kuni nima qilishini bilmay dengiz bo'yidagi xarsang tosh ustida o'tirsa, suvdan chaqaloq yig'isi eshitilibdi. Hayron bo'lib qarasa, delfin ekan. U og'zida bir baliqni tishlab qirg'oqqa otibdi. Nadim turgan joyida xuddi odamga qulluq qilgandek delfinga uch bor bukilib, qulluq qipti. Shunday qilib, delfin ona-bolani qish bo'yi boqib chiqibdi. Ammo onasi tuzalmas dardga chalingan ekan, o'libdi. Uni g'orga ko'mibdi. Har kuni delfin keladigan vaqtda tosh ustiga yana chiqib o'tiribdi. Delfin kelibdi, biroq boshqa baliq tashlamabdi. Bu izzating bitdi, onang o'ldi, endi o'z kuningni o'zing ko'r, degani ekan. Nadim dengiz bo'yidagi yog'ochsozlik, temirchilik ustaxonalarida ishlabdi. Bola-chaqa qilmabdi. Gitler urush boshlaganda Stalin Qrimdagi hamma aholini bir kunda urushdan keyin qaytarish sharti bilan turli tomonlarga badarg'a qilib yuboribdi. Shunda Nadim temirchi vatandoshlariga qo'shilib bizning qishloqqa kelib qopti. Va'daga binoan yurtlariga qaytishni so'rab Moskovga tez-tez xatlar yozishyapti ekan... Orqaga qaytarmagunlaricha Moskovga yozaverisharmish, yozaverisharmish...

– Delfin nima? – deb so'radim undan.

– Delfinmi, delfin – odambaliq.

– Onangiz o'lganini qanday bildi yo siz aytdingizmi?

– Odambaliq shundayki, u dengiz ostidagi, dengiz ustidagi, dengiz bo'yidagi hamma narsalarni bilib turadi... Shunaqa ajoyib jonivor...

Men dengizlarda ham Parizodga o'xshagan, Chechan otga o'xshagan jonivorlar yashashini o'ylab qoldim...

SARUPOLIK BO'LIB QOLGANIMIZ

Kolxozga tez-tez dokladchilar kelib turadi. Ularni lektor deyishadi. Odam ko'paysinga biz bolalarni ham dala shiyponiga haydab borishadi. Yarim yalang'och, qirq yamoq ishtonlarda oldingi qatorda chordana qurib o'tiramiz. Ikki ko'zimiz lektorda. U soyabonli poxol shlyapa kiygan, ko'zida qora ko'zoynak, ustida oq ko'ylak, oq shim, oyog'ida oq brezent tufli. Bolalar orasida shivir-shivir boshlanadi.

– Bular, – deb lektorni ko'rsataman men, – sotsaluzm degan joydan kelishadi. U yoqda bunaqa kiyim-kechaklar, qora ko'zoynaklar odamlarning oyog'ining tagida sochilib yotadi...

– Кўшнимиз “Сотсалузм” дами? – сўрайди Зайниддин кўзлари пирпираб. Кўшни колхознинг номи “Сотсализм”.

– Йў-ўқ, у колхозам бизга ўхшаган бечора, мен айтган жой бошқа жой.

– Узоқми у?

– Ана, ўзидан сўра, у ўша ёқдан келган-ку, – деб лекторни кўрсатаман.

– Қани, болалар, бирпас жим бўлинглар-чи, – деб лектор докладини сотсализм сўзи билан бошлайди. “Социализмда ҳамма нарса ўртада бўлади, сеники, меники деган гаплар бўлмайди”. Мен эшитяпсанми дегандек Зайниддинни туртиб қўйдим. У ҳойнаҳой ўша сеники, меники деган гаплар бўлмайдиган сотсализм ҳақида хаёл суриб ўтирган эканми, чўчиб тушди.

Ниҳоят, лектор докладини тугатди, бошидаги шляпасини бир қўлига олиб, иккинчи қўли билан қоп-қора силлиқ сочларини силаб-силаб, шляпасини яна қайтиб кийди. Эснаб ўтирган биз болаларга ачингандек қараб:

– Саволлар борми? – деди.

Мен Зайниддинни кўрсатдим:

– Мановининг саволи бор.

Зайниддин уялиб, бошини яланғоч қорни устига қўйди.

– Қани, қани, эштайлик-чи? – деди лектор қизиқиб. – Ҳурматли колхозчилар, унда-мунда саволлар ҳам бўлиб турсин-да...

– Ҳа, сўрай қол, болам, сўрай қол, айланайин сендан, – деб партком Сирож тоға Зайниддинни қистади.

– Бўлсанг-чи, – деб уни туртиб қўйдим.

– Ўзинг сўрай қол, болам, ҳа, ўзинг, – энди мени қистади Сирож тоға.

– Ҳалиги, – дедим-у, ўзим ҳам тутилиб қолдим. Бир осмонга, бир ерга қарайман, холос. Зайниддин қалай бўларкан дегандек секингина болдиримни ўймалаб олди.

– Хўш, хўш... Шошилма, болам, саволларнинг энг зўри шуларда бўлади-да, лектор акаси. Булар ленинчи авлод, келажагимиз, ахир...

– Сиз айтган ўша қаерда? – дея олдим зўрға.

– Нимани сўраяпсан? – ҳайрон бўлди лектор.

– Сот-со-лузм. Қаерда, ўшани сўраяпман, – дадиллашдим мен. Бирдан ўтирганлар кулиб юборишди. Бошқалардан ҳам кўра лектор акамиз маза қилиб кулди.

– Жуда яхши, – деди у терлаган юз-кўзларини тахи бузилмаган рўмолчаси билан артар экан, – қаердалигини айтсам нима қилмоқчисан?

– Qo'shnimiz "Sotsaluzim"dami? – so'raydi Zayniddin ko'zlari pırpırab. Qo'shni kolxozning nomi "Sotsalizm".

– Yo'loq, u kolxozam bizga o'xshagan bechora, men aytgan joy boshqa joy.

– Uzoqmi u?

– Ana, o'zidan so'ra, u o'sha yoqdan kelgan-ku, – deb lektorni ko'rsataman.

– Qani, bolalar, birpas jim bo'linglar-chi, – deb lektor dokladini sotsalizm so'zi bilan boshlaydi. "Sotsalizmda hamma narsa o'rtada bo'ladi, seniki, meniki degan gaplar bo'lmaydi". Men eshityapsanmi degandek Zayniddinni turtib qo'ydim. U hoynahoy o'sha seniki, meniki degan gaplar bo'lmaydigan sotsalizm haqida xayol surib o'tirgan ekanmi, cho'chib tushdi.

Nihoyat, lektor dokladini tugatdi, boshidagi shlyapasini bir qo'lga olib, ikkinchi qo'li bilan qop-qora silliq sochlarini silab-silab, shlyapasini yana qaytib kiydi. Esnab o'tirgan biz bolalarga achingandek qarab:

– Savollar bormi? – dedi.

Men Zayniddinni ko'rsatdim:

– Manovining savoli bor.

Zayniddin uyalib, boshini yalang'och qorni ustiga qo'ydi.

– Qani, qani, eshitaylik-chi? – dedi lektor qiziqib. – Hurmatli kolxozchilar, unda-munda savollar ham bo'lib tursin-da...

– Ha, so'ray qol, bolam, so'ray qol, aylanayin sendan, – deb partkom Siroj tog'a Zayniddinni qistadi.

– Bo'lsang-chi, – deb uni turtib qo'ydim.

– O'zing so'ray qol, bolam, ha, o'zing, – endi meni qistadi Siroj tog'a.

– Haligi, – dedim-u, o'zim ham tutilib qoldim. Bir osmonga, bir yerga qarayman, xolos. Zayniddin qalay bo'larkan degandek sekingina boldirimni o'ymalab oldi.

– Xo'sh, xo'sh... Shoshilma, bolam, savollarning eng zo'ri shularda bo'ladi-da, lektor akasi. Bular leninchi avlod, kelajagimiz, axir.

– Siz aytgan o'sha qayerda? – deya oldim zo'rg'a.

– Nimani so'rayapsan? – hayron bo'ldi lektor.

– Sot-so-luzm. Qayerda, o'shani so'rayapman, – dadillashdim men. Birdan o'tirganlar kulib yuborishdi. Boshqalardan ham ko'ra lektor akamiz maza qilib kuldi.

– Juda yaxshi, – dedi u terlagan yuz-ko'zlarini taxi buzilmagan ro'molchasi bilan artar ekan, – qayerdaligini aytsam nima qilmoqchisan?

– Баримиз тўпланишиб бормоқчимиз...
 – Хўш, бординглар ҳам дейлик, кейин-чи?
 – Манови иштонларимизни янгисига алмашиб олардик, шу... – деб болаларнинг қирқ ямоқ иштонларига ишора қилдим. Яна қийқириқ бўлиб кетди. Бироқ бу гал лектор кулмади. Қовоқ уйиб Сирож тоғага қаради. Сирож тоға бўлса:

– Ўтир-е, саволинг курсин, хаёлпараст, – деб мени жеркиб берди. Кейин: – Ҳов Мирсаид, шеттамисан, яхши, манови болаларнинг ҳар бирига кеча олиб келган тиринкадан иштон, кўйлаклик йиртиб бер, хўпми, – деди.

– Ана, – деди лекторнинг чиройи очилиб, – сизлар бўлса сотсализмни қидириб юрибсизлар. У шу ерда, ўзингизнинг колхозингизда экан-ку. Ташақкур, партком бува, бу ҳимматингизни, албатта, газетага мақтаб ёзаман...

Шундан кейин партком тоға қўлларини ҳавода ўйнатиб колхоз ишлари ҳақида гапирди. Каримбой чолни алоҳида мақтади.

– Каримбой – ҳақиқий ленинчи отбоқар. У бор-йўқ умрини колхозга тикиб қўйган. Бола-чақа демайди, барака топкур. Меҳнат ҳақи деган нарсалар билан умуман иши йўқ. Ҳақиқий стахановчи. У боқаётган отлар колхозимизни фақат олдинга қараб тортиб боряпти, ҳа. Ҳов Мирсаид, шу ердамисан? Яхши, Каримбойга ҳам бир кўйлак, бир иштонлик тиринкадан йиртиб бер, уст-бошини янгилаб олсин...

ТУЛКИ БИЛАН БЎРИ

Шу пайт орқа тарафда ғала-ғовур бошланиб қолди.

– Нима гап? – кўзларини соққа қилиб сўради Сирож тоға. Орқадан йиғламсираган овоз эшитилди:

– Пошшахон керагиди, фалокат, Сирож тоға.

– А, нима бўлди, нима фалокат? – кўрқиб кетди Сирож тоға.

– Боламнинг бурнига данак кириб кетди, – ҳиқиллади аёл.

– А, бурнидан чиққунчаям ейдими у ҳувори?

Ҳамма пиқиллаб ётган боланинг устига борволишди. Бола баттар кўрқиб, додлай бошлади. Маслаҳат берувчилар кўпайди:

– Курагининг ўртасига аямай бир тушир...

– Нос ҳидлат, аксирса чиқиб кетади.

– Миясига ўтиб кетмасин-да, ишқилиб.

Бу гапдан кейин боланинг онаси уввос солиб йиғлаб юборди.

Пошшахон опа гапларга эътибор қилмай болани бағрига олиб, эркалаб, йиғидан тўхтатди.

– Кўрқма, той бола, кўрқма, ҳозир олиб ташлаймиз, сеники-



– Barimiz to'planishib bormoqchimiz...

– Xo'sh, bordinglar ham deylik, keyin-chi?

– Manovi ishtonlarimizni yangisiga almashib olardik, shu... – deb bolalarning qirq yamoq ishtonlariga ishora qildim. Yana qiyqiriq bo'lib ketdi. Biroq bu gal lektor kulmadi. Qovoq uyib Siroj tog'aga qaradi. Siroj tog'a bo'lsa:

– O'tir-e, savoling qursin, xayolparast, – deb meni jerkib berdi. Keyin: – Hov Mirsaid, shettamisan, yaxshi, manovi bolalarning har biriga kecha olib kelgan tirinkadan ishton, ko'ylaklik yirtib ber, xo'p-mi, – dedi.

– Ana, – dedi lektorning chiroyi ochilib, – sizlar bo'lsa sotsalizmni qidirib yuribsizlar. U shu yerda, o'zingizning kolxozingizda ekan-ku. Tashakkur, partkom buva, bu himmatingizni, albatta, gazetaga maqtab yozaman...

Shundan keyin partkom tog'a qo'llarini havoda o'ynatib kolxoz ishlari haqida gapirdi. Karimboy cholni alohida maqtadi.

– Karimboy – haqiqiy leninchi otboqar. U bor-yo'q umrini kolxozga tikib qo'ygan. Bola-chaqa demaydi, baraka topkur. Mehnat haqi degan narsalar bilan umuman ishi yo'q. Haqiqiy staxanovchi. U boqayotgan otlar kolxozimizni faqat oldinga qarab tortib boryapti, ha. Hov Mirsaid, shu yerdamisan? Yaxshi, Karimboyga ham bir ko'ylak, bir ishtonlik tirinkadan yirtib ber, ust-boshini yangilab olsin...

TULKI BILAN BO'RI

Shu payt orqa tarafda g'ala-g'ovur boshlanib qoldi.

– Nima gap? – ko'zlarini soqqa qilib so'radi Siroj tog'a. Orqadan yig'lamsiragan ovoz eshitildi:

– Poshshaxon keragidi, falokat, Siroj tog'a.

– A, nima bo'ldi, nima falokat? – qo'rqib ketdi Siroj tog'a.

– Bolamning burniga danak kirib ketdi, – hiqilladi ayol.

– A, burnidan chiqqunchayam yeydimi u huvori?

Hamma piqillab yotgan bolaning ustiga borvolishdi. Bola battar qo'rqib, dodlay boshladi. Maslahat beruvchilar ko'paydi:

– Kuragining o'rtasiga ayamay bir tushir...

– Nos hidlat, aksirsa chiqib ketadi.

– Miyasiga o'tib ketmasin-da, ishqilib.

Bu gapdan keyin bolaning onasi uvvos solib yig'lab yubordi.

Poshshaxon opa gaplarga e'tibor qilmay bolani bag'riga olib, erkalab, yig'idan to'xtatdi.

– Qo'rqma, toy bola, qo'rqma, hozir olib tashlaymiz, senikiga

га данак кирибди-ку, битта сендек боланинг бурнига биласанми нима кириб кетган, каттакон тарвуз кириб кетган-а, тарвуз...

Ҳамма кулиб юборди.

– Ол-а, лоф урма-е, ҳеч бўлмаса тарвузнинг уруғи дегин...

Пошшахон болани типпа-тик қилиб, у билан машғул бўла бошлади:

– Оғзингдан кўп-кўп нафас олиб, кўп-кўп чиқаргин-чи, қани...

Пошшахон опанинг овози чинни идишдек жарангларди. Убайнинг гапларини эслаб аччиқ нарса чайнаб олгандек бир аҳволга тушдим. Хаёлимда Пошшахон опа менга: “Ҳай яхши бола, мен унақамасман”, – дегандек бўларди. Боланинг бурнидан пуфакчалар чиқиб ёрилди.

– Ҳа, яша-яша, яна-яна, ҳа, бурнингдан айланай сани, булар бўри билан тулки ўйнашган-да, халойиқ, – деди Пошшахон. – Тулки бўрини гилос еймиз, деб ўғирликка бошлаб, бурндан чиққунча еймиз, деб шарт кўйган. Сал ўтмай тулки иккита данакни бурнига тиқиб олиб, мана, менинг бурнимдан чиқди, деб бўрига кўрсатган. Бўри бўлса менинг бурнимдан ҳали чиқмади, деб еяверган. Еяверган, охири қорни ёрилай деб, юролма қолганда тулки боғбонни чақириб, бўрини тутиб берган. Шундайми, болажон? – Бола “шундай” дегандек бошини қимирлатди.

– Ана холос, – деб Сирож тоға ён-верига қараб кўйди.

– Тулки барибир тулкилигини қипти-да; – деди лектор кулиб.

Пошшахон опанинг ҳозирги аҳволи бир вақтлар болаларга томоша кўрсатган тегирмончи тоғани эслатди менга. Пошшахон болани алаҳситиб туриб данакни олди-кўйди.

– Мана бўлди, олам гулистон, – деб гилос данагини олдин болага, кейин турганларга кўрсатди. Данак қандай қилиб Пошшахоннинг кафтида пайдо бўлиб қолганига ҳамма ҳайрон.

– Энди бўри бўлмагин, хўпми, той бола? – деб унинг пешанасидан ўпиб кўйди Пошшахон. Бола севиниб, Пошшахоннинг кўлидан чиқиб, чопқиллаб кетди.

Зайниддин икковимиз Сирож тоға билан лекторнинг отини боғлоғлик жойдан олиб келдик. Лекторнинг Сирож тоғадан:

– Бу опа кўзбўямачими? – деб сўраганини эшитиб қолдим.

– Нимага унақа деяпсиз?

– Овози жудаям сеҳрли экан, қаранг, гипноз билан данакни билдирмай олди-кўйди-я. Агар шунақалар лектор бўлиб қолса борми?

– Эътибор қилмабсиз, – қиқирлаб кулди Сирож тоға, – кўлида мўйчиноғи бориди, ҳа, эҳтиёт бўлинг, бизнинг хотин-қизларимиз мўйчиноқни кўрсатмай ишлатади...

Улар нимагадир хахолаб кулиб юборишди.

danak kiribdi-ku, bitta sendek bolaning burniga bilasanmi nima kirib ketgan, kattakon tarvuz kirib ketgan-a, tarvuz...

Hamma kulib yubordi.

– Ol-a, lof urma-ye, hech bo'lmasa tarvuzning urug'i degin...

Poshshaxon bolani tippa-tik qilib, u bilan mashg'ul bo'la boshladi:

– Og'zingdan ko'p-ko'p nafas olib, ko'p-ko'p chiqargin-chi, qani...

Poshshaxon opaning ovozi chinni idishdek jaranglardi. Ubayning gaplarini eslab achchiq narsa chaynab olgandek bir ahvolga tushdim. Xayolimda Poshshaxon opa menga: "Hay yaxshi bola, men unaqamasman", – degandek bo'lardi. Bolaning burnidan pufakchalar chiqib yorildi.

– Ha, yasha-yasha, yana-yana, ha, burningdan aylanay sani, bular bo'ri bilan tulki o'ynashgan-da, xaloyiq, – dedi Poshshaxon. – Tulki bo'rini gilos yeymiz, deb og'irlikka boshlab, burundan chiqquncha yeymiz, deb shart qo'ygan. Sal o'tmay tulki ikkita danakni burniga tiqib olib, mana, mening burnimdan chiqdi, deb bo'riga ko'rsatgan. Bo'ri bo'lsa mening burnimdan hali chiqmadi, deb yeyavergan, yeyavergan. Oxiri qorni yorilay deb, yurolmay qolganda tulki bog'bonni chaqirib, bo'rini tutib bergan. Shundaymi, bolajon?– Bola "shunday" degandek boshini qimirlatdi.

– Ana xolos, – deb Siroj tog'a yon-veriga qarab qo'ydi.

– Tulki baribir tulkiligini qipti-da, – dedi lektor kulib.

Poshshaxon opaning hozirgi ahvoli bir vaqtlar bolalarga tomosha ko'rsatgan tegirmonchi tog'ani eslatdi menga. Poshshaxon bolani alahsitib turib danakni oldi-qo'ydi.

– Mana bo'ldi, olam guliston, – deb gilos danagini oldin bolaga, keyin turganlarga ko'rsatdi. Danak qanday qilib Poshshaxonning kaftida paydo bo'lib qolganiga hamma hayron.

– Endi bo'ri bo'lmagin, xo'pmi, toy bola? – deb uning peshanasidan o'pib qo'ydi Poshshaxon. Bola sevinib, Poshshaxonning qo'lidan chiqib, chopqillab ketdi.

Zayniddin ikkovimiz Siroj tog'a bilan lektorning otini bog'log'lik joydan olib keldik. Lektorning Siroj tog'adan:

– Bu opa ko'zbo'yamachimi? – deb so'raganini eshitib qoldim.

– Nimaga unaqa deyapsiz?

– Ovozi judayam sehrli ekan, qarang, gipnoz bilan danakni bildirmay oldi-qo'ydi-ya. Agar shunaqalar lektor bo'lib qolsa bormi?

– E'tibor qilmabsiz, – qiqirlab kuldi Siroj tog'a, – qo'lida mo'ychinagi boridi, ha, ehtiyot bo'ling, bizning xotin-qizlarimiz mo'ychinakni ko'rsatmay ishlatadi...

– Барибир бу аёлни активликка олинг, хотин-қизлар билан ишлашда сизга асқатиши мумкин, саводликка ҳам ўхшайди, – деди лектор.

– Иши судда у хотиннинг, – деб Сирож тоға гапни қисқа қилди.

– Э, йўғ-е, наҳотки?..

Улар отга миниб, гангур-гунгур гаплашиб кетишди. Ҳойнаҳой Сирож тоға Пошшахоннинг иши нима учун судга тушганини айтиб берган бўлса керак. Мен бу иш бости-бости бўлиб кетган деб юрардим. Лекторнинг Пошшахон билан қизиқиб қолиши яна Убайнинг гапини эслатди. Чиройли хотинлар билан ҳамма қизиқар экан-да. Кўз олдимга Мужгон опа билан раис тоға ва Аниса билан сўконгич амакилар келди...

Шу куни биз болаларга маза бўлди. Олдинига кўйлак-иштонлик бўлди, кейинига умумқозондан қорнимиз тўйгунча овқатландик. Аммо ошпаз Бўлиғ опа менга бир-икки ёмон қараб кўйди. Шерхон ака ўша кетганича ҳали ҳам қишлоққа қайтмаган эди. Унинг қаердалигини ҳеч ким билмасди.

Биз Каримбой чолдан суюнчи олгани чопа-чопа бедапояга қараб кетдик. Орамизда Убай йўқ эди. Сарупо ҳақида Каримбой чолга шошиб-шошиб етказдик. Чолнинг оғзи ёйилиб, қошлари тепага кетиб илжайди. Бу унинг хурсанд бўлгани эди.

– Суюнчини чўзиб кўйинг энди, – дедим мен у кишига бошқалардан кўра яқинлигимни билдириб.

– Ҳа, бўлақолинг, – тўрт томондан қисташди болалар. Биз нима сўраётганимизни Каримбой чол яхши билади. У ҳозиргина уйдан келган Қозоқбой отанинг ўғли Илҳомга қараб:

– Отанг қаерда? – деди.

– Уйда.

– Нима қиляпти?

– Ойимга белларини уқалатяпти...

– Ҳа яхши, пирқа-чи, пирқа (партком демоқчи)?

– Лектрминан кетди.

– Унда мана қаранглар, – деб у ерга чакса қилиб тупурди, – мана шу тупугим қуригунча молларингни бедага ёйиб олинглар...

– Ур-ре... бедага рухсат!

ДЎСТЛИГИМИЗ УЗОҚҚА БОРМАДИ

Ёз кунлари ҳаво дим ва иссиқ. Бўзсувда чўмилиш хавфли. Ўрамаси бор, тушганни тагига тортиб кетади. Яна катталиги тўядек келадиган лаққа балиқлар борлиги ҳақида миш-мишлар тарқаган. Лаққа балиқ қирғоққа яқин келиб қолган битта эчки-



Ular nimagadir xaxolab kulib yuborishdi.

– Baribir bu ayolni aktivlikka oling, xotin-qizlar bilan ishlashda sizga asqatishi mumkin, savodlikka ham o'xshaydi, – dedi lektor.

– Ishi sudda u xotinning, – deb Siroj tog'a gapni qisqa qildi.

– E, yo'g'-e, nahotki?..

Ular otga minib, gangur-gungur gaplashib ketishdi. Hoynahoy Siroj tog'a Poshshaxonning ishi nima uchun sudga tushganini aytib bergan bo'lsa kerak. Men bu ish bosti-bosti bo'lib ketgan deb yurardim. Lektorning Poshshaxon bilan qiziqib qolishi yana Ubayning gapini eslatdi. Chiroyli xotinlar bilan hamma qiziqar ekan-da. Ko'z oldimga Mujgon opa bilan rais tog'a va Anisa bilan so'kong'ich amakilar keldi...

Shu kuni biz bolalarga maza bo'ldi. Oldiniga ko'ylak-ishtonlik bo'ldik, keyiniga umumqozondan qornimiz to'yguncha ovqatlandik. Ammo oshpaz Bo'lig' opa menga bir-ikki yomon qarab qo'ydi. Sherxon aka o'sha ketganicha hali ham qishloqqa qaytmagan edi. Uning qayerdaligini hech kim bilmasdi.

Biz Karimboy choldan suyunchi olgani chopa-chopa bedapoyaga qarab ketdik. Oramizda Ubay yo'q edi. Sarupo haqida Karimboy cholga shoshib-shoshib yetkazdik. Cholning og'zi yoyilib, qoshlari tepaga ketib iljaydi. Bu uning xursand bo'lgani edi.

– Suyunchini cho'zib qo'ying endi, – dedim men u kishiga boshqalardan ko'ra yaqinligimni bildirib.

– Ha, bo'laqoling, – to'rt tomondan qistashdi bolalar. Biz nima so'rayotganimizni Karimboy chol yaxshi biladi. U hozirgina uyidan kelgan Qozoqboy otaning o'g'li Ilhomga qarab:

– Otang qayerda? – dedi.

– Uyda.

– Nima qilyapti?

– Oyimga bellarini uqalatyapti...

– Ha yaxshi, pirqa-chi, pirqa (partkom demoqchi)?

– Lektrminan ketdi.

– Unda mana qaranglar, – deb u yerga chaksa qilib tupurdi, – mana shu tupugim quriguncha mollaringni bedaga yoyib olinglar...

– Urre... bedaga ruxsat!

DO'STLIGIMIZ UZOQQA BORMADI

Yoz kunlari havo dim va issiq. Bo'zsuvda cho'milish xavfli. O'ramasi bor, tushganni tagiga tortib ketadi. Yana kattaligi tuyadek keladigan laqqa baliqlar borligi haqida mish-mishlar tarqagan. Laqqa baliq

ни думи билан бир уриб, ютиб юборганмиш. Бахтимизга Бўзсув тез-тез тошиб туради. Тошганда ён-атрофдаги жарликларда кўлмаклар ҳосил қилади. У офтобда илиб, шунақанги чўмилишлик бўладики... Тушсанг, чиққинг келмайди. Итбалиқ бўлиб кетамиз. Ўша куни кўлмакда анча-мунча балиқлар ҳам қолиб кетган экан. Сув лойқалангандан кейин юзага чиқиб, балиқ тутиш билан овора бўлиб кетибмиз. Бу орада сигирлар бедапоёга тушган, Каримбой чол мудраб қолган, раис билан партком келиб қолиб, Каримбой чолни яхшилаб тузлашган.

Биз: “Ҳай-й-й оналарингни...” – деган ўқдек ҳайқириқдан ўзимизга келдик. Қарасак, жар тепасида заранг таёғини белига қўйиб Каримбой чол турибди. Оғзига келгани билан сўкиб ётибди. Кўзлари ола-кула. Қўлига тушсагу ҳаммамизни биратўла калтак билан уриб, ўлдириб қўя қолса. У биз билган Каримбой чолга сираям ўхшамай қолган эди. Яхшиям жардан пастга тушолмайдди. Тушса чиқолмаслигини билади-да. Шир яланғочмиз. Сувдан чиқолмаймиз. Кўлмакнинг ўртасига ғуж бўлиб олганмиз. Охири Каримбой чол бақириқ-чақириқ билан тинчимасди. Жарнинг чек-касидан кесак кўчириб, бизга қараб ғириллата бошлади. Ҳар кесак отилганда ўрдакка ўхшаб сувга шўнғиймиз.

Аммо Каримбой чол ўч олишнинг бошқа йўлини топди. Иркит, қирқ ямоқ, сассиқ иштонларимизни кўтариб, Бўзсув тарафга қараб юриб қолди. Шир яланғочлиги ҳам эсдан чиқиб, болалар ялиниб-ёлвориб орқасидан югура кетди. Фақат мен кўлмакдан чиқмадим. Каримбой чолга кўринишдан уялдим. Сенам шуларнинг биттасимисан ҳали, деб ёмон кўриб қолишидан кўрқдим. Қаерданам бугун болаларга қўшилиб қолдим-а? Қамишлар панасида Каримбой чол нима қиларкин деб қараб турибман. Ҳар қалай кийимларни Бўзсувга отвормаса керак. Болаларга раҳми келар. Йўқ, у иштонларни сувга улоқтириб юборди... Ана холос, ана буни “воший” деса бўлади...

Каримбой чолни шунчаликка боради деб ўйламаган эдим. Ҳозир иштонга қўшиб ўзимизни ҳам Бўзсувга улоқтиришдан тоймайдиган. Букри бўлгани билан жаҳли чиқса қутуриб кетаркан.

Бўлар иш бўлди. Қирқ ямоқ иштонларимиз оқди, кетди. Энди шу туришда қаёққа борамиз? Аксига олиб ўйинбошимиз Убай ҳам йўқ, бўлганда бир йўлини қилган бўларди.

Болалар бир-бирини қўли билан кўрсатиб кулади, кулиб туриб йиғлайди... Аҳволимизни биров кўриб қолмасин деб кўзимиз олма-кесак теради. Жўртага қилгандек сигирлар ҳам тўрт томонга қанғийди. Орқа-олдимизни кўл билан беркитиб орқаларидан чопамиз. Қишлоғимизга тез-тез “Тарзан” деган кино келиб туради.



qirg'oqqa yaqin kelib qolgan bitta echkini dumi bilan bir urib, yutib yuborganmish. Baxtimizga Bo'zsuv tez-tez toshib turadi. Toshganda yon-atrofdagi jarliklarda ko'lmaklar hosil qiladi. U oftobda ilib, shunaqangi cho'milishlik bo'ladiki... Tushsang, chiqqing kelmaydi. Itbaliq bo'lib ketamiz. O'sha kuni ko'lmakda ancha-muncha baliqlar ham qolib ketgan ekan. Suv loyqalangandan keyin yuzaga chiqib, baliq tutish bilan ovora bo'lib ketibmiz. Bu orada sigirlar bedapoyaga tushgan, Karimboy chol mudrab qolgan, rais bilan partkom kelib qolib, Karimboy cholni yaxshilab tuzlashgan.

Biz: "Hayyy onalaringni..." – degan o'qdek hayqiriqdan o'zimizga keldik. Qarasak, jar tepasida zarang tayog'ini beliga qo'yib Karimboy chol turibdi. Og'ziga kelgani bilan so'kib yotibdi. Ko'zlari ola-kula. Qo'lga tushsag-u hammamizni birato'la kaltak bilan urib, o'ldirib qo'ya qolsa. U biz bilgan Karimboy cholga sirayam o'xshamay qolgan edi. Yaxshiyam jordan pastga tusholmaydi. Tushsa chiqolmasligini biladi-da. Shir yalang'ochmiz. Suvdan chiqolmaymiz. Ko'lmakning o'rtasiga g'uj bo'lib olganmiz. Oxiri Karimboy chol baqiriq-chaqiriq bilan tinchimadi. Jarning chekkasidan kesak ko'chirib, bizga qarab g'irillata boshladi. Har kesak otilganda o'rdakka o'xshab suvga sho'ng'iyimiz.

Ammo Karimboy chol o'ch olishning boshqa yo'lini topdi. Irkit, qirq yamoq, sassiq ishtonlarimizni ko'tarib, Bo'zsuv tarafga qarab yurib qoldi. Shir yalang'ochligi ham esdan chiqib, bolalar yalinib-yolvorib orqasidan yugura ketdi. Faqat men ko'lmakdan chiqmadim. Karimboy cholga ko'rinishdan uyaldim. Senam shularning bittasimisan hali, deb yomon ko'rib qolishidan qo'rqdim. Qayerdanam bugun bolalarga qo'shilib qoldim-a? Qamishlar panasida Karimboy chol nima qilarkin deb qarab turibman. Har qalay kiyimlarni Bo'zsuvga otvormasa kerak. Bolalarga rahmi kelar. Yo'q, u ishtonlarni suvga uloqtirib yubordi... Ana xolos, ana buni "voshiy" desa bo'ladi...

Karimboy cholni shunchalikka boradi deb o'ylamagan edim. Hozir ishtonga qo'shib o'zimizni ham Bo'zsuvga uloqtirishdan toymaydigan. Bukri bo'lgani bilan jahli chiqsa quturib ketarkan.

Bo'lar ish bo'ldi. Qirq yamoq ishtonlarimiz oqdi, ketdi. Endi shu turishda qayoqqa boramiz? Aksiga olib o'yinboshimiz Ubay ham yo'q, bo'lganda bir yo'lini qilgan bo'lardi.

Bolalar bir-birini qo'li bilan ko'rsatib kuladi, kulib turib yig'laydi... Ahvolimizni birov ko'rib qolmasin deb ko'zimiz olma-kesak teradi. Jo'rtaga qilgandek sigirlar ham to'rt tomonga qang'iydi. Orqa-oldimizni qo'l bilan berkitib orqalaridan chopamiz. Qishlog'imizga

Тарзан ҳам шир яланғоч-у, аммо уят жойини дарахт пўстлоқлари билан тўсиб, маймунга ўхшаб дарахтдан дарахтга сакраб юради. Ҳаммамиз ўзимизча Тарзан бўлишга киришиб кетдик. Ким ўзини печак билан ўраган. Ким ёнғоқ барглари пўстлоққа тизиб, белига боғлаган. Ким икки боғ ўтни бирини олдига, иккинчисини орқасига қилиб ташлаган. Ишқилиб, ҳамма ўз билганича бир мас-харабозга айланган.

Шу пайт колхоз идораси тарафдан радиокарнай вағиллаб қолди: "Диққат... Диққат... Ҳурматли колхозчилар! Бугун қишлоғимизга "Жаноб – 420" келган. Кинога марҳамат қилинг". Орқасидан шу кинодан кўшиқ кўйилди: "А-а-а-барахум... а-а-а... абарахум... Ягардишмен хун а-а-а-сманга тараху-у-у... А-а-а-барахум..." Ҳар ҳафтада бир келадиган бу кинони кўравериш кўшиқлариям ёд бўлиб кетган. Айниқса, шалдирама арава минадиганлар, "Универсал" деган уч ғилдиракли трактор ҳайдайдиганларнинг оғзидан бу кўшиқ тушмайди. Қай аҳволдалигимизни ҳам эсдан чиқариб, кўшиққа жўр бўлиб, ўйнаб кетдик...

Кўёш Бўзсув этакларига тушиб борган, уфқ аланга ичида ловуллаиди, от-аравалар ғилдирагидан кўтарилган чанг осмон билан ер орасига эгри-бугри излар солган. Биз тезроқ кун ботишини, чор-атрофга қоронғилик тушишини кутамиз. Аммо сигирлар ўрни соғиниб, типирчилаб, бўйинларини қишлоққа чўзиб, бири олиб бири кўйиб бўкиради. "Жаноб – 420"ни эшитгандан бери ўзимиз ҳам зўрға турибмиз. Ахийри подага йўлни очдик. Сигиру кўй-эчкилар булутдек қишлоққа қараб кўчди. Уят ва ҳадик билан подага эргашамиз. Пода кўчани чангитгани етмай, кўшилишиб ўзимиз ҳам чангитамиз. Биров бизни кўрмай кўяқолсин деймизда. Аксига олиб кечки салқинда тупроқ оғир тортиб, чангимайдди. Кино келган кунлари идора атрофига сувлар сепилиб, чангбосди қилинарди. У жойдан қандай қилиб ўтамиз энди? Бирдан ҳаммамиз ваҳимага тушиб, шуни ўйлаб қолдик.

– Болалар, – дедим топқирлик қилиб, – ўша жойга етганда поданинг ичига кирволамиз.

– Яшавор, – деб болалар мени мақташди.

Аммо пода кечикканига хавотир олиб бутун қишлоқ йўлга чиққан экан. Улар билан идора олдида учрашиб қолдик. Келишилгандек ўзимизни поданинг ичига урдик. Бироқ сигирлар бирдан биз билан овора бўлиб кетди. Қани энди хўш-хўшлаганга парво қилса. Лунгиларимизга оғиз уриб, униси у ёқдан, буниси бу ёқдан тортқилаб, бирпасда шир яланғоч қилиб кўйди. Хавотир олиб чиққанларнинг сўкишлари остида қолиб кетдик:

– Вой шўри-им-м...



tez-tez "Tarzan" degan kino kelib turadi. Tarzan ham shir yalang'och-u, ammo uyat joyini daraxt po'stloqlari bilan to'sib, maymunga o'xshab daraxtdan daraxtga sakrab yuradi. Hammamiz o'zimizcha Tarzan bo'lishga kirishib ketdik. Kim o'zini pechak bilan o'ragan. Kim yong'oq barglarini po'stloqqa tizib, beliga bog'lagan. Kim ikki bog' o'tni birini oldiga, ikkinchisini orqasiga qilib tashlagan. Ishqilib, hamma o'z bilganicha bir masxarabozga aylangan.

Shu payt kolxoz idorasi tarafdin radiokarnay vag'illab qoldi: "Diqqat... Diqqat... Hurmatli kolxozchilar! Bugun qishlog'imizga "Janob – 420" kelgan. Kinoga marhamat qiling". Orqasidan shu kinodan qo'shiq qo'yildi: "Aabaraxum... aaa... abaraxum... Yagardishmen xun aaasmanga tara-xuuu... Aabaraxum..." Har haftada bir keladigan bu kinoni ko'raverib qo'shiqlariyam yod bo'lib ketgan. Ayniqsa, shaldirama arava minadiganlar, "Universal" degan uch g'ildirakli traktor haydaydiganlarning og'zidan bu qo'shiq tushmaydi. Qay ahvodaligimizni ham esdan chiqarib, qo'shiqqa jo'r bo'lib, o'ynab ketdik...

Quyosh Bo'zsuv etaklariga tushib borgan, ufq alanga ichida lovullaydi, ot-aravalar g'ildiragidan ko'tarilgan chang osmon bilan yer orasiga egri-bugri izlar solgan. Biz tezroq kun botishini, chor-atrofga qorong'ilik tushishini kutamiz. Ammo sigirlar uyni sog'inib, tipirchilab, bo'yinlarini qishloqqa cho'zib, biri olib biri qo'yib bo'kiradi. "Janob – 420"ni eshitgandan beri o'zimiz ham zo'rg'a turibmiz. Axyiri podaga yo'lni ochdik. Sigir-u qo'y-echkilar bulutdek qishloqqa qarab ko'chdi. Uyat va hadik bilan podaga ergashamiz. Poda ko'chani changitgani etmay, qo'shilishib o'zimiz ham changitamiz. Birov bizni ko'rmay qo'yaqolsin deymiz-da. Aksiga olib kechki salqinda tuproq og'ir tortib, changimaydi. Kino kelgan kunlari idora atrofiga suvlar sepilib, changbosdi qilinardi. U joydan qanday qilib o'tamiz endi? Birdan hammamiz vahimaga tushib, shuni o'ylab qoldik.

– Bolalar, – dedim topqirlik qilib, – o'sha joyga yetganda podaning ichiga kirvolamiz.

– Yashavor, – deb bolalar meni maqtashdi.

Ammo poda kechikkaniga xavotir olib butun qishloq yo'lga chiqqan ekan. Ular bilan idora oldida uchrashib qoldik. Kelishilgandek o'zimizni podaning ichiga urdik. Biroq sigirlar birdan biz bilan ovora bo'lib ketdi. Qani endi xo'sh-xo'shlaganga parvo qilsa. Lungilarimizga og'iz urib, unisi u yoqdan, bunisi bu yoqdan tortqilab, birpasda shir yalang'och qilib qo'ydi. Xavotir olib chiqqanlarning so'kishlari ostida qolib ketdik:

- Иштон қани, ер ютку-ур?
- Ўл, ҳеббим...
- Уйга боргин, гўштингни ейман ҳали...
- Бу нима шармандалик?
- Ҳа-ҳа-ҳа...

Дуч келган томонга қараб қочишдан бошқа иложимиз қолмади! Ҳаҳ, Каримбой чол, шошмай тур. Ҳар биримизнинг юрагимизда ундан ўч олиш ўти ёнарди.

ОТ ЎҒРИСИ

Эртасига яна поданинг орқасидан Бўзсув бўйларига қараб йўл олдик. Боргим йўқ эди, аммо болаларнинг Каримбой чолдан ўч олишмоқчи бўлаётганини кинода ўтириб эшитиб қолдим. Нима бўлганда ҳам чолдан ўч олиш режасини йўққа чиқариш керак. Ахир, айб ўзимизда-ку. Каримбой чол бизни деб раис билан парткомдан гап эшитган-ку? Ўзимча уларни инсофга чақирмоқчи, йўқ дейишса, чолни хабардор қилмоқчи бўлдим. Бундоқ эътибор қилсам, ҳаммамиз бир думалаб кап-катта одамга айланиб қолибмиз. Ким дадасининг икки ёни шишиб чиққан галифе шимини, ким қишда кийиладиган пахталикни, ким кўтарганда боғи томоққача етиб, ундан ҳам ошиб кетадиган бувасининг оқ иштонини, ҳатто опасининг гуллик лозимини кийиб олганлар ҳам бор. Энг зўри меники. Қоп-қора мовут шим. Раҳматлик поччам уни урушдан олиб келган эканлар. Балағини тиззамгача қайтариб олганман, фақат оғи эчкининг елинига ўхшаб осилиб турибди. Бу кийимлар бизни ўта сипо қилиб қўйган... Қўлни чўнтакка тиқиб, тишларимиз орасидан чиртиллатиб тупуриб, олифтагарчилик қиламиз, холос. Дуч келган жойга ялпайиб ўтиришлар йўқ. Кийимларимиз уриниб қолиши мумкин. Мирсаид ака берган тиринкадан иштон тикилгунча эҳтиёт қилишимиз керак. Убай Каримбой чолдан ўч олиш режасини тузиб келаман деган экан, ҳали ундан дарак йўқ. Қишлоққа шарманда бўлганимизга атаманимиз чидай олмаяпти.

Тушга яқин олдимиздан қўшни колхознинг кассири Абдуллажон ака ўтиб қолди. У бу тарафларга оғайниси Темирвой акани кўргани келади. Темирвой акани одамлар нимагадир от ўғриси дейишади. Бўзсув бўйидаги ертўлада яшайди. Балиқ тутиб, жайра овлаб (жайрани дорига олиб кетишади) кун кўради. Аслида, Темирвой ака от ўғриси эмас. Бу воқеа раис миниб юрадиган Паризоднинг қандай қилиб қишлоғимизга келиб қолгани билан боғлиқ. Уни менга Каримбой чол айтиб берган эди.

Воқеа шундай бўлган экан: Темирвой ака Қизилқумда йилқи



- Voy sho'riimm...
- Ishton qani, yer yutkuur?
- O'i, hebbim...
- Uyga borgin, go'shtingni yeyman hali...
- Bu nima sharmandalik?
- Ha-ha-ha...

Duch kelgan tomonga qarab qochishdan boshqa ilojimiz qolmadi! Hah, Karimboy chol, shoshmay tur. Har birimizning yuragimizda undan o'ch olish o'ti yonardi.

OT O'G'RISI

Ertasiga yana podaning orqasidan Bo'zsuv bo'ylariga qarab yo'l oldik. Borgim yo'q edi, ammo bolalarning Karimboy choldan o'ch olishmoqchi bo'layotganini kinoda o'tirib eshitib qoldim. Nima bo'lganda ham choldan o'ch olish rejasini yo'qqa chiqarish kerak. Axir, ayb o'zimizda-ku. Karimboy chol bizni deb rais bilan partkomdan gap eshitgan-ku? O'zimcha ularni insofga chaqirmoqchi, yo'q deyishsa, cholni xabardor qilmoqchi bo'ldim. Bundoq e'tibor qilsam, hammamiz bir dumalab kap-katta odamga aylanib qolibmiz. Kim dadasining ikki yoni shishib chiqqan galife shimini, kim qishda kiyiladigan paxtalikni, kim ko'targanda bog'i tomoqqacha yetib, undan ham oshib ketadigan buvasining oq ishtonini, hatto opasining gullik lozimini kiyib olganlar ham bor. Eng zo'ri meniki. Qop-qora movut shim. Rahmatlik pochcham uni urushdan olib kelgan ekanlar. Balag'ini tizzamgacha qaytarib olganman, faqat og'i echkinging yeliniga o'xshab osilib turibdi. Bu kiyimlar bizni o'ta sipo qilib qo'ygan... Qo'lni cho'ntakka tiqib, tishlarimiz orasidan chirtillatib tupurib, oliftagarchilik qilamiz, xolos. Duch kelgan joyga yalpayib o'tirishlar yo'q. Kiyimlarimiz urinib qolishi mumkin. Mirsaid aka bergan tirinkadan ishton tikilguncha ehtiyot qilishimiz kerak. Ubay Karimboy choldan o'ch olish rejasini tuzib kelaman degan ekan, hali undan darak yo'q. Qishloqqa sharmanda bo'lganimizga atamanimiz chiday olmayapti.

Tushga yaqin oldimizdan qo'shni kolxozning kassiri Abdullajon aka o'tib qoldi. U bu tarafdagi og'aynisi Temirvoy akani ko'rgani keladi. Temirvoy akani odamlar nimagadir ot o'g'risi deyishadi. Bo'zsuv bo'yidagi yerto'lada yashaydi. Baliq tutib, jayra ovlab (jayrani doriga olib ketishadi) kun ko'radi. Aslida, Temirvoy aka ot o'g'risimas. Bu voqea rais minib yuradigan Parizodning qanday qilib qishlog'imizga kelib qolgani bilan bog'liq. Uni menga Karimboy chol aytib bergan edi.

боққан. Қиш совуқ келиб, учта отни бўрига олдирган. Аммо тафтишчилар бўри еган отларни Темирвой аканинг бўйнига қўйган. У киши қамаладиган бўлиб қолган. Шунда у камомаднинг ўрнини тўлдириш учун уч кунга рухсат сўрайди. Колхоз раиси Қозоқвой ота уни кафолатга олади. Чиндан ҳам у киши уч кун деганда битта оқ отни миниб қайтиб келади. “Бу от биттасининг ўрнига, қолган иккитасининг ўрнига нима тўлайсан?” – дейди тафтишчилар. “Бу от парилар зотидан, ўнта отнинг ўрнига ўтади”, – дейди Темирвой ака. “Бизни отнинг зотимас, туёғи қизиқтиради”, – дейди тафтишчилар. “Топганим шу, бошқа иложим йўқ”, – дейди Темирвой ака. “Унда қамаласан”. “Барибир қамаладиган бўлсам, рухсат беринглар, отни эгасига топшириб келай, қизилқумлик бир дўстим одамгарчилик қилган эди”, – дейди. Яна Қозоқвой ота у кишини кафиликка олади. Темирвой ака қайдасан Қизилқум деб йўлга отланиб турганда қишлоқда улоқ бўлиши ҳақидаги хабарни эшитиб қолади. Совринга от, туя, ҳўкиз ва яна аллақанча нарсалар тикилибди. Темирвой ака Паризодни улоқда бир синаб кўрмоқчи бўлади. Яхшиям шундай қилгани. Улоқда омади келади. Паризодга тенг келадиган от топилмайди. Бирдан унга нарх бичиб, сотиб олувчилар кўпаяди. Нархи учта биядан ўн иккита биягача кўтарилади. Тафтишчилар: “Майли, от колхозда қола қолсин”, – деб учта от ўрнига қабул қилиб олади. Аммо Паризод Темирвой акадан бошқа ҳеч кимни ўзига яқин йўлатмайди. Улоқларда, пойгаларда ҳам фақат Темирвой ака миниб чопади. Паризоднинг орқасидан колхознинг номи тилга тушади. Одамлар орасида бу отнинг қаноти бор деган миш-мишлар тарқалади. Темирвой акани кўролмайдиган ҳасадчилар кўпаяди. Бир куни Қизилқум тарафдан беш чоғли одам келиб, улардан биттаси Паризодни Темирвой ўғирлаб келган, деб туриб олади. Ёнидагилар уни тасдиқлаб гувоҳлик беради. Темирвой ака қадрдон дўстининг исмини, қай элатдан эканини айтади. Келганлар у одам бор эди, улоқда отдан йиқилиб ўлди, сенга гувоҳлик бера олмайди, дейди. Темирвой ака боши берк кўчага кириб қолади. Шунда калласига бир фикр келади. Паризод шу пайтгача Темирвой акадан бошқани яқинига йўлатмаган. Демак, от меники деяётган одамни Паризод таниши керак.

– Биз ўзбекларда от кимники, минганники, деган гап бор. Ана от, эгасиман деган одам минсин-да, йўлидан қолмасин, колхоз билан ўзим ҳисоб-китоб қиламан, – дейди Темирвой ака.

Паризод от меники деганни ҳам, бошқаларни ҳам яқинига йўлатмайди. Ёлфон ва тухматни парилар зотидан бўлган от билиб турган-да.

Паризоднинг бўйнига туя жунидан қилинган арқон солиб, икки

Vogea shunday bo'lgan ekan: Temirvoy aka Qizilqumda yilqi boqqan. Qish sovuq kelib, uchta otni bo'riga oldirgan. Ammo taftishchilar bo'ri yegan otlarni Temirvoy akaning bo'yniga qo'ygan. U kishi qamaladigan bo'lib qolgan. Shunda u kamomadning o'rnini to'ldirish uchun uch kunga ruxsat so'raydi. Kolxoz raisi Qozoqvoy ota uni kafolatga oladi. Chindan ham u kishi uch kun deganda bitta oq otni minib qaytib keladi. "Bu ot bittasining o'rniga, qolgan ikkitasining o'rniga nima to'laysan?" – deydi taftishchilar. "Bu ot parilar zotidan, o'nta otning o'rniga o'tadi", – deydi Temirvoy aka. "Bizni otning zotimas, tuyog'i qiziqtiradi", – deydi taftishchilar. "Topganim shu, boshqa ilojim yo'q", – deydi Temirvoy aka. "Unda qamalasan". "Baribir qamaladigan bo'lsam, ruxsat beringlar, otni egasiga topshirib kelay, qizilqumlik bir do'stim odamgarchilik qilgan edi", – deydi. Yana Qozoqvoy ota u kishini kafilikka oladi. Temirvoy aka qaydasan Qizilqum deb yo'lga otlanib turganda qishloqda uloq bo'lishi haqidagi xabarni eshitib qoladi. Sovringa ot, tuya, ho'kiz va yana allaqancha narsalar tikilibdi. Temirvoy aka Parizodni uloqda bir sinab ko'rmoqchi bo'ladi. Yaxshiyam shunday qilgani. Uloqda omadi keladi. Parizodga teng keladigan ot topilmaydi. Birdan unga narx bichib, sotib oluvchilar ko'payadi. Narxi uchta biyadan o'n ikkita biyagacha ko'tariladi. Taftishchilar: "Mayli, ot kolxozda qola qolsin", – deb uchta ot o'rniga qabul qilib oladi. Ammo Parizod Temirvoy akadan boshqa hech kimni o'ziga yaqin yo'latmaydi. Uloqlarda, poygalarda ham faqat Temirvoy aka minib chopadi. Parizodning orqasidan kolxozning nomi tilga tushadi. Odamlar orasida bu otning qanoti bor degan mish-mishlar tarqaladi. Temirvoy akani ko'rolmaydigan hasadchilar ko'payadi. Bir kuni Qizilqum tarafdin besh chog'li odam kelib, ulardan bittasi Parizodni Temirvoy o'g'irlab kelgan, deb turib oladi. Yonidagilar uni tasdiqlab guvohlik beradi. Temirvoy aka qarddon do'stining ismini, qay elatdan ekanini aytadi. Kelganlar u odam bor edi, uloqda otdan yiqilib o'ldi, senga guvohlik bera olmaydi, deydi. Temirvoy aka boshi berk ko'chaga kirib qoladi. Shunda kallasiga bir fikr keladi. Parizod shu paytgacha Temirvoy akadan boshqani yaqiniga yo'latmagan. Demak, ot meniki deyayotgan odamni Parizod tanishi kerak.

– Biz o'zbeklarda ot kimniki, minganniki, degan gap bor. Ana ot, egasiman degan odam minsin-da, yo'lidan qolmasin, kolxoz bilan o'zim hisob-kitob qilaman, – deydi Temirvoy aka.

Parizod ot meniki deganni ham, boshqalarni ham yaqiniga yo'latmaydi. Yolg'on va tuhmatni parilar zotidan bo'lgan ot bilib turgan-da.

тарафдан иккита отнинг эгарига боғлашади. Шундай қилиб зўрлик билан олиб кетмоқчи бўлишади. Аммо Паризод оёғини ерга тираб, жойидан қимир этмай тоғдай бўлиб тураверади. Шунда от меники деган одам Паризоднинг сағринига алам билан қаттиқ қамчи уради. Паризод дунёга келгандан бери қамчи зарбини емаган бўлади. Бирдан унинг олдинги оёқлари осмон-у фалакка кўтарилади-ю икки отнинг эгарига боғланган арқонлар чарс-чурс узилади. Отлиқлар эса эгарларидан учиб тушади. От бир зумда йўқ бўлиб қолади. Осмонга учдими, ерга кирдими, турганлар ҳайрон. Аммо Паризоднинг Бўзсув устидан учиб ўтганини сувга борган аёллар, болалар кўришади. Қозоқвой ота товламачиларни қадимги усулда жазолайди. Отларига тескари миндириб, юзига қора суртиб, қишлоқда сазойи қилиб, кейин келган томонига кузатиб қўяди. Бироқ Темирвой акани кўролмайдиганлар шов-шув кўтариб, у кишини от ўғрисига чиқаради. Пойгалардан, улоқлардан четлатадилар. Паризод шу кетганича етти кун деганда қишлоқда яна пайдо бўлади. Қаёққа борди, яна қандай келиб қолди, ҳеч ким билмайди. Уни Темирвой акадан кейин раис Қозоқвой ота эгарлаб, мина бошлайди. Темирвой ака эса миш-мишлардан безиб Бўзсув бўйларига бош олиб тушиб кетади...

Абдуллажон ака, ҳойнаҳой, Темирвой аканинг олдидан балиқ шўрва ичиб келаётган бўлса керак. Бир марта у киши мени ҳам балиқ шўрва билан меҳмон қилган. Мазаси оғзимда қолган. Темирвой ака бир ўзи яшаб, одамовироқ бўлиб қолган. Сигирларимизни атрофига ёйдирмайди. Шовқинни ёмон кўради. Мен билан сал-пал чиқишади. Бу ҳам Паризод туфайли. Паризод болалар орасида менга ўрганган. Уни минаман, чўмилтираман...

– Неччига кирдинг? – деб ўшанда ёшимни сўраган эди Темирвой ака. Айтсам:

– Ўҳ-хў... Сен чавандоз бўлгунча Паризод анча қариб қоларкан, бақувват-бақувват овқат еб, бўйингни ўстир. Сени Паризод ёқтирибдими, демак, сендан яхши чавандоз чиқади, – деди.

Темирвой акадан Паризоднинг қаноти ҳақида сўрадим.

– Сен ўсавер, жиян, куни келганда айтаман, ҳа, фақат сенга айтаман бу сирни, – деди.

Parizodning bo'yniga tuya junidan qilingan arqon solib, ikki tarafdin ikkita otning egariga bog'lashadi. Shunday qilib zo'rlik bilan olib ketmoqchi bo'lishadi. Ammo Parizod oyog'ini yerga tirab, joyidan qimir etmay tog'day bo'lib turaveradi. Shunda ot meniki degan odam Parizodning sag'riniga alam bilan qattiq qamchi uradi. Parizod dunyoga kelgandan beri qamchi zarbini yemagan bo'ladi. Birdan uning oldingi oyoqlari osmon-u falakka ko'tariladi-yu ikki otning egariga bog'langan arqonlar chars-churs uziladi. Otliqlar esa egarlaridan uchib tushadi. Ot bir zumda yo'q bo'lib qoladi. Osmonga uchdimi, yerga kirdimi, turganlar hayron. Ammo Parizodning Bo'zsuv ustidan uchib o'tganini suvga borgan ayollar, bolalar ko'rishadi. Qozoqvoy ota tovlamachilarni qadimgi usulda jazolaydi. Otlariga teskari mindirib, yuziga qora surtib, qishloqda sazoyi qilib, keyin kelgan tomoniga kuzatib qo'yadi. Biroq Temirvoy akani ko'rolmaydiganlar shov-shuv ko'tarib, u kishini ot o'g'risiga chiqaradi. Poygalardan, uloqlardan chetlatadilar. Parizod shu ketganicha yetti kun deganda qishloqda yana paydo bo'ladi. Qayoqqa bordi, yana qanday kelib qoldi, hech kim bilmaydi. Uni Temirvoy akadan keyin rais Qozoqvoy ota egarlab, mina boshlaydi. Temirvoy aka esa mish-mishlardan bezib Bo'zsuv bo'ylariga bosh olib tushib ketadi...

Abdullajon aka, hoynahoy, Temirvoy akaning oldidan baliq sho'rva ichib kelayotgan bo'lsa kerak. Bir marta u kishi meni ham baliq sho'rva bilan mehmon qilgan. Mazasi og'zimda qolgan. Temirvoy aka bir o'zi yashab, odamoviroq bo'lib qolgan. Sigirlarimizni atrofiga yoydirmaydi. Shovqinni yomon ko'radi. Men bilan sal-pal chiqishadi. Bu ham Parizod tufayli. Parizod bolalar orasida menga o'rgangan. Uni minaman, cho'miltiraman...

– Nechchiga kirding? – deb o'shanda yoshimni so'ragan edi Temirvoy aka. Aytсам:

– O'h-ho'... Sen chavandoz bo'lguncha Parizod ancha qarib qolarkan, baquvat-baquvat ovqat yeb, bo'yingni o'stir. Seni Parizod yoqtiribdimi, demak, sendan yaxshi chavandoz chiqadi, – dedi.

Temirvoy akadan Parizodning qanoti haqida so'radim.

– Sen o'saver, jiyani, kuni kelganda aytaman, ha, faqat senga aytaman bu sirni, – dedi.

Ўч

Шуларни ўйлаб ўтирсам, ўч олиш режасини тузиб Убай келиб қолди. Айтиб берган эди, болалар роса кулишди. Режа чиндан ҳам кулгили, аммо шармандали эди. Агарда у амалга ошса, Каримбой чол бизни қандай шарманда қилган бўлса, ўзи ҳам шундай шарманда бўлади. Яна кимнинг олди-да, раис бува билан партком тоғанинг олдида. Мен шунча яхшиликлар қилган одамга ёмонлик қилишни тасаввур ҳам қила олмасдим. Бир нимани баҳона қилиб ўйиндан чиқайми ҳам дедим. Аммо режалари бўлмай қолса, болалар мендан кўришлари тайин. Каримбой чол билан яқинлигимни билишади. Икки ўт ўртасида қолдим. Анали гапдан кейин Убайга ҳурматим ошган эди. Энди бўлса бир бечора букри чолни шунчалик шарманда қилмоқчи бўлаётганига ундан ҳафсалам пир бўлди... Тумтайиб ўтирганимни кўрган Убай:

– Ҳа, ёқмадим сенга? – деди.

– Ёқмади.

– Нимаси ёқмади?

– Бир бечора чолни шарманда қилишинг ёқмади.

– У сенларни шарманда қилди-ку?

– Айб ўзимизда-ку, ке, кўй шу ишингни, Убай.

– Кўймасам-чи?

– Унда мен ўйиндан чиқаман.

– Ушланглар сотқинни, – буюрди Убай. Болалар ташланиб, мени ерга қулатишди.

– Ёнғоққа оғзиниям кўшиб боғлаб кўйинглар, бақира кўрмасин.

Бўзсувда чўмилганимизда оқиб кетмаслик учун белимизга боғлаб оладиган арқонимиз бор эди, ўзиям узилавериб қирқ улоқ бўлиб кетган, ўша билан боғлаб кўйишди. Каримбой чолга ёрдам бера олмагач, бу шармандалик ишда қатнашмаяпман-ку, деб ўзимни ўзим юпатган бўламан. Энди болалар мендан юз ўтириб, яккалаб кўйишлари аниқ. Убайнинг ўрнида ўйинбошимиз Турсунбой бўлганда ҳам шундай қилган бўларди.

Шу кунларда Каримбой чолнинг омади юриб, ҳов бирда келган лектор “Ленинчи отбоқар” деб район газетасига мақтаб ёзган, биз бўлса бу ёқда Каримбой чолни шарманда қилмоқчи бўлардик.

Шундай қилиб қасос олиш режаси ишга тушди. Ҳаммининг ўзига қараб вазифа бўлинди. Шу пайт раиснинг ўғли Илҳом идорадан гап топиб келди. Отаси билан Сирож тоға ҳовуз бўйидаги сўрида яхна чой билан оғиз чайиб ўтиришган экан (ўша пайтда рўза кунлари ёз чилласига тўғри келган эди). Офтоб қоқ тик-

O'CH

Shularni o'ylab o'tirsam, o'ch olish rejasini tuzib Ubay kelib qoldi. Aytib bergan edi, bolalar rosa kulishdi. Reja chindan ham kulgili, ammo sharmandali edi. Agarda u amalga oshsa, Karimboy chol bizni qanday sharmanda qilgan bo'lsa, o'zi ham shunday sharmanda bo'ladi. Yana kimning oldi-da, rais buva bilan partkom tog'aning oldida. Men shuncha yaxshiliklar qilgan odamga yomonlik qilishni tasavvur ham qila olmasdim. Bir nimani bahona qilib o'yindan chiqaymi ham dedim. Ammo rejalari bo'lmay qolsa, bolalar mendan ko'rishlari tayin. Karimboy chol bilan yaqinligimni bilishadi. Ikki o't o'rtasida qoldim. Anavi gapdan keyin Ubayga hurmatim oshgan edi. Endi bo'lsa bir bechora bukri cholni shunchalik sharmanda qilmoqchi bo'layotganiga undan hafsalam pir bo'ldi... Tumtayib o'tirganimni ko'rgan Ubay:

– Ha, yoqmadimi senga? – dedi.

– Yoqmadi.

– Nimasi yoqmadi?

– Bir bechora cholni sharmanda qilishing yoqmadi.

– U senlarni sharmanda qildi-ku?

– Ayb o'zimizda-ku, ke, qo'y shu ishingni, Ubay.

– Qo'ymasam-chi?

– Unda men o'yindan chiqaman.

– Ushlanglar sotqinni, – buyurdi Ubay. Bolalar tashlanib, meni yerga qulatishdi.

– Yong'oqqa og'ziniyam qo'shib bog'lab qo'yinglar, baqira ko'rmasin.

Bo'zsuvida cho'milganimizda oqib ketmaslik uchun belimizga bog'lab oladigan arqonimiz bor edi, o'ziyam uzilaverib qirq uloq bo'lib ketgan, o'sha bilan bog'lab qo'yishdi. Karimboy cholga yordam bera olmagach, bu sharmandalik ishda qatnashmayapman-ku, deb o'zimni o'zim yupatgan bo'laman. Endi bolalar mendan yuz o'girib, yakkalab qo'yishlari aniq. Ubayning o'rnida o'yinboshimiz Tursunboy bo'lganda ham shunday qilgan bo'lardi.

Shu kunlarda Karimboy cholning omadi yurib, hov birda kelgan lektor "Leninchi otboqar" deb rayon gazetasiga maqtab yozgan, biz bo'lsa bu yoqda Karimboy cholni sharmanda qilmoqchi bo'lardik.

Shunday qilib qasos olish rejasi ishga tushdi. Hammaning o'ziga qarab vazifa bo'lindi. Shu payt raisning o'g'li Ilhom idoradan gap topib keldi. Otasi bilan Siroj tog'a hovuz bo'yidagi so'rida yaxna choy bilan og'iz chayib o'tirishgan ekan (o'sha paytda ro'za kunlari

кага келган, теккан жойини жазиллатади. Узоқдан занг овози эшитилиб, колхозчиларни тушликка чақирди. Яна бирор соатлардан кейин раис билан партком одатлари бўйича одамлар соя-салқинга уриб кетмасин деб дала айланишади. Каримбой чол отларни суғориш билан овора. Уришиб қолмаганимизда-ку бу ишларни биз қилиб, Каримбой чол соя-салқинда маза қилиб уйқуни урарди. Отлар ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб Каримбой чолни қийнайди. У бўлса сўкиниб, бақиради. Мен буларни ноилож кузатаман. Аламимдан арқонни чайнаб узмоқчи бўламан. Оғзим бўлмағур, шўр бир нарсаларга тўлади. Қани энди туфлаб ташлашнинг иложи бўлса. Убайнинг ишораси билан биринчи бўлиб Эркин эначангни ишга киришди. Эркиннинг исмига “эначангни” деган сўзни қўшиб айтмаса, уни биров танимайди. Қишлоқда Эркин исми болалар кўп. Уруш тезроқ тугасин, эркинлик бўлсин деб уруш йилида туғилганларни Эркин, Эркиной қўяверишган. Эркин эначангнининг отаси банги, Каримбой чолнинг соқолини ҳар куни қайчилаб, бир боғ беда орқалаб кетадиган сартарош. Кўкнорисиз туrolмайди. Қачон қараса пешанасидан тер қуйиб, кайф қилиб юради. У ёлғиз ўғли Эркинни эрмакка “Ҳа эначангни...” деб сўккани-сўккан. Бу сўкишдан кўра эркалашга ҳам ўхшаб кетади. Шунинг учун уни ҳамма Эркин эначангни дейди. Болаларнинг айтишича, ўқитувчилар ҳам: “Эркин эначангни, чиқ доскага”, – дейишар экан.

Эркин эначангни отасининг кўкнорисидан ўғирлаб келган, уни қандай бўлмасин Каримбой чолнинг қора қумғонига солиб қўйиши керак. Каримбой чолнинг битта яхши одати бор. Қора қумғонни қайнатиб, чой ўрнига янтоқ солиб, шабадароқ жойга илиб қўяди.

Эркин эначангни ўз ишини бедазор ичидан яшириниб бориб қилиши керак эди. У бўлса режани бузди, ғўддайиб бекинмай бораверди. Каримбой чол уни кўриб отларни суғоришга қарашвор, деди, шекилли, Эркин эначангни битта отни миниб, иккинчисини етаклаб ёйилмага қараб юрди. Бу пайтда Каримбой чол анча нарига кетиб қолган эди. У қумғон илинган жойга бордида, кўкнорини унга ташлади.

– Воҳ, яшавор эначангни, – деб юборди Убай, – ундаям калла бор экан, ишлатди, бекинмай боргани яхши бўлди, чол энди ҳеч кимдан гумон қилмайди.

Отларни икковлашиб суғориб, жойларини ўзгартириб ҳам бўлишди. Шундан кейин Каримбой чол қора қумғонга етиб бордида, шошиб уни бошига кўтарди. Болалар бу ёқда чапак чалиб юборишди. Убай “қалайсан” дегандек менга қараб қўйди. Ундан



yoq chillasiga to'g'ri kelgan edi). Oftob qoq tikkaga kelgan, tekkan joyini jazillatadi. Uzoqdan zang ovozi eshitilib, kolxozchilarni tushlikka chaqirdi. Yana biror soatlardan keyin rais bilan partkom odatlari bo'yicha odamlar soya-salqinga urib ketmasin deb dala aylanishadi. Karimboy chol otlarni sug'orish bilan ovora. Urishib qolmaganimizda-ku bu ishlarni biz qilib, Karimboy chol soya-salqinda maza qilib uyquni urardi. Otlar o'zini u yoq-bu yoqqa tashlab Karimboy cholni qiynaydi. U bo'lsa so'kinib, baqiradi. Men bularni noiloj kuzataman. Alamimdan arqonni chaynab uzmoqchi bo'laman. Og'zim bo'lmag'ur, sho'r bir narsalarga to'ladi. Qani endi tuflab tashlashning iloji bo'lsa. Ubayning ishorasi bilan birinchi bo'lib Erkin enachangni ishga kirishdi. Erkinning ismiga "enachangni" degan so'zni qo'shib aytmasa, uni birov tanimaydi. Qishloqda Erkin ismli bolalar ko'p. Urush tezroq tugasin, erkinlik bo'lsin deb urush yilida tug'ilganlarni Erkin, Erkinoy qo'yaverishgan. Erkin enachangning otasi bangi, Karimboy cholning soqolini har kuni qaychilab, bir bog' beda orqalab ketadigan sartarosh. Ko'knorisiz turolmaydi. Qachon qarasa peshanasidan ter quyib, kayf qilib yuradi. U yolg'iz o'g'li Erkinni ermakka "Ha enachangni..." deb so'kkani-so'kkan. Bu so'kishdan ko'ra erkalashga ham o'xshab ketadi. Shuning uchun uni hamma Erkin enachangni deydi. Bolalarning aytishicha, o'qituvchilar ham: "Erkin enachangni, chiq doskaga", – deyishar ekan.

Erkin enachangni otasining ko'knorisidan o'g'irlab kelgan, uni qanday bo'lmasin Karimboy cholning qora qumg'oniga solib qo'yishi kerak. Karimboy cholning bitta yaxshi odati bor. Qora qumg'onni qaynatib, choy o'rniga yantoq solib, shabadaroq joyga ilib qo'yadi.

Erkin enachangni o'z ishini bedazor ichidan yashirinib borib qilishi kerak edi. U bo'lsa rejani buzdi, g'oddayib bekinmay boraverdi. Karimboy chol uni ko'rib otlarni sug'orishga qarashvor, dedi, shekilli, Erkin enachangni bitta otni minib, ikkinchisini yetaklab yoyilmaga qarab yurdi. Bu paytda Karimboy chol ancha nariga ketib qolgan edi. U qumg'on ilingan joyga bordi-da, ko'knorini unga tashladi.

– Boh, yashavor enachangni, – deb yubordi Ubay, – undayam kalta bor ekan, ishlatdi, bekinmay borgani yaxshi bo'ldi, chol endi hech kimdan gumon qilmaydi.

Otlarni ikkovlashib sug'orib, joylarini o'zgartirib ham bo'lishdi. Shundan keyin Karimboy chol qora qumg'onga yetib bordi-da, shoshib uni boshiga ko'tardi. Bolalar bu yoqda chapak chalib yuborishdi. Ubay "qalaysan" degandek menga qarab qo'ydi. Undan

юзимни ўғирдим. Арқоннинг шўридан кўнглим беҳузур бўларди. Чайнаб, анча юмшатиб ҳам кўйдим. Энди Каримбой чол Паризоднинг эгарини ёстиқ қилиб тут соясига бирпас чўзилади. Аммо сергак ётади. Ҳали замон раис билан партком тоға келиб қолишини билади. Лекин кўкнори ўз ишини қилиши керак. Салдаёқ Эркин эначангни кўл силкиди: “Келаверинглар”. Бу кўкнорининг иш берганини билдирарди.

Убай билан Зайниддин ўша тарафга қараб югуриб кетишди. Зайниддин тутнинг устига чиқиб, узун бир новданинг пўстлоғини шилиб, бир учини пастга тушириши керак. Убай уни Каримбой чолнинг иштонбоғига боғлаб кўяди, вассалом. Илҳом менга қоровул бўлиб қолган. Мен зўр бериб арқонни чайнаб узмоқчи, Каримбой чолни шармандаликдан қутқармоқчи бўламан. Арқон узилди-ю, аммо уёғи бўшамади. Бир кучанган эдим мовут шимим сўкилиб, олдидаги тугмалари узилиб кетди. Аммам шимни эҳтиёт қил, уни сотиб, жиянларингни кийинтираман, деб тайинлаган эди-я. Энди нима бўлади? Аламимни кекирдагимдан олиб, ўзимдан-ўзим жиннига ўхшаб бақира бошладим. Қаердандир Убай пайдо бўлиб, кир, яғир дўппимни икки буклаб оғзимга тиқиб кўйди. Мен энди Каримбой чолни ўйламаётган эдим. Хаёлим мовут шимда эди. Йиртиқ шимни ким ҳам олади? Жиянларимнинг уст-боши нима бўлади? Шу қилганларига Каримбой чолни шарманда қилиш режаси ишламай қолсайди, деб ғижинаман. Режанинг энг қалтис жойи қолган эди. Кўчқор олдин Паризодни, кейин партком тоғанинг отини бўшатиб юбориши керак. Бу икки от бир-бири билан ит-мушук, ҳеч қачон чиқиша олмайди. Улар ўртасидаги жанжалга биялар сабаб бўлади. Қишлоқдаги бияси бор одам борки, Паризоддан қулун олсам дейди. Паризод бўлса ҳамма бияга ҳам қарайвермайди. Паризод қарамагач, парткомнинг отига кўйишга мажбур бўлишади. Унгача партком тоғанинг оти кишнаб, ер тепиниб, бўлганича бўлади. Шунгами, доимо Паризодга кек сақлайди. Убай шу икки отни уриштириб Каримбой чолдан ўч олмоқчи.

Кўчқор шошиб қолдимиз, ишқилиб, режани бузиб кўйди. Олдин Паризодни эмас, ўзига яқинроқ турган партком тоғанинг отини бўшатиб юборди. От худди шуни кутиб тургандек Паризод томон ўқдек учди. Кўчқор Паризодни бўшатишга улгура олмай қолди. Отлар тумшуғини тумшуғига тираб, ҳангиллаб тиккама-тикка бўлиб уриша кетди. Паризоднинг ечилмай қолгани менга баттар алам қилди. Устимдаги мовут шим ҳам эсимдан чикди. Бир кучаниб, арқонни узиб юбордим. Кўл-оёғим бўшаб, жон-жаҳдим билан шундай югурдимки, Убай “ҳай” дейишга ҳам улгурмай



yuzimni o'girdim. Arqonning sho'ridan ko'nglim behuzur bo'lardi. Chaynab, ancha yumshatib ham qo'ydim. Endi Karimboy chol Parizodning egarini yostiqliq qilib tut soyasiga birpas cho'ziladi. Ammo sergak yotadi. Hali zamon rais bilan partkom tog'a kelib qolishini biladi. Lekin ko'knori o'z ishini qilishi kerak. Saldayoq Erkin enachangni qo'l silkidi: "Kelaveringlar". Bu ko'knorining ish berganini bildirardi.

Ubay bilan Zayniddin o'sha tarafdagi qarab yugurib ketishdi. Zayniddin tutning ustiga chiqib, uzun bir novdani po'stlog'ini shilib, bir uchini pastga tushirishi kerak. Ubay uni Karimboy cholning ishtonbog'iga bog'lab qo'yadi, vassalom. Ilhom menga qorovul bo'lib qolgan. Men zo'r berib arqonni chaynab uzmoqchi, Karimboy cholni sharmandalikdan qutqarmoqchi bo'laman. Arqon uzildi-yu, ammo uyog'i bo'shamadi. Bir kuchangan edim movut shimim so'killib, oldidagi tugmalari uzilib ketdi. Ammam shimni ehtiyot qil, uni sotib, jiyanlaringni kiyintiraman, deb tayinlagan edi-ya. Endi nima bo'ladi? Alamimni kekirdagimdan olib, o'zimdan o'zim jinniga o'xshab baqira boshladim. Qayerdandir Ubay paydo bo'lib, kir, yag'ir do'ppimni ikki buklab og'zimga tiqib qo'ydi. Men endi Karimboy cholni o'ylamayotgan edim. Xayolim movut shimda edi. Yirtiq shimni kim ham oladi? Jiyanlarimning ust-boshi nima bo'ladi? Shu qilganlariga Karimboy cholni sharmanda qilish rejasi ishlamay qolsaydi, deb g'ijinaman. Rejaning eng qaltis joyi qolgan edi. Qo'chqor oldin Parizodni, keyin partkom tog'aning otini bo'shatib yuborishi kerak. Bu ikki ot bir-biri bilan it-mushuk, hech qachon chiqisha olmaydi. Ular o'rtasidagi janjalga biyalar sabab bo'ladi. Qishloqdagi biyasi bor odam borki, Parizoddan qulun olsam deydi. Parizod bo'lsa hamma biyaga ham qarayvermaydi. Parizod qaramagach, partkomning otiga qo'yishga majbur bo'lishadi. Ungacha partkom tog'aning oti kishnab, yer tepinib, bo'lganicha bo'ladi. Shungami, doimo Parizodga kek saqlaydi. Ubay shu ikki otni urishtirib Karimboy choldan o'ch olmoqchi.

Qo'chqor shoshib qoldimi, ishqilib, rejani buzib qo'ydi. Oldin Parizodni emas, o'ziga yaqinroq turgan partkom tog'aning otini bo'shatib yubordi. Ot xuddi shuni kutib turgandek Parizod tomon o'qdek uchdi. Qo'chqor Parizodni bo'shatishga ulgura olmay qoldi. Otlar tumshug'ini tumshug'iga tirab, hangillab tikkama-tikka bo'lib urisha ketdi. Parizodning yechilmay qolgani menga battar alam qildi. Ustimdagi movut shim ham esimdan chiqdi. Bir kuchanib, arqonni uzib yubordim. Qo'l-oyog'im bo'shab, jon-jahdim bilan shunday yugurdimki, Ubay "hay" deyishga ham ulgurmay qoldi. Men otlarni

қолди. Мен отларни бир-биридан ажратмоқчи эдим. Бироқ уларга яқинлашиб бўлмасди. Қарасам боғланган арқон кўлимда келган экан. У билан партком тоғанинг отининг нақ тумшуғига тушира бошладим. Қани парво қилса. Паризод унга ташланаман деганда бўйнидаги арқон уни тортиб қолади. Қозиқни бўшатаман деб шувалло уриндим, бироқ бу иш ҳам кўлимдан келмади.

Шу пайт партком тоғанинг оти бир зумга нари кетди. Беда чайнаб, алаҳсиди. Курашда енгилдиёв, деб ўйладим. Паризодни силаб-сийпаб эркалаган бўлдим. Аммо хато ўйлаган эканман. Партком тоғанинг оти бўйнини чўзиб, Паризод томон шундай ташландики, қочишга ҳам улгура олмай қолдим. Бир нима қарсиллаб кетди. Ҳов нарига учиб тушдим. Бошимни кўтарсам, тепамда пирқиллаб Паризод турибди. Партком тоғанинг оти анча нарида узала тушиб, нуқул бошини ерга тап-тап уради. Паризод худди ҳеч нима бўлмагандек хотиржам. Боя қарсиллаганда қозиқ синиб кетган экан. Паризод энди эркин эди. Жонивор нимагадир думи билан бўксасини елпирди. Қарасам, бўксасидан қон оқяпти. Партком тоғанинг оти тишини ботиришга улгурган эканда, эсиз.

Кўрсичқон инидан тупроқ олиб, Паризоднинг ярасига босдим. Биз қоқилиб, тирноғимиз қонаса, кўрсичқоннинг инини қидириб қолардик. Тупроғи даво экан-да. Буни ҳам Пошшахон опа айтган. Тер қуйиб, юзим жаз-жаз ачишади. Йиқилганда шилиб олибман. Шу пайт партком тоғанинг отига жон битиб, ётган жойидан туриб кетди. Паризод энди уни тириқтириб қува бошлади. Мен Каримбой чолни эслаб қолдим. Лекин энди кеч бўлган эди. Бедапояда раис, партком тоға, яна битта нотаниш киши пайдо бўлиб, Каримбой чол ётган жойга қараб келишарди.

Нима қиларимни билмай туриб қолдим. Партком тоға отларни бир-биридан ажратиш учун орқаларидан қува кетди. Раис бува бақирди:

– Каримбо-ой, ўлиб қолдингми?

Шунча тўполонга уйғонмаган Каримбой чол раиснинг битта бақирганига уйғониб, отларга кўзи тушиб, чопа кетди. Узоққа бормай иштонига ўралиб йиқилди. Тузоқ иш берди, иштонбоғи суғурилиб, тут пўстлоғида қолиб кетган эди. Буларни мен кўриб турардим. Кўкнорининг кайфиданми, ишқилиб, Каримбой чол йиқилган жойидан турибоқ, иштончанг кетаверди. Яхшиям, кўйлагининг узунлиги... Шунда ҳам барибир оппоқ сонлари, ундан юқорилари кўриниб кетарди.

Раис бува бошидаги оқ намаат қалпоқни кўлига олиб селкиллаб кула бошлади. Фақат ёнидаги нотаниш одам ҳеч нарсага тушун-

bir-biridan ajratmoqchi edim. Biroq ularga yaqinlashib bo'lmadi. Qarasam bog'langan arqon qo'limda kelgan ekan. U bilan partkom tog'aning otining naq tumshug'iga tushira boshladim. Qani parvo qilsa. Parizod unga tashlanaman deganda bo'ynidagi arqon uni tortib qoladi. Qoziqni bo'shataman deb shuvallo urindim, biroq bu ish ham qo'limdan kelmadi.

Shu payt partkom tog'aning oti bir zumga nari ketdi. Beda chaynab, alahsidi. Kurashda yengildiyov, deb o'yladim. Parizodni silab-siyab erkalagan bo'ldim. Ammo xato o'ylagan ekanman. Partkom tog'aning oti bo'ynini cho'zib, Parizod tomon shunday tashlandiki, qochishga ham ulgura olmay qoldim. Bir nima qarsillab ketdi. Hov nariga uchib tushdim. Boshimni ko'tarsam, tepamda pirqillab Parizod turibdi. Partkom tog'aning oti ancha narida uzala tushib, nuqul boshini yerga tap-tap uradi. Parizod xuddi hech nima bo'lmagandek xotirjam. Boya qarsillaganda qoziq sinib ketgan ekan. Parizod endi erkin edi. Jonivor nimagadir dumi bilan bo'ksasini elpirdi. Qarasam, bo'ksasidan qon oqyapti. Partkom tog'aning oti tishini botirishga ulgurgan ekanda, esiz.

Ko'rsichqon inidan tuproq olib, Parizodning yarasiga bosdim. Biz qoqilib, tirnog'imiz qonasa, ko'rsichqonning inini qidirib qolardik. Tuprog'i davo ekan-da. Buni ham Poshshaxon opa aytgan. Ter quyib, yuzim jaz-jaz achishadi. Yiqilganda shilib olibman. Shu payt partkom tog'aning otiga jon bitib, yotgan joyidan turib ketdi. Parizod endi uni tiriqtirib quva boshladi. Men Karimboy cholni eslab qoldim. Lekin endi kech bo'lgan edi. Bedapoyada rais, partkom tog'a, yana bitta notanish kishi paydo bo'lib, Karimboy chol yotgan joyga qarab kelishardi.

Nima qilarimni bilmay turib qoldim. Partkom tog'a otlarni bir-biridan ajratish uchun orqalaridan quva ketdi. Rais buva baqirdi:

– Karimbooy, o'lib qoldingmi?

Shuncha to'polonga uyg'onmagan Karimboy chol raisning bitta baqirganiga uyg'onib, otlarga ko'zi tushib, chopa ketdi. Uzoqqa bormay ishtoniga o'ralib yiqildi. Tuzoq ish berdi, ishtonbog'i sug'urilib, tut po'stlog'ida qolib ketgan edi. Bularni men ko'rib turardim. Ko'knorining kayfidanmi, ishqilib, Karimboy chol yiqilgan joyidan turiboq, ishtonchang ketaverdi. Yaxshiyam, ko'ylagining uzunligi... Shunda ham baribir oppoq sonlari, undan yuqorilari ko'rinib ketardi.

Rais buva boshidagi oq namat qalpoqni qo'lga olib selkillab kula boshladi. Faqat yonidagi notanish odam hech narsaga

май, хайрон қараб турарди. Партком тоға ҳали ҳам отлар билан овора эди.

– Ҳай болам, – деди раис бува менга қараб, – ол мановини, Каримбойга обориб бер, – деб иштонни кўрсатди ва яна селкиллаб кулди.

Мен иштонни олиб бориб бергандан кейингина Каримбой чол иштонсиз юрганини билиб қолди.

– Э, йўқ, – деб жаҳл билан бир менга, бир партком тоғага қаради. У кишиям эътибор қилмаган эканми, кўзлари соққа бўлиб, жон-пони чиқиб кетди.

– Ўлинг-е, бу нима қилиқ, мухбирнинг олдида мени шарманда қилдингиз-ку, ленинчи отбоқар бўлмай ўлинг, катта газетага ёзаман деб келган экан. Ҳеч жаҳонда одам куппа-кундузиям иштонни ечиб ётадимиз?

Каримбой чол шоша-пиша иштонини кийди-ю, боғини қидириб қолди.

– Боғи қани? – деб менга ўшқириб берди.

– Билмасам, – деб елка қисдим.

Каримбой чол липпасини чангаллаб, ётган жойига ер сузиб келди-да, иштонбоғини топиб олди. У пўстлоққа боғланганича тут шохида илиниб турарди. Бу пайтда раис бува, партком, мухбир учовлари Паризоднинг ярасини кўздан кечириш билан овора эди. Парткомнинг оти нуқул оқсарди. Каримбой чол иштонбоғидаги пўстлоқни кўриб ўзига тузоқ кўйилганини билди-ю, индамади.

Паризоднинг ярасига шу ерда наमत куйдириб босишди.

– Ҳей сен, болам, – деди раис бува менга қараб, – нима қилиб отларнинг туёғининг тагида ўралашиб юрибсан, а?

– Ажратмоқчийдим...

– Вой қизиғар-ей, майиб қилиб кўйишса нима бўларди?

Кутилмаганда мухбир мен билан қизиқиб қолди. Сўраб-суриштириб, бир нималарни дафтарчасига ёзиб олди. Ленинчи отбоқар билан иши ҳам бўлмади.

Кўлимда арқон билан болалар олдига қайтдим. Бу машмашада энг кўп жабр кўрган мен бўлдим. Шимимнинг йиртилгани, тугмаларининг узилиб, йўқолгани, йиқилиб юзимни шилиб олганим қолди... Убай мени сўроққа тутди:

– Анови бегона одам ким экан?

– Мухбир экан.

Убай жаҳл билан Илҳомга қаради:

– Буни менга нимага айтмадинг?

– Айтганда нима?

– Айтганингда ўч олишни эртага қолдирардик, ахир, Ка-

tushunmay, hayron qarab turardi. Partkom tog'a hali ham otlar bilan ovora edi.

– Hay bolam, – dedi rais buva menga qarab, – ol manovini, Karimboyga oborib ber, – deb ishtonni ko'rsatdi va yana selkillab kuldi.

Men ishtonni olib borib bergandan keyingina Karimboy chol ishtonsiz yurganini bilib qoldi.

– E, yo'q, – deb jahl bilan bir menga, bir partkom tog'aga qaradi. U kishiyam e'tibor qilmagan ekanmi, ko'zlari soqqa bo'lib, jon-poni chiqib ketdi.

– O'ling-e, bu nima qiliq, muxbirning oldida meni sharmanda qildingiz-ku, leninchi otboqar bo'lmay o'ling, katta gazetaga yozaman deb kelgan ekan. Hech jahonda odam kuppa-kunduziyam ishtonni yechib yotadimi?

Karimboy chol shosha-pisha ishtonini kiydi-yu, bog'ini qidirib qoldi.

– Bog'i qani? – deb menga o'shqirib berdi.

– Bilmasam, – deb yelka qisdim.

Karimboy chol lippasini changallab, yotgan joyiga yer suzib keldi-da, ishtonbog'ini topib oldi. U po'stloqqa bog'langanicha tut shoxida ilinib turardi. Bu paytda rais buva, partkom, muxbir uchovlari Parizodning yarasini ko'zdan kechirish bilan ovora edi. Partkomning oti nuqul oqsardi. Karimboy chol ishtonbog'idagi po'stloqni ko'rib o'ziga tuzoq qo'yilganini bildi-yu, indamadi.

Parizodning yarasiga shu yerda namat kuydirib bosishdi.

– Hey sen, bolam, – dedi rais buva menga qarab, – nima qilib otlarning tuyog'ining tagida o'ralashib yuribsan, a?

– Ajratmoqchiydim...

– Voy qizig'ar-ey, mayib qilib qo'yishsa nima bo'lardi?

Kutilmaganda muxbir men bilan qiziqib qoldi. So'rab-surishtirib, bir nimalarni daftarchasiga yozib oldi. Leninchi otboqar bilan ishi ham bo'lmadi.

Qo'limda arqon bilan bolalar oldiga qaytdim. Bu mash-mashada eng ko'p jabr ko'rgan men bo'ldim. Shimimning yirtilgani, tugmalarining uzilib, yo'qolgani, yiqilib, yuzimni shilib olganim qoldi... Ubay meni so'roqqa tutdi:

– Anovi begona odam kim ekan?

– Muxbir ekan.

Ubay jahl bilan Ilhomga qaradi:

– Buni menga nimaga aytmadimg?

– Aytganda nima?

– Aytganingda o'ch olishni ertaga qoldirardik, axir, Karimboy chol

римбой чол ўзимизники-ку. Бегона одамнинг олдида шарманда қилиш яхшими, бунинг устига яна мухбир экан?

– Мен борганимда мухбир йўқ эди, – деб Илҳом ўзини оқлади.

Мана мен олдинда турибман, нима қилсанг қил, дегандек кўлимдаги арқонни Убайнинг оёғи тагига ташладим. Ахир, мен унга бўйсунмадим. Шундай бўлгач, ҳар қандай жазога ҳам тайёрман. Убай болаларга қаради-да:

– Буни нима қиламиз? – деди менга қараб. Нимагадир болалардан садо чиқмади.

– Айтинглар, нима қиламиз? – қайта сўради Убай.

– Уни ҳайдаш керак, биз билан ўйнамасин, – деди Эркин эначангни.

Болалар унга ярқ этиб қарашди. Шундан билдимки, бундай қилиш уларнинг хаёлига ҳам келмаган.

– Ҳамма шуни хоҳлайдими?

Болалар яна индашмади.

– Ахир, уни ўзинг боғлатдинг-ку, – жовуллади Эркин эначангни, – ҳайдайсанда энди.

Убай унга хўмрайиб қаради. Билдимки, унинг ҳам бунақа қилгиси йўқ.

– Сени тушунмай қолдим, – деди Убай менга қараб, – арқонни узиб қочганимда ҳозир бориб Каримбой чолни уйғотади, деб ўйлаган эдим, сен бўлса отлар билан овора бўлиб кетдинг, нимага бундай қилдинг?

– Билмадим, – дедим елка қисиб. Чиндан ҳам нимага шундай қилганимни ўзим ҳам билмасдим.

– Бу ерда мен айбдорман, – деди Кўчқор бошини эгиб. – Режа бўйича олдин Паризодни бўшатишим керак эди. Шошиб қолдим, шу...

Убай унга “бўпти” дегандек қаради-да, яна менга юзланди:

– Мен сенинг ўрнингда бўлганимда отларнимас, чолни ўйлаган бўлардим, галварс. Шундай қилганимда анови бегона одамнинг олдида чолни шармандалиқдан қутқариб қолардинг, – деди.

Убай бошқа индамади, мени жазоламади ҳам.

Орадан икки кун ўтдим, уч кун ўтдим, билмайман... каттакон газетада (бизнинг район газетамиз ҳажм жиҳатдан кичкина кўринарди) “Довюрак пионер” деган мақола босилиб чиқди. Унда ёзилишича, мен сигиримни салқинга боғлаб, ён-атрофга зийрак қараб, тушлик қилгани уйга келаётган бўламан. Шунда колхоз отлари қозиғидан бўшалиб, бир-бирини ғажишаётганини кўриб қоламан. Бу пайтда лодр (дангаса) отбоқар салқинда хуррак отиб ухлаб ётган бўлади. Мен – ленинчи довюрак пионер кўрқмай,

o'zimizniki-ku. Begona odamning oldida sharmanda qilish yaxshimi, buning ustiga yana muxbir ekan?

– Men borganimda muxbir yo'q edi, – deb Ilhom o'zini oqladi.

Mana men oldingda turibman, nima qilsang qil, degandek qo'limdagi arqonni Ubayning oyog'i tagiga tashladim. Axir, men unga bo'ysunmadim. Shunday bo'lgach, har qanday jazoga ham tayyorman. Ubay bolalarga qaradi-da:

– Buni nima qilamiz? – dedi menga qarab. Nimagadir bolalardan sado chiqmadi.

– Aytinglar, nima qilamiz? – qayta so'radi Ubay.

– Uni haydash kerak, biz bilan o'ynamasin, – dedi Erkin enachangni.

Bolalar unga yarq etib qarashdi. Shundan bildimki, bunday qilish ularning xayoliga ham kelmagan.

– Hamma shuni xohlaydimi?

Bolalar yana indashmadi.

– Axir, uni o'zing bog'latding-ku, – jovulladi Erkin enachangni, – haydaysanda endi.

Ubay unga xo'mrayib qaradi. Bildimki, uning ham bunaqa qilgisi yo'q.

– Seni tushunmay qoldim, – dedi Ubay menga qarab, – arqonni uzib qochganingda hozir borib Karimboy cholni uyg'otadi, deb o'ylagan edim, sen bo'lsa otlar bilan ovora bo'lib ketding, nimaga bunday qilding?

– Bilmadim, – dedim yelka qisib. Chindan ham nimaga shunday qilganimni o'zim ham bilmasdim.

– Bu yerda men aybdorman, – dedi Qo'chqor boshini egib. – Reja bo'yicha oldin Parizodni bo'shatishim kerak edi. Shoshib qoldim, shu...

Ubay unga "bo'пти" degandek qaradi-da, yana menga yuzlandi:

– Men sening o'rningda bo'lganimda otlarnimas, cholni o'ylagan bo'lardim, galvars. Shunday qilganingda anovi begona odamning oldida cholni sharmandalikdan qutqarib qolarding, – dedi.

Ubay boshqa indamadi, meni jazolamadi ham.

Oradan ikki kun o'tdimi, uch kun o'tdimi, bilmayman... kattakon gazetada (bizning rayon gazetamiz hajm jihatdan kichkina ko'rinardi) "Dovyurak pioner" degan maqola bosilib chiqdi. Unda yozilishicha, men sigirimni salqinga bog'lab, yon-atrofga ziyrak qarab, tushlik qilgani uyga kelayotgan bo'laman. Shunda kolxoz otlari qozig'idan bo'shalib, bir-birini g'ajishayotganini ko'rib qolaman. Bu paytda lodr (dangasa) otboqar salqinda xurak otib uxlab yotgan bo'ladi. Men – leninchi dovyurak pioner qo'rqmay, burnimni pachoq qilib, yuzimning

бурнимни пачоқ қилиб, юзимнинг бир қават терисини шилиб, колхоз мулки бўлган отларни майиб бўлишдан қутқариб қоламан...

Қишлоқда мен ҳақимда яхши гаплар юриб қолди:

– Турсунхоннинг жияни яхши бола экан.

– Раҳматлик домудла Абдумавлон қорининг невараси экан.

ФАЛОКАТ

Орадан кўп ўтмай биз болалар яна қовун туширдик. Чўмилиш билан овора бўлиб, сигирларимиз яна бедапояга тушганини сезмай қолибмиз. Каримбой чол баттар бўлинглар, деб атайлаб молларни бедапоядан ҳайдаб солмапти. Нимагаки, иштон воқеасидан кейин кўпчилик ота-оналар у билан жиққамушт бўлишган эди. Кечга яқин сигирларнинг қорни гумбира-гум шишиб кетди. Қишлоқ туни билан бақир-чақир бўлиб чиқди. Эртасига маълум бўлдики, учта соғин сигир, битта новвос ва яна учта она эчки сўйилиб кетибди. Учта сигирнинг биттаси меники эди. Мажид поччамдан қолган якка-ю ягона бойлигимиздан ҳам ажраб қолдик. Аммам индамади. Ажали етган экан, кўпга келган тўй, деб кўяқолди. Мен ичимдан қаттиқ эзилдим. Қозоқвой ота бешта етими бор деб бизга марҳамат қилди, гўштни ўша куниеқ иссиқ овқатга деб олиб, пулини берди. Бошқалар гўштни аравага ортиб шаҳарга жўнади. Колхоз берган пул битта соғин эчкига етди, холос. Ишқилиб, жиянларим сутсиз қолмади. Шундан кейингина биз Каримбой чолнинг қадрига етдик.

УБАЙ – ГҲРКОВ

Убайни қидириб бориб кўшнининг томорқасидан топдим. У Эркин эначангининг банги дадаси билан сув талашиб, ёжиллашиб турган экан. Сартарошнинг кайфи баланд, кўзлари йилтиллаб, кетмон билан Убайни солиб қолай деб турибди. Сартарош менга бунингни олиб кет дегандек қаради-да, Убайнинг томорқасига ўтаётган сувни чиппа бўғиб, тескари қараб олди. Убай мени кўриб бўшашди. Менинг олдимда сартарош билан ади-бади айтиб ўтиришни ўзига эп билмади.

– Нима ишинг бор эди? – сўради у мenden хушламайгина.

– Зайниддиндан сўратибсан-ку...

У индамай ертўласи томон юрди. Ҳойнаҳой гап Пошшахоннинг ўйнаши ҳақида бўлса керак, деган ўйда унга эргашдим.

Каримбой чолнинг ҳовлисида занжирини судраб ит хурди.

bir qavat terisini shilib, kolxoz mulki bo'lgan otlarni mayib bo'lishdan qutqarib qolaman...

Qishloqda men haqimda yaxshi gaplar yurib qoldi:

– Tursunxonning jiyani yaxshi bola ekan.

– Rahmatlik domulla Abdumavlon qorining nevarasi ekan.

FALOKAT

Oradan ko'p o'tmay biz bolalar yana qovun tushirdik. Cho'milish bilan ovora bo'lib, sigirlarimiz yana bedapoyaga tushganini sezmay qolibmiz. Karimboy chol battar bo'linglar, deb ataylab mollarni bedapoyadan haydab solmapti. Nimagaki, ishton voqeasidan keyin ko'pchilik ota-onalar u bilan jiqqamusht bo'lishgan edi. Kechga yaqin sigirlarning qorni gumbira-gum shishib ketdi. Qishloq tuni bilan baqirchaqir bo'lib chiqdi. Ertasiga ma'lum bo'ldiki, uchta sog'in sigir, bitta novvos va yana uchta ona echki so'yilib ketibdi. Uchta sigirning bittasi meniki edi. Majid pochchamdan qolgan yakka-yu yagona boyligimizdan ham ajrab qoldik. Ammam indamadi. Ajali yetgan ekan, ko'pga kelgan to'y, deb qo'yaqoldi. Men ichimdan qattiq ezildim. Qo'zoqvoy ota beshta yetimi bor deb bizga marhamat qildi, go'shtni o'sha kuniyoq issiq ovqatga deb olib, pulini berdi. Boshqalar go'shtni aravaga ortib shaharga jo'nadi. Kolxoz bergan pul bitta sog'in echkiga yetdi, xolos. Ishqilib, jijanlarim sutsiz qolmadi. Shundan keyingina biz Karimboy cholning qadriga yetdik.

UBAY – GO'RKOB

Ubayni qidirib borib qo'shnining tomorqasidan topdim. U Erkin enachangnining bangi dadasi bilan suv talashib, g'ijillashib turgan ekan. Sartaroshning kayfi baland, ko'zlari yiltillab, ketmon bilan Ubayni solib qolay deb turibdi. Sartarosh menga buningni olib ket degandek qaradi-da, Ubayning tomorqasiga o'tayotgan suvni chippa bo'g'ib, teskari qarab oldi. Ubay meni ko'rib bo'shshadi. Mening oldimda sartarosh bilan adi-badi aytib o'tirishni o'ziga ep bilmadi.

– Nima ishing bor edi? – so'radi u mendan xushlamaygina.

– Zayniddindan so'ratibsan-ku...

U indamay yerto'lasini tomon yurdi. Hoynahoy gap Poshshaxonning o'ynashi haqida bo'lsa kerak, degan o'yda unga ergashdim.

Karimboy cholning hovlisida zanjirini sudrab it hurdi. Ikki

Икки кўшнининг ўртасида ертўлага ўхшаган янги бир нарса пайдо бўлиб, эшик ўрнига бардон ташлаб кўйилибди. Убай бардонни четга суриб, ичкари кирди. Димоғимга янги қазилган тупроқ ҳиди урилди. Ташқаридан тушган ёруғликдан ертўла ёришди. Тўрида тўшалган бўйра кўринди. Шу томон юрган эдим, Убай мени тўхтатиб қолди. Бўйра шунчаки тўшаб кўйилмаган, тагида ўра бор экан. Убай тўхтатмаса тушиб кетардим. Ўра чуқур, нақ кўкракдан келарди. Ўранинг бир чеккасида яна бир туйнукнинг оғзи қорайиб кўринди. Ўзимча тахмин қилиб, ўсмоқчиладим:

– Куён боқмоқчимисан, Убай?

Убай менга менсимагандек қаради-да, гуп этиб пастга сакради. Кейин лип этиб туйнукка кириб, кўздан йўқолди. Менга бирор гап айтмади ҳам. Ичкарида у бир иш билан куймалана бошлади. Тавба, ичимдагини топ-а бу Убай деганлари, деб ёжиниб туриб қолдим. Нимага чақирди-ю нимага миқ этмади? Ўзимча бир қарорга келолмай ичим тошди.

– Нима қиляпсан, Убай?

– Тушсанг кўрасан.

Овози хум ичидан чиққандек бўлди. Сакраб тушиб, энгашиб қарасам, тор-тансиқ жойда шувало тупроқ ўйиб ётибди. Унга қараб туриб нафасим қисди.

– Наридан, қоронғи қилиб кўйдинг.

Ўзимни орқага олиб, уни кузата бошладим. У жон-жаҳди билан теша урар, ҳар урганида соз тупроқ палахса-палахса бўлиб кўчиб тушарди. Салдан кейин дастаси калта куракда ичкаридан тупроқ чиқариб, оёғим тагига ташлай бошлади. Қоронғиликка кўзим анча ўрганган эди. Туйнук оғзини кузатиб туриб, бирдан эгим жимирлаб, юрагим уриб кетди. Бир шумликни сезгандек бўлдим. Қачонлардир ўлиб кетган табиб энамни эсладим. У кишини ўшанда ёмон одамлар ўлдириб кетишганида қабристонга олиб келиб худди шунақа туйнукдан ичкари олиб киришган, кейин шоша-пиша устидан тупроқ тортишган эди. Кўнглимга ҳар хил кўрқинчли ўйлар келди-ю, уларни ўзимдан қувай деб, туйнукка энгашдим:

– Куёнхона ҳам гўрга ўхшаган бўларканми, Убай?

Убай ишни тўхтатиб, пишиллаганича ичкаридан чиқиб келди. Бирпасда жикқа терга ботибди. Ҳаво етмагандек чуқур-чуқур нафас олади бечора. Ўра ичида нафасимиз нафасимизга тегиб турибди. Унинг бўйи мендан баландмас-у, аммо семиз кўринар, биллак мушаклари ўйнаб турарди.

– Шу ерда куён боқиб бўларканми? – деди Убай менга қараб. – Ертўлаларни илма-тешиқ қилиб юборади-ку...

qo'shnining o'rtasida yerto'laga o'xshagan yangi bir narsa paydo bo'lib, eshik o'rniga bardon tashlab qo'yilibdi. Ubay bardonni chetga surib, ichkari kirdi. Dimog'imga yangi qazilgan tuproq hidi urildi. Tashqaridan tushgan yorug'likdan yerto'la yorishdi. To'rida to'shalgan bo'yra ko'rindi. Shu tomon yurgan edim, Ubay meni to'xtatib qoldi. Bo'yra shunchaki to'shab qo'yilmagan, tagida o'ra bor ekan. Ubay to'xtatmasa tushib ketardim. O'ra chuqur, naq ko'krakdan kelardi. O'raning bir chekkasida yana bir tuynukning og'zi qorayib ko'rindi. O'zimcha taxmin qilib, o'smoqchiladim:

– Quyon boqmoqchimisan, Ubay?

Ubay menga mensimagandek qaradi-da, gup etib pastga sakradi. Keyin lip etib tuynukka kirib, ko'zdan yo'qoldi. Menga biror gap aytmadi ham. Ichkarida u bir ish bilan kuymalana boshladi. Tavba, ichimdagini top-a bu Ubay deganlari, deb g'ijini turib qoldim. Nimaga chaqirdi-yu nimaga miq etmadi? O'zimcha bir qarorga kelolmay ichim toshdi.

– Nima qilyapsan, Ubay?

– Tushsang ko'rasan.

Ovozi xum ichidan chiqqandek bo'ldi. Sakrab tushib, engashib qaragam, tor-tansiq joyda shuvalo tuproq o'yib yotibdi. Unga qarab turib nafasim qisdi.

– Nari tur, qorong'i qilib qo'yding.

O'zimni orqaga olib, uni kuzata boshladim. U jon-jahdi bilan tesha urar, har urganida soz tuproq palaxsa-palaxsa bo'lib ko'chib tushardi. Saldan keyin dastasi kalta kurakda ichkaridan tuproq chiqarib, oyog'im tagiga tashlay boshladi. Qorong'ilikka ko'zim ancha o'rgangan edi. Tuynuk og'zini kuzatib turib, birdan etim jimirlab, yuragim urib ketdi. Bir shumlikni sezgandek bo'ldim. Qachonlardir o'lib ketgan tabib enamni esladim. U kishini o'shanda yomon odamlar o'ldirib ketishganida qabristonga olib kelib xuddi shunaqa tuynukdan ichkari olib kirishgan, keyin shosha-pisha ustidan tuproq tortishgan edi. Ko'nglimga har xil qo'rqinchli o'ylar keldi-yu, ularni o'zimdan quvay deb, tuynukka engashdim:

– Quyonxona ham go'rga o'xshagan bo'larkanmi, Ubay?

Ubay ishni to'xtatib, pishillaganicha ichkaridan chiqib keldi. Birpasda jiqqa terga botibdi. Havo etmagandek chuqur-chuqur nafas oladi bechora. O'ra ichida nafasimiz nafasimizga tegib turibdi. Uning bo'yi mendan balandmas-u, ammo semiz ko'rinar, bilak mushaklari o'ynab turardi.

– Shu yerda quyon boqib bo'larkanmi? – dedi Ubay menga qarab. – Yerto'lalarni ilma-teshik qilib yuboradi-ku...

Калламга яна бояги қўрқинчли ўйлар келди. Юрагим яна безовта уриб кетди. Убайга савол кўзи билан қарадим.

– Бу ҳозир ўзинг айтган гўрнинг ўзи, – деди у бамайлихотирлик билан. – Турган жойимиз даҳлиз, анави ичкараси лаҳат дейилади.

Убай бу гапларни шунчаки гапирар, мен бўлсам қўрқувдан юрагим ёрилай дерди. Ҳалидан бери калламда айланаётган шубҳа-ю гумонлар ўзини кўрсата бошлаган эди. Қани энди бу ердан қочиб эмас, учиб чиқиб кетишнинг иложи бўлса. Пошша-хоннинг ўйнашини эсладим. Убай уни ўлдираман, қишлоғимизни иславоthона қилдириб қўймайман, деган эди. Бундан чиқди... Воҳ... Убай ваҳши-ей... Қишлоқни наҳс босмасин деб битта одамни ўлдириб юборибдими? Энди унга гўр қазияптими. Қанақа одам ўзи бу Убай? Мен тошдек қотиб унга тикилиб қолган эдим. Ўзимча бир нималар дегим келарди-ю, тилим айланмас эди. Нимага Пошшахоннинг ўйнашини ўлдириб, бу ишга мени шерик қилмоқчи? Биров билмайди деб ўйлаяптими? Абзий гўрковнинг ўлимига сабабчи бўлган сўконғич амакининг сири фош бўлди-ку, айбини бўйнига қўйиб, қамоққа олиб кетишди-ку. Бу қотиллик тепанинг тагида қолиб кетармикан? Ҳеч қачон! Бироқ Убайдаги хотиржамлик баттар юрагимни сиқди. Одам дегани бировни ўлдириб қўйиб ҳам шунақа бемалол гаплашиши мумкинми? Балки ўлдирмагандир, а? Гумон ва иккиланиш бирдан мени ўзимга келтирди. Яна ким биларди?..

– Убай, тепага чиқайлик, – дедим ниҳоят тилим айланиб. Мен бу ердан тезроқ қутулишни ўйлардим.

– Қазишмайсанми? – деди у лаҳатни кўрсатиб.

– Йў-ў... Ўликдан қўрқаман, оғайни, – дея дилимдаги тилимга чиқиб кетди. Овозим ўзгариб, йиғлаворай дедим.

– Ҳали ҳеч ким ўлганича йўқ, олдиндан аза очма, – деб тиржайди Убай. – Бу бир тайёргарлик, холос. Шошиб қолмасликка, билдингми, қуёнюрак.

– Э, шунақа демайсанми, – деб унинг елкасига бир туртдим.

– Барибир уни ўлдираман-да, шу гўрга тикаман, – деб у ҳам мени бир туртди. Боягидан анча ўзимга келдим. Аммо Убайнинг қуёнюрак дегани менга қаттиқ ботди. Убайданмас, ўзимдан хафа бўлдим. Мен нимага Убайдақа бўла олмайман? Бир марта қўрқмасдан ўзимни чаёнга чақтирган эдим-ку. “Йўқ, – дейман ўзимга-ўзим қарши бориб, – у воқеа билан Убайнинг воқеаси орасида жуда катта, ўххў, осмон билан ерча фарқ бор. Мен бошимга тушган қийинчиликлардан қутулиб кетмоқчи эдим ўшанда. Кейинчалик ўзимни машинанинг тагига ташламоқчи бўлганимда ҳам ниятим шунақа, бари жонимдан тўйганимдан эди. Убайники бошқа нарса. У қишлоқни наҳс босмасин деяпти. Унинг иши

Kallamga yana boyagi qo'rqinchli o'ylar keldi. Yuragim yana bezovta urib ketdi. Ubayga savol ko'zi bilan qaradim.

– Bu hozir o'zing aytgan go'rning o'zi, – dedi u bamaylixotirlik bilan. – Turgan joyimiz dahliz, anavi ichkarisi lahat deyiladi.

Ubay bu gaplarni shunchaki gapirar, men bo'lsam qo'rquvdan yuragim yorilay derdi. Halidan beri kallamda aylanayotgan shubha-yu gumonlar o'zini ko'rsata boshlagan edi. Qani endi bu yerdan qochib emas, uchib chiqib ketishning iloji bo'lsa. Poshshaxonning o'ynashini esladim. Ubay uni o'ldiraman, qishlog'imizni islavotxona qildirib qo'ymayman, degan edi. Bundan chiqdi... Voh... Ubay vahshi-yey... Qishloqni nahs bosmasin deb bitta odamni o'ldirib yuboribdimi? Endi unga go'r qaziyaptimi. Qanaqa odam o'zi bu Ubay? Men toshdek qotib unga tikilib qolgan edim. O'zimcha bir nimalar degim kelardiyu, tilim aylanmas edi. Nimaga Poshshaxonning o'ynashini o'ldirib, bu ishga meni sherik qilmoqchi? Birov bilmaydi deb o'ylayaptimi? Abziy go'rkovning o'limiga sababchi bo'lgan so'kong'ich amakining siri fosh bo'ldi-ku, aybini bo'yniga qo'yib, qamoqqa olib ketishdi-ku. Bu qotillik tepaning tagida qolib ketarmikan? Hech qachon! Biroq Ubaydagi xotirjamlik battar yuragimni siqdi. Odam degani birovni o'ldirib qo'yib ham shunaqa bemalol gaplashishi mumkinmi? Balki o'ldirmagandir, a? Gumon va ikkilanish birdan meni o'zimga keltirdi. Yana kim biladi?..

– Ubay, tepaga chiqaylik, – dedim nihoyat tilim aylanib. Men bu yerdan tezroq qutulishni o'ylardim.

– Qazishmaysanmi? – dedi u lahatni ko'rsatib.

– Yo'o'... o'likdan qo'rqaman, og'ayni, – deya dilimdagi tilimga chiqib ketdi. Ovozim o'zgarib, yig'lavoray dedim.

– Hali hech kim o'lganicha yo'q, oldindan aza ochma, – deb tirjaydi Ubay. – Bu bir tayyorgarlik, xolos. Shoshib qolmaslikka, bildingmi, quyonyurak.

– E, shunaqa demaysanmi, – deb uning yelkasiga bir turtidim.

– Baribir uni o'ldiraman-da, shu go'rga tiqaman, – deb u ham meni bir turtidi. Boyagidan ancha o'zimga keldim. Ammo Ubayning quyonyurak degani menga qattiq botdi. Ubaydanmas, o'zimdan xafa bo'ldim. Men nimaga Ubaydaqa bo'la olmayman? Bir marta qo'rqmasdan o'zimni chayonga chaqtirgan edim-ku. "Yo'q, – deyman o'zimga o'zim qarshi borib, – u voqea bilan Ubayning voqeasi orasida juda katta, o'hho', osmon bilan yercha farq bor. Men boshimga tushgan qiyinchiliklardan qutulib ketmoqchi edim o'shanda. Keyinchalik o'zimni mashinaning tagiga tashlamoqchi bo'lganimda ham niyatim shunaqa, bari jonimdan to'yganimdan edi. Ubayniki boshqa narsa. U qishloqni nahs bosmasin deyapti. Uning ishi "haromi", "hajiqiz" degan gaplarni eshitib, qo'liga pichoq olgan yigitlarning ishiga o'xshaydi".

“ҳароми”, “ҳажикиз” деган гапларни эшитиб, қўлига пичоқ олган йигитларнинг ишига ўхшайди”.

– Энди қазимасанми? – дея Убай менга тирғалгандек қаради.

– Қани, кўрай-чи... – деб ўзимни чоғладим. Убай қилган ишни мен нимага қила олмайман...

– Теша ичкарида, мен манавини юқорига отиб тураман, – деди Убай ўзи чиқарган тупроқни кўрсатиб. – Тупроқ кўпайса, бу ёққа ташлаб берасан.

Ичкарига кўзимни чирт юмиб кирдим-у, тешани пайпаслаб топиб, дуч келган ерга ура бошладим. Тупроқ юз-кўзларимга сачрарди. Хаёлимда яккаш кўрқинчли ўйлар... Одам ўлгандан кейин ер: “Келдингми, болам”, – деб уни шундай сиқарканки, нақ она сути оғзидан келаркан. Ҳозир лаҳад мени худди шундай сиқа бошлагандек бўлди... Яна неча марта теша урганимни билмайман. Бир маҳал кўзимни очсам, бўйра устида чўзилиб ётибман. Убай тепамда елпиб ўтирибди, ҳамма ёғим шалоббо, сув. Ўзимга келганимни билиб Убай яна ачитди:

– Айтдим-ку қуёнюрарсан деб... Нима қилардинг ўзингни мажбурлаб... Ўлиб қолсанг нима бўларди...

Қуёнюрарклигимни ичимда тан олиб, кўзимни юмдим. Ўзимни оқлайдиган бир оғиз ҳам гап айттолмасдим. Убай ҳам аҳволимдан кўрққан, шекилли, ух тортиб, ёнимга чўзилди.

– Убай, сен нимага кўрқмайсан-а? – деб кўрқоқлигимни очиқчасига тан олдим.

– Илгари мен сенданам баттар эдим, сал нарсага дағ-дағ титраб, оғзим карракдек очилиб, қотиб қолардим, – деди Убай. – Онам бечора юзларимга шапатилаб, сувлар сепиб, хўл латталар босиб ўзимга келтирарди. Онам қаёққа борса, орқасидан эргаштириб юрарди. Ёлғиз қолдирмасди, болаларга қўшмасди. Бир куни кўшни қишлоқдаги эркак табибниқига олиб борди. “Отаси урушдан қайтиб келмади, етимчамга раҳмингиз келсин, шундан бўлак кўз тикканим йўқ”, – деб йиғлади онам бечора. Табиб: “Қишлоғингиздаги Маҳдий гўрковга учрашинг, ўшанга қарашиб юрса, яхши бўлиб кетади”, – деди-ю бошқа гап айтмади. Маҳдий гўрков табиб билан тил бириктирганми, ишқилиб, гапни кўпайтирмай “хўп”, деб қўя қолди. Бирортаси ўлиб қолса, Маҳдий бизниқига келарди-да, теша билан сопи калта белкуракни менга кўтартириб қабристонга борарди. Даҳлизни ўлчаб бериб, гўрни ўликнинг эгасига қаздирарди. Менга тупроқнинг ҳиди ёқар, ҳавасакка кетмон билан у ёқ-бу ёққа сурган бўлардим. Маҳдий лаҳаднинг оғзини ўлчаб берарди-да, уни ҳам ўзи қазимасди. Лекин кўпчилик ичкарига киришдан кўрқарди. Шунда Маҳдий

– Endi qazishasanmi? – deya Ubay menga tirg'algandek qaradi.

– Qani, ko'ray-chi... – deb o'zimni chog'ladim. Ubay qilgan ishni men nimaga qila olmayman...

– Tesha ichkarida, men manavini yuqoriga otib turaman, – dedi Ubay o'zi chiqargan tuproqni ko'rsatib. – Tuproq ko'paysa, bu yoqqa tashlab berasan.

Ichkariga ko'zimni chirt yumib kirdim-u, teshani paypaslab topib, duch kelgan yerga ura boshladim. Tuproq yuz-ko'zlarimga sachrardi. Xayolimda yakkash qo'rqinchli o'ylar... Odam o'lgandan keyin yer: "Keldingmi, bolam", – deb uni shunday siqarkanki, naq ona suti og'zidan kelarkan. Hozir lahad meni xuddi shunday siqa boshlagandek bo'ldi... Yana necha marta tesha urganimni bilmayman. Bir mahal ko'zimni ochsam, bo'yra ustida cho'zilib yotibman. Ubay tepamda yelpib o'tiribdi, hamma yog'im shalobbo, suv. O'zimga kelganimni bilib Ubay yana achitdi:

– Aytdim-ku quyonyuraksan deb... Nima qilarding o'zingni majburlab... O'lib qolsang nima bo'lardi...

Quyonyurakligimni ichimda tan olib, ko'zimni yumdim. O'zimni oqlaydigan bir og'iz ham gap aytolmasdim. Ubay ham ahvolimdan qo'rqqan, shekilli, uh tortib, yonimga cho'zildi.

– Ubay, sen nimaga qo'rqmaysan-a? – deb qo'rqoqligimni ochiqchasiga tan oldim.

– Ilgari men sendanam battar edim, sal narsaga dag'-dag' titrab, og'zim karrakdek ochilib, qotib qoldim, – dedi Ubay. – Onam bechora yuzlarimga shapatilab, suvlar sepib, ho'l lattalar bosib o'zimga keltirardi. Onam qayoqqa borsa, orqasidan ergashtirib yurardi. Yolg'iz qoldirmasdi, bolalarga qo'shmasdi. Bir kuni qo'shni qishloqdagi erkak tabibnikiga olib bordi. "Otasi urushdan qaytib kelmadi, yetimchamga rahmingiz kelsin, shundan bo'lak ko'z tikkanim yo'q", – deb yig'ladi onam bechora. Tabib: "Qishlog'ingizdagi Mahdiy go'rkovga uchrashing, o'shanga qarashib yursa, yaxshi bo'lib ketadi", – dedi-yu, boshqa gap aytmadi. Mahdiy go'rkov tabib bilan til biriktirganmi, ishqilib, gapni ko'paytirmay "xo'p", deb qo'ya qoldi. Birortasi o'lib qolsa, Mahdiy biznikiga kelardi-da, tesha bilan sopi kalta belkurakni menga ko'tartirib qabristonga borardi. Dahlizni o'lchab berib, go'rni o'likning egasiga qazdirardi. Menga tuproqning hidi yoqar, havasakka ketmon bilan u yoq-bu yoqqa surgan bo'lardim. Mahdiy lahadning og'zini o'lchab berardi-da, uni ham o'zi qazimasdi. Lekin ko'pchilik ichkariga kirishdan qo'rqardi.

менга имлаб кўярди. Мен анави катталар олдида ботирланиб, лаҳадга кириб ўя бошлардим. Улар бўлса ҳайрон бўлиб мени кузатиб туришарди, баттар ғайратим кўзирди. Тупроқ ҳиди худди райҳон ҳидидек менга ёқарди. Лаҳаддан чиқмасам дердим. У ёқда Маҳдий: "Чиқа қол, болам, бирпас нафасингни ростлаб ол", – деб кўймасди. Ўйласам, табиб ўшанда тупроқ ҳиди менга даво бўлишини билган экан...

– Илон-пилон чақиб олмайдами, Убай? – деб ўрнимдан туриб ўтирдим.

– Йўқ, қабристоннинг илонлари чақмайди. Маҳдийнинг айтишича, уларга дуо кетган. – Убай кўзини юмиб олган, афтидан, муздеккина бўйрага чўзилиб, роҳатланарди.

– Олдиндан илон чиқиб қолганми?

– Чиққан, кўп чиққан.

– Нима қилгансан, шартта чопиб ташлаганмисан?

– Ҳечамда, инининг оғзидан токча ясаб, кўйиб қўйганман.

– Қўлинг билан-а?

– Йўқ-а, белкурак бор-ку.

– Ёмон одамларнинг гўрени қазिश қийин, дейишади. Ер тупроқ бермасмиш, шу ростми?

– Билмасам, қанча лаҳад қазиган бўлсам, бари юмшоқ чиққан.

– Қишлоғимиз одамлари яхшида, а?

– Шунақа бўлса керак...

– Тутқаноқ касалинг йўқолиб кетдими, Убай?

– Эсимданам чиқиб кетди.

– Онанг табибни роса дуо қилса керак, а?

– Ҳа...

– Маҳдийни-чи?

– Йўқ, Маҳдийни дуо қилмайди.

– Нимага дуо қилмайди, Убай?

– У қизганчиқ одам, гўрковликдан сариқ чақаям бермайди. Берса онам кам-кўстимни қилиб, уйлантириб кўяркан.

– Мени атайлаб лаҳад қазигани чақирдингми, Убай?

– Йўқ, уни сенсизам қазийман, Маҳдий мен қариб қолдим, ёнингга шерик топ, деган эди, шунга чақиргандим. Бунақа ишларни сен билан менга ўхшаган етимчалар қилмаса, бошқа ким ҳам қиларди?..

– Мен етимча эмасман, Убай, – дедим шоша-пиша, – ойим тирик, фақат истансада йўқотиб қўйганман, холос. Дадам қамалиб қолган, яқинда қамоқдан чиқиб келади. Ойим ҳам топилади, мана кўрасан, Тузчи хола ойимни қидиряптилар...

– Энди уйингга боравер, – деди Убай мендан ҳафсаласи пир

Shunda Mahdiy menga imlab qo'yardi. Men anavi kattalar oldida botirlanib, lahadga kirib o'ya boshlardim. Ular bo'lsa hayron bo'lib meni kuzatib turishardi, battar g'ayratim qo'zirdi. Tuproq hidi xuddi rayhon hididek menga yoqardi. Lahaddan chiqmasam derdim. U yoqda Mahdiy: "Chiqa qol, bolam, birpas nafasingni rostlab ol", – deb qo'ymasdi. O'ylasam, tabib o'shanda tuproq hidi menga davo bo'lishini bilgan ekan...

– Ilon-pilon chaqib olmaydimi, Ubay? – deb o'rnimdan turib o'tirdim.

– Yo'q, qabristonning ilonlari chaqmaydi. Mahdiyning aytishicha, ularga duo ketgan. – Ubay ko'zini yumib olgan, aftidan, muzdekkina bo'yraga cho'zilib, rohatlanardi.

– Oldingdan ilon chiqib qolganmi?

– Chiqqan, ko'p chiqqan.

– Nima qilgansan, shartta chopib tashlaganmisan?

– Hechamda, inining og'zidan tokcha yasab, qo'yib qo'rganman.

– Qo'ling bilan-a?

– Yo'g'-a, belkurak bor-ku.

– Yomon odamlarning go'rini qazish qiyin, deyishadi. Yer tuproq bermasmish, shu rostmi?

– Bilmasam, qancha lahad qazigan bo'lsam, bari yumshoq chiqqan.

– Qishlog'imiz odamlari yaxshida, a?

– Shunaqa bo'lsa kerak...

– Tutqanoq kasaling yo'qolib ketdimi, Ubay?

– Esimdanam chiqib ketdi.

– Onang tabibni rosa duo qilsa kerak, a?

– Ha...

– Mahdiyini-chi?

– Yo'q, Mahdiyini duo qilmaydi.

– Nimaga duo qilmaydi, Ubay?

– U qizg'anchiq odam, go'rkovlikdan sariq chaqayam bermaydi. Bersa onam kam-ko'stimni qilib, uylantirib qo'yarkan.

– Meni ataylab lahad qazigani chaqirdingmi, Ubay?

– Yo'q, uni sensizam qazyiman, Mahdiy men qarib goldim, yoningga sherik top, degan edi, shunga chaqirgandim. Bunaqa ishlarni sen bilan menga o'xshagan yetimchalar qilmasa, boshqa kim ham qilardi?..

– Men yetimcha emasman, Ubay, – dedim shosha-pisha, – oyim tirik, faqat istansada yo'qotib qo'rganman, xolos. Dadam qamalib qolgan, yaqinda qamoqdan chiqib keladi. Oyim ham topiladi, mana ko'rasan, Tuzchi xola oyimni qidirayptilar...

– Endi uyingga boraver, – dedi Ubay mendan hafsalasi pir

бўлиб, – эшитган, кўрганларинг шу ерда қолсин, бўлмаса калланг кетади.

Мен Убайга қанчалик ҳавас қилмай, барибир унга ўхшай олмаслигимни, унинг йўлидан кетолмаслигимни тушуниб етдим. У мени кузатиб қўйиб, бардонни ичкаридан суриб олди. Ичкари энди ўз-ўзидан зимистонга айланди. Убай бўлса кўрқмай олдин даҳлизга, кейин лаҳатга кириб боради...

Лекин шу куни мен Убай билан ўртамизда бўлиб ўтган гапни Темирвой акага айтиб бердим. Каллам кетишидан кўрқмадим. Кимнингдир ўлишини, Убайнинг қамалиб кетишини хоҳламадим. Темирвой ака эртага Каримбой чолнинг олдида бўлишимни таяинлаб, орқамдан кузатиб қолди.

МАЛЛАБОЙНИНГ ОТЛАРИ

Эртасига Темирвой ака билан келишганимиздек она-бола эчкини етаклаб, жиянларимни олиб Каримбой чолнинг ёнига бордим. Темирвой ака келди, қўлида яп-янги эгар бор эди. Паризод семириб, кенгайиб кетиб, эгари кичкина бўлиб қопти. Шунга эгарчи танишига айтиб, янгисини ясаттирибди. Энди эски эгардаги садаф ва қимматбаҳо тошларни янгисига кўчиришар экан.

– Яхшиси Маллабойдан қолган садафлардан олинг, янги эгарга ўшаларни ўрната қоламиз, эскисини шундоғам яхшигина пулга олади, – деди Темирвой ака.

– Маллабойни қўй, ука, гўрида тинч ётсин, ундан отнинг тезагиям қолмаган, – деди Каримбой чол афтини бужмайтириб.

– Олдимга похол солманг, анави отлар кимники Маллабойники бўлмай? – деб Темирвой ака боши билан бедапояга ишора қилди.

– Отлар дейсанми, улар колхозники.

– Отлар колхозга ўтаётганда иккитасини бу меники деб туриб олсангиз бўларди-ку, ўзиям хафа бўлманг-у, аммамнинг бузоғисиз...

– Э, гапираверасанда, Темирвой ука, ўшанда олиб қолмай яхши қилган эканман, Маллабойдан кейин иккита сигагири, иккита оти, бешта қўйи борларниям қулоқ қилиб юборишди-ку бу ҳукуматинг. Сен унда ёш бола эдинг, бу ишларни яхши билмайсан-да, шунга гапираверасан.

– Ўшанда Маллабой отларини заҳарламоқчи бўлгани, отбоқари отларни қутқариб қолгани ҳақида миш-мишлар тарқаган эди. Ўшанда отбоқар сизмидингиз ё отангизмиди?

– Менидим ўша... Шошма, Темирвой, бу кетишда садафларни

bo'lib, – eshitgan, ko'rganlaring shu yerda qolsin, bo'lmasa kallang ketadi.

Men Ubayga qanchalik havas qilmay, baribir unga o'xshay olmasligimni, uning yo'lidan ketolmasligimni tushunib yetdim. U meni kuzatib qo'yib, bardonni ichkaridan surib oldi. Ichkari endi o'z-o'zidan zimistonga aylandi. Ubay bo'lsa qo'rqmay oldin dahlizga, keyin lahatga kirib boradi...

Lekin shu kuni men Ubay bilan o'rtamizda bo'lib o'tgan gapni Temirvoy akaga aytib berdim. Kalam ketishidan qo'rqmadim. Kimningdir o'lishini, Ubayning qamalib ketishini xohlamadim. Temirvoy aka ertaga Karimboy cholning oldida bo'lishimni tayinlab, orqamdan kuzatib qoldi.

MALLABOYNING OTLARI

Ertasiga Temirvoy aka bilan kelishganimizdek ona-bola echkini yetaklab, jyanlarimni olib Karimboy cholning yoniga bordim. Temirvoy aka keldi, qo'lida yap-yangi egar bor edi. Parizod semirib, kengayib ketib, egari kichkina bo'lib qopti. Shunga egarchi tanishiga aytib, yangisini yasattiribdi. Endi eski egardagi sadaf va qimmatbaho toshlarni yangisiga ko'chirishar ekan.

– Yaxshisi Mallaboydan qolgan sadaflardan oling, yangi egarga o'shalarni o'rnata qolamiz, eskisini shundog'am yaxshigina pulga oladi, – dedi Temirvoy aka.

– Mallaboyni qo'y, uka, go'rida tinch yotsin, undan otning tezagiya qolmagan, – dedi Karimboy chol aftini bujmaytirib.

– Oldimga poxol solmang, anavi otlar kimniki Mallaboyniki bo'lmay? – deb Temirvoy aka boshi bilan bedapoyaga ishora qildi.

– Otlar deysanmi, ular kolxozniki.

– Otlar kolxozga o'tayotganda ikkitasini bu meniki deb turib olsangiz bo'lardi-ku, o'ziam xafa bo'lmang-u, ammamning buzog'isiz...

– E, gapiraverasanda, Temirvoy uka, o'shanda olib qolmay yaxshi qilgan ekanman, Mallaboydan keyin ikkita sigiri, ikkita oti, beshta qo'yi borlarniyam quloq qilib yuborishdi-ku bu hukumating. Sen unda yosh bola eding, bu ishlarni yaxshi bilmaysan-da, shunga gapiraverasan.

– O'shanda Mallaboy otlarini zaharlamoqchi bo'lgani, otboqari otlarni qutqarib qolgani haqida mish-mishlar tarqagan edi. O'shanda otboqar sizmidingiz yo otangizmidi?

– Menidim o'sha... Shoshma, Temirvoy, bu ketishda sadaflarni

синдириб, бошига етасан-ку, ука, эгарни сувга пишайлик, зора осон кўчса.

Темирвой ака “тўғри айтасиз” дегандек Каримбой чолга бир қараб кўйди-да, эски эгарни кўтариб ариқ томон кетди. Улар учун шунчаки бўлса ҳам мен учун қизиқарли бўлган суҳбат узилиб қолди. Каримбой чол мени гапга солишни яхши кўрарди-ю, ўзи ҳақида бунақа гапларни ҳечам гапирмас эди.

Сувга пишилгандан кейин чинданам садафлар осон кўча бошлади. Уларни икковлашиб сиранчлаб, янги эгарга ўткази бошлади. Жиянларим Йўлдош билан Эргашга катталарнинг бу иши қизиқ туюлиб, у ёнларига ўтиб, бу ёнларига ўтиб томоша қилишарди.

– Ҳойнаҳой, бу эгар ҳам Маллабойникидир? – деди Темирвой ака эскисига ишора қилиб.

– Йўқасамчи...

– Аммамнинг бузоғисиз десам хафа бўласиз, садафларни қўя тулинг, мана бу тошларни қаранг, бай, бай... бир, икки, ўҳ-хў-ў... Саккизта ёқут кўзли тош-а, шуларнинг биттасини сотсангиз ҳам кимсан Каримбойвачча бўлиб кетардингиз-ку...

– Бировнинг омонатига хиёнат қиладиган одатим йўқ, ука, ўзига буюрмаган менга буюрармиди?..

– Ҳа-а... тушунарли, тушунарли... Маллабой қайтиб келади, эгарни отга уриб, далаю даштларда от чоптириб юради, дегансиз-да, а, шундайми?

– Шундай деса ҳам бўлади...

– Тез орада қайтиб келмаслигини билганки, отларни заҳарламоқчи бўлган, сиз бўлса қайтиб келади деб юрибсиз. Эҳ Каримбой ака, Каримбой ака, қанийди ҳамма ҳам сиздақа бировнинг омонатидан кўрқса... Ростдан, ҳалиги... отларни қай йўсинда заҳарламоқчи бўлган, шундан келинг...

Жияним Рихси ғингший бошлади. Каримбой чол менга қараб:

– Уйга олиб бор, бола бечора очикди, – деди.

Қайда, шундай ҳикояни ташлаб кетиб бўларканми? Жиянимни бағримга олган эдим, кўзи юмилди-қолди. Каримбой чол гапини йўқотиб, атрофга аланглади.

– Ҳа, Каримбой ака, оғзингизга толқон солиб олдингиз ё у ёғи сирми?

– Э, ҳа, нимаиди, ҳа... – Каримбой чол эслади... – Сирлиги қоптими. Ўшанда менинг ўрнимда сен бўлганигда ҳам шундай қилган бўлардинг, – деб Каримбой чол бедапояга синчков қараб кўйди. Кўзлари чигитдек бўлсаям бедапоя устидан чигиртка учиб ўтсаям кўради. – Биласан, отлар кечаси билан хашаклаб, сувсаб чиқади. Эрта билан суғораман деб қудуқдан сув тортсам, кала-

sindirib, boshiga yetasan-ku, uka, egarni suvga pishaylik, zora oson ko'chsa.

Temirvoy aka "to'g'ri aytasiz" degandek Karimboy cholga bir qarab qo'ydi da, eski egarni ko'tarib ariq tomon ketdi. Ular uchun shunchaki bo'lsa ham men uchun qiziqarli bo'lgan suhbat uzilib qoldi. Karimboy chol meni gapga solishni yaxshi ko'rardi-yu, o'zi haqida bunaqa gaplarni hecham gapirmas edi.

Suvga pishilgandan keyin chindanam sadaflar oson ko'cha boshladi. Ularni ikkovlashib siranchlab, yangi egarga o'tkaza boshlashdi. Jiyanlarim Yo'ldosh bilan Ergashga kattalarning bu ishi qiziq tuyulib, u yonlariga o'tib, bu yonlariga o'tib tomosha qilishardi.

– Hoynahoy, bu egar ham Mallaboynikidir? – dedi Temirvoy aka eskisiga ishora qilib.

– Yo'qasamchi...

– Ammamning buzog'isiz desam xafa bo'lasiz, sadaflarni qo'ya turing, mana bu toshlarni qarang, bay, bay... bir, ikki, o'hho'o'... Sakkizta yoqut ko'zli tosh-a, shularning bittasini sotsangiz ham kimsan Karimboyvachcha bo'lib ketardingiz-ku...

– Birovning omonatiga xiyonat qiladigan odatim yo'q, uka, o'ziga buyurmagan menga buyurarmidi?..

– Haa... tushunarli, tushunarli... Mallaboy qaytib keladi, egarni otga urib, dala-yu dashtlarda ot choptirib yuradi, degansizda, a, shundaymi?

– Shunday desa ham bo'ladi...

– Tez orada qaytib kelmasligini bilganki, otlarni zaharlamochi bo'lgan, siz bo'lsa qaytib keladi deb yuribsiz. Eh Karimboy aka, Karimboy aka, qaniydi hamma ham sizdaqa birovning omonatidan qo'rqsa... Rostdan, haligi... otlarni qay yo'sinda zaharlamochi bo'lgan, shundan keling...

Jiyanim Rixsi g'ingshiy boshladi. Karimboy chol menga qarab:

– Uyg'a olib bor, bofa bechora ochiqdi, – dedi.

Qayda, shunday hikoyani tashlab ketib bo'larkanmi? Jiyanimni bag'rimga olgan edim, ko'zi yumildi-qoldi. Karimboy chol gapini yo'qotib, atrofga alangladi.

– Ha, Karimboy aka, og'zingizga tolqon solib oldingiz yo u yog'i sirmi?

– E, ha, nimaydi, ha... – Karimboy chol esladi... – Sirligi qoptimi. O'shanda mening o'rnimda sen bo'lganingda ham shunday qilgan bo'larding, – deb Karimboy chol bedapoyaga sinchkov qarab qo'ydi. Ko'zlari chigitdek bo'lsayam bedapoya ustidan chigirtka uchib o'tsayam ko'radi. – Bilasan, otlar kechasi bilan xashaklab, suvsab chiqadi. Erta bilan sug'oraman deb quduqdan suv tortsam, kala-

мушнинг ўлиги чиқса бўладими? Ана холос. Яхшиям чиқди, буям бир худонинг марҳамати-да, бўлмаса, уч юзта от асфаласофилингга кетарди-я, уч юзта от, а! Балки ўзимам отларга кўшилиб у дунёга равона бўлармидим? Қудуқдан сичқоннингми, каламушнингми ўлиги чиқса, уч кунгача қатарон қилиш одати бор эди. Ҳозирам шуку. Учинчи куни ҳам тўккан сувдан ичган бир дайди ит кўз олдимда тил тортмай ўлиб қолса бўладими? Қарасам, сув теккан жойдаги ўт-ўланлар сарғайиб, қовжираб қопти. Шундан билдимки, қудуқ оғуланган. Бу ишни мол аччиғи – жон аччиғида Маллабой қилган, деган гап тарқалди. Қудуқни тезда кўмиб ташладик. Шунақа қилиб десанг, Темирвой ука, отлар омон қолди. Худо бир сақлади-да жониворларни.

– Шу билан қудуқ машмашаси тугамаганини ҳам биламан, у ёғини ҳам айтаверинг, ҳа, тўхтаманг, бу ёғини ўзим боплайман, – деди Темирвой ака ёқут кўзли тошни офтобга тутиб томоша қилар экан.

– Ҳа, бу ёғи ҳам қизиқ бўлган. Орадан ўн йил ўтдим, ўн беш йил ўтдим, билмайман, бирдан аллақадан шапкали одамлар келиб, бошимни қотиришди. Нима эмиш, уларга ўша заҳарланган қудуқни кўрсатармишман. Ана сенга томоша. Нима қиласизлар Худо қарғаган қудуқни десам, ишинг бўлмасин, деб дўқ ҳам уришди отангга лаънатилар. Яна мени аристонга ўхшатиб пойи-пиёда ўша ёққа олиб борганлари-чи. Бир пайтлар от чоптириб юрган далаю боғларни баҳонада бир кўриб келаман деган эдим. Борсам, қайда... Боғлару далалардан асар ҳам қолмапти, Темирвой ука, ҳа, ишонавер. Ўҳ-хў-ў, биласанми нима бўпти? У жойларга радиостанса тушибди. Ҳамма ёқ тикан симлар билан ўраб ташланган, мўлжал оладиган на бир дарахт, на бир уй, на бир кўча қопти. Қаёққа қарама темир устунлар, нақ боши осмонга тегаман дейди. Бир нима дея олмай, елка қисиб туриб қолдим. Олдинига жа менга эррайимлик қилган шапкали одамлар ҳам пилдир-пис бўлиб қолишди. Бирортаси юрак ютиб сим девордан нари ўтишсин-чи? Ажаб бўпти, баттар бўлинглар, дедим ичимда. Қарасам, хайр-хўшниям насия қилиб кетиб боришяпти. Бор-э, деб менам бу ёққа қараб жўнайвердим.

– Шапкали одамларга заҳарланган қудуқнинг нимага керак бўлиб қолганини биласизми?

– Йўқ, ҳалигича билмайман, нафсиламбирини айтганда, билганда нима, Темирвой ука?

– Ўшанда қудуқни кўммасдан, секингина ичига тушганингизда кўрардингиз...

– Нимани кўрардим, Темирвой ука? – Каримбой чолнинг митти кўзлари ялтираб кетди.

mushning o'ligi chiqsa bo'ladimi? Ana xolos. Yaxshiyam chiqdi, buyam bir xudoning marhamati-da, bo'lmasa, uch yuzta ot asfalasofilinga ketardi-ya, uch yuzta ot, a! Balki o'zimam otlarga qo'shilib u dunyoga ravona bo'larmidim? Quduqdan sichqonningmi, kalamushningmi o'ligi chiqsa, uch kungacha qataron qilish odati bor edi. Hoziram shu-ku. Uchinchi kuni ham to'kkan suvdan ichgan bir daydi it ko'z oldimda til tortmay o'lib qolsa bo'ladimi? Qarasam, suv tekkan joydagi o't-o'lanlar sarg'ayib, qovjirab qopti. Shundan bildimki, quduq og'ulangan. Bu ishni mo'l achchig'i – jon achchig'ida Mallaboy qilgan, degan gap tarqaldi. Quduqni tezda ko'mib tashladik. Shunaqa qilib desang, Temirvoy uka, otlar omon qoldi. Xudo bir saqladi-da jonivorlarni.

– Shu bilan quduq mashmashasi tugamaganini ham bilaman, u yog'ini ham aytavering, ha, to'xtamang, bu yog'ini o'zim boplayman, – dedi Temirvoy aka yoqut ko'zli toshni oftobga tutib tomosha qilar ekan.

– Ha, bu yog'i ham qiziq bo'lgan. Oradan o'n yil o'tdimi, o'n besh yil o'tdimi, bilmayman, birdan allaqayoqdan shapkali odamlar kelib, boshimni qotirishdi. Nima emish, ularga o'sha zaharlangan quduqni ko'rsatarmishman. Ana senga tomosha. Nima qilaszlar Xudo qarg'agan quduqni desam, ishing bo'lmasin, deb do'q ham urishdi otangga la'natilar. Yana meni aristonga o'xshatib poyi-piyoda o'sha yoqqa olib borganlari-chi. Bir paytlar ot choptirib yurgan dalayu bog'larni bahonada bir ko'rib kelaman degan edim. Borsam, qayda... Bog'lar-u dalalardan asar ham qolmapti, Temirvoy uka, ha, ishonaver. O'hho'o', bilasanmi nima bo'пти? U joylarga radiostansa tushibdi. Hamma yoq tikan simlar bilan o'rab tashlangan, mo'ljal oladigan na bir daraxt, na bir uy, na bir ko'cha qopti. Qayoqqa qarama temir ustunlar, naq boshi osmonga tegaman deydi. Bir nima deya olmay, yelka qisib turib qoldim. Oldiniga ja menga errayimlik qilgan shapkali odamlar ham pildir-pis bo'lib qolishdi. Birortasi yurak yutib sim devordan nari o'tishsin-chi? Ajab bo'пти, battar bo'linglar, dedim ichimda. Qarasam, xayr-xo'shniyam nasiya qilib ketib borishyapti. Bor-e, deb menam bu yoqqa qarab jo'nayverdim.

– Shapkali odamlarga zaharlangan quduqning nimaga kerak bo'lib qolganini bilasizmi?

– Yo'q, haligicha bilmayman, nafsilambirini aytganda, bilganda nima, Temirvoy uka?

– O'shanda quduqni ko'mmasdan, sekingina ichiga tushganingizda ko'rardingiz...

– Nimani ko'rardim, Temirvoy uka? – Karimboy cholning mitti ko'zlari yaltirab ketdi.

– Ниманимиш, – кулди Темирвой ака, – кулоғингизгача тиллага ботиб қолардингиз, тиллага, эҳ каллаварам Каримбой чол. Маллабой аҳмоқ одам бўлмаган. Олтинларини қудуққа ташлаб, кейин уни заҳарлаган, сизларнинг кўмиб юборишингизни олдиндан билган. Тирик қолсам, бир кунмас бир кун келиб тиллаларни қазиб оламан, деб ўйлаган. Шундай қилиб бойлиги ўзигаям, бошқагаям буюрмаган.

– Воҳ, сен Темирвой ука, авлиёмисан дейман, – деб Каримбой чол Темирвой акага бошқача қараб қўйди. Кейин хафа бўлгандек деди: – Сен, Темирвой ука, бу ишларнинг бари ни миридан-сиригача мендан яхши биларкансан-у, нима қилиб ҳалидан бери бошимни қотириясан, а, қўй-е...

– Битта чигал ишнинг охирига етмоқчиман, Каримбой ака, шунга атайлаб Маллабойдан гап очдим, – деб Темирвой ака қилаётган ишини ҳам тўхтатиб Каримбой чолга қаради.

– Қанақа иш экан у, айтавер, сендан ниманиям яширай, ука?

– Яширмасангиз айтинг-чи, уйингиздаги ҳурлиқо ким?

– Ким бўларди, хотиним, – деди-да Каримбой чол тескари қараб олди.

– Хотинингиз бўлса, нима қилиб уни ертўлага ташлаб қўйиб, ўзингиз бедапояда ётиб юрибсиз, майшатти қиле-е-еб уйда ётмайсизми, а?

Каримбой чол нима дейишини билмай у ёқ-бу ёғини пайпаслади, қизариб бўзарди, охири:

– Қизиқсан-а, ука, отларга ким қарайди? – деди.

– Отларни баҳона қилманг, эрликка ярамас экансиз, нима қилардингиз у хотиннинг бошини айлантириб?!

– Нима, Пошшахон сенга арз қилдимиз?

– Мен Пошшахонингизни танимайман, билганим шуки, қишлоқни наҳс бостириб, байталингизга айғирлар келяпти экан... Энди ўша айғирларни ушлаб, бичиб қўймоқчиман. Биласиз-а, мен айғирларни қандай қилиб бичишимни?

– Ҳай, ҳай, тўхта, тўхта, ука, шошма, – Каримбой чол ўтирган жойидан туриб кетди, – айланай сендан, бировнинг умрига зомин бўлиб қолма, улар Пошшахоннинг туғишган акалари-я.

– Ҳе ўргилдим акаларидан, акалари бўлса кечалари пишириб қўйибдимиз, кимни лақиллатмоқчи бўляпсиз?

– Гап бундай, Темирвой ука, – Каримбой чолнинг нафаси тикилиб, атрофга аланглаб, секин шипшиди, – мени яхшилаб эшит, ҳа... Маллабойнинг ўзи Сибирда ўлган бўлсаям болалари Сталин ўлгандан кейин оқланиб келди, бироқ уларга шаҳарда яшашга рухсат тегмабди. Сирдарёнинг нариги ёғида яшайсиз-

– Nimanimish, – kuldi Temirvoy aka, – qulog'ingizgacha tillaga botib qolardingiz, tillaga, eh kallavaram Karimboy chol. Mallaboy ahmoq odam bo'lmagan. Oltinlarini quduqqa tashlab, keyin uni zaharlagan, sizlarning ko'mib yuborishingizni oldindan bilgan. Tirik qolsam, bir kunmas bir kun kelib tillalarni qazib olaman, deb o'ylagan. Shunday qilib boyligi o'zigayam, boshqagayam buyurmagan.

– Voh, sen Temirvoy uka, avliyomisan deyman, – deb Karimboy chol Temirvoy akaga boshqacha qarab qo'ydi. Keyin xafa bo'lgandek dedi: – Sen, Temirvoy uka, bu ishlarning barini miridan sirigacha mendan yaxshi bilarkansan-u, nima qilib halidan beri boshimni qotiryapsan, a, qo'y-e...

– Bitta chigal ishning oxiriga yetmoqchiman, Karimboy aka, shunga ataylab Mallaboydan gap ochdim, – deb Temirvoy aka qilayotgan ishini ham to'xtatib Karimboy cholga qaradi.

– Qanaqa ish ekan u, aytaver, sendan nimaniyam yashiray, uka?

– Yashirmasangiz ayting-chi, uyingizdagi hurliqo kim?

– Kim bo'lardi, xotinim, – dedi-da Karimboy chol teskari qarab oldi.

– Xotiningiz bo'lsa, nima qilib uni yerto'laga tashlab qo'yib, o'zingiz bedapoyada yotib yuribsiz, mayshatti qileeeb uyda yotmaysizmi, a?

Karimboy chol nima deyishini bilmay u yoq-bu yog'ini paypasladi, qizarib bo'zardi, oxiri:

– Qiziqsan-a, uka, otlarga kim qaraydi? – dedi.

– Otlarni bahona qilmang, erikka yaramas ekansiz, nima qilardingiz u xotinning boshini aylantirib?!

– Nima, Poshshaxon senga arz qildimi?

– Men Poshshaxoningizni tanimayman, bilganim shuki, qishloqni nahs bostirib, baytalingizga ayg'irlar kelyapti ekan... Endi o'sha ayg'irlarni ushlab, bichib qo'ymoqchiman. Bilasiz-a, men ayg'irlarni qanday qilib bichishimni?

– Hay, hay, to'xta, to'xta, uka, shoshma, – Karimboy chol o'tirgan joyidan turib ketdi, – aylanay sendan, birovning umriga zomin bo'lib qolma, ular Poshshaxonning tug'ishgan akalari-ya.

– He o'rgildim akalaridan, akalari bo'lsa kechalari pishirib qo'yibdimi, kimni laqillatmoqchi bo'lyapsiz?

– Gap bunday, Temirvoy uka, – Karimboy cholning nafasi tiqilib, atrofga alanglab, sekin shipshidi, – meni yaxshilab eshit, ha... Mallaboyning o'zi Sibirda o'lgan bo'lsayam bolalari Stalin o'lgandan keyin oqlanib keldi, biroq ularga shaharda yashashga ruxsat tegmabdi. Sirdaryoning narigi yog'ida yashaysizlar, daryodan

лар, дарёдан ўтсаларинг, яна қамаласанлар, депти ҳукумат. Сенга айтсам, ука, уйимдаги аёл Маллабойнинг қизи бўлади. Сирдарё тарафларнинг суви, ҳавоси ёқмай бечоранинг боши касалдан чиқмай қопти. Менга келишувди. Арвоҳ хотираси деб ертўламни бердим, шу... Отасидан ёмонлик кўрмаганман, ахир. Акалари Сирдарёдан йўлга чиқиб, кундуз кунлари пана-пасткамларда писиб ётиб, кечаси синглисига пул-мул, майда-чуйда ташлаб кетишади. Биз одамлар кўзигагина эр-хотинмиз, ана шунақа, Темирвой ука, бор гап шу. Ўлай агар ёлғон гапирсам. У покиза аёл, ўзини оёқ ости қилдириб қўядиган аёлларданмас...

– Муслмончиликда ёлғондакам эр-хотинлар бўлиш борми, Каримбой ака?

– Нима қилай, осмон узоқ, ер қаттиқ, ука...

– Табиблик қиламан деб судга ҳам тушган-а у хотин?...

– Ҳа-а, жим юрса бўларди у қақажон... Лекин ўристабиатда, куйди-пишди, у ёқда ўрис хуторида яшаган, ўрис мактабда ўқиган...

Менинг қулоғимга бошқа гаплар кирмай қолди. Тезда Убайни топиб, унга бу хабарни етказишга шошилдим... Ўзимнинг ҳам ичим бир ёришиб кетди, бир севиндим. Жияним Рихсини опичиб, Йўлдош билан Эргашни эргаштириб, тупроқ кечиб Убайни қидириб кетдим...

ПОШШАХОН ОПА ЎҚИТУВЧИ

– Опа, – деди Саодат опам бир куни кечқурун Турсун аммамга, – янги гапни эшитдингизми, Пошшахон энди ўқитувчилик қиларкан.

– Пошшахон жонингни олсин, шу хотинни гапириб оғзинг чарчамайди-я сенинг...

– Э, у ўзи яхши хотин-да, опа.

– Табиб девдинг-ку уни, бўйинг чўзилгур? Ўқитувчилик тушиб қоптими унга?

– Мактабда ўрис тили ўқитувчиси йўфакан-да. Пошшахон ўрисчани биларкан. Сен энди Пошшахоннинг кўлида ўқийсан, – деб Саодат опам менга ҳавасланиб қараб қўйди.

* * *

Ўша куни Паризодни ёйилмада чўмилтираётгандим. Ёз чилласи тугаб, ариқлардаги сувлар тинган. Шир яланғоч чўмилаётган

o'tsalarining, yana qamalasanlar, deпти hukumat. Senga aytsam, uka, uyimdagi ayol Mallaboyning qizi bo'ladi. Sirdaryo taraflarning suvi, havosi yoqmay bechoraning boshi kasaldan chiqmay qopti. Menga keli-shuvdi. Arvoh xotirasi deb yerto'lamni berdim, shu... Otasidan yomonlik ko'rmaganman, axir. Akalari Sirdaryodan yo'lga chiqib, kunduz kunlari pana-pastqamlarda pisib yotib, kechasi singlisiga pul-mul, mayda-chuyda tashlab ketishadi. Biz odamlar ko'zigagina er-xotinmiz, ana shunaqa, Temirvoy uka, bor gap shu. O'lay agar yolg'on gapirsam. U pokiza ayol, o'zini oyoq osti qildirib qo'yadigan ayollardanmas...

– Musulmonchilikda yolg'ondakam er-xotinlar bo'lish bormi, Karimboy aka?

– Nima qilay, osmon uzoq, yer qattiq, uka...

– Tabiblik qilaman deb sudga ham tushgan-a u xotin?...

– Haa, jim yursa bo'lardi u qaqaqjon... Lekin o'ristabiati-da, kuydi-pishdi, u yoqda o'ris xutorida yashagan, o'ris maktabida o'qigan...

Mening qulog'imga boshqa gaplar kirmay qoldi. Tezda Ubayni topib, unga bu xabarni yetkazishga shoshildim... O'zimning ham ichim bir yorishib ketdi, bir sevindim. Jiyanim Rixsini opichib, Yo'ldosh bilan Ergashni ergashtirib, tuproq kechib Ubayni qidirib ketdim...

POSHSHAXON OPA O'QITUVCHI

– Opa, – dedi Saodat opam bir kuni kechqurun Tursun ammam-ga, – yangi gapni eshitdingizmi, Poshshaxon endi o'qituvchilik qilarkan.

– Poshshaxon joningni olsin, shu xotinni gapirib og'zing charchamaydi-ya sening...

– E, u o'zi yaxshi xotin-da, opa.

– Tabib devding-ku uni, bo'ying cho'zilgur? O'qituvchilik tushib qoptimi unga?

– Maktabda o'ris tili o'qituvchisi yo'g'akan-da. Poshshaxon o'rischani bilarkan. Sen endi Poshshaxonning qo'lida o'qiysan, – deb Saodat opam menga havaslanib qarab qo'ydi.

* * *

O'sha kuni Parizodni yoyilmada cho'miltirayotgandim. Yoz chillasi tugab, ariqlardagi suvlar tingan. Shir yalang'och cho'milayotgan

болалардан бири ҳов наридаги тут тагида битта хотин сени сўраяпти, деб қолди. Кийиниб борсам, Пошшахон опа салқинлаб ўтирибди. Салом бердим.

– Жудаям уятсиз экансизлар-ку сиз болалар, яқинларингга бориб бўлмайдими-я, – деб кулди у.

– Нима ишингиз бориди? – дедим ўнғайсизланиб. Ўша уятсиз болалар орасида мен ҳам бор эдим. Пошшахон ҳақида энди ҳамма нарсани билардим, унга юрак-юрагимдан ачинардим, бироқ қўлимдан ҳеч нарса келмасди. У ёқда Убай ҳам тинчиб қолган эди.

– Мактабда ўқийдиганларни ёзиб юрибман, ўқимоқчимисиз ё?

– Ўқимоқчиман, – дедим шоша-пиша, – ўзлари баҳорда келганимда олишмади-да, олишганда тўртдамас бешда ўқирдим...

– Биладан, Каримбой тоғангиз айтиб берган эди. Майли, бир йил ҳеч нарса эмас, етказволасиз. Убай бор-ку, кўшнимиз, ўша ўқимайман деяпти, сиз ўқийман деяпсиз, бу яхши... Ўқиш керак... – У исмимни, фамилиямни, ёшимни ёзиб олди.

Убайнинг нима учун ўқимаслигини биладан. У ёшини ҳисоблаганда тўртдамас, еттинчида ўқиши керак. Касаллиги туфайли қолиб кетган. Энди укаси тенги болалар билан ўқимоқчимас, шерик топса гўрковлик қилади, пул йиғиб, уйланади.

дўппи

Бир куни томорқада ўт ўраётсам, жияним Йўлдош келиб, Тузчи хола чақираётганини айтди.

– Тузчи хола чақиряпти дедингми?

– Ҳа, Тузчи хола чақиряпти...

Хола бизникига тез-тез чиқиб турар, ҳар чиққанида ойижоним ҳақида бирон хабар айтармиканлар, деб оғзини пойлардим. Раҳми келгандек ғалати-и қараб қўярди-ю, индамасди. Мен буни “Онангни ҳали тополмадим, болам”, – деяпти деб тушунардим, сўрашдан ўзимни тиярдим, “йўқ” деган сўзни эшитишдан кўрқардим. Жиянимнинг ишшайиб қараб туришидан билдимки, бир янгилик бор. Ўроқни отиб уриб, чопа кетдим. Онажоним, менинг онажоним топилибдилар...

Аммам билан Тузчи хола уйда гаплашиб ўтирган экан. Олдиларига учиб кирдим. Кирибоқ холага тикилиб қолибман, қани энди тезроқ бир нарса десалар. Хола менга жилмайиб қаради-да:

– Яқинроқ ке, болам, – деди.

Дўқ этиб ёнларига чўқдим. Эътибор қилмаган эканман, тиззасида дўппи бор экан. Уни олиб менга авайлабгина кийдирди.

– Мана, Омина опанг тикиб берди, қўзичоғим...



bolalardan biri hov naridagi tut tagida bitta xotin seni so'rayapti, deb qoldi. Kiyinib borsam, Poshshaxon opa salqinlab o'tiribdi. Salom berdim.

– Judayam uyatsiz ekansizlar-ku siz bolalar, yaqinlaringga borib bo'lmaydi-ya, – deb kuldi u.

– Nima ishingiz boridi? – dedim o'ng'aysizlanib. O'sha uyatsiz bolalar orasida men ham bor edim. Poshshaxon haqida endi hamma narsani bilardim, unga yurak-yuragimdan achinardim, biroq qo'limdan hech narsa kelmasdi. U yoqda Ubay ham tinchib qolgan edi.

– Maktabda o'qiydiganlarni yozib yuribman, o'qimoqchimisiz, yo?

– O'qimoqchiman, – dedim shosha-pisha, – o'zlari bahorda kelganimda olishmadi-da, olishganda to'rtdamas beshda o'qirdim...

– Bilaman, Karimboy tog'angiz aytib bergan edi. Mayli, bir yil hech narsa emas, yetkazvolasiz. Ubay bor-ku, qo'shnimiz, o'sha o'qimayman deyapti, siz o'qiyman deyapsiz, bu yaxshi... O'qish kerak... – U ismimni, familiyamni, yoshimni yozib oldi.

Ubayning nima uchun o'qimasligini bilaman. U yoshini hisoblaganda to'rtdamas, yettinchida o'qishi kerak. Kasalligi tufayli qolib ketgan. Endi ukasi tengi bolalar bilan o'qimoqchimas, sherik topsa go'rkovlik qiladi, pul yig'ib, uylanadi.

DO'PPI

Bir kuni tomorqada o't o'rayotsam, jiyanim Yo'ldosh kelib, Tuzchi xola chaqirayotganini aytdi.

– Tuzchi xola chaqiryapti dedingmi?

– Ha, Tuzchi xola chaqiryapti...

Xola biznikiga tez-tez chiqib turar, har chiqqanida oyijonim haqida biron xabar aytarmikanlar, deb og'zini poylardim. Rahmi kelgandek g'alatii qarab qo'yardi-yu, indamasdi. Men buni "Onangni hali topolmadim, bolam", – deyapti deb tushunardim, so'rashdan o'zimni tiyardim, "yo'q" degan so'zni eshitishdan qo'rqardim. Jiyanimning ishshayib qarab turishidan bildimki, bir yangilik bor. O'roqni otib urib, chopa ketdim. Onajonim, mening onajonim topilibdilar...

Ammam bilan Tuzchi xola uyda gaplashib o'tirgan ekan. Oldilariga uchib kirdim. Kiriboq xolaga tikilib qolibman, qani endi tezroq bir narsa desalar. Xola menga jilmayib qaradi-da:

– Yaqinroq ke, bolam, – dedi.

Do'q etib yonlariga cho'kdim. E'tibor qilmagan ekanman, tizzasida do'ppi bor ekan. Uni olib menga avaylabgina kiydirdi.

– Mana, Omina opang tikib berdi, qo'zichog'im...

– Қуллуғ бўлсин, мактабнинг олдига чикдинг, болам. – деди аммам, – Илоё Оминаниям бахти очилсин, унгаям бир муносиби топилсин, – деб дуо қилдилар.

Жиянимнинг нимага ишшайганини энди билдим. Дўппини олдиндан кўрган экан-да.

– Қарагин-а, бирам ярашди, – деб Тузчи хола кўлимга кафтдек ойна тутқазди. Ойнага қарадим-у, шошиб қолдим. Ундан юзлари чўзинчоқ, қоп-қора, ночоргина бир бола қараб турарди. Дўппининг ласи тим қора бўлганигами, ипаклари оппоқ қордек ялтираб турарди. Мен яқин орада оҳори тўкилмаган бунақа дўппи киймаган эдим. Фанижон акамдан, поччамдан қолган кўк дўппиларни аммам ювиб, ичини ип билан сириб, кичрайтириб берарди. Хаёлимда бу дўппи мендан кўра раисимизнинг ўғли Илҳомга ярашадигандек эди. Бошимдаги дўппига ўргана олмай, ичим чиқмай турганини кўрган Тузчи хола:

– Онангни қидиряпман, болам, сен қолиб бу ёқда Омина опанг шоширгани-шоширган. Ўша кундан бери ҳаловатини йўқотган бечора қизим, жуда кўнгли бўш-да, – деб аммамга қаради Тузчи хола.

– Айланайин-а, униям кўнгли яримта-да, – хўрсинди аммам. – Кўнгли яримни кўнгли ярим тушунмаса, бошқаларнинг парвойигаям келмайди, холажон.

– Тунов куни бу боламни боқиб олган Зангиотадаги ҳовлига бордим. Бу болам уларникига қаердан келиб қолганини сўраб-суриштирдим, бир бошдан гапириб берса, роса йиғлабман дегин, Турсунхон. Менга гапириб берган келин шўрликнинг пешанаси шўр экан. Эри урушдан ногирон бўлиб келган экан, яраси оқма бўлиб ўлиб қопти. Ўғлининг орқасидан қайнонаси ҳам ўлиб берибди. Шўрликкина ҳайҳотдек ҳовлида учта бола билан қолиб кетибди. Бу боламни бир халта гўштдан одам қилган ўша табиб энанинг довруғини бир вақтлар эшитганим бор эди. Унинг довруғи қўйлиқ отагача бориб етганди. Ана шунақа гаплар, энди-чи, Турсунхон, шаҳарга тушмоқчиман, она-бола адашиб қолган каттакон истанса менга бегонамас, у ерларни яхши биламан. Худо хоҳласа бир изга тушволай, бу ишнинг охирига етмай қўймайман...

– Умрингиздан барака топинг, илоё савобнинг тагида қолинг.

– Секин айтасанми, Турсунхон, Пайғамбаримиз етимнинг бошини силаган одам мен билан жаннатда бирга бўлади, деганлар-а.

Мен дўппини ушлаб, кир қилиб қўйишдан кўрқиб, аммамга энгашдим:

– Дўппимни олиб қўйинг, амма.

– Qullug' bo'lsin, maktabning oldiga chiqding, bolam. – dedi ammam, – Iloyo Ominaniyam baxti ochisin, ungayam bir munosibi topilsin, – deb duo qildilar.

Jiyanimning nimaga ishshayganini endi bildim. Do'ppini oldindan ko'rgan ekan-da.

– Qaragin-a, biram yarashdi, – deb Tuzchi xola qo'limga kaftdek oyna tutqazdi. Oynaga qaradim-u, shoshib qoldim. Undan yuzlari cho'zinchoq, qop-qora, nochorgina bir bola qarab turardi. Do'ppining lasi tim qora bo'lganigami, ipaklari oppoq qordek yaltirab turardi. Men yaqin orada ohori to'kilmagan bunaqa do'ppi kiymagan edim. G'anijon akamdan, pochchamdan qolgan ko'k do'ppilarni ammam yuvib, ichini ip bilan sirib, kichraytirib berardi. Xayolimda bu do'ppi mendan ko'ra raisimizning o'g'li Ilhomga yarashadigandek edi. Boshimdagi do'ppiga o'rgana olmay, ichim chiqmay turganini ko'rgan Tuzchi xola:

– Onangni qidirypman, bolam, sen qolib bu yoqda Omina opang shoshirgani-shoshirgan. O'sha kundan beri halovatini yo'qotgan bechora qizim, juda ko'ngli bo'sh-da, – deb ammamga qaradi Tuzchi xola.

– Aylanayin-a, uniyam ko'ngli yarimta-da, – xo'rsindi ammam. – Ko'ngli yarimni ko'ngli yarim tushunmasa, boshqalarning parvoyigayam kelmaydi, xolajon.

– Tunov kuni bu bolamni boqib olgan Zangiotadagi hovliga bordim. Bu bolam ularnikiga qayerdan kelib qolganini so'rab-surishtirdim, bir boshdan gapirib bersa, rosa yig'labman degin, Tursunxon. Menga gapirib bergan kelin sho'rlikning peshanasi sho'r ekan. Eri urushdan nogiron bo'lib kelgan ekan, yarasi oqma bo'lib o'lib qopti. O'g'lining orqasidan qaynonasi ham o'lib beribdi. Sho'rlikkina hayhotdek hovlida uchta bola bilan qolib ketibdi. Bu bolamni bir xalta go'shtdan odam qilgan o'sha tabib enaning dovrug'ini bir vaqtlar eshitganim bor edi. Uning dovrug'i Qo'yliq otagacha borib etgandi. Ana shunaqa gaplar, endi-chi, Tursunxon, shaharga tushmoqchiman, ona-bola adashib qolgan kattakon istansa menga begonamas, u yerlarni yaxshi bilaman. Xudo xohlasa bir izga tushvolay, bu ishning oxiriga yetmay qo'ymayman...

– Umringizdan baraka toping, iloyo savobning tagida qoling.

– Sekin aytasanmi, Tursunxon, Payg'ambarimiz yetimning boshini silagan odam men bilan jannatda birga bo'ladi, deganlar-a.

Men do'ppini ushlab, kir qilib qo'yishdan qo'rqib, ammamga engashdim:

– Do'ppimni olib qo'ying, amma.

– Ҳай, ҳай, – деди аммам ҳавасланиб, – бу дўппига яраша кийим-бошам керак энди. Эрта бозор поччангдан қолган мовут шимни сотамиз, болам.

– Вой, шошма, Турсунхон, – деди Тузчи хола, – эсим қурсин, Оминанг Эгамберди закончига дўппи сотган эди, ўшанинг пулини сенга илинди, етимларига бир нималар оберсин деб.

Аммам бошини тиззасига қўйиб йиғлаб юборди...

БОЗОРДА

Мактаб бошланиши олдидан Турсун аммам билан поччаннинг мовут шимини қўлтиқлаб бозорга тушдик. Аммам шимни сотиб, Омина опам берган пулга қўшиб мени, жиянларимни кийинтирмоқчи эдилар. Ҳадеганда мовут шимга харидор чиқавермади. Аммам ҳам, мен ҳам тиқилинчда юравериб эзилиб кетдик. Қорнимиз очиб, силламиз куриб қолди. Охири аммам бир эркакни тўхтатиб ялинди: “Жон мулла ака, шуни олинг, сотиб, пулига етимчаларимни кийинтирмоқчийдим, олдинда совуқ кунлар келяпти”. Мен ҳам ола қолинг дегандек унга мўлтираб қарадим. “Қанча дейсиз?” – деди эркак шимни қўлига ҳам олмай. Аммам қўрқибгина бир нархни айтди. Эркак савдолашмай пул санай бошлади. Аммам бўлса шошиб қолди, иккита тугмаси йўқлигини, ўхшашини тополмаганини айтди. Эркак барибир аммам айтган пулни санаб берди. Аммам уни дуо қилди. “Бизга Хизр йўлиқди, болам”, – деди аммам бошимни силаб. “Нимага ўзи индамасаям тугмаси йўқлигини айтиб ўтирибсиз?” – сўрадим мен. “Молнинг айби бўлса, уни айтиб сотсанг, олган пулинг ҳалол бўлади, шунақа, молни олиш бир хунар бўлса, уни сотиш икки хунар, болам”, – деди аммам. Биз энди кийим-кечак қидира бошладик. Лекин маълум бўлдики, бу пулларга биз янги кийимлар ололмас эканмиз. Аста эски-туски бозорига ўтдик. Қизларнинг битта қизил кўйлакчаси менга жудаям ёқди. “Амма, Рихсига олайлик”, – деб туриб олдим. “Йўқ, – деди аммам, – олдин сени кийинтирайлик, эрта-индин мактабга чиқасан, кейин укаларингга оламиз...”

МАКТАБДА

Шундай қилиб мактаб ҳам бошланди. Биз ўқийдиган синф ҳайҳотдек. Уч қатор парта қўйилган. Биз уларнинг бир қаторинигина тўлдириб ўтираемиз. Қолганлари бўм-бўш. Қачонлардир бу парталарни тўлдириб болалар ўтиришган.

– Hay, hay, – dedi ammam havaslanib, – bu do'ppiga yarasha kiyim-bosham kerak endi. Erta bozor pochchangdan qolgan movut shimni sotamiz, bolam.

– Voy, shoshma, Tursunxon, – dedi Tuzchi xola, – esim qursin, Ominang Egamberdi zakonchiga do'ppi sotgan edi, o'shaning pulini senga ilindi, yetimlariga bir nimalar obersin deb.

Ammam boshini tizzasiga qo'yib yig'lab yubordi...

BOZORDA

Maktab boshlanishi oldidan Tursun ammam bilan pochchamning movut shimini qo'ltiqlab bozorga tushdik. Ammam shimni sotib, Omina opam bergan pulga qo'shib meni, jijanlarimni kiyintirmoqchi edilar. Hadeganda movut shimga xaridor chiqavermadi. Ammam ham, men ham tiqilinchda yuraverib ezilib ketdik. Qornimiz ochib, sillamiz qurib qoldi. Oxiri ammam bir erkakni to'xtatib yalindi: "Jon mulla aka, shuni oling, sotib, puliga yetimchalarimni kiyintirmoqchidim, oldinda sovuq kunlar kelyapti". Men ham ola qoling degandek unga mo'ltirab qaradim. "Qancha deysiz?" – dedi erkak shimni qo'lga ham olmay. Ammam qo'rqibgina bir narxni aytdi. Erkak savdolashmay pul sanay boshladi. Ammam bo'lsa shoshib qoldi, ikkita tugmasi yo'qligini, o'xshashini topolmaganini aytdi. Erkak baribir ammam aytgan pulni sanab berdi. Ammam uni duo qildi. "Bizga Xizr yo'liqdi, bolam", – dedi ammam boshimni silab. "Nimaga o'zi indamasayam tugmasi yo'qligini aytib o'tirib-siz?" – so'radim men. "Molning aybi bo'lsa, uni aytib sotsang, olgan puling halol bo'ladi, shunaqa, molni olish bir hunar bo'lsa, uni sotish ikki hunar, bolam", – dedi ammam. Biz endi kiyim-kechak qidira boshladik. Lekin ma'lum bo'ldiki, bu pullarga biz yangi kiyimlar ololmas ekanmiz. Asta eski-tuski bozoriga o'tdik. Qizlarning bitta qizil ko'ylakchasi menga judayam yoqdi. "Amma, Rixsiga olaylik", – deb turib oldim. "Yo'q, – dedi ammam, – oldin seni kiyintiraylik, erta-indin maktabga chiqasan, keyin ukalaringga olamiz..."

MAKTABDA

Shunday qilib maktab ham boshlandi. Biz o'qiydigan sinf hayhotdek. Uch qator parta qo'yilgan. Biz ularning bir qatorinigina to'ldirib o'tiramiz. Qolganlari bo'm-bo'sh. Qachonlardir bu partalarni to'ldirib bolalar o'tirishgan. Qalamtaroshda ismlarini ham o'yib yozib

Қаламтарошда исмларини ҳам ўйиб ёзиб қўйишибди. Танаффус пайтида болалар парталар устида юриб ўйнашади. Чанг-чунг бўлиб оёқ излари қолади. Ўқитувчимиз Жаннат опа: "Ундоқ қилмамду", – деб болаларни уришади. Хўл латта билан парталар устини эринмай артиб чиқади. У кишининг миллати уйғур. Жуда қариб қолган. Кўйлагига ўралиб зўрға юради. Ҳаммага "болам" деб муомала қилади. Уришса ҳам "болам" деб уришади.

Бир куни жуда ғалати, юракни эзадиган иш бўлди. Болалар яна парталар устида юриб, устини оёқ изи қилиб ташлашди. Қопқоқлари ошиқ-мошиғидан чиқиб, қийшайиб қолди. Жаннат опа яна хўл латта билан парталарни эринмай артди. Қопқоқларини жой-жойига қўйди. Кейин энг орқадаги партага ўтириб пиқ-пиқ йиғлади. Олдинига анқайиб қолибмиз, кейин бориб опани ўраб олдик. Опа Қуръон ўқиб, дуо қилди. Биз ҳам бирин-кетин ҳовучимизни юзимизга босдик. Ҳозиргина шовқин бўлиб турган хона сув қуйгандек бўлиб қолди. Жаннат опанинг кўзлари бирпасда қизариб, баттар қариб қолгандек кўринди кўзимга. У ҳайрон бўлиб турганимизни кўриб, партага тиралиб аста ўрnidан турди. Кейин енги ичидан чиқиб турган кўрсаткич бармоғи билан:

– Мамбу ўрунда Турғун болам, мамбу ўрунда Каримжон болам, – деб ўғил болаларнинг исмларини бир-бир айтиб чиқди. – Бари норғул-норғул, бўйсари-бўйсари йигитлар эди, уйинг куйгур уруш ҳамусуни бошини еди. Оҳ, битта-яримтасиям қайтуб камаду, болаларим, камаду...

Шундан кейин парталар устида юрмайдиган, қайтага чанг ўтирса, опадан олдин хўл латта билан артиб, ярқиратиб қўядиган бўлдик. Болалар кўпинча дарс тайёрламай келар, бундан Жаннат опа астойдил хафа бўлар, ўқимасак, Каримбой чолга ўхшаб отбоқар бўлиб қолишимизни айтар, кейин кўзи кўр бўлса ҳам, симёғоч тагида ўтириб Алпомиш достонини ёд олган Кўчқор акани мақтарди. "Бу билгиларинг билан ману шарманду қиламдусиз, кам ўкуткан, Жаннат ўкуткан, даган гапга қоламду", – деб ух тортарди бечора. Гап шундаки, биз бешинчи синфни Агротехника бориб ўқишимиз керак бўларди. Жаннат опа шунга хижолат чекарди. Аммо опа дарс бошлашга улгурмаёқ завуч кирарди-да, "Қани бўлди, шунча ўқиганларинг етар, энди пахтага", – дерди. Ҳали биз кўлимизга қалам ҳам олмаган, Жаннат опа доскага бир оғиз сўз ҳам ёзмаган бўларди. Чувир-чувир билан биринчи, иккинчи, учинчи синф ўқувчиларига қўшилиб далага йўл оламиз. Мактабда ўқиш мен учун катта бир хурсандчилик. Аммо Пошшахонни олиб кетишиб қолгани ёмон бўлди. Бечора Пошшахон

qo'yishibdi. Tanaffus paytida bolalar partalar ustida yurib o'ynashadi. Chang-chung bo'lib oyoq izlari qoladi. O'qituvchimiz Jannat opa: "Undoq qilmamdu", – deb bolalarni urishadi. Ho'l latta bilan partalar ustini erinmay artib chiqadi. U kishining millati uyg'ur. Juda qarib qolgan. Ko'ylagiga o'ralib zo'rg'a yuradi. Hammaga "bolam" deb muomala qiladi. Urishsa ham "bolam" deb urishadi.

Bir kuni juda g'alati, yurakni ezadigan ish bo'ldi. Bolalar yana partalar ustida yurib, ustini oyoq izi qilib tashlashdi. Qopqoqlari oshiq-moshig'idan chiqib, qiyshayib qoldi. Jannat opa yana ho'l latta bilan partalarni erinmay artdi. Qopqoqlarini joy-joyiga qo'ydi. Keyin eng orqadagi partaga o'tirib piq-piq yig'ladi. Oldiniga anqayib qolibmiz, keyin borib opani o'rab oldik. Opa Qur'on o'qib, duo qildi. Biz ham birin-ketin hovuchimizni yuzimizga bosdik. Hozirgina shovqin bo'lib turgan xona suv quygandek bo'lib qoldi. Jannat opaning ko'zlari birpasda qizarib, battar qarib qolgandek ko'rindi ko'zimga. U hayron bo'lib turganimizni ko'rib, partaga tiralib asta o'rnidan turdi. Keyin yangi ichidan chiqib turgan ko'rsatkich barmog'i bilan:

– Mambu o'runda Turg'un bolam, mambu o'runda Karimjon bolam, – deb o'g'il bolalarning ismlarini bir-bir aytib chiqdi. – Bari norg'ul-norg'ul, bo'ysari-bo'ysari yigitlar edi, uying kuygur urush hamusuni boshini edi. Oh, bitta-yarimtasiam qaytub kamadu, bolalarim, kamadu...

Shundan keyin partalar ustida yurmaydigan, qaytaga chang o'tirsa, opadan oldin ho'l latta bilan artib, yarqiratib qo'yadigan bo'ldik. Bolalar ko'pincha dars tayyorlamay kelar, bundan Jannat opa astoydil xafa bo'lar, o'qimasak, Karimboy cholga o'xshab otboqar bo'lib qolishimizni aytar, keyin ko'zi ko'r bo'lsa ham, simyog'och tagida o'tirib Alpomish dostonini yod olgan Qo'chqor akani maqtardi. "Bu bilgilaring bilan manu sharmandu qilamdisiz, kam o'qutkan, Jannat o'qutkan, dagan gapga qolamdu", – deb uh tortardi bechora. Gap shundaki, biz beshinchi sinfni Agrotexnika borib o'qishimiz kerak bo'lardi. Jannat opa shunga xijolat chekardi. Ammo opa dars boshlashga ulgurmayoq zavuch kirardi-da, "Qani bo'ldi, shuncha o'qiganlaring yetar, endi paxtaga", – derdi. Hali biz qo'limizga qalam ham olmagan, Jannat opa doskaga bir og'iz so'z ham yozmagan bo'lardi. Chuvir-chuvir bilan birinchi, ikkinchi, uchinchi sinf o'quvchilariga qo'shilib dalaga yo'l olamiz. Maktabda o'qish men uchun katta bir xursandchilik. Ammo Poshshaxonni olib ketishib qolgani yomon bo'ldi. Bechora Poshshaxon dars berishga

дарс беришга ҳам улгурмади. Каримбой чолнинг айтишича олдинги судлик иши босди-босди бўлиб турганда Пошшахон ўзига ўзи қипти. Сибирга сургун қилинганлар оқланган бўлсалар-да, мактабдорликда ишлашга ҳаққи йўқ экан. Ҳукуматнинг одамлари Пошшахон Маллабойнинг қизи эканини, итоб қилинган жойидан қочиб келиб, бу ёқларда яшириниб юрганини билишибди. Унга уйдан жой бергани учун ҳали Каримбой чол ҳам жавоб берар экан.

ОЙИЖОНИМ ҲАҚИДА ХУШХАБАР

Тузчи хола бир куни уйимизга ҳовлиқиб кириб келди:

– Суюнчи бер, Турсунхон, худо хоҳласа калаванинг учи топилди, айланай, ҳа...

– Суюнчи сиздан айлансин, Тузчи хола, гапиринг, – деди аммам яйраб.

– Шу десанг, қовунчилик биттасидан туз олиб сотардим. У раҳматлик бўлиб қолди, десанг. Энди нима қилдим экан, деб турсам, марҳумнинг уйидагилар тошканлик бир одамнинг манзилни айтди. Тузни уларга ўша олиб келиб бераркан-да. Ўша жой қаер экан дегин, манови боламни боқиб олган табиб энанинг маҳалласи экан. Ўзим ўша ёққа бормоқчи бўлиб юргандим. Худонинг ўзи чевар-да, ниятинг холис бўлса, ишингни Ўзи ўнглаб қўяди. Шундан билдимки, кеннойингни топишга худонинг ўзи қарашяпти. Боламни боқиб олган зангиоталиклар кампирнинг бир оёғи йўқ фронтаник невараси бировга унаштириб қўйган қизни олиб қочиб кетганини, ахир, улар бир-бирини ёқтиришаркан-да, куёв томоннинг одамлари бўлса уларни қаёққа қочирдинг, деб кампирни дўппослаб ўлдириб қўйишганини айтиб беришганди. Шундан кейин бу болам кўчада қолиб Зангиотага келиб қолган-да. Биласанми, Турсунхон, ўша фронтаник бало экан, маҳаллага келиб, муштумзўрларни тавбасига таянтриб, қаматворибди, ҳа...

– Тузчи хола, Ёдгор акамни кўрдингизми, Ҳури опамни-чи? – деб сўрадим сабрим чидамай. Ойимни сўрасам “кўрмадим” дейишидан кўрқдим.

– Йўқ, болам, уларни кўрмадим, Ёдгор аканг энасидан қолган кулбани сотиб, кетворибди. Бир қўшни хотин сени эслаб йиғлади, кулбаниям ўша олган экан-да.

– Опамдан келинг, опамдан, бирон хушхабар борми, хола?

Ниҳоят, аммамнинг ҳам сабри чидамади. Вужудим қулоққа айланиб холага тикилдим.

– Ўзимам аста-секин шунга келяпманда, Турсунхон, мана шу

ham ulgurmadi. Karimboy cholning aytishicha, oldingi sudlik ishi bosdi-bosdi bo'lib turganda Poshshaxon o'ziga o'zi qipti. Sibirga surgun qilinganlar oqlangan bo'lsalar-da, maktabdorlikda ishlashga haqqi yo'q ekan. Hukumatning odamlari Poshshaxon Mallaboyning qizi ekanini, itob qilingan joyidan qochib kelib, bu yoqlarda yashirinib yurganini bilishibdi. Unga uyidan joy bergani uchun hali Karimboy chol ham javob berar ekan.

OYJONIM HAQIDA XUSHXABAR

Tuzchi xola bir kuni uyimizga hovliqib kirib keldi:

– Suyunchi ber, Tursunxon, xudo xohlasa kalavaning uchi topildi, aylanay, ha...

– Suyunchi sizdan aylansin, Tuzchi xola, gapiring, – dedi ammam yayrab.

– Shu desang, qovunchilik bittasidan tuz olib sotardim. U rahmatlik bo'lib qoldi, desang. Endi nima qildim ekan, deb tursam, marhumning uyidagilar toshkanlik bir odamning manzilini aytdi. Tuzni ularga o'sha olib kelib berarkan-da. O'sha joy qayer ekan degin, manovi bolamni boqib olgan tabib enaning mahallasi ekan. O'zim o'sha yoqqa bormoqchi bo'lib yurgandim. Xudoning o'zi chevar-da, niyating xolis bo'lsa, ishingni O'zi o'nglab qo'yadi. Shundan bildimki, kennoyingni topishga xudoning o'zi qarashyapti. Bolamni boqib olgan zangiotaliklar kampirning bir oyog'i yo'q frontavik nevarasi birovga unashirib qo'ygan qizni olib qochib ketganini, axir, ular bir-birini yoqtirisharkan-da, kuyov tomonning odamlari bo'lsa ularni qayoqqa qochirding, deb kampirni do'pposlab o'ldirib qo'yishganini aytib berishgandi. Shundan keyin bu bolam ko'chada qolib Zangiotaga kelib qolgan-da. Bilasanmi, Tursunxon, o'sha frontavik balo ekan, mahallaga kelib, mushtumzo'rlarni tavbasiga tayantirib, qamatvoribdi, ha...

– Tuzchi xola, Yodgor akamni ko'rdingizmi, Huri opamni-chi? – deb so'radim sabrim chidamay. Oyimni so'rasam "ko'rmadim" deyishidan qo'rqdim.

– Yo'q, bolam, ularni ko'rmadim, Yodgor akang enasidan qolgan kulbani sotib, ketvoribdi. Bir qo'shni xotin seni eslab yig'ladi, kulbaniyam o'sha olgan ekan-da.

– Opamdan keling, opamdan, biron xushxabar bormi, xola?

Nihoyat, ammamning ham sabri chidamadi. Vujudim quloqqa aylanib xolaga tikildim.

– O'zimam asta-sekin shunga kelyapmanda, Tursunxon, mana

боламни эслаб йиғлаган хотин ҳалигача бу боламни онаси ташлаб кетган деб юраркан. Унақамас, айланай, – деб уни қайириб ташладим, – иккиқат бўлган, ой-куни яқин, бугун-эрта туғаман, деб турган. Эрини урушга кузатгани чиққанда бир фалокат бўлган-да, дейишимни биламан, ҳалиги хотин бир нимани эслагандек менга тикили-и-иб нес бўлиб қолди, десанг. Бир маҳал жиннига ўхшаб нуқул, ҳаҳ жувон ўлгур-а, ҳаҳ Худонинг ғазабига учрагур-а, деб икки чаккасини муштлаб, ўзидан ўзи қарғаниб ётибди. Менам тутқаноғи бўлса тутиб қолди шекилли, деб индамай қараб туравердим. Йўқ, унақа эмас экан, шунчаки ўша оғир йилларни эслаган экан. Менам у кунларни эсласам жинни бўлиб қолай дейман, Турсунхон. “Ўшанда, – деди хотин кўзларидан дув-дув ёш тўкиб, – дунёни кўрган шундоқ табиб эна ҳам, мен ҳам онанинг аҳволини гўдаккинадан сўраб-суриштирмаган эканмиз. Худойим таоло гўдакни табибнинг қўлига бериб, онасини менинг кўзимга кўрсатиб қўйган экан-у, биз бўлса ғафлатда қолибмиз-а... Лекин боладан сўраб-суриштирганимизда ҳам бир гап чиқиши қийин эди, бола бечора неча кунлаб тахтакачда ўзини билмай ётди-ку... Мен ўшанда истансада фаррошлик қилиб юрардим. Бир куни санитар поездига иккиқат хотинни замбилда олиб чиқишди. У ўзидан кетиб ётар, қорни аравадек бўлиб лорсилларди. Болани онанинг қорнини ёриб олишди. Буям худонинг марҳаматида, яхшиям ҳарбий жарроҳларнинг қўлига тушгани. Бўлмаса куни битганди у хотиннинг. Чақалоқ қиз экан. Ўрис доялар унга Наташа деб исм қўйишди. Худо урди-кетди, ўзбек қизни энди Наташа деб чақиришадими, деб жаҳлим чиққан эди. Ҳойнаҳой, ўша хотин боланинг онаси бўлиши керак”, – деди.

– Ойижон... ойи-и... – деб ҳиқиллаб қолдим. Аммам ҳам, Тузчи холам ҳам йиғлади.

– Кейин-чи, Тузчи хола, кейин? – дея аммам Тузчи холамни қистади. – Гапиринг...

Мен ҳам йиғимни ичимга ютиб, умид билан холага термилдим.

– Менам у хотиндан “кейинчи” деб сўрадим-да, Турсунхон, у бўлса вагонлар ғилдирак устидаги нарса, қаёққа қараб ғилдираб кетганини билолмай қолдим, деди. Лекин у ўша пайтда санитар поездига ишлаган битта ўрис хотинни биларкан. Уни топиб, суриштириб қўйишга ваъда берди. Худо хоҳласа, бош-оёқ сарупо бўлмасаям, бирор кийимлик совға олиб бораман ўша хотинга.

Аммам:

– Мени кечиринг, Тузчи хола, кийимлигим бўлганда жони-танзим билан берар эдим, – деб ерга қаради.

– Сен, Турсунхон, хижолат бўлма, хайрли ишнинг хайрихоҳи

shu bolamni eslab yig'lagan xotin haligacha bu bolamni onasi tashlab ketgan deb yurarkan. Unaqamas, aylanay, – deb uni qayirib tashladim, – ikkiqat bo'lgan, oy-kuni yaqin, bugun-erta tug'aman, deb turgan. Erini urushga kuzatgani chiqqanda bir falokat bo'lgan-da, deyishimni bilaman, haligi xotin bir nimani eslagandek menga tikilib nes bo'lib qoldi, desang. Bir mahal jinniga o'xshab nuqul, hah juvon o'lgur-a, hah Xudoning g'azabiga uchragur-a, deb ikki chakkasini mushtlab, o'zidan o'zi qarq'anib yotibdi. Menam tutqanog'i bo'lsa tutib qoldi, shekilli, deb indamay qarab turaverdim. Yo'q, unaqa emas ekan, shunchaki o'sha og'ir yillarni eslagan ekan. Menam u kunlarni eslasam jinni bo'lib qolay deyman, Tursunxon. "O'shanda, – dedi xotin ko'zlaridan duv-duv yosh to'kib, – dunyoni ko'rgan shundoq tabib ena ham, men ham onaning ahvolini go'dakkinadan so'rab-surishtirmagan ekanmiz. Xudoyim taolo go'dakni tabibning qo'liga berib, onasini mening ko'zimga ko'rsatib qo'ygan ekan-u, biz bo'lsa g'aflatda qolibmiz-a... Lekin boladan so'rab-surishtirganimizda ham bir gap chiqishi qiyin edi, bola bechora necha kunlab taxtakachda o'zini bilmay yotdi-ku... Men o'shanda istansada farroshlik qilib yurardim. Bir kuni sanitar poyezdiga ikkiqat xotinni zambilda olib chiqishdi. U o'zidan ketib yotar, qorni aravadek bo'lib larsillardi. Bolani onaning qornini yorib olishdi. Buyam xudoning marhamatida, yaxshiyam harbiy jarrohlarning qo'liga tushgani. Bo'lmasa kuni bitgandi u xotinning. Chaqaloq qiz ekan. O'ris doylalar unga Natasha deb ism qo'yishdi. Xudo urdi-ketdi, o'zbek qizni endi Natasha deb chaqirishadimi, deb jahlim chiqqan edi. Hoynahoy, o'sha xotin bolaning onasi bo'lishi kerak", – dedi.

– Oyijon... oyii... – deb hiqillab qoldim. Ammam ham, Tuzchi xolam ham yig'ladi.

– Keyin-chi, Tuzchi xola, keyin? – deya ammam Tuzchi xolamni qistadi. – Gapiring...

Men ham yig'imni ichimga yutib, umid bilan xolaga termildim.

– Menam u xotindan "keyinchi" deb so'radim-da, Tursunxon, u bo'lsa vagonlar g'ildirak ustidagi narsa, qayoqqa qarab g'ildirab ketganini bilolmay qoldim, dedi. Lekin u o'sha paytda sanitar poyezdida ishlagan bitta o'ris xotinni bilarkan. Uni topib, surishtirib qo'yishga va'da berdi. Xudo xohlasa, bosh-oyoq sarupo bo'lmasayam, biror kiyimlik sovg'a olib boraman o'sha xotinga.

Ammam:

– Meni kechiring, Tuzchi xola, kiyimligim bo'lganda joni-tanim bilan berar edim, – deb yerga qaradi.

кўп бўлади, кийимликнинг пули Худо хоҳласа туздан чиқади, қовунчилик менга анча қимматга сотаркан-да, у ердан арзонга олдим. Тузни биласанми қаердан олиб келишаркан, Орол бўйидан. Шунақа денгиз бор дейишади, Москвадан келадиган поездлар ўша ердан ўтаркан-да.

Кимдир кулоғимга: “Ишонавер, ўша поездда туққан хотин сени ойижонинг бўлади, Наташа бўлса ойижонинг ваъда қилган жижи синглинг”, – дегандек бўлди. Ичим ёришиб, Тузчи холани яхши кўриб кетдим. Энди у кишининг шаҳарга тушишини, ойижоним ҳақида хушхабар олиб келишини сабрсизлик билан кута бошладим. Қизлари Омина опамни ўзлари унамаса ҳам сайрга олиб чиқдим. Агротехник воқеасидан кейин кўчага чиқмай кўйган эди. Бир сафар Бўзсув бўйига олиб бориб, осма кўприкни кўрсатиб келдим.

САОДАТ ОПАМ СТАХАНОВЧИ

Пахта терими бошлангандан кейин кўп ўтмай Саодат опамнинг стахановчи деб номи чиқиб қолди. Қилтириқ ҳолларига катта хотинлар рўйхатига кўшиб кўйишибди. Гап шундаки, Россиянинг қайсидир кўмир конида Стаханов деган одам бир кунда уч юз тонна кўмир қазиб олган экан. Шунга теримчилар ҳам бир кунда уч юз кило пахта терамиз, деган ҳаракат билан чиқишибди. Буни эшитган аммам:

– Муштдек бошинг билан нима қилардинг бунақа ишларга тиқилиб, бўйинг чўзилгур, – деб уришиб берди.

– Мен қаердан билай, бу биргадирнинг иши, – деб йиғламсиради Саодат опам. – Стахановчилар ҳар куни уч юз килодан пахта териши керак экан.

– Мен сен қиз ўлмагурга айтдим-а, ҳадеб дала деса ликиллайверма деб, мана оқибати... Бўпти, балнисага бормаган кунларим ўзим қарашвораман сенга.

– Вой, мумкинмас, опа, уч юз килони фақат ўзим теришим керак...

– Қандай қилиб терасан, читтак ўлгур, аҳволингга бир қара?

– Теряпман-ку ҳозирам, опа...

– Шунақами, унда баттар бўл...

– Стахановчиларга гадавойда бир аравадан буғдой беришаркан, ёмонми, опа?

Аммам индамади. Мен ишонмадим, хирмонтепада бир ой ишлатиб, бир ҳовуч буғдой бермади-ю, бир аравамиш-а?

Саодат опам ҳар куни мени ярим кечада уйқудан уйғотади.

– Sen, Tursunxon, xijolat bo'lma, xayrli ishning xayrixohi ko'p bo'ladi, kiyimlikning puli xudo xohlasa tuzdan chiqadi, qovunchilik menga ancha qimmatga sotarkan-da, u yerdan arzonga oldim. Tuzni bilasanmi qayerdan olib kelisharkan, Orol bo'yidan. Shunaqa dengiz bor deyishadi, Moskovdan keladigan poyezdlar o'sha erdan o'tarkan-da.

Kimdir qulog'imga: "Ishonaver, o'sha poyezdda tuqqan xotin seni oyijoning bo'ladi, Natasha bo'lsa oyijoning va'da qilgan jiji singling", – degandek bo'ldi. Ichim yorishib, Tuzchi xolani yaxshi ko'rib ketdim. Endi u kishining shaharga tushishini, oyijonim haqida xushxabar olib kelishini sabrsizlik bilan kuta boshladim. Qizlari Omina opamni o'zlari unamasa ham sayrga olib chiqdim. Agrotexnik voqeasidan keyin ko'chaga chiqmay qo'ygan edi. Bir safar Bo'zsuv bo'yiga olib borib, osma ko'prikn ko'rsatib keldim.

SAODAT OPAM STAXANOVCHI

Paxta terimi boshlangandan keyin ko'p o'tmay Saodat opamning staxanovchi deb nomi chiqib qoldi. Qiltiriq hollariga katta xotinlar ro'yxatiga qo'shib qo'yishibdi. Gap shundaki, Russiyaning qaysidir ko'mir konida Staxanov degan odam bir kunda uch yuz tonna ko'mir qazib olgan ekan. Shunga terimchilar ham bir kunda uch yuz kilo paxta teramiz, degan harakat bilan chiqishibdi. Buni eshitgan ammam:

– Mushtdek boshing bilan nima qilarding bunaqa ishlarga tiqilib, bo'ying cho'zilgur, – deb urishib berdi.

– Men qayerdan bilay, bu birgadirning ishi, – deb yig'lamsiradi Saodat opam. – Staxanovchilar har kuni uch yuz kilodan paxta terishi kerak ekan.

– Men sen qiz o'lmagurga aytdim-a, hadeb dala desa likillayverma deb, mana oqibati... Bo'пти, balnisaga bormagan kunlarim o'zim qarashvoraman senga.

– Voy, mumkinmas, opa, uch yuz kiloni faqat o'zim terishim kerak...

– Qanday qilib terasan, chittak o'lgur, ahvolingga bir qara?

– Teryapman-ku hoziram, opa...

– Shunaqami, unda battar bo'l...

– Staxanovchilarga gadavoyda bir aravadan bug'doy berisharkan, yomonmi, opa?

Ammam indamadi. Men ishonmadim, xirmontepada bir oy ishlatib, bir hovuch bug'doy bermadi-yu, bir aravamish-a?

Saodat opam har kuni meni yarim kechada uyqudan uy-

У киши этагу қанор қопларини, мен бўлсам папкамини кўтариб далага йўл оламиз. Ёнларида уйқусираб, оёқларим чалишиб бораман. Ҳаво салқин, ён-атрофда тўхтамай чирилдоқлар чириллайди. Бизга итимиз эргашади. У қайларгадир искаланиб кириб кетади-да, кейин тутлар тагидан шатур-шутир қилиб чиқиб келади. Опа-ука чўчиб тушамиз. “Ўл-а, ит ўлгур”, – деб жеркийди опам. Итни Надим темирчи ўзи билан олиб келган. Анча наридан қувурдан ўтаётган сувнинг билқ-билқ овози эшитилади. Қувурдан ўтгандан кейин ўн гектарлик пахтазор бошланади. У ой нурида туман босгандек кўринади. Ҳар бир стахановчига эгатлар бўлиб берилган. Биров-бировининг эгатига ўтмайди. Пахтазорга киримиз. Шудринг муздек тегиб, сесканаман. Саодат опам камзулини ечиб, қанор қоп билан бирга ерга тўшаб беради. Папкамини бошимга кўйиб, ғужанак бўлиб оламан. Салда бир этак пахта устимга келиб тушади-ю, илиқ-иссиқдан кўзим юмилиб кетади. Саодат опам нонуштага занг урилгунча аллақанча пахта териб кўяди, аммо тарозига олиб бормади. Стахановчиларнинг пахтасини олиб чиқиб торттирадиганлар бор. Далада Саодат опам билан нонуштани қилиб олгач, мен шу ердан нари мактабга жўнайман. Нонуштада зоғора нон билан ёнғоқ, жийда еймиз. Далалар четига қачонлардир жийда, ёнғоқлар экилган, улар катта-катта бўлиб кетган, колхоз мевасини қоқиб олиб, ҳукуматга топширган-у, барибир устида қолганлари ерга тўкилиб ётади. Йўл-йўлакай териб, нон-халтамни тўлатиб оламан.

Бир куни стахановчи теримчи деб Саодат опамни газетада сурати билан мақтаб чиқаришди. Суратда қилтириққина бир қизча ғўзалар орасидан кулиб қараб турарди. Танимаган одам суратни мактаб ўқувчисига адаштириб кўйибди, дейиши мумкин. Аммо шу қилтириқ қизча менинг стахановчи опам эди. Бироқ стахановчи опам ўқишни, ёзишни билмасди. Ўзимдан кўшиб-чатиб газетани ўқиб бердим. Саодат опам бўлса хурсанд бўлиш ўрнига бирдан ув солиб йиғлаб берди. Кўрқиб кетдим.

– Ҳа, опа, нима бўлди?

– Шундай кунларга етганимни отам билан онам кўрмади-да, укажон...

Саодат опам бешиқдаёқ етим қолган, у кишининг дадаси – менинг бувам ва ойиси – менинг бувим қирқ кун ичида бирин-кетин оламдан ўтишган экан.

Далада пахта иши қанчалик қайнамасин, томорқада ҳам иш шунчалик қайнарди. Ловияларни териш, сўталарни қайириб олиб томга ёйиш, пояни ўриб, боғлаш, уйга ташиш... Аксига олиб қоринтўйсинга ишлайдиган мардикорлар ҳам кўринмас, адашиб ке-

g'otadi. U kishi etag-u qanor qoplarini, men bo'lsam papkamni ko'tarib dalaga yo'l olamiz. Yonlarida uyqusirab, oyoqlarim chalishib boraman. Havo salqin, yon-atrofdan to'xtamay chirildoqlar chirillaydi. Bizga itimiz ergashadi. U qaylargadir iskanib kirib ketadi-da, keyin tutlar tagidan shatur-shutir qilib chiqib keladi. Opa-uka cho'chib tushamiz. "O'l-a, it o'lgur", – deb jerkiydi opam. Itni Nadim temirchi o'zi bilan olib kelgan. Ancha naridan quvurdan o'tayotgan suvning bilq-bilq ovozi eshitaladi. Quvurdan o'tgandan keyin o'n gektarlik paxtazor boshlanadi. U oy nurida tuman bosgandek ko'rinadi. Har bir staxanovchiga egatlar bo'lib berilgan. Birov-birovining egatiga o'tmaydi. Paxtazorga kiramiz. Shudring muzdek tegib, seskanaman. Saodat opam kamzulini yechib, qanor qop bilan birga yerga to'shab beradi. Papkamni boshimga qo'yib, g'ujanak bo'lib olaman. Salda bir etak paxta ustimga kelib tushadi-yu, iliq-issiqdan ko'zim yumilib ketadi. Saodat opam nonushtaga zang urilguncha allaqancha paxta terib qo'yadi, ammo taroziga olib bormaydi. Staxanovchilarning paxtasini olib chiqib torttiradiganlar bor. Dalada Saodat opam bilan nonushtani qilib olgach, men shu yerdan nari maktabga jo'nayman. Nonushtada zog'ora non bilan yong'oq, jiyda eymiz. Dalalar chetiga qachonlardir jiyda, yong'oqlar ekilgan, ular katta-katta bo'lib ketgan, kolxoz mevasini qoqib olib, hukumatga topshirgan-u, baribir ustida qolganlari yerga to'kilib yotadi. Yo'l-yo'lakay terib, nonxaltamni to'latib olaman.

Bir kuni staxanovchi terimchi deb Saodat opamni gazetada surati bilan maqtab chiqarishdi. Suratda qiltiriqqina bir qizcha g'ozalar orasidan kulib qarab turardi. Tanimagan odam suratni maktab o'quvchisiga adashtirib qo'yibdi, deyishi mumkin. Ammo shu qiltiriq qizcha mening staxanovchi opam edi. Biroq staxanovchi opam o'qishni, yozishni bilmasdi. O'zimdan qo'shib-chatib gazetani o'qib berdim. Saodat opam bo'lsa xursand bo'lish o'rniga birdan uv solib yig'lab berdi. Qo'rqib ketdim.

– Ha, opa, nima bo'ldi?

– Shunday kunlarga yetganimni otam bilan onam ko'rmadi-da, ukajon...

Saodat opam beshikdayoq yetim qolgan, u kishining dadasi – mening buvam va oyisi – mening buvim qirq kun ichida birin-ketin olamdan o'tishgan ekan.

Dalada paxta ishi qanchalik qaynamasin, tomorqada ham ish shunchalik qaynardi. Loviyalarni terish, so'talarni qayirib olib tomga yoyish, poyani o'rib, bog'lash, uyga tashish... Aksiga olib qorinto'ysinga ishlaydigan mardikorlar ham ko'rinmas, adashib kelib

либ қолганларини ҳам ушлаб, пахтага ҳайдашарди. Аммам бир йўлини топди. Бир ойга ижара ҳақи олмаслик шарти билан Надим темирчи билан гаплашди. У бўлса пахта ташиб, аравасини синдириб келган аравакашларни ишга солди. Хуллас, икки-уч кунда томорқадаги ишлар охирлади. Жўхориюяни эчки емас экан, қиш келса хашакка алмаштириб оладиган бўлди. Қовун-тарвузларимиз ҳам мўл бўлди. Бир марта Турсунбой аканинг нариги тарафидаги томорқа қўшниси Рамиз ака қовун-тарвузларимизни ўзиникига қўшиб сотиб, пулини олиб келиб берди. Энди томорқада картошкагина қолган, у кенг далада кўм-кўк бўлиб гуркираб ўсиб ётар, у ер-бу ерда тупроқни туртиб чиқиб қолганларини олиб овқатга ишлатамиз. Аммамнинг айтишича, палагини совуқ ургандан кейин қазиб оларканмиз, унгача ер тагида қўзилаб ётаркан.

ҒАЛАТИ ЙИҒИ

Шундай кунларнинг бирида Шерхон аканинг келганини эшитиб қолдим. Аммамга айтсам:

– Юр, болам, кўриб келайлик, бизни деб жиннихоналарга тушиб чиқди у бечора, – деб отланиб қолдилар. Рихсини опичиб олдим, Йўлдош билан Эргашни аммам етаклади. Ҳеч қанча юрмаёқ йўлимиздан Шерхон аканинг ўзи чиқиб қолди. Эшакка юк ортиб, устига миниб олибдилар. Бир кун олдин қозоқлар туя қўшилган араваларда келиб уйма-уй юриб, буғдойни жўхорига алмашлаб кетишган эди. Аммам ҳам алмаштирмоқчи эди, Саодат опам унамади. “Уч қоп жўхорига бир қоп буғдой алмашишармиш, гадавойда менга бир арава буғдой чиқади-ку, опа”. Шерхон ака алмаштирган, шекилли, ҳойнаҳой буғдойни ун қилгани тегирмонга олиб борарди. У бизни кўриб эшак устидан сирғалиб ерга тушди. Аммам чаққон бориб елкасидан олиб кўришди. Мен қўл чўздим. Шерхон ака жиянларим билан ҳам “катта жигиттер” деб бир-бир қўл олишди.

– Келганингизни эшитиб уй-чуйимиз билан аzza-баzza кўргани келаётувдик, – деди аммам.

– Жахши, жахши, ўнда тамингга бошлайғўй, ширағим, Бўлиф апшенгда кўрғонда жўк, – деди Шерхон ака қаншарини қашиб. – Маған бир пейла шайинг бардир, бикеш?

– Вой, бош устига, бир пиёла чой сиздан айлансин... – деб аммам биздан олдин чопа-чопа уйга қараб кетди.

Шерхон ака Йўлдош билан Эргашни эшакка миндириб, ўзи пиёда эшакни етаклади.

– Сен ширағимни ўси жақда кўп эследим, – деди Шерхон

qolganlarini ham ushlab, paxtaga haydashardi. Ammam bir yo'lini topdi. Bir oyga ijara haqi olmaslik sharti bilan Nadim temirchi bilan gaplashdi. U bo'lsa paxta tashib, aravasini sindirib kelgan aravakashlarni ishga soldi. Xullas, ikki-uch kunda tomorqadagi ishlar oxirladi. Jo'xoripoyani echki yemas ekan, qish kelsa xashakka almashtirib oladigan bo'ldik. Qovun-tarvuzlarimiz ham mo'l bo'ldi. Bir marta Tursunboy akaning narigi tarafidagi tomorqa qo'shnisi Ramiz aka qovun-tarvuzlarimizni o'zinikiga qo'shib sotib, pulini olib kelib berdi. Endi tomorqada kartoshkagina qolgan, u keng dalada ko'm-ko'k bo'lib gurkirab o'sib yotar, u yer-bu yerda tuproqni turtib chiqib qolganlarini olib ovqatga ishlatamiz. Ammamning aytishicha, palagini sovuq urgandan keyin qazib olarkanmiz, ungacha yer tagida qo'zilab yotarkan.

G'ALATI YIG'I

Shunday kunlarning birida Sherxon akaning kelganini eshitib qoldim. Ammamga aysam:

– Yur, bolam, ko'rib kelaylik, bizni deb jinnixonalarga tushib chiqdi u bechora, – deb otlanib qoldilar. Rixsini opichib oldim, Yo'ldosh bilan Ergashni ammam yetakladi. Hech qancha yurmayoq yo'limizdan Sherxon akaning o'zi chiqib qoldi. Eshakka yuk ortib, ustiga minib olibdilar. Bir kun oldin qozoqlar tuya qo'shilgan aravalarda kelib uy-uy yurib, bug'doyni jo'xoriga almashlab ketishgan edi. Ammam ham almashtirmoqchi edi, Saodat opam unamadi. “Uch qop jo'xoriga bir qop bug'doy almashisharmish, gadavoyda menga bir arava bug'doy chiqadi-ku, opa”. Sherxon aka almashtirgan, shekilli, hoynahoy bug'doyni un qilgani tegirmonga olib borardi. U bizni ko'rib eshak ustidan sirg'alib yerga tushdi. Ammam chaqqon borib yelkasidan olib ko'rishdi. Men qo'l cho'zdim. Sherxon aka jiyanlarim bilan ham “katta jigitter” deb bir-bir qo'l olishdi.

– Kelganingizni eshitib uy-chuyimiz bilan azza-bazza ko'rgani kelayotuvdik, – dedi ammam.

– Jaxshi, jaxshi, o'nda tamingg'a boshlayg'o'y, shirag'im, Bo'lig' apshengda qo'rg'onda jo'q, – dedi Sherxon aka qansharini qashib. – Mag'an bir peyla shaying bardir, bikesh?

– Voy, bosh ustiga, bir piyola choy sizdan aylansin... – deb ammam bizdan oldin chopa-chopa uyga qarab ketdi.

Sherxon aka Yo'ldosh bilan Ergashni eshakka mindirib, o'zi piyoda eshakni yetakladi.

– Sen shirag'imni o'si jaqda ko'p esledim, – dedi Sherxon aka

ака менга қараб. Мен гуноҳкордек ерга қарадим. Ахир, ҳамма тўполон мени деб бўлди-да. Лекин Шерхон акадан нимага эсладингиз, деб сўрай олмадим. Шерхон ака шип-дўқ, шип-дўқ қилиб ёғоч оёғини айлантириб босиб эшак билан ёнма-ён борар, хирмонтепада кўрганымдан кўра тўлишиб, оқариб қолибдилар. Қиямаликдан ҳовлимизга чиққунча анча азобландилар. Эшакни пастда қолдирсалар ҳам бўларди. Ишонмадиларми, ишқилиб, уни ҳам тортқилай бошладилар. Жиянларим ишшайишиб қопнинг устига ётиб олишган. Ҳовлига кўтарилгач, Йўлдош билан Эргашни эркалаб ерга туширди, кейин қопни ҳам тушириб, эшакни менга берди.

– Ал, ширағим, ўтқа қўй.

Уйимизнинг орқа тарафидаги майдонни шўра босган эди. Эшакни ўша ёққа ҳайдаб юбора қолдим. Жонивор думини ликиллатиб ёз бўйи офтобда пишиб, дон олиб ётган шўрага ўзини урди. Эшак шўрани, туя янтоқни яхши кўришини эшитганман.

Аммам биз етиб келгунча Надим темирчининг примусига чой қўйибдилар, айвонга жой қилибдилар. Шерхон акага деб олган совға-саломларини дастурхонга тўкдилар. У кишидан бошқатдан ҳол-аҳвол сўраган бўлдилар. Шерхон аканинг айтишича, жинни-хона деган гаплар ёлғон экан, уч ой Зангиотадаги қамоқхонада ётибди. Чўлоқлигини, бўйнида урушдан қолган осколкаси борлигини ҳам ҳисобга олишмабди. Қамоқхонада ҳам тиндиришмабди, далага олиб чиқиб ишлатибди. Шерхон аканинг чўлоқ оёғи маддалаб, ўладиган бўлиб қопти.

– Ўлим жақасинда сени кўп ўйладим, бикеш, – деб ярқ этиб аммамга қаради Шерхон ака.

– Вой, бола-чақангиз, шундай Бўлиғой опам туриб, нимага мени ўйладингиз, Шерхон ака? – кулди аммам.

– Эй қудайим, бен гуноҳқарни ўлдирмағўй, ўзинг билесин, жетимлардин бир қап бийдай қарзим бар, лабз қилганмин, ахир, ўни берайинда, сўғин ўлдирағўй, деб жиладим, бикеш, ҳа, жиладим.

Аммам бир қалқиб тушди-да, рўмолининг учини кўзига босди. Бунақа гапларга аммам чидай олмасди, дарров кўзига ёш кела қоларди. Елкалари учиб, ерга қарадилар.

– Қудайимдан айланайн, маған хўп деди, қайтадин дени совлиқ берди, мина, қамақданда шиғиб келдим, бикеш, ана, бийдайнида олиб келдим, айланайин, Турсунқан, – деб кўзлари кулиб ҳовли ўртасидаги қопни кўрсатди Шерхон ака. Аммам энди овоз чиқариб росмана йиғлаб берди, жиянларим кўрқиб кетиб улар ҳам аммамга қўшилишди. Қарасам, Шерхон ака ҳам йиғлаяптилар. Бу

menga qarab. Men gunohkordek yerga qaradim. Axir, hamma to'polon meni deb bo'ldi-da. Lekin Sherxon akadan nimaga esladingiz, deb so'ray olmadim. Sherxon aka ship-do'q, ship-do'q qilib yog'och oyog'ini aylantirib bosib eshak bilan yonma-yon borar, xirmontepada ko'rganimdan ko'ra to'lishib, oqarib qolibdilar. Qiyamalikdan hovlimizga chiqquncha ancha azoblandilar. Eshakni pastda qoldirsalar ham bo'lardi. Ishonmadilarmi, ishqilib, uni ham tortqilay boshladilar. Jiyanlarim ishshayishib qopning ustiga yotib olishgan. Hovliga ko'tarilgach, Yo'ldosh bilan Ergashni erkab erga tushirdi, keyin qopni ham tushirib, eshakni menga berdi.

– Al, shirag'im, o'tqa qo'y.

Uyimizning orqa tarafidagi maydonni sho'ra bosgan edi. Eshakni o'sha yoqqa haydab yubora qoldim. Jonivor dumini likillatib yoz bo'yi oftobda pishib, don olib yotgan sho'raga o'zini urdi. Eshak sho'rani, tuya yantoqni yaxshi ko'rishini eshitganman.

Ammam biz yetib kelguncha Nadim temirchining primusiga choy qo'yibdilar, ayvonga joy qilibdilar. Sherxon akaga deb olgan sovg'a-salomlarini dasturxonga to'kdilar. U kishidan boshqatdan holahvol so'ragan bo'ldilar. Sherxon akaning aytishicha, jinnixonada degan gaplar yolg'on ekan, uch oy Zangiotadagi qamoqxonada yotibdi. Cho'loqligini, bo'ynida urushdan qolgan oskolkasi borligini ham hisobga olishmabdi. Qamoqxonada ham tindirishmabdi, dalaga olib chiqib ishlatibdi. Sherxon akaning cho'loq oyog'i maddalab, o'ladigan bo'lib qopti.

– O'lim jaqasinda seni ko'p o'yladim, bikesh, – deb yarq etib ammamga qaradi Sherxon aka.

– Voy, bola-chaqangiz, shunday Bo'lig'oy opam turib, nimaga meni o'yladingiz, Sherxon aka? – kuldi ammam.

– Ey qudayim, ben gunohkarni o'ldirmag'o'y, o'zing bilesin, jetimlardin bir qap biyday qarzim bar, labz qilganmin, axir, o'ni berayinda, so'g'in o'ldirag'o'y, deb jiladim, bikesh, ha, jiladim.

Ammam bir qalqib tushdi da, ro'molining uchini ko'ziga bosdi. Bunaqa gaplarga ammam chiday olmasdi, darrov ko'ziga yosh kela qolardi. Yelkalarini uchib, yerga qaradilar.

– Qudayimdan aylanayn, mag'an xo'p dedi, qaytadin deni sovliq berdi, mina, qamaqdanda shig'ib keldim, bikesh, ana, biydaynida olib keldim, aylanayin, Tursunqan, – deb ko'zlari kulib hovli o'rtasidagi qopni ko'rsatdi Sherxon aka. Ammam endi ovoz chiqarib rosmana yig'lab berdi, jiyanlarim qo'rqib ketib ular ham ammamga qo'shilishdi. Qarasam, Sherxon aka ham yig'layaptilar. Bu

ҳар куни мен кўриб ўрганиб қолган йиғиларга сираям ўхшамасди, бошқача, ғалати йиғи эди... Ҳарқалай хурсандчилик йиғиси ҳам деб бўлмасди...

МАКТАБ БАҒРИДА

Совуқ тушди. Тут дарахтларининг барглари тўкилиб, новдалари кирпининг тиканига ўхшаб қолди. Далалардаги охириги кўсақларгача териб олиниб, хонадонларга тарқатилди. Энди кўсақлар уйда чувилиб, пахтаси сушилкага (пахта қуритадиган жой) топширилади. Сушилка ўтин билан ишлайди. Кўча бўйлари, далалар четидаги ёнғоқлар, жийдаларга қирон келди. Эсизгина, уруш йилларида шу мевалар асқатган эди-я, деб одамларнинг ичи ачийди. Лекин уруш оқибатларини тугатиш учун давлатга бир кило бўлса ҳам пахта керак экан...

Биз энди астойдил ўқишга киришганмиз, пахта-махтаси билан ишимиз йўқ.

– Комиссия келамду, болаларим, опайни уятга қўймамду...

Ҳар куни шу гап. Жаннат опа бизни комиссия билан кўрқитиб, дарс тайёрлатмоқчи, эътиборимизни кўпроқ озодагарчиликка қаратмоқчи бўлади. Бизлар комиссиядан қанчалик кўрқсак, опанинг ўзлари ҳам шунчалик кўрқадилар, комиссия дейдилар-у, кўзлари аланг-жаланг бўлиб кетади. Комиссия деганлари ҳам борадиган жойи йўқдек тез-тез мактабга келаверади. Улар стол устидаги журнални, дафтарларимизни очиб ҳам кўрмайди, нуқул қулоқларимизнинг ичига, тирноқларимизнинг тагига қарайди, баъзилари эринмай бошимизни текшириб, бит қидиради. Албатта, Эркин значангининг бошидан бит, қизларнинг бошидан сирка чиқади. Бу пайтда Жаннат опа бир бурчакка тиқилиб, бормийўқдек бўлиб олади. Комиссия у кишига бир нималар демоқчи бўлади-ю, қариб қолганини ҳисобга олиб, индамай чиқиб кетади. Опанинг айтишича, мактабда ишламаганлари минг марта яхши экан. Лекин эркак ўқитувчилар урушга кетиб қайтиб келмапти. Мактаблар ўзларига ўхшаган қари-қартангларга қолиб кетибди. Баъзан Жаннат опа уйидан сиркатароқ олиб келиб, танаффус пайтида қизларнинг сочини тараб, сиркасини териб ўтиради. Шундай қилмасалар, сирка эртага битга айланади. Отанг сартарош, деб Эркин значангининг сочини ўстиргани қўймайдилар. Бечора қачон қараса тақир бошини чангаллаб юради. Қўлини олди дегунча тўрт томондан устара ҳақи олишга шошиламиз. Қасира-қусир бўлиб кетади. У чинқириб синфни бошига кўтаради. Жаннат опа танаффус пайтида ҳам ўқитувчилар хонасига ки-

har kuni men ko'rib o'rganib qolgan yig'ilarga sirayam o'xshamasdi, boshqacha, g'alati yig'i edi... Harqalay xursandchilik yig'isi ham deb bo'lmasdi...

MAKTAB BAG'RIDA

Sovuq tushdi. Tut daraxtlarining barglari to'kilib, novdalari kirpining tikaniga o'xshab qoldi. Dalalardagi oxirgi ko'saklargacha terib olinib, xonadonlarga tarqatildi. Endi ko'saklar uyda chuvilib, paxtasi sushilkaga (paxta quritadigan joy) topshiriladi. Sushilka o'tin bilan ishlaydi. Ko'cha bo'ylari, dalalar chetidagi yong'oqlar, jiydalarga qiron keldi. Esizgina, urush yillarida shu mevalar asqatgan edi-ya, deb odamlarning ichi achiydi. Lekin urush oqibatlarini tugatish uchun davlatga bir kilo bo'lsa ham paxta kerak ekan...

Biz endi astoydil o'qishga kirishganmiz, paxta-maxtasi bilan ishimiz yo'q.

– Komissiya kelamdu, bolalarim, opayni uyatga qo'ymamdu...

Har kuni shu gap. Jannat opa bizni komissiya bilan qo'rqitib, dars tayyorlatmoqchi, e'tiborimizni ko'proq ozodagarchilikka qaratmoqchi bo'ladi. Bizlar komissiyadan qanchalik qo'rqsak, opaning o'zlari ham shunchalik qo'rqadilar, komissiya deydilar-u, ko'zlari alang-jalang bo'lib ketadi. Komissiya deganlari ham boradigan joyi yo'qdek tez-tez maktabga kelaveradi. Ular stol ustidagi jurnalni, daftarlarimizni ochib ham ko'rmaydi, nuqul quloqlarimizning ichiga, tirnoqlarimizning tagiga qaraydi, ba'zilar erinmay boshimizni tekshirib, bit qidiradi. Albatta, Erkin enachangning boshidan bit, qizlarning boshidan sirka chiqadi. Bu paytda Jannat opa bir burchakka tiqilib, bormi-yo'qdek bo'lib oladi. Komissiya u kishiga bir nimalar demoqchi bo'ladi-yu, qarib qolganini hisobga olib, indamay chiqib ketadi. Opaning aytishicha, maktabda ishlamaganlari ming marta yaxshi ekan. Lekin erkak o'qituvchilar urushga ketib qaytib kelmapti. Maktablar o'zlariga o'xshagan qari-qartanglarga qolib ketibdi. Ba'zan Jannat opa uyidan sirkataroq olib kelib, tanaffus paytida qizlarning sochini tarab, sirkasini terib o'tiradi. Shunday qilmasalar, sirka ertaga bitga aylanadi. Otang sartarosh, deb Erkin enachangning sochini o'stirgani qo'ymaydilar. Bechora qachon qarasa taqir boshini changallab yuradi. Qo'lini oldi deguncha to'rt tomondan ustara haqi olishga shoshilamiz. Qasira-qusir bo'lib ketadi. U chinqirib sinfni boshiga ko'taradi. Jannat opa tanaffus

риб ўтирмайди, бизга кўз-қулоқ бўлиб шу яқин атрофда юради. Эначангнининг дод-войини эшитиб, “Нима қивоттисизлар?” – деб пайдо бўлиб қолади.

Хуллас, қийин-қийин – Жаннат опага қийин, у кишига кўпроқ мен ачинаман. Уй вазифаларини тўрт, бешга топширсак, юзларидаги ажинлари ёзилиб, кўзлари кулиб, хурсанд бўлиб кетадилар. Лекин бунақа хурсандчиликлар ҳар куни бўлавермайди. Керосинимиз тугаб қопти, опай, чироқ лампамиз синибди, опай, кечаси билан кўсак чувиб чиқдим, опай, деган баҳоналар бўлади. Опага ачинишимнинг яна бир сабаби: ўзларига яқин олиб мени синфбоши қилиб қўйганлар. Синфимиз ҳақида опа қанчалик қайғурсалар, мен ҳам шунчалик қайғуришим керак. Болаларни бир кунда аълочи қилиб қўйсам-у, битта куф-суф билан бит ва сиркалардан тозалаб қўйсам дейман...

Бир куни Надим темирчи уйга “Муштум” деган журнал кўтариб келди. Бошдан охиригача кулгили суратлар бор экан. Суратларга қараб туриб унисини у ўртоғимга, бунисини бу ўртоғимга ўхшатиб юбордим. Ҳатто уларнинг орасида Эркин эначангнига ўхшаган тақирбошлар ҳам бор. Энг қизиғи, Жаннат опага ўхшаган битта кампирнинг ҳам расмини кўриб қолдим. Ҳаммаси шу кампирдан бошланди. Танаси одам, аммо калласи тулки, бўри, каламуш, сичқонга ўхшаган одамларга қараб кампир: “Хап сенларними, шошмай туринглар”, – дегандек қараб турар, улар бўлса нимагадир кампирдан кўрқиб қочиб боришарди. Расмларни алоҳида-алоҳида қийиб олдим-да, шафтолининг елимини оғзимда юмшатиб, бир оқ қоғозга ёпиштириб чиқдим. Энг тепага кампирнинг расмини қўйдим. Кейин танаси бошқа, калласи бошқа расмларни, яна тақирбошни, қорнини қалпайтириб, уйқуни ураётган дангасани ва ҳоказо... Кейин расмлар тагига сичқонга, каламушга, тулкига ўхшатган ўртоқларимнинг исмини ёзиб қўйдим. Бўри расмининг тагига ўзимни ёздим. Ахир, мен синфбошиман-да. Бироқ кампирнинг расми тагига Жаннат опа деб ёза олмадим. Қўлим бормади. Нима қилсам экан, деб роса бошим қотди, охири Жаннат опа ҳар куни такрорлайдиган сўзларни ёзиб қўя қолдим: “Комиссия келамду, болаларим, опайни уятга қўймамду...” Энг тепасига рангли қаламлар билан “4-СИНФДА” деб ёзиб қўйдим. Бу кашфиётни мактабга фаррош холадан ҳам олдин бориб, йўлакдаги дарс жадвалининг ёнига илдим. Сал ўтмай роса шов-шув бошланди. Ўзимни билмаганга олиб чет-четда юрибман. Аммо хаёлим шу ёқда. Болалар ўзларининг расмини кўриб кулади. “Буни сен қилдингми?” – деб бир-бирини турткилашади. Мен бўлсам уларнинг кулишинимас, йиғлашини истагандим. Жаннат опага фойдам тегсин

paytida ham o'qituvchilar xonasiga kirib o'tirmaydi, bizga ko'z-quloq bo'lib shu yaqin atrofda yuradi. Enachangning dod-voyini eshitib, "Nima qivottisizlar?" – deb paydo bo'lib qoladi.

Xullas, qiyin-qiyin – Jannat opaga qiyin, u kishiga ko'proq men achinaman. Uy vazifalarini to'rt, beshga topshirsak, yuzlaridagi ajinlari yozilib, ko'zlari kulib, xursand bo'lib ketadilar. Lekin bunaqa xursandchiliklar har kuni bo'lavermaydi. Kerosinimiz tugab qopti, opay, chiroq lampamiz sinibdi, opay, kechasi bilan ko'sak chuvib chiqdim, opay, degan bahonalar bo'ladi. Opaga achinishimning yana bir sababi: o'zlariga yaqin olib meni sinfboshi qilib qo'yganlar. Sinfimiz haqida opa qanchalik qayg'ursalar, men ham shunchalik qayg'urishim kerak. Bolalarni bir kunda a'lochi qilib qo'ysam-u, bitta kuf-suf bilan bit va sirkalardan tozalab qo'ysam deyman...

Bir kuni Nadim temirchi uyga "Mushtum" degan jurnal ko'tarib keldi. Boshdan oxirigacha kulgili suratlar bor ekan. Suratlariga qarab turib unisini u o'rtog'imga, bunisini bu o'rtog'imga o'xshatib yubordim. Hatto ularning orasida Erkin enachangniga o'xshagan taqirboshlar ham bor. Eng qizig'i, Jannat opaga o'xshagan bitta kampirning ham rasmini ko'rib qoldim. Hammasi shu kampirdan boshlandi. Tanasi odam, ammo kallasi tulki, bo'ri, kalamush, sichqonga o'xshagan odamlarga qarab kampir: "Xap senlarnimi, shoshmay turinglar", – degandek qarab turar, ular bo'lsa nimagadir kampirdan qo'rqib qochib borishardi. Rasmlarni alohida-alohida qiyib oldim-da, shaftolining yelimini og'zimda yumshatib, bir oq qog'ozga yopishtirib chiqdim. Eng tepaga kampirning rasmini qo'ydim. Keyin tanasi boshqa, kallasi boshqa rasmlarni, yana taqirboshni, qornini qappaytirib, uyquni urayotgan dangasani va hokazo... Keyin rasmlar tagiga sichqonga, kalamushga, tulkiga o'xshatgan o'rtoqlarimning ismini yozib qo'ydim. Bo'ri rasmining tagiga o'zimni yozdim. Axir, men sinfboshiman-da. Biroq kampirning rasmi tagiga Jannat opa deb yoza olmadim. Qo'lim bormadi. Nima qilsam ekan, deb rosa boshim qotdi, oxiri Jannat opa har kuni takrorlaydigan so'zlarni yozib qo'ya qoldim: "Komissiya kelamdu, bolalarim, opayni uyatga qo'ymamdu..." Eng tepasiga rangli qalamlar bilan "4-SINFDA" deb yozib qo'ydim. Bu kashfiyotni maktabga farrosh xoladan ham oldin borib, yo'lakdagi dars jadvalining yoniga ildim. Sal o'tmay rosa shov-shuv boshlandi. O'zimni bilmaganga olib chet-chetda yuribman. Ammo xayolim shu yoqda. Bolalar o'zlarining rasmini ko'rib kuladi. "Buni sen qildingmi?" – deb bir-birini turtkilashadi. Men bo'lsam ularning kulishinimas, yig'lashini istagandim. Jannat opaga

деган эдим-да. Бундоқ қарасам мактаб директори ҳам болаларга қўшилиб, қорнини селкиллашиб кулиб ётибди. Нуқул: “Бу янгилик бўпти, энди буни шундоғлигича “Янги йўл” газетасига берворамиз”, – дейди. Директорнинг гапи гап, ҳеч ким у кишига ундай қилманг дея олмайди. Ана ўшандан кейин синфимизда йиғи-сиғи бошланди. Олдинига кулгили тўйилган нарсанинг охири шармандали эканини болалар тушуниб қолишди. Мен ишнинг бунчаликка боришини билмаган эдим. Жаннат опанинг ҳам қовоғидан қор ёғиб ётибди. Кўзлари қизарибди, билдимки, йиғлаб ҳам олибдилар. Қизиқ, ахир, бу яхшиликка-ку, биз келгуси йили бошқа мактаб, бошқа ўқитувчиларнинг кўлига борсак, ўзимизни тузатиб олишимиз керак-да. Дардим ичимда. Бироқ қилган ишимдан пушаймон эмасман. Жаннат опа бу ишни мен қилганимни сезиб, дарсдан кейин олиб қолди.

– Нима ишлар қивоттисан сан зумраша, – деб қулоғимдан чўзди.

– Э, сизга яхши бўлсин деб қилувдим, мени кечиринг, опай.

– Яхши бўлиш шундоқ бўптуму, шў ёшимда мани шарманда қилдинғў, болам...

– Э-э-э... – деб ҳиқиллаб йиғлаб юбордим. Опайнинг “болам” деганига чидай олмадим.

Опай мени бошлаб директорнинг хонасига олиб кирди. “Газет қилган болам шу”, – деди ерга қараб. Директор мени уришиш ўрнига роса мақтади. Ҳар ойда битта шунақа газета чиқаришни бўйнимга кўйди.

– Газетанг “Муштум”нинг кўчирмаси бўлиб қолмасин-да, яхши болаларни яхши деб ёз, ёмон болаларни ёмон деб ёз, фақат тўртинчи синфнимас, ҳамма синфларни ёз, сўзлари кўп-кўп бўлсин, ўқиган одам маза қилсин. Қани, ишга...

– Мен кўп-кўп ёзишни билмайман-да, – дедим янги ишнинг ташвиши тушиб.

– Ана, Эргаш ўқитувчидан сўра, ичи тўла гап, сўрасанг беради, у Тошканда ўқийди, менинг ўрнимга директор бўлмоқчи.

Жаннат опа директорга ялингандек қараб, ҳалиги нарсани газетага жўнатмасликни илтимос қилди.

– Хўп, опа, сиз учун хўп, бироқ болангиз янгисини чиқаргунча буниси осилиб туради, – деди директор.

Директорнинг олдидан чиққандан кейин Жаннат опа: “Тезда янгисини тайёрлагин, – деб мени шоширди. – Токай шарманда бўлиб турамду”. Тезда Эргаш акага учрадим. Ўзим ҳам у газетани осилиб туришини хоҳламаётган эдим. Эргаш ака институтда сиртдан ўқирканлар.



foydam tegsin degan edim-da. Bundoq qaragam maktab direktori ham bolalarga qo'shilib, qornini selkillatib kulib yotibdi. Nuqul: "Bu yangilik bo'пти, endi buni shundog'ligicha "Yangi yo'l" gazetasiga bervoramiz", – deydi. Direktorning gapi gap, hech kim u kishiga unday qilmang deya olmaydi. Ana o'shandan keyin sinfirmizda yig'i-sig'i boshlandi. Oldiniga kulgili tuyilgan narsaning oxiri sharmandali ekanini bolalar tushunib qolishdi. Men ishning bunchalikka borishini bilmagan edim. Jannat opaning ham qovog'idan qor yog'ib yotibdi. Ko'zlari qizaribdi, bildimki, yig'lab ham olibdilar. Qiziq, axir, bu yaxshilikka-ku, biz kelgusi yili boshqa maktab, boshqa o'qituvchilarning qo'liga borsak, o'zimizni tuzatib olishimiz kerak-da. Dardim ichimda. Biroq qilgan ishimdan pushaymon emasman. Jannat opa bu ishni men qilganimni sezib, darsdan keyin olib qoldi.

– Nima ishlar qivottisan san zumrasha, – deb qulog'imdan cho'zdi.

– E, sizga yaxshi bo'lsin deb qiluvdim, meni kechiring, opay.

– Yaxshi bo'lish shundoq bo'ptumu, sho' yoshimda mani sharmanda qilding'o', bolam...

– Eee... – deb hiqillab yig'lab yubordim. Opayning "bolam" deganiga chiday olmadim.

Opay meni boshlab direktorning xonasiga olib kirdi. "Gazet qilgan bolam sho'", – dedi yerga qarab. Direktor meni urishish o'rniga rosa maqtadi. Har oyda bitta shunaqa gazeta chiqarishni bo'yninga qo'ydi.

– Gazetang "Mushtum"ning ko'chirmasi bo'lib qolmasin-da, yaxshi bolalarni yaxshi deb yoz, yomon bolalarni yomon deb yoz, faqat to'rtinchi sinfnimas, hamma sinflarni yoz, so'zlari ko'p-ko'p bo'lsin, o'qigan odam maza qilsin. Qani, ishga...

– Men ko'p-ko'p yozishni bilmayman-da, – dedim yangi ishning tashvishi tushib.

– Ana, Ergash o'qituvchidan so'ra, ichi to'la gap, so'rasang beradi, u Toshkanda o'qiydi, mening o'rnimga direktor bo'lmoqchi.

Jannat opa direktorga yalingandek qarab, haligi narsani gazetaga jo'natmaslikni iltimos qildi.

– Xo'p, opa, siz uchun xo'p, biroq bolangiz yangisini chiqarguncha bunisi osilib turadi, – dedi direktor.

Direktorning oldidan chiqqandan keyin Jannat opa: "Tezda yangisini tayyorlagin, – deb meni shoshirdi. – Tokay sharmanda bo'lib turamdu". Tezda Ergash akaga uchradim. O'zim ham u gazetani osilib turishini xohlamayotgan edim. Ergash aka institutda sirtidan o'qirkanlar.

– Кўп ёзиш учун кўп гапириш керак, кўп гапириш учун кўп китоб ўқиш керак, ўқиганда ҳам мана шундай-мана шундайларини ўқиш керак, – деб қаричлаб кўрсатди Эргаш ака.

Мен буни семиз-семиз китоблар деб тушундим ва уларни топиб ўқишга шошилдим. Нима қилиб бўлса ҳам Жаннат опани шармандаликдан кутқаришим керак.

ҚАЙДАСИЗ, СЕМИЗ КИТОБЛАР?

Мактабимизнинг рўпарасида икки қаватли бино бўлиб, таги магазин, тепаси кутубхона эди. Биз танаффус пайтлари хира пашшадек магазинда айланишардигу, кутубхона билан ишимиз бўлмасди. Эргаш ака айтган семиз-семиз китобларни кутубхонадангина топишим мумкин, деган ўйда аста зинадан тепага чиқиб бордим. Кутубхоначи татар хотин эди. Мени кўрди-ю:

– Нишлийсин мунда, марш, – деб бақирди.

– Менга бақирманг, – дедим ундан баланд келиб, – менга китоб керак, Эргаш ака айтди.

Эргаш аканинг номини эшитиб, кутубхоначи юмшади. Эргаш ака раис Қозоқбой отанинг катта ўғли, бунинг устига Тошкентда ўқийди-я.

– Ниндий китоб? – деб ўрнидан туриб кетди кутубхоначи.

– Ўзим биламан, – деб яна бўш келмадим. Дадил бўлмасам у мени ичкарига қўймайди.

Кутубхоначи қайта жойига ўтириб, лабини бурди-да, ичкари-ни кўрсатди. Ўзи ҳам семиз бир китобни ўқиб ўтирган экан, яна ўшанга ёпишди. Ичкарига кирдим-у, жавонлардаги қалашиб ётган китобларни кўриб ақлим шошди. Китоб деганлари шунчалар кўп эдики, бутун қишлоқ ётволиб ўқиса ҳам тугамайдиган. Мен улар орасидан энг семизини қидира бошладим. Топдим ҳам. Мош-ранг муқовали, ўзиям роса оғир. Муқовасига тилла ҳарфлар билан "Капитан" деб ёзиб қўйилибди. Уруш ҳақида бўлса керак, деб ўйладим.

– Молодес, тапибсан, ҳазир Иргашнинг картичкасина ёзиб қўям, – деди кутубхоначи.

– Нимага энди, ўзимга ёзинг, бу китобни ўзим ўқийман.

Кутубхоначининг кўзлари катта-катта очилиб, менга бошдан-оёқ қараб қўйди-да:

– Бошимни оврутма, син ўқийолмийсин, малайим, буни Иргашгина ўқий ола, – деди.

– Капитан!... Ана ўқидим-ку, мен, ахир, уруш ҳақидаги китобларни ўқимоқчиман...

– Ko'p yozish uchun ko'p gapirish kerak, ko'p gapirish uchun ko'p kitob o'qish kerak, o'qiganda ham mana shunday-mana shundaylarini o'qish kerak, – deb qarichlab ko'rsatdi Ergash aka.

Men buni semiz-semiz kitoblar deb tushundim va ularni topib o'qishga shoshildim. Nima qilib bo'lsa ham Jannat opani sharmandalikdan qutqarishim kerak.

QAYDASIZ, SEMIZ KITOBLAR?

Maktabimizning ro'parasida ikki qavatli bino bo'lib, tagi magazin, tepasi kutubxona edi. Biz tanaffus paytlari xira pashshadek magazinda aylanishardigu, kutubxona bilan ishimiz bo'lmasdi. Ergash aka aytgan semiz-semiz kitoblarni kutubxonadagina topishim mumkin, degan o'yda asta zinadan tepaga chiqib bordim. Kutubxonachi tatar xotin edi. Meni ko'rdi-yu:

– Nishliysin munda, marsh, – deb baqirdi.

– Menga baqirmang, – dedim undan baland kelib, – menga kitob kerak, Ergash aka aytdi.

Ergash akaning nomini eshitib, kutubxonachi yumshadi. Ergash aka rais Qozoqboy otaning katta o'g'li, buning ustiga Toshkentda o'qiydi-ya.

– Nindiy kitab? – deb o'rnidan turib ketdi kutubxonachi.

– O'zim bilaman, – deb yana bo'sh kelmadim. Dadil bo'lmasam u meni ichkariga qo'ymaydi.

Kutubxonachi qayta joyiga o'tirib, labini burdi-da, ichkarini ko'rsatdi. O'zi ham semiz bir kitobni o'qib o'tirgan ekan, yana o'shanga yopishdi. Ichkariga kirdim-u, javonlardagi qalashib yotgan kitoblarni ko'rib aqlim shoshdi. Kitob deganlari shunchalar ko'p ediki, butun qishloq yotvolib o'qisa ham tugamaydigan. Men ular orasidan eng semizini qidira boshladim. Topdim ham. Moshrang muqovali, o'ziyam rosa og'ir. Muqovasiga tilla harflar bilan "Kapitan" deb yozib qo'yilibdi. Urush haqida bo'lsa kerak, deb o'yladim.

– Molodes, tapibsan, hazir Irgashning kartichkasina yozib qo'yam, – dedi kutubxonachi.

– Nimaga endi, o'zimga yozing, bu kitobni o'zim o'qiyman.

Kutubxonachining ko'zlari katta-katta ochilib, menga boshdan oyoq qarab qo'ydi-da:

– Boshimni ovrutma, sin o'qiyolmiysin, malayim, buni Irgashgina o'qiy ola, – dedi.

– Kapitan!... Ana o'qidim-ku, men, axir, urush haqidagi kitoblarni o'qimoqchiman...

Кутубхоначи қўлимдан китобни олиб бошимга бир туширди:

– Ниндий капитан, бу доҳий Карл Маркснинг китоби “Капитал” була. Студентларгина ўқий буни, олиб бориб ўрнига қўй, башимни оврутма.

Ичкари кириб, китобнинг шунга ўхшаган семизини қидира бошладим. Битта китобнинг муқовасидаги сурат менга жудаям ёқиб қолди. Унда бир йигит билан бир қиз тепаликдаги дарахт тагида узоқ-узоқларга қараб туришар, пастда чиройли бир қишлоқ ястаниб кўринарди. Китобнинг номи ҳам ёқди: “Кўшчинор чироқлари”. Китоб ҳойнаҳой электр чироқлари ҳақида бўлса керак, деб қизиқиб қолдим. Қўшни “Агротехника” колхозига электр келган, биз томонларга ҳали ўтмаган эди.

– Китаб ўйинчақ тугул, ўн кунда ўқийсин, ун биринчи кунда келиб, менга мотур этиб суйлаб берасин, суйлаб бирмасанг, бошқа китаб бермим, – деди кутубхоначи кўзимга қаттиқ қараб.

Китобни папкага солиб, уйга йўл олар эканман, аммамнинг Саодат опамни ўзингни одамларга илғор қилиб кўрсатаверма, деб уришганлари ёдимга тушди. Мен ҳам ҳозир Саодат опамнинг аҳволига тушиб қолган эдим. Лекин аҳволимдан хафа эмасдим. Ахир, мактаб ҳаётини газета қилишни менга кимсан – директорнинг ўзи топширди-да.

Ўтирсам ҳам, турсам ҳам китоб қўлимдан тушмайди. Кир қилиб қўймай деб еру кўкка ишонмайман, жиянларимнинг қўлига тушмасин дейман. Китобдан нуқул электр чироқлари ҳақидаги гапларни қидираман. Қайда, севишиб қолганлар, жаҳли тез одамлар ва мен тушунмайдиган воқеалар ҳақида гап боради. Китобни жуда секин ўқийман.

– Китоб қорин тўйдирадими, бўйинг чўзилгур, сен бола нима бунча китобга ёпишиб қолдинг? – деб аммам уришади. Хаёлимда китоб ўқисам, ундаги сўзлар ичимга кириб қолиб, ёзганда оғзимдан отилиб чиқаверадигандек. Қаламни ушлаб, қоғозга мук тушиб оламан, қани энди ҳеч бўлмаса битта сўз отилиб тушса... Бошим ғувуллайди, холос. Бу ёқда китобни топшириш вақти ҳам етиб келяпти. Каллам бўм-бўш, кутубхоначига гапириб берадиган ҳеч вақо йўқ. Ухламай кечаси билан ўқиб чиқай дейман-у, керосинни аяб, аммам чироқни ўчириб қўяди.

Бир куни кечаси ҳожатга чиқсам, ой шунақанги тўлибдики, баҳор кезлари Турсунбой ака билан томорқада ишлаган кунларимни эсладим. Оймома ёруғида китоб ўқиса бўлармикан? Бирдан хаёлимга шу фикр келди. Лампа чироғимиздан ой нури ёруғдек кўринди. Уйдан тезда китобни олиб чиқдим. Ой нурига шундай солдиму, “Воҳ”... деб юбордим. Ахир, худди кун-



Kutubxonachi qo'limdan kitobni olib boshimga bir tushirdi:

– Nindiy kapitan, bu dohiy Karl Marksning kitobi “Kapital” bula. Studentlargina o'qiy buni, olib borib o'rnina qo'y, bashimni ovrutma.

Ichkari kirib, kitobning shunga o'xshagan semizini qidira boshladim. Bitta kitobning muqovasidagi surat menga judayam yoqib qoldi. Unda bir yigit bilan bir qiz tepalikdagi daraxt tagida uzoq-uzoqlarga qarab turishar, pastda chiroyli bir qishloq yastanib ko'rinardi. Kitobning nomi ham yoqdi: “Qo'shchinor chiroqlari”. Kitob hoynahoy elektr chiroqlari haqida bo'lsa kerak, deb qiziqib qoldim. Qo'shni “Agrotexnika” kolxoziga elektr kelgan, biz tomonlarga hali o'tmagan edi.

– Kitab o'yinchaq tugul, o'n kunda o'qiydin, un birinchi kunida kelib, menga motur etib suylab berasin, suylab birmasang, boshqa kitab bermim, – dedi kutubxonachi ko'zimga qattiq qarab.

Kitobni papkamga solib, uyga yo'l olar ekanman, ammamning Saodat opamni o'zingni odamlarga ilg'or qilib ko'rsataverma, deb urishganlari yodimga tushdi. Men ham hozir Saodat opamning ahvoliga tushib qolgan edim. Lekin ahvolimdan xafa emasdim. Axir, maktab hayotini gazeta qilishni menga kimsan – direktorning o'zi topshirdi-da.

O'tirsam ham, tursam ham kitob qo'limdan tushmaydi. Kir qilib qo'ymay deb yer-ü ko'kka ishonmayman, jyanlarimning qo'liga tushmasin deyman. Kitobdan nuqul elektr chiroqlari haqidagi gaplarni qidiraman. Qayda, sevishib qolganlar, jahli tez odamlar va men tushunmaydigan voqealar haqida gap boradi. Kitobni juda sekin o'qiyman.

– Kitob qorin to'ydiradimi, bo'ying cho'zilgur, sen bola nima buncha kitobga yopishib qolding? – deb ammam urishadi. Xayolimda kitob o'qisam, undagi so'zlar ichimga kirib qolib, yozganda og'zimdan otilib chiqaveradigandek. Qalamni ushlab, qog'ozga muk tushib olaman, qani endi hech bo'lmasa bitta so'z otilib tushsa... Boshim g'uvullaydi, xolos. Bu yoqda kitobni topshirish vaqti ham yetib kelyapti. Kallam bo'm-bo'sh, kutubxonachiga gapirib beradigan hech vaqo yo'q. Uxlamay kechasi bilan o'qib chiqay deyman-u, kerosinni ayab, ammam chiroqni o'chirib qo'yadi.

Bir kuni kechasi hojatga chiqsam, oy shunaqangi to'libdiki, bahor kezlari Tursunboy aka bilan tomorqada ishlagan kunlarimni esladim. Oymoma yorug'ida kitob o'qisa bo'larmikan? Birdan xayolimga shu fikr keldi. Lampa chirog'imizdan oy nuri yorug'dek ko'rindi. Uydan tezda kitobni olib chiqdim. Oy nuriga shunday soldim-u, “Voh”... deb

дуз кунгидек ўқиб кетдим-да. Ҳаво совуқ эди. Уйга қайтиб кириб Ғанижон амакимнинг эски гупписини, телпагини кийдим-да, оймомага яқинроқ бўлай деб, шотидан томга чиқа бошладим. Шунда орқамдан бир шарпа эргашгандек бўлди. Юрагим гуп-гуп уриб, оёқларим қалтираб, шотидан йиқилиб тушай дедим. Нима бўлса ҳам томга чиқиб олишга шошилдим. Чикдим-у, ўгирилиб қараб нақ юрагим ёрилай деди. Орқамда баҳайбат бир қора нарсаси турарди. Бўйи томдан ҳовлигача тушиб борган. Шошганимдан нима қилишимни билмай, бошимдаги телпакни олиб унга отганимни биламан, соям экан. Устимдаги гуппи билан телпакни ой нури шунақанги баҳайбат қилиб юборган эканки. Кўкрагимга туф-туфлаб, зўрға ўзимга келиб олдим. Кейин телпакни пастдан олиб чиқиб, гуппига ўраниб китоб ўқишга тушдим. Оҳ оймома, қандай яхшисан, бутун қишлоқ болалари томга чиқиб китоб ўқиса ҳам нуриг тугамайди, дейман ўзимга ўзим. Оймома ҳам бошқалар ухлаб ётибди, сен ўқийвер, дегандек нурларини йиғиб, китобимга тўкаётгандек бўлади. Вақт қай маҳал бўлганини ҳам, неча варақ китоб ўқиганимни ҳам билмайман. Бир маҳал:

– Ким у, ким деяпман? – деган дўриллаган овоздан чўчиб тушдим.

Ўтирган жойимдан пастга қарасам, от устида чайқалиб Туроб ака турибди. Кайфи бор. Китоб ўқиганда овозим баландлаб кетибди-да. У киши колхозда ёрдамчи буғалтир бўлиб ишлар, томорқамизнинг тепа томонига уй қуриб, яқиндагина кўчиб келишган, тепамиз ёнидан шу томонга сўқмоқ йўл ўтарди. Туроб ака қайдандир зиёфатдан келарди, чоғи. Мен янги кўшнимизга одобли бола эканимни билдириб кўяй дедим-да, шартта ўрнимдан туриб:

– Ассалому алайкум, Туроб ака, – деганимни биламан, оти хуркиб, бирдан олиб қочди. Туроб аканинг қопдек бир чайқалганини орқасидан кўриб қолдим. Боя ўзимнинг соямдан ўзим қанчалик кўрққан бўлсам, от жонивор ҳам шунчалик кўрқди, шекилли.

Туроб аканикида Қувондиқ деган мен тенги бир етим қозоқ бола яшарди. Қувондиқнинг айтишича, Туроб аканинг оғзидан кўпик келиб, ўзини билмай ётганмиш. Эрта билан домла Мамариза тоға келиб ўқиб кўйибди, энди Жамол отин кўчириқ қилаётганмиш. Туроб аканинг айтишича, кечаси бизнинг тепада жинми, ажинами кўрибди экан. У жуда ка-а-аттамиш, боши осмонга тегармиш. Ажина унга худди одамга ўхшаб салом берибди, оти хуркиб олиб қочибди, Туроб аканинг бели чиқибди.

– Туроб аканг бекорларни айтибди, – дедим мен Қувондиққа,

yubordim. Axir, xuddi kunduz kungidek o'qib ketdim-da. Havo sovuq edi. Uyga qaytib kirib G'anijon amakimning eski guppisini, telpagini kiydim-da, oymomaga yaqinroq bo'lay deb, shotidan tomga chiqa boshladim. Shunda orqamdan bir sharpa ergashgandek bo'ldi. Yuragim gup-gup urib, oyoqlarim qaltirab, shotidan yiqilib tushay dedim. Nima bo'lsa ham tomga chiqib olishga shoshildim. Chiqdim-u, o'girilib qarab naq yuragim yorilay dedi. Orqamda bahaybat bir qora narsa turardi. Bo'yi tomdan hovligacha tushib borgan. Shoshganimdan nima qilishimni bilmay, boshimdagi telpakni olib unga otganimni bilaman, soyam ekan. Ustimdagi guppi bilan telpakni oy nuri shunaqangi bahaybat qilib yuborgan ekanki. Ko'kragimga tuf-tuflab, zo'rg'a o'zimga kelib oldim. Keyin telpakni pastdan olib chiqib, guppiga o'ranib kitob o'qishga tushdim. Oh oymoma, qanday yaxshisan, butun qishloq bolalari tomga chiqib kitob o'qisa ham nuring tugamaydi, deyman o'zimga o'zim. Oymoma ham boshqalar uxlab yotibdi, sen o'qiyver, degandek nurlarini yig'ib, kitobimga to'kayotgandek bo'ladi. Vaqt qay mahal bo'lganini ham, necha varaq kitob o'qiganimni ham bilmayman. Bir mahal:

– Kim u, kim deyapman? – degan do'rillagan ovozdan cho'chib tushdim.

O'tirgan joyimdan pastga qarasam, ot ustida chayqalib Turob aka turibdi. Kayfi bor. Kitob o'qiganda ovozim balandlab ketibdi-da. U kishi kolxozda yordamchi bug'altir bo'lib ishlar, tomorqamizning tepa tomoniga uy qurib, yaqindagina ko'chib kelishgan, tepamiz yonidan shu tomonga so'qmoq yo'l o'tardi. Turob aka qaydandir ziyofatdan kelardi, chog'i. Men yangi qo'shnimizga odobli bola ekanimni bildirib qo'yay dedim-da, shartta o'rnimdan turib:

– Assalomu alaykum, Turob aka, – deganimni bilaman, oti hurkib, birdan olib qochdi. Turob akaning qopdek bir chayqalganini orqasidan ko'rib qoldim. Boya o'zimning soyamdan o'zim qanchalik qo'rqqan bo'lsam, ot jonivor ham shunchalik qo'rqdi, shekilli.

Turob akanikida Quvondiq degan men tengi bir yetim qozoq bola yashardi. Quvondiqning aytishicha, Turob akaning og'zidan ko'pik kelib, o'zini bilmay yotganmish. Erta bilan domla Mamariza tog'a kelib o'qib qo'yibdi, endi Jamol otin ko'chiriq qilayotganmish. Turob akaning aytishicha, kechasi bizning tepada jinmi, ajinami ko'ribdi ekan. U juda kaaattamish, boshi osmonga tegarmish. Ajina unga xuddi odamga o'xshab salom beribdi, oti hurkib olib qochibdi, Turob akaning beli chiqibdi.

– Turob akang bekorlarni aytibdi, – dedim men Quvondiqqa, –

– бизнинг тепада ҳеч қанақа ажина, жин йўқ. Мен кечаси томга чиқиб ой ёруғида китоб ўқиётувдим, Туроб акангнинг ўзи индамай ўтиб кетавермасдан кимсан, деб сўраб қолди. Мен кимлигимни билдириб қўяй деб салом бердим, бўлган гап шу, оғайни...

Қувондиқ гапим тугамаёқ уйига қараб чопа кетди. Айтмасам бўлар экан, Туроб ака икковимиз қишлоқда роса гап-сўз, кулги бўлди. Бу воқеани бир олғир мухбир эшитиб қолиб, газетага ёзиб чиқди. Нима эмиш, “Аграном” колхозини энг қолоқ колхозмиш, ҳалигача “Ильич нури” (доҳий Ленин нури дейилмоқчи) – электр келмаганмиш, мактаб ўқувчилари кечалари томга чиқиб, ой ёруғида дарс тайёрлармиш...

Ўша куни синфга бостиргандек партком тоға кириб келди. У кишининг жаҳли чиқса кўзлари ирғиб чиқиб, одамни тешворай дерди.

– Буларга дурустроқ тарбия берсангиз бўлмайдими? – деди у бирданига Жаннат опага ташланиб. Опа чўчиб, қўйлагига ўралиб бир чеккага бориб турди. Кейин партком тоға болалар орасидан мени топиб: – Сен, ҳов ёт унсур, Турсунхоннинг жияни, тур ўрнингдан, – деди. Дик этиб ўрнимдан турдим. – Кечаси томда пишириб қўйибдими сенга, муштдек бошинг билан шундай колхозимизни ер билан битта қилдинг-ку, ёт унсур...

Партком тоға болаларга қараб яна бир нималар деди. Кўзлари ола-кула бўлди, қизариб-бўзарди, пешанаси тиришди. Аммо қулоғимга ҳеч нарса кирмади. Ўз-ўзимдан хафа бўлиб, ич-ичимдан эзилиб, ерга қараб туравердим. Яқиндагина меҳрибончилик қиламан деб Жаннат опани шарманда қилиб қўйган эдим, энди бўлса бутун бошли колхозни ер билан битта қилибман... Нималар бўляпти ўзи? Ҳаммасига Надим темирчи айбдор, уйимизга қаерданам ўша расмли журнални кўтариб келди, юрган эдим-ку, тинчгина.

Жаннат опа мени уришмади. Қайтага партам ёнига келиб, бошимни меҳр билан силади. Хўрлигим келиб, кўзимга ёш тўлди. Аммо опанинг:

– Газутни янгисини чиқарамду, болам? – дейиши мени ўзимга келтирди. Кўз ёшимни ичимга ютдим. Нима бўлганда ҳам олдин Жаннат опани шармандалиқдан қутқаришим керак. Китоб ўқишни тўхтатаман. Шундоғам анча вақтимни олди шу китоб. Уни ўқийман деб ёт унсурга ҳам чиқиб қолдим.

Китобни ўқиб тугатмаган бўлсам ҳам уни қўлтиқлаб кутубхоначига рўпара бўлдим.

– Ол, оллоқайим ўқиб битирдингми, бийт, бик тез? – ишонмай сўради кутубхоначи.

bizning tepada hech qanaqa ajina, jin yo'q. Men kechasi tomga chiqib oy yorug'ida kitob o'qiyotuvdim, Turob akangning o'zi indamay o'tib ketavermasdan kimsan, deb so'rab qoldi. Men kimligimni bildirib qo'yay deb salom berdim, bo'lgan gap shu, og'ayni...

Quvondiq gapim tugamayoq uyiga qarab chopa ketdi. Aytmasam bo'lar ekan, Turob aka ikkovimiz qishloqda rosa gap-so'z, kulgi bo'ldik. Bu voqeani bir olg'ir muxbir eshitib qolib, gazetaga yozib chiqdi. Nima emish, "Agranom" kolxozi eng qoloq kolxozmish, haligacha "Ilich nuri" (dohiy Lenin nuri deyilmoqchi) – elektr kelmaganmish, maktab o'quvchilari kechalari tomga chiqib, oy yorug'ida dars tayyorlarmish...

O'sha kuni sinfga bostirgandek partkom tog'a kirib keldi. U kishining jahli chiqsa ko'zlari irg'ib chiqib, odamni teshvoray derdi.

– Bularga durustroq tarbiya bersangiz bo'lmaydi-mi? – dedi u birdaniga Jannat opaga tashlanib. Opa cho'chib, ko'ylagiga o'ralib bir chekkaga borib turdi. Keyin partkom tog'a bolalar orasidan meni topib: – Sen, hov yot unsur, Tursunxonning jiyani, tur o'rningdan, – dedi. Dik etib o'rnimdan turdim. – Kechasi tomda pishirib qo'yibdimi senga, mushtdek boshing bilan shunday kolxozimizni yer bilan bitta qilding-ku, yot unsur...

Partkom tog'a bolalarga qarab yana bir nimalar dedi. Ko'zlari ola-kula bo'ldi, qizarib-bo'zardi, peshanasi tirishdi. Ammo qulog'imga hech narsa kirmadi. O'z-o'zimdan xafa bo'lib, ich-ichimdan ezilib, yerga qarab turaverdim. Yaqindagina mehribonchilik qilaman deb Jannat opani sharmanda qilib qo'yan edim, endi bo'lsa butun boshli kolxozni yer bilan bitta qilibman... Nimalar bo'lyapti o'zi? Hammasiga Nadim temirchi aybdor, uyimizga qaerdanam o'sha rasmi jurnalni ko'tarib keldi, yurgan edim-ku, tinchgina.

Jannat opa meni urishmadi. Qaytaga partam yoniga kelib, boshimni mehr bilan siladi. Xo'rligim kelib, ko'zimga yosh to'ldi. Ammo opaying:

– Gazutni yangisini chiqaramdu, bolam? – deyishi meni o'zimga keltirdi. Ko'z yoshimni ichimga yutdim. Nima bo'lganda ham oldin Jannat opani sharmandalikdan qutqarishim kerak. Kitob o'qishni to'xtataman. Shundog'am ancha vaqtimni oldi shu kitob. Uni o'qiyman deb yot unsurga ham chiqib qoldim.

Kitobni o'qib tugatmagan bo'lsam ham uni qo'ltiqlab kutubxonachiga ro'para bo'ldim.

– Ol, olloqayim uqib bitirdingmi, biyt, bik tez? – ishonmay so'radi kutubxonachi.

– Ҳа, – дедим дадил бўлиб, – шеърларигача ёдимда қолди, айтиб берайми?

– Айт, айт, малайим, иштам, ишитмийчи...

*– Кумуш баркашда писта,
Пистани чақ деб қиста.
Ака-ака, деб юриб,
Тегиб олди Шоҳиста.
Анджонда ўт ёқса,
Ўшда тутун.
Бу дунёда бормикан
Бағри бутун?
Олма деб отган отам,
Беҳи деб сотган отам.
Қари чолга қиз бериб,
Жабрини тортган отам.*

– Ай матур, ай матур, – деб чапак чалиб юборди кутубхоначи хотин.

Шу кун кутубхоначи зўрласа ҳам китоб олмадим, ишим кўп, бошқа кун оламан, деб чиқиб кетдим. Кейинги газетам мактабдаги аълочилар, иккичилар, дарсга кечикиб келувчилар ҳақида бўлди. Директор айтди деб ўқитувчилардан маълумотларни сўраб-сўраб ёзиб олдим. Аълочиларнинг исми ва фамилияси тагига рангли қаламлар билан: "Булар яхши болалар", – деб ёздим. Иккичиларнинг номлари тагига: "Булар ёмон болалар", – деб, дарсга кеч қоладиган болалар исми тагига эса: "Булар лодр – дангасалар", – деб ёздим. Газетанинг бунисига ўртоғим Зайниддин қарашворди. У расм чизишни анча-мунча биларди. "Муштум" журналдан ҳеч нарса кўчирмадим. Шундай қилиб Жаннат опа шармандалиқдан қутулди. Аммо газета ҳақида ўқитувчилар хонасида ёмон гап бўпти. Мактабда нечта аълочи ўқувчи бўлса, шунча иккичи ўқувчи борлиги сезилиб қопти. Бунди директор пайқабди. Мен бу тарафларига эътибор қилмаган эдим. Директор ўқитувчиларни уришибди. Бунди менга Жаннат опа айтиб берди. Энди битта Жаннат опанимас, бутун мактаб ўқитувчиларини шарманда қилибман. Шунгами, бу газетани янгиси чиққунча кутиб ўтирмай, олиб қўйишди.

ОҲ, ОЙИЖОНИМ-А...

Тузчи холам Тошкентга қатнай-қатнай охири ойижоним ҳақида яхши хабар топиб келди. Санитар поездда ишлаган хотиннинг айтишича, ойижонимнинг чап юзида холи бор экан, синглим туғилгандан кейин эс-хушларини йўқотиб, поездда узок вақт қолиб кетибдилар. Поезддагилар синглимни, Наташа бизнинг

– Ha, – dedim dadil bo'lib, – she'rlarigacha yodimda qoldi, aytib beraymi?

– Ayt, ayt, malayim, ishitam, ishitmiychi...

*– Kumush barkashda pista,
Pistani chaq deb qista.
Aka-aka, deb yurib,
Tegib oldi Shohista.
Andijonda o't yoqsa,
O'shda tutun.
Bu dunyoda bormikan
Bag'ri butun?
Olma deb otgan otam,
Behi deb sotgan otam.
Qari cholga qiz berib,
Jabrini tortgan otam.*

– Ay matur, ay matur, – deb chapak chalib yubordi kutubxonachi xotin.

Shu kuni kutubxonachi zo'rlasa ham kitob olmadim, ishim ko'p, boshqa kuni olaman, deb chiqib ketdim. Keyingi gazetam maktabdagi a'lochilar, ikkichilar, darsga kechikib keluvchilar haqida bo'ldi. Direktor aytdi deb o'qituvchilardan ma'lumotlarni so'rab-so'rab yozib oldim. A'lochilarning ismi va familiyasi tagiga rangli qalamlar bilan: "Bular yaxshi bolalar", – deb yozdim. Ikkichilarning nomlari tagiga: "Bular yomon bolalar", – deb, darsga kech qoladigan bolalar ismi tagiga esa: "Bular lodr – dangasalar", – deb yozdim. Gazetaning bunisiga o'rtog'im Zayniddin qarashvordi. U rasm chizishni ancha-muncha bilardi. "Mushtum" jurnaldan hech narsa ko'chirmadim. Shunday qilib Jannat opa sharmandalikdan qutuldi. Ammo gazeta haqida o'qituvchilar xonasida yomon gap bo'пти. Maktabda nechta a'lochi o'quvchi bo'lsa, shuncha ikkichi o'quvchi borligi sezilib qopti. Buni direktor payqabdi. Men bu taraflariga e'tibor qilmagan edim. Direktor o'qituvchilarni urishibdi. Buni menga Jannat opa aytib berdi. Endi bitta Jannat opanimas, butun maktab o'qituvchilarini sharmanda qilibman. Shungami, bu gazetani yangisi chiqquncha kutib o'tirmay, olib qo'yishdi.

OH, OYIJONIM-A...

Tuzchi xolam Toshkentga qatnay-qatnay oxiri oyijonim haqida yaxshi xabar topib keldi. Sanitar poyezdida ishlagan xotinning aytishicha, oyijonimning chap yuzida xoli bor ekan, singlim tug'ilgandan keyin es-hushlarini yo'qotib, poyezdda uzoq vaqt qolib ketibdilar. Poyezddagilar singlimni, Natasha bizing qizimiz, deb erkalatisharkan, oyimni mehnatkashligi

қизимиз, деб эркалатишаркан, ойимни меҳнаткашлиги учун яхши кўришаркан. Буюрган ишларини индамай қилиб юраркан. Поезддагилар бугун бўлмаса эртага эс-хушига қайтади, деб кутишар экан. Охирги марта санитар поезде Сталингардга бориб, ярадорларни олиб қайтибди. Поездда самарқандлик, фарғоналик ярадорлар кўп экан. Поезд Урсатовский (ҳозирги Ховос) деган жойда иккига бўлинибди. Ярим вагон Самарқанд тарафга, ярим вагон Фарғонага қараб йўл олибди. Самарқандга кетганлар ойимни Фарғонага қараб кетди деб, Фарғонага кетганлар эса Самарқандга кетди деб ўйлашибди. Хуллас, ойим тўполонда синглим билан Ховосда қолиб кетган экан. У хотин ойимни бошқа учратмапти. Хуллас, ойижоним тирик, ер бетида юрибди экан...

– Айланайин-а, – деди аммам кўз ёшларини артиб, – опам бечора эсини йўқотиб қўйибди-да, бўлмаса бизларни топиб келган бўларди. Сиз нима дейсиз, Тузчи хола, одамнинг эси жойига қайтадимми-йўқми?

– Билмадим, Турсунхон, билмадим, Худо хоҳласа ўша Урсатовский деганларига ҳам бориб келаман, сўзим – сўз, ташвиш чекма, синглим...

– Умрингиздан барака топинг, холажон, энг зарили – опамнинг тириклигини билволдик, бу ёғига худо пошшо...

– Ҳа, ноумид шайтон, Турсунхон синглим...

БИР КУНИ ТУРСУНБОЙ АКА...

Мактабдан келиб, жиянларим билан сандалда тиқилишиб чой ичиб ўтирсак, Турсунбой ака келиб қолди. Аммам ишда, Саодат опам энди паншаха кўтариб колхоз отхонасига қатнар, колхозчилар далага гўнг чиқариш билан овора эди.

– Деҳқончилик қиламизми? – деди у дастурхонга бир қараб қўйиб. Мен чойдан олдин битта зоғора нонни жиянларимга бўлиб берган, дастурхонда ноннинг ушоғи ҳам қолмаган, фақат Рихсигина кавшаниб ўтирар, Эргаш унга мўлтираб қарарди. Биз ҳар доим шунақа, тўйиб-тўймай нонушта қилардик.

– Нима қиламиз? – дедим ҳайрон бўлиб. У киши мен билан баҳорда тескари бўлганича тузук-куруқ гаплашмас, олдинда совуқ кунлар келаётган бўлса, қандай қилиб деҳқончилик ҳақида ўйлаш мумкин?

– Мен билан юрсанг, нима қилиш кераклигини кўрсатаман, – деди Турсунбой ака. Жиянларимни уйда қолдириб, Турсунбой акага эргашдим. У киши мени ҳовлидан пастга, тепамиз тагига бошлаб тушди-да, ёғоч билан бир жойни чизиб кўрсатди.

– Шу ердан ўн қоп чириган гўнг сиғадиган ўра қазийсан, кейин уни гўнг билан тўлдириб, мени чақирасан, – деди.

Аммамга айтсам, Турсунбойнинг айтганини қилавер-чи, деди-

uchun yaxshi ko'risharkan. Buyurgan ishlarini indamay qilib yurarkan. Poyezddagilar bugun bo'lmasa ertaga es-hushiga qaytadi, deb kutishar ekan. Oxirgi marta sanitar poyezdi Stalingardga borib, yaradorlarni olib qaytibdi. Poyezdda samarqandlik, farg'onalik yaradorlar ko'p ekan. Poyezd Ursatovskiy (hozirgi Xovos) degan joyda ikkiga bo'linibdi. Yarim vagon Samarqand tarafga, yarim vagon Farg'onaga qarab yo'l olibdi. Samarqandga ketganlar oyimni Farg'onaga qarab ketdi deb, Farg'onaga ketganlar esa Samarqandga ketdi deb o'ylashibdi. Xullas, oyim to'polonda singlim bilan Xovosda qolib ketgan ekan. U xotin oyimni boshqa uchratmapti. Xullas, oyijonim tirik, yer betida yuribdi ekan...

– Aylanayin-a, – dedi ammam ko'z yoshlarini artib, – opam bechora esini yo'qotib qo'yibdi-da, bo'lmasa bizlarni topib kelgan bo'lardi. Siz nima deysiz, Tuzchi xola, odamning esi joyiga qaytadimi-yo'qmi?

– Bilmadim, Tursunxon, bilmadim, Xudo xohlasa o'sha Ursatovskiy deganlariga ham borib kelaman, so'zim – so'z, tashvish chekma, singlim...

– Umringizdan baraka toping, xolajon, eng zarili – opamning tirikligini bilvoldik, bu yog'iga xudo poshsho...

– Ha, noumid shayton, Tursunxon singlim...

BIR KUNI TURSUNBOY AKA...

Maktabdan kelib, jiyanlarim bilan sandalda tiqilishib choy ichib o'tirsak, Tursunboy aka kelib qoldi. Ammam ishda, Saodat opam endi panshaxa ko'tarib kolxoz otxonasiga qatnar, kolxozchilar dalaga go'ng chiqarish bilan ovora edi.

– Dehqonchilik qilamizmi? – dedi u dasturxonga bir qarab qo'yib. Men choydan oldin bitta zog'ora nonni jiyanlarimga bo'lib bergan, dasturxonda nonning ushug'i ham qolmagan, faqat Rixsigina kavshanib o'tirar, Ergash unga mo'ltirab qarardi. Biz har doim shunaqa, to'yib-to'ymay nonushta qilardik.

– Nima qilamiz? – dedim hayron bo'lib. U kishi men bilan bahorda teskari bo'lganicha tuzuk-quruq gaplashmas, oldinda sovuq kunlar kelayotgan bo'lsa, qanday qilib dehqonchilik haqida o'ylash mumkin?

– Men bilan yursang, nima qilish kerakligini ko'rsataman, – dedi Tursunboy aka. Jiyanlarimni uyda qoldirib, Tursunboy akaga ergashdim. U kishi meni hovlidan pastga, tepamiz tagiga boshlab tushdi-da, yog'och bilan bir joyni chizib ko'rsatdi.

– Shu yerdan o'n qop chirigan go'ng sig'adigan o'ra qaziysan, keyin uni go'ng bilan to'ldirib, meni chaqirasan, – dedi.

Ammamga aytsam, Tursunboyning aytganini qilaver-chi, dedilar. O'ra qazish ikki-uch kunga cho'zildi. Tepamiz atrofida go'ng

лар. Ўра қазиш икки-уч кунга чўзилди. Тепамиз атрофида гўнг қолмаган, барини ёз бўйи картошка билан жўхорининг ариғига олиб чиқиб тўккан эдим. Гўнгни Кўчқор аканинг кўрғонидан ташиб келдим, чириган, роса майин гўнг. Турсунбой ака ишимни кўриб:

– Боглабсан, азамат, – деди илгаригидек муносабатда бўлиб.

Кейин қайдандир икки челак пилла куртининг кумалоғини олиб келиб гўнгга аралаштирди. Мен бўлсам қуртхонанинг тагини супуриб, ахлатга ташлабман. Зеби холамникидан икки челак товўқнинг гўнгини олиб чиқдим. Уни ҳам гўнгга аралаштирдик. Кейин устидан сув сепиб, паншаха билан яна қориштирдик.

– Энди ўранинг оғзини лой билан суваб ташла, баҳорда очамиз, – деди Турсунбой ака.

Шундагина мен Турсунбой аканинг нима учун мен билан баҳорда аразлашиб қолганини тушуниб етдим. Менинг экинларимни яшнатган шунчаки оддий гўнг эмас, у мана шунақа машаққатлар билан тайёрланган гўнг экан. Мен бўлсам тайёрга айёр бўлибман-да. Ўзларидан ҳам ўтди-да, нуқул ишни ўзлариникидан бошлайвердилар, бу менга ёқмади... Ушанда аммам: “Турсунбой маккапоясини бизникига етказиб олай деб ўғирлик селитрани кўп соворди-да, маккаси фовлаб кетиб, сўта чиқарди-ю, дон олмади”, – деган эди.

ҚИШЛОҚҚА ЭЛЕКТР КЕЛГАНИ...

Бир куни мактабимиз олдидаги майдонга узун-узун машиналарда узун-узун симёғочларни келтириб туширишди. Қишлоққа электр келармиш, деган гап тарқалди. Бунга газетада босилиб чиққан ўша мақола сабаб бўпти. Қандай яхши хушхабар. Хушхабар кўлимни қичитди. Электр келиши ҳақида район газетасини хабардор қилиб қўймоқчи бўлдим ва шундай деб ёздим: “Хурматли газета, мен ой ёруғида томга чиқиб китоб ўқиган боламан. Қишлоғимиз энди обод бўладиган бўлди, узун-узун машиналарда узун-узун симёғочлар олиб келиб туширишди. Шуни сизларга айтиб қўйдим”. Хатни от миниб, ҳар куни қишлоқни бир айланиб кўядиган бир кўли йўқ почтачидан бериб юбордим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қишлоқда яна шов-шув кўтарилди. Менинг номим билан газетада мақола чиқибди. Унда ёзилишича, қишлоғимиз электрлаштирилибди, ҳамма ёқ чароғонмиш. Газетани ўқиганлар нуқул мени кўли билан кўрсатиб кулишади. Нимагаки, олиб келиб туширилган узун-узун симёғочлар ёғин-сочинда шилтаси чиқиб, чириб ётарди. Нуқул мен унақа деб ёзмаганман, деб ўзимни оқламоқчи бўламан. Қани биров қулоқ солса. Шундай кунларнинг бирида синфимизга яна партком тоға кириб келди. Жаннат опа бир чеккага ўтиб, яна нима бўлди экан, дегандек хурпайиб олди.



qolmagan, barini yoz bo'yi kartoshka bilan jo'xorining arig'iga olib chiqib to'kkan edim. Go'ngni Qo'chqor akaning qo'rg'onidan tashib keldim, chirigan, rosa mayin go'ng. Tursunboy aka ishimni ko'rib:

– Boplabsan, azamat, – dedi ilgari gidek munosabatda bo'lib.

Keyin qaydandir ikki chelak pilla qurtining qumalog'ini olib kelib go'ngga aralashtirdi. Men bo'lsam qurtxonaning tagini supurib, axlatga tashlabman. Zebi xolamnikidan ikki chelak tovuqning go'ngini olib chiqdim. Uni ham go'ngga aralashtirdik. Keyin ustidan suv sepib, panshaxa bilan yana qorishtirdik.

– Endi o'raning og'zini loy bilan suvab tashla, bahorda ochamiz, – dedi Tursunboy aka.

Shundagina men Tursunboy akaning nima uchun men bilan bahorda arazlashib qolganini tushunib etdim. Mening ekinlarimni yashnatgan shunchaki oddiy go'ng emas, u mana shunaqa mashaqqatlar bilan tayyorlangan go'ng ekan. Men bo'lsam tayyorga ayyor bo'libman-da. O'zlaridan ham o'tdi-da, nuqul ishni o'zlarinikidan boshlayverdilar, bu menga yoqmasi... O'shanda ammam: "Tursunboy makkapoyasini biznikiga yetkazib olay deb o'g'irlik selitrani ko'p sovordida, makkasi g'ovlab ketib, so'ta chiqardi-yu, don olmadi", – degan edi.

QISHLOQQA ELEKTR KELGANI...

Bir kuni maktabimiz oldidagi maydonga uzun-uzun mashinalarda uzun-uzun simyog'ochlarni keltirib tushirishdi. Qishloqqa elektr kelarmish, degan gap tarqaldi. Bunga gazetada bosilib chiqqan o'sha maqola sabab bo'пти. Qanday yaxshi xushxabar. Xushxabar qo'limni qichitdi. Elektr kelishi haqida rayon gazetasini xabardor qilib qo'ymoqchi bo'ldim va shunday deb yozdim: "Hurmatli gazeta, men oy yorug'ida tomga chiqib kitob o'qigan bolaman. Qishlog'imiz endi obod bo'ladigan bo'ldi, uzun-uzun mashinalarda uzun-uzun simyog'ochlar olib kelib tushirishdi. Shuni sizlarga aytib qo'ydim". Xatni ot minib, har kuni qishloqni bir aylanib qo'yadigan bir qo'li yo'q pochtachidan berib yubordim. Oradan hech qancha vaqt o'tmay qishloqda yana shov-shuv ko'tarildi. Mening nomim bilan gazetada maqola chiqibdi. Unda yozilishicha, qishlog'imiz elektrlashtirilibdi, hamma yoq charog'onmish. Gazetani o'qiganlar nuqul meni qo'li bilan ko'rsatib kulishadi. Nimagaki, olib kelib tushirilgan uzun-uzun simyog'ochlar yog'in-sochinda shiltasi chiqib, chirib yotardi. Nuqul men unaqa deb yozmaganman, deb o'zimni oqlamoqchi bo'lamen. Qani biron quloq solsa. Shunday kunlarning birida sinfimizga yana partkom tog'a kirib keldi. Jannat opa bir chekkaga o'tib, yana nima bo'ldi ekan, degandek hurpayib oldi.

– Yashang, opa, partiya-hukumatimiz sizdan bag'oyat xursand, ta'lim-tarbiya ishlari shunday ketsin, bu yog'ini bo'shashtirmang, –

– Яшанг, опа, партия-хукуматимиз сиздан бағоят хурсанд, таълим-тарбия ишлари шундай кетсин, бу ёғини бўшаштирманг, – деди партком тоға кутилмаганда юмшоқ гапириб. Кейин у мени болалар орасидан қидириб топди-да: – Сен, Турсунхоннинг жияни, бошқача бола чиқиб қолдинг-ку, а, газетни ўқидим, ёзсанг мана шунақа фақат мақтаб ёз, хўпми?

– Ахир... – деб ўзимни оқламоқчи бўлдим-у, гапим оғзимда қолди.

– Бўлди, ҳаммаси сен нима деб ёзган бўлсанг ўшандай бўлади, бўлганда ҳам шундай бўлсинки... Сен ёзишни бўшаштирма, оғайни, – деб партком тоға чиқиб кетди. Мен олдинги сафар рост гапириб “ёт унсур”га чиққаним ҳолда, бугун нима учун мақтов эшитганимга ҳайрон бўлиб қолавердим.

Аммо шу куниёқ шошилинич иш бошланиб кетди. Қишлоқ одамлари ҳашарга чиқди. Улар кўча ёқалаб сочилиб симёғочларга чуқур қазир, Акмал монтер эса ёғочларга электр чойнакларини ўрнатиш билан овора. Бу ишлар биз учун қизиқ, уйда ўтира олмаймиз. Электр келса чой қайнатиш, овқат пишириш, ҳатто электр радио сотиб олиш ҳақида гаплашамиз. Колхоз идораси ёнидаги симёғочда кечасию кундузи вафиллаб ётадиган радиокарнай энди олиб ташланаркан. Қишлоқда биров ўлиб қолса радиокарнай кўшиқ айтиб турса ёмон экан. Акмал монтер биз болаларни кўриб нимагадир кулиб қўйди-да, чуқурча қазийтганларга қараб:

– Қишлоғимизда кимнинг пешанаси ярқираган, кимнинг уйда биринчи бўлиб электр чироғи ёнишини биласизларми? – деб тиржайди.

– Кимникида бўларди, ҳар қалай бизникидамас, сеникида-да, электр қўлингда, қаёққа бошласанг ўша ёққа юради, – деб кулишди ҳашарчилар.

– Бекорларни айтибсизлар, – деб орага тушди Эгамберди звановой, – энг аввало раис билан парткомникида ёнади. Ой чиқса ҳам шуларга, кун чиқса ҳам шуларга, а, лаббай, саволлар борми?

– Тополмадиларинг, – деди Акмал монтер. Кейин мени кўрсатиб: – Манови мухбирникида ёнади. – Ҳамма ишдан тўхтаб, менга қаради. Уялиб ерга қарадим. – Сирож акадан мана шунақа топшириқ олганман, шу мухбир бола ёзмаганда ҳали-бери қишлоққа электр келмас экан...

Ростдан ҳам Акмал монтер айтгандек бўлди, ҳаммадан олдин симёғочдан бизникига сим тортилди. Сандалга тиқилиб чироқ ёнишини ҳақ деб кутиб ўтирибмиз. Қувондиқ, Зайниддин ҳам бизникида. Аммам ишда. Саодат опам айвонда кечки овқатга унаб ётибди. Надим темирчи ҳам примусини вафиллатиб товада бир нималар қовуряпти. Хонасига темир печка қуриб олган, ҳар куни устахонасидан ярим челак кўмир олиб келади. Ҳаракатидан

dedi partkom tog'a kutilmaganda yumshoq gapirib. Keyin u meni bolalar orasidan qidirib topdi-da: – Sen, Tursunxonning jiyani, boshqacha bola chiqib qolding-ku, a, gazetni o'qidim, yozsang mana shunaqa faqat maqtab yoz, xo'pmi?

– Axir... – deb o'zimni oqlamoqchi bo'ldim-u, gapim og'zimda qoldi.

– Bo'ldi, hammasi sen nima deb yozgan bo'lsang o'shanday bo'ladi, bo'lganda ham shunday bo'lsinki... Sen yozishni bo'shashtirma, og'ayni, – deb partkom tog'a chiqib ketdi. Men oldingi safar rost gapirib "yot unsur"ga chiqqanim holda, bugun nima uchun maqto'v eshitganimga hayron bo'lib qolaverdim.

Ammo shu kuniyoq shoshilinch ish boshlanib ketdi. Qishloq odamlari hasharga chiqdi. Ular ko'cha yoqalab sochilib simyog'ochlarga chuqur qazir, Akmal montyor esa yog'ochlarga elektr choynaklarini o'rnatish bilan ovora. Bu ishlar biz uchun qiziq, uyda o'tira olmaymiz. Elektr kelsa choy qaynatish, ovqat pishirish, hatto elektr radio sotib olish haqida gaplashamiz. Kolxoz idorasi yonidagi simyog'ochda kechasi-yu kunduzi vag'illab yotadigan radiokarnay endi olib tashlanarkan. Qishloqda biron o'lib qolsa radiokarnay qo'shiq aytib tursa yomon ekan. Akmal montyor biz bolalarni ko'rib nimagadir kulib qo'ydi-da, chuqurcha qaziyotganlarga qarab:

– Qishlog'imizda kimning peshanasi yarqiragan, kimning uyida birinchi bo'lib elektr chirog'i yonishini bilasizlarmi? – deb tirjaydi.

– Kimnikida bo'lardi, har qalay biznikidamas, senikida-da, elektr qo'lingda, qayoqqa boshlasang o'sha yoqqa yuradi, – deb kulishdi hasharchilar.

– Bekorlarni aytibsizlar, – deb oraga tushdi Egamberdi zvenovoy, – eng avvalo rais bilan partkomnikida yonadi. Oy chiqsa ham shularga, kun chiqsa ham shularga, a, labbay, savollar bormi?

– Topolmadilaring, – dedi Akmal montyor. Keyin meni ko'rsatib: – Manovi muxbirnikida yonadi. – Hamma ishdan to'xtab, menga qaradi. Uyalib yerga qaradim. – Siroj akadan mana shunaqa topshiriq olganman, shu muxbir bola yozmaganda hali-beri qishloqqa elektr kelmas ekan...

Rostdan ham Akmal montyor aytgandek bo'ldi, hammadan oldin simyog'ochdan biznikiga sim tortildi. Sandalga tiqilib chiroq yonishini haq deb kutib o'tiribmiz. Quvondiq, Zayniddin ham biznikida. Ammam ishda. Saodat opam ayvonda kechki ovqatga unnab yotibdi. Nadim temirchi ham primusini vag'illatib tovada bir nimalar qovuryapti. Xonasiga temir pechka qurib olgan, har kuni ustaxonasidan yarim chelak ko'mir olib keladi. Harakatidan mehmon kutayotganga

меҳмон кутаётганга ўшарди. Меҳмонлари омборчи Мирсаид ака билан аравакаш Ҳамза ака экан. Уларни биламан, мусаллас ичгани киришади. Надим темирчи мусаллас солишга уста. Қримда уйдек-уйдек хумларга мусаллас солишаркан. Бу ерда далаларга пахта экилса, у ёқда узум экиларкан. Мусалласга омборчи Мирсаид ака ўрганиб қолган. Надим темирчи пирхона деб устахонасида мусаллас сақламайди. Уйда тайёрлаб, уйда сақлайди. Бир куни қизиқ иш бўлган. Надим темирчининг уйга келишга вақти бўлмаганми, ишқилиб, Мирсаид акага калитни бериб, мусаллас ичгани ўзини юборган. Мирсаид ака ичкари кириб, йўқ бўлиб кетди. Бир маҳал эшик тарақ-туруқ очилиб, Мирсаид ака ҳовлига отилиб чиқди. Кейин: “Ажина-ажина”, – деб ҳовлидан пастга югурганича тушиб кетди... Жиянларим кўрқиб менга ёпишди. Уларни хонага қамаб, қимирламай ўтиринглар дедим-да, ўзим ташқарига чиқиб туриб қолдим. Шунда аммамнинг Надим темирчига қараб: “Отам раҳматлик катта домла бўлганлар, бу хонада тўхтовсиз “Куръон” ўқилган, сиз бўлса мусаллас сақлайсиз, касри урса ўзингиздан кўринг, мendenмас” – деганини эсладим. Аммам айтган касри Мирсаид акага урди, шекилли. Очиқ турган эшикдан аста ичкари мўраладим, кўзимга шубҳали ҳеч нарса кўринмади. Аммо эртасига Мирсаид омборчининг оғзи қийшайиб қолибди, деган миш-миш тарқалди. Мен Мирсаид аканинг оғзи нимага қийшайиб қолганини ҳеч кимга, ҳатто аммамга ҳам айтмадим. Бирорта мухбир эшитиб қолса, яна газетага ёзиб юрмасин, дедим. Аммо Надим темирчининг хонасига қадамизи қилмай кўйдим. Ҳар куни бериладиган кўшни товоқни ҳам остонадангина узатаман. Мирсаид омборчи ҳам оёғини тортиб кетди. Шерик топилиб қолсагина оғзи қийшайиб мусаллас ичгани киради. Мен у кишининг оғзини қийшайтириб кўйган жин ҳақида ўйлаб, кўрқиб юраман. Орадан бир ойлар ўтиб Надим темирчи менга омборчини чалган “жин”ни кўрсатди. Фақат бировга айтма, айтсанг мени ўлдиришади ё ҳайдаб юборишади, деди. У пўсти қалин тарвузларга сайма игна билан спирт юборар, бижғигандан кейин тарвузга жон битиб, думалай бошлар экан. Мирсаид ака хонага кирганда ўзидан ўзи жон битиб думалаётган тарвузни кўриб қолган экан-да. Буни қишлоқ чоллари сезиб қолса Надим темирчини соғ қўймас экан. Мен тарвузларга жон битиб, бир-бирини турткилашаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Мана, ҳозир ҳам улар мусаллас ичиб, чақчақлашиб ўтиришибди. Балки қишлоқда биринчи бўлиб бизнинг уйда чироқ ёнишини эшитишгандир ҳам.

Хаёлимиз хона ўртасида осилиб турган янгилик – лампочкада. Каттароқ нашвати нокка ўшайди. Уй ичи борган сари қоронғилашиб боряпти, электрдан дарак йўқ. Бу пайтда биз керосин чироқни ёққан бўлардик.



o'xshardi. Mehmonlari omborchi Mirsaid aka bilan aravakash Hamza aka ekan. Ularni bilaman, musallas ichgani kirishadi. Nadim temirchi musallas solishga usta. Qrimda uydek-uydek xumlarga musallas solisharkan. Bu yerda dalalarga paxta ekilsa, u yoqda uzum ekilarkan. Musallasga omborchi Mirsaid aka o'rganib qolgan. Nadim temirchi pirona deb ustaxonasida musallas saqlamaydi. Uyda tayyorlab, uyda saqlaydi. Bir kuni qiziq ish bo'lgan. Nadim temirchining uyga kelishga vaqti bo'lmaganmi, ishqilib, Mirsaid akaga kalitni berib, musallas ichgani o'zini yuborgan. Mirsaid aka ichkari kirib, yo'q bo'lib ketdi. Bir mahal eshik taraqq-turuq ochilib, Mirsaid aka hovliga otilib chiqdi. Keyin: "Ajina-ajina", – deb hovlidan pastga yugurganicha tushib ketdi... Jiyalarim qo'rqib menga yopishdi. Ularni xonaga qamab, qimirlamay o'tiringlar dedim-da, o'zim tashqariga chiqib turib qoldim. Shunda ammamning Nadim temirchiga qarab: "Otam rahmatlik katta domla bo'lganlar, bu xonada to'xtovsiz "Qur'on" o'qilgan, siz bo'lsa musallas saqlaysiz, kasri ursa o'zingizdan ko'ring, mendanmas" – deganini esladim. Ammam aytgan kasri Mirsaid akaga urdi, shekilli. Ochiq turgan eshikdan asta ichkari mo'raladim, ko'zimga shubhali hech narsa ko'rinmadi. Ammo ertasiga Mirsaid omborchining og'zi qiyshayib qolibdi, degan mish-mish tarqaldi. Men Mirsaid akaning og'zi nimaga qiyshayib qolganini hech kimga, hatto ammamga ham aytmadim. Birorta muxbir eshitib qolsa, yana gazetaga yozib yurmasin, dedim. Ammo Nadim temirchining xonasiga qadamizi qilmay qo'ydim. Har kuni beriladigan qo'shni tovoqni ham ostonadagina uzataman. Mirsaid omborchi ham oyog'ini tortib ketdi. Sherik topilib qolsagina og'zi qiyshayib musallas ichgani kiradi. Men u kishining og'zini qiyshaytirib qo'yan jin haqida o'ylab, qo'rqib yuraman. Oradan bir oylar o'tib Nadim temirchi menga omborchini chalgan "jin"ni ko'rsatdi. Faqat birovga aytdi, aytsang meni o'ldirishadi yo haydab yuborishadi, dedi. U po'sti qalin tarvuzlarga sayma igna bilan spirt yuborar, bijg'igandan keyin tarvuzga jon bitib, dumalay boshlar ekan. Mirsaid aka xonaga kirganda o'zidan o'zi jon bitib dumalayotgan tarvuzni ko'rib qolgan ekan-da. Buni qishloq chollari sezib qolsa Nadim temirchini sog' qo'ymas ekan. Men tarvuzlarga jon bitib, bir-birini turtkilashayotganini o'z ko'zim bilan ko'rdim. Mana, hozir ham ular musallas ichib, chaqchaqlashib o'tirishibdi. Balki qishloqda birinchi bo'lib bizning uyda chiroq yonishini eshitishgandir ham.

Xayolimiz xona o'rtasida osilib turgan yangilik – lampochkada. Kattaroq nashvati nokka o'xshaydi. Uy ichi borgan sari qorong'ilashib boryapti, elektrdan darak yo'q. Bu paytda biz kerosin chiroqni yoqqan bo'lardik.

– Elektrlaring bugun yonmaydi, hay, senlar uylaringga boringlar, –

– Электрларинг бугун ёнмайди, ҳай, сенлар уйларингга боринглар, – деб Саодат опам Зайниддин билан Қувондиқни ҳайдагандек бўлди. – Ҳозир ўзимизнинг лампа чироқни ёқаман.

– Ёқманг, опа, ҳозир ёнади, Акмал ака алдамайди, – дейман шошиб, худди Саодат опам лампа чироқни ёқса, Акмал ака электрини ёқмай кўядигандек. Опам менга қараб ўқрайди. Билиб турибман, овқатлари пишган, бироқ ўртоқларимга ҳам сузиб бергилари йўқ. Овқат ўлчоғлик. Айниқса, Қувондиқни ёмон кўрадилар. Етимча, битлиқи, дейдилар. Чиндан ҳам Қувондиқ қачон қараса кир-чир юради, мактабга бормайди. Кечаси молхонада – охур ичида ётади. Молхона уйдан иссиқ, дейди у. Кейин кечаси қорни очиб қолса, сигирни маза қилиб эмиб оларкан. Мен Қувондиқни кўрганимда ўзимнинг оч-наҳор юрганларимни эслайман. Унга жиянларимдан орттириб у-бу егуликлар илинаман. Ҳозир ҳам электр баҳона бир коса угра ош ичвола қолса, деб турибман. Зайниддиннинг ҳам меҳмон қилсам дейман. Нимагаки, унинг уйида кўп меҳмон бўламан. Зайниддиннинг дадаси урушдан қайтиб келмаган. Зокир, Нажим деган акалари бор. Онаси Жамол отин уйида кам бўлади, тўйма-тўй, худойима-худойи юради. Уйга бирров келиб, топган-тутганини ташлаб кетади. Уйда ош, нон, қатлама, ҳолвайтар, лавлаги сомса, қовоқ сомсалар пайдо бўлиб қолади. Зайниддиннинг уйи рўпарамиздаги тепаликда. Чақирсаёқ, бас, шудгор кечиб югуриб бора қоламан. Ноз-неъматларни кўриб оғзим очилади. Лекин Зайниддин ҳам, мен ҳам очкўзлик қилмаймиз. Ҳаммага бирдек қилиб тақсимлашни менга чиқарган. Бир ҳисса Нажим акага, бир ҳисса Зокир акага олиб кўйиб, қолганини Зайниддин икковимиз паққос туширамиз. Шунга Зайниддин ҳам бизникида меҳмон бўлса дейман-да. Лекин овқатни Саодат опам пиширган, хўжайинчилик қила олмайман.

– Электрларинг ёнмайди дедим-ку сенга, – деб бу сафар Саодат опам менга бақириб берди. – Жўна уй-уйларингга...

Ўртоқларим дик этиб ўринларидан туриб кетишди.

– Ҳозир, – дейман ноқулай аҳволга тушиб, – ўнгача санаймиз, ёнмаса кетишади.

Ҳаммамиз бараварига санай бошлаймиз: бир, икки... ўн деганимизда чироқ “лип” этиб ёнди-ю, ўчди. “Ур-ей” деганимизча нафасимиз ичимизга тушиб кетди. Чироқ нури кўзларимиздагина қолди. Нариги хонада ўтирганлар катталар ҳам “ваҳ” дейишди-ю, жим бўлишди.

– Бўлди, битта семи куйди, – деди Саодат опамнинг тоқати тоқ бўлиб.

Шу пайт чироқ яна ёнди.

–Уре... куймапти!

Жин урсин, яна ўчди.

– Ана энди иккала симиям куйди, қани, жўнанглар... – деб Саодат опам бу сафар супургини кўлига олди.

deb Saodat opam Zayniddin bilan Quvondiqni haydagandek bo'ldi. – Hozir o'zimizning lampa chiroqni yoqaman.

– Yoqmag, opa, hozir yonadi, Akmal aka aldamaydi, – deyman shoshib, xuddi Saodat opam lampa chiroqni yoqsa, Akmal aka elektrini yoqmay qo'yadigandek. Opam menga qarab o'qrayadi. Bilib turibman, ovqatlari pishgan, biroq o'rtoqlarimga ham suzib bergilari yo'q. Ovqat o'lchog'lik. Ayniqsa, Quvondiqni yomon ko'radilar. Yetimcha, bitliqi, deydilar. Chindan ham Quvondiq qachon qarasa kir-chir yuradi, maktabga bormaydi. Kechasi molxonada – oxur ichida yotadi. Molxona uydan issiq, deydi u. Keyin kechasi qorni ochib qolsa, sigirni maza qilib emib olarkan. Men Quvondiqni ko'rganimda o'zimning och-nahor yurganlarimni eslayman. Unga jijanlarimdan orttirib u-bu yeguliklar ilinaman. Hozir ham elektr bahona bir kosa ugra osh ichvola qolsa, deb turibman. Zayniddinning ham mehmon qilsam deyman. Nimagaki, uning uyida ko'p mehmon bo'laman. Zayniddinning dadasi urushdan qaytib kelmagan. Zokir, Najim degan akalari bor. Onasi Jamol otin uyida kam bo'ladi, to'yma-to'y, xudoyima-xudoyi yuradi. Uyga birrov kelib, topgan-tutganini tashlab ketadi. Uyda osh, non, qatlama, holvaytar, lavlagi somsa, qovoq somsalar paydo bo'lib qoladi. Zayniddinning uyi ro'paramizdagi tepalikda. Chaqirsayoq, bas, shudgor kechib yugurib bora qolaman. Noz-ne'matlarni ko'rib og'zim ochiladi. Lekin Zayniddin ham, men ham ochko'zlik qilmaymiz. Hammaga birdek qilib taqsimlashni menga chiqargan. Bir hissa Najim akaga, bir hissa Zokir akaga olib qo'yib, qolganini Zayniddin ikkovimiz paqqos tushiramiz. Shunga Zayniddin ham biznikida mehmon bo'lsa deyman-da. Lekin ovqatni Saodat opam pishirgan, xo'jayinchilik qila olmayman.

– Elektrlaring yonmaydi dedim-ku senga, – deb bu safar Saodat opam menga baqirib berdi. – Jo'na uy-uylaringga...

O'rtoqlarim dik etib o'rinlaridan turib ketishdi.

– Hozir, – deyman noqulay ahvolga tushib, – o'ngacha sanaymiz, yonmasa ketishadi.

Hammamiz baravariga sanay boshlaymiz: bir, ikki... o'n deganimizda chiroq "lip" etib yondi-yu, o'chdi. "Ur-ey" deganimizcha nafasimiz ichimizga tushib ketdi. Chiroq nuri ko'zlarimizdagina qoldi. Narigi xonada o'tirganlar kattalar ham "vah" deyishdi-yu, jim bo'lishdi.

– Bo'ldi, bitta simi kuydi, – dedi Saodat opamning toqati toq bo'lib.

Shu payt chiroq yana yondi.

– Ure... kuymapti!

Jin ursin, yana o'chdi.

– Ana endi ikkala simiyam kuydi, qani, jo'nanglar... – deb Saodat opam bu safar supurgini qo'liga oldi.

Чироқ яна ёнди-да, энди ўчмай туриб қолди. (Ўзи чироқни ёқиш қоидаси шунақа экан, биз буни кейинчалик билиб олдик). Чироққа маҳлиё бўлиб тикиламиз. Нариги хонадагилар ҳам бир нималар деб шовқинлашади. Хонанинг энг қоронғи бурчаклари ҳам ёришиб кетган, жиянларимнинг оғзи очилиб, кўлларини у ёқ-бу ёқ ўгириб, бармоқлари орасидаги ёруғликни қизиқиб томоша қилишади. Севинчдан юрагим гуп-гуп уради, ўзимга сиймайман... Лампочка деганлари ўртоқларимнинг кўзида ҳам ёнаётганини кўраман. Шу хурсандчиликка ўртоқларим ҳам чироқ ёруғида бир косадан угра ош ичволишса қани? Ундай бўлмайди, овқат ўлчоғлик. Ноилож уларни кузатиб қўяман... Угра оши томоғимдан ўтмай қолади...

СТАХАНОВЧИННИНГ ГАДАВОЙИ

Аммамнинг айтишича, бу йил қиш ўтган йилдагидан қаттиқ келибди. Олдинига қалин қор ёғиб, кейинига қора совуқ бўлиб, ариқлар тарақлаб музлади. Колхоз идораси рўпарасидаги якка-ю ягона қудуқ атрофидан каттаю кичик узилмайди. Айтишларича, қишлоқнинг ҳамма жойидан қудуқ қазишган, лекин шу жойдан чучук сув чиққан. Кўпчилик шу қудуққа кўз тиккан. Ёғоч бочкаси, меши борлар эшак аравада, чанада Бўзсувга қатнайди. Унинг суви музламайди. Совуқ бўлганга тез-тез одамнинг қорни очади. Уйда жўхоримиз кўп, дастурхондан зоғора нон узилмайди. Шерхон ака олиб келиб берган буғдойни ун қилиб, угра ошгагина ишлатиб келардик. Уям тугаган, кунимиз жўхори ёрмасига қолган. Эчкимиз сутдан чиққан, аммо буғоз. Баҳорда тукқан битта боласи бор, у семириб кетган, така. Аммам такани сўйиб есакмикан ё сотиб, ун олсакмикан, деб иккиланадилар.

– Сўя қолайлик, опа, даланинг иссиқ овқатидан кейин мен ҳали гўшт еганим йўқ, укаларимниям ичи яланиб кетди. Гадавойга бир арава буғдой берамиз дейишди-ку, – дейди Саодат опам. Шундай деб энтиқиб, ўзича суюниб, ўша кун тезроқ келишини Худодан сўраб шифтга қараб қўяди. Чакка ўтавериб қорайиб кетган тўсинларни кўздан беркитиш учун шифтга гулли қоғоз қоплатганмиз. Қаердан ҳам қоплатдик экан, сичқонлар қоғоз устида у ёқдан-бу ёққа шир-шир юриб, тинчлик бермайди. Улар ҳам оч...

Гапга қулоқ солиб ўтирган Йўлдош жияним ҳиқиллайди:

– Ойи, гўшт ейма-а-ан...

– Вой, ҳандалак дегин, ука, гўшдан кейин ҳандалак жа кетади-да, – кулади Саодат опам.

– Ойи, ҳандала-ак...

– Ўлдираман сен қизни, – муштини дўллаятади аммам.

Йўлдошнинг ёнига Эргаш қўшилади:

Chiroq yana yondi-da, endi o'chmay turib qoldi. (O'zi chiroqni yoqish qoidasi shunaqa ekan, biz buni keyinchalik bilib oldik). Chiroqqa mahliyo bo'lib tikilamiz. Narigi xonadagilar ham bir nimalar deb shovqinlashadi. Xonaning eng qorong'i burchaklari ham yorishib ketgan, jiyanlarimning og'zi ochilib, qo'llarini u yoq-bu yoq o'girib, barmoqlari orasidagi yorug'likni qiziqib tomosha qilishadi. Sevinchdan yuragim gup-gup uradi, o'zimga sig'mayman... Lampochka deganlari o'rtoqlarimning ko'zida ham yonayotganini ko'raman. Shu xursandchilikka o'rtoqlarim ham chiroq yorug'ida bir kosadan ugra osh ichvolishsa qani? Unday bo'lmaydi, ovqat o'lchog'lik. Noiloj ularni kuzatib qo'yaman... Ugra oshi tomog'imdan o'tmay qoladi...

STAXANOVCHINING GADAVOYI

Ammamning aytishicha, bu yil qish o'tgan yildagidan qattiq kelibdi. Oldiniga qalin qor yog'ib, keyiniga qora sovuq bo'lib, ariqlar taraqlab muzladi. Kolhoz idorasi ro'parasidagi yakka-yu yagona quduq atrofidan katta-yu kichik uzilmaydi. Aytishlaricha, qishloqning hamma joyidan quduq qazishgan, lekin shu joydan chuchuk suv chiqqan. Ko'pchilik shu quduqqa ko'z tikkan. Yog'och bochkasi, meshi borlar eshak aravada, chanada Bo'zsuvga qatnaydi. Uning suvi muzlamaydi. Sovuq bo'lganga tez-tez odamning qorni ochadi. Uyda jo'xorimiz ko'p, dasturxondan zog'ora non uzilmaydi. Sherxon aka olib kelib bergan bug'doyni un qilib, ugra oshgagina ishlatib kelardik. Uyam tugagan, kunimiz jo'xori yormasiga qolgan. Echkimiz sutdan chiqqan, ammo bo'g'oz. Bahorda tug'gan bitta bolasi bor, u semirib ketgan, taka. Ammam takani so'yib yesakmikan yo sotib, un olsakmikan, deb ikkilanadilar.

– So'ya qolaylik, opa, dalaning issiq ovqatidan keyin men hali go'sht yeganim yo'q, ukalarimniyam ichi yalanib ketdi. Gadavoyga bir arava bug'doy beramiz deyishdi-ku, – deydi Saodat opam. Shunday deb entikib, o'zicha suyunib, o'sha kun tezroq kelishini Xudodan so'rab shiftga qarab qo'yadi. Chakka o'taverib qorayib ketgan to'sinlarni ko'zdan berkitish uchun shiftga gulli qog'oz qoplatganmiz. Qayerdan ham qoplatdik ekan, sichqonlar qog'oz ustida u yoqdan bu yoqqa shir-shir yurib, tinchlik bermaydi. Ular ham och...

Gapga quloq solib o'tirgan Yo'ldosh jiyanim hiqillaydi:

– Oyi, go'sht yeymaaan...

– Voy, handalak degin, uka, go'shtdan keyin handalak ja ketadi-da, – kuladi Saodat opam.

– Oyi, handalaak...

– O'ldiraman sen qizni, – mushtini do'llaytadi ammam.

Yo'ldoshning yoniga Ergash qo'shiladi:

– Ҳандала-а-ак...

– Сен энди қулпинай сўра-да, укажон, дастурхонимиз бир шоҳона бўлиб кетсин, – ҳиринглайди Саодат опам.

– Қулупнай ейма-а-ан...

Аммам билан Саодат опам бирпасда қий-чув бўлиб қолади. Жиянларим кўрқиб кетиб, хархашани бас қилишади.

Шундай кунларнинг бирида бугун гадавой бериларкан деган гап тарқалди. Саодат опам икковимиз уйдаги қопу қанорларни йиғиштириб, омборхонага чопдик. Борсак, машинадан қоп-қора-қоп-қора дум-думалоқ бир нарсаларни омборхона ҳовлисига тушириб ётишибди. Билсак, улар қора тарвузлар экан. Жуда катта, катта-а-а. Чўл жойда битганмиш. Биттасини бир кишимас, икки-уч киши ҳам кўтара олмайди. Тарвузлар тош қотиб, музлаб бўпти. Машинадан гурсиллаб ерга тушяпти-ю, ёрилмайди. Гадавойга теккани шу экан. Колхозчилар далада еган иссиқ овқатига қарз бўлиб қолганмиш. Келганлар ҳафсалалари пир бўлиб, қўл силтаб кета бошлашди. Бир арава буғдой илинжида келган стахановчи Саодат опам икковимиз бир-биримизнинг пинжимизга тиқилиб туриб қолди. Тарвузни олсак ҳам, олмасак ҳам Мирсаид ака барибир олди деб ёзар экан.

– Юринг, опа, кетайлик, совқотдим, – дедим ичимдан қалтироқ туриб. Мен ўзимдан ҳам кўра Саодат опамни аярдим. Ахир, умид билан кутганлари музлаган тарвуз бўлиб чиқди-да. Кечалари ухламай уч юз килолаб пахта терганлари, Стахановчи деб газетада мақталганлари – бари ёлғон бўлиб чиқди-да.

Саодат опам совуқдан кунишиб, чиллакдек оёқлари букилиб-букилиб йиғлай бошлади.

– Йиғламанг-е, битта сизмас-ку, гадавой олмаган, ана, ҳамма индамай кетиб боряпти-ку, юринг-е бизам уйга кетдик, – деб кистайман.

– Опамга нима дейман, укажон, жўхорига буғдой алмашайлик деганида мен унамагандим, энди нима бўлади, нима еймиз? – Саодат опам оппоқ қор устидаги тарвузларга илинж билан қаради-да: – Юр, укажон, анави тарвузлардан биттасини бўлсаям думалатиб олиб кетайлик, муздан тушса, укаларим билан еймиз, – деди.

Ўша куни ҳўл қор ёққан эди, тарвузни думалатганимиз сари қор ёпишиб, салда эплаб бўлмай қолди. Охири ариққа тушириб юбордик...

– Шуям насиб қилмади-я, укажон, – деди Саодат опам пикллаб. Совуққа қотиб, бўш қопларни қўлтиқлаб уйга қайтдик. Саодат опам иситмалаб, ётиб қолди...

Аммам такани сотиб, пулига бир қоп ун олди, энди шу билан худо хоҳласа тут пишиғига етиб оларканмиз...

(Китоб давом этади)

– Handalaaak...

– Sen endi qulpinay so'ra-da, ukajon, dasturxonimiz bir shohona bo'lib ketsin, – hiringlaydi Saodat opam.

– Qulupnay yeymaan...

Ammam bilan Saodat opam birpasda qiy-chuv bo'lib qoladi. Jiyanlarim qo'rqib ketib, xarxashani bas qilishadi.

Shunday kunlarning birida bugun gadavoy berilarkan degan gap tarqaldi. Saodat opam ikkovimiz uydagi qop-u qanorlarni yig'ishtirib, omborxonaga chopdik. Borsak, mashinadan qop-qora-qop-qora dum-dumaloq bir narsalarni omborxonaga hovlisiga tushirib yotishibdi. Bilsak, ular qora tarvuzlar ekan. Juda katta, kattaaa. Cho'l joyda bitganmish. Bittasini bir kishimas, ikki-uch kishi ham ko'tara olmaydi. Tarvuzlar tosh qotib, muzlab bo'пти. Mashinadan gursullab yerga tushyapti-yu, yorilmaydi. Gadavoyga tekkani shu ekan. Kolxozchilar dalada yegan issiq ovqatiga qarz bo'lib qolganmish. Kelganlar hafsalalari pir bo'lib, qo'l siltab keta boshlashdi. Bir arava bug'doy ilinjida kelgan staxanovchi Saodat opam ikkovimiz bir-birimizning pinjimizga tiqilib turib qoldi. Tarvuzni olsak ham, olmasak ham Mirsaid aka baribir oldi deb yozar ekan.

– Yuring, opa, ketaylik, sovgotdim, – dedim ichimdan qaltiroq turib. Men o'zimdan ham ko'ra Saodat opamni ayardim. Axir, umid bilan kutganlari muzlagan tarvuz bo'lib chiqdi-da. Kechalari uxlamay uch yuz kilolab paxta terganlari, Staxanovchi deb gazetada maqtalganlari – bari yolg'on bo'lib chiqdi-da.

Saodat opam sovuqdan qunishib, chillakdek oyoqlari bukilib-bukilib yig'lay boshladi.

– Yig'lamang-e, bitta sizmas-ku, gadavoy olmagan, ana, hamma indamay ketib boryapti-ku, yuring-e bizam uyga ketdik, – deb qistayman.

– Opamga nima deyman, ukajon, jo'xoriga bug'doy almashaylik deganida men unamagandim, endi nima bo'ladi, nima yeymiz? – Saodat opam oppoq qor ustidagi tarvuzlarga ilinj bilan qaradi-da: – Yur, ukajon, anavi tarvuzlardan bittasini bo'lsayam dumalatib olib ketaylik, muzdan tushsa, ukalarim bilan yeymiz, – dedi.

O'sha kuni ho'l qor yog'gan edi, tarvuzni dumalatganimiz sari qor yopishib, salda eplab bo'lmay qoldi. Oxiri ariqqa tushirib yubordik...

– Shuyam nasib qilmadi-ya, ukajon, – dedi Saodat opam piqillab. Sovuqqa qotib, bo'sh qoplarni qo'ltiqlab uyga qaytdik. Saodat opam isitmalab, yotib qoldi...

Ammam takani sotib, puliga bir qop un oldi, endi shu bilan xudo xohlasa tut pishig'iga yetib olarkanmiz...

(Kitob davom etadi)

84(50')6
M 22

Malik, Erkin.

Bolalik va o'smirlik ko'chalari/ E. Malik:
Qissalar. 1-kitob. – Toshkent. «O'qituvchi»
NMIU, 2019. – 488 b.

ISBN 978-9943-22-360-8

UO'K. 821.512.133-3
KBK 84 (50')6

Erkin Malik
**BOLALIK VA O'SMIRLIK
KO'CHALARI**

(Qissalar)
1-kitob

„O'qituvchi“ nashriyot-matbaa ijodiy uyi
Toshkent – 2019

Muharrir *Nigora O'rolova*
Rassom *Uyg'un Solihov*
Texnik muharrir *Nodir Mirzayev*
Musahhah *Zuhra Inyaminova*
Kompyuterda sahifalovchi *Oygul Fozilova*

Nashriyot litsenziyasi AI №012. 20.07.2018. Original-maketdan bosishga ruxsat etildi 05.07.2019. Bichimi 60×90¹/₁₆. Kegli 11 shponli. "Segoe UI" garniturası. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset qog'ozi. Shartli b.t. 30,5. Hisob-nashriyot t. 28,71. Adadi 5000 nusxa. Buyurtma №208-19

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligining „O'qituvchi“ nashriyot-matbaa ijodiy uyi. Toshkent–206, Yunusobod tumani, Yangishahar ko'chasi, 1-uy. Shartnoma № 226-18

19/02/33

24(55)5

O'tmishdan xotiralar

ERKIN BOLALIK VA
MALIK O'SMIRLIK
KO'CHALARIDA

БОЛАЛИК ВА ЭРКИН
ЎСМИРЛИК
КЎЧАЛАРИДА МАЛИК



„O'QITUVCHI“ NASHRIYOT-MATBAA
IJODIY UYI DAVLAT KORXONASI



Toshkent, 100206,
Yangishahar ko'chasi, 1-uy



E-mail: info@oqituvchi.uz
Web-site: www.oqituvchi.uz



Tel: (+99871) 224-04-12
Faks: (+99871) 224-05-61



t.me/uqituvchi_nmiu

ISBN 978-9943-22-360-8



9 789943 223608